

Одил **ЁҚУБОВ**

Оққушлар,

ОППОҚ

қушлар ...


Роман

Тошкент

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1988

10 18792
392

Рассом Маркос Карпузас



10

Еқубов, Одил.

Оққушлар, ошноқ қушлар...: [Роман]. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. — 336 б.

Ўзбекистон ССР халқ буювчиси Одил Еқубовнинг «Оққушлар, ошноқ қушлар...» романи юксаклари мамлакатимизда сўнгги йилларда юз бераётган ўзгаришлар билан ҳамохандир. Ҳалоклик, поклик билан кечирилган умр, минг машаққатларга дуч келмасин, нурилик, нопоклик билан кечирилган умр эса, минг «бўёқларда товланган» бўлмасин, шарафсиз яқин топиди. Романини ўқир экансиз, бу ҳақиқатга яна бир марта амин бўласиз.

Яқубов А. Белые, белые лебеди: Роман.

4702570200—127

Я $\frac{\quad}{\quad}$ 22—88

М352 (04) — 88

Ўз2

ISBN 5—635—00086—6

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 й.

Биринчи боб

(1)

Тиригимда кадримини билмадипгиз, жўражом,
Улгандан сўнг хоҳ билинг, хоҳ билмангиз, жўражом.

(Халқ қўшигидан)

Мана, бир печа ойдирки, Шораҳим шоввознинг хотини Ойсулув қаттиқ бетоб. Сўнгги пайтларда Ойсулувнинг дарди оғирлашиб қолдию икки нарсани орау қиладиган бўлди. Бир — Тошкентга тушиб, катта докторларга кўринса, иккинчиси — қишлоқдан ўттиз-ўттиз беш чақирим наридаги ҳазрат Уккоша қабри ёнида топилган иссиқ сувга тушса.

Шораҳим шоввоз хотинининг иккинчи истаги тагида бошқа нарса борлигини сезади: иссиқ сув баҳона, ҳазратларнинг қабрини зиёрат қилиб, бир кеча қўнсаю унинг гўё шифобахш булогидан бир коса сув ичса!

Шоввоз ҳеч қачон художўй бўлган эмас, мана, олтмишга яқинлашяпти ҳамки, намоз нималигини билмайди. Шу боисдан Ойсулувнинг кейинги истагига ичида кулиб қўя қолди, биринчи тилаги, яъни Тошкентга тушиб, катта докторларга кўриниш орзуси эса... сабаби тирикчилик, қўли тегмади. Агар қўли тегиб, пойтахтга олиб тушгудек бўлса ёрдам берадиган ёр-биродарлари топилади. Унинг фронтчи дўсти, болаликда мана шу қишлоқда ошиқ ўйнаб вояга етган оғайнисен Расул Нуриддинов ўнлаб китоблар ёзган таниқли олим, пойтахтда бообрў одам. Шоввознинг имони комил, агар у йўқлаб боргудек бўлса, Расулжон ёрдамини аямайди.

Лекин деҳқоннинг, айниқса боғбоннинг иши мушкул. Эрта баҳор токни кўтариб, ишкомларга ўрдири, анору анжирларни очиб, тагига тирговичлар қўй, дарахтларнинг тагини юмшат, сув бер, бирини пайванд қил, бирини хомток, дегандек, минг бир иши бор. Ҳосилни йиғиштириб олишни айтмайсизми? Яхшиям, мактаб болалари бор экан, шўрликлар, бамисоли чумолидай тармашиб, жонига ора

киради. Хуллас, у бўлиб, бу бўлиб, токи сўнгги олмаю беҳиларни йиғиб олмагунча хотинининг дардини эшитишга на фурсати, на тоқати бўлди.

Хайтининг ғалати ўйинини қарангки, бугун оқшом уни совхоз директори чақириб қолди. Шунда кутилмаганда ўртадан ўт чиқди-ю, Шоввоз салкам ўттиз йилдан бери бошқариб келаётган ишдан бир аумда айрилди-қолди. Шу ўт сабаб кўклардан бери судралиб келаётган бу мураккаб «масала» ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлди-қўйди.

Рост, директор билан бўлган бу тўқнашув тасодифан эмас, у анчадан бери зимдан пишиб, газак олиб келарди.

Фотиҳ Музаффаров деган бу ёш йиғитнинг директорлик лавозимига ўтирганига кўп бўлгани йўқ, вари борса бир йил бўлгандир. Аслида у Шораҳим шоввознинг фронтчи дўсти, ҳозир «Даштстрой» деган улкан ташкилотни «тур» деб турғизиб, «ёт» деб ётқизиб юрганлардан бири, Музаффар Фармоновнинг арзандаси. У бундан бир-икки йил аввал институтни битириб, совхозга агроном бўлиб келган эди. Олти ой ўтмасданок бўлим бошлиғи лавозимига кўтарилди, бироқ бу лавозимда ҳам кўп ўтирмади. Эски директор пенсияга чиқини билан ўрнига ўтирди-олди. Шу-шу, совхоз олатасир бўлиб кетди. Даставвал муовинлар ўзгарди, кейин янги бош инженер, янги бош механик, янги бўлим бошлиқлари келди, бир печта бригадирлар алмаштирилди.

Фотиҳ Музаффаров, гарчи отаси билан Шоввоз эски кадрдон эканини билса ҳам, печундир дастлабки кунларданок уни унча хушламади. Янги директорнинг «бу одам шунча йил отга мингани етар, энди навбатни ёшларга берсин», деган гаплари Шораҳимнинг қулогига чалиниб юрган эди, бугун бу гап кутилмаган бир вазиятда ҳақиқатга айланди-қолди.

Шоввоз кирганида идора олдида одам гавжум — директор ҳамма бўлим бошлиқлари, агрономлар, ҳамма бригадирларни чақиртирган экан. Кўплар тўғри даладан келган — оёқларида эски кирза этик, эгниларида пахталик фуфайка ё эски тўн, соч-соқоллари ўсиб кетган, кўзлари киртайган, аксари асабий, чунки илгари олинган мажбурийятлар устига яна қўшимча мажбурийятлар юкланаётган экан.

Навбат Шоввозга келди. Фотиҳ Музаффаров, эғнида ўзига ярашиб тушган кулранг костюм, янги мебель билан жиҳозланган кенг хонанинг ўртасида, қўлларини орқасига қилиб, қаққайиб турарди.

У отаси Музаффар Фармоновнинг батамом акси: дадаси юм-юмалоқ, бақалоқ бўлса, бу хушқад, ушсурат, унинг вужудидан ёшликка хос куч-гайрат ва шиддат ёғилиб туради. Хованинг тўридаги раиғ-бараиғ телефонлар терилган кўзгудай ялтироқ столнинг бир ёнида Нўлатхўжа дегаи, доим катта папка кўтариб юргани учун Нўлат папка, деб доғ чиқарган бош бухгалтер, бир томонида... Шоввознинг келини Меҳринисо аллаималарни ёзиб ўтиришарди.

Шоввознинг ўғли Шоқосим билан келини Меҳринисо, бири инженер, бири олий маълумотли агроном, мапа бир печа йилдирки, қишлоқдаги иссиқ жойларни ташлаб, совхознинг дашт участкасига чиқиб кетишган. Даштда ҳам ишлари ёмон эмас эди, лекин директор шу йил кўкламда ёш кадрларни кўтариш баҳонасида, Меҳринисонини даштдан чақириб олиб, маҳаллий комитетга раис қилиб қўйган, шундан бери ўғли Шоқосим изтиробда, сабаби, қишлоқда директор билан келини атрофида аллақандай понок гаилар айланиб қолган эди. Бу нарса Шоввознинг ҳам ҳамиятига тегиб, оромини бузган, бузмасдан иложи ҳам йўқ, чунки Меҳринисо ҳали ёш, кўҳлик, дарахтнинг учи эса шамолсиз қимирламайди.

Шоввоз кириши билан Меҳринисо ўрнидан турди-да, бошини бир томонга эгганича, тез юриб ташқарига чиқиб кетди, келини ёнидан ўтаётганида Шоввознинг димоғига «гуи» этиб, позик атир ҳиди урилдию унинг эсига ҳалиги мишмишлар тушиб, юраги бигиз санчилгандай оғриди.

Фотиҳ Музаффаров, ҳануз қовоғи солиқ, Шоввоз билан бош ираб саломлашди-да, эшикдан кирган жойдаги янги, сарғиш диванга ишора қилди: «Ўтиринг!»

Шоввоз директор кўрсатган жойга омонатгина чўқаркан, беихтиёр атрофига ҳайратланиб қаради. Алмисоқдан таппи бу шифти баланд, ўрдадай келг хонада аввалги жиҳоздан битта миҳ ҳам қолмаган. Стол-стул, шкаф ва диванлар уёқда турсин, раиғ-бараиғ телефонлардан тортиб, оғир қизғиш дарпардаларгача ҳаммаси янги, асил, қимматбаҳо, шоҳона эди. Шоввоз бултур ёзда Фотиҳнинг отаси, ўз оғайниси Музаффар Фармоновнинг «Даштстрой»даги кабинетини кўриб шундай лол қолганди. Рост, бировни ёмонлаш не керак? Ўшанда оғайниси Музаффар Шоввозни очик юз билан қарши олган, Шоввоз ундан боғ ишларига жуда қўл келадиган митти чех тракторини сўраб борган эди, Музаффар йўқ демай илтимосини дарҳол тўғрилаб берганди. Бу бўлса...

Фотих Музаффаров бир-бир босиб кабинетнинг ўртасига борди-да, юришдан тўхтаб:

— Олмадан неча тонна бор? — деб сўради паст, ammo ўктам ва таҳдидли товушда.

Шоввоз директорнинг гўё ўзини билиб-билмаганликка олаётганидан ранжиб:

— Олма? — деди титрай бошлаган қўллари билан тиззаларини қаттиқ чапгаллаб. — Қанақа олма?

— Қанақа бўларди? Семиренко, розмарин!

Шоввоз мийигида кулди.

— Бу гапингиз қизиқ бўлди-ку, ука!

— Нега қизиқ бўларкан?

— Негаки, олманг аллақачон топшириб бўлганимизни яхши биласиз. Плани бажарганмиз.

— Плани бажаргансизми, йўқми, — деди Фотих Музаффаров, Шоввознинг гапини шартта кесиб, — яна икки тонна олма, икки тонна узум берасиз! Совхоз плани тўлмайшти! Тамом. Вассалом!

Шоввоз ўз қулоқларига ишонмай чанг киприкларини пириратиб, рўпарасида қоядай қаққайиб турган ёш директорга қаради.

— Бу гапингиз галати бўлди-ю? Ё каминга ёз бўйи олма, узумни давлатга топширмай уйимга ташибманми?

Фотих Музаффаров бетоқат қўл силтади:

— Мен уёғини билмайман. Гапини резинка қилиб, чўзаверманг. Топасиз дедимми — топасиз!

Гапга Пўлат папка аралашди. У гўё ёш директорнинг дағаллигини сал юмшатгиси келгандай:

— Узил-кесил бир нарса дегунча бир нав ўйлаб кўринг, Шоввоз! — деди мулойим товушда. Бироқ унинг мулойим овози Шоввозга бамисоли офтобда қовжираб ётган шох-шаббага гугурт ёққалдай таъсир этди.

— Нимани ўйлаб кўраман? Дарахтда олма тугуя япроқ ҳам қолмаганда... йўқни қасқдан йўндираман мен?

— Менга қолса... бозордан олинг! Давлат дўконидан сотиб олинг!

— Нима дединг? — Шоввоз шартта ўрнидан турди. Директор ранги ўчиб, сал орқага чекинди.

— Нега ўдагайлайсиз? Сиз директорми ё менми?

— Йўқ, шовшма! — деди Шоввоз, ҳамон қалтираб. — Дўкондан олма сотиб оладиган... ўгри миллионерманми мен?

— Сенсираманг! Ишлайман десангиз — топасиз!

— Уғирлик қил демоқчимисан? Мен унақа... кўзбўйма-чилик қиладиган қаллоблардан эмасман! Керак бўлса... ана, бригадирлигингни ол!

Директор негадир тез юриб, стол ортига ўтди, ўтиши билан худди падари Музаффардай қорини дўшайтириб:

— Бўпти! — деди пичоқдай кесиб. — Ишни эвлай оямас экансиз, топширинг бригадирликни!

Шоввоз ҳазон ёнишган чопонининг этагини қоқиб, эшикка қараб юрди.

— Менинг топширадиган ҳеч вақом йўқ! Битта шийнон бўлса, ана турипти боғда! Ҳеч ким орқалаб кетмайди. Одамнинг юбор — қабул қилиб олаверсин! — Шораҳим эшикни қарсиялатиб ёниб хонадан чиқди. Лекин чиқишга чиқди-ю, мана, бир неча соатдирки, ўз боғи олдидаги сойликда, хаёлан ҳамон ёш директор билан олишиб, ўз ёғига ўзи қовурилиб ётибди.

Кўкда, қоқ пешонада, худди улкан оқ қовунининг бир паяласидай ошноқ ой оламни аллақандай осуда, майини, кумушранг ёғдуга гарқ қилиб ярқираб турибди. Кўкдамда гурқираб тошқин оқадиغان сой, гарчи ҳозир кеч куз бўлса ҳам, хануз ям-яшил, сутдай ёруғ. Жимжит. Фақат у ер-бу ерда ўтлаб юрган отларнинг кирт-кирт ажриқ чайнашию кавиш қайтариб ётган сигирларнинг оғир ҳансиранлари кулоққа чалинади, холос.

Ҳа, фиғони чиқмай нима қилсин Шоввоз. Мана, салкам ўттиз йилдирки, ором нималигини билмай, ўзи уёқда туриб, бола-чақасининг ҳам ҳаловатини ўйламай, анов ташландиқ адирни боғ қиламан деб умри ўтиб кетса-ю, кечагина тухумдан чиққан бу жўжахўроз уни бесабаб, бегуноҳ ишдан ҳайдаса! Тагин нима учун дег? Қингир йўлга юрмагани учун! На салкам ўттиз йиллик меҳнатини инобатга олса, на отаси билан эски кадрдонлигини ва на пешона тери билан орттирган орден-медалларини! Биттагина олма билан узумни ёзгача сақлаш усуллариини топгани учунгина қанча ёзишган эди уни! Ҳосилдорликда қўйган рекордлари-чи? Қишши қиш, ёзни ёз демай кетмон урганлари-чи? Наҳот бунинг бирортаси инобатга олинмаса! Йўқ, олинади! Кеча келиб, бугун катта совхозга хўжайин бўлган бу ўпка чучварани хом санабди! Агар Шоввоз арз қилиб борса, унинг арзини эшитадиганлар бор! Районда ҳам бор, областда ҳам! Кўчада қолган одам эмас, Шораҳим шоввоз!..

Валекин... Йўқ, у ҳеч қаёққа бормади! Ҳеч кимга арз қилмайди! Керак бўлса ўзлари суриштиришсин! Ким ҳақ,

ким ноҳақ — ўзлари ҳақиқат қилишсин. Шоввоз ўз қадри-ни билади! Агар катталарга ҳалол деҳқон керак бўлса ўзлари йўқлашсин! Йўқлашмаса Шоввоз уларсин ҳам бир куни-ни кўради! Шу бригадирликни пешонасига ёзиб қўймагандир унинг? Бригадир бўлса — беш-олти йил бўлди. Унгача салкам йигирма беш йил оддий боғбон эди. Керак бўлса тагин, ўша ишини қилаверади. Буёғи пенсия ҳам яқинлашиб турибди. Наридан борса икки йил қолди. Беш сўм ортиқ олмас беш сўм кам олар. Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Фақат... йўқ, ҳозир ишдан ҳайдалгани эмас, бошқа бир нарса кўнглини гаш қиляпти унинг! Нимаямдир қийпаяпти уни! Ҳа, эсига тушди! Ўғли билан келини!.. Директор, чамаси Шоқосимни чақирмапти бу мажлисга! Чақирганда йигилганлар орасида бўларди, Шоввоз уни кўрарди! Шоқосимни чақиринмапти-ю, келини Меҳринисо бўлса... худди тўйга ясангандай ясашиб, позик атирлар сениб олибди!..

Шоввознинг кўз олдига беихтиёр ўгли Шоқосим келди. Назарида у ҳам шу тонда, ўз шийловиди осмонга тикилиб, қовурилиб ётгандай туюлдию дағал бармоқлари беихтиёр чўқмор бўлиб тугилди.

Келини Меҳринисо — тошкентлик. Ўғли иккиси ўқиш даврида топишган. Меҳринисо ота-онасининг розилигисиз, Шоқосимни деб Тошкентдай шаҳри азимни ташлаб келган. Улар бир-бири билан шундай ипоқ эдиларки, худди икки кабутарга ўхшар, Шоввоз билан Ойсулув уларнинг ипоқликларини кўриб, қувончлари ичларига сиғмас эди. Ўғлинг аҳмоқ бўлса ҳам келининг доно бўлсин, деганларидек, келинлари ёмон эмас, ақли ҳуши жойидагига эди, анов зўравон отанинг мана бу эркатой зурриёти келди-ю, икки кабутарнинг ўртасига калхат бўлиб тушди! Нима мақсадда қилди бу ишни? Наҳот қишлоқда тарқалган анов манъум мишмишлар ҳақиқат бўлса! Йўқ, нима бўлгандаям бу ишни шундай қолдириб бўлмайди! Бу ўпканинг отасига, Музаффар Фармонга боради Шоввоз! Ҳар қалай, ҳозир худо бўлсаям бир маҳаллар шу қишлоқда, шу сойда ёнгоқ ўйнаб катта бўлишган, кейин бирга урушга кетишган. Ўша, ҳозир Тошкентда катта олим деб ном чиқарган Расул Нуриддинов учови япони урушида бирга бўлишиб, Гоби саҳросию Хинган тоғларидан бирга яёв ўтишган! Борса ганига қулоқ солади Музаффар! Қулоқ солмай кўрсин-чи, қани!

Шоввоз юрагини тилка-пора қилган бу воҳуш ўйлардан мияси говлаб, ниҳоят, ўрнидан турди. Шунда пайқади: ҳар жой-ҳар жойда хўрозлар қичқира бошлаган эди.

У ҳовлига кирганида, хотини Ойсулув айвонда, икки ёнида уйқуга кетган икки набираси, тўшақда иягини тиззасига қўйиб, мудраб ўтирарди. Чамаси, уни кутавериб кўзи илинган бўлса керак, Шоввознинг қадамларидан ҳам уйғонмади. Шоввоз, бир оёғи айвонда, бир оёғи пастда, бир лаҳза хотинига тикилиб қолди.

Елкасида чопон, бошида оқ тивит рўмол, иягини тиззасига қўйганича мудраб қолган Ойсулув ойнинг оппоқ шуъласида гўё оқ мумдан ясалган мунгли бир қушчани эслатарди. Унинг узунчоқ, озгин юзида, чопон тагидаш туртиб чиққан елкаларида, қоқсуяк вужудида, шундай увсиз бир дард бор эдики, Шоввоз, тўсатдан умри бино бўптики, ишиш деб, хотинининг биттаю битта орузини ҳам рўёбга чиқармаганини эслади. Эслаши билан бу мунгли қушча олдида, хотинининг хатарли хасталиги олдида ўзининг ҳозирги ўйлари, ишдан ҳайдалдим, деб чеккан изтироблари — ҳаммаси сариқ чақага арзимайдиган бир парса эканини аниқлади-ю, ўзидан нафратланиб кетди.

«Обораман! Иссиқ сувга ҳам обораман. Керак бўлса Тошкентга, катта докторларга ҳам!»

Тошкентли ўйлаши билан пегадир эсига фронтчи дўсти Расул Нуриддиновнинг қизи Нигора тушди.

Нигора ҳам отасининг изидан бориб, илминг кетига тушган, ёз бўйи тоғда, ўша иссиқ сув чиққан ҳазрат Уккоша қабри ёнидаги эски қалъа харобаларида бир нималарни қидириш билан овора эди.

Кичкиналигида Нигора марҳум бувисининг қўлида ўсган, бувисининг, яъни оғайниси Расулларнинг боғи эса Шоввозларнинг боғига туташ эди. Шу сабаб Нигора Шоракимнинг қизлари билан бирга ётиб, бирга туриб катта бўлган. Узиям жажжигина бир қизалоқ эди. Бу йил ёзда кўрса... Нозиккина, ёқимтойгина бир жувон бўлибди. У ёзда бир неча марта келиб, бир кеча, ярим кеча тунаб кетганди. Шу боисдан бўлса керак, Шоввоз ҳозир Ойсулувни Тошкентга олиб тушиш ҳақида ўйларкан: «Бир йўла Нигорани ҳам кўриб, унга айтиб қўйганим маъқул: дадасига хат ёзиб боришимиздан уни огоҳ қилиб қўйсин, шаҳар жойда бировникига бехосдан бостириб боришдан ёмони йўқ», деган фикр кўнглидан ўтди.

У айвон чеккасига ўтириб, этигини ечди-да, невараларини уйғотиб юбормаслик учун яланг оёқ шарпасиз одимлаб, хотинининг ёнига ўтди.

Ойсулув чўчиб бошини кўтарди.

— Тагин тонготар мажлис бўлдимиз?

Шоввоз хотинининг раиғнар, сўлғин юзига, чуқур ботган дардли ниғоҳига тикилдию юраги «шиғ» этиб, елкасидан қучгиси келди, бироқ иймапти. Бу озғин елкаларни қучиб, рўмол тагидан чиқиб турган бу кулранг сочларни силамаганига неча йил бўлди?

— Тараддудингги кўравер, Сулувжон, эртага иссиқ сувга олиб чиқаман.

— Қайси сув?

— Қайси бўларди? — кулди Шоввоз. — Уша, ўзинг айтиб юрган ҳазрат Уккоша қабри ёнидан топилган иссиқ сувга-да!

Ойсулувнинг муңгли кўллари ойдинда аллақандай чақнаб кетди.

— Нечук худо ёрлақади! Богингизни ташлаб, а?

Шоввоз унинг оёқлари тагига ёпишлади.

— Падарига лаънат ҳаммасиви! Айтяпман-ку, ҳозир-лигининг кўравер деб! — деди у, лекин бари бир Ойсулувнинг юзидаги тапшин аломати ўчмади.

— Тинчликми ишқилиб?

Шоввоз катта дағал кафтини хотинининг ишгичка чайир кафтига қўйди, аллақачон эсидан чиқиб кетган илиқ бир меҳрдан томоғи гип бўғилиб:

— Мен бемеҳрип кечир, Сулувжон! — деди дудукланиб. — Мен сени... Сен шўрликнинг қадригини... хулласи калом шайланавер. Эрталаб йўлга чиқамиз!

У ёшлик чоғларида, бир аразлашиб, бир ярашиб юрадиган пайтларида айтадиган ва одатда Ойсулувни ийдириб юборадиган сўзларни айтмоқчи эди, бироқ... ё тавба! Кўпдан айтилмаган бу сўзлар батамом ёдидап кўтарилипти! У кўнглига қуйилиб келган иссиқ меҳрни ифодаланга ожиз эканини сизди-да, хотинининг озғин, қоқсуяк кафтини лабига босди, сўнг тескари ўгирилиб олди.

(2)

Эрталаб уни Ойсулув уйғотди. Тонг отган, боғ этагидаги терак учлари гўё нафис қизил бўёқ юритилгандай ялтиллаб кетган эди.

Шоввоз хотинига қаради-ю, бир лаҳза лол бўлиб қолди. Ойсулув узун оқ шойи кўйлак, унинг устидан хипчабел қора духоба камзул кийган, бошида оқ шойи рўмол, оёғида бир маҳаллар «амиркон» деб аталгувчи юмшоқ, ялтироқ маҳси билан бежиримгина ялтироқ кавуш... Ўзиям кўз-

ларига сурма қўйган, захил, ранглар юзига хиёл қизиллик югуриб, ёшликда не-не йиғитлар, ҳатто анови ҳовлиқма Музаффар Фармоновгача ниҳона кўнгли қўйиб юрган Ойсулувнинг ўзгинаси бўлмаса-да, ҳар қалай маъсум ёшлик чоғларини эслатиб турарди. «Ёширай. Яхши эр хотини билан отини ҳоритмайди, дегувчи эдилар, бу шўрликни жуда ҳоритиб қўйган эканман-да, мен подои?»

— Туринг! Катта уйга икки челақ иссиқ сув қўйиб қўйдим, ювиниб, кийимларингизни алмаштириб олинг, — деди Ойсулув, юзига яна қизиллик югуриб. — Поклавиб чиқайлик сафарга!

Шоввоз бирдан кўнгли сув ичгандай ёришиб, Ойсулувни бағрига тортгиси келди-ю, хотинининг: «Бачкана бўлмаиғ! Набираларингизни уйғотасиз», деган маънодаги имосига бўйсувиб, ўзини тийди.

Ойсулув ичкари хонанинг тағига бўйра тўшаб, катта мис жом билан икки челақ иссиқ сув ҳозирлаб қўйган экан. Шоввоз иш-иш деб, ҳанузгача уйида битта мўрча ҳам қуролмагани эсига тушиб, яна ўзидан ранжиди-да, бир амаллаб ювинди, соқол-мўйлови кирпининг тиканидай ўсиб кетган экан, яхшилаб қиртинвледи-ю, катта тошой нага қараб ўзини танимай қолди: ўп-ўп беш йил аввалги хушсурат, шопмўйлов Шоввоз бўлмаса ҳам, ҳар печук, одамбашара қиёфага кирибди. Боз устига Ойсулув янги тўн, янги этикдан тортиб, янги чуёт дўпингача тахт қилиб қўйган экан, Шоввоз уларни кийиб, ҳовлига чиққанида беш яшар невараси уни кўриб:

— Вой, дадажон! Мунча чиройли бўп кетибсиз! — деб, югуриб келиб бўйшидан кучоклаб олди.

Шоввоз қир этагидаги бедазор чеккасига арқонлаб қўйган қора қашқасини етаклаб тушди. У бир хаёлида Ойсулувни орқасига мингаштириб ола қолмоқчи эди, бироқ ўйлаб кўриб, бу фикридан қайтди. Сафарда сал бемалол бўлсин деб, гарчи оёғи тортмаса ҳам кўпниси Пўлат папканинг саман йўрғасини сўраб чиқди.

Пўлат писмиқ, одатдагидек, ёстиқдай келадиган қора папкасини қўлтиқлаб, энди уйдан чиқаётган экан, Шоввозни кўриб аввал анграйиб қолди, кейин унинг илтимосини эшитиб, мийигида кулди.

— Кечаси кўрсатган ўйининг ҳам етиб ортар эди-ку, энди ҳазрат Уккошага бало борми?

Шоввоз юзига қон тепиб, қовоғини уйди.

— Биласан-ку, хотиним кўпдан бери дардманд. Шунга... уни иссиқ сувга олиб бориб келсам девдим...

— Иссиқ сув баҳона, дийдор гапимат! Ундан кўра хааратларининг қабрларини эибрат қил келмоқчимиз, деб қўя қол! — Пўлат папка шундай деб қиқирлаб кулди-да, Шоввознинг бирдан кути ўчиб, мўйлови дикрайганини кўриб, дарҳол лаб-лунжини йиғиштирди. — Бўлди, бўлди, огайини! Камина шунчаки, сенга гап тегмасин деб бир айтдим-кўйдим-да, биродар. Сендан аяйдиган отим йўқ. Йўргам бедазорда. Олиб минавер, Шоввоз!

Шоввоз жаҳли чиқса ҳам писмиқнинг боғига ўтиб, йўргасини етаклаб чиқди.

Ниҳоят, уйларига қараб туриш учун чақирилган катта қизлари ҳам етиб келди.

Шоввоз Пўлат папканинг тагдор гапларидан кейин бир оз дили сиёҳ бўлган эди, бироқ Ойсулув йўргага, ўзи қора қашқага миниб, йўлга тушиши билан кўнгли яна сув ичгандай равшан тортиб яйраб кетди.

Терак бўйи кўтарилган офтоб эрталабки салқин хавони илтиб, оламни ҳарир оқиш туманга чулғаган. Боғ устидан қир бағирлаб кетган йўл қаршидаги Қоровултена томон ўрлаб кетди. Унг қўлда, Қоровултенанинг тағида, аллақачон қуриб қолган қайрағоч ва кекса тутлар нароҳида улкан қабристон, чап қўлда — сой соҳили билан қир ўртасидаги кенг сайҳонликда эса, гарчи япроқлари ярим тўкилган бўлса ҳам эрталабки қуёшда гўё ловуллаб ёнган гулхани эслатувчи беқиёс бир боғ ястаниб ётарди. Шоввознинг боғи! Ҳар бир дарахтини ўз фарзандидай севиб парварини қилган, фақат булоқ суви билан эмас, пешона тери билан сугориб вояга етказган Шораҳим шоввознинг боғи!

Шораҳим салкам ўттиз, балки ўттиз беш йил бош кўтармай ишлаган ва нимаси биландир ўз фарзандидай кадрдон бўлиб қолган боғига кўзи тушганида юраги «жиз» этиб, аъзойи бадани жимирлаб кетди, гарчи ишдан ҳайдалган бўлса ҳам шу топда шохларида битта-яримта олма ва беҳилар қолган (Шоввоз уларни жўрттага «чурвақалар» учун қолдирар, улар қишда бу битта-яримта олма-ю, беҳиларни хазонлар орасидан қидириб, қушчалардай чугирлашиб юрганларини кўрганида азбаройи қувонганидан ўзи ҳам болаларга қўшилиб кетарди!) бу сеvimли боғини ташлаб кетиб тўғри қиляптими, йўқми — буни ўзи ҳам билолмай қолди. Ана, аича йироқда, сой бўйида, атрофи сарвлар билан ўралган, олд айвонли серсоя шийпон элас-элас кўзга чалинади, қоровул чол хазон ёқаётган бўлса керак, шийпондан ҳарир кўкимтир тутуни кўтариларди.

Қарап-а! Унинг ўттиз беш йил умри оеуда куз офтоби да эркаланиб ётган мана шу бекиёс богда ўтибди, ўтибди-ю, чеккан шунча заҳматлари, огир меҳнати, уйкусиэ туллари-га қарамай, бу бог шмаси биландир унга ўз зурриётларидан ҳам азиз бўлиб қолибди. Ким билесин, эҳтимол бугун одамлар унинг ишга чиқмаганига ёқаларини ушлаб хайрон бўлишаётгандир. Чунки ўттиз беш йилда нари борса бирикки марта, борики, уч-тўрт марта ишга чиқмагандир!

Шоввоз ногаҳон шундай иккилашиб қолдики, ҳатто қора қашқаринг бошини орқага бургисин ҳам келди, бироқ Ойсулувга ўгринча кўз ташлади-ю, юраги яна кечагидай беиллаб, бу фикридан қайтди... Йўқ, энди ваъдадан чекинмишининг иложи йўқ. Ҳаётининг бир кунини, бор-йўғи бир кунини шу жуфти ҳалолига, Шоввозга бир умр хизмат қилиб ўтган шу муштипар хаста инсонга бағиш-лаш наҳот гуноҳ бўлса?.. Бир кунини-я!

Ойсулувнинг заҳил, рангнар юзи худди уйқудан ҳозир уйғонган гўдакнинг юзидай тивиклашган, қирра бурни, лаблари, чуқур ботган кўзларининг четидаги ажии тўрлари гўё камайган, силлиқлашган. У бот-бот орқасига ўгирилиб қарар, шунда юкка лабларига билинар-билимас кулги югуриб, симобдай милтираган мунгли кўзларида хайратомуз бир ифода жилва қиларди. Фақат Қоровултепа ёлбағридаги қабристонга яқинлашганларидагина нигоҳида қандайдир тараддуд ифодаси пайдо бўлиб, юзини оқ шойи рўмол билан тўсиб олди.

Мана, «Ғойиб ота» қабристони ҳам орқада қолиб, ёлғизоёқ йўл Қоровултепа томон тик ўрлаб кетди. Шу пайт Шоввознинг хаёлини Ойсулувнинг:

— Вой, дадаси, орқангизга бир қарап! — деган хитоби бўлди. — Мунча чиройли бўлмаса бу қишлоқ!

Шораҳим отининг жиловидан тортиб, тўхтатди.

Қоқ ўртасидан катта сой ўтган уякан қишлоқ, бир-бирига туташиб кетган мевазор боглар гўё бешафқат ёнгида қолгандай ловуллаб ёнарди. Қирмизранг ўрикзорлар орасида нафис тилларанг бедазорлар, ҳануз кўм-кўк чинорлар, кумушранг япроқлари ҳали тўкилиб битмаган оқ тераклар кўзга ташлапар, бунинг ҳаммаси куз офтобининг илиқ нурига чўмилиб, гўё она бағрида эркаланган гўдакдай эркалапар эди. Уй ва қўралар туташ боглар орасида деярли кўринмас, фақат қишлоқ ўртасида бир маҳаллар «Кент» деб аталган қадимги қалъа ўрнидаги мактаб биноси билан ундан сал берироқдаги касалхона ва магазин бинолари элас-элас кўзга чалинарди.

Ойсулув кулимсираб эрига қаради:

— Эсингиздами, уруш йиллари кузда мана шу жойларга чиқиб ёвшап чопардик. Ўшанда кўрардим кузги боғларни! Ундан кейин ҳеч кўрмагандайман.

Ажабо: Ойсулув айни Шоввознинг кўнглидаги гапларни топиб айтганди!

— Йўқ, кўргансан,— Шоввознинг юрагига яна бояги офтобдай илиқ меҳр ҳазини бир куйдай ёпирилиб келди.— Бироқ ҳозиргидай бошингни кўтариб, тўйиб-тўйиб қарамагансан. Сен-ку, бошингда минг бир ташвиш, мен нодон қайда эдим? Ўттиз йилдан бери боғимизга тегиб турган шу қирга чиқиб, ёвбошлаб ётиб, мириқиб бир томоша қилмабман!

Эрининг дилида қўзгалган аламли туғёнларни ҳис этган Ойсулув унга меҳр билан тикилиб қаради, бироқ индамади, тўсатдан «култ» этиб ютинди-да, отининг жиловини қирга бурди.

Ойсулувнинг кўнгли кетган иссиқ сув шу тоғлар қаърида, тахминан ўттиз-ўттиз беш чақирим масофада.

Бу шифобахш сувнинг топилганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. У ҳали давлат назоратига ҳам олинмаган. Шоввоз ҳам сувни кўрмаган, фақат иссиқ сув ҳазрат Уккоша қабри билан ўша, оғайиниси Расул Нуриддиновнинг қизи Нигора илм қиламан деб, сарсон бўлиб юрган эски харобалар ёнида эканлини билар, у ерларни эса ёшлигида кўп кўрган эди. Юқори синфда ўқиб юрган найтларида улар эски қалъа харобалари билан унинг ёнидаги гаройиб сардобага кўп саёҳат қилишган. Аслида у ерларга машинада борса ҳам бўлади, лекин бирламчи, Шоввознинг «Жигули»си ўгли Шоқосимда, иккиламчи, машина йўли жуда айланни, узок. Ундан кўра ота-болалар синовидап ўтган мана шу от яхши.

Қоровултепадан кейин йўл тоққа томон аста ўрлаб кетди. Бу ерларда ёвшап ва қора тиканак билан қопланган пастқам адирлар, чўл гўза экилган кенг сайхонликларга улашиб кетар, сайхонликлар эса яна қирларга бориб туташар эди. Чўлда пахта бу йил яхши бўлмаган, бир қаричгина гўзалар тарашадай қотиб қолган. Кўсақлари қолмаган қорамтир далаларда қўй сурувлари оралаб юрарди.

Шораҳим шоввознинг болалик чоғларида бу ерларга қовуш экилиб, ёзда бутун қишлоқ кўчиб чиқарди. Ҳов анов адирлар устига қамиш капалар, чайлалар қурилар, кечқурунлари тўрлама ва босволдиларининг хушбўй атри, тап-

дирлардан кўтарилган тутун, иссиқ нон, қовурилган гўшт ва пиёзнинг аччиқ, аммо димоғни қитиқловчи ўткир бўйига қўшилиб кетарди-ю, бу бетакрор ҳидни симириб тўймасди киши. Чайла ва қамиш қана атрофидаги кўш-қўш супаларга тоғ-тоғ қовунлар, тарвуз ва қовоқлар уйиларди. Аксарлари қизил гулдор кўйлак кийиб, дурраларини қия ўраб олган қиз-келиндяклар бу қовунларни сўйиб, куп шувоққа ёйишар, қайвони хотинлар эса кун бўйи дошқозонларда қовун курут қайнатишарди, қучоққа сиғмас куз қовунларини тилиб, қовунқоқи қилишарди.

Жазирама ёз палласида ҳам бу ерлардан кечалари гир-гир шабада аримас, бахмалдай тишиқ осмон олмадай-олмадай охиқ юлдузаларга тўлиб кетарди. Айриқса тоғ чоғлари гўзал бўлар, бу пайт шарбатга тўлган тўрламалар тар-тарс ёрилиб, палаклар орасига сочилиб кетар, бу қолув парчаларини қидириб тошиб ейишдан лаазатли нарса бўлмас эди! Илқ куз оқшомлари эса қовун солизларининг ортидаги ху ана у адирлар ёнбағрида улоқ чошилар, тўйларда кўпқари ўйналарди. Шунда йиғитлар қийқириги-ю, отлар дупуридан бу кенг сайхонлик ва ясси қирлар ларага тушарди. Хатто оғир уруш йиллари ҳам бу ерларга бугдой ва арпа экилар, гоҳо бугдойзорлар ичидан чойнакдай-чойнакдай қора қовун ва олачилор тарвузлар юмалаб чиқиб қолар, шунда жазирама офтобда ўроқ ўраётган ёш-яланг ва хотин-халаж қийқириқ билан талашиб-тортишиб ёриб ейишарди. Ажабо, ҳозир, миғ-миғ гектар қўриқ ерлар очилаётган пайтларда бу сувсиз адирга гўза экиш кимнинг хаёлига келдийки? Ундан кўра илгаригидай полиз қилиб, шаҳарларни қовун-тарвузларга кўмиб ташлаган маъқуд бўлмасмикин?

Шоввознинг хаёлини хотинининг:

— Эсингиздами? — деган товуши бўлди. — Эсингиздами, уруш йиллари ёзда шўтларга чиқиб машоқ терардик.

— Эсимда. Сен унда... нима десам бўлади, охудаи хуркак эдинг. Биз гарибнинг бағрини тиглаб қўйиб, қайрилиб ҳам қарамас эдинг!

— Ажаб қилган экамман!..

— Ажаб қилганимсан, йўқми, бари бир қўлимга тушдинг-ку!

— Содда экамман-да, гўллик қилиб тузоғингизга илишиб қолдим!

Шоввоз мўйловини силаб, кулди:

— Қани, илшмай кўргин эди! Қамини ҳам йиғитмисан йиғит эдилар-да!

— Мақтанчоқ! Биласизми, нима сабабдан биринчи марта сизни ёқтириб қолганман?

— Хўш, хўш? — деди Шоввоз, беихтиёр яйраб.

— Мава шу... Ҳозирги ҳисобчи Пўлат папка фронтдан қайтиб, хирмонга қоровул бўлганди. Эсингиздами? Бир куни раҳматли бувим иккимиз машоқ тергани чиқувдик. Ўшанда дадамлардан қорахат келиб, ойимлар юрак ўйноғи бўлиб, ётиб қолган эдилар. Бувим шўрлик етмишдан ошган бўлсалар ҳам рўзгор ўша кишининг елкасида эди...

Шоввознинг юраги тўсатдан «шиг» этди.

— Ҳа, ҳа, эсимда. Сенга ўхшаган озғингина, бўйчангина, мулойимгина кампир эдилар.

— Чиндан мулойимманми?

— Ҳозир деяганим йўқ. Ўшанда жа... мулойим, жа уятчанга ўшардилар, кейин билсам, хўп ичидан нишган шайтон экансан! Ашуладагидек, бир ишва билан бир умр ипсиз боғладинг-олдинг!

— Мен шайтон бўлсам, сиз... олов эдингиз! — Ойсулув гўё ёш келинчақдай қизариб кулди. — Худди шу ерда бувим иккимизга бир яхшилик қилганингиз эсингиздами?

— Қанақа яхшилик? Эсимда йўқ!

— Эсларида йўқ эмиш! Айтдим-ку, мава шу Пўлат папка урушдан қайтиб, хирмонга қоровул бўлиб чиққанди. Ўша куни, энди уч-тўрт кило машоқ терганимизда ногаҳон қай балодан от солиб, устимизга бостириб кеп қолдилару ҳамманинг қопини тортиб ола бошладилар. Оч-ялангоч хотин-халаж, яланг оёқ, яланг бош болакайлар, кампир-чол, майиб-мажруҳлар... қий-чув йиғи кўтарилиди. Шунда, сиз ҳаш-паш дегунча бир сакраб отининг жиловига тармашиб олдингиз!

Ойсулув, худди ўша дамларни қайта бошидан кечираётгандай, кўзлари чақнаб, рангпар ёноқлари лов-лов ёна бошлади.

— Пўлат папка қамчи билан савалаяпти, савалаяпти. Юзингиз тилим-тилим бўлиб, қора қонга беландингиз ҳамки, қани отининг жиловини кўйиб юборсангиз!

— Шу боис ўшандаёқ жигарларидан урган эканмиз-да, аканг қарагай! — Шоввоз гаши ҳазилга бурмоқчи бўлди-ю, буролмади. Ўша мудҳиш манзара тўсатдан ярқ этиб кўа олдига келди-да, Ойсулувнинг ҳаяжони унга ҳам ўтди.

— Эсингизга тушдими энди?

— Тушди... Бошингдаги рўмолингни ечиб, юз-кўларимни артганинг хануз ёдимда... Огриқ эсимда йўқ.

рўмолинг, қўлларинг текканда аъзойи баданим жимирлаб, яйраб кетганларим эсимда...

— Сўнг... Сиз урушга кетгандап кейин, ўша рўмолни... юз-кўзларингизни артганимда қон изи қолган ўша рўмолни то қайтгуниингизча, садиққа солиб асраб юрганман... — Ойсулув пегадир кўзига ёш олди-ю, уялиб юзини четга бурди. Шоввоз яна боягидай юрагига қуйилиб келган илиқ меҳрга бўйсуниб, хотини томон эгилгиси, унинг нимжонгина озғин елкасидан кучиб, бағрига босгиси келди, бироқ бу сафар ҳам нимадир уни тўхтатиб қолди, ўз истагидап кучлироқ эркаклик гурури бунга йўл қўймади. Айни замонда афеус-надоматга ўхшаш бир нарса юрагини тобора қаттиқ қиймаламоқда эди. У пегадир эндиғиша, илиқ куз офтобига ғарқ бўлиб ётган бу тоғ йўлларида ёнма-ён кетаётган шу дамлардағиша, энг масъуд, энг бетакроп ёшлик йилларини унга бахшида қилган бу муштипар аёлнинг қадрига етмаганини, серташвиш умрлари турмуш заҳматлари-ю, тирикчилик гам-ғуссалари тагида кўз очиб юмгунча ўтиб кетганини тобора чуқурроқ англамоқда эди, англагани сайини эса кечадан бери юрагини кемира бошлаган нушаймон тобора ортиб борарди.

— Мана, ўша жой! Эсингиздами, худди шу жойда хирмон бўларди, — Шоввоз Ойсулув кўрсатган тепаликка қаради. Ҳа, доим ғир-ғир шабада эсиб турадиган бу тепалик ёвбагрида ҳақиқатан катта хирмон бўлар, ўрилган буғдой шу ерда янчилиб, сўнгги донигача фронтга жўнатиларди. Шоввоз ўзи тенги ўн беш-ўн олти яшар ўспирилар билан яланг оёқ, тикан босиб, шу ердан эшакда шаҳарга ғалла таширди.

Шоввоз Ойсулувнинг ҳамон ўша дардли эсдаликлар тузоғида эканини сезиб, гапи бошиқа томонга бурди.

— Биз урушга жўнаган кунимиз ёдингдами? Бозор майдонига бутун қишлоқ йиғилганди.

— Мен ҳам бор эдим. Сиз, йигитлар, парвойи фалак адиларинг. Биз шўрликлар эса... орқаларингиздан тикилганча юм-юм йиғлаб қолаберган эдик!..

— Йиғласанг йиғлагандирсан-у, бироқ суратингни сўраганимда бермагансан ўшанда!

— Вой, манов кишини! У маҳалда сурат бериш жуда уят ҳисобланарди-да!

— Менга бермаган эдинг-у, бироқ Музаффарда бор эди суратинг!



— Мен ҳеч қачон... ҳеч кимга сурат берган эмасман!

Ойсулувнинг болаларча содда жавоби ҳам, Шоввознинг дилида қўзгалган рашкка ўхшаш бир нарса ҳам, ҳозир, олтмин арафасида шундай гайритабиий эдики, Шораҳим беихтиёр қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Ғалати нарса экан турмуш деганлари! Ҳозир узоқ ёшликда бўлиб ўтган бу гаплар кулгили бир нарса бўлиб туюляпти. Бироқ ўшанда... ажралмас уч дўст армияда қайтиб келганларидан кейин Шоввоз Ойсулувга уйлашадиган бўлганида, мана шу Музаффар Фармон, Гоби чўлларида тоабат ажралмас дўст бўлиш азмида қасам ичган, ҳозир эса «Даштетрой»нинг устунларидан бирига айланган мана шу Музаффар Фармон, тўй куни аламида қайгадир гумдон бўлиб, ҳаммани қўрқитган, уни бир неча кундан кейин тоғ оралигида маст-аласт ҳолда базўр тошиб келишган эди!..

Рост, кейинчалик Музаффарнинг ўзи бу воқеаларни кулиб эслайдиган бўлди. Институтни битирар-битирмас Соҳибахон деган, қишлоқ аёлларининг тили билан айтганда, суҳсурдай бир қизга уйлашиб келди. Соҳибахон врачликка ўқиган экан. Музаффар Фармон матлубот жамиятига раис, хотини эса касалхонага бош врач бўлди. Музаффар Соҳибахон билан бир неча марта Шоввозларникига меҳмон бўлиб келди, ҳар келганида гўё Ойсулувнинг рашкини келтирмоқчи бўлгандай, Соҳибахонни қимматбаҳо либосларга ўраб, оқинчоқ-тақинчоқларга кўмиб оикеларди. Қим билсин, эҳтимол, ҳақиқатан ҳам Ойсулувнинг дилида душаймон уйғотиш учун шундай қилгандир?

Бу фикр ҳеч қачон Шоввознинг хаёлига келмаган эди, ҳозир шу ўйга борди-ю, ғалати бўлиб кетди.

Йўқ, у билади: Ойсулув унга текканига ҳеч қачон афсус чеккан эмас. Аммо... Шоввоз ёшлигида жонидан ортиқ севиб, ишқиди қовурила-қовурила висолига етган бу содда, оқкўнгил, сулув деса сулув инсон учун нима яхшилик қилди у? Шоввозга тегиб, нима рўшнолик кўрди бу шўрлик?

Энди ўйлаб кўрса, агар келин-куёвлик нурига йўғрилган дастлабки бир-икки йилни ҳисобга олмаганда, уй-рўзгор ташвишлари-ю, қора меҳнатдан бошқа ҳеч нарса ни кўрмабди шўрлик! Қишин-ёзин далада кетмон уйда болачақа ташвини — бу дунёга келиб кўрган бахти шу бўлибди бечоранинг! Ойсулув-ку, оиласи билан фарзандларига

меҳру садоқати сабаб, дунёда шундан бошқа бахт, бошқа дунё, бошқа ҳаёт борлигини ўйламаса ўйламагандир, тўғрироғи, Шоввозга ишониб, умри қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолгандир. Бироқ у-чи? Шоввоз-чи? Бу оддий ҳақиқат нега ўттиз йилдан буён бирор марта ҳаёлига кириб чиқмади? Ўзини ўйламаса, ақалли унга шундай бебаҳо бир севги ишом этган, ёшлик йилларини бамисоли офтобдай ёритган бу пок аёл тўғрисида ўйламоғи даркор эди-ку!.. Валида белбоғи бор эркак учун жуфти ҳалолнинг гамини еб, огирини енгил қилиш ҳам фарз, ҳам қара эди-ку!

Олдинда, навбатдаги қир ёнбағрида, бир тун дўлана кўринди. Шоввоз билар, дўлананинг тагида миттигина булоқ бўлиб, ундан бир ҳовучгина сув оқиб чиқар эди.

— Ке, Ойсулув, дўлана тагида понушта қилиб, бирпас ҳордиқ чиқарайлик. Майда-чуйданг бордир?

— Бор, дадаси...

Шоввоз дўланага етишлари билан отдан сакраб тушиб, Ойсулувни эгардан даст кўтариб олди. У хотинини бағрига босмоқчи эди. Ойсулув уялиб, қучоғидан чиқиб кетди.

Шоввоз хуржунларини олиб, отларини тушовлади-да, ўзи булоқча атрофидаги бел баробар шувоқзорга чўзила кетди.

Офтоб тик тенага келган, лекин унинг ёғдуси гўдак қўлларидай ёқимли, кишининг вужуди, вужудигина эмас, руҳидаги барча губор, кўнгилни гаш қилувчи барча гам-андухни даф этгувчи бир малҳамдай майини, илқ, осуда эди. Роса тобига келиб, ишшиб, дўланадай қизарган шувоқлар, хануз яшил рангини йўқотмаган янтоқлар, ёзги жазирамада қуриб-қовжираб қолган ёвнаш ва чақир-тиканақлар, настда, ўрилган бугдойноялар орасида ёйилиб юрган қўй-эчкилар, овлоқдаги қорли чўққилар — қўйингки, куз офтобининг бу тиниқ ёғдусидан баҳраманд бўлган бутун кенг жаҳон — ҳамма-ҳамма нарсая аллақандай майинлашиб, юмшаб, ажиб бир сокишлик касб этган... Фақат аҳён-аҳёнда, офтоб сиёрак оқ булутлар орасига кирганида у ер-бу ерга соя тушарди, шунда соя тушмаган қир ва адирлар, йироқдаги қорли тоғлар янада гўзал, янада тиниқ кўринарди.

Ажабо: бундан бир ҳафта аввал, байрам кунлари, ҳаво бирдан айвонган, аввал ёмғир, кейин қор ёғиб, ҳаммаи, айвиқса пахтакор деҳқонни қаттиқ ташвишга

солган, ҳосил қор тагида қолиб кетмаса, деган ўй ҳаммаи ваҳимага туширган эди. Йўқ, бир-икки кун ўтмасданок, ҳаво очилиб кетди-ю, мана, бамисоли яна ёз келди...

«Майли, ишқилиб, деҳқоннинг бахтига беш-ўн кун шундай иссиқ бўи турсин, битта кўсак бўлса ҳам ерда қолмасин!» — деди Шоввоз, деди-ю, яна боягидай кўз олдига ўз боғи келиб, юрагига гашлик чўкди. Ҳар қалай, бургага аччиқ қилиб, кўрнага ўт қўйиш тўғри эмас, нима бўлгандаям, меҳнати сингган ишни охирига стказмоғи, тоқларни, апор ва анжирларни ўз қўли билан кўмиб, кимга тоширса ҳам, ҳаммаёқни саранжом-сарашта қилиб топширмоғи лозим эди!

Ойсулув Шоввознинг олдига дастурхон ёзиб, хуржундан иккита патир, ичакка солинган сариёғ, бир хумча қатиқ олиб қўйди-да, ўзи ҳам унинг ёнига ўтирди.

Ойсулувнинг сўлгин юзи, нешопаси, қирра бурнининг четларида тер резалари митти садафдай ялтирар, сурма тортилган кўзларидаги кечаги унсиз ғам аллақандай болаларча бир севиш билан алмашган, гўё орузу қилган иссиқ сунга етмасданок шифо тошган эди!

Шоввоз хотинининг нимжонгина елкасидан қучди. У: «Мени кечир, Сулувжон, севиш олдидга гуноҳкорман!» — демоқчи эди, лекин нечундир бундай дейишга тили бормай:

— Бу тирикчилик деганлари ҳам қуриб кетсин, Сулувжон, — деди хўрсиниб. — Бир кундаёқ енгил тортишилгани билсам, бултур олиб келсам бўлмасмиди?

Ойсулув узун дока рўмолининг учини елкасидан ошириб, орқасига отди.

— Майли, дадаси, эзгуликнинг кечи йўқ, дейишадик-ку! Сизга ҳам қийин. Кўриб турибман-ку, ҳаммасини! Бир кун тинчлик йўқ сизгаям!..

— Надарига лажнат! Инн деб, тирикчилик — тирриқчилик деб олиша-олиша, мана, умр ҳам ўтиб кетибди!

— Майли, шукр қилайлик. — Ойсулув юзидаги тер резаларини артиб, маънос жилмайди. — Бир сўз айтсам... кулмайсизми?

— Нима экан бир сўзинг, хўш?

— Эсингиздами, тўйимиздан уч-тўрт йил кейин... Анов мансабдор оғайнингиз бор-ку, Музаффар ака. Ўша уйланиб, чиройли хотинини олиб келди-ку, уйимизга. Эсингиздами?

— Соҳиббахонни айтисанми? Хўш, хўш?

— Халиги... Тошкентдаги огайнингиз Расулжон акамлар ҳам бор эдилар. Сиз у маҳалда... мўйловингизни бураб, дикрайтириб юрардингиз!..

— Фақат мўйловимиз эмас, ўзимиз ҳам диккайиб юрардик у маҳалда!

— Боя айтдим-ку, кўп мақтанаверманг деб!

— Хўш, хўш? Сен ҳам гаши чўзма, Сулув!

— Сиз, шу икки огайнингиз келса талтайиб кетадиган одатингиз бор эди. Ўшандаям, бошингиз осмонга етиб шартта қўй сўйдингиз. Уларни роса меҳмон қилдингиз. Кейин фронтда юргандаги алламабало ҳангомаларни эслаб, ҳаммамизни роса кулдирдингиз!

— Хўш? Кейин...

— Кейин... Кетаётганларида Музаффар акани хотинлари Соҳибахон мени бир чеккага тортиб, биласизми нима дедилар?— Ойсулувнинг кўзларида аллақандай шўх, бахтиёр учқунлар порлади.— Сиз, дедилар, дупёда энг бахтиёр аёл экансиз, дедилар!

Шоввоз аввал хотинининг сўзига тушуна олмай бир зум анграйиб қолди, сўнг илғаб олди-ю, уни бор кучи билан бағрига тортиб, у юзи, бу юзидан чўлп-чўлп ўпди. Кейин худди ўша, энг масъуд ёшлик чоғларидагидай бошини унинг кўксига қўйди, қўяркан, бир маҳаллар дуркун, тухумдай оппоқ бу сийванинг эди қоқсуякка айланганини кўриб, томоғи гин бўғилди-да, хаёлап кимгадир илтижо қилди:

«Илоё шифо бергайсан Сулувжонимга! Аммо... агар олғувчи бўлсанг, унда аввал мени ол, мени ол, мени ол!»

ИККИНЧИ БОБ

(1)

Нигора ҳазрат Уккоша қабристонини ўраб олган қалин қайрағочзор орасидан чиқди-да, ботаётган офтобнинг сўнгги нурларига ғарқ бўлиб ётган манзарадан кўзлари камашиб кетди.

Тепаликка жойлашган қабристоннинг шундоқ тагида, улар археологик қазишмалар олиб бораётган эски қўрғоннинг ўртасида, ўн беш, ўн олтинчи асрларда қурилган улугвор бинонинг юксак ложувард пештоқларида кечки

шафақни акс этиб, камалакдай товланарди. Қадимий бинодан фақат шу пештоқларгина қолган, бироқ офтобнинг сўнгги нурлари билан ўпишган бу пештоқларнинг ўзиёқ унинг собиқ маҳобати ва мухташамлигидан далолат бериб турарди. Харобанинг ортида, кумуш тасмадай ялтиллаган жилга бўйида, кошинлари кўчиб, сирлари хиралашиб қолган улкан сардобанинг гумбази кўринар, гумбаз ёнида эса экспедициянинг иккита чодири-ю, чо-дирлар атрофида гимираб юрган бир-иккита соялар кўгага чалинарди. Улар — Нигоранинг «кичик қўшини — лашкарлари!» Гир-гир эсан тоғ шабадасидан қуриб-қовжираб қолган қабристон қайрағочлари қоқсуяк тапаларининг оғригида пола қилаётган хасталардай чийиллар, гийтиллар, бироқ пастдаги, ўзан бўйидаги ёш тол, терак ва чинорлар дарёдай шовуллар, шамол тўзгитган япроқлар гўё безовта бўлган гала-гала қирмизи қушчалардай осмони фалакда жавлон урарди.

Нигора бошчилигидаги митти экспедициянинг бу ерга келиб иш бошлаганига, мава, тўрт-беш ой бўлиб қолди. Ўша пайтларда Нигора эри Бехзод билан ё ажрашиб-ажрашолмай, ё ярашиб-ярашолмай, ўзини қўярга жой тополмай юрган эди. Шунда дадаси, чамаси, уни бир оз алаҳситиш ниятида мава шу ишни маслаҳат берди.

Дадаси, санъатшунослик доктори, профессор Расул Нуриддинов уни бу ерларга қизалоқ пайтида ҳам бир неча марта олиб келган. Ўшанда бу кўҳна қўрғону олтиндай товланган анов пештоқлар билан пастроқдаги гаройиб сардоба тўғрисида кўп ривоятлар сўзлаб берган. Дадасининг айтишича, қадим замонларда бу ердан Хитой, Хиндистон ва Хуросонга катта карвон йўли ўтган, бу қўрғон эса ё савдо шаҳри, ёхуд улкан карвонсарой бўлган, акс ҳолда на бу муаззам бино, на анов сардоба қуриларди!

— Билиб қўй, қизим, — деганди ўшанда дадаси. — Бу ерлардан буюк боболаримиз Мирзо Улугбек, Ҳазрат Навоий ва Бобур мирзодай буюк сиймолар ўтган! Уларнинг табаррук пойқадамлари теккан бу ерларга! Сен мава шундай муборак жойда тутилгансан, оппогим!..

Бундан беш-олти ой муқаддам, баҳорда, дадаси уни кечқурун ўз ишхонасига чақирди.

— Кўриб турибман, қизим, — деди дадаси, Нигоранинг оилавий ишларига шама қилиб. — Жуда қаттиқ эзилиб юрибсан. Сенинг эзилганингни кўриб, оинг иккимиз ҳам жуда қийналиб кетдик, болам.

Дадасининг гаплари Нигоранинг юрагидаги ярага туз сепгандай бўлди.

— Дадажон! — деди у ёлвориб. — Мени кўп ўйлайвермангизлар! Қўрқманглар. Мен ўз кунимни ўзим кўриб кетаман. Агар икки фарзандим билан кўчиб келиб, сизларга малол келадиган бўлсам... фарзандларимни олиб кўчиб кетақолай... — Нигора бу гапни айтишга айтди-ю, ичида пушаймон чекди. Дадасининг кўзлари тўсатдан жикқа ёшга тўлди.

— Бу гапларни ўйлаб гапирдингми ё... аламингни қари дадангдан олин учун айтяпсанми, болам? — деди дадаси овози қалтираб. — Фарзанд ота-онага қачон малол кептики, сен билан икки фарзандинг бизга малол келади. Ахир... Сенинг бахтингдан бошқа орзуимиз йўқ эди-ку бизнинг. Не чора? Оқибат бундай бўлди. Бироқ мен бу ишда сенга бир нима дейишга ожизман. Чунки сен қизим бўлсанг, тирногим бўлсанг, эринг Бехзод ўз шогирдим, севиқли шогирдим! Нима қилай, болам?..

Дадаси маъюсланиб, гапиролмай қолди, Нигора ҳам беихтиёр кўзига ёш олиб, отасининг дехқонининг кафтидай ялпоқ, катта кафтларини лабига босди. У шундагина дадасининг бирдан қариб, ҳориб қолганини пайқади. Нигора дадасини жуда кучли, иродали, ҳали чипордай бақувват деб ўйларди. Йўқ, пешонаси, кўзлари тагидаги ажини тўрлари қуюқланиб, сочлари сийраклашиб, қорасидан оқи кўнайиб қолибди.

Бошда бир эмас, бир йўла иккита тўнғич фарзандларидан айрилиб, кўп азият чеккани учунми, бошқами, дадаси Нигорани кичкиналигидаёқ жопидан ортиқ севар, уни қўярга жой тополмасди. Нигора эсини тапибдики, улар ота-бола эмас, бир-бирларидаги сир-асрорлари йўқ икки қадрдон дўстдай самимий гаплашар, шу боис Нигора дадасини оёисидан ҳам яхши кўрарди.

Уша оқшом, ота-бола худди бошларига оғир гурбат тушган икки ажралмас қадрдондай узоқ суҳбатлашишди.

— Мусибатнинг бирдан-бир давоси — меҳнат, — деди дадаси ўша кеча. — Сен институтда, тўрт девор ичида ўтиравермай, бир шамоллаб кел! Шунда, эҳтимол, ҳозир кўзингга оғир фожа бўлиб кўринаётган бу оилавий низо-нифоқлар ўткинчи бир нарса эканини англарсан, қизим. Дунёда ҳал бўлмайдиган нарса йўқ, болам, бошингдаги бу савдо ҳам ҳал бўлиб кетади. Мен айтган кўҳна харобаларда бирор сир-асрор бўлмағи муқаррар.

Буюк аждодларимизнинг пойқадами теккан бу жойлар болалик чоғларинг ўтган қишлоққа яқин. Тўғрисиши айтсам, мен ўзим ҳам бир маҳаллар шу ишга қизиқардим. Афсуски, археолог эмасман. Балки мен қилолмаган ишни сен қиларсан...

Хулласи калом, Нигора розилик берди. Унинг бахтига, уша кунлари Москва университетининг археология факультетидан Лариса билан Алексей Скородумов деган ёшгина эр-хотин диплом практикасини ўтагани уларнинг институтига келиб қолишди. Рост, улар Афросиёбни орзу қилиб келишган экан, бироқ Нигора кўҳна хароба суратларини кўрсатиб, ташвиқот ишларини шундай боладдики, улар Нигоранинг тузоғига «илиниб» қолганини ўзлари ҳам билмай қолишди. Шу йўсинда тўрт кишилик «лашкар»дан иборат — тўртинчиси институтнинг ёш дўстимий ходими эди — митти экспедиция ташкил топди. Бахтга қарши, қазилма ишлари улар кутган натижаларни бермади. Ун бешинчи, нари борса, ўн тўртинчи асрга оид сопол буюмлар, хўжалик асбоблари, занглаб кетган бир неча қилич-қалқону кўзачалардан бошқа ҳеч нарса топилмади.

✓ Дадасининг маънавий мададига қарамай (у киши бир марта келиб кетдилар ҳам), руҳи тушиб кетган экспедиция арзимас топилмаларини йиғиштириб, қайтишга чоғланаётган эди, буида бир ҳафта муқаддам, худди мана шундай офтоб ботаётган паллада, чодирда кечки овқатга ҳозирлик кўраётган Нигора Алёшанинг узоқдан:

— Нигора Расуловна! Лариса-а! — деб қичқирган овозини эшитиб қолди. Сал ўтмай, унинг ўзи ҳовлиқиб, югуриб келиб қолди. Сийрак малларанг сочлари кечки шабадада ҳурпайган; кўм-кўк кўзлари хайратдан чақнаган:

— Нигора Расуловна! Лариса! Яширин ер ости йўлини топдим! Ўзбекчаси нима эди? Ҳа, лаҳим! Лаҳим топдим мен! Ҳазрат Уккоша қабрига қараб кетган лаҳим!

Экспедиция иш бошлабдики, Алёша Скородумов ҳар куни бўлмаса ҳам, ҳар икки кунда бир лаҳим «топар», лекин аксар ҳолларда унинг «лаҳим» дегани оддий бир унгур ё горсимон бир нарса бўлиб чиқарди. Шу боисдан Нигора билан Лариса бу сафар ҳам унинг гапини кинояли табассум билан кутиб олишган эди, Скородумов тўсатдан жиғибийрони чиқиб «қайнаб» кетди.

— Археолог бўлишни ким қўйди сенларга? Бола

туғиб, уйда бигиллаб ўтираверсаларинг бўлмасмиди бундан кўра? Қўл фонуслар қани, Лариса? Ё бирга юринглар, ё ўзим бориб кўриб келаман!

Қисқаси, Нигора билан Лариса қўл фонусларни олиб гира-ширада Алёша айтган жойга боришга мажбур бўлишди.

Хақиқатан, бу сафар Алёша топган лаҳим, шунчаки бир унгур эмас, баландлиги одам бўйи келадиган, чинакам ер ости йўли бўлиб чиқди. Ўша кеча улар, қўлларида фокус, унгур бўйлаб 15—20 қадамча юришди-да, унинг сохта эмас, чинакам лаҳим эканига ишонч ҳосил қилиб, ҳаяжондан энтика-энтика чодирга қайтишди.

Ўша оқшом Алёша тун ярмигача ҳеч кимга уйқу бермади.

— Энди менинг бир нарсага шубҳам йўқ!— дерди у, дам пешонасига тунган сийрак малла сочларини орқага силтаб, дам кўм-кўк кўзлари аллақандай дарвешона бир илҳом билан ёниб.— Маҳаллий халқ ҳазрат Уккоша қабри деб юрган бу қабр сираям бирорта авлиё-павлиёнинг гўри эмас! Йўқ! Бу — аслини олганда, худди Афғонистондаги Тиллатенадан топилган буюк Купон давлати лашкарбошиларининг қабридек, бирорта кўчманчи саркарданинг қабри! Ажаб эмаски, Тиллатенадан топилган ноёб олтин-безаклар сингари ажойиб топилмалар чиқса бу тепадан! Мана, мени айтди дейсанлар, ўтмишда авом халқ ҳазрат Уккоша деб атаган бу қабр аслида катта бир саркарданинг мозори бўлиб чиқади!..

Бошда Нигорага Скородумовнинг гаплари унинг тизгинсиз хаёлотини билан тугилган шунчаки бир афсона бўлиб туюлган эди. Бироқ сўнгги кунларда олиб борилган қазилма ишлари Алёшанинг тахминларида жон борлигини кўрсатяпти. Бошдаёқ қабристон томон йўналган лаҳим тобора унга яқинлашиб боряпти! Лекин қабристонга яқинлашган сайин иш ҳам қийинлашяпти, чунки лаҳимнинг кўп жойлари ўпирилиб тушиб, кўмилиб кетган, бу ерларни тош ва тупроқлардан тозалаб, ишни давом эттириш осон бўлмаяпти. Шуларни ҳисобга олиб, Нигора кеча кичик маслаҳат мажлиси ўтказди. Унда ишни давом эттирамизми ёхуд совуқ тушиб қолиш хавфини ҳисобга олиб, қолган ишларни келгуси йилга кўчирамизми, деган масалани ўртага ташлади. Алёша жон-жаҳди билан бу фикрга қарши чиқиб, оташин нутқ сўзлади. Унга қолса, совуқ тушмоқ тугул, қаҳратон қиш бошланса ҳам ишни

ниҳоясига етказиш лозим. Узоқ давом этган мунозарадан кейин, кўпчилик овоз билан, ҳозирча, лоақал совуқ тушгушча ишни давом эттириш даркор, деган тўхтамга келишди. Уларнинг бахтига сўнгги ҳафта осмон бегубор, кунлар илиқ бўляпти...

Нигора шуларни ўйлаб, ичида бир кулиб қўйди-да, икки юз қадамча пастда «ғўддайиб» турган катта харсанг томон кетди. Лаҳим худди шу чўнг харсанг тагидан бошланарди. У харсангга етмаган ҳам эдики, қаёқдандир, пастдан Алёшанинг:

— Лариса!— деб чақирган товуши эшитилди. Ларисадан жавоб бўлмади. Фақат Алёша учинчи марта чақирганда, унда ҳам овози асабий ва бетоқат янграгандагина ўзан томондан «Ау!» деган садо келди.

— Қаёқларда сангиб юрибсан, Лариса?— яна қичқирди Алёша. Унга Ларисанинг:

— Нима ишинг бо-ор! Керак бўлса ўзинг ке-ел!— деган масхараомуз жавоби эшитилди-ю, Нигора ичида бир кулиб қўйди.

Бу икки ёш энг тотли чилла фаслини «ғаройиб» Ўрта Осиёда ўтказишга аҳд қилишиб, буёққа жўнаш арафасида тўй қилишган экан.

Алёша баскетболчига ўхшайди. Бўйи баланд, оёқлари ҳодадай узун, юрганга туяқушдай лананглаб юради, бироқ шу дароз бўй-басти билан ўзи ёш болага ўхшайди. Худди Нигорадай миттигина, бежиримгина Ларисасини ҳаммадан, ҳатто қабристон ортида очилган иссиқ сувга келувчилардан ҳам қизғанади-ю, бир зум йўқотиб қўйса, бутун тоғу тошни бошига кўтариб: «Лариса-а!» деб чақиргани чақирган.

Лариса бунга бирда кулса, бирда астойдил ражжиб:

— Бу туяқушга қай балодан йўлиқдим-а, Нигора?— дейди фиғони чиқиб.— Эркак одам уёқда турсин, ёшимдан қувён ўтса ҳам ражж қилади-ку, бу туяқуш!

Нигора, ўз хаётини, Беҳзод билан кечган бирда масъуд, бирда аччиқ кунларини эслаб, маънос жилмайди:

— Рашк қилса, демак, қаттиқ севади! Бундан ражжиш эмас, қувониш керак, Лариса!

— Қувонмай ўлай!— дейди Лариса, қалин тилларанг сочларини мағрур силкитиб.— Бунақа рашкдан ўлиб бўлади-ку, одам!..

Шундай найтларда Нигоранинг хаёлидан: «О, Лариса, Лариса! Ёш боладай гапирасан, а? Кошкийди менинг

Бехзодим ҳам сенинг Алёшангдай бўлса!» деган ҳаёл ўтади-ю, юрагини каламушдай кемирган аламли ўйларга дош беролмай, қирларга чиқиб кетади.

Қизик нарса экан бу ҳаёт деганлари! Бир маҳаллар, бундан кўн бўлса етти, саккиз йил муқаддам, Бехзод иккиси ҳам худди Алеша билан Ларисадай, тўйдан кейинги чилла фаслини худди шу ерларда ўтказишган эди.

Хануза эсида: баҳор эди. Бу қирлар, бу тоғу тошлар, ҳатто тенадаги қабристонгача — ҳаммаёқ кўм-кўк, ҳаммаёқ қип-қизил лолазор эди. У пайтларда ҳали қабристон ортида иссиқ сув чиқмаган, бу ерлар кимсасиз, Бехзод иккисидан бошқа одам боласи уёқда турсин, тирик бир зот йўқ эди ҳисоб.

У маҳалда қишлоқда турадиган суюкли бувиси ҳали ҳаёт эди. Дадасининг маслаҳати билан бувисининг оқ фотиҳасини олиш учун келган ёш келин-куёв Нигоранинг хоҳиши билан шу ерга чиқишган, анов пастдаги сардоба ёнига чодир тикиб, уч-тўрт кун туришган эди.

Бехзод ҳар куни тонг отмасдан уйғонар, баландроқ бир жойга дастгоҳини ўрнатиб, кун бўйи ишлар, бирда лолақизгалдоқларга бурканган қир ва адирлар манзарасили чизса, бирда мана шу хароба қалъа кўринишларини чизар, Нигора эса, тошлардан ўчоқ қуриб, овқат пиширар, бўш вақтларида чўпон-чўлиқларнинг овуллариини айланиб, эски қалъага дахлдор ривоятларни йигарди. Эсида: ҳазрат Уккоша тўғрисидаги ривоятни ҳам ўшанда ёзиб олганди у.

Айтишларича, гўё қабр ёнида сирли бир ғор, ғор ичида эса, тубсиз бир қудуқ бор. Гўё араб лашкарбошиси Уккоша, ҳозир фақат деворлари қолган ҳу анави кўрғон ёнидаги шафқатсиз жангда бошидан жудо бўлган, шунда унинг кесилган боши ганимлар кўлидан чиқиб, юмалаганича шу ғорга, тўғрироғи, ғор ичидаги тубсиз қудуққа бориб тушган. Эмишки, бу сирли қудуқ билан Маккаи мукаррама ўртасида ер ости йўли бор, шундайким, қудуққа тушган ҳазратларининг боши юмалаганича тўппа-тўғри Маккаи мукаррамадан чиққан ва ўша ерга дафн қилинган!..

Ким билсин, соддадил чўпонларининг мазор тагида тубсиз қудуқ бор деб юрганлари, эҳтимол, Скородумов топган мана шу лаҳимдир?

Ҳа, Нигора ўшанда бувақа ривоят ва ҳикоятлардан вечтасини ёзиб олганди!

Кечкурунлари эса, бутун воҳада ёлғиз ўзлари қолар, ўзан атрофидаги дарахтзор орасида худди ҳозир Алёша билан Лариса қандай бўлса, шундай «ау»лашиб, бир-бирларидан беркинишиб, қидиришиб юришарди.

Сира эсидан чиқмайди. Бехзоднинг айни илҳоми жўшган пайтлар эди ўшанда! Улар даярли ҳар куни тепадаги қабристонга чиқиб, қуриб-қовжираб қолган кекса тут ва қайрағочларни оралаб юришар, шунда Бехзод тўсатдан: «Тўхта, Нигор, архар!» — деб Нигорани қўлидан ушлаб тўхтатарди. «Қани?» — дерди Нигора атрофига алаңглаб. Бехзод эса унга жавоб бермай, қуриб қолган қайрағоч шохини шахт билан сиңдириб оларди-да, ўткир пичоғи билан икки-уч бутасини шартта-шартта кесиб, Нигорага тутқазарди: «Архар бўлмай нима бу?»

Баъзан эса йўлда, оёқ остида ётган оддий бир тошни олиб, болғачаси билан битта-иккита урарди-да, бирда важоҳатидан одам кўрққулик аллақандай махлуқ, бирда кўрганда кулавериб «ўлиб» қоладиган митти қуёнча ясаб берарди! То кетгунларича бунақа гаройиб махлуқ, қуёнча ва архарлар «Жигули»ларига сиғмай кетганди ўшанда.

У пайтларда Бехзод ҳам Нигорани ранж қилар, Алёшадан бешбаттар ранж қиларди. Лекин... Кошкийди гап фақат шу рашкда бўлса. Агар Бехзод ёмон дардга учраб, гоҳо-гоҳо оиласига ҳам, гулдай ижодига ҳам, ҳамма нарсага қўл силтаб, лаганбардор ҳайбаракаллагилар таъсирида қандайдир бетартиб, беҳаловат ҳаёт қучоғига шўнгиш одатларини чиқармаганида эди, Нигора унинг ҳар қанча эркаликларини кўтарарди! Бироқ ахён-ахёнда Бехзодни ўлқондай тортиб кетадиган бу мудҳиш дард, қаёқлардандир пайдо бўладиган бесубут, бетутуриқ мадҳиябозларнинг ҳамду санолари остида ўтадиган бу беҳаловат ҳаёт! Ўғилчаси билан қизчасини иссиқ бағридан узиб, бу серган, сершовқин, сармаст «даҳолар»га тун бўйи хизмат қилиш! Йўқ, бу азобга фақат Нигора эмас, ўзини ҳурмат қилган ҳеч бир аёл дош беролмасди!..

Нигора беҳосдан ёпирилиб келган бу ўйлардан кўнгли хуфтон, бир-бир босиб кўрган ёнидаги харсангга яқинлашди. У бир ўйи тош тагидаги лаҳимга тушиб кўргиси ҳам келди, бироқ шу пайт, пастдаги чодирлар олдига келиб тўхтаган икки отлиққа кўзи тушди. Йўловчиларнинг бири эркак, бири аёл эди!

Қизик, бундай кеч пайт чодир атрофида адашиб юрган

бу икки йўловчи ким бўлиши мумкин? Мабодо иссиқ сувга келганлар деса, тунов кунги ёмғирдан кейин келувчилар тақа-тақ тўхтаган, чунки бу салқинда иссиқ сувга тушишнинг на имконияти бор, на фойдаси! Ё қўй-пўйини йўқотиб қўйган битта-яримта чўпон-чўлиқмикан? Ёки тоғдан тушган йилқичилармикан? Бироқ йилқичи бўлса, аёл нима қилиб юрибди?

Нигора шуни ўйлаб қадамини тезлаштирди-ю, тўсатдан хаёлига: «Фотиҳ Музаффаров бўлмасми тагин?» деган фикр келиб, беихтиёр секинлади.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда совхоз директори Фотиҳ Музаффаров серкатнов бўлиб қолганди. У бирда ўзи келса, бирда экспедицияга гамхўрлик баҳонасида, совга-салом юбориш одатини чиқарди.

Бир маҳаллар Фотиҳ Нигорага кўп оғиз солган, унинг кетидан кўп иланган эди. Шу боисданми, бошқами, Нигора Фотиҳнинг қилиқларидан қаттиқ ранжир, назарида, Фотиҳ бу билан: «Қани, меци рад этиб, бошқани топганингда охири нима бўлдинг? Топган матоҳнинг қадрингни билмай, мана, хор қилиб қўйди-ку!» — деягандай туюларди-ю, усиз ҳам ўкеиб юрган кўнгли баттар ўксирди. Аммо... Фотиҳ Музаффаров келса... бунақа отда эмас, қўш-қўш «Волга»ларда келар, ҳатто совга-саломларни ҳам энгил машиналарда юборар эди.

Нигора юқоғидан жуда улугвор кўришган муаззам бино харобалари ёнидан ўтиб, гумбазли сардоба томон шошилди. У сардобани шундоқ айланиб ўтди-ю, беихтиёр лол бўлиб қолди. Сардоба ёнидаги уларнинг катта чодирлари олдида, дадасининг энг қадрдон оғайниски Шораҳим ака билан унинг хотини Ойсулув хола туришарди!

Нигора болалик чоғларида, ёзда бувисиникига келиб турган пайтларида бу хонадонда кўп бўлар, Шораҳим ака билан Ойсулув хола уни ўз қизларидай алқаб эркалашарди. Фақат болалик чоғларида эмас, кейин ҳам, ҳатто шу йил ёзда ҳам уларникида бир печа марта меҳмон бўлганди. Бироқ... Ойсулув холага нима қилган? Азалдан повча, озгини аёл баттар озиб, чўп бўлиб қолибди-ку! Шундай меҳрибон, шундай мулоийим аёл... унга нима бўлган? Нигора уни бундан бир-икки ой аввал кўрганида бунчалик эмас эди-ку!

Шораҳим шоввоз, афтидан, Нигоранинг талмовсираб қолиши сабабини сезиб, буни хотинига билдирмасликка шошилди:

— Ассалому алайкум, қизим! Мана, холаиғ иккямиз адашиб келиб қолдик, бир кеча меҳмон қиласан бизни!

Нигора дарҳол ҳушини йиғиб, Ойсулувга отилди:

— Вой, бош устига! Қадамларингизга ҳасанот! Қайси шамол учирди?

Ойсулув Нигорани кучоқлаб, икки юздан чўлп-чўлп ўпди, ўпаркан, суқланиб-суқланиб қаради-ю, негадир кў-аига ёш олди.

— Бўйгинангдан холаиғ ўргилсин, Нигорахон, бизни йўқлаб бормай ҳам қўйдинг?

— Иш, холажон, иш! — кулди Нигора. У Алёша билан экспедициядаги иккинчи йигитни чақириб, Шораҳим амал-кига ёрдамлашиб юборишни тошширди-да, ўзи Ойсулувни катта чодирга бошлади.

Чодирнинг ичи ўрдадай кенг, тагига сомон ва похол тўшалиб, устига брезент ташланган. Унинг бир томонига қандайдир галати буюмлар: қути ва қутичалар, бири бутун, бири синиқ кўзачалар, хумлар, ҳар хил сонол идишлар, одам суратини эслатувчи, бироқ бурун ва қулоқлари учиб тушган тош ҳайкалчалар ва яна аллақималар териб қўйилган, иккинчи томонида тилларанг сочлари елкасини қоплаган ёшгина бир қиз — у Лариса эди — газ плитада овқат пиширмоқда эди.

Нигора билан Лариса ўртадаги йиғма столни четга олиб, унинг ўрнига юмшоқ тўшакларни ташлаб ерга жой қилишди-да, дарҳол дастурхон ёзинди.

Ойсулув Нигоранинг кўғирчоқдеккина келинган буй-баста, ёқимтой муомаласи, чаққон хатти-ҳаракатларини зимдан кузатаркан, негадир лон этиб ўз келини Меҳринисо ёсига тушди, тушди-ю, кўнглида: «Киройи келининг Нигорадай бўлса!» — деган фикр ўтиб, кўзига яна ёш олди.

Ойсулув Нигорани келин қилишни ўғиллари Шоқосим институтда ўқиб юрган вақтларида кўн орзу қилган, буни эрига ҳам кўн айтган эди. Бироқ авваламбор Шоқосим ўқишга кириши биланоқ мана шу қайлиғи Меҳринисонини тошиб олди, қолаверса, эри Шоввоз: «Ке, қўй, хотин, Расулжон минг қадрдоним бўлмасин, катта одам, ўглиннга ҳам ўзи тенги биттаси топилиб қолар!» — деб Ойсулувни шаштидан қайтарган эди!

Мана энди, уёқда келини ўйин чиқариб, ўглини не кўйларга соляпти. Буёқда эса, бу бечора ҳам шу ҳусни латофати, ақли, одамнинг ичи-бағрига кириб кетадиган мулойим хулқ-атвори билан эрдан ёлчимай, мана бу тошу

тоғлар орасида алланималар билан ўзини овутиб юрибди. Бу дунёда бағри бутун одам йўқ, деганлари рост экан ўзи!..

Лариса бир товоқ овқат олиб, ўз чодирларига чиқиб кетди. Бир оздан кейин катта хуржунини кўтариб Шораҳим кирди, ўртадаги дастурхонга пишган гўшт, қаймоқли патир, узум ва олмаларни тоғдай уйиб ташлади. Улар анчагача уёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришди. Сўнг Нигора йул юриб, чарчаб келган Ойсулувга жой солиб берди-да, эр-хотинни хижолат қилмаслик учун ташқарига чиқди.

Гўё қумга ишқаб артилган кумуш баркашдай ярқираб кетган тўлини ой қоқ пешонага келган, тепадаги кўрган харобалари ҳам, настрадаги ўзан ҳам — ҳаммаёқ унинг сутдай тиниқ, осуда шуъласига гарқ бўлганди.

Бояги гир-гир шабада кучайган, ўзан соҳилидаги дарахтлар дарёдай шовуллар, тўзгиган хазонлар осмонда гала-гала нотинч қушлардай чарх урарди.

Нигора бу сеҳрли манзарага, ойдинда яна ҳам сирлироқ туюлган кўҳна кўрғонга, ярим емирилган муаззам бино пештоқларининг ажиб товланишига тикилиб, узоқ турди. Негадир ёдига яна дадасининг ҳикоялари тушди: «Бу ерлар қадимда катта карвон йўли бўлган, қизим. Ажаб эмаски, бу қалъада ҳазрат Навоий, Мирзо Улугбек, Бобур мирзолар тунаб ўтишган бўлса...»

Нигора ҳар сафар буни ўйласа аъзойи бадани жимирлаб кетар, нигоҳи олдида галати манзаралар намоён бўлар эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Унинг кўз олдига дам ўзан бўйида танҳо шеър ёзиб ўтирган ҳазрат Навоий, дам анов муаззам бино устига чиқиб, юлдузларга тикилганича ҳаёлот оламига гарқ бўлган Мирзо Улугбек келди-ю, одатдагидай юраги «жиэ» этиб, бир галати бўлиб кетди.

Ичкаридан Шораҳим шоввоз чиқди.

— Ҳа, қизим, бировни кутиб турибсанми?

— Йўқ, ўзим, — деди Нигора.

Шоввоз томоқ қириб:

— Бу дейман... Иссиқ сувга тушеа бўладими, болам? — деб сўради.

— Билмадим, — деди Нигора чайналиб. — Ёзда бир амаллашиб чодир тикиб, тушишар эди. Ҳозир бу совуқда ҳеч қандай шароит йўқ. Сал олдинроқ олиб келмабсизда, холамларини.

— Ҳа, шу, ўзингдан қолар гап йўқ, болам, иш-пиш деб юриб...— Шоввоз хижолат чекиб йўталди.— Лекин сенга тўғрисиини айтиб қўяқолай, қизим. Бола баҳона, дийдор ганимат деганларидек, холаиғ учун сув бир баҳона. Аслини олсанг, холаиғ ҳазрат Уккошани зиёрат қилишни кўнглига туккан экан. Беморнинг кўнгли нозик, йўқ дейишга тилим бормади...

Нигора унинг хижолат чекаётганини сезиб, далда беришга ҳаракат қилди.

— Холаиғнинг илтимосини қайтармай тўғри қилибсиз, амаки. Ўзингиз айтгандай, хастанинг кўнгли нозик. Бироқ... холаиғнинг Тошкентга олиб тушмасангиз бўлмас. Сира кечиктирмай бирорта касалхонага ётқизиш керак, амаки.

— Раҳмат, қизим,— деди Шоввоз овози қалтираб.— Аммо-лекин эшитишимча, Тошкентда касалхонага одам ётқизиш осон эмас эмиш.

— Жудаям унчалик эмасдир. Ҳар қалай, дадамлар борлар-ку! Хоҳласангиз, мен дадамларга эртагаёқ хат ёзиб юбораман.

— Шундай қил, болам!— деди Шоввоз,— ҳар ишчүк, шаҳар жой, дабдурустан бостириб боришимиз яхши бўлмас.

(2)

Ўша кеча Нигора алламаҳалгача ухлай олмади. Ойсулув хола бир неча марта безовта бўлиб, нимадандир қийналиб тўшакдан туриб ўтирди. «Ичим ёниб кетяпти», деб шикоят қилди. Шораҳим амаки қоронғида найпаслаб, унга сув берди, аллаиғлар деб юнатди. Эр-хотиннинг муносабатида болаларга хос илиқ меҳр билан бирга аллақандай тизгинсиз бир дарднинг шабадаси бор эди. Нигора бу юпанчсиз ҳасратнинг ихтиёрсиз гувоҳи бўлганидан хижолат чекаркан, шу йил баҳорда институтда бўлган бир мунозара сабаб, эри билан орани очик қилгани хотирасида жонланди-ю, юрагида пушаймонга ўхшаш бир нарса уйғонди.

Мунозарага сабаб — машҳур бир рус адабиётининг мақоласи эди. Унда хотин-қизларимиз сўнги йилларда ижтимоий иш деб оила ва фарзанд тарбиясига лоқайд қараётганликлари танқид қилиниб, аёл зоти борки, у авваламбор оила ва фарзанд учун яратилган, деган гоё илгари сурилган эди.

Нигора мувозара чогида қизишиб кетиб, ёзувчининг, гарчи у машҳур бўлса ҳам, роса пўстагини қоққан, унинг путқи фақат аёллар эмас, ҳатто ёш аспирант йигитларга ҳам ёқиб кетиб, минбардан тушаётганида унга бир даста гул тутқазишганди.

Нигора, қўлида шу гулдаста, ҳалжондан юзлари гул-гул ёниб уйларига келса, эри Бехзод, тамаки тутушидан одам одамни танимайдиган кабинетининг тўрида, одатдаги хайбаракаллачилар қуршовида айш қилиб ўтирибди!

Нигора, аввал нима қилишини билмай, остонада қоққан қозикдай туриб қолди, сўнг, қўлидаги гулдастани тўрда мудраб ўтирган эрининг юзига отди-да, ичкари хонада бири ухлаб, бири йиглаб ўтирган ўғилчаси билан қизчасини етаклаганича, уйини тарк этди...

Мана, ўша машғум воқеа юз берганига тўрт-беш ойдан ошибди. Нигора буни эслаган чоғларида бирда икки фарзанди «тирик етим» бўлганини ўйлаб, ичидан қиринди ўтса, бирда ҳамма айбни Бехзодга тўнкаб, ўзини оқлашга уринарди. Бироқ ҳозир!.. Ойсулув холашинг чамаси уни уйғотиб юборишдан қўрқиб секин чеккан инграшлари, Шоввоз амакининг ёш боладай: «Сулувжон! Тагин бошландими бу дардисар оғриқ, Сулувжон? Во дариг! Сенга ёпишгунча менга ёпишса бўлмасмиди бу дарди бедаво!» — деган хитоби-ю, Ойсулув холашинг: «Қўйинг, қаёқдаги гапларин гапирманг!» — деган илтижоси!..

Бошларига оғир мусибат тушган бу эр-хотинининг дарду ҳасратлари, аллақандай чексиз меҳрга тўла бу аламли шивир-шивирларига қулоқ солиб ётаркан, Нигоранинг эсига эрининг «Садоқат» деган бир ҳайкалчаси тушди. Оқ мрамардан ясалган бу митти ҳайкалчада бири ўқ еб қулаётган, иккинчиси жонҳолатда уни осмонда тутиб қолишга уринаётган икки оққуш ифодаланган эди.

Булар ҳам худди ўша оққушларга ўхшарди!

Нигора тонг чоғи кўзи илинган экан, қандайдир шовшув ва йиги овозларини эшитиб уйғониб кетди. Тонг отган, чодир ён-ёруғ, бироқ унда ҳеч ким йўқ эди.

Ташқаридан яна аёл кишининг қаттиқ-қаттиқ гапирган ўктам овози, сўнг Ойсулув холашинг алланималар деб зорланган товуши қулоққа чалинди.

Нигора аниқ-тапиқ кийиниб, ташқарига чиқди.

Чодир олдида «Газик» машинаси турарди. Унинг ёнида кўхликкина бир жувон қўлидаги хипчин билан қизғиш кирза этикчасини чарс-чарс уриб уёқдан-буёққа юрар,

Шораҳим амаки, боши ҳам, ерга қараб қолган, юзини румол билан ўраб олган Ойсулув хола эса, чўкка тушиб, ниқ-ниқ йиғларди.

Нигора ёш жувонинг дарров таниди: Шораҳим амакининг келинлари — Меҳринисо!

Меҳринисо дабдурустан талмовсераб қолиб, Нигорага бош иргаб салом берди. Сўнг яна қўлидаги хипчини билан этигини чаре-чаре уриб, юришда давом этаверди.

— Менинг аҳволимни ҳам ўйлаб кўрингизлар-да, ахир! — деди Меҳринисо, лаблари титраб. — Ўзингиз партия аъзоси бўлсангиз! Кеча директоримиз Фотиҳ акамларга кўрсатган ўзинингиз етмагандай, энди авлиёма-авлиё тавоф қилиб юрибсиз!

— Қизим, — деди Шораҳим, ҳамов бошили ердан кўтармай. — Кўриб турибсан-ку қайнонанинг аҳволини.

Меҳринисонинг чиройли серкирник кўзлари гўё учқун сочгандай «ярқ» этиб кетди.

— Холини кўриб турсам... врачларга кўрсатинг эди! Авлиёда бало борми?.. Йўқ! — Меҳринисонинг овози бирдан ўзгариб, йиғи оҳангига ўтди. — Биламан иниятларингизни! У йўқ, бу йўқ, келажакимга завоқ бўлмақчисанлар! Халқнинг олдига беобрў қилиб... йўлимга гов бўляписизлар менинг!.. Рахбар бўлишимни истамайсизлар сизлар!..

Меҳринисо ганини тугатмаган ҳам эдики, ерда чўккалаб ўтирган Ойсулув тўсатдан:

— Болажоним! — дея гандираклаб ўрнидан турди. — Сенинг келажакингга завоқ бўлгунча ўлганим яхши, онаганинг ўргилсин, қизим! Сенинг йўлингга гов бўлгунча мен бахтиқаро ўлақолай, болагинам!

Ойсулув алланималарни пичирлаб, ҳазрат Уккоша қабристонини томонга икки марта таъзим қилди-да, почор ҳолига зид бир куч билан «Газик» томов юрди.

Шоввоз унга қараб талпинди:

— Сулувжон!

Ойсулув машинанинг орқа эшигини очиб, эрига юзланди:

— Ердан бериб юборинг, дадаси!

Ойсулувнинг хатти-ҳаракатларида шундай фавқулодда бир шиддат, тўсатдан қон югурган заъфарон юзида шундай бир қатъият бор эдики, Шоввоз лом-ним демай, унинг қўлтигидан олиб машинага чиқарди.

Меҳринисо, чамаси, ҳар нарсапи кутса ҳам қайнонасининг бундай қилишини кутмаган бўлса керак, бир лаҳза

довдираб қолди, сўнг, юзига совуқ ниқоб кийиб, машина томон юрди. Газик қаттиқ бигиллади-да, потекис ерда дик-дик сакраб, жануб томонга йўл олди.

Хамма жим. Нигорага ўхшаб чодирларидан югуриб чиққан Алёша билан Лариса ҳам чиққан жойларида ҳанг-манг бўлиб туришарди. Аллақандай кичрайиб, букчайиб қолган Шораҳим шоввоз қоқилиб-суриниб, сой бўйидаги отлар томон йўналди. Ўзбек одати бўйича қайнота келинига қаттиқ гапирмайди. Бўлмаса...

Нигора унинг кетидан эргашиди.

— Амаки!

Шораҳим тўхтаб, ўгирилиб қаради, қаради-ю, «қулт» этиб ютинди. Нигора юрагига тикан қадалгандай зирқираб, бошини эгди.

— Амакижон!.. Чой-пой ичиб кетинг, амакижон!

— Раҳмат, қизим! Омон бўл!..— Шоввоз тескари бурилиб, йўлида давом этди. Унинг мўйлови гўё яраланган қушнинг қанотидай бемажол титрарди.

Учинчи боб

Санъатшувослик доктори, профессор Расул Нуриддинов бугун ишдан уйига жуда яхши кайфиятда қайтди.

Авваламбор, шу куни иккита обрўли журналда бир-йўла иккита катта мақоласи босилиб чиқди. Аллақачон «ўлмас сиймолар» қаторидан жой олган бир-икки номи **уду**, суираси қуруқ «санъаткор»га тил теккизгани учун бу мақолалар беш-олти ойдан бери пайсалга солиниб, Расул жуда асабийлашиб юрарди. Ҳаётнинг гала-та ўйинини қарапки, бугун ҳар иккала мақола бир кувда баробар чиқибди! Шу бонедан институтда яхшигина шов-шувга сабаб бўлди, домла ҳамкасб дўстларидан авча-мунча илиқ гаплар эшитди. Рост, табриклаганлар орасида: «жа, «казо-казо»ларга тегибсиз, ишқилиб, охири бахайр бўлсин», деган маънода ишшайиб қўйганлар ҳам йўқ эмас эди. Бироқ бу гаплар Расул Нуриддиновнинг кайфиятини бузолмади. У ўттинч йилдан бери бу мураккаб соҳада, бир-биридан илжиқ, шухратталаб одамлар орасида ишлаб келаётган домла, не-не ҳужумларни кўралериб, пишиб кетган. Институтга у пахтада юрган ўгли Улуғбекини вўриб келиш учун бирорта машина қидириб борган эди,

шогирди Акмал учраб қолиб, эртага ўз машинасида обориб келадиган бўлди-ю, бу ҳам таъбини равшан қилди.

Хуллас, уйига хушнуд кайфиятда кириб келган Расул кутилмаганда хотини Манзуранинг мунгайиб ўтирганини кўриб, хушёр тортди.

— Ҳа, нима бўлди, тивчликми?

Манзурахош жавоб бериш ўрнига стол четида ётган хатни олиб узатди. Хат қизлари Нигорадан экан.

Нигоранинг ёзишича, улар бу йилги ишга нуқта қўйиб, энди қайтмоқчи бўлиб турганларида, қўрғоқ ичида сирли бир лаҳимга дуч келишибди. Шу сабабдан, оби ҳаво имкон берса, яна бирор ой қолиб, ишни давом эттиришга қарор қилишибди.

Хатнинг охирида шундай бир илова ҳам бор эди: «Дадажон! Кеча бу ерга сиз яхши кўрган оғайнингиз Шораҳим амаки хотини Ойсулув холамларни олиб кептилар. Холамларнинг аҳволи жуда оғир. Чамаси, киши айтишга ҳам тили бормайдиган ёмон дардга чалинганлар. Мен амакимларга у кишини Тошкентга олиб тушишни маслаҳат берган эдим, «бўлмаса дадангизга хат ёзиб юборинг, бирорта тузук касалхонага ётқиза олсалар хабар беришлар, туйқусдан бостириб бориб, овора қилиб қўймайлик», дедилар. Иложи топилар, а, дадажон?»

Бу гапларнинг тагида яна шундай дейилган эди:

Ҳ «Дадажон! Биз топган сирли лаҳим йўналишни жиҳатидан ҳазрат Уккоша қабрига бориб туташиб аҳтимоли бор. Ким билсин, балки Афғонистондаги Тиллатенадан топилган улуғ Кушон давлатининг машҳур лашкарбошлари мақбаралари каби бой бир мақбарага дуч келармиз. (Бу гашимни ўқиб кулманг!) Шунинг учун ойимлар мендан хафа бўлмасинлар. Наридан борса икки-уч ҳафтада бориб қоламан. Ўзим ҳам кичкинтойларимни жуда-жуда соғиндим».

Расул Нуриддинов хатдан нигоҳини узолмай узок ўтириб қолди. Унинг кўз олдига Ойсулув келди. Бундан уч-тўрт йил муқаддам кўргани — юзига, кўзлари атрофига қуюқ ажинлар тушиб, сочлари оқариб қолган Ойсулув эмас, балки ўттиз йил муқаддам уч ажралмас дўст: у, Музаффар Фармон ва Шораҳим шоввоз бир-бирларидан яшириб, пинҳона ошиқ бўлиб юрган ёшгина Ойсулув келди. Учовлари орасидан Ойсулув Шораҳимни танлади. Шундан бери Расул қишлоққа борганида хар

сафар бу эр-хотинга ҳаваси келарди. Гарчи, тирикчилик — тирриқчилик деганларидек, турмушлари осон кечмаса ҳам, гарчи ёшлик чоғлари аллақачон орқада қолган бўлса ҳам, улар яқин-яқинларгача бир-бири билан ёш келин-куёвлардай муомала қилишар, тилларидан ҳазил-мутойна-ба, лабларидан кулги аримас эди.

✓Расул ҳар сафар қишлоққа борганида Шоввоз албатта уни қўй сўйиб кутмасдан юбормас, бу меҳмондорчиликка аксар ҳолларда Музаффар Фармонини ҳам (у пайтларда Музаффар ҳозиргидай «Даштстрой»да эмас, районда ишларди) хотини Соҳибахон билан қўшиб чақирарди. Шунда уч дўст Шоввознинг боғи тенасидан ўтган бир ариқ сув бўйида, катта шотут тагидаги улкан сўрида ағанаб ётиб, ёшлик йилларини қўмсашар эди. Айниқса фронт хотираларини, Гоби саҳроси билан Хинган тоғларидан яёв ўтган чоғларида чеккан заҳматларини эслашиб, ётиб дард-лашишар эди. Шунда Ойсулув, Нигоранинг ёзишича, ҳозир оғир дардга чалинган мана шу Ойсулув, уларга кечаю кундуз елиб-югуриб хизмат қиларди. Расул бирор марта Ойсулувнинг қовоғи солинганини кўрмаган, билъақс, бу хизмат унга қандайдир чексиз бир мамнуният бахш этаётгани ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзидан билиниб турарди! Ўшандай пайтларда Расул Нуриддинов гоҳ эрининг ҳазилларига ҳазил билан жавоб бериб, гоҳ вон, гоҳ ош ташиб, елиб-югуриб хизмат қилувчи Ойсулувни зимдан кузатаркан, турмушининг ҳамма аччиқ-чучукларига бенисанг бу аёлнинг буичалар пок, беозор, хушчақчақ ва ҳатто бахтиёр эканини сезиб, дўсти Шораҳимга ҳавас қиларди.

— Шўрлик Ойсулув! — деди Манзура. — Энди нима қиламиз? Бирорта касалхона билан гаплашасизми?

Расул ғамгин бош ирғади.

— Ҳа, эртага пахтага, ўғлинига бориб келсам, индиноқ бу иш билан шуғулланаман. Ишқилиб, Нигоранинг шубҳаси нотўғри чиққай!

— Нигорангиз ҳам...

— Нигорага нима бўпти?

— Нима бўпти дейдилар, а! — Манзура уф тортди. — Ўз турмушини ўйламагани ўйламаган, ақалли фарзандларини ўйламайдими? Бечора кичкинтойларим: ойнажоним қачон-келадилар деявериб, сомондай сарғайиб, адоин тамом бўлишди... Иш, иш, иш!.. Сиз ҳам иш-иш деб, умрингизни салғатга бахшида қилганингизда нима бўлдингиз-у, Нигора нима бўларди?..

Манзура эрининг энг нозик жойига ниш ургади. У бирдан юрагида санчиқ сезиб, «лов» этиб ёниб кетишига оз қолди-ю, ўзини диванга ташлади.

— Майли энди, азизим, беш-олти йил эмас, беш-олти кул деянти-ку? Кеп қолар эрта-индив...

— Топганингиз «майли энди!» — деди Манзура. — Ушанда ҳам «майли» демаганингизда қизим шўрлик, эҳтимол бунчалик хор бўлмас эди. Қанақа жойлар сўраб келувди-я!

Расул энсаси қотиб, қовоғини уйди.

— Шу гапингни сира қўймадинг-қўймадинг-да! Яна қайси жойларни топдинг? Биттаси Музаффарни ўглими?

— Музаффар акамларни ўглининг бу дарвеш шогирдингиздан нимаси ёмон? Қиличдек йигит! Ана, қишлоқда совхозга директор бўпти!..

— Қизимизни унга берганимизда пичоғимиз мой устида бўларди, демоқчисан-да?

— Кесатманг!

— Кесатаётганим йўқ! Лекин бўлари бўлиб, бўёғи ўчгандан кейин, эски ярани тирпаб, ўзингни ҳам, мени ҳам қийнаб нима қиласан, жовганим? Ундан кўра бирор емоқлигинг бўлса опкел! Эрталабки чой билан юрибман хали!..

Манзура бир нима деб тўнгиллади-да, хонадан чиқди. Расул Нуриддинов ёстиққа суяниб кўзини юмди... Дунёда эр-хотин бир-бирининг тилига тушувмаса қийин экан! Йўқ, Манзура ёмон аёл эмас. Бир маҳаллар бирга ўқишган, бир-бирига астойдил кўнгил қўйиб қовушишган. Бирок кейин... болалар сабаб, институтни тугатолмай уйда ўтириб қолди-ю, мава шунақа... майда гап дардига гирифтор бўлди. На унинг ишини қадрлайди, на ёзган китобларини ўқийди! Инсон боласи умрини бир ишга багишлаганда кейин, энг яқин кишиси бу ишнинг қадрини билса дер экан, ташвишу қувончларига шерик, дардларига ҳамдари бўлишини истар экан! Йўқ, бундай бўлмади. Аммо бунга Манзура эмас, унинг ўзи айбдор. Расул унинг институтни тугатишига ёрдам бериши, уйда ўтириб қолмаслигига кўмаклашиши керак эди. Расул буни қилолмади, мава, энди жафосини ҳам ўзи тортипти! Рост, у фарзандларидан, айниқса катта қизи Нигорадан минг бор рози. У дадаси билан худди яқин дўстдай ҳамдари, ҳамфикр. Ақлу фаросати ҳам жойида. Фақат... оила масаласида пешонаси ёришмади... У Расул Нурид-

диновнинг энг севикли шогирди, истеъдодли рассом ва хайкалтарош Беҳзод деган йигитга турмушга чиққан эди. Беҳзод чиндан ҳам катта истеъдод соҳиби, Нигора археолог ва санъатшунос, улар бошда тиллари тилларига, диллари дилларига тўғри келиб, уч-тўрт йил эҳуда иноқ яшашди, кўплар ҳавас қилиб юрди. Лекин кейин... Беҳзод бир-иккита асар яратиб тилга тушди, баъзи асарлари керагидан ортиқ мақталиб, ноқоиз шов-шувларга сабаб бўлди. Катта юк нортуяга ҳам огирлик қилганидек, бу асъасаю дабдабалар Беҳзодга ҳам огирлик қилди.

Расул илгари билмас экан. Қиз боланинг, айниқса, қўш фарзанди билан эридан ажраб ота хонадонига қайтиб келишидан огир парса бўлмас экан. Нигора-ку... бу фожиани кўпгидан чиқариш умидида, бошини олиб экспедицияга кетди. Қийин бўлганда онасига, шўрлик Манзурага қийин бўлди. Аламига чидай олмаганидан аччиқ устида унга таъна қилгани қилган: «Етим кўзи асрасанг, огзи бурнинг мой бўлур, етим бола асрасанг огаи бурнинг қон булур». Етим-етим деб, истеъдод-истеъдод деб, шу йигитни сиз тондингиз, мана, охири келиб, гулдай қизгинамни бахтиқаро қилиб кетди етимингиз», деб йиғлагани йиғлаган...

Рост, сўнгги найтларда Беҳзод сал ҳушёр тортиб, «Даштстрой» томонларда уруш қурбонлари хотирасига бағишлаingan катта бир ёдгорлик қуряпти. Биргина лойиҳаси устида уч-тўрт йил ишлаб, неча марта бошлаб, неча марта ташлаб қўйган ишини давом эттиряпти. Шояд шу катта иш, катта ижод баҳона, тўғри йўлга тушиб олса...

Расул бутун аъзойи баданида аллақандай бир ноҳушлик сезиб, анча ётди. Қизиқ, у ёшлик чоғларида, боши меҳнатдан чиқмай юрган студентлик йилларида, охир бир кун бу меҳнатнинг роҳати ҳам бўлар, жиллақурса қариган чоғимда тивч, осойишта яшарман, деб ўйлар эди. Йўқ, мана, ёши олтинга яқинлашиб, сочларига қиров қўнди ҳамки, ташвишлар камаймоқ уёқда турсин, минг чандон ортиб боряпти! Баъзан, ўйлаб қараса, ёшликдаги орзулари пуч ёнгоқ экан. Мана, ҳатто бир йўла иккита мақоласи босилиб чиққан хурсандчилик онларида ҳам унинг қувончига шерик бўладиган на бир ҳабиби бор, на бир табиби!..

Расул — камдан-кам бўладиган ҳолат! — бир қадах май ичгиси келиб қолди. У шкафдан очилган бир шиша

шампань билан иккита олма олиб, энди қадаҳга қуяман деб турганди, телефон жиринглади.

— Алло! Менга домла Расул Нуриддинович керак эдилар! — деди кимдир, нотаниш ингичка овозда.

— Эшитаман...

— Ўзларимилар? Мақолаларингизни ўқидик. Раҳмат сизга, домлажон! — ингичка овоз бирдан ўзгариб, ички бир алам билан титраб кетди-ю, Расул дарҳол таниди: Мардон Зокиров! Одатда ҳаммага писанда қилиб, бақириб-чақириб юришлари учун «Момақалдироқ» деган лақаб орттирган, бугунги мақоланинг «бош қахрамон»ларидан бири!

Қизиқ, Расул «момақалдироқ» деса дегудек бу истеъдодсиз, аммо калондимоғ одамнинг ўзини ҳам, ижодини ҳам кўи хушламасди. Бироқ ҳозир унинг товушидаги чуқур изтироб Нуриддиновнинг юрагида ачишиш туйғусини кўзгатди-ю:

— Телефон қилганингиз учун раҳмат, ука! — деди кўнгли юмшаб. — Агар сал қаттиғроқ теккан бўлсам уэр, оғайни.

— Шунақа денг! Қаттиқ теккан бўлсак уэр денг? — трубкадан Мардон Зокировнинг оғир ҳансираши эшитилди. Сўнг, унинг овозидаги ҳазин оҳанглар яна ўша, илгаридан таниш таҳдидли «қалдироқ» билан алмашди. — Сиз қаттиқроқ теккан эмассиз, ўртоқ профессор, йўқ, сиз улкан ижодкорларнинг устига мағзава тўккансиз. Ҳа, ҳа, мағзава тўккансиз! Ҳали кўрамиз, сиз қачонгача биздақа санъат заҳматкашларини ҳақорат қилиб, ижодимизни камситаверар экансиз!

Расул юрагини аста силаб, телефон ёнидаги креслога «гуре» этиб ўтирди.

— Майли, оғайни, билганингизни қиларсиз!

— Қиламиз! Ҳали ижодий советларда кўрамиз мақолаларингизни! Тегишли жойларга чиқамиз!

— Ҳўп, бошқа гапингиз йўқми?

— Йўқ! — трубкадан чақалоқнинг йиғисидай «биғ-биғ» овоз эшитилди.

Расул юрагидаги санчик босилмагунча жойида қимир этмай ўтирди, сўнг, одатдагидай ичида ўзидан кулди: «Намунча юрагингиз пўкилламаса, ўртоқ профессор? Битта тирик «классик»нинг пўписасидан бунча титрар экансиз, казо-казоларни танқид қилиб нима қилардингиз, биродар? Ундан кўра бу «ўлмас» санъаткорнинг чил-

дирмачиларига қўшилиб, кўкларга кўтариб мақтанг эди! У ҳам типч, сиз ҳам типч, ошигингиз олчи бўлиб юрардингиз. Балки аллақачон академик бўлиб кетардингиз!»

Расул кулимсираганича ўрнидан туриб бир қадах шампань ичди-да, ошхонага ўтди. Бироқ столга бориб, энди овқатга киришган ҳам эдики, яна телефон жиринглади. «Тапқид қилинган яна бир тирик классик!» — Расул Нуриддинов юраги безиллаб, хотинига қаради.

— Сен олақол, мени сўрашса йўқ деб қўяқол, азизим?

Манзураҳон индамай чиқиб кетди-да, лаҳза ўтмай қайтиб кирди.

— Боринг, сўрашяпти!

— Сенга айтдим-ку, мени йўқ деб қўяқол деб!

— Иван Харитонович сўрашптилар: ё у кишига ҳам йўқ дейишим керакмиди?

— Белобородовми?

Расул бирдан қушдай енгил тортиб, ўрнидан турди. У олмани қарсиллатиб чайнаганча кабинетга чиқаркан, ҳар қачонгидай, уруш йилларида бўлиб ўтган қизиқ бир ҳангома лоп этиб ёдига тушди.

Ёш солдат Расуллар манзилга бориб тушган куни эртасига уларни қабул қилиб олгани бир гуруҳ офицерлар келишди. Улар орасида ҳозир телефонга чақирялган мана шу Белобородов ҳам бор эди. Белобородов у пайтларда бўй-басти хўн келишган, кўкраклари орден-медалларга тўлиб кетган ёш капитан эди. У ғоз турган солдатлар олдида тап-тап босиб ўтаркан, бир пайт «уч оғайни ботирлар» рўнарасида тўхтади, тўхтади-ю, чиройи очилиб:

— Хўш, йигитлар, қаердан бўладилар? — деб сўради. Капитаннинг саволига биринчи бўлиб Музаффар жавоб берди:

— Ўзбекистондан, ўртоқ капитан!

Белобородовнинг лабларига аллақандай илиқ табассум югурди-ю, тўсатдан хиёл чалароқ, ўзбек тилида:

— Ўзбекистондан бўлсаларинг... Тошкентни кўрган-мисанлар? — деб сўради.

— Кўрганмиз, ўртоқ капитан!

— Кўрган бўлсаларинг... Тошкент дегани нима дегани бўлади?

Музаффар талмовсираб Расулга, Расул Шораҳимга қаради.

— Тошкент дегани — Тошкент-да, ўртоқ капитан! — деди Шораҳим беписанд жилмайиб.

Белобородов унинг пилоткасини шартта бурнигача суриб, кушнуд кулди:

— Қойилман сендақа ҳамшаҳарларимга! Тошкент дегани нималигини билишмайди-ю, тағив ўзларини ўзбек деб ҳисоблашади булар. Тош дегани — тош, тўғрими?

— Шундай ўртоқ капитан!

— Кент дегани шаҳар дегани, тўғрими?

— Тўғри, ўртоқ капитан.

— Демак, Тошкент дегани тошдан қурилган шаҳар дегани бўлади! Саволлар йўқми? Йўқ бўлса — кўришгунча, қадрли ҳамшаҳарларим!

Ўша куни Тошкент нималигини айтиб беролмаган уч огайин ботирлар Белобородовнинг батальонига тушган эдилар. Бундан йигирма йил аввал Расул Белобородовни «Даштстрой»да учратиб қолган, тўғрироғи, даштга борганида Музаффар унинг «Даштстрой»да бош инженер эканлигини айтиб, олдиға ўзи бошлаб кирган эди. Кейин нима ҳам бўлиб, Белобородов «Даштстрой»дан кетди. У Тошкентга катта бир ишга келиши биланоқ Расулни ўзи қидириб топди. Шундан бери иккиси анча яқинлашган, ҳатто оилавий борди-келдилари ҳам бор эди. Бундан бир-икки ой муқаддам Белобородов юрак касали клиникасига тушиб, операция қилинишини кутиб ётар, лекин нима ҳам бўлиб, операция хануз чўзилиб келарди.

Ҳозир Расул шуни ўйлади-ю, «Тошкент» хангомаси сабаб, лабига югурган табассум сўниб, юрагига гулгула тушди.

— Сизмисиз, Иван Харитонович? Ассалому алайкум.

Трубкадан сал хириллоқ ҳоргин овоз келди:

— Салом, азизим, салом!

— Қалай, бардаммисиз? Операция...

— Менга қара, Расул! — деди Белобородов, унинг гапини бўлиб. — Сенга айтадиган зарур бир гап чиқиб қолди. Эртага бир кеп кета оласанми?

— Қанақа гап? Тинчликми, Иван Харитонович?

Белобородовнинг асабий йўталгани эшитилди:

— Қанақа гапни келганигда биласан! Кела оласанми, йўқми — шуни айт аввал!

Расул ўғли эсига тушиб, талмовсиради.

— Эртага пахтага, ўғлимни кўргани кетаётувдим. Агар жуда зарур бўлса...

— Жуда зарур! Аммо, майли, эртага йўлингдан қолма.
Бироқ — индинга кутаман!

— Қачон борай?

— Истаган вақтингда. Хўп, омон бул, азизим!

«Қавақа ган бўлиши мумкин? Қизиқ». Расул Нуриддинов ҳамон дудулаётган трубкани унлаганича телефон ёнида анча турди.

Тўртинчи боб

(1)

Расул шоғирди Акмалнинг машинасида йўлга чиққанида соат мили олтини кўрсатарди. Улкан шаҳар эндигина уйғонмоқда, у ер-бу ерда ишга шошилаётган йўловчилар кўринар, трамвай ва троллейбус бекатларида кеч куанинг совуқ нафасидан жунжикиб плаш ва фуфайка кийиб олган одамлар тўп-тўп бўлиб туришар, лекин кўчаларда одамдан ҳам машина кўп эди. Расул Нуриддинов бу ҳол фақат шаҳардамикин, деб ўйлаган эди, йўқ, шаҳар чегарасидан ўтиб, катта равоп йўлга тушиб олишди ҳамки, «Жигули», «Москвич» ва «Волга» ларнинг кети узилмади. Расул шундагина тушунди: бугун шанба, бошқалар ҳам унга ўхшаб, пахтадаги ўғил-қизларнинг кўргани кетишипти!..

Ха, қанчалик оғир, сермашаққат, қанчалик иззатталаб нарса экан бу пахта! Уни экиб-тикиб, меҳр билан парвариш қилиб, ҳосил олгунча деҳқон шўрлик минг жон бериб, минг жон олади, деса муболаға бўлмас! Фақат деҳқонми?! Ҳар йили куз келди дегунча бутун эл оёққа туради. Ёшу қари, ишчию зиёли, ўқувчию студент — ҳамма шу битта ташвиш, пахта ташвиши билан банд. Ҳолбуки, кўплар, жуда кўплар бу меҳнатнинг бсаёв машаққати уёқда турсин, пахта пималигини тасаввур ҳам қилишмайди!..

Бундан уч-тўрт йил аввал Расул Нуриддинов бир гуруҳ санъаткор ва адиблар қатори узоқ шимол томонларда адабиёт кунларида иштирок этган эди. Кунлар совуқ, қор тиззадан келади. Шунда, автобусда бир райондан иккинчи районга кетаётганларида, — бу районларнинг оралиғи ҳам кам деганда 300—400 километр

келарди, — ўша тарафлик таниқли бир адиб билан ёнма-ён ўтириб қолишди. Сухбат орасида табиат қийинчиликлари, шимолда ишлашнинг мушкуллиги ҳақида гап кетди-ю, Расулнинг ҳамсуҳбати:

— Маза-маза, сизларга маза-да! — деди, қандайдир ички бир ҳасад билан. — Қишу ёз офтоб, ҳаммаёқ бог-роғ, шарқираб оққан ариқлар, дарёлар. Бундай жойларда меҳнат қилиш ўзи бир роҳатижон-ку!

— Биз пахта экамиз, — деди Расул қизишиб. — Бу экинни умрингизда кўрганмисиз? Унинг азобидан хабарингиз борми?

— Қанақа азоб? — деди ҳамсуҳбати кўзлари пирнираб. — Бизнинг иқлимда ишлаш олдида-я? Қўйсангиз-чи, биродар! Мен пахта ҳақида ёзилган қанчадан-қанча асарларни ўқидим. Киноларни кўрдим... Ҳаммаёқ бог-роғ! Атлас кўйлак кийган гўзал қизлар кўм-кўк бепоён далаларда пахта териб юришибди. Озгина теришади-ю, бир-бирлари билан қувлашиб, богларга чоппшади. Богларда денг, ҳар бири чойнакдай-чойнакдай ноқлар, олмалар гарқ пишиб ётибди! Бир ёқда тилларанг хусайишлар, бир ёқда қовуш-тарвузлар. Сиз айтган ҳалиги... «меҳнатдан эзилиб кетган» қизлар... дам ноқларни узишиб, бир-бирларига отиб ўйнашади, дам қарасангиз... поллиз оралаб, қучоққа сигмас қовуш-тарвузларни сўйиб еб, айш қилишади... О, қани энди бу «қийинчиликлар» бизда бўлса!..

Расул пахтакор меҳнатининг бутун уқубатини кўрсатувчи асарлар камлигини яхши билар, бу ҳақда кўп куюниб гапирарди. Бироқ бу меҳнатни бўйб-бежаб, унинг қийинчиликларини хаспўшлаб кўрсатувчи асарларнинг бутун даҳшатини ўшаюнда, ниҳоятда дилкаш, самимий, аммо пахтакор меҳнатидан батамом беҳабар таниқли адиб билан суҳбатланганида билганди!..

Расулнинг ўйларини Акмалнинг:

— Хаёл денгизига гарқ бўлиб кетманг тагин, домлажон? — деб кулган овоз бўлди. — Атрофингизга бир қаранг! Анво узокдаги боққа бир эътибор беринг! Худди суратга ўхшайди!

Расул шогирди айтган томонга қаради, қаради-ю, ўзи ҳам кўзини узолмай ром бўлиб қолди. Анча йироқда, хосили терилиб, яланғоч бўлиб қолган пахтазорнинг у томонидаги боглар гўё сариқ, пунтиранг, қизил ва қирмизиранг бўёқларга бўялгану ажиб бир манзара касб атган, гўё бу бог эмас, буюк санъаткорнинг қўли билан

чизилиб, узоқ уфққа осиб қўйилган гўзал бир асар! Фақат овлоқдаги боғлар эмас, пўл бўйидаги тоғ ва тераклар, ёзда шафқатсиз каллаклардан ўанин ўнглаб, яна қулоч-кулоч шох ёзган тутзорлар, азим чинорлар — ҳамма-ҳаммаси шаклдай майин, нафис оч сариқ ва қирмизи либосларга ўранган, фақат у ер-бу ерда учраб қоладиган бедазорларгина хануз ям-яшил, бу бедазорлар ҳам, нимаси биландир маънос кексаларин эслатувчи дарахтлар ҳам кечаги ёмғирда чўмилиб, аллақандай яшшаб-яшариб кетган!.. Фақат йўлнинг икки томонидаги нахтажорларгина шинийдам, улар ташландиқ боғлардай хувиллаб қолган.

— Ажиб бир кузимиз бор-да!— деди Акмал хўрсиниб.— Фақат бу гўзаллиқни ҳали ҳеч ким тасвирлаб беролмади. Қани энди, ху ўша боққа келиб, ётиб ишласанг! Биз бўлсак, юрибмиз, ҳеч кимга кераксиз мажлислару майда-чуйда галвалар орасида ўралашиб!

Расул мийиғида бир кулиб қўйди. У Акмални жуда яхши кўрар, бошқалариникига ўхшамаган бетакроп тилиқ истеъдоди, мава шу болаларча бегубор самимий феъл-атвори учун яхши кўрарди.

Акмал гўё домласининг фикрини илғаб олгандай:

— Ҳақиқатан ҳам жуда дангасалашиб кетдик,— деди.— Бу дардимиздан ҳар хил тўпори «ижодкор»лар фойдаланишиб, роса пул ишлашяпти! Яқинда водийни айланиб келувдим, домла. Ҳозир шунақа бир нарса расм бўлтиқи, ёдгорлик қурмаган бирорта колхоз, бирорта қишлоқ қолмасини! Уруш қурбонларига ёдгорлик ўрнатишдан савоб иш борми? Йўқ. Лекин бу ишга миллион-миллион сўм пул соғуриляпти, аммо кишини ҳаяжонга сола оладиган, бундоқ бошингиздан дўншингизни олиб, бир зум сукут сақлаб туришга даъват этадиган бирорта мемориални кўрмадим, домла. Ишонасизми?

Расул беихтиёр уф тортиб юборди.

— Нега ишонамай? Яқинда мен ҳам икки областни айланиб келдим. Уёқда ҳам аҳвол шу! Халқнинг пули бекорга соғуриляпти!.

Домланинг гапи худди оловга керосин қуйгандай бўлиб, Акмал баттар қизиниб кетди:

— Ишонасизми, домла, мен кўп жойларда бу ҳайкалларнинг муаллифларини суриштирдим. Ҳеч ким танимайди! Умримда эшитмаган одамлар! Ҳолбуки биров танимайдиган қўштирпоқ ичидаги бу «санъаткор»лар шўрлик колхоз-совхозларнинг минг-минглаб пулини ўмариб кетишяпти экан!

«Миллионлар бўлса ҳам майли эди! Юз миллион сўмлар беҳуда совурилиб кетяпти! — Алам билан ўйлайди Расул. — Бу пуллар Мардон Зокировга ўхшаган, худ салоҳият бермаган тўпори «санъаткор»ларнинг киссасини қаппайтиряпти-ю, Беҳзод шўрликнинг «Гиря»сига ўхшаш чин санъат асарлари ҳануз каментиляпти!..

Расул биларди: собиқ раҳбар адиб ва санъаткорлардан ҳаётнинг фақат гўзал томонларини аке эттиришларини талаб қилар, марҳум ўз раҳбарлигида қилинган ва қилинаётган буюк ишларини тарашум этувчи буюк асарларини кўришни истарди, холос. Бутун республикани чорак аср титратган бу одамнинг оламдан ўтганига маша, салкам бир йил бўлди. Аммо... Санъат соҳасида аҳвол ҳануз ўша-ўша: Беҳзодлар турткида-ю, Зокировлар ҳурматда!..

Беҳзод «Даштестрой» раҳбарлари буюртмаси билан яратилаётган улкан монумент чизмалари устида камидан уч йил ишлади. Монументнинг лойиҳа ва чизмалари аллақачон битган, лекин собиқ куёви унинг номини «Гиря» деб қўйгани учунми, бошқами, ҳануз лойиҳаси тасдиқдан ўтмайди. Энг ёмони — унинг ўз шоғирди Шервуд Комилов раҳбарлик қилаётган бошқарма ходимлари «Гиря»га тушқунлик руҳидаги асар, деган айбнома тақшиди, шундан бери лойиҳави кўриш ва тасдиқлаш масаласи умуман тўхтаб қолди. Собиқ куёви Беҳзод ва, бундан батамом беҳабар, аллақачон даштда иш бошлаб юборган, ҳатто ишини охирайтиб ҳам қўйган эмиш!

Агар бор умрини санъатга бахшида қилган Расул ўз ишига жипдаккина тушунса... урушнинг энг даҳшатли фожиясига багишланган бу ноёб асарни тушқунликда айблашнинг ўзи подонлик! Домла буни ўйлашни билан кўз олдига яна Беҳзоднинг лойиҳаси келди-ю, юраги туз сепгандай ачишиб кетди: гигант монументнинг марказида яраланган, аниқроғи, ўқ еб йиқилаётган солдат! Солдатнинг ёнида эса уни йўқлаб фарёд чекаётган тўрт нафар аёл. Ярадор ўғли томон талпинган она, оёқлари пойига тиз чўккан маъшуқа, фарёд чекиб гиря қилаётган опа-сингиллар...

Тушқун эмиш! О, подонлар, подонлар! Қачон чин истеъдод аҳли анави табиат истеъдоддан маҳрум қилган, бироқ қаллобликда устаси фарағ ичиқора бахиллардан кутуларкин?

Акмал қаттиқ сигнал чалиб келаётган «Волга»га йўл бериб, Расул Нуриддиновга юзланди.

— Сизни раижитиб қўймадимми, домлажон?

— Йўқ, нега...

— Чиндан ҳам ҳамма оғирлиқни сизга ташлашга ўрганиб қолибмиз, — деди Акмал. — Кечаги икки мақолангиз, айниқса ашов тўпори Мардон Зокировнинг асари тўғрисидаги мақолангиз... жа зўр чиқибди!

Расул беихтиёр мамнуи бўлиб:

— Маъқулми ишқилиб? — деб сўради.

— Маъқул ҳам гапми? Авваламбор, шу «момақалдироқ» баҳона, истеъдод муаммосини жуда яхши айтиб-сиз. Қолаверса, бу тўпорининг ўзинигина эмас, унинг бемаза асарларига ҳамду сано ўқиб юрадиган анави шахсий маддохи бор-ку...

— Ҳалим Салимов...

— Ҳа! Биз уни Ҳалим ширин, деймиз. Уни ҳам қўшиб ургангиз жуда савоб бўпти, домла!

Расул Нуриддиновнинг эсига Зокировнинг кечаги кўнгируги тушиб, бошини маъжос чайқади.

«Эй, болам, болам! Сен нимани ҳам биласан? Кўривинишидан ҳалимдек туюлган бу Ҳалим ширинлару ашов «момақалдироқ»лар беҳуда бўҳтонлар билан не-не одамларнинг пайини қирқиб, санъатдан кўнгиллариини совитмади!»

Расул шоғирдининг гапига ичиди бир кулиб қўйди. У Зокиров билан Ҳалим ширин олдида Акмаллар бўри қаршисидаги қўзичоқдай ожиз эканини биларди, бироқ шундай бўлса ҳам унинг гапидан кўнгли хиёл равшан тортиб:

— Ишқилиб, омон бўлинглар, ўғлим! — деди ҳаяжонланиб. — Менинг орқамда сенларга ўхшаган уч-тўртта шоғирдларим қолса бас. Бониқа ҳеч нарса керак эмас менга. Фақат битта нарса қийинапти мени, болам, у ҳам бўлса оғайнинг Беҳзоднинг тақдири!

— Беҳзоднинг асарини айтяписизми? Қўйинг, домла, кўн ташвишланаверманг. Бунақа асарлар ҳеч қачон хор бўлмайди, домла! Бари бир юзага чиқади!

— Ўзи-чи? Оиласи-чи? Бу кетишда келажаги нима бўлади? Ўртада қизим, жигарим бор...

Акмал қўлини рулдай узиб, пешонасини ишқади.

— Ҳа, ҳаммадан бурун Нигораҳонга қийин бўлди. Бу ганингизга қўшиламан, домла!..

— Хайронман, — деди Расул Нуриддинов. — Нима қилишимни билмайман. Шундай истеъдодли йигит...

— Майли, домла, кўп куюнаверманг. Ҳаёт ўзи бир ечимга опкелади, — файласуфона яқун ясади Акмал.

Расул Нуриддиновдан садо чиқмади. Унинг куа олдига Нигора келди. Лекин ҳозирги Нигора эмас, бундан беш-олти йил аввалги, ҳали Бехзодга турмушга чиқмасдан аввалги севимли қизи Нигора келди. Қандай қиз эди у! Қандай қиз! Қўғирчоқдек нозик, хушқад, калта қирқилган қўнғир сочлари ўзига ярашган, шўх, бироқ енгилтак эмас, ҳам мулойим, ҳам қувноқ, ҳам билимдон, хуллас, табиат ҳар жиҳатдан мукамал қилиб яратган, бахт учун, улкан инсоний бахт учун дунёга келган бир қиз эди! Не-не йигитлар, не-не яхши оилалардан совчилар келганди унга!

— Ухлаб қолмадингизми, домла? — деб кулди Акмал. — Кўзингизни очинг, мана, дарёга ҳам келдик...

(2)

Расул аввал штабга кириб, домлалар ва студентлар билан кўришмоқчи, кейин ўғлининг олдига ўтмоқчи эди. Аммо Акмал бунга эътироз билдирди.

— Аввал ўглингизни кўриб, тинчиб олинг, домла. Штабга қайтишда кирамиз!

Ҳаммаёғи пахтазорга айланган бу ҳадсиз-ҳудудсиз даштда янги совхозу янги шаҳарчалар шунчалик кўпайиб кетибдики, Расул Нуриддинов, гарчи ўғлининг олди-га бир неча марта келган бўлса ҳам, ҳар сафар адашгани адашган. Катта йўлдан чиқиб, бирор ёққа бурилдингиз, бас, мингта йўл, мингта кўрсаткич пайдо бўлади. Уёққа қарасангиз ҳам совхоз, буёққа қарасангиз ҳам. Тағий бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаш! Яхшиям Акмал бор экан. У:

— Э, парво қилманг, домла, бобокалонларимиз сўраб-сўраб Маккани ҳам топишган, биз ҳам сўраб-сўраб топиб оламиз ўглингизни, — деб кулди-да, ҳақиқатан, суриштира-суриштира, охири тўртинчи курс студентлари жойлашган дала шийпонини топиб борди.

Шийпоннинг олди хирмон бўлиб, оёқларига кирза этик, бошларига эски-туски қалпоқ-палпоқ кийиб олган бир неча йигитлар бир тоннача пахтани паншаха билан ағдариб, офтабда қуритишмоқда эди. Улардан нарироқда яна бир-иккита қиз-йигитлар дошқозон олдида карам тўғраб, картошка тозалаб ўтиришар, худди Ниго-

рага ўхшаган миттигина, нозиккина бир қиз дуд босиб, қорайиб кетган бакка олов ёқмоқда эди. Расул Нуриддинов бу нозиккина, истараси иссиқ қизни шаҳарда бир неча марта ўгли Улугбек билан кўрган, қиз ҳар сафар унга дуч келганда ё уялиб ерга қараб ўтар, ё дарҳол ўзини панага оларди. Бу сафар эса домлани кўриб, чопқиллаб келди. Унинг теграсига кўк бўёқ тортилган (қиз бола-да, пахтада ҳам пардоз-андозини канда қилмабди!) катта-катта кўзлари аллақандай ташвиш билан порлаб турар, ўзи ҳам нимадандир қаттиқ ҳаяжонда эди.

— Салом, домлажон! Жуда вақтида келдингиз-да, кеча телеграмма берувдик. Олдиларингизми?

Расулнинг юраги беихтиёр «шув» этди.

— Қанақа телеграмма? Тинчликми, қизим?

— Тинчлик... Улугбек касал бўлиб қолди...

— Қачон? Қаерда? Шийпонда ётиптими?

— Йўқ, кечаси «Тез ёрдам» келиб, касалхонага олиб...

Расул Нуриддиновнинг тиззалари қалтираб кетди.

— Қайси касалхонада?.. Нима қилди ўзи?

Қизча жавоб бериб улгурмади. Хирмонда пахта ағдараётган йигитлардан бири унинг оғзидан сўзини олди.

— Э, ташвишланманг, домла, шамоллаб қолди Улугбек.

Ваҳима қиладиган жойи йўқ!

Расул сал хушини йиғиб:

— Касалхонаси қаёқда экан?— деб сўради.

— Шу ерда. Яқин. Келган йўлингиздан икки километрча орқага қайтиб, ўнгга буриласиз. Сал юрсангиз янги шаҳар келади. Касалхона шаҳарнинг кунботиш томонида, марказий майдоннинг шундоқ ёнида.

Расул шоша-пиша машина томон йўналган эди, ҳалғи қизча:

— Улугбекни буюмларини опкестақолмайсизми?— деб сўради.— Балки касалхонадан олиб кетарсиз уни?

Расул итоаткорлик билан қизчанинг кетидан шийпонга кирди. Каттагина, кенг, бироқ шифти паст, нимқоронғи хонага уч қатор икки қаватли ёғоч сўри ясалган, уларнинг орасидан базўр ўтилар, кечаги ёмғирда чакка ўтган бўлса керак, ётоқхона зах, хонани пайтава ҳидини эслатувчи қўланса бир ҳид тутган эди.

Қизча бурчакка ўтиб, сўрнинг юқори қаватидаги кўрпа-тўшаклар орасидан каттагина буюм халтани чиқариб олди.

— Мана, Улугбек ўзи йиғиштиролмаган эди, мен йиғиштириб, буюм тўрвасига жойлаб қўювдим, домла.

— Раҳмат, қизим,— деди Расул, бу абжиргина серҳаракат қизга меҳри товланиб.— Улугбекнинг жойими бу?

— Ҳа.

— Сизники-чи?

— Мен пастда ётаман,— деди қизча ва «дув» қизариб кетди.— Биз қизлар, ҳаммамиз пастда, болалар тепада ётишади!

Расул биргина шу бригада, шу совхозда эмас, бошқа кўп жойларда ҳам аҳвол шундай эканини яхши биларди. Аммо бугун бу нимқоронғи зах ётоқ ҳам, қизу йиғитлар аралаш-қуралаш турадиган бу сўрилар ҳам — кўзига жуда хунук кўриниб кетди.

Қизик! Дашт ўзлаштирила бошланибдики, ҳар йили кузда минг-минглаб шахарликлар, айниқса студент ёшлар бу ерларга ҳашарга келишади. Бошқача бўлиши ҳам қийин. Юк оғир! Бу юкни фақат деҳқоннинг елкасига ташлаб қўйиш ҳам адолатдан эмас. Туяга чух деган мадад дегандек, пахтакор ҳам ёрдамга муҳтож! Лекин шундай экан, паҳот ҳашарчилар учув тузукроқ ётоқ жой қуриб, шарт-шароит яратиб қўйиш шувчалик қийин бўлса? Бу дашти азимни забт этган куч-қудрат нималарга қодир эмас? Агар ишнинг кўзи топилса, мана шу ёшлар ўзлариёқ ёзги таътил вақтида қуриб олишлари мумкин-ку, ўз ётоқ жойларини!

Расул Нуриддинов азбаройи қайнаб кетганидан бу сўзларни овоз чиқариб айтган экан, Акмал «ялт» этиб қаради.

— Қайси масалани айтянгиз, домлажон!

— Ҳа, шу,— деди домла хижолат чекиб.— Анов ётоқхонани кўриб, ранжиб кетдим...

Акмал мийиғида кулди:

— Ҳайронман. Биз ўқиган чоғларда ҳам аҳвол шу эди. Мана, ўн йил ўтибди ҳамки, хануз эски ҳаммом, эски тос! Кузда ҳаммамиз «масала кўтариш керак», деб жиғибийрон бўламиз-у, ҳосил йиғиб-териб олинганда кейин яна эсимиздан чиқиб кетади! Ҳа бепарво халқ-миз-да, домлажон!..

Расул тўсатдан юзига қон тепиб:

— Халққа тил текказманг!— деб бақириб юборди.— Халқ эмас, сиз билан биз бепарвомиз! Мана, сизни олайлик! Санъаткор авваламбор нимани ўйлаши керак?

Меҳнат аҳлининг дарди, қувончи, бахтиши! Сиз бўлса...
бу ишларни халққа тўпқамоқчи бўласиз!

Акмал пешонасидан қуйилган тер томчиларини артиб,
қизариб кулди.

— Энди... тўғрисини айтсам, баъзан жа қаттиқ гашириб
юборасиз-у, аммо-лекин тилёгламалик қилипти деб
ўйламанг, биз ҳаммамиз сизни мана шу қайнашпа-
рингиз учун яхши кўраман!

Расул Нуриддинов қовоғини уйди.

— Гап менда эмас! Ҳаётда лоқайдликдан ёмон нарса
ёўқ. Қилиниши шарт бўлган, лекин қайси бир бепар-
во раҳбарнинг айби билан қилинмаётган ишлар учун кўра-
шиш ўрнига, менга қолса оламини сув босмайдими, деган
маънода тескари қараб олиш... бу... бу жиноят-ку ахир!

— Жиноят, жиноят! — таъкидлади Акмал ва бу оғир
сухбатга чек қўйиш учун: — Мана, янги шаҳарга ҳам
етиб келдик, — деди енгил тортиб. — Касалхонани кунбо-
тиш томонда, марказий майдоннинг орқасида дейишувди.
Мана, ўша майдон...

Расул чўлга кўн келса ҳам бу шаҳарни фақат узок-
дан кўрган, бояғидай шийпонлардан бирда қизини,
бирда ўғлини кўриб қайтиб кетаверган эди. Буни қарагки,
бу чўли азимда шундай кўркем замонавий бир шаҳар қад
кўтарибди! Кенг асфальт йўлнинг икки томонида уч,
тўрт, беш қаватли уйлар, ойна ва бетондан қурилган
почта, кафе, катта универмаг ва яна қандайдир чиройли
замонавий бинолар! Майдоннинг кунчиқиш томонида эса
етти қаватли ҳашаматли бино осмонга бўй чўзган!..
Бундан чиқди, қилса бўлар экан-ку! Демак, кимдир
хамма куч, хамма маблаг, хамма имкониятни шаҳарга
тўккан-у, даладаги энг зарур шийпон ва уйларга бепла-
санд қараган!..

Касалхона биносининг биринчи қавати ҳам ёшлар
кафесига ўхшаган ойнаванд бўлиб, узокдан жуда чиройли
кўринарди. Шифохонанинг олдидаги кичикроқ гулзорда,
этаклари ер супурган узун қора халатли уч-тўртта
вёл ва эркаклар ўзларини офтобга солиб ўтиришар,
четроқдаги мажнунтол тагида, чамаси студентлар бўлса
керак, бир қиз, бир йигит қиқир-қиқир кулишиб, бир-
бирига тегажқоқлик қилишарди.

Бош врачнинг кабинетининг биринчи қаватда, узун, тагш
цемент гира-шира йўлакнинг охирида экан. Тор ва совуқ,
кўримсиз кабинетнинг тўрида ёш бўлса ҳам сочи тўкилдиб,

тепакал бўлиб қолган, ўзи ҳам ниҳоятда ҳорғин кўринган бир одам ўтирарди. Нуриддинов оғзини очиб биланок бош врач унинг сўзини бўлди:

— Биламан, домла, ўглингиз учинчи қават, ўн саккизинчи хонада ётипти. Кириб кўришингиз мумкин.

Расул ҳаяжонини аранг босиб:

— Ўзи нима бўлган?— деб сўради.

Бош врач тепакал бошини аллақандай қоғозлардан кўтармасдан пўнгиллади.

— Билмадим. Кўришга рухсат бердим-ку, чиқиб кўраверинг-да, домла!

Расул тўсатдан зардаси қайнаб:

— Ие, бош врач бўла туриб, шифохонангизда ётган беморнинг аҳволини билмайсиэми ҳали?— деб сўради.

Бош врачнинг тепакал боши шолгомдай қизариб кетди, бироқ домланинг ёши-ю, зиёли кўринишидан ҳайиқди чоги:

— Сиз ҳам тушунинг, домла,— деди секин.— Юздан ортиқ касалга бор-йўги тўрт киши қараямиз. Икки врач, икки ҳамшира. Ҳамма далада, пахтада, домла!..

Расул индамай хонадан чиқди. У алмисокдан бери сунаурги кўрмаган, ҳаммаёқда сигарета қолдиқлари сочилиб ётган узун коридордан юриб бораркан: «Сал ўзингни бос, Расул!— деб кўйди ичида.— Ҳозир шундай пайт ўзи! Ҳаммага қийин. Ҳамма асабий. Сенинг эркалингингни кўтарадиган амакинг йўқ бу ерда!»

Учинчи қаватнинг йўлагида устларига узун йўл-йўл халат кийиб олган бир-иккита касаллар сигарета тутатишиб туришарди, улардан бири Улуғбек билан ҳамхона экан, сигаретасини ерга ташлаб, шиппаги билан эзгилади-да, ичкарига ўзи бошлаб кирди.

Улуғбек кичкина бўлса ҳам тўртта каравот қўйилган чорбурчак хонанинг ўнг томонида, дераза ёнидаги каравотда ётарди. Бўйни қалин сочиқ билан ўралган, устара тегмаган соқоли тиратиканининг тукларидай дикрайган, ҳарорати баланд бўлса керак, кўзлари қизариб, юзи бўғриқиб кетган.

Расул юраги қаттиқ ачишиб, каравотнинг чеккасига ўтирди.

— Э, қойил! Шердай йигит шамоллаб ётса? Нима бўлди, азизим?

Улуғбек нимадир деб гудранди, бироқ унинг сўзини тушуниб бўлмас эди.

Расул қўлини ўглининг пешонасига қўйди-ю, сесканиб кетди. Улуғбекнинг пешонаси чўғдай иссиқ, чамаси, ҳарорати қирқдан кам эмас эди!

— Иситманг жуда баланд-ку! Қаерда бундай шамоллаб қолдинг, болам?

Улуғбек яна бир нарса деб гудранди-да, «гапиролмайман», деган маънода сочиқ билан ўралган томогига ишора қилди. Гапга домлани бошлаб кирган касал аралашди:

— Ўглингиз икки томонлама ангина бўлган, домла. Назаримда ўпкаси ҳам шамоллаган. Мен фельдшерман. Аҳволи оғир. Иложи бўлса олиб кетинг! Кўриб туриб-сиз-ку бу ердаги вазиятни! Ақалли печка ҳам йўқ. Музхона!

— Кимдан сўрайман?— деди Расул тамом талмовсираб.

— Кимдан бўларди?— деди фельдшер.— Бош врачдан сўрасангиз керак-да! Ё деканатга борасизми?

Бош врач боя ёзаётган қоғозларини ёзиб бўлиб, папкага жойлаётган экан, Расулни хушламай қарни олди. Унинг гапиди охиригача эшитмасданоқ шартта бўлди.

— Йўқ, ўглингизга рухсат беролмайман, домла.

— Нега?

— Негаки, бизнинг студентларга ҳеч қандай дахлимиз йўқ.

— Тушунмадим гапингизга,— деди Расул, юрагида жўш урган пўртанани аранг босиб.— Касал... ҳарорати қирқдан ошиб қовурилиб ётса. Касалхонангиз... касалхона эмас, музхона бўлса!

Бош врач ҳам тўсатдан тенакал боши шолгомдай қизариб, овозини кўтарди.

— Музхонами, бошқами — боримиз шу! Сиз, чамаси, зиёли одамга ўхшайсиз-у, бироқ...

— Мен профессорман!— деди Расул Нуриддинов, деди-ю, ўзидаги гижинди: «Энди бир етмагани унвонларингизни дастак қилиш қолувди!»

— Профессор бўлсангиз... вазиятни мендан яхшироқ тушунишингиз керак!

— Ўз масъулиятсизлигингизни вазиятга ағдарманг! Шифохонангизнинг музхона бўлишига вазиятнинг нима дахли бор? Ё сиз учун касаллар печка қуриб беришсинми? Кўмир топиб келишсинми?

Бош врач, гўё тенакал бошига калтак тушгандай шилқ этиб ўзини стулга ташлади-да:

— Майли, домла,— деди аянчли, сўлгин овозда.— Нима десаңгиз денг, лекин ўглингиага рухсат беролмайман! Институт врачларидаш тузилган комиссия бор. Ўша комиссияга мурожаат қилинг!

— Қаерда бу комиссия?

— Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимида. Майдонни кесиб ўтиб, шуңдоқ ўнг қўлга буриласиз.

Расул кўзига ҳеч нарсая кўришмай ховадан чиқди. Акмал қаёққадир кетган бўлса керак, «Жигули»си ҳам, ўзи ҳам йўқ эди. Нуриддинов майдонни кесиб ўтди-да, ўнг қўлга бурилди. Ҳақиқатан, бош врач айтгандай, бўлим шуңдоққина биқинда экан. Маъмурий идорадан кўра универмага ўхшаб кетадиган катта ойнаванд биво ҳувиллаб ётар, фақат тепасига «бухгалтерия» деб ёзиб қўйилган ховадан бошқа ҳамма хоналар бўм-бўш, ташқари эшик тепасида кўк бўёқ билан қингир-қийшиқ ёзилган эълон осиглиқ турарди: «Ҳамма — пахтада!»

Бош врач айтган комиссия иккитагина ёш жуводан иборат экан, улардан бири, домла кириб гап бошламасданок негадир ховадан чиқиб кетди, иккинчиси, қора кўзойнак тақиб, эғнига оқ халат кийиб олган, кўринишидан анча қаттиққўл аёл, Нуриддиновнинг арзини эшитишга эшитди-ю, бироқ аёлларга ёт бир қатъият билан:

— Биз ўглингиага рухсат беролмаймиз, домла,— деди.

Нуриддинов тикка туриб гап бошлаган эди, яна бирдан юраги санчиб, кирган жойдаги пачақроқ стулга ўтириб қолди.

— Хўп, уёқда бош врач рухсат беролмаса, бу ёқда сиз... Зотан, сиз менга рад жавоб беришдан аввал, лоақал касални бориб кўринг!

Жувон кўзойнагини ярқ этказиб, ёвқараш қилди:

— Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ!..

«Бу... бу нима бўляпти ўзи? Расмиятчилик ҳам эми билан-да!»

— Нега аҳамияти бўлмас экан? Ё касал одам...— Расул Нуриддиновнинг хаёлига «ўлгандан кейингиа жавоб берасизларми», қабилдаги ёмон бир фикр келди-ю, ўз ўйидан ўзи сесканиб кетди.— Касалга қанақа аҳволда рухсат берилади? Умуман, рухсат берадиган бирорта ташкилот борми ўзи?

— Бор! Министрлик қошида тузилган эксперт комиссияси бор. Рухсат берса фақат ўшалар бера олади!

«Министрлик қошида эксперт комиссия? Ёпирай, бу аёл нима деяпти ўзи?»

— Наҳот энди шу иш учун Тошкентга боришим керак бўлса?

— Йўқ, шарт эмас, — деди жувоп. — Комиссия қўшни райони марказида жойлашган. Бу ердан нари борса йигирма километр келади. Фақат... — у негадир чайналди.

— Хўш?

— Фақат... бу ердан ўглингизининг касаллиги тўғрисида справка олиб кетинг. Бўлмаса бефойда.

— Беришг бўлмаса ўша справкани...

— Йўқ, справкани биз эмас, шаҳар касалхонасининг бош врач бериши керак!

Расул Нуриддинов нимагадир тўсатдан ёш боладай хўрлиги келиб, хонадан аранг юриб чиқди-ю, қаёққа боришини, нима қилишини билмай, эшик олдида авча турди. Тезаканнинг олдига қайта ялиниб боришга юраги дов бермас, айни замонда, ўғлини бу аҳволда, бу совуқ касалхонада қолдириб кетиш ҳам ақлига сиғмас эди!

Йўқ, Расул ёш бола эмас. У пахта иши нақадар оғир эканини, айниқса кузда, терим пайтида, ёшу қари — барчаниннг тинкасини қуритишини яхши биларди. Аммо бунчаликка бориш!.. Ҳарорати қирққа чиқиб, қовурилиб ётган касал одамга бир ҳафтага уйга ижозат бермаслик!.. Нима бўляпти ўзи? «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!» деган ширинмиз қайда қолди? Пахта инсон учунми, ё инсон пахта учунми?.. Шаҳардан келган ҳашарчининг аҳволи бу бўлса, қишу ёз даладан чиқмайдиган анов шўрлик нахтакорнинг ҳоли нима бўляпти?

Расул хаёлан ким биландир баҳслаша-баҳслаша боя эътиборини тортган етти қаватли муҳташам бинонинг олдига бориб қолганини найқамаган экан, негадир «Даштстрой» деб ёзилган катта ялтироқ мармар тахтага кўзи тушди-да, беихтиёр тўхтади. Бино олдидаги гулзор атрофида уч-тўртта оқ, қора, ҳаворанг «Волга»лар қаторлашиб турар, «Жигули»га ўхшаш бошқа машиналарнинг-ку, ҳисоби йўқ эди. «Э, «Даштстрой»нинг маҳкамаси-ку бу! Музаффар бормикан идорасида?»

Нуриддинов бир осмонга бўй чўзган бу улкан бинога, бир унинг ойлаванд эшикларидан кириб-чиқиб турган одамларга разм солиб, хиёл иккиланиб турди, сўнг, хиёбондан ўтиб, бинонинг мармар зиналарига қадам қўйди...

(1)

Худди шу куни, худди шу дақиқаларда Расулнинг болалик дўсти, япон урушида бирга бўлган, ҳозир эса «Даштстрой» деган бу гигант ташкилот УРСини¹ бошқараётган оғайниси Музаффар Фармонов тўртинчи қаватдаги ўз хонасида мажлис ўтказмоқда эди. Бугун у қандайдир кўтаринки кайфиятда эди. Шу боис мажлис ҳам мажлисга ўхшамас, хонада дам-бадам гур-гур кулги янграрди.

Одатда бошқарма бошлигининг дағаллиги ва чўртке-сарлигига ўрганиб қолган ходимлар бугун лолу хайрон эдилар. Лекин бунинг хайрон бўладиган жойи йўқ, аксинча, Музаффар Фармоновнинг асабий хушнуд кайфиятига асослар кўп эди.

Мана бир неча йилдирки, Музаффар Фармонов Узок Шимолда жойлашган йирик бир ўрмончилик хўжалиги билан яхши алоқа ўриатиб, ундаи аъло нав ёғоч ва тахта олади. Фармонов ўрмон хўжалигини вагон-вагон қовун-тарвуз билан таъмин этади, уёқдан эса вагон-вагон ёғоч келади. Бундан икки ҳафта муқаддам леспромхоздан кутилмаган бир телеграмма келди. Фармоновнинг кўнглига гулгула солиб, уни мижжа қоқтирмаган бу телеграммада шундай дейилган эди:

«Матвей касалхонага тушиб қолди. Аҳволи оғир. Тезда қариндош-уруғлари келсин». Телеграмма ўрмон хўжалигида ишлайдиган ишончли бир одамдан бўлиб, уни шундай тушуномқ лозим эди: «Юборган вакилингиз Маткаримов қўлга тушди. Вазият жиддий. Қўлдан келган ҳамма чора-тадбирларингизни кўринг!»

Рост, Маткаримовга ишонса бўлар, у тегирмонга тушса бутун чиқадиغانлардан эди. Бундан бир ой муқаддам Маткаримов ўрмон хўжалигига бир вагон қовун-тарвуз олиб кетган ва сал ўтмай бир нечта вагон биринчи сорт тахта ва ёғоч юборганди. Хулласи калом, у ҳам осонликча жон берадиган хилидан эмас. Аммо телеграмма берган одам ҳам унча-мунчага ваҳима кўтарадиган анойилардан эмасди. Шу боис Фармонов, бир оз иккиланиб тур-

¹ УРС — ишчилар таъминоти бошқармаси.

гач, телеграммани хўжайинга — «Даштетрой» бошлигига кўрсатди. У эса қути ўчиб: «Савдо менинг соҳам эмас, ўзинг пиширган бўтқангни ўзинг севвер!» — деи ўшқриб берди.

Ҳамма оғирлик яна ўзига тушди. Дўст-биродарларни ишга солиб, область халқ контроли комитетидан битта одам топди (худога минг шукрки, ўрмон хўжалигидаги иш ҳам ҳали милицияга ўтмаган, ҳозирча ўша томоннинг халқ контроли қўлида эди!). Қисқаси, одамлар «тўнка» деб лақаб қўйган мана шу одам билан тил топишди. Тўнка ҳам анойилардан эмас экан, Шимолга бориб келинга розилик беришдан аввал анча-мунча шарт қўйди. Фармонов фақат ўлганининг купидангина Тўнканинг бу шартларига рози бўлди. Узоқ ва пинҳоний маслаҳатдан кейин улар шундай қарорга келдилар: бирламчи, ҳар қанча пул кетмасин, ишни босди-босди қилиш. Агар бунинг чораси топилмаса, Маткаримовни гушг қилиш, токи, оғзидан бир оғиз гап чиқмасин! Агар Маткаримов бу шартга кўнса, Фармонов унинг жонига ора киради, агар кўнмаса (ҳар қалай, иш бунгача бормас!) бир йўлини топиб, сотқинни даф қилиш, очиги — асфаласофилнига жўнатиш!.. Лекин, хайрият, иш бу даражага бормади. Бундан уч-тўрт кун аввал Узоқ Шимолдан телеграмма келди. Унда: «Матвей ҳали касалхонада, аммо бери қаради, ташвишланманглар», дейилган эди. Кеча кечқурун эса, оғзи қулогида, Тўнканинг ўзи кириб келди.

Маълум бўлишича, Маткаримовни ҳозирча қўйиб юборишибди, аммо Тўнка, баъзи ҳужжатларга аниқлик киритиш баҳонасида, уларнинг қўлидаги энг нозик ва хатарли «дело»ни олиб келинга муваффақ бўлти!..

Ростини айтганда, Музаффар «Тўнка» деса дегудек бу тўпори, камгап одамни унга иши тушишидан аввал назарига илмас, наинки Тўнка, ҳатто унинг бошлиқларини ҳам назар-писанд қилмас эди. Аммо мана бир йилдирки, узоқдан аллақандай ёмон бир довулнинг совуқ шабадаси кела бошлади, ҳатто довул бошлапмасдан туриб, ис-ис одамлар, унинг шабадасигаёқ учиб кетишди. Шу боисдан ҳам Фармонов кечаси унинг напқасидаги ҳужжатларни кўриб шундай қувониб кетдики, Тўнкани маҳкам қучоқлаб, аввал чўтир юзидан чўлп-чўлп ўпиб олди, кейин энг нозик меҳмонлар учун қурилган, ташқаридан қараганда кўримсизгина, ичида эса мрамр

«Сауна»ларигача бор пишхоний меҳмонхонага таклиф этди.

Шу ерда, биринчи қадаҳдан кейин «Сауна»га, «Сауна»дан кейин муздек ҳовузга шўнгиб чиқиб, тагига юмшоқ хитой гиламлари тўшалган тинч, осуда хонада пивохўрлик қилиб ўтирганларида, Тўнка Фармоновга кўнглидаги энг нозик бир орзусини изҳор этди. Маълум бўлишича, бу камгап, кўримсиз, чўтир одам тоза ичидан пишганлардан экан. У кўндан бери областдан марказга, республика халқ контроли комитетига ўтиш ҳаракатида юрар экан. Тўнканинг у ерда ҳам ёру биродарлари бор экан. Улар ишни аллақачон пиширган, фақат бир одам, у ҳам бўлса комитет раисининг муовини Белобородовнинг розилигини олиш қолган экан, холос!

Ажабо: Тўнка ҳатто уруш йиллари Фармонов Белобородовнинг батальонида хизмат қилганидан ҳам бохабар экан. У фақат бир нарсани билмас, яъни Фармоновнинг ўзи ҳам сўнги пайтларда бундан йигирма йил муқаддам «Даштстрой»да ишлаб кетган собиқ комбатига яқинлашиш йўллариини жон-жаҳди билан қидираётганини билмас эди.

Тўнги, Фармонов Белобородовни чиндан ҳам яхши танир, чунки фалақининг гардиши билан ҳақиқатан ҳам уруш йиллари Иван Харитоновичнинг батальонида хизмат қилган, Иван Харитонович ҳам Гоби саҳроси ва Хинган тоғларидадан бирга ўтган уч оғайни ботирлар — Расул, Музаффар ва ҳатто ўқиниша боролмай қишлоқда қолиб кетган Шораҳим шоввозни ҳам бот-бот эслаб турарди. Белобородовнинг ўзи ҳам, ўша пайтларда полкда врачлик қилган унинг хотини Евдокия Федоровна ҳам уларни кўрса «ўлиб қолишар»ди. Рост, бундан анча йил аввал Белобородов «Даштстрой» бошлиғи билан келишолмай чўлни тарк этган, икки ўт орасида қолган Музаффар Фармон эса, «биринчи» раҳбар томонини олиниша мажбур бўлганди. Шундан бери оралари илгаригидай эмас эди, бироқ Тўнка, чамаси, бундан бехабар, Музаффарнинг ўзи ҳам бу совуқликни «кўтариб» ташилашга жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётганини билмас эди.

Хуллас, қиссадан ҳисса шу бўлдики, агар ол қулим деб Тўнка марказга ўтса, Фармоновни сира эсдан чиқармайди.

Фармонов, гарчи бу масалада кўлидан бир иш келмаслигига ақли етиб турса ҳам Тўнкага ёрдам беришни ваъда қилди, сўнг, авваллари бу турқи совуқ тўнорига

совға-салом қилишни хаёлига ҳам келтирмайдиган одам, зиёфатдан кейин унинг елкасига беқасам тўн ёпиб, босволди қовундай тарам-тарам кал бошига янги чуст дўппи кийгазди... Улар яна ўпишиб хайрлашдилар. Бироқ Тўнка кетиб, ўзи ёлғиз қолгач, кўнглига яна аллақандай ғулгула тушиб, дили хуфтон бўлди, гўё қаердандир овлоқдан ногаҳон эса бошлаган совуқ шабада очиқ деразадан ногаҳон кириб келди-ю, унинг юрагини ҳам музлатиб юборди...

Йўқ, ногаҳон эмас, бу шабада бултур, худди шу маҳалларда, натта хўжайин оламдан ўтар-ўтмасданоқ бошланган эди...

Қорамағиздан келган новча, хушқад бу одам «Дашт-строй»га кўп келар, бу беноён саҳронинг улкан пахта мақошига айланганидан астойдил ифтихор қилар, шу боисдан ҳам бу ерда нима иш қилинмасин, ҳаммасини кўллаб-қувватларди. Энди эса... Музаффар Фармонов Узоқ Шимолдаги ўрмон хўжалиги билан алоқа боғлаб, ёғоч олган бўлса... ўзи учун қилдим бу ишни? Йўқ, чучварани хом санабди улар! Ўтиб кетади бу шабада, албатта ўтиб кетади...

Музаффар Фармонов юрагини чулғаб олган бу ваҳимали туйғудан қутулиш умидида хаёл жиловини бошқа томонга буришга, ёшлик йилларини, дўстларини эслашга уриниб кўрди.

Ажабо: унинг Расулни кўрмаганига неча йил бўлди? Ҳар қалай, уч-тўрт йилдан ошиб кетди-ёв! Илгарилари оралари соз эди, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам борди-келди қилиб туришарди. Учрашганларида, айвиқса қишлоқда, учинчи фронтчи дўстлари Шораҳим шоввознинг уйида кўришганларида, уруш йилларини эслашиб, тонготар суҳбатлар қуришар, аммо қанча дардлашмасинлар, дардлари тугамас эди.

Зотан, армиядан қайтиб, институтга ўқишга кирган пайтларида, гарчи бири савдо, иккинчиси санъат соҳасини таплаган бўлишса ҳам Музаффар билан Расулдан иноқ одам йўқ эди. Ҳар йили ёзда таътилга чиқиб, қишлоққа борган вақтларида уч оғайни доим бирга бўлишар, кунлари аксар ҳолларда Шораҳим шоввозникида ўтарди.

У маҳалда Шораҳим айни кучга тўлган, фақат дала ишлари эмас, ўз боғини ҳам гулдай яшшатиб қўйганди.

Катта, серсоя боғнинг тепасидан бир ариқ сув шарқираб оқиб ўтар, сув устида, улкан шотут тагида катта сўриси бўлар, улар шу ерда ағанаб ётиб, чақчақлашгани чақчақлашган эди.

Шоввознинг юлдузи иссиққипа, шўх-шадлодгина хотини Ойсулув уларга жон-дилидан хизмат қилар, бўйдоқ студентларнинг тагдор ҳазилларига ҳазил билан жавоб бериб, уларни аксар ҳолларда «мот» ҳам қилар, шуида Шоввоз қайлиғининг топагонлиги-ю, сўзга усталигидан мамшун, қаҳ-қаҳ отиб кулгани кулган эди. Кейин... кейин институтни баробар битирдилар. Расул олим бўлиш ниятида аспирантурада қолди, қишлоққа қайтган Музаффар эса дабдурустан совхозга бош бухгалтер бўлди. Аммо бир йил ўтмасданок уни район матлубот жамиятига бошлиқ қилиб кўтаришди, ундан областга олишди. Облаstdан бу ерга юборишди, бу гигант ташкилотнинг ишчи таъминотини унга ишониб топширишди...

Огайниси Расул бундан беш-олти йил муқаддам ахён-ахёнда, одатда студентларга бош бўлиб пахтага чиққан пайтларида, Музаффарни йўқлаб келиб турарди. Кейин... Музаффарнинг ўғли Фотиҳ Расулнинг қизи Нигорага кўнгил қўйди. Нигора эса рўйхушлик бермади-ю, УРС бошлиғи бўптики, бирор жойдан рад жавобини олмаган Музаффар, огайнисидан кўнгли совиб кетди. Ўз устига, дўсти Расул ўзи тушунмаган, ҳатто ақли етмаган нарсаларга буринини тиқини одатини чиқарди. Айниқса, студентларни пахтага олиб чиққан пайтларида «уни қилмабсан, буни таъмин етмабсан» қабилида иш тутиб, тирноқ остидан кир қидирадиган ё сасиб гапирадиган одат чиқарди-ю, охири Музаффар ундан ўзини олиб қочадиган бўлди... Қишининг қонини қайнатадиган яна бир томони шундаки, ҳаётдан батамом ажраб қолган Расул бу ҳақиқатларни шундай қизишиб, худди Америка очаётгандай дағдаға билан айтади, гўё Музаффар бу етишмовчиликларни билмайдигандай фалсафа сўқадн, ақл ўргатади.

Йўқ, Музаффар Гоби саҳросида уларнинг ёрдамига муҳтож бўлган бўлса бўлгандир, аммо кейинчалик ўзининг нималарга қодир эканини кўрсатди. Гап жисмоний кучда эмас, руҳий камолотда, ақл-заковатда, тadbиркорликда эканини исбот қила олди! Орзу қилган ҳамма нарсасига эришди, бундан кейин ҳам эришади! Ёшлик чоғларида унинг йўлига ғов бўлиб, севган қизи Ойсулувни «илиб кетган» рақибларидан бири... анов Шораҳим бўлса... охири

нима бўлди? Ўзи қора меҳнатдан чиқолмагани чиқолмаган, шўрлик Ойсулувни, қишлоқнинг олди қизи Ойсулувни нима қилди?.. Сочи супурги, қўли косов, чўри қилди шўрликни! Чўри! Музаффар эса институтни тугатибдики, бирда эски рақиблари устидан ғалаба қилиш орзуси билан яшаса, бирда Ойсулувни «куйдирини» умиди билан яшади! Шу мақсадда, у Ойсулувдан ўн баробар кўхлик қизга, ҳозирги хотини Соҳибага уйланди. Ойсулув қишлоқнинг олди қизи бўлса, Соҳиба медицина институтининг олди гўзали эди. Музаффар уни маънаман деган йиғитлар орасидан худди кўнкарида не-не отлар орасидан улоқни олиб чиққан чавандоздай олиб чиқди. Лекин ажабо, шундан бери неча йил ўтди. Соҳибадан икки фарзанд кўрди, неваралик ҳам бўлди, лекин одам боласи галати экан: аҳён-аҳёнда ўша, бўз болалик пайтида шайдо бўлган Ойсулувни эсласа... ҳануз кўнгли бир галати бўлиб кетади-ю, дилида ёмон туйғулар гимирлай бошлайди.

Тўхта-тўхта, алмисоқдан қолган бу ҳангомаларни эсланга бало борми ҳозир! Бошқа ташвиш қуриб қолдими? Музаффарнинг яхши бир одати бор: у кечаси (айниқса сўнгги пайтларда) ҳар хил хаёллардан ваҳима босиб, кўнгли нечоғлик гаш бўлмасини, эрталаб ўрнидан сакраб турди-ю, ўзини «Сауна»га отади, сўнг, ярим соат бадаштарбия қилади-да, ўзини опада янги туғилган чақалоқдек сезади. Шунда ҳамма ташвиш ва гулгулалар кўзига пашшадай ҳам кўринмай қолади. Бугун эрталаб ҳам шундай қилди-да, мажлисга... кечаси душманнинг метин истеҳкомини забт этган голиб генералдай, бошини балад кўтариб кириб келди.

Фармонов мажлисини наридан-бери яқинлаб, энди кетмоқчи бўлиб турганида, ёрдамчиси телефон қилиб қолди: Тошкентдан Расул Нуриддинов деган бир профессор уни йўқлаб келиб, настда кутиб ўтирган эмиш.

Музаффар Фармонов Расулнинг исмини эшитганда негадир юрагига чўғ теккандай «жиэ» этди-ю, киришга ижозат берди.

(2)

Тезюрар лифт қушдай енгилгина учиб, Расулни бир зумда тўртинчи қаватга олиб чиқди. Фармоновнинг кабинети йўлакнинг охирида экан. Расул қирмизи гилам тўшалган бўм-бўш йўлакдан юриб, «Қабулхона» деб ёзилган икки тавақали сип-силлиқ саргини эшиккача борди-ю, бир лаҳза журъатсизланиб тўхтади.

У огайинси Музаффарий сўнг бор қачон кўрувди? Ҳа, ўгли Фотих Нигоранинг атрофида нарвона бўлиб юрган пайтларида Музаффар ўзи Расулни йўқлаб борувди. Ўз ибораси билан айтганда, совчи бўлмаса ҳам совчи ҳисобида Нигорани сўраб борганди. Шунда Музаффар кўзига илгариги Музаффар эмас, батамом бошқа одам бўлиб кўринганди. Музаффарда ўз ҳаёти, қилаётган ишлари, ҳамма-ҳамма нарсадан мамнун одамлардагина учрайдиган ўзгача бир қувноқлик, бенисанглик ва... таълимлик пайдо бўлганди. Чамаси, бу дунёда унинг қўлидан келмайдиган бирор иш, у ҳал этолмайдиган бирор муаммо йўқ эди! У Расуллариникига ҳам қуруқ қўл билан эмас, бир дунё совга-салом кўтариб борганди. Бир гапирса ўн кулиб, ёшлик чоғлари, айниқса япон урушида бошларидан ўтган воқеаларни, дўстлари Шораҳим шовқоннинг ҳалати одатларини эслаб, ўзи ҳам яйраган, Расулни ҳам кўп яйратганди. Лекин не чора, борган иши ҳал бўлмай, раҳиб қайтганди. Мана энди Расул ўзи унинг олдига келиб турибди. Нега келди? Ундан ёрдам сўрамоқчимми? Ё...

Нуриддинов ҳали бир фикрга келиб улгурмаган ҳам ёдики, эшикда охиқ момик бармоқлари қўш-қўш тилла дуқлар билан безалган кўҳликкина ёш жуван кўринди.

— Профессор Расул Нуриддинович сиз бўласизми? Салом! Марҳамат, Музаффар Фармонович сўраяптилар!

Расул вужудидан возик атир хиди уфуриб турган, гўё «Даштстрой» эмас, машҳур театрда ишлайдиган актрисадай башанг кийинган ёш жуваннинг ёнидан ўтиб, оғир, ялтироқ эшикни очди.

Музаффар момикдай юмшоқ инак гиламлар тўшалган, дворлари ёнгоқ ёғочи билан қопланган, қўш қапотли деразаларидан бутун беноён дашт кафтдай кўриниб турган улкан кабинетнинг турида, селектор ва беҳисоб телефонлар саф тортган мухташам стол ортида, устига гиламча ташланган айланма креслода чўкиб ўтирарди. Расул естонадан утиши билан ўрнидан сапчиб туриб, қулоч ёзганича пешвоз чиқди.

— Э, оламда бормисан, Расул? Қайси шамоллар учирди? Сени ҳам кўрадиган кун бўлар экан-ку, биродар?

Музаффар ёшлигида ўрта бўйлик, озғингина йигитча эди, энди қорин қўйиб, бўйинлари йўғонлангани учунми ё ёши бир жойга бориб хиёл чўккалми, ишқилиб, семиз бўлмаса ҳам тўладан келган, икки юзи апордай қип-қизил

(қоп босими баланд бўлса керак, ўйлади Расул), салобатли бир одамга айланибди. Эгшида йўл-йўл кўк чизиги бор, қимматбаҳо хорижий қора костюм, битта-яримта оқ тушган, лекин ҳануз қалин сочлари сип-силлиқ таралган Фармонов, умри даштда, жизғанақ офтобу бўроларда ўтган хўжалик раҳбари эмас, бирорта катта универмаг ё ресторанининг директорига ўхшар, ўзи ҳам тўрт-беш йил аввал кўришганларидан ҳам хуррам, бахтиёр, ҳаётдан мамнуи туюларди. У Расул билан кучоқлашиб кўришди-да, қоғозлар ва телефонларга тўла столнинг кнопокасини босди. Хонани яна позик атир бўйига тўлдириб, бояги актрисага ўхшаган ёш жувон кирди.

— Кўк чой, тўқсон бешдан бўлсин. Ҳа, айтмоқчи, жуда катта зарурат бўлмаса... телефон-телефони уламанг, олдимга ҳеч кимни қўйманг!— Фармонов шуандай деб, қип-қизил, юм-юмалоқ, мамнуи юзини оғайнисига бурди.— Аммо-лекин биз гарибни эслаб кўн савоб иш қилисан-да, оғайни! Бу дейман, ҳадеб иш-иш деявериш, одамгарчиликдан ҳам чиқиб кетдик-ку! Бир отамлашар эканмиз-да энди! Ё Шоввознинг олдига бориб келамизми?— тўсатдан сўради у.— Хинган тоғлари-ю, Гоби чўлларини эслаб, бир ётиб дардлашар эдик. Нима дейсан?

Расул юраги бир ҳапқириб:

— Майли, агар вақтнинг бўлса!— деди.— Аммо мен бир илтимос билан келдим.

— Қанақа илтимос? Эшитишимча, сенинг институтигда ўқиянган даҳолар бизда... қайси бир совхозда пахта теряпган эмис! Ё ҳамма генийларингга рухсат бериб юборайми? Бир оғиз сўзинг, дўстим!

— Генийларни қўйиб тур! Ҳашарга келган ўғлим Улуғбек касал бўлиб шифохоналарингга тушиб қопти. Эрталабдан бери рухсат ололмаи сарсон-саргардонман.

— Қайси шифохона?

— Шаҳар шифохонаси. Лекин шифохона деб бўлмайдя уми, музхона!..

— Ҳм-м... аҳволи оғирми?

— Оғир бўлмаса келармидим? Ҳарорати қирқдан ошиб ётибди!

Музаффар асабий ҳаракат билан телефонлардап бирига қўл чўади-да, қатъий овозда:

— Менга шаҳар касалхонасининг бош врачини улаб беринг!— деб буюрди.— Бу ким? Бош врач? Бу мен, Фармоновман. Менга қараинг, ўртоқ бош врач, нега касал-

хонангиз совуқ? Нима? Кўмир йўқ? Балки кўмирни ҳам ўзимиз обориб бериб, қочегарлик қилиб ўтирармиз касал-хонангизда! Нима-нима? Қўлингиздан келса ишланг, бўл-маса... бўшатиб қўйинг ўрнингизни! Бажарамиз эмиш! Яна бир гап бор! — Музаффар оппоқ кафти билан трубканинг оғзини беркитиб Расулга юзланди. — Ўглингни исми?

— Улугбек. Улугбек Нуриддинов!

— Шифохонангизда Улугбек Нуриддинов деган студент ётган эмиш. Дарҳол уйига жавоб бериб юборинг! Нима? Комиссия? Ҳарорати қирқдан ошиб, қовурилиб ётган одамга яна қапақа комиссия керак? Одамнинг қадр борми ё одам боласи пашшам севлар учун? — Фармонов яна трубкани қўли билан беркитиб шивирлади: — Машиналаринг борми ё...

— Бор, бор. «Жигули» — 48—50 ТН. Ҳовлиларида кутиб турипти!

— Ҳовлиларингда 48—50 сонли «Жигули» кутиб турган эмиш. Дарҳол ўтқазиб жўнатиб юборинг! Ҳа, шошманг, шофёрга айтиб қўйинг. Касалнинг дадаси шу ерда қолади! Ҳа, «Даштстрой»да қолади. Иши бор. Боринг, имилламай айтган гапни бажаринг! Шу бугун кўмир топиб, шу бугун иситнинг шифохонангизни! Раҳбар деган ҳам шунақа бўладими? Ё ишланг, ё бўшатиб қўйинг ўрнингизни! — Фармонов трубкани «шақ» этиб, жойига қўйди-да, ўрнidan туриб, асабий ҳолатда кабинетни бир айлавиб чиқди.

— Мана, кадрларнинг аҳволи, оғайни! Ҳатто кўмир билан ҳам УРС бошлиғи шугулланиши керак!

Расул бош врачнинг аҳволини кўз олдига келтирди, худди беҳосдан чақимчилик қилган одамдай ўнгайсизланиб:

— Мени нима қиласан олиб қолиб? — деди. — Ё ўглимнинг ўрнига пахта тердирмоқчимисан?

Сая шаштидан тушган Музаффар унинг қаршисига келиб тўхтади-да, кўзини қисиб кулимсиради:

— Нега тердирмас эканмиз? Керак бўлса — терасан! Профессор бўлсанг — ўзингга! Кеча область раҳбарлари иштирокида ўтган мажлисда яна эллик минг тонна пахта берамиз деб, қўшимча мажбурият олди! — Фармонов бирдан жиддийлашиб дераза олдига борди-да, шафақранг шойи дарпардаларни юлқиб очиб, бепоён даштга тикилди.

Чор атрофга қанот ёзиб уфқларга тутшиб кетган хадсиз дашт бу ердап, тўртинчи қаватдап, бирда қўнғир-қизғини яйловни, бирда ёнғинда куйиб кул бўлган дарахтзорни эслатар, ҳаммаёқ қуриб-қовжираб қолган пахтазор хар жой-хар жойдагина тугурт қутисига ўхшаган шийшонлар, уйлар, қўрғонлар, толзорлар кўзга чалинар, йироқда қўрғон билан ўралган пахта заводи хирмонлари осмонни фалакни тираб турар, шийнийдам пайкалларда ўрмалаб юрган одамлар чумолини эслатарди.

— Далаларинг шийнийдам-ку. Қандоқ қилиб эликнинг тонна қўшимча мажбурият оқдиларинг?

Фармонов шафакранг дарнардани шартта ёниб, огайнисига ўгирилиб қаради, унинг ингоҳидаги аллақандай тараддуд аралаш ташвиш аломати кутилмаганда шўх ва қайсар бир ифода билан ялмашди:

— «Даштстрой» ваъда бердим — демак, бўлади! Мава, сени ишлатамиз! Эзиб ишлатамиз! Қарабсанки, юки-мизинг бир томонини кўтариб турибсан! — Музаффар шундай деб яна қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, дарҳол жиддийлашди: — Тўғрисиини айтсам, ахвон оғир, огайини. Бошлигимиз Москвада. Ўйламадим, инамага чақиринган? (Буни фақат сенга айтишман.) Муовинлари бўлса... бири биридан хароб! Ҳалиги... бир тонна кўмир тонолмай ўтирган бош врачдан ҳам ланашанг! Мава, ўзинг қуриб турибсан — ишинг ярми менинг гарданимда! Бўлмаса мен ким — УРС бошлигиман, холос! — Фармонов чуқур уф тортиб, бир лаҳза ўйланиб қолди-ю, тўсатдан яна чехраси ёришиб: — Ке, қўй шу ташвишларини! — деди гўё бу гапларни ўзи эмас, Расул бонлагандай. — Озиб-ёзиб бир кеп қопсан! Баҳонаданга мен ҳам бир ўйнаб қолай! Тўғрисиини айтсам... менинг ҳам бўғзимга келди бу гаплар! — Фармонов шундай деди-да, инак гиламларни мушукдай товушсиз одимлаб бориб телефонга ёпишди: — Менман! Дарҳол аэродромга телефон қилинг. Битта самолёт тайёр қилиб қўйинсини! Ҳозир пойтахтдан келган масъул бир ўртоқ билан борамиз. Даштни айлашамиз!

Фармонов трубкани қўйиб, яна столининг тугмачасини босди, сўнг, токи эшикда котиба жувоп кўрингунча, қўлини орқасига қилганича стол атрофини бир айлавиб чиқди. Шу тонда у катта стратегни аҳамиятга эга чигал муаммони ҳал этаётган саркардага ўхшар, барча хатти-харакатлари улуғ лашкарбошини эслатар, фақат эғнида генераллик либоси етишмасди.

Эшикда ёш котиба кўриниши билан у юришдан тухтаб:

— Сиз ҳозир аэродромга боринг!— деб буйруқ берди.

— Вертолётлардан биттасини олиб, «Шаршара»га учинг-да, вертолётни учинчи зонага қайтариб юборинг. Биз даштти айланиб, «Богн эрам»га ўтамиз, кейин... — қўлини кўтариб, соатига бир қараб олди.— Кейин, соат бешларда «Шаршара»га чиқамиз. Уягача сиз ҳамма нарсани тахт қилиб, кутиб ўтирасиз. Саволлар йўқми?

— Йўқ, Музаффар Фармонович!

— Йўқ бўлса, сизга руҳсат!— Фармонов шундай деб, ёнгоқ ёғочидан ясалган сизлик шкафни очди-да, елкаларига ногоя тақилган кулранг плаштини кийиб, Расулга юзланди.

— Кетдик, огайини! Таниқли савъаткорсан-ку, даштда нималар бўляпти, дўстинг Музаффарини нима учув бирда сўкиб, бирда мақтаяпти — билиб қўй, огайини!

Расул ўглини баҳона қилиб, яна узр сўрамоқчи эди, Музаффар:

— Э, сен ҳам қизиқ экансан-ку!— деди энасен қотиб. — Кампанани гани бу даштда икки бўлмайди! Ўглинг шу тонда машинада онаси ўнмаган ҳамшира қизинг тиззасига бошини қўйиб, ширин тушлар кўриб кетяпти дейвер! Қани, жилдик, жўра!

Нуриддинов огайинесининг қудрати тўғрисида кўп эшитган эди, лекин аввал эшитганлари бир бўлди-ю, ҳозиргиси бир бўлди. Ҳар қалай, унинг ган-сўзлари-ю, хатти-ҳаракатлари оддий бир УРС бомлиги эмас, «Дашт-строй» раҳбарини эслатарди.

Шаҳар чеккасидаги кичикроқ аэродромда уларни учувчилар ва аэродром катталари кутиб турган экан, дарҳол самолётга бошланди. Почта ташинига мўлжалланган бу кичикинагина самолётнинг икки ёнидаги темир ускувалари олиниб, ўрнига чиройли чарм креслолар қўйилган, ўртада хатто миттигина столча ҳам бор эди.

Фармонов биринчи қаторга ўтириб, ойна ёнидан Расулга жой кўрсатаркан, буйруқ кутиб турган учувчига юзланди:

— Ҳаво яхши! Иложи бўлса 150—200 метрдан балинд учманг! Бу киши катта олим, машҳур профессор. «Дашт-строй» ишларини бир кўрмоқчилар.

— Хўн бўлади, хўжайини!

Самолёт майдончадан бир зумгина дукур-дукур сакраб борди-да, қушдай енгил парвоз қилиб, учиб кетди. Учувчи «хўжайин»нинг буйруғини беками қўст бажариб, нари борса икки юз метрдан баянд кўтарилмади: далалар, уйлар, шийпонлар, бепоён даштни уёқдан-буёққа кесиб ўтган лоток ва йўллар — куз бўлса ҳам сув тўла каналлар — ҳаммаси қафтдай кўриниб турарди. Далалар, гарчи шийшидам бўлса ҳам уларда одам кўп, гўзаларда ялиниб қолган битта-яримта кўсак ва чигитларни, терим машинаси тўккан пахталарни териб юрган ёш-яланглар самолётга қўл чўзиниб, алланималарни қичқиритиб қолтирар, ҳар жой-ҳар жойдаги шийпонларда қор уюмларига ўхшаш хирмонлар кўзга чалинар, фақат катта кўрғон билан ўралган пахта заводларидагина қилинган ва қилинаётган иш бутун кўламп билан намоен бўларди. Заводларда йиғилган тоғ-тоғ пахта уюмлари шу даражада баянд эдики, самолёт уларга яқинлашганда беихтиёр юқорилашга мажбур бўларди.

Рост, Расул самолёт деразасидан қафтдай кўриниб турган бу даштни биринчи марта кўраётгани йўқ. Болалик пайтларидан бошлаб, токи сўнгги йилларгача, юз марта кўрган бўлса ҳам ажаб эмас. Студентлик чоғларида сурункасига беш йил ҳар куз бу ерларда пахта терган, эллигинчи йилларнинг охири ва олтининчи йилларнинг бошларида эса, қамни каналарда, поқулай, тор, тандирдай иссиқ вагонеткаларда яшаб, илк совхоз биноларининг пойдеворларига гиит қўйган, ундан кейин ҳам институтга домла бўлибдики, қолмаган йил ийўқ, назарида, юрмаган йўли, кўрмаган шаҳарчаси йўқ эди. Лекин, афтидан, инсонга хос нуқсонлардан бири шунда бўлса керакки, киши ҳаётдаги ўзгаришларга тез ўрганиб, уларни назарписанд қилмай қўйса керак. Ҳар қалай, Расул энди ўйлаб қараса, бир маҳаллар қуш учса қаноти, от юрса туёғи куядиган бу жазирама саҳрода қилинган ишлар ҳақидаги тасаввурини ниҳоятда тор ва беписанд экан!

Ҳақиқатан ҳам чеки чегараси кўринмаган бу саҳройи азимни шахмат тахтасидай бўлак-бўлак экинзорларга айлантириб, сувга тўла бу каналлар, асфальт йўллар, митти-митти шаҳарчалару минг хил бекатлар ва пахта заводларини қуриш учун қанча куч, қанча ирода ва ақл-заковат керак!.. Совхоз учун, баъзан икки-уч совхоз учун битта қилиб қурилган шаҳарчаларнинг ўзи нечта бўлди? Ҳар сафар самолёт бу шаҳарчаларга яқинлашганда

Музаффар чехраси аллақандай ёришиб кетар, гўё бу шаҳарчаларни ўзи қургандай ички бир ҳаяжон ва гурур билан гапирга бошлар эди. Нега ҳам ҳаяжонламасини, нега ҳам фахрланмасини? «Даштстрой» бошлиғи бўлмаса ҳам, ҳар қалай бу ишўрлик ҳам умрининг ярмини шу жазирама чўлда ўтказди-ку, ахир! Инсоф ҳам керак-да! Фақат мана бу қилиғи? Бутун бир самолётни ишга солиб, учиб юришлари-ю, ҳаммаёққа бир хил экин экишлари!.. На каттароқ бир бог кўришади, на бедазор! Расул бу ҳақда, айниқса чўлда алманшлаб экин қондаларига ҳеч бир эътибор йўқлиғи ҳақида катта олимларнинг куйиниб гапирган гаплари эсига тушиб, кўнгли яна хиёл ган бўлди.

Музаффар ўридан туриб, учувчилар ёнига кириб кетди-да, чорак соатдан кейин у ердан ишвайиб чиқди.

— Қалай, ҳеч нарса сезмадингми?

Расул елкасини учирди:

— Йўқ!

— Ҳозир самолётни чорак соат каминан камтарин бошқардилар. Демокриманки, УРСдан ҳайдамса учувчилик қилавераман!

Ярим соат ўтмади ҳамки, самолёт Музаффар айтган «учинчи зона»га бориб қўнди.

Фармонов самолётдан тушиб, Расулни қатор турган машиналардан бирига таклиф қиларкан:

— Ҳозир бир жойга борамиз, — деб кулди. — Помини «Боги эрам» деб қўйганмиз! Санъаткор сифатида баҳо берасан: помини топиб қўйибмизми, йўқми, яъни, исми жисмига мовандми, эмасми?

«Боги эрам» деган бу жой каттагина анорзор ва беҳизор бог экан. Богнинг ўртасидан ўтган улкан канал ёқасига азим чинорлар билан ўралган ҳовуз қурилиб, ҳовуз устида ҳаворанг кошчилар билан қопланган икки қаватли чойхона-кафе қад кўтарганди.

Шифти, эшик-деразалари-ю, деворларигача позик ўймакорлик билан ясалган бу кенг, серҳашам чойхона-кафеда, иккита ёшгина официантқадан бошқа ҳеч ким кўринмас, ўртадаги столда аяқонинг тухумидан бошқа ҳамма нарса мухайё, чамаси, стол фақат икки меҳмонга мўлжалланган эди...

Музаффар плаши билан шляпасини ечиб, ёшгина официантқанинг қўлига отаркан, Расулга юзланиб, офтобда шаклдай товланган тилларанг беҳизорга имо қилди.

— Қалай? «Боги эрам» дейишга арзийдими?

— Ёмон эмас!

— Ёмон эмас эмиш! — қаҳ-қаҳ отди Музаффар. — Мана бу оби замзамдан қиттай-қиттай қилиб, газзигга қулиниг ўргилсин мана бу жаннатий неъматлардан олайлик, шунда айтасан арзийдим, йўқ! Қани, марҳамат. Вақт зиқ, оғайни. Хозир вартолёт келади. Унга ўтириб «Шаршара»га чиқамиз! «Шаршара»ни эшитгандирсан ахир?

— Ха, довруғи қулогимга чалингандай бўлвди!

Фармонов катта қадахларга кўширтириб шиво қуяркан, мийинида кулди:

— Тушундим-тушувдим. Гийбатчилар чақишган! «Даштстрой» катталари тоғда ўзлари учун қасри олий қурган эмишлар! Топдимми? Майли, нима дейишса дейишаверсин. Тош ҳам мевали дарахтга отиларкан, оғайни! — Фармонов тўсатдан аллақандай маънос кулимсираб, дераза олдига борди-да, оқ қоғозга ўралган папкага ўхшаш бир нарсани олиб келиб, Расулга узатди.

— Мана, арзимаган бир совга, оғайни! — деди Музаффар, аллақандай мугамбирона кулимсираб.

Нуриддинов шоша-пиша қўлини олиб қочди.

— Йў-ўк, совга-саломнинг хожати йўк, дўстим!

— Э, олтин эмас, олавер, кейин хурсанд бўласан! — яна қаҳ-қаҳ отиб кулди Музаффар.

— Йўк, рост айтаман!

— Аввал очиб кўр бундоқ! — деди Музаффар ранжиб. — Пора деб ўйлаяпсан шекилли? Порани ўзим кимдан олишни билмайману сенга бераманми?

Расул истар-истамас қоғозни очди. Унинг ичида шакл боғичлик чиройли кўк папка бўлиб, тепага зарҳал ҳарфлар билан: «Жаъфар Жахлонов», пастрогига эса ундан ҳам йирикроқ ҳарфлар билан «Чўл бургутлари» деб ёзилган эди.

Расул беихтиёр ажабланиб:

— Сен ҳақингда ёзилганми бу? — деб сўради.

— Мен ҳақимда эмас, бутун «Даштстрой» ҳақида. Шу чўлни обод қилаётган бургут деса бургутдек ажойиб инсонлар ҳақида! — деди Фармонов. — Аммо-лекин сохта камтаринлик қилиб ўтирмайман: асарининг бир боби мана шу ёмон оғайнингга бағишланган!

Расул беихтиёр кулиб юборди:

— Тарихга кирдим дегин?

Фармонов тўсатдан сал ранги учиб:

— Аввал бундоқ ўқиб кўр, кейин гапирсан! —

деди негадир овози дарз кетиб. — Сенлар, олим ва санъаткорлар, сира назарларингга илмадиларинг-илмадиларинг-да биз гарибларни! Сенлар учун бизлар... бу даштда чанг ютиб юрган аҳмоқ бир чўлқувар! Сенлар эса... буюк ишлар қилаётган санъаткорлар! Биз ўлсак номимиз тупроққа қориниб кетади, сенлар абадул-абад тарихда қоласанлар!..

Нуриддинов гапни хазилга буринга уринди:

— Билъаке, биз эмас, мана сен кирибсан-ку тарихга!

— Китобга сенинг номинг ҳам кирган! — деди Фармонов. — Гоби чўли. Хинган тоғларидаги юриш ҳақида гап кетганда сени ҳам мақтаган, Иван Харитонович билан Шораҳим шоввозни ҳам! Чол қалай, кўришиб турасанми? — тўсатдан сўради у. — Эшитишимча, касалхонага тушиб қолган эмиш.

— Ҳа, анча бўлди, касалхонада. Уруш асоратлари ўзини билдирипти шекилли. Эрта-индин учрашамиз. Айтадиган гапнинг борми?

— Гап шуки, — деди Музаффар, аллақандай талмов-сираб. — Салом айтиб қўясан биздан. Шу!

Бундан бир ҳафта аввал у нозик бир одамдан собиқ комбатга нозик бир совга юборган, бироқ чол унинг совгасини яхши қабул қилдими, йўқми? — хануз шуни билолмай доғда эди. Ҳозир шуни ўйлади-ю, яна кўнгли гаш бўлиб, шоша-пиша ташқарига йўналди:

— Қани, кетдик, огайни!

Вертолёт «Богн эрам»нинг ортида, боя самолёт қўнган тақир жойда кутиб турарди.

Вертолётнинг ичи ҳам худди самолётникидай шивам — темир ўриндиқлар ўрнига юмшоқ креслолар ўрнатилган эди.

Фармонов Расулни яна ёпига ўтқазиб, ўзи йўл-йўлак пастдаги кўринишларни изоҳлаб борди. Тагин ўша манзара, бепойи чўлни кесиб ўтган беҳисоб асфальт йўллар, куз бўлса ҳам зилол сувга тўла каналлар, лотоклар, кичик-кичик бежирим шаҳарчалар, тоғ-тоғ хирмонлар, нахта ортилган машиналар, прицеплар, шийпонлар, телзорлар ва деярли шипшидам пайкалларда бамисоли чумолидай ўрмалаб юрган одамлар...

«Ҳақиқатан... катта иш бўляпти экан бу ерда!.. Бу ишларни рўёбга чиқариш учун чиндан ҳам чўл бургути бўлиш керак. Музаффардан кулмасам ҳам бўлади!»

Нуриддинов хаёлга чўмиб кетиб, пастдаги манзара

қачон ўзгарганини пайқамай қолди. У фақат ҳадиса-худоудсиз дашт кулранг қирлар билан, қирлар эса арчазор тоғлар билан алманганидагина ўзига келди.

У тугилиб-ўсган жойлар, серсув, сердарахт, серсоя қишлоқ қаердадир шу тоғлар, шу қирлар бағрида. У ерда пахта кам, совхоз асосан боғдорчилик билан шугуллавади, пахтави эса мана шу чўлнинг қайси бир жойларига экади.

Расул деразадан настга тикилиб ўтираркан, дилини галати бир хаяжон чулғаб олди. Назарида, неча марта ўз қишлоғини аниқ кўргандай, ҳатто катта сой бўйидаги Шораҳим шоввоз билан ўз боғларини танигандай ҳам бўлди.

Ана-ана, улар болалик чоғларида сизирларини боқиб, чиллак ва ёнғоқ ўйнаб катта бўлган ўша сой, нон оқизоқ ўйнаб, дўшиларида сув ичадиган катта булоқ ва булоқ ортидаги эртаю кеч чўмиладиган сеvimли тўғонлари!

Расулнинг назарида, қишлоққа келмаганига бир аср бўлган, бироқ гўё ҳеч нарса ўзгармаган: ўша боғ, ўша сой, ҳатто қишлоқ ўртасидаги гумбазли маҷит — ҳамма-ҳаммаси жойида, фақат янги уйлар, томи тунука катта оқ бинолар кўнайганга ўхшайди, ҳолос.

Ана, балаид қир этагида, Шоввозларининг чорбоғи устида, машҳур «Қоровултепа» тағидаги эски қабристон. Ўша қабристонда тўрт йил аввал оламдан ўтган онасининг қабри бор. Расул энди ўйлаб қараса, ўшандан бери ҳатто онасининг қабрини зиёрат қилиб, фарзандлик бурчини адо ҳам этмапти!..

Тўсатдан, Расулнинг кўз олдига худди қизи Нигорадай увоққина, озгингина, бироқ зуваласи метидан ясалган, киртайган кўзлари доим аллақандай ҳазин бир меҳр билан порлаб турадиган қотмагина кампир келди. Марҳум дадасидан айрилишгандан сўнг бир-биридан ёш бешта мишиқи фарзанд билан қон-қақшаб қолганида неча ёшда эдилар онаизори? Нари борса ўттиз саккиз, ўттиз тўққиз ёшда эдилар! Ана шу ёш боши билан, увоққина жуссаси билан кампир бешта фарзандини бир ўзи боқиб катта қипти! Ҳатто тўнғич ўғли, Расулнинг акаси урушда ҳалок бўлганида ҳам сипмапти! Расул билан катта қизини эса ўқитиб одам қилди. Бироқ Расул қапча ялиниб-ёлвормасин, «мен кетсам, марҳумнинг чирогини ким ёқиб ўтиради» деб, шаҳарга кўчиб бормади. Акенича, унинг фарзандларини, Нигора билан Улугбекни опичлаб боқиб,

катта қилиб берди. Расул бўлса, мана, кампирнинг оламдан ўтганига тўрт йилдан бешбди ҳамки, унинг қабрига тузукроқ қарамапти ҳам!

Бу эсдаликлардан Расулнинг ўйи Ойсулувга ўтди-ю, хаёли ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Ким билсин, шу тонда шўрлик Ойсулув билан соддадил огайниси — Шоввоз, кўзлари хат ташувчининг йўлида, унинг хабарини кутиб, ковурилиб ётгандир? У бўлса... бу ҳовликма огайниси билан вертолётларда учиб, сафо қилиб юрипти!..

Шу пайт Музаффар, худди Расулнинг хаёлидан нималар кечаётганини билгандай, унга томон эгилиб, қулогига қичқирди:

— Вертолётни тўхтатиб, Шоввозни олиб кетамизми?

Расул юраги «жиз» этиб, унга қаради:

— Йа, ажойиб иш бўларди!

Музаффар соатга қараб бошини чайқади:

— Кечикянимиз. Келгуси сафар қиламиз бу ишни!

Вертолёт арчазор чўққилар орасига шўнгиб, оппоқ булутлар томон талиннар эди. Бояги пастак қирлар ўрнини беқийсе бир ўрмонзор тоғлар эгаллаган. Тўқ қизил, пуштирайғ, инакдай майин, сап-сарик дарахтлар орасида фақат арчалар ям-яшил бўлиб ажралиб турар, улар гўё ўрмонни қоплаган аёвсиз ёнғин билан олинар эди!..

Ана, чап кўлдаги баланд чўққи тенасида кумушранг тасмалар ялтиллади. Арчазорларни кесиб, пастга интилган бу тирик тасмалар — Музаффар айтган шаршаралар эди! Шаршаранинг биттаси айниқса катта, у гўё қоялар орасидан отилиб чиқиб, оқ ёлларини тўзгитганча пастга, тубсиз дарага сакраётган шерга ўхшарди. Пастда, шаршара тагидаги тубсиз дара остида эса, оқ мрамардан қурилган ва нимаси биландир оппоқ булутни эслатувчи икки қаватли оқ бино кўзга чалинарди!..

Расул ҳали ҳайратдан ҳушига келиб улгурмаган ҳам эдики, вертолёт орқага бурилди шекилли, дарадаги оқ бино-ю, шерсимон шаршара ортда қола бошлади. Буни кўриб, ичкарига отилган Фармонов зум ўтмай хафсаласи бир бўлиб қайтиб чиқди.

— Аттави! Шамол жуда кучли эмиш! Қўнишининг сира иложи йўқ эмиш! Майли, «Боги эрам» ҳам «хафа» бўлмасин: бир кеча ўша ерда тунайлик, эртага яна бир ҳаракат қилиб кўрамиз!

Улар «Боги эрам»га қайтиб боришганда офтоб энди ботган эди.

Бог этагида икки қаватли меҳмонхона бор экан, унинг олдида меҳмонни сино кийинган уч-тўртта одамлар ётиб олишди. Фармонов уларга оғайнисини «манхур профессор, лауреат, оламшумул санъаткор» деб таништирди-да, хижолат чекиб, питирлаб қолган Расулга юзланди:

— Сенга ўн минут муҳлат — хоҳласанг ваннада чумпилиб ол, хоҳласанг жиндек ётиб хордиқ чиқар, ихтиёр ўзингда. Биз биллиардхонада бўламиз!

У шундай деб, Расулни муовинига танишди, муовин эса унга ажратилган «люкс» хонага бошлаб кирди. Бу — саройдай кенг уч хонадан иборат «қасрча» бўлиб, полига новвотранг хорижий палослар тўшалган, уймакор шифтга катта чинни қандиллар осилган ва қимматбаҳо қора мебеллар билан жиҳозланган эди. Гулдор дастурхон ёзилган ўртадаги столда эса пахта гулли чинни лаганлар гула тарам-тарам оқ, қизил олмалар, ҳар бири чойнакдай-чойнакдай пок, анор, олтинранг узумлар қўйилган, лаганлар ўртасида «Тошкент» суви, чех явоси ва олий нав кошьяклар терилган эди.

«Ҳақиқатан ҳам шоҳона-ку бу Музаффарвойнинг ишлари!» Расулнинг эсга яна қачонлардир қулоғига чалинган гаплар тушди, гўё Фармонов шундай зўрайиб кетгани, унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ, у ўзига тоғлар орасида бир бутун қаср қуриб олган, бу қасрда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса мухайё, бу кошоналарда унга гўё хали опаси ўлмаган, ўн гулидан бир гули очилмаган ҳурилиқолар хизмат қилармиш!

Опаси ўлмаган ҳурилиқолар ҳақидаги гап-ку, агар хали вертолётда тоққа кетган ёш котибаси демаса, лофга ўхшайди. Аммо бошқа минмишлар-чи? Бояги гўзал шаршара ва унинг тагидаги арчазор орасига қурилган мухташам бино кимларга мўлжалланган? Унда кимлар туради? Наҳот печа юз минг сўм совурилган бу кўркем қаср, антиқа идишлару хорижий мебеллар билан жиҳозланган бу «люкс» хоналар фақат «Даштстрой» раҳбарлари-ю, уларнинг азиз меҳмонларигагина хизмат қилса?

Расул буни ўйларкан, беихтиёр боя эрталаб кўрган зах, нимқоронги нийпон эсга тушди-ю, яна зардаси қайнай бошлади. Ҳали замон шаршарага учиндан аввал, «Бог эрам» кафесида бир пиёла чой ичганларида ҳам уни нимадир қийнаган, Музаффардан ниманидир сўрамоқчи бўлиб, хотирасини «кавлаштирган», бироқ эслай ол-

маган эди. Энди ўйлаб қараса... эрталабки шийнон экан! Рост-да, мана шу «Ноғи эрам» у, тоғдаги мармар қасрларни қургунча ўша шийнонларга қараб, улардаги шарт-шаронти-ни тузатиб қўйишса бўлмасмиди бу «чўл бургутлари»? Албатта, буни Музаффардан бурун «Дашстрой» раҳбарлари ўйлаши керак, бироқ Фармоновнинг бу юриш-туриши, гап-сўзлари, истаса самолётда, истаса вертолётда учишларига қараганда, бу ҳам чакана одамга ўхшайди-ку!

Расул ўзини гўё қандайдир нопок бир ишга шерик бўлаётгандай сезиб ўрнидан туриб кетди, хатто бояги иши, Музаффар ёрдамида ўглини касалхонадан чиқариб, шаҳарга жўнатиб юборгани ҳам энди кўзига ноҳалол бир нарса бўлиб кўрина бошлади!

Расул, одатда, виждонига хилоф бир иш қилиб қўйса, кетидан донм шундай изтироб чека бошлар, панишадай гувоҳи кўзига филдай кўришиб, ичيني ит тирнай бошлар эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди-ю, бу кўшк, бу шоҳона хонада бир зум ҳам турмай, дарҳол жўнаб кетгиси кел қолди.

Музаффар биллиардхонада экан. У эғнидаги костюми билан бўйидаги галстугини ечиб, енг шимариб биллиард ўйнамоқда, чамаси, зафар ёр бўлса керак, кайфи чоғ, оған қулогига эди.

— Э, қалай, дам олдиларми, ўртоқ профессор? — хушнуд кичкирди у. — Мана, пойқадамнинг ёқди, биродар! Муовининини дабдала қилдим!.. У шундай деб, қайси бир тошини шарақлатиб урди-да: «Ўмонман-да мен аблах!» деб қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Ҳа, кайфлари сал чатоғроқми? — Музаффар оғайнисини қўлтиқлаб, ўнг қўлдаги эшикка бошлади. — Давленислари тушиб кетмадимми ишқилиб, тушиб кетган бўлса hozir кўтариб қўямиз!..

Улар биллиардхонадан чиқиб, дастурхонида одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса мухайё қилинган бонқа хонага ўтдилар.

Музаффар қадаҳларни тўлдираркан, Расулга юзланиб, қошларини чимирди.

— Ҳа, печук бурга чаққан одамдай бирдан турқинг ўзгариб қолди? Тинчликми ўзи?

— Ҳа, шу... ўглимдан безовта бўлишман, — деди Нуриддинов, тўсатдан хаёлига келган бу фикрдан қувониб. — Иситмаси баланд, ахволи жуда оғир эди. Агар рухсат берсанг, кетардим.

— Бе! Ўглинг аллақачон ўзига келиб, Муизурахов билан чақчақлашиб ўтирибди! Ол! — Музаффар қадахини қўлига олди. — Сенинг саломатлигинг учун, огайини!

Расул катта қадахга сув қуйиб, бир хўлади-да, жойига қўйди. У чиндан ҳам hozир бу шоҳона қасрда ўтиролмаи қояган, нимадир унинг юрагини сиқа бошлаган, бироқ бунинг сабаби ўзига ҳам хали қоронги эди. Фақат бир нарсани сезар, назарида, қандайдир қингир бир ишга шерик бўлаётгандек туюларди. Музаффар ҳам буни пайқай бошлади чамаси, қовоқ-тумшуги оёқлашганча индамай ўрнидан турди-да, қўлларини орқасига қилиб, ўрдадай ховани бир айланиб чиқди. Чамаси, унинг юрагида ҳам қандайдир аччиқ, аламли тугён жўш урар, бироқ у буни ошкор қилиш-қилмаслигини билолмай гаранг эди.

— Майли, нима ҳам дердик? — деди у, овози алам билан титраб. — Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Мен ўйлагандимки, бугун... болалик чоғларимизни, қолаверса, бирга жанг қилган оғир йилларни эслаб бир ётиб дардлашамиз деб! Ахир неча йил бўлди кўришмаганимизга?..

Қизиқ, «оғир йиллар» сўзи Расулнинг дилига яна бамисоли илиқ нур бўлиб қуйилди-ю, музлаган юраги яна хиёл ёришди.

— Рапжима, огайини. Бошқа сафар!..

— Бўпти! Айтянман-ку, зоримиз бор-у, зўримиз йўқ деб! Фақат битта шартим бор! — Музаффар Расулнинг қаршисида тўхтаб, қаттиқ уф тортди. — Фақат... нега тўсатдан бундай ранг-рафторинг ўзгариб қолди? Аввал бунинг сабабини айтасан, кейин, марҳамат, рухсат берман кетишга!

Расул: «Бу шартинг қизиқ бўлди-ку!» деб кулишга уринди-ю, кулолмади, унинг ўрнига:

— Ке қўй, — деди ёлвориб. — Бу гапни кейинги сафарга қолдирайлик, огайини!

— Йўқ! — Музаффарнинг ранги ўчиб, кўзлари ёвқур қисилди. — Шу бугун, ҳозир айтасан! Сен ўйлайсанки, мени ёш бола деб! Йўқ! Ичингда нима бор — дурбинда кўргандай кўриб турибман, Расул!

— Кўриб турган бўлсанг... тағин нимани ўсмоқчи лайсан?

— Кўнглингдаги гапларингни ўз оғзингдан эшитмоқ чимай!

Расул ўзини босишга уриниб:

— Ке, қўй, огайин, қийнама меши!— деб ёзгирди.

— Қийнама дейди-я! Сен қийналсанг ёмон, биз қийналсак ҳечқиси йўқ! Тагин ўзларини адолат куйчиси деб ҳисоблайдилар булар! Қойил сендақа адолатпарвар куйчига!

— Қанақа адолат тўғрисида гапиряпсан?

— Ўша, сенинг дилингдаги адолат!— деди Музаффар кесатиб. Унинг ерга тўшалган юмшоқ поввотранг палосларни аста одимлаб юришида, кўзларини қисиб, ваҳима аралаш сирли оҳангда ганиришида худди хужумга тайёрланган йиртқичнинг ҳаракатлари сезиларди.— Сен ўйлайсанки, бояги қасрлардан, боғ-роғлару шахсий самолётлардан битта ўзлари фойдаланиб, айни қилиб юришибди булар деб! Тўғрими, йўқми?

Расул бирдан жўша бошлаб, миёнида кулимсиради:

— Башарти...

— Йўқ, башарти эмас, шундай! Худди шундай деб ўйладинг ҳозир!

— Ўйлаган бўлсам... нотўғри ўйлапманми?

— Нотўғри бўлса-ку гўрға, адолатсизлиги куйдиради бу гапларнинг! Сен ўйлайсанки... сен биласанми, «Дашт-строй» бир йилда неча миллион сўм ўзлаштиради? Юз миллион сўм ўзлаштирамиз биз!

— Демокчисанки, бу пулларнинг юздан бири ҳам кетмаган бу ишларга деб!

— Йўқ, кетган! Юздан бири эмас, кўпроқ ҳам кетган! Лекин авваламбор, бу ишларга жавоб берадиган «Дашт-строй» раҳбарлари бор! Қолаверса... сен ўйлайсанки, бу пуллар осон унган деб! Ўзи келган деб ўйлайсан бу пуллар! Бу миллионлар мана шу боғларда унган! Тогдаги қасрларда, мана шундай тўқин дастурхон атрофида, дўстона суҳбат ва катта баҳс-тортишувлар чоғида унган бу пуллар!

Нуриддиновнинг юзига қон тешиб, назарида вужудидан ўт чиқиб кетгандай бўлди.

— Бундан чиқди... — у «ҳаром» дейишга тили бормай, гап қидириб дудуқланди.— Бундан чиқди, ноҳалол эканда, бу юз миллионлар!

Музаффар, ранги ўчиб, бошини аллақандай сарак-сарак қилди.

— Сен ва сенга ўхшаганларга қолса ҳамма попок, ҳамма ноҳалол!.. Аммо шуни мияннга қуйиб қўйгинки, агар ҳамма жойда сенга ўхшаган расмиятчи закончилар

ўтирадиган бўлса... бу дашти азим бундан ўттиз йил аввал қандай тиканзор бўлса, ҳозир ҳам худди шундай шўр босиб, дашти бедаво бўлиб ётарди. — Музаффарнинг юраги қандайдир пинҳона бир дардга тўла экани сезилиб турар, бироқ у бу дардларини ошкор қилишга журъат эмас эди. — Чорак аср умримиз кетди бу даштга! — деди Фармонов, тўсатдан аллақандай ўксиб. — Энг яхши йилларимизни бағишладик унга! Аммо сенга ўхшаган дўстларим... раҳмат ўринга маломат тошини отишгани отишган!..

Нуриддинов қалтираган қўлларини стол тагига яшириб, гапни ҳазилга буришга уринди.

— Нега энди фақат маломат тоши бўлар экан? Мана, китоб ҳам ёзилибди-ку, ахир!

— Мен уларни айтаётганим йўқ! — деди Фармонов, чамаси «улар» деганда китоб муаллифини назарда тутиб. — Мен сендақа... Шоввоз билан сендақа фронтчи қадрдонларимни айтияман! Сенлар ўйлайсанларки, осмонда юришти Музаффар деб! Ўзи бек, ўзи хон, деб ўйлайсанлар сенлар! Ҳолбуки, мен шу бугун, ижозат беришса, шу бугуноқ бошимни олиб қочардим бу дашти бедаводан!

Музаффар, гўё юраги ўт олиб кетаётгандек, тўлдириб бир пиёла сув ичди-да, уёқдан-буёққа юра бошлади:

— Зотан, танаси бошқа дард билмас, деганлари рост экан, огайни! Тунов кунни биттаси келди. Академик эмиш! Каттакон бир институтнинг мутасаддиси, туноқнинг пири эмишлар. Хўжайинлар у кишини ҳам менга топширдилар. Мен ҳурматларини бажо келтириб, сенга ўхшаб самолёту вертолётларда айлантириб роса меҳмон қилсам... ахир пировардида нима дейди де, хумлар? Бу, дейди, ҳаммаёқли бир хил экин қилиб, монокультура қилиб юборибсиз-ку! Бу кетишда ерининг ахvoli нима бўлади, дейди-я, муттаҳам!

Нуриддинов бутун гавдаси билан олдинга талпиниб:

— Тўғри гапни айтибди-ку, нега муттаҳам бўларкан? — деб сўради. Фармонов лабини химариб, истеҳзоли кулди:

— Ана, айтдим-ку, танаси бошқа дард билмас деб!.. Мард бўлса... бу гапни менга айтиб нима қилади? Катталарга айтили! — Музаффар шундай деб яна қадахга қўл чўзган эди, Расул унинг қўлидан шимани шартта тортиб олди.

— Йўқ, тўхта! Бу гапни бошлаган мен эмас, ўзинг бошладингни, охирига ҳам ўзинг етказ! Аввал айт, унинг гапи тўғрими ё нотўғрими?

— Қайси гапни айтяпсан?

— Тупроқ ҳақидаги. Бу аҳволда кетаверса, чўлда на бог қилинса, на беда экилса, йиғирма йилдан кейин бу тупроқ нима бўлади? Ҳозир ҳаммамизни боқаётган, бўлгуси авлодларимизни ҳам боқадиган бу ернинг аҳволи нима бўлади? Нимаси нотўғри бу гапнинг?

— Тўғри! Аммо-лекин...

— Йўқ, «аммо-лекин»нингги тўхтатиб тур! Сен менга аввал ҳақиқатни айт!

— Ҳақиқат ўшаники! Аммо-лекин... йиғирма йил кейин нима бўлади, буни ким ўйлаган эди илгари?..

— Ана энди дилингдаги гапнинг тилингга чиқди! Йиғирма йил кейин нима бўлади? Буни ўйлаш хаёлларингга ҳам келмаган сенларнинг!

— Сен-чи? Сен қарши борармидинг бу ишларга?

— Билмадим! Аммо мен, ҳар қалай, сенга ўхшаб, ҳақиқатни айтгани учун пок бир одамни муттаҳам деб атамас эдим!..

— Хўи, яна қанақа даъвоиғ бор? Ҳаммасини айт! Тўкиб сол ҳаммасини!

— Менинг даъвом сенга эмас, бошлиқларингга! Айтаверсам... даштдаги дала шийповлар қай аҳволда? Бирор марта бориб кўрдиларингми? Одамлар, айниқса шаҳардан чиққан хашарчиларнинг арз-додларини сўраб бордиларингми бирор марта?

Фармонов чаёи чаққан одамдай ўридан санчиб туриб кетди.

— Нега энди бизни ҳеч парсадан беҳабар гўрсўхталар, деб ўйлайсан?

Музаффар, азбаройи бўғилиб кетаётган одамдай, гулдор галстугини юлқиб очди.

— Эҳ, Расул, Расул! Нимани ҳам биласан сен?— деди у, фиғони чиқиб.— Бу ерларда нималар бўляпти? Сен қаёқдан биласан?— Ҳозир ҳамманг мард, ҳақгўй, адолатпарвар! Гўё бу ишларнинг бошида ким турганини билмагандай биздақа шўрликларнинг бошида ёнгоқ чақасанлар! Аммо-лекин тўйдан кейин ноғора не керак? Агар мард бўлсаларнинг ўша собиқ хўжайини тирик пайтида айтишлар эди бу заҳар-заққум гапларингми! Катта олимсан, ёзувчисан, нега оғзингга толқон солиб юрдинг ўша маҳалларда?.. Қани гиринг деб кўргин эди, кўрардим қаёқларда юрардинг ҳозир?

Музаффар тўсатдан диванга чўкиб, худди юраги тарс

ёрилиб кетаётгандай яна алланималарни куюшиб, бўгилиб гапирди. Лекин унинг гаплари печундир Расулнинг қулоғига кирмай қолди. Ногаҳон унинг кўз олдига Музаффар айтган одам келди: бир қарашда жуда мулоийм кўринадиган, лабидан табассум аримайдиган собиқ «хўжайини» продаёсига қарши борган ҳар қандай одамни илчиб ташлашга қодир, бу ишда шафқат нималигини билмас эди. У ёзувчи, санъаткорларни тез-тез чақириб турар, улар билан гурунглашишни хуш кўрарди. Кўнлар бу суҳбатларга таклиф қилинганларидан бошлари осмонга етар, таклиф қилинмаганлар доғда қолиб, ўзларини кўярга жой тошолмай юришар, Расул эса бу гурунглardan юраги безиллар, бирор-бир баҳона топиб, уларга бормасликка ҳаракат қиларди. Чунки аввал бошда жуда дўстона бошланадиган бу суҳбатлар, ахир пировардида марҳумнинг таъна-маломатлари билан тугарди. Собиқ раҳбар айниқса, бир нарсадан — адиб ва санъаткорлар унинг бошчилигида қилинаётган улкан, оламшумул ишларни кўрмаётганларидан ёки кўрсалар ҳам бу ҳақда ёрқин асарлар ярата олмаётганларидан раижир, бу ҳақда гапирганда лаблари аламдан пирнираб, овози совуқ таҳдид билан янграб кетарди. Ажабо: табиат у одамни шундан яратган эдики, кўзи фақат улуг қурилишларни, буюк «зафар»ларни кўрар, боя Расул кўрган ва дил-дилидан раижиган хароб шийпонлар, юпун қишлоқлар негадир назарига тушмас эди!

Ҳануз кўз олдидан кетмайди. бундан бир йил аввал вафотидан бир-икки ҳафта муқаддам, марҳум хўжайини адиб ва санъаткорларни яна таклиф қилди. Ўша йили куз айниқса қаттиқ келган, ноябрнинг ўрталарига бормас-давоқ бутун Ўзбекистонни қалин қор босган, план эса ҳали тўқсонга ҳам бормаган эди.

Собиқ хўжайини уларни деворларига катта хариталар осилган, тўрдаги столлар машҳур кишилар, заводлар, институтлар ҳадя қилган гаройиб буюмлар билан тўлиб кетган улкан кабинетининг қоқ ўртасида тишна-тик туриб кутиб олди. Унинг алақандай қисилган кўзлари эшикдан кираётган одамларга эмас, жанубга қараган катта деразаларга, тўғрироғи, ташқарида бетиним ёгаётган қорга тикилган, чамаси, агар қўлидан келса, осмонни фалакни қоплаган қора булутларни гажиб ташласа! Ниҳоят, у нигоҳини деразадан узиб, одамларга қаради, қовоғини очмай, дарҳол мақсадга ўтди:

— Мен сизларни чақирганимдан мақсад, оби ҳавони кўриб турибсизлар, — деди у, овози аллақандай ички бир газабдан титраб. — Аммо қор ёғмоқ тугул тош ёгса ҳам «олтин қўллар» яратган оқ олтинни бир чапогини қолдирмай йиғиб олишимиз шарт! Ажойиб меҳнатсевар пахтакорларимизнинг қатъий аҳди шу! — Хўжайини ўша куплари Хоразм ва Қорақалпоғистонни айлашиб қайтган экан, ўша жойларда кўрган ва уни қаттиқ ҳаяжонга солган икки воқеани гапириб берди.

✓ — Бундан уч куп аввал Хоразм далаларини айлашиб чиқдим. У ерда ҳам бу лаънати... лаънати қор ёғяпти. Бир жойга келсам, йўл бўйидаги пахтазорда, соқоллари кўксига тушган бир гуруҳ мўйсафидлар пахта теришяпти. Бошларида телпак, устларида қалин чопон, бўралаб ёгаётган қорни писанд қилмай пахта теришяпти. Дарҳол машинадан тушиб, битта-битта саломлашиб чиқдим. Қарасам, саксонларга бориб қолган бир мўйсафид, чап оёғи ўрнига ёғоч протез (кейин билсам, оёгини урушда йўқотиб келган инвалид экан!) бош кўтармай ишляпти. Бундоқ қарасам... яна бир мўйсафид ўнг қўли ўрнида резинка қўлқоп (у ҳам Ватаи уруши инвалиди экан), чап қўли билан пахта теряпти! — ҳикоя шу ерга келганда мархум овози тўсатдан дарз кетиб, кўзига гилт-гилт ёш олди-ю, ўзини аранг босиб олиб, давом этди. — Хоразмдан Қорақалпоғистонга ўтдим. У ерда ҳам шу лаънати қор! Нукусга яқинлашганимизда атроф гира-шира бўл қолди. Машина фараларини ёқдик. Бир пайт қарасам, йўл бўйидаги пахтазор чеккасида бир хотин, гўзалардаги қорни этини билан тегиб тушириб, бошини кўтармай ишляпти! Дарҳол машинани тўхтаганини буюрдим. Аёл билан кўришдим. Аёлдан парироқда бўйлари гўза тенги иккита болача, улар ҳам ойиларидек, этикчалари билан гўзаларни тегиб, пахта теришяпти!.. Суриштирсам аёл — муаллима экан. Болачалар унинг ўз фарзандлари, эгизак тугилган ўғилчалари экан. Улар бириичи сифда ўқишар экан. Аммо вақтинча ўқишни қўйиб, теримга чиқишган экан. Мен аёлдан сўрадим:

— Сиз-ку ўқитувчи экансиз, вазиятга тушуниб, мактабни қўйиб теримга чиқибсиз. Бу болачаларни ким мажбур этди ишга чиқишга?!

Шунда аёл бошини магрур кўтариб:

— Буларни ҳеч ким мажбур этмади! — деб жавоб берди. — Менинг болаларим виждон даъватига бўйсуниб

чиқинди теримга! — Хикоя шу ерга етганда каттақон, тагин боягидай овози қалтираб кетди-ю, яна ўзини тутиб олиб, таклиф қилинган адиб ва санъаткорларга синовчан тикилди. — Сизлар эса, шундай инсонлар билан ёнма-ён туриб, уларнинг қахрамонона ишларини тарғиб қилиш ўрнига... ётибсизлар уйлариңгизда биқиниб!.. Уят сизларга!.. Эртдан бошлаб... ҳамма газета, радио ва телевидение сизларнинг ихтиёрлариңгизда! Ёзинг! Гашириңг! Пахтакорларимизни янги-янги зафарларга чорланг! Мана, ажойиб ёш адибимиздан ибрат олиңглар! — Хўжайин шундай деб, суҳбатда иштирок этаётган ёш шоирнинг пешонасидан ўпди!..

Маълум бўлишича, бу суҳбатдан икки кун аввал ёш адиб телевизорга чиқиб гаширган ва мархум айтганидек, пахтакорларни янги галабаларга илҳомлантирган, қор ёғмоқ тугул тош ёғса ҳам олтин қўллар яратган оқ олтиннинг бир чаногини ҳам қолдирмай териб олишга чорлаган экан, мархум эса унинг бу чиқиншини обком дачасида ўтириб кўрган экан!..

Расул ўшаанда бир чеккада туриб собиқ хўжайин хикояларини рингтар ва хатти-ҳаракатларини кузатаркан, ҳарчад уринмасин, бир нарсани ҳеч илғаб ололмас эди: шу тобда у актёрлик қилишгани ё қор тагида қоронгида пахта тераётган мурғак болачаларини теримга олиб чиққан аёлнинг гапларига астойдил ишонганми? Наҳот у шу ёни, мансаби, ақли заковати билан, бу ишлар ўша жойлардаги раҳбарларнинг унинг келишига тўғрилаб «яратган» сохта спектаклари эканига фаросати етмаса? Наҳот инвалид чоллардан тортиб, биринчи синф болаларигача тиззадан қор кечтириб, эрта тонгдан то шомгача пахта тердириш... бу мислсиз ватанпарварлик эмас, мислсиз шафқатсизлик эканини тушунмаса?..

Ҳа, ниқобга устаси фаранг эди собиқ хўжайин! Расул кейинчалик ўйлаб қараса ўша даврдаги кўп нарсалар, йил бўйи кети узилмайдиган фестиваллардан тортиб, адабиёт байрамларигача, ҳатто ҳамма жойга қуриб ташланган беҳисоб ҳайкал ва ёдгорликларгача — ҳамма-ҳаммасини зўр маҳорат билан яратилган улкан бир ниқоб экан! Огир меҳнатни, юнун қишлоқларни, кузги ўқиш пайтларида уч ойлаб эшикларига отнинг калласидек қулф осилган мактабларни кўрсатмаслик учун моҳирона ясалган улкан ниқоб!..

Расулнинг хаёлини аллақандай хирилдоқ овоз бўлиб юборди. Музаффар диванда доғ қотиб ухлаб ётар, унинг

хурраги, чамаси, нариги хоналарда ҳам эшитиларди!..

Собиқ хўжайини ишонган югурдаклардан бири! Хўжайини буларга, булар марҳум хўжайинга ишонган!..

Расул маъюе хайлга чўмиб, эски кадрдонининг тешасида бирпас турди. У бир ўйи ётиб қолмоқчи ҳам бўлди, кейин эртага Белобородов билан учрашишга ахдлашгани эсига тушди-да, кетинга қарор қилди. Фармоновининг муовини унинг ганини шкки қилмай, дарҳол «Волга» тониб келди. Нуриддинов машинага ўтираётганида тўсатдан куёви Бехзод кураётган ёдгорликни — у шу атрофда бўлиши керак! — бориб кўрмоқчи экани ёдига тушди. Бироқ ёдгорликни кўришга вақт қолмаган, уёқда Ойсулув учун касалхонадан жой топиш масаласи ҳам бор эди.

Расул қўлини бир сийтаб, машинага чикди.

Олтинчи боб

Бехзод томоғи қақраб, оғзи қуруқшаб уйқудан уйғонди-ю, анчагача қаерда эканини тушунолмади ётди. Чан қўли гипсланганими, зилдай оғир, бутун аъзойи бадани худди от туёқлари тағида қолгандай, қақшаб оғирди.

Деразадан тушиб турган ой шуъласида хона кундузгидай ён-ёруғ ва бўм-бўш эди. Қарнисидаги оқ чойнабли каравотда ҳеч ким йўқ, ўртадаги тумбочка устида аллақандай сиёқ шишачалар, ордаги тувакда қонга бўялган пахта ва дока қийқимлари кўзга чалинар, қўланса дори хиди димоққа гул-гул урарди.

«Шифохона!»

«Шифохона!» сўзи миясида чақмоқдай чақнаган захоти Бехзоднинг кўз олдига паға-паға тутун билан қонланган, гала-говур ресторан келди-ю, бўлиб ўтган воқеа бутун тафенлоти билан лон этиб ёдига тушди...

Бехзод иккита ёрдамчиси билан ресторанга «галаба»ни ювиш учун кирган эди. «Галаба» деганлари, кўп тортишув ва қийинчиликлардан кейин кўкламдан бери кураётган ёдгорликлари, кеча, ниҳоят, асосан битган, фақат сўнги, позик ишлари қолган эди.

Ёдгорликка буюртма берган «Даштстрой» катталари бошда монументни шаҳар марказидаги паркка ўрнатмоқчи бўлишган, ҳатто бунинг учун бир нечта бино бузиладиган бўлса ҳам ўз галларида қаттиқ туриб олишган эди. Бехзод эса жой қидира-қидира, охири бир томони тоғларга, бир томони марказга қараб кетадиган катта магистраль йўл бўйидаги маҳобатли бир тепаликни танлаган эди.

Энг муҳими, Бехзод ёдгорлигининг сурати ва эскизларини кўрсатаркан, бўлгуси монумент ҳақида шундай аниқ тасаввур бера олдики, бундан хайратга тушган хўжайинлар ўша ернинг ўзидаёқ маблағ-наблаг масалаларигача ҳал қилиб, иш бошлаб юбориш имконини яратиб беришди.

Рост, Бехзоднинг лойиҳаси ва эскизларини тасдиқлайдиган мутасадди ташкилотлар, гарчи бу лойиҳаларни ўн марта «кўриб чиққан» бўлса ҳам ҳар хил баҳоналар билан «оқ йўл» бермай, ҳануз пайсалга солиб келмоқда. Аммо бу нарса Бехзодни кўн ҳам изтиробга солаётгани йўқ. Авваламбор, унинг катта бўлмаса ҳам анча машаққатли ҳаёт тажрибаси шунини кўрсатадики, фақат ёмон асарларгина эмас, гоҳи истеъдодли асарлар ҳам қаршиликсиз рўёбга чиқавермайди, аксинча, баъзан истеъдод қанчалик ёрқин бўлса, қаршилик ҳам шунчалик кучли бўлади. Лекин бунини яхши билгани ҳолда, кечалари уйғониб кетиб, хаёлан яратаётган асарини нигоҳи олдидаи ўтказаркан, уни бир нарса қаттиқ қийнайди, у ҳам бўлса Бехзоднинг лойиҳасини тасдиқлаи ўтказмай, ҳар хил баҳоналар билан пайсалга солиб келаётганлар орасида... студентлик йилларида орттирган энг қадрдон дўсти Шерзод Комилов ҳам бор!

Бегубор, маъсуд ёшлик чоғларида улар шу қадар яқин, қил ўтмас дўст эдиларки, ҳамма уларни «эғизак даҳо» деб аташарди. Энди эса... майли, бу ҳам ўтиб кетар! Чунки Бехзод Нусратов бир нарсага имони комил: унинг ёдгорлиги, агар одамлар айтганидек, ҳақиқатан баркамол асар бўлса, битта Шерзод Комилов эмас, мингта Шерзод қаршилик қилса ҳам, бари бир тап олинади, бугун бўлмаса эртага, бу йил бўлмаса ўн йил ўтгандан кейин бўлса ҳамки, бари бир тап олинади, агар истеъдодсиз бўлса... унда бундай асар бошқалар тугул унинг ўзинга ҳам керак эмас!

✓ Энг муҳими, «Даштстрой» бошлиқлари ёдгорлик лойиҳасининг қаердадир тасдиқланиши кераклигини суриштириб ҳам ўтирмасдан (модомики, лойиҳа бор, демак, у тасдиқдан ўтган, деб ўйлашган бўлса керак!), иш бошлаб юбориш учун кўкламдаёқ ҳамма имкониятларини яратиб беришди.

«Даштстрой» деганлари шундай бой ташкилот эканки, Бехзод нимаини илтимос қилса, оғзидан чиқмасданоқ муҳайё қилишади. Мармар деса — мармар, поёб тош деса — тош, аъло нав цемент деса — цемент, темир ускуналар деса — ускуналар, ҳаммасини дарҳол топиб беришарди. Ҳатто маҳсус устахова очиб, қолип ясайдиган асбоблар

гача келтириб беришди. Агар «Даштстрой» дай бой ташкилот бўлмаганда Бехзод бу улкан асарини ниҳоясига етказини уёқда турсини, ҳатто бошлай олмас ҳам эди!..

Бехзод сунгги етти-саккиз ой кечаю кундуз фақат ижод билан бўлиб, фақат асари устида ўйлаб, илгариги бетартиб, беҳаловат ҳаётдан узини батамом тийган эди. У ҳатто Нигора билан кўришиб, бир «ёрилмоқчи» ҳам бўлиб, уни соғиниб юрганди. Шунинг учун ҳам кеча ресторанда шогирдлари ва ёрдамчилари қанча қисташмасин, шампандан «нари ўтмасдан», нафесини тийиб ўтирган эди, бир маҳал залга Фотиҳ Музаффаров кириб келди. У исмига монанд ўзгача виқор билан, гўё бу шаҳарни ҳозиргина забт этган фотиҳи музаффардай, уч-тўрт киши қуршовида дабдаба ва аъласа билан кириб келди. Фотиҳ эшикда кўриниши билан зал бошлиғи-ю, бир неча официанткалар уни «дув» этиб қуршаб олинди. Ресторанда жойи йўқ экан, бирпасда қаердан-дир стол-стуллар топиб келишиб, махсус жой қилиб беришди. Қасдига олиб, бу махсус жой, Бехзодлар ўтирган столга яқин эди.

Фотиҳ сершовқини, серзавқ шериклари даврасида, ўша жойга ўтаркан, Бехзодни кўриб қолиб, билинар-билинимас бош иргаб салом берди. Сал ўтмай Фотиҳларга хизмат қилаётган официантка бир шинна шампань билан барқаш тўла мева-чева кутариб келиб, «Фотиҳ Музаффаровичдан алаңгани салом» топириб кетди.

Бехзод буй-бастан худо берган бу хушқад манман йигитни яхши табир, у билан Нигора ўртасида бўлиб ўтган возик муносабатларидан ҳам бохабар, ҳатто сунгги пайтларгача Нигорани ундан ранк қилиб юрарди. Ростини айтганда, хотини билан ораларидаги низога бир жиҳатдан унинг «Отеллодан бешбаттар» мана шу рашкчилиги ҳам сабаб бўлган эди. Боз устига, Бехзод бу бойвачча директор бир неча марта Нигорани йўқлаб тоққа борганини эшитган, эшитиб, ич-ичидан зил кетган эди. Шу боисми, бошқами, Фотиҳни кўриб, кўнгли баттар хира бўлди. Бу ҳам етмагандай, сал ўтмай, Фотиҳ унинг ёнига келиб ўтирди. Бехзодни мақтади, ноёб истеъдоди олдида тиз чўкишга тайёр эканини, бу ерда қилаётган улуг ишларидан бохабарлигини айтиб, қадах кўтарди... Кейин эса, гарчи Бехзод сўрамаса ҳам Нигорадан гап очди, уни тоғда кўрганини айтди. Бу гап Бехзоднинг усиз ҳам безиллаб турган ярасига туз сепгандай бўлди-ю, аввал қўлидаги сув тўла қадахни Фотиҳга қараб отди. Фотиҳ, агар янглишмаса, чан бериб

қолди, бирок шиша деразага тегиб, ойна чил-чил синди-ю, ресторан тўс-тўнолоп бул кетди. Қадқдандир кўлларига қизил латта боғлаган дружиначилар пайдо бўлиб, уни судраб кетишди. Уёғи нима бўлди? Ойнаванд эшикдан чиқаётганда ё у қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлди, ё кимдир, чамаси Фотиҳнинг югурдақларидан бири, оёқ кўйди-да, Беҳзод қоқилиб кетиб, ойнаванд эшикка бориб урилди. Эшикнинг ойбаси чил-чил синди, Беҳзод эса сурилиб кетиб йиқилди, йиқилаётганда кўли қайрилиб, кўзларидан ўт чиқиб кетди...

Ундан уёғи — бир неча вақт ёдида йўқ. Фақат уст-босни қоп, милиция хонасида ўтирганн эсида. Сал ўтмай милиция хонасида Фотиҳ Музаффаров пайдо бўлди. У сўроқ қилаётган капитанин чеккага тортиб алланималар деди. Чамаси, уни кутқариб қолган ҳам Фотиҳ бўлса керак, маана, ҳушёрхонада эмас, касалхонада, ошпоқ тўшакда ётибди!..

Беҳзод тўсатдан қуюндай чарх уриб келган аламли туйгулардан бетоқат бўлиб, ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди-ю, чап кўлидаги оғриқ аўридан кўзларидан юлдузлар сочилиб, жойинга бемажол йиқилди.

Унга нима бўлди? Нима бўляпти ўзи? Шу кетишда турмуши, келажаги, оиласи, ижоди нима бўлади? Ижод ҳам қуриб кетсин, севикли фарзандларининг тақдири нима кечадн? Яна бу кўргуликни қараинки, Беҳзод ўзи бу бетартиб, беҳаловат ҳаёт чангалидан қутулдим, деб қувониб юрганида содир бўлди-я, бу иш! Ресторанга боришга бало бормиди унга? Наҳот Беҳзод шунчалик продасиз, шунчалик бесубут-бебурд бўлсаки, бу чиркин эхтирос исканжасидан тоабад қутула олмаса?

Йўқ, бу аламли, шафқатсиз ўйлар Беҳзоднинг хаёлига бириинчи марта келаетгани йўқ. Гоҳо Нигоранин меҳри, эркалашлари, илтижолн кўз ёшларидан кейин ҳам бу нотип ўйлар Беҳзоднинг юрагини кўп кемирган, виждолини кўп зирқиратган! Ҳатто уни кўтар-кўтар қилгувчи ҳамтовқларининг ҳамду саноларидан арши аълога чиқиб кетган пайтларнда ҳам бу ўйлар уни батамом тарк этган эмас, айниқса ишлаш, ижод қилиш нетағи уйғонган чоғларида Беҳзодни қаттиқ эзган. Шундай пайтларда у энг қимматли дақиқалар, ижод қилиш, яратин учун табиат ўзи ннъом этган бебаҳо онлар беҳуда ўтиб кетаётганини айниқса қаттиқ ҳис этар, сўнг, уни улуглаб айюҳаннос солган ҳайба-ракаалачилари даврасини тарк этиб, ишга шўнгиғиси, бутун вужуди билан, бутун ташна қалби билан кечаю кундуз

ётиб ишлагиси келарди. Аҳён-аҳёнда бунга муваффақ ҳам бўларди: шунда устахонага бекиниб олиб, эшигини ҳеч кимга очмасдан, ойлаб ишлар, фақат сув ва қаттиқ воп билан кун кечириб, ижод дарёсига шўнгиб кетарди! У фақат бир одамга, Нигорагагина эшигини очарди. Нигора ҳам дарров кела қолмас, Бехзод соғинганини, соғинганда ҳам икки кўзи унинг йўлида, зориқиб кутаётганини билгандагина аста эшигини тақиллатиб кириб келарди. Шунда Бехзодга Нигора эмас, офтоб кириб, устахонаси чарақлаб кетгандай туюларди. Одатда, бир печа ой давом этадиган апрелиқлар, гина-кудуратлардан кейин бўладиган бу висол онлари, гарчи такрор-такрор содир бўлса ҳам ҳар сафар аллақандай ёруғ нурга тўлиб, кўз ёши аралаш табассумлар, ниқоҳ кечасидагидай эҳтиросли бўсалар билан тугарди. Бу чароғон нур бир печа ойгача Бехзоднинг катта, лекин тугаган ва тугамаган суратлар, битган ва битмаган ҳайкаллар, мрамару оҳак ва бўёқларга тўлиб кетган совуқ устахонасини офтобдай илтиб, фақат аёл меҳригина бахшида қила оладиган галати бир файз ва илиқлик олиб кирарди. Пала-партиш қаланиб ётган асарлар, асбоб-ускуна, ҳаммаси жой-жойини топиб, ажиб бир тартиб ўришар, столларда позик гулдасталар, деразаларда опноқ, ҳарир дарпардалар пайдо бўлар, киши ишлаган сайин ишлагиси келарди. Кейин... кейин яна вимадир рўй берарди-ю, яна ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетарди. Бирда не азоблар билан яратган асари ўзига ёқмай, тўсатдан оғир тушкунликка тушиб қолар, бирда аксинча, асари атрофида шундай шов-шув кўтарилардики, устахона бамисоли бир қадамжойга айланарди. Нигора албатта уни яна тарк этар, у кетиши билан столдаги гулдонлар чил-чил синиб, гўзал гулдасталар қайгадир йўқолар, опноқ дарпардаларни кир босар, устахонаси эса Бехзоднинг истеъдоди олдида «тиз чукувчи» тавиш ва потаниш «санъат шайдолари» маконига айланарди. Рост, гоҳо машъум, беҳаловат кунларда айниқса уйқусиз туларда, Бехзоднинг қалбини яна виждон азоби кемириб қолар, *потинч* ҳаёлида эса ҳатто соғ пайтларида ҳам калласига келмайдиган гаройиб образлар гужгон ўйнай бошларди. Шундай пайтларда у кечалари сапчиб туриб, ҳаёлини банд этган бу образларни қоғозга туширишга киришарди-ю, тулар кунларга улашиб кетганини сезмай ҳам қоларди. Қизиқ, унинг бу ишлари баъзан хушёр пайтида яратган асарларидан ҳам яхши чиқар, бу норса унда аллақандай илоҳий бир куч ва сеҳр бор, деган сохта шов-шувларга са-

баб бўларди. Бироқ Бехзод уни қуршаб олган мухлис-ларининг айюханносларидан сармаст бўлиб ўтирган чоғ-ларида ҳам доим ўша тўйгудан — ижод онлари беҳуда кетаётганидан изтироб чекарди. Тўғриси, ҳар сафар уни беҳаловат ҳаётдан қутқариб, ижод соҳилига олиб чиқадиган куч ҳам шу тўйғу — ишлаш, ижод қилиш истаги бўларди!.. Аммо илгари нималар содир бўлмасин, Бехзод бунчаликка бормаган эди!.. Наҳот у шунчалик иродасиз, бесубут ва беқарор бўлсаки, охир-пировардида касалхонага тушиб, бу аянчли аҳволда ётса?.. Нигора туфайли рақибига айланган бу манман, калондимог бойвачча билан пачакилашиб қолса-да, у киши «олижаноблик» қилиб, уни ҳушёрхонадан қутқариб, шифохонага жойлаб кетса?

Бу машъум, бачкана воқеа Нигоранинг қулогига бориб етса нима бўлади? Ораларидаги дутор торларидай нозиклашиб қолган охириги ришталар ҳам узилиб, Бехзоднинг сўнгги умидлари ҳам чил-чил сиймасмикин? Ахир, Нигорадан бурув унинг ўзи, ораларидан нималар ўтган бўлмасин, ҳамон Нигорадан кўнглини узолмайди-ку? Қаерда бўлмасин, бир кун Нигора, кўзларида ёш, тўсатдан кириб келиб, бағрига отилишини кутади-ку! Бехзоднинг ўзи ҳам шундай қилишга тайёр, Нигоранинг пойига тиз чўкиб, ундан кечирим сўрашга тайёр, бироқ Нигоранинг раддиясидан кўрқиб, бунга журъат этолмайди...

Тавба!.. Қачон унга ақл киради? Унинг ёшида чин истеъодлар бу дунёнинг ҳамма лаззати, сохта шон-шуҳрати, чиркин одамларнинг чиркин мадҳияларидан юз ўгириб, бор салоҳиятларини ижодга бағишланган ва шу сабаб эл-юрт ҳурматига сазовор бўлишган! Унинг ёшида ҳазрат Навоий... э, ҳазратларнинг руҳини безовта қилиб нима қиласан, тентак? Шу бугун ҳам сенинг ёшингда, сохта доврўғларга учмай, майда эхтирослар гирдобига тушмай, катта ишлар қилаётган истеъодлар озми?.. Энг ёмони шуки, бу кўнглисиз воқеа шу кунларда Бехзоднинг ўзи ҳам ижод тўлғоғида қийналиб юрган бир пайтда, ҳаёлан аллақандай ғаройиб образлар «тутқуни»га тушиб, уларни гўё тирик одамларни кўргандек кўриб, вужуд-вужуди билан ҳис этиб, улуғвор асарга айлантираётган бир паллада рўй берди!

Мана ҳозир ҳам, Бехзод қилаётган ишини ўйлаши билан кўпдан бери тинчлик бермай келаётган образлар яна ёпирилиб келди-ю, гўё унга таъна қилаётгандай, нигоҳи олдида саф тортиб туриб олишди.

Ана, эми ўн, бўйи беш метр келадиган муаззам ёдгор-ликининг қоқ ўртасида... яраланган жангчи сиймоси. Йўқ, бу шунчаки жангчи эмас, урушда ҳалок бўлган икки тоғасининг биттаси, тўғрироғи, кенжа тоғаси!.. Рост, урушдан кейин тугилган Бехзод тоғаларини кўрмаган. Фақат уларнинг суратларинингина кўрган. Негадир, эҳтимол бувиси билан ойисининг ҳикоялари туфайлдир, кенжа тоғасининг сурати дилига айниқса қаттиқ ўрнашиб қолган. Тоғаси бу суратга Эльба соҳилида, уруш туганига бор-йўғи икки ҳафта қолганда тушган. Кўкраклари орден ва медалларга тўла, елкаларида заррий лейтенантлик поголлари, сочлари шамолда тўзгилган тоғаси, қандайдир баланд теналикда туриб, пастда, дарё бўйида ёнбошлаб ётган дўстларига кўл силжитиб, нимагадир қаҳ-қаҳ отиб куляпти.

Вутун вужудидан ёшликка хос бахт туйғуси ва аллақандай шиддат ёғилиб турган бу қийғирбуруп, хушқад, барваста йигит бир кундан кейин ўзи қаҳ-қаҳ уриб кулиб турган шу теналик, шу соҳил бўйида ҳалок бўлишини билмайди, кўришишидан бу мудҳиш туйғу унга батамом ёт, акс ҳолда ўзини бунчалик бахтиёр ҳис этмас эди! Эльба соҳилида хушшуд кулиб турган бу йигитнинг бир кун кейинок ҳалок бўлгани сурат кетидан қувиб келган машъум қорахатдан маълум. Тоғасининг сурати Эльба соҳилидан ўн биринчи апрель куни «жўнаган» бўлса, мудҳиш қорахат ўн иккинчи апрель куни кетган. Почта эса, ўз одатига зид, иккала хатни кетма-кет етказгану ҳали ўглининг дийдорига тўймай, суратни қайта-қайта ўпиб ётган хаста кампирнинг юрагини пора-пора қилиб қиймалаган!

Марҳум бувиси узув бўйли, қотмадан келган, кўллари қора меҳнат туфайли таёқдай қаттиқ, шиддатли аёл эди. Унинг эри, Бехзоднинг буваси, урушдан аввал кўнкарида, от тагида қолиб оламдан ўтган, кампир уч фарзанди, икки ўғил, бир қизини бир ўзи боқиб вояга етказган. Тўнғич ўғли эр етиб, энди уйланганида уруш бошланган, ундан фарзанд қолмаган.

Шундай қилиб, урушнинг бошида энди уч фарзандни тарбиялаб одам қилган кампир урушнинг охирида биттагина қизи, Бехзоднинг онаси билан қолган, Бехзод эса урушдан кейин тугилган эди!..

Кампир оламдан ўтганида Бехзод борса ўн бир-ўн икки ёшга борган, ё тўртинчи, ё бешинчи синфда ўқир эди. Ҳануз эсида: қаҳратон қиш эди. Тўсатдан шамоллаб қолган кампир катта совуқ уйининг тўрида (битта тушука печка

улкан чорхари хонали исита олмас эди) икки кўзи эшикда, қалин тўшакка ўраниб, Бехзоднинг йўлини пойлаб ётарди. Бехзод биларди — бувисининг ёстиги тагида кенжа тоғасининг таниш сурати сақлашарди. Бувисининг айтишича, тоғаси яхши кўрган қиз, урушдан кейин бошқа бировга турмушга чиқаётганида уни йўқлаб келиб, бир кеча кампирнинг ёида ётиб, бу хатларни йиғлай-йиғлай унга ташлаб кетган эмис!..

Кўзлари йчига ботиб, узун бурин сўррайиб, ўзи қоқсуяк бўлиб қолган кампир, Бехзод эшикдан кириб келиши билан гамли нигоҳини шифтдан узиб, унга ёш боладай кўзлари мўлтираб қарарди:

— Келдингми, кўзичогим? Ке, ёнимга ўтир! — дерди у ва қоқсуяк кўзларини ёстиги тагига суқиб, ёнгоқ ё туршак солинган халтасини оларди.

Бехзод билар — бувиси бу туршакларни унга тоғасининг хатларини алдаб-авраб ўқитиш учун берарди. Чунки Бехзод — энди ҳар эслаганда юраги бир зирқирайди — бу хатларни ўқийвериш, ҳар бир сўзи ёд бўлиб кетгани учун кампирга:

— Яна ўқитасизми? — деб сўишларди.

— Ўқисанг нима бўпти, қулушим?

— Ўша хатларми ё янгиси борми?

— Ўша хатлар, — дерди кампир, киртайган кўзлари гуноҳкорларча жавдираб.

Бехзод кейинчалик касал ётган муштинар бувини бамисоли гадодай ялийтирганлари эсига тушган пайтларда афсус-надоматдан неча марта қовурилган, бироқ, унда, сабаби болалик, фавқулодда бир шафқатсизлик билан:

— Қизиқсиз-да, буви! — дерди жеркиб. — Минг марта ўқидик-ку бу хатларингизни! Қайта-қайта ўқийверганда ёни чиқадими?

Кампир мунгли кўзларини юмиб, огир хўрсинарди.

— Тентаксан-да, кўзичогим, тентаксан! Агар тоғажонинг тирик бўлганда ҳозир сени тойчоққа миндириб ўйнатиб юрарди! Ма, ўқи!.. Сен ўқиганда... болажонимнинг овозини эшитгандай бўламан, оиногим!

Бехзод энди ўйлаб қараса, кенжа тоғаси, чамаси, қандайдир ўта қувноқ, ўта шўх йиғит бўлган. У кампирга ёзган хатларини аллақандай бенисанд, гўё даҳшатли жанг майдонларида эмас, ўйинда юргандай: «Мендан сира гам сманг, ойижон! — деб бошларди. — Ўғлингиз арслон-шердай паъра тортиб, фашистга қирғин келтириб юришти! Бит-

та ўзи қирқ фашистга тенг келади...» Лекин севгилисига ёзган мактублари тамом бошқача бўлар, улардан соғинч ва хижрон дарди уфуриб турар, айни чоғда, у қаллиғини ёш боладай аврар, юнатар, висол кунлари яқинлигини айтиб, кўнглига далда берарди...

Кампир, киртайган кўзаларини шифтдап узмай, бу хатларни жим ётиб эшитар, фақат баъзи-баъзидагина қоқсуяк кўлларини кўтариб, «тўхта» деган маънода бетоқат ҳаракат қиларди-да, бошини кўрнага ўраб оларди. Шунда кўрна тагидан унинг:

— Болажоним-ов! — деган бўғиқ нидоси эшитиларди. — Болажоним-ов! Кимларга ташлаб кетдинг онагни! Бу фашист ўлгурининг ўқи сенга теккунча менга тегса бўлмасмиди, болажоним-ов?..

Кампирнинг фарёди Бехзоднинг ҳам юрагини тилкапора қиларди, бироқ «эркаклик» гурури йиғлашга йўл қўймас эди-ю:

— Бўлди-да энди! Ҳадеб болажоним, болажоним, деб йиғлайверар экан-да, одам! — деб жерқирди ва ойисидан эшитган гапини такрорларди: — «Болажоним, болажоним» деганингиз билан тирилиб келармиди болажонингиз? Сабр қилинг-да, бундоқ!

Бехзоднинг шисандасидаи кейин, кампир ҳақиқатан ҳам бир-икки марта «пиқ-пиқ» йиғларди-да, кўрна тагида жимиб қоларди...

Бехзод бу эсдаликлардан томоғи гип бўғилиб, узоқ ётди. Хона ой шуъласидан сутдай оппоқ. Жимжит. Фақат йироқдан, афтидан, бир неча хона наридан, кимнингдир инграган, сўкинган овози эшитилади, ўша томондан дук-дук қадам товушлари келади... Аста-секин кўнглидаги галаён пасайиб, хаёли яна тугаб қолган асарига қайтди.

Мана, ёдгорликнинг қоқ ўртасида — яраланган жангчи, йўқ, умуман жангчи эмас, ўз тоғаси Арслоп. У чап кўли билан ўқ теккан кўксини ушлаганича, тиззалари букилган ҳолда чалқанча йиқилмоқда, лекин ҳали йиқилган эмас, боши орқага ташланган, сочлари тўзгиган, алам ва изғироб тўла икки кўзи осмонда... Гўё у бу кенг жаҳон билан, тубсил фалак билан, наси ва севгилиси билан видолашмоқда. Сўнг бор видолашмоқда! Жангчининг икки томонида беш-олти мотамсаро аёл, ўз фарзандларини йўқлаб гиря қилаётган мушфиқ, муштипар оналар, опа-сингиллар, қаллиқлар... Чап томондаги, рўмоли бошидан сидирилиб тушган, оппоқ сочлари тўзгиган, кўллари ярадор ўгли томон

чўзилган аёл — ўз бувиси, ўша: «Фашист ўлгурнинг ўқи сенга теккувчи суюкли бувиси... Унг томондаги икки кўлини йигит томон баробар чўзиб, гўё уни ушлаб қолмоқчи бўлгандек, бутун вужуди билан жангчи томон талпиниб турган ёш келинчак... тоғасининг севгилиси, ўша, урушдан кейин, бошқага турмушга чиқишдан аввал, бувисини йўқлаб келиб, йиглай-йиглай ёрининг бир даста хатини ташлаб кетган бахтиқаро келинчак... Унинг тақимига тушган майин сочлари шамолда тўзгнган, ёш тўла катта-катта кўзларида унсиз савоз, гўё у йигитга: «Тўхтаг, нима бўлди сизга?» — деб индо чекмоқда...

Беҳзод, тоғаси яхши кўрган бу қизни кейин, ўн бир-ўн икки яшар чоғларида кўп кўрган, у чиндан ҳам жуда кўхлик, бироқ юмалоққина юзида, мунгли кўзларида қандайдир тизгивсиз бир алам тоабод муҳрлашиб қолган эди! Марҳум ойисининг айтишича, келинчакнинг урушдан кейин турмуш қурган эри ёмов одам бўлиб чиққан, у хотини севган йигит урушда ҳалок бўлганини билган ва унинг бу севгилиси учун хотинини то ўлгунча қийнаган... Беҳзод ҳар хил ҳолатда ярадор жангчи томон талпиниб, гиря қилаётган бошқа хотинларнинг суратини ҳам ўзи яхши билган, яхши таниган ҳамқишлоқ аёлларида чизган... Шу боисдан ҳам ёдгорликнинг номини ўзинча «Гиря» деб қўйган...

Беҳзод даставвал асарни яхлит тошдан, шу ернинг ўзида, ёдгорлик ўрнатиладиган жойда ўйиб ишламоқчи бўлган эди. Лекин тез орада бундай яхлит тошни топиш амримаҳол эканини англади, англади-ю, бу фикридан қайтиб, ҳар бир ҳайкални белигача қолипларда қуйди, қолган қисмини, қўлларида тортиб, бир-бирларига талпинган ҳаракатларигача, ҳазин чеҳраларидан тортиб, мунгли кўзларида оққан ёш томчиларигача, — ҳамма-хаммасини чўкич билан ўйиб, тошга абадий муҳрлади... Мана, ниҳоят, лойиҳа устидаги ишларини ҳам ҳисобга олганда, салкам тўрт йиллик меҳнати ниҳоясига етди! Фақат айрим деталлар, энг сўнги тафсилотлар, асарни асар қилиб, унга жон ато қилгувчи нозик ишлар қолди, ҳолос. У эса... шу «нозик» ишларни тугатиб, муштипар бувиси олдидаги қарзини узиш ўрнига, ётипти мана, расвойи радди бало бўлиб...

Беҳзод, одатда ўзидан порози бўла бошлаган пайтларда, доим улуғ санъаткорларнинг ижод йўллари-ю, уларнинг қисматини эсга оларди. Шунда унинг виждони баттар қий-

пала бошлар, продасизлиги, кўнимсизлиги, дангасалиги кўзига жуда хунук кўришиб кетарди. Шундай пайтларда ишлаб, ижод кўйига шўнгиб, бутун вужуди билан ишлаш истаги юрагида яна вулқондай қайнай бошларди. Бу истак унга худди оч қолган одамнинг овқат ейиш истагидай азоб бера бошларди-ю, охири бу азобга бардош беролмай, беҳаловат ҳаёту «содиқ дўстлари» даврасини тарк этиб кетарди...

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Уч-тўрт йилдан бери ором бермай келган образлар ва манзаралар бирдан қайта ёпирилиб келди-да, сутдай ойдин хонани тўлдириб, уни қуршаб олди. У ўз асарини, асаридаги жангчининггина эмас, ўз жигаргўшаларини йўқлаб фарёд чекаётган мушфиқ аёлларни шундай аниқ тасаввур этдики, бу манзарадан юраги увиниб кетди. Айни замонда кўндан бери тополмай юрган, ўқ теккан жангчининг ҳам, унга талпиниб гиря қилаётган муштинлар аёлларга жон ато қиладиган янги тафсилотларни ҳам топгандай, уларни бурунгида ҳам аниқроқ тасаввур қилгандай бўлди. Фақат ишлан, хаёлида тугилган, кўз олдига чўғдай ёниб турган бу янги тафсилотлар, янги деталларни тезроқ тошга ўйиш керак, холос!.. Унинг бўлса, э воҳ, ишлашга, уни қуршаб олган бу образларни, жон тўла бу мушфиқ тафсилотларни тошга тобад муҳрлашга на мажоли бор, на имкони!

Беҳзод тишини тишига босиб, тескари бурилиб олди. У врачларни саросимага солиб, шу ётганича бир неча кун на овқат еди, на биров билан гаплашди. Беҳзод врачлар билан ҳамшира қизларнинг илтимослари-ю, ялиниб-ёлвориншларига «керак эмас»дан бошқа жавоб бермас, на дори ичар, на овқат ер, улардан фақат бир нарсани — тивч қўйишларини илтимос қиларди, холос. У ҳатто ўз шогирдлари ва ёрдамчилари билан ҳам гаплашишни истамас, хаёлида чарх урган образлар билан олишиб, ўз ёғида ўзи қовурилишда давом этарди.

Унинг довруғини эшитган врачлар, гарчи касалхонада ҳар бир жой ҳисобли бўлса ҳам хонага ҳеч кимни қўймадилар. Фақат уч-тўрт кун ўтгач, ярим кечада кимнидир олиб келишди. У нимадандир яраланган, боши, юз-кўзи боғлаб ташланган, ўзи ҳам беҳуш, фақат инграр эди.

Беҳзодни бошқа хонага ўтказишмоқчи бўлишди. Бироқ Беҳзод кўймади, ҳазини кўлидаги гипс олилмаган бўлса ҳам бош врачнинг қабулига кириб, бир амаллаб рухсат олди-да, касалхонани тарк этди. Ўша оқшом у ўзи қураётган мемориалнинг атрофида тонг отгунча айлашиб чикди.

Шораҳим шоввознинг ўгли Шоқосим кечаси билан тиканда ётгандай бесаранжом аганаб чиққан эди, эрталаб тонг отар-отмас кимдир деразасини чертиб уйғотди:

— Туринг, Шоқосим, совхоздан бош бухгалтер Пўлат папка келиб, кутиб ўтирибдилар сизни!

Шоқосимнинг хаёлига: «У кунги кўшимча мажбуриятнинг бажарилишини текширгани вакил бун келгандир-да, писмиқ!» — деган фикр келди-ю, титроқ босиб ўрнидан туриб кетди. Лекин Пўлат папка кўшимча мажбурият тўғрисида оғиз ҳам очмади. Агар ҳар бир гапидан кейин хириглаб кулиши демаса, ҳамма билан мулоҳим гаплашадиган бу юмшоқ сунурги Шоқосим билан ҳам икки букилиб кўришди-да, аллақандай жилпанглаб, «агар малол келмаса» далазларни кўрсатишини илтимос қилди.

Пўлат папка Меҳринисонинг «Газик»ида келган экан. Бу ҳам негадир Шоқосимнинг дилини хира қилди. Улар шу «Газик»ка ўтириб, дала айланган бўлишди, хирмонни кўришди. Сўнг Пўлат папканинг камтарлиги тутиб кетиб, «оддий» пахтакорлар ва студентлар билан бирга овқатланиш истагини билдирди. У бурунгида ҳам баттар жилпанглаб, ҳар сўздан кейин бир хириглаб, Шоқосимга хуномад қиларди. Ниҳоят, Пўлат папка лабларини артиб (Буни қаранг, «оддий» деҳқоннинг еган-ичгани ҳам хўжайинларнинг егандан кам эмас экан!) ўрнидан турди-да, Шоқосимнинг тирсагидан олиб, секин бир чеккага бошлади. Улар ариқ бўйида ўсган тол ва тераклар соясига ўтдилар. Пўлат папка дарҳол ётиқдай чарм папкасини очди, бироқ қоғозларни олишдан аввал маъсум кўзлари мўлтираб яна Шоқосимга тикилди.

— Гап бундай, Шоқосимжон, — деди у, тез-тез томоқ қириб. — Каминга ҳурматли директоримизнинг махсус топшириғи билан келдим, ука. Лекин бу топшириқни изҳор этишдан аввал шунини билиб қўйгинки, мен сени ўз пуштикамаримдан бўлган фарзандларимдан кам кўрмайман, ука. Шу боисдан, қирқ йиллик қадрдоним, яъни отанг бошига тушган савдолар сенинг бошингга тушмаса дейман. Бу гапларни эшитгандирсан, ахир?

Ҳа, Шоқосим дадасининг директор билан айтишиб қолиб, ишдан ҳайдалганини Меҳринисодан эшитган эди.

Пўлат папка, гўё бу воқеадан юраги таре ёрилиб кетаётгандай чуқур «уф» тортиб, давом этди.

— Тўғрисиини айтсам, биродарим Шораҳимнинг ўзидан ҳам ўтди, болам. Нафсиларини айтганда, унчалик ёмон одам эмас директоримиз. Дорга осилсанг ҳам балаandroгига осил, деганларидек, катта ишлар қилсам, қишлоқни обод этсам, янги Санъат саройи қурсам, йўлларни асфальт қилсам, деган катта орзулари бор унинг. Сенларни ҳам, даштдаги пахта бригадаларини ҳам эсидан чиқаргани йўқ! Бу ерларни ҳам обод қилмоқчи. Қурилиш материалларини тиллага топиб бўлмайди ҳозир! Директоримиз бўлса, яқинда уч вагон тахта топиб келди. Илгари ким бунақа ишларни дўндира олган эди?

«Мен ҳам удалардим бунақа ишларни, агар дадам «Даштстрой» устуларидан бири бўлса!» — деди Шоқосим ичида. У ҳамон бу қари тулкунинг иятини илғаб ололмас, аммо гап тагида гап, коса тагида нимкоса борлигини сезиб турарди.

— Сен ўша кечаси печа центнер қўшимча мажбурият олдинг? — деб сўради Пўлат папка.

— Гектарига ўн центнердан.

— Қойил! Ҳозир печа центнердан бердинг?

— Икки центнердан.

✓ — Не, масаллиқни чамаламасдан туриб қозонга ёғ солган эканлар-да! — ишшайди Пўлат папка, лекин Шоқосимнинг тўсатдан гезариб кетганини кўрди-да, дарҳол лаблунжиини йиғиштирди: — Энди... гапнинг бўладиган томонига ўтайлик, ука. Буёққа келишдан олдин, келин билан, яъни Меҳринисоҳон билан (у ҳам, ҳар қалай, масъул ходимларимиздан бири), яхшилаб маслаҳатлашдик, ишим.

— Нимани маслаҳатлашдиларингиз? — деди Шоқосим, унинг сўзини шартта бўлиб.

— Илтимос, даданга ўхшаб, қизишмагин, ука! Қизишмасанг, келишиб иш қилсанг, ошигинг олчи бўлади, укажон! Қурилиш материаллари ҳам керакми сенга? Керак! Олган қўшимча мажбуриятингни тўлдирадиган пахта керакми? Керак! Гапга кирсанг, ҳаммаси муҳайё бўлади, ишим?

Шоқосим юзига қон тегиб, қўллари дир-дир титрай бошлаганини сезса ҳам, тишини тишига босди:

— «Худо»сини айтдингизми, «берди»сини ҳам айтавринг-да, ака! — деди бош ҳисобчи томон эгилиб. — Хўш, бунинг учун нима қилишим керак?

Пўлат панка, нимадандир хадиксираб Шоқосимга синовчан тикилди. Шоқосим қогозларга кўз ташлар-ташламасданоқ ҳамма нарсага тушунди. Бу — рўйхат эди! Унда фақат бригада аъзолари эмас, эллиқдан ортиқ потаниш номлар бўлиб, ҳар бир номини рўпарасига йирик рақамлар ёзилган эди!

Шоқосимнинг юрагидаги исён тўсатдан аллақандай шўх, ўйинқароқ бир туйғу билан алмашди:

— Жуда соз. Пулни чўзинг!

Пўлат панка ранги қув ўчиб, сал орқага тисарилди:

— Пулни нима қиласан, ука? Пул ўрнига пахта олиб, плани дўндир! Қурилиш материаллари олиб, бригадангни обод қил, жон ука!

— Шувақами? — Шоқосим вужудини ларзага солган титроқни араит босиб, Пўлат панка томон эгилди. — Хўп, мен-ку, бу кўзбўямачилик ҳисобига плани бажариб, сохта обрў орттирар эканман! Аммо бригадамдаги одамлар-чи? Бу жаҳаннам саҳрода кишини-ёзини қора терга ботиб ишлаган шўрлик аёл ва эркеклар-чи? Улар нима қилади? Эртага... икки қўлларини бурунларига сукиб қайтиб борадиларми бола-чақаларининг олдига? — Шоқосим шитоб билан ўридан турди-ю, ранги оқариб, дир-дир титрай бошлаган Пўлат панканинг ёқасидан ушлади:

— Қани пул?

— Жон ука!..

— Сен... шу ёшнингда, бу дунё эмас, у дунёни ўйлайдиган вақтинг келганида, қайси юз, қайси виждов билан бу қалбак қогозларини менга кўтариб келдинг? Бундан чиқди, бизнинг пешона теримиз билан тошган пулларимиз ҳисобига... сенинг ўпка директоринг ўғирлик пахта-ю, ўғирлик тахта олиб, қаҳрамон бўлмоқчи! Сен эсанг... Бас! Эшак терисидан тикилган анов панканинг қўлтиқла-да, жонинг борида туёғингни шиқиллатиб қол! Бўлмаса, токи ўша ишонган тоғининг олдигача қувиб бораман! Яланг оёқ тикап кечтириб қувиб бораман! — Шоқосим шундай деди-да, тўсатдан тиз чўкиб, бошини чапгаллаб олган Пўлат панкага кўз ташлашга ҳам ижирганиб, хирмонга қараб кетди. У хаёлан гоҳ директор, гоҳ ўз хотини Мехринисо билан олишиб, қув бўйи ўзини қўярга жой тополмай далама-дала кезиб юрди, бир ўйи, шартта «Жигули»сига ўтириб, қишлоққа кетгиси ҳам келди. Бироқ қуви кеча қишлоқдан қайтгани эсига тушиб, ўзини босди. Олам кўзига тор кўришиб, шийпонда узоқ тўлганиб ётди. Йўқ, гап фақат Пўлат

папкада эмас, гап Мехринисода ҳам! Тўғрисиини айтганда, Мехринисо кўкламда совхозга рабочком бўлиб кетганидан бери ахвол шу: илгари Шоқосимнинг кўзига жуда иссиқ кўринадиган бу ерлар назарида, аввалги файзини йўқотган. Бундан беш-олти кун муқаддам қишлоққа бориб қўшимча мажбурият олиб қайтганидан бери эса, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Ўша кунни хотини Мехринисо қаттиқ туриб олмаганида Шоқосим калласи кетса ҳам қўшимча мажбурият олмас эди. У ўз даласида қанча ҳосил қолганини яхши билар, нари борса, яна уч-тўрт центнер пахта бор, бўлмаса у ҳам йўқ. Лекин Мехринисо мажлиседан аввал уни ўз хонасига чақириб, директорнинг талабини бажарасиз, деб туриб олди.

— Дадамларнинг қайсарлиги етмаган эди, сиз қолдингиз мени маломатга қолдирмаган, — деди Мехринисо, дам бўзариб, дам кўзига ёш олиб. — Ота-бола... мақсадларингиз менинг юзимни ерга қаратиши бўлса... унда майли, билганларингдан қолманглар!..

Шоқосим бир хотинига жаҳли чиқса, бир раҳми келганидан юраги зирқиради. У хотинига ялиниб-ёлвориб ҳам кўрди, тушунтиришга уришиб ҳам кўрди — бўлмади. Шоқосим у деса, Мехринисо бу деди, бу деса у деди — хуллас, ўз гапидан қайтмади. Энг катта далили шу бўлдики, раз мени рабочком қилиб кўтаришдим, сиз ҳам қўллаб-қувватлашингиз керак, ўз хотинингиз раҳбар бўла туриб, директорнинг сўзига сиз кирмасангиз ким киради? Гапини пўскалласи, айтганини қилдирди, гектарига яна ўн центнердан қўшимча ҳосилни бўйнига юклади.

Шоқосим сўнгги пайтларда хотини тўғрисида қулогига чалинган минималларнинг бирортасига ишонмас, гарчи, бу гаплар юрагини қон қилса ҳам уларнинг гирт тухмат эканига имони комил эди. Ўша кунни умрида биринчи марта Мехринисога синчиклаб қаради, унинг гап-сўзлари-ю, қилиқларига зимдан разм солди, солди-ю, кўкенга гўё ёқимсиз совуқ шабада гимирлаб кирди.

Шоқосимнинг назарида, илгари Мехринисодай меҳрибон, босиқ, мулойим, ширинсухан инсон йўқ эди оламда, у доим кулиб турар, ҳатто Шоқосим бир нарсадан зардаси қайнаб, қўрсалиги тутса ҳам кулиб енгар эди. Энди унинг гап-сўзларида қайсарлик аралаш аллақандай бепишандлик пайдо бўлган, эрининг гапларини охиригача эшитишни ҳам истамас, илгариги мулойимлиги-ю, меҳрибонлигидан асар ҳам қолмаган эди.

Шоқосим ўша куни уйда ётиб қолмоқчи эди, бироқ Меҳринисо бунга ҳам кўнмади. «Шундай долзарб кунларда қаёқдаги ўйларни ўйлабсиз, кўйинг-э! — деб силтаб ташлади. — Жўнанг-жўнанг! Одамлар эшитса нима дейди?»

У эғнига атлас кўйлак устидан қизил гул солинган пахмоқ жемпер, оёқларига, бўй-бастига ярашган пошнаси билан бежирим этикча кийган, ўзиям икки ўрим узун кокилни боши орқасига турмаклаб, зар сочилган қора-қизғиш рўмолча билан ўраб олгану аллақандай жуда очилиб кетган эди. Унинг олдида оёғига пошналари ейилиб кетган эски брезент этик, эғнига ёғ босган кир-чир фуфайка, бошига сочбони бир томонга қийшайиб қолган чапг-чунг фуражка кийган Шоқосим жуда гариб кўриниб қолди.

Шоқосим буни хотинининг муомаласидан сезди. Меҳринисо у билан гаплашаркан, гарчи ҳеч нарсаи билдирмаган бўлса ҳам нигоҳида ижирганишга ўхшаш алланима бир неча бор милт-милт этди-ю, Шоқосим умрида биринчи марта ўзига четдан қаради, ҳатто хаёлан ўзини артистлардай башанг кийинган Фотиҳ Музаффаров билан солиштириб ҳам кўрди.

У бир ўйи ўша ол, ўша ернинг ўзидаёқ даштдан воз кечиб, илгариги ишини талаб қилмоқчи ҳам бўлди. Ҳақиқатан, унинг Фотиҳдан вимаси кам? Фотиҳ Музаффаров олий маълумотли бўлса, Шоқосим ҳам олий маълумотли, у агроном бўлса, Шоқосим инженер! У бу аҳволга тушган бўлса, авваламбор, Меҳринисонинг гапига кириб, қолаверса... илгари унга ярим пошшоликни ваъда қилиб, энди эса, столни уриб гаплашаётган мапа шу ўнка директорнинг қуруқ ваъдаларига ишониб тушди! Уни ҳурмат қилмаса, оғир меҳнативи эъзозлаш ўрнига бу кўрс муомала, бу дўк, лўписа, писанда!.. Хотини эса... бош-олти йилдан бери ширин турмуш қуриб келаётган, икки фарзандининг опаси бўлган хотинининг нигоҳида эса... киборлик, сўзларида, ҳимарилган лабларида аллақандай пинҳоний ижирганиш!

Ўша дақиқада бу ўйлар Шоқосимнинг хаёлига қуюндай ёпирилиб келди-ю, бир ўйи Меҳринисонинг кабинетидagi стулларни шарақ-шуруқ отиб: «Бас, бўлди! Йиғиштирдим ўша дашт-паштларингни», деб қўл силтаб чиқиб кетгиси ҳам келди. Чунки ота боласи, Шоввознинг феъли унда ҳам бор, кўнглига бир нима ёқмаса ёхуд бирорта адолатсизликнинг шабадасини сезса, лоқайд қараб туролмайди, уники бир тутса ёмон тутади, Меҳринисо ҳам буни яхши биларди, билгани учун ҳам суҳбатларининг охирида сал юмшаб,

хийл эркаланиб гапирди-ю, Шоқосим, одатдагидай, шилқ этиб тушди-кўйди.

У уйларига бориб, уйқуда ётган ўтги ва қизининг пешонасидан ўнди, онаси сузиб берган бир коса қатик аралаш гужани тинна-тик турганича бир синқаринда бўшатди-да, «Жигули» сизга ўтириб, даштга жунаб кетди.

Лекин шундан бери, мана неча кун ўтди ҳамки, ўзини кўйгани жой тополмайди. Икки йилдан бери ўрганиб қолган жойлар, тоғ-тоғ қум уюмлари орасидан не машаққатлар билан таланиб-тортишиб «юлиб» олган бу юз гектар пахтазор, Меҳринисо иккиен тиззасидан лой қориб, гишт қуйиб, ўз қўллари билан қурган бу шийпон, ҳатто не алобда кўкартирган бу ниҳоллар — ҳамма-ҳаммаси, пазарида, илгариги кўркини йўқотгандай туюлди. Авваллари, айниқса Меҳринисо билан бирга ишлаган пайтларида, бу ерлар кўзига жуда иссиқ кўринар, эҳтимол, шийпондан тортиб, оддий тандиру ўчоқларгача ўзлари қурганлари, ҳар бир туп ниҳолни ўйнаб-қулиб, бирга-бирга нарвариш қилганлари учундир ҳамма нарса қандайдир бошқача кўринар, ўз дасалари-ю, шийпонларини узокдан қараганларида юраклари жизиллаб кетарди! Энди, гарчи шийпон тўла одам бўлса ҳам уни қурилиш техникумининг студентлари эгаллаган эди, Шоқосимнинг пазарида ҳаммаёқ хувиллаб, шийпон гўё кимсасиз, ташландиқ бир жойга айланиб қолгандай кўринди.

Бригадада ҳеч ким пўк, студентлар эса Шоқосимга бўйсунмас, уларнинг ўз домлалари, ўз раҳбарлари бор, улар фақат хирмондаги ҳисобчинни танишар, кечаю кундуз терган пахталари устида жанжаллашиб, граммларигача ҳисоблашиб, талашиб-тортишиб ётишарди.

Шоқосим қишлоқдан қайтган кунининг эртасига пахтазорин қадам-бақадам айланиб чиқди. Ҳар бир туп гўза-ю, очилган-очилмаган кўсакларгача санаб, сарҳисоб қилди. Терим машиналари ўтавериш, япроқлари юлиниб чўп бўлиб қолган гўзаларда бир-иккита, нари борса учта кўсак қолган, энди ҳамма нарса об-ҳавога боғлиқ, агар кунлар ҳозиргидай очиқ туриб берса, ўн центнер бўлмаса ҳам, ҳар қалай, беш-олти центнер ҳосил олса бўларди. Буни ўйлаб, Шоқосимнинг кўнгли бир оз таскин топгандай бўлди-ю, бироқ ҳарчанд уриммасин, қўли ишга бормай, кун бўйи гаранг бўлиб юрди. Тўғриси, далада қиладиган иш ҳам қолмаган, студентлар терган бир-икки тележка пахтави эса, кечқурун ҳисобчи билан тракторчилар ўзлари топшириб

келар, у эса нима қилишни билмай, кундуз дала айланган булар, кечалари эса, ҳеч нарсага тоқати йўқ, қоронғи тушмасдан ўз хужрасига қамалиб оларди.

Хужра ҳали оқланмаган, фақат ганч сувоқдан чиққан, холос. Бироқ бундан икки йил муқаддам, ганч сувоқ тугул ҳали қора сувоқдан чиқмаган маҳалда ҳам қўли гул Меҳринисонинг нозик диди ва меҳри билан безатилган бу торғина хонача унинг кўзига бамисоли бир жаннат бўлиб кўринарди. Ҳақиқатан, Меҳринисонинг қўли теккан жой дарҳол яшнаб кетар, ҳамма нарса озода, саранжом-сарништа бўлар, тоқчадаги шишачада турадиган бир шода райхондан тортиб, ҳаминша дазмолланиб қўйиладиган сочиқлари чойнак-пиёлаларгача, қўйингки, унинг енгил нафаси теккан ҳамма нарса ажойиб бир нафосат касб этарди. Ҳатто ёзда, ҳарорат эллик даражага кўтарилиб, тангадай соя минг тилла бўлган маҳалларда ҳам, қишда қорбўронлар қутуриб, тоғ-тоғ қум уюмлари тирик махлуқлардай кўчиб юрадиган пайтларда ҳам бу чўли биёбон Меҳринисо борида кўзига ҳозиргидай бефайз кўринмас, эр-хотин бу бебошвоқ қумликларни бир неча йилдаёқ батамом жиловлаб, кўркам бир масканга айлантиришларига амин эдилар!..

Мана энди ҳаммаси кунпаяқун бўлади! Нега? Қачон бошланди бу кўргулик? Меҳринисога нима бўлди? Нега ўзи бош-қош бўлган, ҳатто Шоқосим ўзи рағбатлантирган жуфти ҳалолди бу ишдан яна ўзи айниди? Ўзими? Йўқ, ўзи эмас, анов... олифта директор Фотих Музаффар айнитди! Ҳамма балого ўша сабаб бўлди!.. Шоқосим эса... Шоқосим нима ҳам қила оларди? Директор хотин-қизларни эъозлаш керак, уларга катта йўл очиб бериш лозим, деб жавраб турган бир пайтда унга эътироз билдириш... нодонлик бўлмасмиди? Бўларди! Хотинини севган, унинг бахтини ўйлаган эркак бу ишдан қувонмаслиги мумкин эмас. Шоқосим ҳам бошда қувонди. Майли, менга қийин бўлса бўлар, хотинимга енгил бўлсин, деди, бахти очилсин, деди. Фақат... сўнги пайтларда Меҳринисонинг аллақандай ўзгариб қолиши, унинг нигоҳида пайдо бўлган бу ёт, совуқ ифода! Лабларидаги истеҳзо аломатлари, илгаригидай очилиб-сочилиб гаплашиш ўрнига баланддан туриб муомала қилишлари! Ё тавба! Наҳот одамлар орасида гимнрлаб қолган бу мудҳиш мишмишлар чин бўлса?.. Йўқ, буни ўйлаш, буни хаёлига келтиришнинг ўзи даҳшат! Унда бу ҳаётнинг сариқ чақалик қиммати қолмайди унга!

Шоқосим кечалари, дашт шамолининг бўрисимон увиллашларига қулоқ солиб, тор, зимистон ҳужрада шифтга тикилиб ётаркан, юрагини кемирган бу совуқ хаёлларни миясидан ҳайдаб чиқаришга уринар, бу бемаъни, чиркин шубҳалар учун ўзини койирди. Бироқ сал ўтмай кўз олдига яна сўнгги учрашув келар, Меҳринисонинг совуқ муомаласи, лабларидаги кинояли табассуми, гулдай очилиб кетган руҳсори, башанг уст-бошлари намоеъи бўларди-ю, хаёлидан зўр-базўр ҳайдаган мудҳиш ўйлар қайта ёпирилиб келиб, ўрнидан санчиб туриб кетарди.

О, боида қандай яхши бошланган эди уларнинг севгиси, қандай яхши бошланган эди! Рост, аввал ҳам токи Меҳринисо ота-онасининг розилигини олгунича не-не дилсиёҳликлар бўлиб ўтганди. Лекин бу дилсиёҳликлар уларнинг иноқлиги-ю, севгиси олдига гўё баҳор қуёшига дош беролмаган муздай эриб кетаверган эди, эриб кетаверган эди!

Улар биринчи марта икки институт ёшларининг дўстлик кечасида, тўғрироғи, бу кечани ташкил қилиш ҳаракатида юрган вақтларида танишинган эди. У маҳалда Шоқосим Қишлоқ хўжалиги институтининг механизация факультетида комсомол комитетининг секретари, Меҳринисо эса Қишлоқ хўжалик институтида ёшлар билан ишлаш комиссиясининг раиси эди. Шоқосим Меҳринисони биринчи учратганидаёқ кўзига офтобдай иссиқ кўриганди. Қизнинг ўзи ҳам гап-сўзлари, муомаласи, кулиб туриб ўз деганини қилдиришлари, ҳамма-ҳаммаси қувдай тиниқ, ёқимтой, жозибали эди. Кейинроқ, кўп қийинчиликларни енгиб ўтиб, қовушганларидан кейин билса, Меҳринисо ҳам шундай бўлган, биринчи учрашувдаёқ Шоқосим унинг жигаридан урган экан. Ҳар қалай, бу илк учрашув бошқа жойларда, Тошкент парклари ва хиёбонларида давом этди-ю, сал ўтмасданоқ ўртага совчилар тушди. Ҳамма дилсиёҳлик ва куйди-пишдилар ҳам ана шундан кейин бошланди. Чунки Меҳринисонинг отаси — кейин маълум бўлишича, тушпа-тузук одам — қизимни «қаёқдаги бир қишлоқига бермайман», деб туриб олди. Лекин гап Шоқосимнинг қишлоқчилигида эмас, масаланинг позик томони шунда эдики, улар Меҳринисога аллақачон топиб қўйган ўз қуёвлари, ўз қудалари бор эди. Лекин Меҳринисо билан Шоқосим ҳам ўз аҳдларидан қайтишмади. Шоқосим совчи юборишдан чарчамади, Меҳринисонинг ота-оналари эса рад жавоб беришдан. Бу тортишув охири шу билан тугадики,

Меҳринисонинг ота-онаси қизларини уйда чикармай қўйишди. «Касал» деган баҳонада ҳатто институтга ҳам юбормайдиган бўлишди. Шоқосим аввал унинг дугоналарини ишга солиб, хат орқали «гапланиб» турди, кейин Меҳринисонинг ота-онаси буни сезиб қолиб, дугоналарини ҳам киритмайдиган бўлишди...

Ўқини тугаган, ўз совхозидан стипендия олиб ўқиган Шоқосим аллақачон қишлоққа йўлланма олган, бироқ кетинини ҳам, қолишини ҳам билолмай икки ўт орасида қоврилди.

Ҳануз ёдида. Худди болалик чоғларида тушида қуш бўлиб учган ширин дақиқаларидай, ҳамон хотираида: эртасига кечкурун, бу кенг жаҳонга сизмай қолган Шоқосим анҳор соҳилига борди. Офтоб энди ботган, бироқ ҳали қоронғи тушмаган эди. У маҳалда анҳор бўйида мажнунтоллар, осмонга қўл чўзган азим оқ тераклар кўп бўлгучи эди. Пастда, сокин оқаётган дарё сатҳида ботаётган офтобнинг тилла тасмалари жилва қилади, фақат дарё эмас, сувга салом бериб ўсган мажнунтоллар ҳам, азим оқ терак ва чипорлар ҳам гўё олтин либосга ўранган. Аммо Шоқосимнинг назарида бутун олам қора зулматга чулганган, хунчақчақ, бахтиёр ёшларга тўла сўлим соҳилгина эмас, бутун дунё қоронғу...

Эндилликда, эҳтимол, бу нарса баъзи ёшларга кулгили туюлар, бироқ ўшанда, одатда Меҳринисо билан пинҳона учрашадиган жар тепасида туриб, бир неча марта ўзини сувга, моларанг шафақ аксида гўё қип-қизил қонга тўлиб оқаётган анҳорга отинга чоғлангани ҳануз Шоқосимнинг эсида. Фақат қоронғи тушса ва каттароқ бир тош тонса-ю, бўйнига осиб, ўзини дарёга отса бас — бир зумда ном-нишонсиз чўкади-кетади.

Ана, гира-шира қоронғилик ҳам тушди, соҳилда одамлар ҳам сийраклашди. Бироқ худди шу пайт, Шоқосим катта бир тош топиб, жар ёқасига кўтариб бораётган маҳал орқада дук-дук оёқ товунин эшитилди-ю, қулогига ваҳимали таниш овоз чалинди.

— Шоқосим ака! Нима қиляпсиз, Шоқосим ака?

Меҳринисонинг кўзлари, у маҳалда бўёқ нималигини билмаган, бироқ ҳамиша порлаб тургучи тимқора кўзлари катта очилган, шафтоли гулидай тиниқ юзи докадай оқарган. У кўлларини чўзиб Шоқосимга қушдай талшинган-у, турган жойида қотиб қолган.

Шоқосимнинг назарида гўё ботган офтоб қайта чиқиб,

олам чарақлаб кетгандай бўлди, қўлидаги тошни дарёга шалоплатиб отди-да, Меҳринисо томон талпинди. У қўлларида ҳолсизгина осилиб қолган қизни қучиб, унинг лабларидан, юмуқ кўзларидан ўпаркан, юзида иссиқ ёш томчиларини сизди...

— Наҳот билмасангиз? — деганди ўшанда Меҳринисо, ёш билан ювилган юзини унинг ларзон-ларзон кўтарилиб тушаётган кўкеига босиб. — Наҳот билмасангиз, Шоқосим ака?

— Нимани билмайман?

— Сиз ўзингизни сувга отсангиз... кетингиздан мен ҳам отишимми.. наҳот билмасангиз?..

Ҳозирги ёшлар, нафақат ёшлар, ҳатто ўз тенгдошлари ҳам бу гапларга ишонмишмайди. Эшитса кулишади, шунинг учун Шоқосим буни эслайишган бўлса, фақат шунинг учун эслайиштики, ҳар бир одамнинг умрида баҳор офтобидай ярқ этиб, дилида тоабат сўнмас из қолдирғувчи шундай масъуд онлар бўлар экан! Ҳар қалай, унинг ҳаётида ана шундай унутилмас онлар бўлиб ўтган! Бироқ... наҳот бунинг ҳаммаси фақат ўтмиш бўлса? Бундай онлар энди сира қайтиб келмаса?

Ажабо, ўшанда, умрининг энг қоронғи дамларидай туюлган, энди билса ҳаётининг энг бетакрор, энг масъуд онлари бўлган ўша кунлар қачон ўтиб кетди?

...Ҳафтанинг охирида, кечқурун, Шоқосим терилган пахтаи энди пунктга жўнатиб, шийпонга қайтмоқчи бўлиб турганида, ҳеч кутилмаган бир пайтда, эски юк машинасида дадаси келиб қолди!

Шоқосим дадасини кўриб, кўзларига ишонмади. Сўнги пайтларда соч-соқоли-ю, уст-бошига қарамай қўйган дадаси оёғига гарч-гурч хром этик, бошига янги чуст дўппи, эгнига янги пахталик фуфайка кийиб олган, ўзиям соқол-мўйловларини қайчилаб, ўн ёш яшариб кетганди.

Шораҳим шоввоз машинадан тушиб, ўғли билан совуққина кўришди-да:

— Хирмовда ишинг тугадими? — деб сўради. — Тугаган бўлса, шийпонингга бошла. Гап бор!..

Улар ғира-шира қоронғиликда шийпонга етиб келишди. Студентлар ишдан қайтишган, шийпон гавжум, ёшлик эмасми, даладан чарчаб келишган бўлишса ҳам қиз-йигитлар бир-бирларига сув сепишган, қувлашган, ҳаммасёқ қийчув, кулги...

Шоқосим дадасини хужрасига бошлаб кирди, кирди-ю,

ўзи ҳам ўсал бўлиб, шоша-пиша йигилмаган тўшагини, столда уйилиб ётган қаттиқ нону ювилмаган коса-товоқларни йиғиштиришга киришди.

Шоввоз индамай, бир четга ўтиб ўтирди-да, ўглининг хижолатомуз хатти-ҳаракатларини жимгина кузатишда давом этди. Сал ўтмай, ошпаз хотин бир товоқ шавла билан иккита нон ва бир чойнак чой олиб кириб, столга қўйиб чиқиб кетди.

Шоввоз ҳамон қовоғини уйиб ўтирарди. Шоқосим хижолат тортиб йўталди:

— Узоқ йўлдан қориниғиз очиб келгандир. Овқат совимасин, дада!

Шораҳим индамай ўрнидан турди: бироқ дастурхонга қараш ўрнига, қўлини орқасига қилганича, эски палос тўшалган тақир ерни тап-тап босиб, тор хонани бир печа бор айлашиб чиқди, сўнг ўртада тўхтаб:

— Сенга нима бўлди, болам? — деб сўради қандайдир чексиз бир алам билан.

Шоқосим зўрма-зўраки кулимсиради.

— Менга нима бўпти?

— Кўзгунг борми? — деди Шоввоз. Бу сафар унинг овозидаги дард тўла оҳанг совуқ қатъият билан алмашди-ю, Шоқосимнинг ҳамиятига тегди.

— Кўзагу ушлаб... ўсма қўярмидим?

Шораҳим катта қорамтир мушти билан столни «гуре» этказиб урди...

— Кўзагу фақат ўсма учун эмас, одам махлуқ даражасига тушиб қолмаслиги учун ҳам керак! Печа йил бўлди афти ангорингга қарамаганингга?

Шоқосим қўлига олган ёғоч қошиқни шавла тўла товоққа «тақ» этказиб тикка қадаб, «дик» этиб ўрнидан турди.

— Мен... афт-ангоримга қарайдиган индаманми? Нима қиласиз мени куйдириб? Ё эсингиздан чиқдимми?

— Нима эсимдан чиқипти?

— Бу ерга келиб ишлашни маслаҳат берганлардан бири сиз эмасмидингиз? Юқинг оғир бўлса ҳам бир-икки йилда ўзингни кўрсатасан, обрў-эътибор қозонасан деб, жонқолимга қўймаганлардан бири ўзингиз эмасмидингиз, дада?

Шораҳимнинг қорамтир, шиддатли юзидаги қаҳр бирдан юмшаб, аллақандай талмовсираб қолди. У аста бош иргаб, қаттиқ уф тортиди.

— Дегандим, болам, дегандим. Негаки, шундай бўли-

шига ишонган эдим. Халиям имоним комил бунга. Бироқ совхоз катталари... Сен тенги анов директор...

— Мен тенги бу директор сизниям хор қилиб ишдап хайданги-ку!

— Тўхта! — деди Шоввоз яна чўяндай қорамтир мушти билан столни уриб. — Тўхта! Мени қўйиб тур! Мен ошимни ошаб, ёшимни яшаб бўлган одамман! Мен сени ўйлаяман, болам!

Шоввоз тирсақларини столга тираб, бошини чапгаллаганча узоқ сукутга толди. Шоқосим отасига қараб бирдан юраги туздай ачишиб кетди. У дадасини ҳеч қачон бунчалик ҳам ва изтироб чапгалида кўрмаган эди. Дадаси, юрагини кемираётган қандайдир оғир изтироб оғушида кўзларини юмиб, гуссага тўлиб ўтирар, унинг бу ўтиришида Шоввозга батамом ёт бўлган аччиқ бир алам бор эди. Боя хирмонда учрашганларида дадаси Шоқосимга тамом бошқача, ёшлик чоғларидагидай кучга тўлиб, камида ўв ёш яшариб кетгандай туюлган эди. Энди эса... гўё елкасини босиб турган аллақандай чўнг тошдан икки букилиб қолган бир қария мунгайиб ўтирарди рўпарасида.

«Нега отамнинг ярасини тирвадим? Нега бу даштга келганим учун уни айбладим? Агар ўзим истамаганимда дадам тугул худоси айта ҳам келмас эдим-ку! Модомики ўз розилигим билан келдимми, нега энди маломат тошини унга отамай? Ўз аравамни ўзим тортиб, қаддимни тутиб юришим ўрнига нима қилардим бусиз ҳам эзилиб юрган отамни бешбаттар эзиб?»

Шоқосим чуқур тин олиб:

— Майли, дада, — деди столга яқинроқ сурлиб. — Мен ўз аравамни ўзим тортишга ярайман. Сизнинг ўз ташвишингиз ўзингизга етади!

Шораҳим бошини кўтариб, ўглига узоқ ва синовчан тикилиб қаради.

— Сен ҳозир, иложи бўлса шу бугун қишлоққа бор, болам.

— Нима қиламай?

— Келин билан гаплаш...

— Нима деймай? — Шоқосим буни айтишга айтди-ю, беихтиёр тилини тишлади. Отасининг чехрасидаги аламли гусса бир ойда сўниб, ўрини бояги қатъият, бояги бебошвоқ газаб эгаллади.

— Овангини дейсан! — деди Шоввоз, оқиш мўйлови ёввойи мушукнинг мўйловидай дикрайиб. — Ўз хотининг

билан йигитларча гаплашиб, уни йўлга сололмасанг... қандай бош кутариб юрибсан бу дунёда?..

Шоввознинг сўзлари Шоқосимга бамисоли захарли камчи бўлиб тегди-ю, шартта ўридан туриб кетди:

— Дада! Мен сиз эшитган анов мишмишларга ишонмайман!

— Мен ҳам сенга ишонок гап-сўзларга ишон деяганим йўқ! Мен сенга чек қўй бу бўхтонларга деяман, холос! Ё чек қўй, ё суймаганга суйкалмай шартта рухсатини бер, агар бу дунёдан тоқ ўтсанг ҳам!

Шоқосим кўзлари ўт чақнаб:

— Сизга ким айтди мени... суймаганга суйкалиб юрибди деб? — сўради, сўради-ю, яна боягидай ўзидан раижиди Отасига айтадиган гапми шу? Йўқ, отасига эмас, Мехрини-сога айтадиган гап-ку бу! Суймасанг очингни айт, мен унақа... суймаганининг этагига ёшинадиган ҳезалаклардан эмасман! — деб, шартта унинг бетига айтадиган гап-ку бу!

Афтидан, фақат Шоқосим эмас, Шоввоз ҳам ўглининг хамиятига қаттиқ теккашши сёзди шекилли, яна бошини мутеларча эгиб:

— Кўйглингни огритган бўлсам... отангни кечир, болам, — деди овози қалтираб. — Аммо-лекин... бориб кел! Бундай пайтда йигит одам мард бўлмоғи лозим. Ахир баъзан даволаш учун яраши ҳам шартта кесиб ташлашади-ку! Кейин... ойнинг шўрликнинг ҳам ахволи огир. Бир йўла кўриб келасан. Иш бўлса қочмас, ўзим бош-қош бўлиб тураман. Бориб кел, болам...

Бошқа гаплашадиган гап қолмаган эди. Шоқосим нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, қафасга сиғмаган шердай, тор хонаши айланиб чиқди, кўзи қозикда илиглиқ турган нахталик фуфайкасига тушиб, уни шартта тортиб олди, фуфайканинг тагида кўшогиз милтиғи турган эди, уни ҳам қозикдан юлиб олди.

Ўглининг хатти-ҳаракатларини зимдан жимгина кузатиб ўтирган Шораҳим хадиксераб ўридан турди.

— Милтиқни нима қиласан?

— Керак бўлади... Йўлда.

— Дарҳол жойинга қўй! Агар бирорта аҳмоқлик қилишини ўйлаинган бўлсанг... бормайсан қишлоққа!

— Қўйинг, дада! Ишларимга кўн аралашаверманг! Ёш бола эмасман!

Шоввоз икки қадам жойини бир ҳатлаб, ўглининг йулини тўсди:

— Жойинга кўй деяшман милтиқни, теппак!

Шоқосим отасининг қалин қошлари тагида чақнаб турган қаҳрли кўзларига, дикрайган оқши мўйловларига бир зум тикилиб турди, сўнг кўлидаги милтиқни каравотга отди-да, эшикни бир тепиб, хужрадан чиқди...

Бир чети кесилган оқ қовундай оппоқ ой серюлдуз осмон қаърида, сийрак оқ булутлар орасида аста сузиб борар, шийпон атрофи, хатто овлоқдаги найкалларгача сутдай ёруғ эди. Студентлар ҳали ётмаган, баъзи хоналардан галаговур, куяги, палла-партиш чалинган носоз рубоб ва гармонь овози келарди.

Шоқосим кўлини ойга тутиб, соатига қаради: саккиздан чорак ўтибди. Ажабо, у тун ярмидаи ошган бўлса керак, деб ўйлаганди, энди саккиздан салгина ўтибди! Агар у ҳозир «Жигули»сига ўтириб, йўлга чиқадиган бўлса, ўн бўлмасданок қишлоққа кириб боради! Қаттиқ хайдаса, ўнга ҳам қолмайди! Бир ярим соатлик йўл!

Шоқосим шийпонининг орқасида, ошхона ёнида турган «Жигули»сининг устидан «чиммат»ни (Меҳринисонинг сўзи) олиб, уни қиздириб кўйди-да, ўзи четроққа чиқиб, сигарета тутатди.

Қизиқ: унга негадир ўзи энди бу ерларга қайтиб келмайдигандай туюларди. Шу боисданми, бошқами, назарида, юрагига яқин бир нарсаеи билан видолашаётгандай бўлди-ю, кўчатлари туя бўйи бўлиб қолган мевазор богчани оралаб, далага ўтди. Богча ортидан бошланган чексиз пахтазор ҳам сутдай оппоқ, узоқ уфқда ИМКнинг машина ва вагончалари элас-элас кўзга чалинар, сал чапроқда иккита пахта терим машинаеи қорайиб турар, улардан бирини, илгари Меҳринисо мишар, иккинчисини Шоқосимнинг ўзи хайдарди!

Одам боласи қизиқ экан. Бугун эрталаб, унга аллақандай хунук ва совуқ кўринган жойлар, энди нечундир, эҳтимол, дилидаги ҳазин видо туйғуси тобора ортиб бораётгани учундир, кўзига жуда несик кўринди-ю, умрида биринчи марта катта бир ҳақиқатни англади: инсон учун меҳвати синган нарса ўз фарзандидан ҳам азиз бўлиб қоларкан!..

Бундан икки йил муқаддам, ҳали қорасовуқ ва бевош бўронлар тинмаган илк кўклам кувлари улар — Меҳринисо билан Шоқосим ва ҳозир ошпазлик қилаётган Солиа холла билан яна иккитагина ёш йигит бу дашти азимга кўчиб келиб, брезент палатка қуришганда на бу шийпон, на би-

рорта ниҳол бор эди бу ерларда! Улар ўша йили, ўша баҳордаёқ, мана шу ниҳолларни ўтқазишди, сўнг ернинг шўрини ювиб, чигит экишни бошлаб юборишди. Ёзда, сахро тапдирдай қизиб, ҳарорат қирқ беш, эллик даражага кўтарилганда, чодирдан ертўлага кўчиб ўтишди. Ўзлари қовлаган ана шу қоронғи ертўлада яшаб, ҳам гўза ўстиришди, ҳам шийпон қуришди, ҳам баҳорда ўтқазилган, ҳозир эса туя бўйи кўтарилиб қолган мана шу дов-дарахтларини парвариш қилишди, ўа фарзандларидай севиб парвариш қилишди.

Во ажабо! Бригадада олти-етти одам шуңча ишни қилишти-я! Дам нималигини, уйқу нималигини билмай, роҳату фароғатни ҳаёлларига ҳам келтирмай, тиним билмай ишланганти-я! Шоқосим-ку, йигит киши, Меҳринисочил!.. Меҳринисо эридан кўн ишласа ишлар, кам ишласа, эридан эрта турса турар, кеч турмас, кечалари Шоқосимдан кейин ётса ётар, бироқ олдин ётмас эди. У на қийинчиликлардан подир, на эрига қовоғини уяр, ҳатто қишлоқда қолган фарзандларини соғинганда ҳам арз қилиб ўтирмас, шартта «Жигули»га ўтирарди-да, бир кечада бориб келаверар, кечқурун кетса, тонг-саҳар яна далада юрарди!..

Шоқосимга гоҳо шуңдай туюлардики, гўё улар кичкина кемага миниб, улкан денгизга чиқишган, кема даргаси эса у эмас, Меҳринисо! Меҳринисо кемани қирғоққа олиб чиқишга ҳеч ким шубҳа қилмас, назарида, қирғоқда уларни мисли кўрилмаган бир зафар кутарди. Шу туйғу белларига қувват, руҳларига мадад берар, шу боседан кундуз кунлари тиззадан сув кечиб, жазирама иссиқда шўр ювишса, кечалари... ё тавба! — лой қориб, мана шу шийпонни қуришган эди! Эккан гўзаларини одам қилиш учун қум ва бўронлар билан адоин томом бўлгунча олишганлари-чи? Бирда иссиқ гармсел, бирда жала, бирда қатқалоқ сабаб, бир эккан жойларига уч қайтадан экиб, униб чиққан гўзаларини ўз фарзандларидай, ҳатто улардан ўн чандон кўпроқ эъозлаб парвариш қилганлари-чи? Дашт азобларига дош беролмай, кўнчилик қувён бўлганида ҳам эр-хотин билан ошпаз хола чекинишмаган эди ўз аҳдларидан! Чунки энг оғир дамларда ҳам, энг ишонган одамлари уларни тарк этиб, ҳамма қийинчилик иккисининг зиммасига тушганда ҳам, бир-бирига меҳр ва иноқлик туйғуси кўкдаги мана шу ой мисол ҳаминша дилларини ёритиб келганди! Бир-бирига бўлган бу меҳр, кечалари даладан чарчаб қайтганларида бир-бирига тутган бир ниёла сув сабаб, севгилари гўё қайта товланадиган бу дақиқалар қайда қолди? Шаҳот бу

даштин обод қилиш орзусида чеккан шунча азоблари бар бод бўлса? Лекин ким барбод қилди? Нима мақсадда барбод қилди?.. О, Меҳринисо, Меҳринисо! Нега бу ишни ўзинг бошлаб, яна ўзинг унда юз ўғирдинг? Нега Шоқосимнинг юрагига ўзинг чўғ ташлаб, нега уни ўзинг ўчирдинг? Ё эринг кўрмаган қандайдир ҳақиқатни унда аввал сен кўриб, сен сездингми?.. Ёхуд, кечалари, шу дашт, шу шийпонда ётиб, Шоқосим билан бирга чизган режаларинг, қилган орзуларинг — ҳаммаси шунчаки бир сароб эканини сезиб қолдингми? Ё кимдир сенинг кўзингни очдими? Очган бўлса, ким очди? Наҳот бу одам — Фотиҳ Музаффар бўлса? Аммо агар кўзинг очилган бўлса, нега буни ўз эрингдан яширасан? Нега унинг ҳам кўзини очмайсан? Ёки эрингдан кўнглинг совиган бўлса — нега буни унда инихон тутасан? Шоқосим сендан айрилса, эгилса эгилар, сенси синар, бироқ у сен ўйлаганча ожиз эмас, Меҳринисо! От бошига иш тушса — сувлик билан сув ичар, эр бошига иш тушса — этик билан сув кечар! Бошига тушса, этик билан сув кечинга ярайди, Шоқосим! Ярайди!

Йўқ, Шоқосим дунёдан умидини узгани йўқ ҳали! Акс ҳолда ойдинда ястаниб ётган бу пахтазор, салқин куз шабадасида дарёдай шовуллаётган бу ёш боғ, бу шийпон Шоқосимга бунчалик азия кўриямас эди! Гуё яқин дўстларидан жудо бўлаётгандай юраги бунчалик зирқирамас эди унинг! Ҳар қалай юраги сезиб турибди, бу ерда ўтган икки йил умри, тўккан қора терлари беҳуда кетмаган, беҳуда кетмаган!

О, Меҳринисо, Меҳринисо! Нима қилиб қўйддинг, жонгинам?

Бу дунёга келиб кўрган биттаю битта шодлигим, умидим, ёлғиз севгилим? Нима бўлди сенга?..

Шоқосим, дили ҳамон хуфтон, юрагида ҳамон ўша маҳзун видо туйғуси, бир-бир босиб, «Жигули»сига қараб кетди.

Саккизинчи боб

Нигора бугун ишдан сал барвақтроқ қайтди. У бошқаларга ҳам ишни сал олдинроқ тугатишга руҳсат берган эди, лекин Алексей Скородумов билан унинг хотини Лариса кўришишмади. Улар қазиб бораётган сирли лаҳим эски

кўрган чегарасидан чиқиб, гўристон чевкасидаги улкан мақбарага яқинлашиб қолган эди. Орадаги масофа эллик-олтминн қадамдан ошмас, лекин лаҳимнинг кўи жойлари ўнгирилиб тунигани учун уни мураккаблашган, боз йўлдан топилган ҳар бир буюمنى ниҳоятда эҳтиёткорлик билан йиғиб бориш лозим эди. Бироқ гарчи уни тобора қийинлашиб бора ҳам ҳазрат Уккоша мақбарасига яқинлашганлари сайин, ҳамманинг руҳи кўтарилиб, умидлари ортиб борарди. Скородумов фарази, яъни, ҳазрат Уккоша қabri Афғонистоннинг Тиллатена деган жойидан тошлаган ва беҳисоб бойликлар чиққан қадимги кўчманчи ланкарбошилarning қалбидай бой қабр, деган фикр эди ҳаммага «юққан». Нигоранинг ўзи ҳам шу умид, шу орзу билан яшарди. Улар кун бўйи қазилма ишлари билан шугулланса, кечалари шамчироқнинг хира шўъласида Кушон давлати подшоларининг беҳисоб бойликларига тўла гаройиб қабрларини кашф этган машҳур археологларининг китобларини қайта-қайта ўқишар, уларнинг уни усулларини ўрганишар эди. Айниқса Алексей Скородумов ўз фаразларидан ўзи қаттиқ хаяжонда, у одамларини саҳар-мардон уйғотар, на ўз хотинига, на экспедиция раҳбари Нигорага, на бошқаларга тинчлик берарди.

Бугун Нигоранинг туғилган куни. Бу сирни тўрт кишилик митти отрядда ҳеч ким билмайди. Нигора буни ошкор қилиб, зиёфат бермоқчи ҳам эмас. Унинг чамадонидан аллақачондан бери асраб келаётган икки шиша шампань виноси бор. Ҳозир экспедиция аъзолари қайтгунча, дўппидеккина ош қилиб, шу шампаньларини очмоқчи, ҳоло. Бироқ бувақа экан, нега эрталабдан бери гўё катта бир воқеа содир бўладигандай, юраги бетиним ҳанриқади? Дам кўнгли офтоб чиққандай ёришиб, шўхликлар қилгиси келади, дам аксинча, осмонни қора булут қоплагандай, олам кўзига қоронги кўрилиб кетади? Хаёлидан эса маънос бир фикр чиқмайди: «Наҳот бугун ҳам келмаса? Ақалли туғилган куни ҳам бир зум келиб, ҳол сўраб кетмаса? Ахир Беҳзод ҳам, мана бир иеча ойдирки, шу атрофда, нари борса қирқ-эллик чақирим жойда ҳайкал қуришти-ку! Наҳот ораларидан ўтган битта наст-баланд гап сабаб, у батамом ажримга юз тутган бўлса? Ахир ўрталарида севикли фарзандлари бор-ку! Тақдири нима кечади уларнинг? Ёки Нигора уни кутганидек, Беҳзод ҳам Нигоранинг бош эгиб боришини кутганидекми?»

Нигора шуларни ўйлаб, кечаси билан тўлганиб чиқди. У бундоқ ўйлаб қараса, сўнгги тўрт-беш ойда, ҳатто бутун

пужуди билан ишга шўнгиган онларида ҳам кўнглининг бир четида бари бир Бехзод юрган экан, неча бор кечалари тушларига кириб чиққан экан, узоқдан бирор машина кўринса «ўша эмасмикин», деб юраги ҳанриққан экан! Бехзод эмаслигини билганида эса, ҳисларини жиловлашга қанча уринмасин, қўйилиб келган кўз ёшларини тутолмаган экан...

Йўқ, айб фақат Бехзодда эмас. Нигора ёз давомида бир неча марта Тошкентга бориб келди. Шунда Бехзод хайқал кураётган жойдан ўтди, уёққа кетаётганида ҳам ўтди, буёққа кезаётганида ҳам. Бироқ гурури голиб чиқиб, гўё Бехзодга бош эгиб боргандай бўлмаин деб, катта йўлдан кечалари ўтди. Ҳар ўтганида эри кураётган мемориал олдида тўхтаб, уни ҳайрат ва қувонч билан томоша қилди, ҳатто ҳаяжондан кўзига ёш олган дамлар ҳам бўлди. Бироқ... бироқ Бехзоднинг ўзини кўриб, «ҳорманг», деб бир оғиз ҳол-аҳвол сўрашга нафео-нияти йўл қўймади. Нима бўлганда ҳам аёлман-ку, буичалик манманликка бормай, «сулҳ» томон биринчи бўлиб қадам қўяқолсам ўлиб қолмасман, демади.

Майли, энди бу ҳақда қайта-қайта ўйлайвериб, ўзини эзаверишдан фойда йўқ. Агар Бехзод уни кўнглидан чиқариб ташламаган бўлса, агар илгариги бахтли дамлар жиндайгина эсида турган бўлса, ўртадаги фарзандлари ҳурмати, баҳордай тишиқ илк севгилари ҳурмати бугун лоақал бир зум келиб кетади. Агар келмаса... унда... Нигора кўзига яна ёш келганини сезиб, уни жаҳл билан сидириб ташлади-да, қадамини тезлатди.

Офтоб тоғлар устига ёнбошлаган, настдаги ўзапга соя тушган эди. Нигора ўнқир-чўнқир жойлардан кийикдек дик-дик сакраб, сардоба ёнидаги катта чодирга яқинлашиб қолганида тўсатдан юқорида, қишлоқ томонидаги геологлар солган йўлда, янги оқ «Волга» кўринди! Нигора юраги гурс-гурс уриб, бенхтиёр тўхтади. Зум утмай «Волга» настдаги толзор орасига шўнгиб, кўздан гойиб бўлди-да, дарҳол қайта отилиб чиқди. Гарчи, буёғига йўл бўлмаса ҳам, қалин шувоқзорларини босиб, янчиб, чодир томон йўналди. Машини чодирга эллик-олтмиш қадам етмай тўхтади-да, ундан Фотиҳ Музаффаров тушди!

✓ Нигора Фотиҳни кўриши билан (аёл киши ҳар нима бўлганида ҳам аёллигига борар экан-да!) ҳаммадан бурун эғнидаги эски коржомаси-ю, ҳали ювиниб улгурмагани ёдига тушиб, ўзини панага уришга шайланди. Бироқ Фо-

тихнинг хатти-ҳаракатларини кўриб, дарҳол ўзини тутиб олди.

Фотиҳ, совхоз директори эмас, худди машҳур кино-артистлардай кийинган, эғинда оҳори тукилмаган оқ кўйлак устидан янги йўл-йўл чизиги бор костюм, оёғида пошпаси баланд жигарранг туфли, икки кўлинчи чўзиб Нигора томон кулимсираб келарди.

— Биз гариб сизга нима гуноҳ қилдик, Нигорахон? Хатто тугилган кунингизни ҳам яшираёиз биздан! — Фотиҳ лабларида, кўзларида кинояли табассум, кўл бериб кўришаркан, аллақандай дардли нигоҳ билан Нигорага тикилиб-тикилиб қаради. Нигора ўнгайисланиб кулди:

— Сиздай одамни ниндан қолдириб, халақит бергим келмади-да!

Фотиҳ Музаффаров қошини чимириб, гинахонлик билан кўзини сузди:

— Гўё биз гарибга ҳеч қачон халақит бермаслигингизни билмайсиз! Гўё... — Фотиҳ гап қидириб чайналди-да, зўрма зўраки илжайди. — Сиздай куёвтура... Беҳзодбек ҳам яхши! Тогдан мармар тонган экан — машина сўраб келди. Ёшлик йилларимизни эслаб роса отамландик! — деди Фотиҳ ва бирдан яна маъжусланди. — Ўа ажойиб йиғит-да, эрингиз! Катта истетедод! Фақат шу... билмадим қай балодан ёнишди унга, анов дардиёар касал? Шундан қутулса эди — халқимизнинг донгини оламга таратадиган асарлар яратарди аммо!

Фотиҳ сўнгги сўзларини гўё қаттиқ қуюниб айтди, зотан, унинг гап-сўзларида носамимийликдан нишона ҳам йўққа ўхшарди, бироқ Нигора унинг гапларида ниҳоний бир ясамалик борлигини, у ҳоғир «хамдарлик» ролини ўйлашга уринаётганини туйди, туйди-ю, баттар оғринди: «Нима қиларди бу олифтанинг олдига машина сўраб бориб? Мана энди, менга тилида хайрихоҳлик билдирипти-ю, дилида: «Мени рад этганда тоғанинг ўшамми?» деб «хатом»ни юзимга солмоқчи бўляпти!»

Хақиқатан, Фотиҳ сўнгги пайтларда қандайдир жуда ўзгарган, юзлари қуёшда нишиб, кишини ўзига ром қилувчи бир чирой, чиннакам йиғитларга ҳос шиддатли, мардона бир қиёфага кирганди.

Шу пайт машинанинг орқа эшиги очилиб, бир одам чиқди. У элликларга бориб қолган, бироқ қадди-қомати келишган, ўзиям Фотиҳга ўхшаб башанг кийинган, битта ҳам оқ тушмаган қалин сочлари ҳурпайган.

— Машхур ҳайкалтарош Мардон Зокиров, — деди Фотиҳ. — Танийсиз, асарларини кўргансиз.

Нигора хижолат чекиб ерга қаради. У бу нақанагина, аммо миқти одамнинг асарларигина эмас, у билан эри ўрта-сидаги низо-нифоқлардан ҳам бохабар эди. Мардон Зокировни ҳар хил мажлисларда узоқдан кўриб юрар, унинг юксак минбардан туриб гапирган гаплари, монументал санъат соҳасига «суқилиб кириб» олган аллақандай пессимистларни фош этган маърузалари, ҳаминша кимларгадир қаратилган таҳдидли нутқларини кўп эшитган эди. Совхоз идораси олдига қурилган ўта улуғвор, аммо аллақандай совуқ, руҳсиз ёдгорлигига ҳам кўзи тушган, аммо ўзини яқиндан биринчи кўриши эди.

Зокиров шернинг ёлларидай қалин сочларини ҳурнай-тириб, бошини таманно билан эгди:

— Гарчи Нигорахон бизни билмасалар ҳам биз бу кишини яхши биламиз, кўп эшитганмиз...

Нигора дув қизариб:

— Раҳмат, — дейишга мажбур бўлди.

Хайрият, Фотиҳ гапга аралашиб, уни ноқулай аҳволдан қутқазди.

— Нигорахон, бу ерга келишимиздан мақсад, авваламбор тугилган кунингиз билан табриклаш, қолаверса бола баҳона, дийдор ғалимат дегандек, ўзимиз ҳам бир дам олиб, яйраб кетсак дегандик!

Фотиҳ шундай деди-да, Нигоранинг жавобини ҳам кутмасдан шофёрга буйруқ берди:

— Қани, оғайни, ала у жойга наमत тўшаб, — у қир ёнбағридаги шувоқзорни кўрсатди, — дастурхон ёз!

Нигора кийим алмаштиришни баҳона қилиб, чодирга қирди-ю, бўғзига келган фарёд билан олишиб, юзини ёстиққа босди.

Ҳа, у янглишмаган — Фотиҳ биттаю битта мақсадда келган: «Мен ёмонни рад этганда яхшини тонганинг қани?» — деган гапини айтиш учун келган, холос.

Йўқ, Нигора ҳозир Фотиҳни кўриб, бир маҳаллар уни рад қилганига пушаймон чекаётгани йўқ, у фақат ҳаётнинг бешафқат ўйинида куйиб кетяпти! Рост-да! Бу не кўргулик эканки, бу манман, калондимоғ олифтадан мишг чандон ақлли, истеъдодли, самимий, пок бир йигит беқарор дарвешона феъли атвори сабаб, ўзини ҳам, Нигорани ҳам ерга уриб юрса-ю, таптикалик ролини хўп ўхшатиб ўйнаётган бу бойвачча бўлса... табрик баҳона, унинг юра-

гига ўт ёқини мақсадида келиб ўтирса? Агар Бехзод шунчалик содда бўлмаса ўзини қанчалик ерга ураётганини билмай, бу эски рақибининг олдига ёрдам сўраб келармиди? Рост-да! Бу олифтадан машина сўраб, эгилиб келгунча ўша тошилган мрамар ўлгурни тогдан орқалаб ташиса бўлмасмиди?

Ташқаридан: «Нигорахон, дастурхон тайёр!» деган овоз келди. Нигора шошиб ўридан турди, кўзларини шоша-ниша артди-да, чодирнинг иккинчи томонига чиқиб, дарахтга осилган умивальникда юз-кўзларини ювди. У бир ўйида кийимларини алмаштиргиси ҳам келди, бироқ кейин: «Нега шуларнинг олдига ясан-тусан қилар эканман?» деб, ичида ўзидан кулди, сўнг кечки салқинда киядиган гулдор тивит жемперини елкасига ташлади-да, сумкасидан кичкина юмалоқ кўзгусини олиб бир зум ўзига тикилди. Опиоққина, чўзинчоқ юзи офтобда қорайиб, қизилмағиз тусига кирибди, одатда теграсига кўк бўёқ суртадиган катта-катта кўзлари гўё бурунгида ҳам каттайибди, аллақандай, кишини ўзига ром этувчи бир маъюелик касб этибди.

Нигора ўнгил болаларининг сочидай калта қирқилган қўнғир сочларини тузатиб, энди чодирдан чиқаман деб турганида Лариса кириб қолди.

У кулоҳга ўхшаган кўк қалпоқчасини бошидан олиб, қалин малла сочларини силкитиб кулди:

— Анов жазманинг тагин келибди-ку, Нигор!

Нигора қовоғини уймоқчи бўлди-ю, удалолмади:

— Қанақа жазман? Қаёқдаги гапларни гапирма!

— Жазман бўлмаса ҳадеб келаверадимиз? — кўзини қисиб деди Лариса. — Сен ҳам балосан! Бор, кутиб қолишди. Дастурхон тўқни!

— Тўқни бўлса... сен ҳам юр!

— Йўқ, йўқ, Алёша уни негадир жинидан баттар ёмон кўради.

— Бўлмаса... — Нигора тўрдаги сандиққа ишора қилди. — Бор, олиб ичинглар.

— Ҳа, сабаб? — Лариса кўзларини катта очди. — Бир гап борми?

— Кейин биласан! — Нигора шундай деди-да, Ларисанинг юзидан «чўлп» этиб ўшиб, чодирдан чиқди.

Офтоб тоғлар ортига ботган, бироқ чўққилар устидаги сийрак булутлар ҳануз артилган тилладай ялтиллаб турар, ўзандан эсан гир-гир шабада ҳазрат Уккоша қабристонига қари чинорларни гувиллатиб чайқар эди.

Қир этагидаги бўлик шувоқзорга гилам тўшалиб, дастурхон ёзилган, дастурхонда катта сопол лаганларда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса мухайё — қовурилган гўшту, пиширилган товук, даста-даста патир, олма, узум, минерал сув, шампань ва бошқа ичинчалар солдатдай саф тортган, ҳатто кумуш қошиқ ва вилкалардан тортиб, бежирим митти қадахларгача эздан чиқмаган эди.

Катта палосининг икки чеккасидаги шойи кўрпачаларда ёнбошлаб ётган Фотиҳ билан Мардон Зокиров ўринларидан баробар туриб, унинг истиқболига чиқдилар.

— Қани, қани, Нигорахон! Буёққа, буёққа!

Нигоранинг хаёлидан: «Нима зарур экан битта мен учун шунча дахмаза?» — деган фикр ўтди, бироқ эсига дарҳол бояги ўйлар тушди: «Ўзини кўрсатмоқчи. Нималарга қодир эканини билдириб, юрагингни ўртамоқчи сенинг!»

Бу фикр фавқулудда Нигоранинг дилида аллақандай ўжарлик аралаш бир шўхлик уйғотди. У шахдам юриб бориб, тўрға — Фотиҳ билан Зокировнинг ўртасига ўтирди. Ўзини кутилмаганда эркин ва шаддод хис этиб, бир-икки қадах шампань ичди, ҳеч бир ноз-карашмасиз, бетаманно чақчақлашиб ўтиришга ҳаракат қилди.

Ган аввал унча қовушмади. Зокиров археология, умуман, тарихга жуда қизиқишини айтиб, Нигоранинг ишларини сўраб-суриштирган бўлди, агар бирор қизиқ нарса топилса, уни дарҳол матбуотда кўтариб чиқишга ваъда берди, ҳатто, агар Нигора истаса, биргалашиб бир нарса ёншлари мумкинлигига ҳам ишора қилди. Аммо негадир тобора тумтайиб, қадах устига қадах кўтараётган Фотиҳ, тўсатдан гаши келиб:

— Шу, иш-пиш деган гапларни бошқа кунга қолдирсак! — деб таклиф қилди. — Агар дўстим ижозат этсалар, камини Нигорахоннинг қулогига айтадиган бир оғизгина гапим бор, шуни айтсаму хайр-маъзур қилсак!

Фотиҳ шундай деб, Нигоранинг билагидан журъатсизгина ушлади-да, ўрнидан турди.

Нигора билагини унинг қўлидан чиқариб олгиси келса ҳам Фотиҳнинг овозидаги кутилмаган бир гуссани сезиб, ўзини тийди.

Қизиқ: Фотиҳ бундан бир-икки ой аввал ҳам бир кун кечкурун ногахон бостириб келиб, худди шундай қилган, аввал катта зиёфат берган, кейин Лариса билан роса рақсга тушиб, қўшиқлар айтиб, Скородумовнинг тоза қитигига

текканди. Рақсдан кейин эса бирдан маъюсланиб, худди хоазиргидай Нигорани бир чеккага таклиф қилганди. Нигора ўшанда ҳам аёлларга хос бир позик туйғу билан Фотиҳнинг кўнглидаги тугёни — дарду аламларини тўкиш истаги билан йигитлик гурури олишаётганини ҳис этган, шу боисдан унинг дилини огритмасликка уришиб:

— Фотиҳ ака, — деганди ёлвориб. — Мен сизнинг нима демоқчи эканингизни биламан. Лекин, илтимос — кераги йўқ!

— Йўқ, билмайсиз, Нигорахон!

Ўшанда ҳам Фотиҳнинг овозидаги бетаскин изтироб улдаги гурур ва манманликка шунчалик зид эдики, Нигора хил юмшаб:

— Майли, ўтган ишга салавот, Фотиҳ ака! — деган эди.

— Салавот, салавот! — деганди Фотиҳ, яна ўша чуқур алам билан. — Наҳот йўл қўйган хатоингизни тузатишни истамасангиз?

— Хато? Кечирасиз, қанақа хатоини айтмасиз?

— Гўё қанақа хато қилганингизни билмайсиз!

— Йўқ, билмайман!

Фотиҳ пешонасига «шاپ» этиб уриб:

— О, бу гурур ўлсин!.. — деганди қайнаб. — Қачон биз бу сохта нафсоният, сохта гурурдан қутулар эканмиз? Ақалли турмуш ўзи бу хатоимизни исботлаб, пешонамиз деворга бориб текканда... ақалли шунда йўлдан адашганимизни бўйнимизга олсак осмон ағдарилиб ерга тушармикин?

— Кечирасиз, агар мен хато қилган бўлсам... жабрини ҳам ўзим тортаман. Шунинг учун...

Фотиҳ кўйлагининг тугмаларини дўлападай тўкиб, ёқасини юлқиб очаркан:

— Кошкнйди ёлғиз ўзингиз тортсангиз! — деб хитоб қилганди. — Майли, нима ҳам деймиз? Фақат шуни билиб қўйингки, ёлғиз ўзингиз эмас, мени ҳам куйдириб кул қилдингиз! Мен айтмоқчи бўлган биттаю битта гапим шу! — Фотиҳ шундай деганди-да, худди фожией драманинг фожией қахрамонидай, бошини чапгаллаганича, машинаси томон йўналганди.

Нигора билар: Фотиҳ улдан рад жавобини олгандан кейин Тошкентда кимнингдир қизига уйланган, хотини ниҳоятда кўҳлик эканини ҳам эшитган эди. У Фотиҳнинг бу келинларню доду фиғонларига сабаб севги эмас, ниятига эришолмаган манман йигитнинг нафсонияти

эканини ич-ичидан сезар, қўл чўзсам, осмондаги юлдузга ҳам қўлим етади деб юрган бир манман йигитнинг сохта изтироблари экани шундоқ кўришиб турарди. Наҳот Фотиҳ бу сафар ҳам ўша гапларни қайтарса, яна ушандагидай фожей актёр родини ўйнаб, унинг дилини ром этишга уринса?

Йўқ, бу сафар Фотиҳ фарёд чекмади. У ўтирган жойларидан сая узоқлашмишлари биланоқ:

— Тунов кунги гапларини ўйлаб кўрдингизми? — деб сўради.

— Қайси гапларингизни? — Нигора ўзини тушуниб-тушунмаганликка олди.

Гира-шира қоронгиликда Фотиҳнинг кўзлари чақмоқдай чақнаб кетди, бироқ у газабини жиловланга тиришиб, бўғиқ пўталди.

— Мен сизга инониб, кўнглимдаги бор дарду ҳасратимни тўкиб солсаму сиз бўлсангиз...

Нигора, нозик жүссасига зид бир газаб билан митти муштларини тугди.

«Бу калондимог бойвачча нега менга осилиб олди? Нима демоқчи ўзи? Менга... ўйнашликни таклиф қиляптими? Уятсиз! Аҳмоқ!»

— Йўқ, тушунмадим, тушунинини ҳам истамайман!..

Фотиҳ гўё кучала еган кучукдай гингишиб, бошини чапгаллади.

— Мен сизга ҳайронман! Кечирасиз-у, лекин... менинг ҳаром туқимга арзитайдиган бир латтин деб...

— Бас қилинг! — деди Нигора. — Ҳозир бас қилинг ё...

Фотиҳ «бас» қилмаса инма қилади — буни Нигоранинг ўзи ҳам билмас эди, бироқ унинг овози шундай бир қаҳр билан янградки, Фотиҳ яна нолаи фигонга ўтди.

— Майли, бас қилдим! Лекин сиз ҳам шунини билиб қўйингки, хануз кўнглингизни узолмаган бу гений эрингизга тунов кунги ресторанда хўн ўйини кўрсатди. Ойналарни уриб синдириб, хушёрхонага тушди! Мен бўлсам... мен аҳмоқ бўлсам унга раҳм қилиб, дадамни ўртага солиб, қутқариб юрибман!

Бу сафар Нигора додлаб юборишдан кўрқиб, қоронгида кафти билан оғзини қаттиқ босиб олди.

— Бўшти! Мен бас қилдим! — деди Фотиҳ, гўё қамчи еган асов аргумоқдай шитирлаб. — Аммо сўнги марта айтаман: ўйлаб кўринг! Ҳаёт — даҳшатли нарса! Бир кун

бари бир пушаймон қиласиз. Қаттиқ пушаймон қиласиз. Қилдираман пушаймон! Агар қилдирмасам помимни бошқа қўяман!

Фотиҳ буни совуқ таҳдид билан гапирди-да, машинанинг эшигини шарақлатиб очди, сўнг, орқасига ўгирилиб:

— Ўртоқ санъаткор! Кетдик! — деб бақирди ва эшикни қарсиллатиб ёнди.

Тўққизинчи боб

Фотиҳ Музаффаров ҳеч қачон, ҳатто дадаси аёъасаю даблаба билан Нигорага совчиликка бориб, икки қўлини бурнига суқиб қайтганида ҳам ўзини бундайин хўрланган, бундайин ҳақоратланган, деб билмаган эди.

Бу дунёга келтики, ҳеч қачон, ҳеч бир нарсада сазаси ўлмаган, ҳаминна ошиги олчи бўлиб келган йигит, бугун Нигоранинг қилигидаш шундай равижи, шундай равижидики, агар ёнида Мардон Зокиров бўлмаганида, ўзиям билмайди нима қиларди?

Афтидаш, бўлган гапларни яхши илғаб ололмаган Зокиров бир-икки марта ҳазил-мутойиба қилиб кўрди, бироқ Фотиҳ унинг меҳмонлик иззатини ҳам «упутиб», қаттиқ силтаб ташлади-да, тишини-тишига босиб, оғзига толқон солиб олди.

Қуёш аллақачон ботган, ошпоқ чўққиларга ажиб жило бериб турган нафис бўёқлар ҳам сўнган, кўкда нимаси биландир тилла сиргани эслатувчи ярим ой ярқираб турар, бироқ кузда тез бостириб келгувчи қоронгилик қора кузгун янглиг даштин қора қапотлари остига олган эди.

Фотиҳнинг кўнгли ҳам худди қоронгилик қаърига шўнгиган адирлардай зимистон эди. Адирларни-ку, шиддат билан учиб бораётган машина фаралари ёритиб бормоқда, унинг кўнглини эса ёритадиган милт этган чирог йўқ...

Епирай! Юрак ўрнига бир парча муз солиб олган бу муштдеккина жувонга қай балодаш йўлиқди Фотиҳ! Нимасига ишқи тушиб қолди унинг? Қадди қоматигами? Ҳусни жамолигами? Ундай деса... Фотиҳга учта фарзанд тугиб берган, эрига итдай содиқ хотини Феруза худди ўғил болага ўхшаган бу кибор жувондаш ўн чандон чиройли эмасми?

У Нигорани илк бор ўзини сифини тугатиб, Тошкентга ўқишга борганда кўрганди. Бирорта институтга киритиб

қўйиш учун Фотиҳни Тошкентга дадаси ўзи олиб тушган, қайси институтга жойлаштириш ҳақида маслаҳат олиш учун эса, эски қадрдонни, Нигоранинг дадаси Расул Нуриддиновнинг уйига бошлаб борган эди.

Эсида: улар ҳовлидаги сўри тагида чой ичиб ўтирганларида кўча эшик очилиб, худди қўғирчоқдай бежиримгина, позиккина бир қиз кирди.

Қиз уларни кўриб, қандайдир жуда мулоим, жуда ёқимтой товушда салом берди-да, ҳовли чеккасидаги ошхона томонга ўтиб кетди. Ҳеч унутмайди, ўшанда қиз Фотиҳга гаройиб эллардан учиб келган гаройиб бир қушча бўлиб кўринганди!..

Лекин Нигора гаройиб қушча бўлса, Фотиҳ ҳам ундан кам эмас — самбо бўйича областда биринчилиكنи олган, осмондаги ҳар қандай қушни бир ҳамла билан чапғалига илтирадиган ёш лочининг ўзгинаси эди... Ўша дақиқаларгача унга севги изҳор қилиб, пинҳоний хатлар ёзиб юрган синфдошлари орасида қанақа қизлар бор эди, қанақа қизлар! Аммо... эшикдан лип этиб кириб, гўё «пир» этиб учиб кетган бу гаройиб қушча... Йўқ, Фотиҳ бунақа қизларни ўша дақиқаларгача фақат француз фильмларидагина кўрар, кўриб, уларга пинҳона ошиқ бўлиб юрарди!..

Нигора, чамаси, мактабни ундан икки-уч йил кейин битириб, санъат соҳасига ўқишга кирди. Бу ҳам Фотиҳни аллақандай қаттиқ ўкентди. Чунки бирламчи, бу пайт бўйи илгаригидан хиёл ўсган, бироқ ҳануз қўғирчоқдек бежиримгина Нигора сочларини ўгил болаларнинг сочларига ўхшатиб қирқтириб, бурунгидан ҳам очилиб кетган, чиндан ҳам француз фильмларидаги малакларнинг ўғинасига айланган эди. Иккиламчи, Фотиҳ кирган институт Нигора таплаган институтдан жуда йироқ эди. Масофа маъносида эмас (бутуш ўқини давомида Фотиҳ ижарага алоҳида уй олиб турган, ўнинчи синфни битирганда дадаси тортиқ қилган «Жигули»си ҳам бор, яъни, унинг учун масофа муаммоси йўқ эди!), таплаган касблари маъносида йироқ эди!

Баъзан Фотиҳ Нигора билан унинг соҳаси, яъни адабиёт ва санъат асарлари тўғрисида гапиришга ҳаракат қилар, бунинг учун кечалари ҳатто довруғи чиққан адибларнинг китобларини ўқишга уринар, ёқсин-ёқмасин, янги киноларни бориб кўрарди. Бироқ бари бир гаплари кўп қовушавермас, Нигора аксар холларда, унинг сўзларига

гўё ёш боланинг сўзларига кулаётгандай, долараниг лабларини химариб бир кузиб кўя қоларди. Лекин энг алам қиладиган жойи — Нигора ундаи кўра анов Шораҳим шоввозининг ўгли Шоқосим билан яқинроқ эди. Ҳар қалай, Фотиҳ уларникига борганида аксар ҳолларда Шоқосим билан Нигоранинг кулишиб, чақчақлашиб ўтирганларини кўриб, ёниб кетарди.

Қисқаси, Фотиҳ бешинчи, Нигора эса иккинчи курсдан учинчи курсга ўтганида унинг тоқати тоқ бўлди-ю, дўстларини ўртага солиб, ота-онасига ёрилди: уйлансам, шу қизга уйланаман, йўқса душдан тоқ ўтаман, деган маънода арз қилди.

Дадаси... эркатой ўглининг бу арзини эшитиб, бир хайратга тушди, бир қувонди. Хайратга тушишига сабаб, Фотиҳнинг қизлар орасидаги «галаба»ларини эшитиб, ўглидан керилиб юрган отага зурриёдиннинг ўзини бунчалик ерга уриши унча ёқмади, қувонишига сабаб эса, фронтчи дўсти, эски қадрдон Ракул билан қуда бўлишининг ўзига яраша яхши томонлари бор эди: гарчи, унинг туриш-турмуши анов айтгудек бўлмаса ҳам ўзи таниқли олим, бообрў одам!

Дадаси Фотиҳнинг хоҳишини эшитган кунидек совчилар рўйхатини тузиб, уларни Тошкентга олиб тушишга отланди. Бироқ ойиси нимадандир шубҳаланди чоғи, аввал ўзи бориб, вазиятни зимдан билиб келгиси келди ва сўзида туриб олди.

Фотиҳ ойисини Тошкентга ўз «Жигули»сида олиб тушди. Қасдига олиб, эшикни Нигора очди. Ойиси Нигорани ё илғари кўрмаган, ё жуда кичкиналигида кўрган бўлса керак, «ялт» этиб бир ўглига қаради, бир худди ўғил болага ўхшаган, митти қушчадек бежиримгина қизчага қаради. Фотиҳ эса... (эсласа хануз ўзидан гижинади!) гўё Нигора олдида катта бир жиноят қилиб қўйгандай потир-потир қилди-ю, жон-жаҳди билан машинасига газ бериб, жуфтакни ростлаб қолди.

Ўша кунин Фотиҳ бўлганича бўлди. Чунки... Нигораларникига эрталаб соат ўн бирларда борган Соҳибахон ўгли ижарада турган ҳовлига кечқурун кун ботганда аранг кириб келди.

Фотиҳ яхши ният билан уч-тўртта ёр-биродарларини чақириб, ҳовлига жой қилиб қўйган эди. Ойиси унинг дўстлари билан жимгина бош иргаб кўришди-да, ичкарига кириб кетди. Кетма-кет Фотиҳ ҳам кирди. Соҳи-

бахон тўрдаги юмшоқ креслога чўкиб, хаёлга чўкиб ўтирарди. Унинг бунчалик мунгайиб қолганини кўрган Фотиҳ баданига совуқ шабада теккавдай сесканиб кетди, бироқ шу заҳотиёқ язаваеси тутиб:

— Нима бало, рад жавоби беришдими? — деб сўради ўз овозини ўзи танимай.

Ойиси мунгли нигоҳини четга олиб:

— Шу қизни демай қўя қол, болам, — деди илтижоли товушда.

— Нега?

— Негаки... бу қиз билан сен... икковнинг икки оламсан!..

Ойиси ўйчан кўзларини юмиб, сени ух тортди.

— Кўй, шу ниятингдан қайта қол, болам. Сен ҳам ўз тегиңгни тоғарсан. Балки бу қиздан яхширогини тоғарсан!.. — Ойиси бошини чағаллаб олди. Шунда Фотиҳнинг эсига қачонлардир кулогига чалинган бир миш-миш тушди: гўё ойиси ҳам дадасига турмушга чиққанидан нушаймон эмиш, «агар болаларим бўлмаганда...» деб кўзёни қилган эмиш!..

Сохибахоннинг пойқадами ёқмаган совчиликдан кейин ҳамма умид дадасида қолган эди. Хақиқатан, дадаси ойисининг гапларини эшитиб, кинояомуз кулди.

— Қўлингдан келмайдиган ишга аралашиб нима қилардинг! Бошдаёқ айтувдим-а, борма, борсанг ишига ошни бузасан, деб. Худди айтганимдай бўлди-я!..

Дадаси шундай деб, эртасигаёқ икки «Волга»га совчиларни жойлаб Тошкентга тушиб кетди. Айтмоқчи, совчилар орасида тунов куни Фотиҳ ишдан бўшатган Шораҳим шоввоз ҳам бор эди. Ким билсин, эхтимол, ўшанда омади чомаганига бу кўрс чашани ҳам хисса қўшгандир, зоҳиран «хайрихоҳ» бўлиб, ботинан Расул Нуриддиновни йўлдан ургандир. Қисқаси, дадаси ҳам Тошкентдан тарвузи қўлтигидан тушиб, айни замонда яраланган шердай даргазаб бўлиб қайтди.

— Падарига лаънат бунақа қизни! — деди у Фотиҳни олдига чақириб. — Шу қадди-қомат, шу буй-бастинг билан бошингга урасанми, бу мотамсаро мусичани! Сенинг ҳаром тукингга ҳам арзимаёди у сиғчалак! Кўрдим! На кўрки бор, на мени кечирасан, бирор ушлайдиган жойи! Хотин деган сал лорсиллаб турсин-да бундоқ!..

Дадасининг гаплари, тўғрироғи, совчиликдан икки қўлини бурнига суқиб қуруқ қайтиб келиши Фотиҳнинг

кўксига бамисоли бир пичоқ бўлиб қадалди-ю, бир печа ойгача ўзини қўярга жой тополмай юрди. У гоҳ маишатга шўнгиди, гоҳ дуч келган аёлни «Жигули»сига солиб, узоқ адирлар, тоғларга «от сурди». Икки марта, бирда Олмалик йўлида, бирда Сирдарё соҳилида қўлга тушиб, аранг кутулди. Айниқса, иккинчисида ёмон тушган эди, дадаси араланиб, бааўр олиб қолди.

Шу йўсин ёз ўтиб, куз келди. Бир кун институтга борганида галати бир эълонга кўзи тушди. Унда айтилишича, эртага шамба кунини кеч соат 7 да, Фотиҳ ўқийдиган институтнинг 5-курс студентлари билан Нигора ўқийдиган институт студентларининг учрашуви бўлар экан.

Уша кунлар унч рад этган Нигора мана шу занжибашара, қилтириқ Бехзод билан тошишганини эшитган Фотиҳ бурунгидан бешбаттар кўйиб юрган эди. Жўрттага борди. Бир ўзи эмас, бир-иккита энг яқин дўстларини бошлаб борди. Институтнинг каттагина клуби бор экан, бўлажак даҳолар иштирокида ҳар хил иъесалардан парчалар кўрсатишди, шеърлар ўқиди, кўшиқлар айтишди, ниҳоясида эса, ўзбекча рақе ва кўшиқ бўлди.

Кечада Фотиҳнинг ҳозирги хотини Феруза қайси бир иъесада ўйнаб, жуда зўр олқишлар олди. У ҳақиқатан ҳам ролинини жуда яхши икхро этди, ўзи ҳам дуркунгина, қадди-қомати кетворган, қизмисан қиз эди! Шунда Фотиҳнинг ёнида борган энг сирдом дўстларидан бири унинг биқинига туртиб, Нигора томонга (у ҳозирги занжибашара, қилтириқ «даҳо»си билан бир чеккада муштдеккива бўлиб ўтирарди) ишора қилиб:

— Сен ҳам юрибсан анов мусичанинг ишқида кўйиб! — деб шивирлади. — Қиз деган маиа бунақа бўпти! Ана, латофату ана қадди-қомат! Боя ашуласини эшитдинг-ку! Овозини айтмайсанми? Мен сенинг ўрнингда бўлсам...

— Нима қилардинг?

— Шу бугуноқ лочиндай ёнишардим у бир ойга қолмай вадаванг тўй қилардим! Ана ундан кейин ҳар оқшом магнитофонда «Рохат»ни кўйиб...

— Бас! Уёгига ўтма, даъюс! — деди Фотиҳ. — Э, библи бўладими аёл зотини? Балки унинг ҳам бирор жазмани бордир?

— Ҳозир танца бошланади. Шартта бориб, биллагидан «шап» ушлайсану танцага чақирасан. Тамом. Вассалом. Танца пайтида биласан-оласан — бирор жазмани борми ё ҳали опаси ўпмаганиданми?..

Фотих ҳам олов йигит эмасми, огайниси айтгандай, кечанинг биринчи қисми тугаб, танца бошланиши билан ўришдан шартта турди-да, қизнинг олдига бориб даврага таклиф қилди.

Қиз пачакироқ бир йигит билан гаплашиб турарди. Фотих ёнига борганда кўрди: қиз саҳнадагидан ҳам лобар ва чиройли эди! У рўпарасида бош эгиб турган Фотихга бошдан-оёқ тикилиб қаради, сўнг ўзига ярашган тилла тишларини ярқ этказиб, ёқимтойгина жилмайди-да, ёнидаги йигитдан рухсат ҳам сўрамасдан, Фотихнинг елкасига қўлини қўйди...

Фотих унинг позик белидан қучиб, даврага бошларкан, юраги бир ҳапқириб:

— Исми шарифларини билсак бўладими? — деб сўради.

Қиз ҳали буюёқ тегмаган аллақандай бегубор, эрка кўзларини ноз билан сузди.

— Аввал ўзалари айтсинлар, кейин...

— Узр, Фотих...

Қиз тушулмади шекилли: «Фотих?» — деб сўради ва кулди.

— Фотих! — такрорлади у ва қизга қўшилиб кулди. — Лекин Наполеон ё Суворов эмас! Сиздай гўзаллар гўзалини фатҳ этиш учун яратилган Фотих!..

— О! Нархларини жуда ошириб юбордилар-ку! — Қиз бу сафар бутун зални ўзига қаратиб, қаҳ-қаҳ уриб кулди. Фотих унинг белидан қаттиқроқ кучди. — Феруза! — деб кулди қиз, бироқ ўзини тортиш уёқда турсин, бутун олов вужуди билан Фотихга қанишиб олди.

Шундан кейин ҳамма нарса худди ёв бостириб келлаётгандек, ола-тасир бўлиб кетди: аразлашу қайта ярашиш, бирда табассуму бирда кўз ёшлари, бирда висолу бирда айрилиқ, бирда иссиқ бўсалару бирда тўй тараддудидан иборат қандайдир тўс-тўполон ҳаёт бошланди.

Феруза Клара Жамоловна деган, аллақайси бир жамиятда ишлайдиган, бир қарашда қизидан ҳам ёш ва чиройли кўринадиган, ўта фаол, ўта сўзамол, ўта замонавий бир жувонининг арзандаси экан. Шундайки, опа-бола ясан-тусанини кифтига келтириб, кўчага чиққанларида ҳамма уларни опа-бола эмас, эгизак опа-сингиллар деб ўйлашар, Фотихнинг ўзи ҳам биринчи бор уларни ёнма-ён кўрганида шу хаёлга бориб, эсанкираб қолган эди.

Клара Жамоловна эридан аллақачон ажрашган «ёш» бевалардан эди. Эридан фақат шу Феруза қолган. Клара Жамоловна уни еру кўкка ишонмас эди!..

Рост, Фотиҳ унга ёқди. Биринчи суҳбат чоғидаёқ Клара Жамоловна Фотиҳнинг авлод-аждодларигача суриштириб чиққач, ярим ҳазил, ярим чин қилиб:

— Яхши, — деди Ферузанинг кўзларидай аллақандай тилларанг кўзларини шўх ўйнатиб. — Таг-туғингизни суриштирганимга рағжиманг, Фотиҳжон. Буни шунчаки... билиб қўйиш учун сўрадим!.. Гап ота-онада эмас, сизда! Тўғрисини айтсам... сиз менга ёқдингиз! Мен ҳам сиздақа, — Клара Жамоловна сал қизариб кулди, — буй-басти келишган, олов йиғитларини хуш кўраман. Феруза бу жиҳатдан янглишманти, лекин ёдингизда бўлсин: у менинг ёлғиз қизим, бу дунёга келиб топган биттаю битта дуру гавҳарим...

— Биладан, — деди Фотиҳ. — Агар хоҳласангиз, ҳозир нон ўпиб қасам ичаманки, бу дуру гавҳарингизни бир умр... бўйинимга осиб юраман!.. — Фотиҳ шундай деб, Клара Жамоловнанинг ошпоқ, чиройли қўлларини ўпди.

Шу билан «ош пишди», суҳбат тугади. Рост, бу сафар ҳам ойиси «пишган ош»ни бузиб қўйишига оз қолди. Совчи юборишдан аввал яна қизни кўриб келиш учун Тошкентга тушиб кетган Соҳибахон бу сафар негадир жуда қаттиқ рағжиб қайтди. Соҳибахон Ферузага ортиқча эътироз билдирмаса ҳам Клара Жамоловнани жини суймабди. Фотиҳ тутақиб кетди.

— Авваламбор, Клара Жамоловна сиз ўйлагандек... ёмон аёл эмас! Қолаверса... мен онасини эмас, қизини оляпман-ку, ойи!..

— Майли, ўзинг биласан, болам! — деди Соҳибахон қаттиқроқ маъюсланиб. — Бўйидадан оёқларигача ҳаммаёғи тиллаю марварид! Ўзиям... бирам маҳмадона, бирам билимдон эканки, ишқилиб, охири бахайр бўлсин, ўғлим!

— Билимдон бўлса онаси билимдондир! Аввал Ферузани тузогимга илиштириб олай, кейин мусичадай мулойим қилиб оламан қизини! Беданадай йўргалатаман уни!..

Соҳибахон ўғлига гамгин тикилиб, бошини секин чайқади.

— Мен сенга бу маънода гапирмадим-ку, болам! Биров-

нинг қизини беданадай йўргалатмагину бахтли бўлинглар!
Қовушганинг билан қўша қари!

✓ Қизиқ, Клара Жамоловна ойсига қанчалик ёқмаган бўлса, дадасига шуңчалик ёқди. Совчиликка тушган дадаси Фотиҳдан пихоятда мамнун бўлиб, боши осмонга етиб қайтди. Ўзиям оғзидан гоҳ «қудагай», гоҳ «Кларахон» тушмай, ола-тўполол қилиб, бир ойга қолдирмай вадаванг тўй қилиб берди. (Буёғини ҳеч ким билмагани маъқул, лекин Фотиҳнинг сезишича, дадаси билан Клара Жамоловнанинг орасида қандайдир сирли гаплар ҳам борга ўхшайди! Дадаси ҳам бало!)

Ганининг нўскалласи, ишлар ёмон бўлмади. Ферузахон бир йил ўтмасданоқ эгизак қиз — Фотима-Зухра тугиб берди. Энг қизини шуки, бу ҳодиса Соҳибахонини қанчалик хурсанд қилса, Клара Жамоловнани шу даражада хафа қилди. Клара Жамоловна умуман қизининг бунчалик тез фарзанд кўришига тиш-тирноғи билан қарши эди. У Ферузанинг ҳомиладор бўп қолганини билганида Фотиҳни роса койиди, ҳатто болани олдириб ташлашни маслаҳат қилди:

— Ахир ёш умрларингни чақалоқнинг «биги-биги» сига қурбон қилиб юборасанларми? — деди у куюниб. — Унда кўра, гулдай ёшликларингни хазон қилмай ўйнаб-кўлиб қолинглар. Путёвка олиб, хорижий элларга чиқинглар, саёҳат қилинглар. Ахир сиз... қишлоқдан чиққан бўлсангиз ҳам қишлоқ эмас, оқу қорани ажрата оладиган замонавий йиғитсиз-ку, Фотиҳжон!..

— Бу гани мевга эмас, қизингизга айтинг! — деди Фотиҳ шартта кесиб. У ўзи ҳам бу масалада Клара Жамоловна томонида эди, бироқ у пайтларда, ҳозир қанчалик ғалати туюлмасин, Ферузани бўлажак «геий»лардан бир оз рашиқ қилар ва шу сабабдан дилида фарзанд кўришга қарши эмас эди.

Бу пайтларда дадаси Фотиҳга қишлоққа қайтишни, бир йил, ярим йил ўтмасданоқ совхозга директор қилиб қўйишни ваъда бериб қистаб юрган эди. Чунки дадасининг айтишича, киши «бошқа юртда султон бўлгунча ўз юртида ултон» бўлгани маъқул, сабаби киши қаерда ишлаб, қандай мартабага эришмасин, бари бир киндик қоши тўқилган жойини қўмсайди ва ахир бир кун қайтиб келади!

✓ Бу гаплар Клара Жамоловнага ҳам маъқул тушди. Чунки Клара Жамоловна фақат «бабушка» бўлишига

эмас, невара деган гапни эшитишга ҳам тоқати йўқ эди. Фотих бундан фойдаланди-да, Ферузани кўндириб (икки фарзанд билан кўнмасдан курсин-чи!) бир кунда кўчди-кетди!..

Лекин Феруза... Феруза қишлоққа келгандан кейин қандайдир сал чўкиб қолди. Аввалги сарвиқомат, хишчабел киза бир-икки йилдаёқ лорсиллаган ошлоқ жувонга айланди. Фотих бунинг олдини олишга уриниб, уни совхоз клубига мудира қилиб қўйган эди. Феруза буни ҳам эндай олмади. Унда қандайдир... галати одат пайдо бўлди. Яхши еб, яхши ичини, умуман, осойишта турмуш кечиришдан бошқа ҳамма истаклар сўниб қолди. У ва клуб ишларига, ва бошқа парсаларга қизиқарди, кўп ухлашни, яхши таомлар қилишни, меҳмондорчиликка бориши ва меҳмон кутини зеб-зийнатни хушлайди, холос. Боз устига, қишлоққа келганидан кейин Фотима-Зухранинг устига кўчқордек ўғил туғиб олди-да, батамом тишчиди-қўйди. Эндиги биттаю битта истаги — яхши совга-саломлар олиб, бот-бот Тошкентга, ойнасининг олдига тушиб турса! Қайнонасига Фотима-Зухрани ташлайди-да, бир қои совга-салом билан Тошкентга чопгани чопган. Маана шу кунларда ҳам Феруза Тошкентда, ойнасининг олдида, бир ҳафтадан ошди ҳамки, дом-дараги йўқ!..

Майли хотинининг бу қилигидан Фотих ҳам ичида мамнун: ўзига бек, ўзига хон! Умуман, Фотих шукр қилса бўлади. Маана, иш соҳасида ҳам ошиги олчи, аллақачон раҳбарлар эътиборига туша бошлади! Олдинда эса, э-ҳа, қанчадан-қанча режалари бор! Агар бу режаларини рўёбга чиқара оlesa... ким билади, келгусида уни нималар кутишти!

Ҳа, Фотих чиндан ҳам ўзидан мамнун эди, бироқ тўрт-беш ой муқаддам нима ҳам бўлиб, аввал шаҳарда Нигоранинг эриши, кейин тоғда ўзини кўриб қолди-ю, юрагидаги эски дардлар қайта кўзиб, тишчи бузилди-қолди!..

У Нигора билан Бехзоднинг ораларидан қора мушук ўтганидан бохабар эди. Гарчи ҳали ажрашмаса ҳам ажрашни арафасида эканларини орқаворатдан эшитиб, ичида заҳарханда қилиб юрганди. Шу боисдан ҳам Нигора тоққа келганини эшитиши биланоқ олдига дадил борганди. Пазарида, Нигора уни рад этганидан пушаймон, агар пушаймон бўлмаса Фотихнинг ҳозирги ҳолати-ю, ҳозирги мавқеини кўриб, афсус-надомат оловида қовурилади деб

ўйлаганди. Ахир Нигора уни рад этиб, ўша қилтириқ «даҳо»ни топганида нима ютди? Қани унинг даҳо асарлари? Биттаси Тошкент йўлида ўрнатилаётган анов монумент бўлса... Фотиҳ ўз совхозида ундай каттароғини қурдирган! Ҳозир ҳаммаёқ хайкал, монумент, осмонга тош отсанг бирорта ёдгорликка бориб тегади!..

Фотиҳ биринчи борганидаёқ кўриб лол қолди: Нигора сўнгги тўрт-беш йил ичида зигирча ҳам ўзгармапти! Унинг Ферузаси, Нигорага ўчакишиб топган Ферузаси хипчагила қизчадан лорсиллаган оппоқ жувошга айланди, Нигора эса хануз ўша-ўша, гаройиб қушчадай бежирим, беками кўст, позик. Гўё фарзанд ҳам кўрмаган, гўё онла гурбатларини ҳам чекмаган. Ўзи ҳам, маъюс боқишлари-ю, хиёл гамгин кулиб қўйишларигача — ҳаммаси ўша-ўша, биринчи кўришдаёқ Фотиҳнинг юрагини чўғдай «жаз» эттирган Нигора! Ҳатто феъли ҳам ўзгармаган, аксинча, илгаригидан ҳам сервиқор, бир сўз, тегсанг тепадиган!..

Тунов кунги ресторандаги жанжалдан кейин Фотиҳ хушёрхонага бормоқчи эмас эди, аксинча, «даҳо»ни милиция олиб кетаётганини кўриб, ичида хўп заҳарханда қилган эди. Кетидан борган бўлса яна шу Нигора учун борди. У Нигора ўйлагандек худбин ва номард йиғит эмаслигини, вақти келганда қўлидан яхшилик ҳам келишини, олижаноблик туйғуси унга ҳам ёт эмаслигини кўрсатиб қўйиш учун борди, бориб «даҳо»сини хушёрхонадан, тўғрироғи, шармандаи шармисорликдан қутқариб қолди!

Нигора эса, осмонни оёқларим билан тираб турибман, деб ўйлайдиган бу сиччалак эса... Фотиҳнинг бу яхшилигини ҳам билмади!..

Йўқ, Фотиҳ энди қўймайди! Агар бутун мол-дунёсини совурса ҳам, ҳатто анов занжибашара эрнин бадном қилиб бўлса ҳамки, ўзиники қилади бу такаббур қушчани!.. Лозим бўлса, мана шу Мардон Зокиров билан Ҳалим Салимов деган (овози сурнайнинг овозидай ингичка бу қилтириқ олим ҳозир қишлоқда, уларни кутиб ўтирибди!) оғайинсини ишга солади. Булар ўзи Нигоранинг отасидан арз қилиб келишган экан. Нигоранинг отаси Зокировнинг қишлоқда қурган «Ғалаба нашидаси» деган ёдгорлигини ёмонлаб, юқориларга хат ёзган экан. Шунга Зокиров меҳнаткашлар номидан Расул Нуриддиновнинг

«тухмат» хатига қарши хат сураб келган экан. Фотиҳ уларнинг ишини тўғрилаб беради, керак бўлса битта эмас, ўнта хат ёздириб беради. Аммо, шундоқ экан, булар ҳам жим ётмасин! Олишсин! Унинг «даҳо» кувини-ю, кувининг чўлда қурган «буюк» асарини ер билан яқсон қилишсин!..

Фотиҳнинг хаёлини Зокировнинг: «Ха, пинакка кетдиларми, ўртоқ директор?» — деган овози бўлди.

Фотиҳ миқ ётмади. Гапининг ўғил боласи: ҳар келганда теша тегмаган латифалар айтиб, ҳаммаини кулдириб юрадиган Зокиров, бу сафар Фотиҳнинг кўнглига ўтирмади. Ўзи гингшганин ётмаганидек, гўё иштовенсининг чўлдан хадиги бор, деганларидек, ҳадеб: «Ўзингиз тишчмисиз, ука, тишч бўлинг, ишқилиб!» — дея қайта-қайта ўсмоқчилайвериб, жонига тегди! Йўқ, Фотиҳ дунёда бўлаётган ишлардан батамом бохабар бир лапашани эмас! Қасрдандир эса бошлаган совуқ шабададан у ҳам бохабар. Лекин авваламбор, Фотиҳ дадасига ишонади! Тегирмонга тушса бутун чиқадиган дадаси унча-мунча шабаданин ишанд қилмаслигига имони комил. Қолаверса, ўзига ишонади!.. Гарчи совхозга директор бўлганига бир йилдан ошмаса ҳам анча-мунча ер-биродарлар, суялса тираб қоладиган ошма-оғайниллар орттирди!..

Фотиҳ кўзини очиб, ён-верига қаради. Машина ўз ёғдуси ёритган йўлни ўзи ямлаб ютиб, қоронги даштда учиб борар, афтидан, улар қишлоқ яқинидаги сўнгги қирга чиқиб, энди ластлаб бормоқда эдилар. Қишлоқни ўйлаши билан Фотиҳнинг эсинга негадир Меҳринисо тушди, тушди-ю, усиз ҳам безиллаб оғриётган юраги туз сецгаандай ачишиб кетди... Мана, Фотиҳ гах деса қўлига қўнадиган яна бир қушча! Нигорадан нимаси кам унинг? Нимаси?

Фотиҳнинг юраги гўё чўғ теккандай жиниллаб кетди. Аммо жисминини довуллатиб юборган шаҳвоний истак сал ўтмай, таҳликага ўхшаш ноҳуш бир туйғу билан алмашди. Фотиҳ бошини деразадан чиқарди-да, юзини совуқ шабадага тутди, тутиши билан дилида тагин боғги қасоскор туйғу гинирлади. Меҳринисо-ку, унинг қўлида бамисоли бир қўғирчоқ! Уни истаган мақомига ўйната олади. Аммо Нигора... Йўқ, Фотиҳ бир парсага жазм этса ярим йўлдан қайтадиганлардан эмас! Наҳот у шу обрўси, шу куч-қудрати билан унинг тирвоғига ҳам арзимайдиган бир ойимчани эгиб ололмаса? Эгади! Эгмоқ тугул синдиради!

Ўшинчи боб

Шораҳимнинг келиши Меҳринисо бугун жуда эрта уйғонди. Кечаси Фотиҳ Музаффаров унга, ўз ибораси билан айтганда, гоят масъулиятли бир вазифа тошширган эди. Бугун бултур совхоз идораси олдидаги майдонга улкан ёдгорлик ўрнатган машҳур ҳайкалтарошлар ташриф буюришар экан. Директор уларни ўзи кутиб олиши, идорада мажлис ўтказиши, Меҳринисо эса, кечқурун мумкин қадар хилватроқ жойда, ширин бир ўлтириш ташкил қилиши лозим экан.

Меҳринисо, гарчи рабобком бўлганидан бери бундай ишларга анчагина ўрганиб қолган бўлса ҳам бугун негадир одатдагидан кўпроқ ҳаяжонланар, гўё шу бугун аллақандай фавкулотда бир нарса рўй берадигандай, директорнинг тошширигини олгандан бери юраги тинимсиз ҳаприқарди.

Фотиҳ Музаффаров умуман адиблар, санъаткорлар, айниқса телевизорчи ва киночиларга ўч эди. Шу йилнинг ўзида у радиода икки марта, телевизорда бир марта чиқиб, совхоз қўлга киритаётган улкан зафарлар ҳақида гапирди. Меҳринисонинг ўзи ҳам бир неча марта майда-чуйда мухбирлар билан суҳбатлашди, директор йўқ пайтларда уларга ўзи чой бериб хурсанд қилиб жўнатди... Аммо бугунги режалар, айниқса кечқурун бўладиган зиёфат уни негадир ҳам чўчитар, ҳам юрагида аллақандай тотли ҳаяжон уйғотарди...

Тўғриси айтганда, шу йил кўкламда уни рабобкомликка кўтармоқчи бўлганларида, Меҳринисо даштда бошлаб қўйган ишларини, айниқса эрини ёлғиз қолдириб кетгиси келмай, анчагача директорнинг сўзига кирмай юрган, токи райкомга чақириб: «Ёш коммунист, ўзингизни масъулиятдан олиб қочяпсиз», деб таъна қилишмагунча бўйин бермаган эди. Шоқосим ҳам аввал жуда қаттиқ ранжиган эди. У рашкчи эмас, тўғриси, рашк қилишга унда зиғирча ҳам асос йўқ, илк бор севишиб қовушибдилар ҳамки, дунёда улардан тотув, улардан ивоқ оила йўқ эди! Меҳринисо эридан зимдан фахрланар, унинг бирсўзлилиги, мардлиги, тантилиги — ҳаммасидан дил-дилдан ифтихор қиларди. Шоқосим ҳам Меҳринисонинг офтобдай илиқ меҳр-оқибатини жуда нозик ҳис этар, гарчи буни бошқалардан пинҳон тутса ҳам хотинини дил-

дилидан ардоқлар, эркаларди. У Меҳринисонинг «хукумат бўш» кетишига олдин сал эътироз қилди-ю, кейин ҳазил-мутойиббага ўтди: «Бу ўсишда обком секретари бўш кетишлари ҳам ҳеч гап эмас! Ишқилиб, ўшанда биз гарибни эларидан чиқармай, жиллақурса, шофёр қилиб олсалар бўлди», — деб кулиб қўйди. Меҳринисо ҳам бошда ўзининг «арбоб» бўлишига хиёл киноя билан қараган, шу боисдан ҳам эрининг ҳазилларига ҳазил билан: «Шошмай туринг, аввал арбоб бўлиб олай, кейин кўрасиз, нима қиламан! Ўйнашмагини арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан, деган нақлини биладиларми ишқилиб?» — деб кулиб жавоб берганди.

Кейин... шу йил баҳорда область марказида чўлқуварлар анжумани бўлди. Гарчи, Меҳринисо бригадир бўлмаса ҳам, директор уни ҳам бирга олиб кетди. Совхоз делегацияси иккита ёш жувон билан директордан иборат эди. Анжуманда Меҳринисонни кутилмаганда президиумга сайлашди, докладда эса областдаги энг илғор чўлқуварлар қаторида тилга олиб ўтишди. Шундай бўлдики, таваффус вақтида кўпгина мухбирлар унга асалга ёнишган паннадайд ёнишиб суратга туширишди, оғзинга микрофон тутишиб, тоза «сайратишди».

Кечқурун, мажлисдан кейин, Фотиҳ Музаффаров, совхознинг шоп-шуҳрати ва ифтихори бўлмиш икки «чўлқувар»ни меҳмонхонанинг ресторанига олиб кирди, учовлашиб, Меҳринисонинг муваффақиятларини шампань билан «ювишди». Кейин бир-икки қадаҳ шампандан ширакайф бўлиб олган Фотиҳ қўярда-қўймай Меҳринисонни ўйинга таклиф қилди. Меҳринисо аввал ийманиб, бир оз иккиланиб турди, кейин қараса, бутун ресторан, аёл-эркак, ёшу қари баб-баравар рақсга тушяпти. Боз устига, ёнидаги шериги ҳам туртиб қўймади-ю, Меҳринисо ҳам Фотиҳ Музаффаровнинг қистовларига ён босди.

Келбати келишган, новча, хушеурат Фотиҳ рақснинг пири экан. У қулочларини лочиндай ёзганча, дам Меҳринисонинг устига бургутдай бостириб келиб, дам чекиниб, шундай муқом қилиб ўйнадики, Меҳринисо унинг сеҳрига тушиб, очилиб-сочилиб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Бир маҳал ҳушига келиб қараса, рақсга тушганларнинг ҳаммаси чеккага чиқиб, даврани уларга бўшатиб беришибди, ўзлари эса қарсак чалишиб, уларнинг ўйинини завқ билан томоша қилишяпти!..

Меҳринисо уялиб кетиб, ташқарига қараб отилди, бироқ Фотиҳ икки ҳатлашда унга етиб олди-да, елкасидан

қучиб тўхтатди ва ресторанда кўтарилган жўр кулги ва қарсақлар остида юзидан беозоргина ўшиб, ўтирган жойларига бошлади, бошларкан, қулогига эгилиб шивирлади:

— Бир нарса айтсам хафа бўлмайсизми?

Меҳринисо нечундир бирдан аллақандай совуқ ваҳима босиб:

— Нима эди? — деб сўради.

— Атрофингизга бир қаранг.

— Атрофимга нима бўпти?

— Бутун ресторанда сиздай... сарвиқомат, сиздай кўхлик битта ҳам жувон йўқ!

Батамом ўзини йўқотиб қўйган Меҳринисо аранг: «Қўйинг!» — дея олди, холос.

Ўша кечаси алламаҳалда, ҳамон ҳаяжон аралаш гуноҳкорлик туйғуси ичида тўлганиб ётган Меҳринисо хона эшигининг аста тикирлаётганини эшитиб қолди. У эшикни ким чертаётганини сезди-ю, ётган жойида музлаб кетди. Шу пайт ёнидаги ҳамхонаси уйғониб кетиб, чопқиллаб йўлакка чиқиб кетди-да, сал ўтмай қайтиб кирди:

— Боринг, сизни чақиряптилар!

— Вой, ким чақиради? — деди Меҳринисо, даг-даг титраб.

— Ким бўларди — директор! Чиқа қолинг, бир оғизгина сўзларни бор эмиш!

Меҳринисо, дугонаси қанча қистамасин, чиқмади. Лекин эртасига попушта вақтида Фотиҳ Музаффаров у билан кўришмай бошқа столга бориб ўтирганида кўнглида пушаймонга ўхшаш бир нарса гимирлаб, анчагача беҳаловат бўлиб юрди...

Рост, Музаффаров кўн ўтмай унинг «гуноҳ»идан кечиб, аста-секин яна нозик қочирриқлар ва ҳатто ошқора хушомадга ўтди. Меҳринисо ҳам рабобчиликка кўтарилганидан кейин ундан мақтов гаплар эшитгиси келадиган, директорга ёқиш истагида... яхши кийинадиган, ўзига оро берадиган бўлди. Шу боисданми ё қурултойга бирга борган ёш жувон тилини тиёлмадимиз, ишқилиб, сал ўтмасданок, қишлоқда нохуш шивир-шивирлар, аллаималарга шама қилгувчи мишмишлар ўрмалаб қолди.

Йўқ, Меҳринисо бу мишмишлардан чўчимайди. У виждонини олдида ҳам, эри олдида ҳам — норасидадай пок, беғуноҳ. Одамлар эса... илож қанча? Эя оғзига элак тутиб бўлмас экан. Майли, гапираверишин!.. Фақат сўнги

пайтларда унинг дилида ҳатто ўзи чўчийдиган иланиқ, мавҳум, бироқ алақандай потинч туйғулар уйғониб, ҳаловати йўқолди. У нечундир ҳаёлан эри билан Фотихни тез-тез солиштирадиган, иккинсини ёнма-ён қўйиб, ҳаёлан кузатадиган одат чиқарди. Назарида, кейинги пайтларда Музаффаров шундай катта ишлар қилди, икстидори ва истезодди шундай очилиб кетдики, фақат Меҳринисони эмас, ҳаммани ўзинга маҳллэ қилиб олди.

Меҳринисога айниқса унинг ўктамлиги, шиддати ва уддабурунлиги, хуллас, аёл йигитларга хос феъл-атвори ёқарди. Меҳринисо сўнги пайтларда Фотих Музаффаровни, унинг ишлари ва гап-сўзларини зимдан кузатаркан, катта раҳбар ва чин эрикак шундай бўлиши керак, деган қарорга келди. Шу бонданми, бошқани, кечалари ёлғиз қолган чоғларида эри билан директорни ҳаёлан солиштираркан, аксар ҳолларда бу солиштиришлар Фотих Музаффаровнинг «фойда»сига ҳал бўларди.

Айниқса, тунов куни даштдан келган эрини кўрганидан бери Меҳринисонинг кўнгли хуфтон. Назарида, илгари кўз олдини қандайдир бир нарда тўсиб турган-у, энди бу нарда кўтарилиб, у чин ҳақиқатни кўрди. Ҳақиқат эса... Шоқосимнинг фойдасига эмас эди! Ахир йигит деган ҳам шунақа бўладими? Ақалли уст-бошига қараб, соқол мўйловини қиртишлаб юрса асакаси кетадими? Гап-сўзлари-ю, ўзини тутини-чи? Латта! Худди хотин кишидай, директорнинг саволларига тузукроқ бир жавоб ҳам беролмади! Қўшимча мажбурият ҳақида гап кетганда эса, нима дейишини билмай соқовдай гўлдиради! Айтган сўзларига одам тушунамайди! Ундан қайтага аёл бригадирлар минг чандон мард чиқинди. Кўпчилиги ҳар хил баҳонаи сабабини кўндаланг қилмасдан: «Сизнинг бир оғиз ганингиз, Фотих ака, қор тағидан териб олсак ҳам айтганингизни қиламиз», деб директорни роса хурсанд қилишди. Ахир бу қўшимча мажбуриятни директор ўзи ўйлаб чиқаргани йўқ-ку! Унга ҳам кимлардир юклаган-ку буни! Эри эса... директорни ўйламаганда ҳам, жидла қурса, ўз хотинининг обрўсини ўйласа бирор жойи кам бўи қолмас эди-ку! Нима бўлгандаям, хотиним шўтта, раҳбарлик лавозимида ўтиринти, унинг юзини шувут қилмай деб, шу ўлгур өзгина оғирликни бўйнига ола қолса осмон ағдарилиб ерга тушмас эди-ку! Бари бир олар экан, хотин кишидан бешбаттар чайналмай, йигитчасига кўкрагига бир уриб: «Бакарамиз!» — деб, этагини бир слякиб, чиқиб кета қолса бўлмас-

миди мажлисдан? Йўқ, бундай қилиш қайда? Аввал қайно-тасидан бешбаттар ўжарлик қилди. Қайнотаси-ку, директорнинг юзига оёқ қўйган бўлса ҳам, ҳар нечук, айтадиган гагини айтиб, кейин шартта чиқди-кетди. Эри бўлса... Уша куни ер ёрилмадики, Меҳринисо кириб кетса! Ахир эркак одам ҳам шунақа лавж бўладими?

Ҳа, Меҳринисо ҳалиям бўлса, кўнглида ҳеч нарса йўқ, Фотиҳ Музаффаровнинг хушомадлари-ю, тагдор шамол-ларига бўй бермай келяпти. Бироқ... аҳён-аҳёнда тўсатдан юрагини аччиқ аламга ўхшаш бир нарса кемира бошлай-ди-ю, дунё кўзига тор кўришиб кетади.

У Фотиҳ бир маҳаллар Нигора деган муштдеккина жу-вонга ошиқу беқарор бўлганини, лекин висолига етолмай догда қолганини Меҳринисо Шоқосимдан эшитган эди. Шу бонедан ҳам тупов куни ҳазрат Уккошага чиққанида, бир томонда қайнона-қайнотасини пожўя нишдан қайтаришни ўйлаган бўлса, иккинчи томондан, Фотиҳ Музаффаров-дай йиғитмисан-йиғитнинг муҳаббатини рад этган бу жу-вонини кўриб қўйиш нияти ҳам йўқ эмас эди.

✓ Меҳринисо ўшанда «сулув сулув эмас, суйган сулув», деган гапга яна бир бор ишонди. Негаки... катта-катта маҳзун кўзлари нимаси биландир опасидан айрилган бўта-лоқнинг кўзларини эслатувчи бу бир қаричгина жувон .. эркакларга ёқса ёқар (эркак зотини тушуниб кўринг қани?), Меҳринисога ёқмади. Рост, Нигораховнинг нигоҳи-даги бу маҳзунликда сирли бир нарса, кишини ўзига ром қилувчи аллақандай бир сеҳр бор эди. Шу бонеданми, бошқами, бир сафар Фотиҳ Музаффаровнинг тоққа кет-ганини эшитганида юрагида биринчи марта рашкка ўхшаш ёмон бир нарса қўзғалиб, тонг отгунча тўлганиб чиқди. Шунда рабочком бўлиб кўтарилган чоғларида директор-нинг қочирлиқлари ва тагдор имо-ишораларига бенисанд қарагани эсига тушиб, ҳатто афсус чекди. Шу-шу, аввал-гидан ҳам яхши кийинадиган, ўзига оро берадиган, эрта-лаблари кўзгу олдида узоқ ўтирадиган, нозик атир-упалар ишлатадиган бўлди. Рост, ўша куни тогдан феъли айниб қайтган директор аввал Меҳринисодаги бу ўзгаришни сезмади, бироқ бир-икки кундан кейин пайқаб қолиб, олдин ажабланди, кейин, чамаси, унинг кўнглига қўл солиб кўриш учун:

— Ия, ишлар вадаванг-ку, ўртоқ рабочком? — деб сўради.

— Нимани айтияписиз? — деди Меҳринисо, гўё унинг гапига тушулмаган бўлиб.

— Жа... ясап-тусанлар бошқача-ку?

— Нима, ёқмаяптими? — деди Меҳринисо, ярим ҳазил, ярим гинахонлик билан.

Фотиҳ Музаффаров шарақлаб кулди.

— Йўғ-э! Ёққанда қандоқ! Замонавий рабчоком худди сиздай бўлиши керак! Фақат жамоат ишларидагина эмас, гўзаллик бобида ҳам ҳаммага намуна кўрсатиши керак!..

Шундан бери Меҳринисо директорга рўнара келса юраги ўйнайдиган бўлди. Фотиҳ ҳам қалтис ҳазилу қочирқиқларини кўпайтирадиган, кўришганда қўлларини узоқ ушлаб турадиган, гўё Меҳринисодан аллаималарни кутаётгандай, кўзларига узоқ тикилиб қарайдиган одат чиқарди.

Бугунги азиз меҳмонлар шаънига бериладиган зиёфат қишлоқ билан дашт орасидаги анорзорда ўтиши керак. Бог ўртасида икки қаватли ҳашаматли шийнон бўлиб, унда одатда юқоридан келадиган энг эътимодли меҳмонлар кутилар, бунинг учун ҳамма шароитлар муҳайё, шийнонда махсус ошпаз ва «ишончли» хизматқорлар бор, зотан, директор топширигидан кейин Меҳринисонинг бориб юриши ҳам шарт эмас эди. Шундай бўлса ҳам Меҳринисо бугун одатдагидан барвақтроқ турди, қичиқ атласдан тикилган кўйлаги ва парча-парча қизил гул солинган пахмоқ кофтасини кийди, сочларини чиройли турмақлади. Ниҳоят, пардоз-андоздан кўнгли тўлғач, шахсий «Газиг»га ўтириб, ўша боққа йўл олди.

Ҳақиқатан директорнинг топширигини олган ошпазу қассоблар енг шимариб ишга киришган, қўй сўйилган, қозон осилган, нонлар ёпилган, ҳаммаёқ сараижому саришта, Меҳринисо овора бўлиб бориб юрмаса ҳам бўларкан. Меҳринисо бир-иккита майда-чуйда топшириқ берган бўлди-да, бошқа бригадаларни айлангани кетди.

Тўғриси, дала айланишга ҳам ортиқча зарурат йўқ эди, лекин кечадан бери юрагини чулғаб олган тулғула сира босилмас, тиңчининг батамом йўқотган эди. У бир-икки полизлик ва пахтачилик бригадаларини кўрди-ю, анчадан бери ором бермай юрган шубҳа баттар авж олди. Далада деярли пахта қолмаган, совхоз ишчилари кўринмас, фақат мактаб болалари билан шаҳардан келган ҳашарчиларгина битта-яримта кўсак билан гўза шохларида илиниб қолган пахта тани териб юришар, бўм-бўш этакларини бир-бирига отиб ўйнашарди. Хирмонлар ҳам шипшийдам, бригадирлар

билан механизаторлар қаюрларни тағларига тўшаб, «хангома қуриб» ётишарди. Улар Меҳринисонинг:

— Терим нима бўляпти?— деган саволига мийингла-рида кулиб: «Нима бўларди? Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, онажон!— деб жавоб беришар ва кўзларини олиб қочиншар эди.— Об-ҳаво бахтимизга шундай туриб берса, яна бир-икки центнер чиқиб қолар, аммо-лекин худо кўрсатмасин, ҳаво айтаб қолса борми?»

Бу гаплар Меҳринисони баттар ваҳимага солди. Чунки у билар, совхоз ҳануз йиллик планга нисбатан ҳар куни бир ярим-икки процентгача пахта тошширмоқда, бу суръатда яна бир ҳафтага бормасданоқ план уёқда турсин, мажбурийат ҳам бажарилар эди!.. «Ажабо: директор бунча пахта-ни қаёқдан оляпти экан? Ё пахтаси ҳалиям териб оли-маган бригадалар бормикан? Бироқ бор бўлса бу бригадалар қайда? Ё дадаси... Музаффар Фармонов ёрдам беряп-гавмикан? Эҳтимол, шундай бўлса! Ахир у кишининг қўлидан келмайдиган нарса йўқ, юлдузни бешарвои уради-ган раҳбарлардан деб таърифлашади-ку!»

Меҳринисо хаёл огушида бўлиб, сойга етганларини пайқамай қолган экан, узоқда таниш дарвозани кўрганида-гина ҳушига келди, келди-ю, тунов куни ҳазрат Уккоша ёнида, Нигорахоннинг кўз олдида «кўрсатган ўйинлари» ёдига тушиб, дилида виждон азобига ўхшаиш бир нарса кўзгалди.

Энди ўйлаб қараса, ўшанда сал қуюшқондан чиқиб кетган экан. Рост, қайнона-қайнотаси ҳам яхши қилиш-мади, чунки... Наҳот бу ишлари Меҳринисога маломат келтиришини ўйламасалар! Ахир у ҳозир илгариги Меҳри-нисо эмас-ку? Совхозда учта раҳбар бўлса, шу-лардан биттаси-ку! Одамлар эшитса нима дейишади? Эскиликка муккасидан кетган қайнона-қайнотанг авлиё-лар қабрини тавоф қилиб юришса-ю, сен ўзингни кўриб кўрмаганликка олиб ўтирибсанми, дейишмайдими? Дейи-шади! Демак тугул, баъзи ичиқора ғаламислар юма-лоқ хат ёзавериб, ер қилишади уни! Чунки Пўлат папка айтганидек, Меҳринисонинг ҳар бир қадамили ўлчаб, кур-сиси билан унга биркитилган машинасига кўз тикиб юрган ҳасадгўйлар сони мингта!..

Бироқ нима бўлгандаям, Меҳринисо булчаликка бор-маса бўларкан, чунки ҳар нечук қайнонаси бетоб! У ҳам майли, ўшандан кейин жиллақурса, бир марта келиб ҳол-аҳвол сўрамабди! Олти яшар қизи билан уч яшар ўгли ак-

сар кунлари бувиси билан бувасининг уйида чикин-майди, кўпинча шу ерда тунаб қолишади. Меҳринисо эса...

Меҳринисо шуларни ўйлаб, шофёрга: «Ховлига ҳайданг!» дегиси келди-ю, яна тогдаги воқеалар эсига тушиб, журъат этолмади. У ўз келажагини рўқач қилиб, дол-фарёд солганида қайнонаси Ойсулувнинг: «Қўй, қизим, йиғлама! Сенинг келажагингга тўғаноқ бўлгунча ўлақолганим яхши менинг, жон қизим!» — деган гаплари ёдига тушди-ю, томоғи гин бўғилди!..

Тавба! Унга нима бўлди ўшанда?

Меҳринисо бу хонадонга келин бўлиб тушган кундан бошлаб чол-кампир уни ўз қизларидан яхши кўришса кўришадикки, ёмон кўришмайди! Ҳалиям бўлса шундай. Айниқса шўрлик қайнонаси!

Ҳа, чол-кампирнинг меҳри чексиз эди унга! Ёлғиз ўғилларининг шаҳардан шундай кўҳлик, ақлли, ўқимипли қизини «юлиб олиб» келганидан бошлари осмонда, Меҳринисонини қўйгани жой тополмай, атрофида нарвона эди чол-кампир!

Меҳринисо, бу бегубор, содда, пок хонадонга келин бўлиб тушган илк маъсуд кунлари эсига тушиб, яна кўзига ёш олди.

Одамлар ҳам қизиқ! Ўшанда Шоқосимнинг Тошкентдай шаҳри азимдан Меҳринисодек шаҳарлик қизини юлиб олиб чиққани негадир бутун қишлоқ аҳлини хушнуд қилганди! Келин-куёв ленталар тақилган «Волга»да, Шоқосимнинг ўн нафар дўсти миниб олган ўн чоғлик «Жигули» ва «Москвич»ларда баробар сигнал бериб, қишлоққа кириб келишганда кўчаларни тўлдирган оломоннинг шодон гала-ғовури, болаларнинг хуррам қийқирити, карнай-сурнайларнинг голибона вот-воти-ю, ноғораларнинг гумбур-гумбуридан осмонни фалак ларзага тушганди!

Худди мана шу, катта сой соҳилида, қайнонасининг ху анави қўрғонин олдида, катта гулхан ловуллаб ёнарди. Ҳар қадамда арқонлар тутилган, куёвнавкарлар пулларини сомондай сочиб, келин-куёвни йўлтўсарлардан эсон-омон олиб ўтишиб, ниҳоят, аранг соҳилга чиқишганди. Соҳилда эса, бир ёнда келин кўришга келган кампирлару яса-тусан қиз-жувоғлар, бир ёнда мўйсафидлар, яна бир ёнда уёқдан-буёққа изғиган болалар, ҳаммаёқда қий-чув, кулги, қиз-келиндякларнинг маъюс ёр-ёри авжда эди! Бу қўтилмаган дабдабадан Меҳринисоғина эмас, Шоқосимнинг ўзини ҳам аллақандай талмовсираб қолганди. У негадир дир-дир

титраган Мехринисонинг қўлтигидан олиб, машинадан базўр тушганди. Шу пайт, парироқда, ҳаммаси оқ кўйлак кийиб, бошларига оқ рўмол ўраб олган қайнонлар орасидан бўйчангина, озгингина бир аёл, мўйсафидлар орасидан эса, повча, шонмўйлов бир одам ажралиб, уларга пешвоз чиқинганди. Куёв-келинининг олдига аввал шу шонмўйлов барваста одам келиб, Мехринисонинг пешонасидан ўнган, кейин бўйчангина, озгин аёлга йўл берган, аёл эса олдин қўлидаги қосани Мехринисонинг боши узра гир айлантириб тангаларни сөчиб юборган, сўнг кўзига ёш олиб: «Вой, бўйчанангдан онанг ўргилени!» — деб у юзи, бу юзидан чўли-чўли ўпганди. Қайнонаси негадир ўпкаси тўлиб, пиқ-пиқ йиғлар, аллаималар деб ничирлар, бироқ унинг сўзлари ерга сочилган тангаларнинг шўх жаранги ва болаларнинг хуррам қийқириги тагида қолиб кетганди.

Мехринисо гилт-гилт кўз ёшларини шофёри кўриб қолнишдан кўрқиб, юзини терс ўгирди, сўнг юрагидаги афсуе-падоматга ўхшаш туйғунни босиш умидида, хаёлан яна Шоқосимни айблашга тутинди.

Ха, нега энди турмушларининг издан чиқиб кетишига ёлғиз Мехринисо айбдор бўларкан? Эри ҳам айбдор! Эрми-сан, йиғитмисан, сал қаддингни тутиб, эркакка ўхшаб юр, бундоқ!

Мехринисо кўнглининг бир четида эрига отаётган бу маломат тошларининг ўрниси эканини, айб Шоқосимда эмаслигини, агар у эрининг ёнида бўлганида Шоқосим ҳам бунчалик эзилиб, қадди лол бўлиб қолмаслигини билар, бироқ кўнкарига тунган отдай, аламли туйғуларини жилловлай олмас эди...

У кўз ёшларини секингина артиб, идорага етмасдан машинадан туниди-да, хиёбон бўйлаб яёв кетди. Хиёбон ниҳоясида, идора олдидаги майдоннинг қоқ ўртасида, «Галаба нашидаси» деган улугвор ёдгорлик қад кўтарган эди. Бугун таширф буюрадиган машҳур хайкалтарошлар яратган бу ёдгорликда кўкраги орден, медалларга тўла солдат билан нуруний бир кампир қучоқлашиб турар, кампирнинг олдида голиб отасининг тиззасига бош қўйган дўмбоққипа болакай, улардан парироқда эса, кўзига ёш олиб, эрига термилиб турган кўхликкива бир жувон ўз аксини тонганди!..

Яхлит бетондан қуйилган бу ёдгорлик шундай маҳобатли ва улугвор эдики, унинг қапақалиги кишининг хаёлига ҳам кириб чикмас, ҳамма унга ўз уйи, ўз буюмидай ўрганиб кетишганди!

Меҳринисо бугун негадир, эҳтимол ёдгорликни бунёд этган ҳайкалтарошлар қадамранжида қилаётганликлари учундир, узоқдан унга тикилиб, гўё умрида биринчи марта кўраётгавдек, қизиқсиниб қараб бораркан, тўсатдан хиёбоннинг шундоқ чеккасидаги оппоқ ҳайкалчага кўзи тушиб, беихтиёр тўхтади. Бу — оқ мрамрдан ясалган бир жуфт оққуш ҳайкали эди. Одамларнинг ганига қараганда, битта устунчага ўрнатилган бу ҳайкалчани Нигорахоннинг эри Беҳзод яратган. Унда икки оққуш — бири ўк еб ерга қулаётган, иккинчиси эса уни жон-жаҳди билан ушлаб қолишга талпинибётган оққушлар экан эгган.

Меҳринисо «оёғи остидан чиққан» бу ҳайкалчани илгариги ё кўрган, ё кўрса ҳам эътибор бермаган экан, ҳозир уни кўрди-ю, негаҳон ёпириб келган ички бир туйғуга бўйсуниб, ҳайкалчанинг рўпарасида узоқ тўриб қолди.

Мрамр ҳайкалча «Ғалаба нашидаси» монументининг учдан бирича ҳам келмас, бироқ... ё қудратингдан!.. Нозик дид билан ясалган бу икки қушчанинг жонҳолатда бир-бирига талпинишида, уларнинг бамисоли жонли туюлган мунгли кўзларида кишини зир титратгувчи унсиз бир дард ва чамаси, фақат қушлардагина бўладиган чексиз бир меҳру ғадоқат бор эди!..

Меҳринисо кутилмаганда ёпирилиб келган аллақандай ҳазин туйғуга бўйсуниб, бошидан рўмолини шартта юлиб олди-да, қушларнинг кўзларини, қанотлари ва тумшукларини обдан артди, тозаллади, тозаларкан, яралаган оққуш унга негадир Шоқосимни эслатди-ю, томоғи гин бўғилиб, ўзини боққа урди...

«Ғалаба нашидаси» монументининг муаллифи ҳайкалтарош Мардон Зокиров билан унинг дўсти Ҳалим Салимов зиёфатга кун ботиб, қош қорайиб қолганда келишди. Иккиси ҳам тунд, камган, қовоқлари осилган эди. Меҳринисо кейин билса, улар ўз ёдгорликлари тўғрисида совхоз меҳнатчиларининг хатини олиш учун келишган экан, бироқ идорага одам йиғилмабди. Мардон Зокиров бундан қаттиқ ранжиб, нолий бошлаган эди, Фотиҳ Музаффаров бир оғиз ган билан бу нохушликни ўртадан кўтариб ташлади.

— Э, шу битта хат деб, бутун дарди дунёнгизни қоронғи қиласизми, Мардонқул ака? — деди у пахта гулли пиёлаларга шароб қуяркан.

Мардон Зокиров унга энд бир гамгинлик билан:

— Кошкийди, ҳамма сиздай оққўнгил, олижаноб бўл-

са, укажон! — деди. — Дўстнинг мишга бўлса ҳам оз, душманинг битта бўлса ҳам кўп, деганларидек, Расул Нуридинов деган битта «дўст»имиз бор, мишга душманга татийди. Ҳадеб биздақа заҳматкашларни камситгани камситган. Шуларни оғзига бир қопқоқ бўлармиди бу хат, дегандик-да, укажон. Ё нотўғрими, Ҳалимжон?

— Тўғри дейсиз-қўясизми, устод? — деди Ҳалим Салимов оғир хўрсиниб. — Ғиринг деёлмай қоларди-да аммо!

Нимаси биландир узун ходани эслатовчи бу одамнинг товуши худди пайда чалинган мушгли куйдай ҳазин эшитилиб, даврага бир зум оғир жимлик чўкди.

— Хўп, бу гапга чек қўяйлик! — Фотиҳ Музаффарович шитоб билан ўрнидан туриб, кўлига шароб тўла пиёлани олди. — Шу бугундан эътиборан, бизни — совхоз ишчиларини ҳимоячимиз деб ҳисоблайверасиз, Мардонқул ака! Қани, қарсак, ўртоқлар, қарсак!..

Дастурхон атрофига йиғилганларнинг қарсак ва кулги-сиши Мардон Зокировнинг кўз ёши аралаш титроқ овози бўлди:

— Ташаккур, азизлар. Бу яхшиликларингиз биздан қайтмаса, фарзандларингиздан қайтгай, Фотиҳжон! Фақат сиздан яна битта илтимосим бор, укажон!

— Хўш, хўш?..

— «Ғалаба нашидаси»-ку, ўз салобатига мое бир жойга ўринатилган. Бунинг учун раҳмат, азизим. Аммо... ўз асарини ўзи мақтайти деманг, укажон... Аммо... шундай улугвор ёдгорликнинг рўнарасига анов чучмал, бачкана ҳайкални кўндириб қўйиш тўғри бўлармикан, укажон?

— Қайси ҳайкални айтияписиз? «Садоқат» эмасми?

— «Садоқат» эмиш! Топган номини қаранг! — деди Мардон Зокиров. Унинг овози қайта дўриллаб, илгариги таҳдидли оҳанглар янгради.

Фотиҳ Музаффаров негадир бетоқат бўлиб:

— Бас! Бу гапларга пуқта қўямиз! — деди қатъий овозда. — Совхоз ишчилари помидан ёзилган коллектив мактуб чўптагимда деяверинг! Бу хатда ишчилар синфи пафақат сизнинг буюк асарингизни ҳимоя қилади, балки ўша ўзингиз айтган душманларингизга ҳам қақшатқич зарба беради!

Ўртага чўккан сукутни Мардон Зокировнинг ҳаяжонли, титроқ овози бузди:

— Сизларга миш бор ташаккур, азиз дўстларим!

Ғанимга ишонинглар: кампа ўзим учун эмас, адолат учун курашялман, холос!

— Балли! — Зокировнинг йўғон товушини Ҳалим Салимовнинг сурнайдай ийгичка, чийиллоқ овози бўлди: — Уртоқ директор! Балки сиз ўйларсизки, ичиқора, бахил одамлар фақат хўжалик раҳбарлари орасидагина кўп деб. Йўқ, афеус-надоматлар бўлсинким, улар бизнинг соҳамизда, муқаддас санъат соҳасида ҳам тўлиб-тошиб ётибди.

Музаффаров қовоғини солиб мийиғида кулди:

— Биламиз! Ҳаммасидан бохабармиз, ака!.. Аммо сизларга ҳам ҳайронман, акалар! Модомики, ораларингизда бундай ичиқора одамлар бор экан, фош этмоқ лозим бунақа... «Гиря»га ўхшаган бачкана асарларни осмонга кўтариб, сизларнинг улугвор асарларингизни ерга урувчи бунақа... тугуриқсиз, бахил, сохта олимларни! — Фотиҳ шундай деб қўл соатига кўз ташлади. — Бир қошиқ қонимдан кечасиз, Мардонқул ака! Сиздай улкан санъаткорлар суҳбатидан баҳраманд бўлиш биз учун катта бахт. Аммо... На чора? Биз, ўртоқ рабобком билан бирга ярим соатдан кейин райком бюросида бўлишимиз шарт!

— Ҳечқиси йўқ, бемалол, бемалол, — деди Мардон Зокиров. — Фақат шу ҳужжатлар...

— Ҳали айтган мактубни эртагаёқ тегишли жойларга жўнатамиз. Ҳозир... менинг «Волга»м сизларнинг ихтиёрларингизда. Мава, Пўлат напка... яъни Пўлат акамлар кузатиб кўядилар сизларни! Қани, кетдик, ўртоқ рабобком.

Меҳринисо ўридан арабг туриб, меҳмонлар билан арабг хайрланди. Мардон Зокиров унинг қўлини ўпиб, алланималар деб хушомад қилди. Ҳалим Салимович эса Тошкентга тушганда кириб туришини илтимос қилиб, адрес ёзилган чиройли карточкасини берди. Бироқ Меҳринисо уларнинг бирор ганини яхши илғаб ололмади.

У бир неча ойдаи бери аллақандай соғинч аралаш ваҳима билан кутаётган кўрқинчли ҳодиса шу бугун, ҳозир, бир неча дақиқадан кейин рўй беришини сизди. Сизди-ю, ўзи ҳам кутмаган ҳолда кўзига ёш олди. Хаёлидан эса:

«Қаёқларда юрибсиз, мени бу гурбатларга ташлаб қўйиб, Шоқосим ака?» — деган фикр ўтди. Бошда кўз ёшига қўшилиб келган бу аламли ўй зум ўтмай гивакудуратга айланди: «Баттар бўлинг! Ким сизга ёш қаллиғингизни бировларга ташлаб қўй деган! Садқан йигит кетинг!»

У бир ўйи секингина чап бириш хаёлига ҳам борди, бироқ шу пайт пастга тушиб кетган Фотиҳ Музаффаровнинг ширакайф ўктам овози эшитилди:

— Ўртоқ рабочком, кеч қоляпмиз, сал қимирланг!

Меҳринисо ҳамон юрагини ҳовучлаб пастга тушди.

Фотиҳ Музаффаров сал нарироқда тўхтаган Меҳринисога яқинлашди.

— Сизнинг машинангиз борми? Бор бўлса... Шофёрингизга айтинг — хоҳласа шу ерда қолсин, хоҳласа уйига кетаверсин!

Меҳринисо бир сапчиб тушди:

— Вой, мен унга қандай айтаман бу гапни?

— Оббо, бу хотинлар! — Фотиҳ жаҳл билан қўл силтаб, «Газик» томон кетди. Шофёр машинада ухлаб ётган экан, уни уйғотиб алланималар деди. Шофёр машинадан тушди. Директор унинг ўрнига чиқиб ўтирди-да:

— Ўртоқ рабочком! — деб чақирди. — Чиқинг машинага! Бюрога кечикяпмиз, ахир!

Меҳринисо юраги тузоққа тушган қушдай питирлаб базўр машинага чиқди. Ўзи билан ўзи овора, у анчагача нима бўлаётганини, қаёққа кетаётганликларини билмади, фақат қишлоқдан чиқиб, катта асфальт йўлга тушганларидагина ўзига келди: дашт йўли!

— Вой, қаёққа кетяпмиз?

Фотиҳ Музаффаров жавоб бериш ўрнига тўсатдан машинани четга олди-да, Меҳринисонинг билагидан ушлади:

— Жонгинам! Сизнинг висолингизга етадиган кун ҳам бор экан-ку!

Фотиҳ шахт билан Меҳринисони ўзига тортди-да, унинг лабларидан, юаларидан, қош-кўзларидан ўна бошлади. Меҳринисо ярим беҳуш, ўтирган жойида питирлаб, унинг қучоғидан чиқмоқчи бўлар, лаблари, юзларини яширишга уринарди.

Ногаҳон Фотиҳ Меҳринисони қўйиб юборди-да, машина фараларини ёқиб, газ берди.

— Ҳозир бир жойга борамиз! Бирор тирик жон йўқ! Бир кеча бирга бўламиз, жонгинам!

Меҳринисо хануз дир-дир титраб ёлвориб кўрди:

— Жон Фотиҳ ака! Қўйинг! Юрагим уйнаб кетяпти!

— Биз ҳам шу юраккинангизни ўйнатиб учун оикетяпмиз-да, жонгинам! — Директор бир қўли рулда, бир

қўли билан яна Меҳриносони қучмоқчи бўлганди, машина йўлдан чиқиб, ағдарилиб кетишига оз қолди. Шу-шу, Меҳриносони нарироққа сурилиб ўтирди-да, гужанак бўлиб олди. У ҳамон дағ-дағ титрар, назарида мудҳиш бир чоҳга қулаб тушаётгандай туюлар, лекин энди тўхтаб, орқага қайтишининг иложи йўқлигини ҳам сезарди.

Олдинда, жуда йироқда, улар томон келаётган машина фаралари қоронғиликда бир ўчиб, бир ёнган кўринди. Машина жуда тез келаётган бўлса керак, сал ўтмай яқинлашиб келди-ю, яна фаралари бир ўчиб-ёнди. Фотиҳ Музаффаров гўё унга йўл беришни истамагандай, на машинани ўнгга олар, на фараларни ўчириб-ёндирарди.

Меҳриносони жон ҳолатда рулга ёпишган эди, Фотиҳ машинани сал четга олиб, моторни ўчирди, сўнг, бетоқат ҳаракатлар билан унинг ёқасини юлқиб очди-да, оппоқ бўйни, юзи, кўкракларидан ўна бошлади. Меҳриносони унинг бебош йиғитлик эҳтиросига бўйсуниб, деярли беҳуш сулайиб ётар, фақат ҳолсизгина илграрди, холос.

Узоқдаги машина иккала чироғини ёқиб, тобора яқинлашиб келарди. Маана, унинг иржектордай кучли нури Меҳриносонинг юзини силаб ўтди. Меҳриносонинг кўзи ёнларидан учиб ўтган машинага тушиб, юраги орқасига тортиб кетди.

— Вой ўлмасам! Бизни «Жигули!»

— Нима дейсиз? Қайси «Жигули»ни айтяписиз? — деди Фотиҳ ҳансираб.

— Айтяпман-ку, бизни «Жигули» деб. Рулда Шоқосим акамлар! Кўрдилар бизни! — Меҳриносони шундай деб, ялт этиб орқасига қаради.

Ҳақиқатан, ҳозиргина ёнларидан учиб ўтган «Жигули» нарироққа бориб тўхтаган, энди орқасига бурилимоқда эди.

Меҳриносони саросима ичида кафтларини тишлади.

— Тапидилар! Шарманда бўлдик энди!

Фотиҳ унинг қўлини огритиб сиқди-да, ўдагайлаб берди:

— Нега шарманда бўлар эканмиз! Областга, мажлисга кетяммиз. Тамом. Вассалом! — у шундай деб машинага қаттиқ газ берди. Бироқ «Жигули» чаққон эмасми, зум ўтмай уларни қувиб ўтди-ю, шартта бурилиб, катта йўлни тўсиб олди. Фотиҳ эса, гўё буни кўрмагандай, гўё уни четлаб ўтишни хаёлига ҳам келтирмагандай, тўғри босиб борарди.

Мехриёсо ҳаммақоғозни ушғиб, сивиди.

— Йон Фотиҳ ака! Тўхташ! Тўхташ дейман сизга!

Фотиҳ ё унинг фарёдини эшитмади, ё ваҳима босиб тормоз бермай уришга газ бериб юборди. Чунки «Газик» худди ўк билан йириқчидек ўвириб юборди-ю... уёғи нима бўлди? Мехриёсо буни яхши англамай қолди: фақат машиналарнинг бир бирига тарақлаб урилганини, сўнг қандайдир, ўг чиқиб, ҳаммаёқ ағдар-туштар бўш кетганини билди, холос.

Машиналар тўқнашганда унинг пешонаси нимагадир тегиб, оғриқдан бир зум хушидан кетиб қолган экан, ўзинга келганда зовур томон бир ёнига ёлбонлаб қолган «Жигули» ни кўрди. Фотиҳни эса чамаси бало ҳам урмаган, у қийнашиб ётган «Жигули»нинг ёнидан қайтиб келарди.

Мехриёсо аранг нафас олиб:

— Нима бўпти? — деб сўради. — Тирикчилар, инқилиб?

— Билмасам! Ётибди-ку қовга бўялиб! Ўзинга ўзи қилди, даъвос! Одам деган ҳам шунчалик рашқчи бўладими? — Фотиҳ радиаторлари начоқ бўлиб, капотлари майиниб қолган «Галик» олдида тўхтаб, сигарета чекди. Унинг юзига қараб бўлмас, кўчалари олазарак, қўллари безгак тутган одамнинг қўлларидай дир-дир титрарди.

Мехриёсо машинанинг эшигини базўр очиб, ерга сакраб тушди, тушди-ю, қоронғи кечани зир титратиб, фарёд чекди:

— Шоқосим ака!

У «Жигули»га қараб талвинган эди, Фотиҳ қўлидан тизил ушлади:

— Фарёдингизни кейин чекасиз! Гапимга қузоқ солинг, хоним! Иккимизнинг бу ерда туришимиз... ҳам хатарли, ҳам бекфойда. Мен ҳозир бориб, «Тез ёрдам»га телефон қиламан!

— Фотиҳ ака! Ахир мен бир ўзим...

— Оқ-воҳингизни бас қилинг! Ҳозир бирорта машина кел қолганиям мумкин. Кел қолса, «Тез ёрдам»ни кутмай опкетаверасиз эрингизни!

— Фотиҳ ака!..

— Йнги-снгиғизни йнгиштиринг дедим-ку сизга! Мен дарҳол ГАИ билан гаплашишим керак! Шарманда бўлмаслиғимизнинг йўлини қидиришимиз керак! Гунажми кўзини сузмаса, букача иини узмайди. Мени йўлдан урган ҳам сиз! Боринг! Кўзи билгиллайвермай эрингизга

қараиғ! Апа, битта машина келяпти! Құл кўтарсанғиз тўхтайд! Эриигизни касалхонага оборсанғиз нур устига нур! Фақат бирга бўлганимизни айта кўрманг! Бари бир бефойда!

Фотих Музаффаров, буving ҳаммасини телбаларча гўлдираб, саросима ичида даг-даг қалтираб айтди-да, ўзини қоронгиликка уриб, гойиб бўлди.

Меҳринисо текис йўлда қоқилиб, қийшайиб ётган машина томон талнинди. «Жигули»нинг битта фараси ўчган, иккивчиси ёниб турибди. Руль билан суюнчиқ ўртасида кўкраги эзилиб қолган Шоқосим пачоқ эшикка бошини кўйиб беҳуш ётар, унинг чап кулоғидан худди чакка томаётгандек битта-битта қош томарди.

Меҳринисо пачоқ эшик олдига тиз чўкиб, эрининг бошини қучди-ю, яна қоронги кечани зир титратиб фарёд чекди:

— Шоқосим ака! Сизга нима бўлди, жонгинам? Сиз ўлгунча мен ўлай, акажоним менинг!

Ўн биринчи боб

(1)

Ўгли қишлоққа кетган кечаси Шораҳим шоввоз алламаҳалгача кўзига уйқу келмай, сахармардон ўрнидан турди.

Кўкда юлдузлар хануз чарақлаб турар, фақат осмоннинг шарқ-томони элдигина оқара бошлаган эди. Шийпондаги студентлар ҳали гарқ уйқуда, эғвига қалин фуфайка кийган, бўрсикдай семиз студент йигит иккита катта бак тагига ўт ёқиб, чой қайнатиш тараддудида. Ҳаво очик, бироқ салқин, олоқ тоғ томонидан эсган гир-гир шабада атни жулжиктиради.

Шораҳим шоввоз шонилмай, аста юриб, қўргонни айлашиб чиқди, шийпон олдидаги тоқларни, бир-икки йил аввал экилиб, ҳозир туя бўйи бўлиб қолган шафтоли, олма ва ўрик ниҳолларини, ариқ ва зовурларни бир-бир кўздан келтирди.

✓ Кўкдамда келганида (унда келини Меҳринисо ҳам шу ерда эди) шийпон олдидаги ёш ниҳоллар кўзига жуда иссиқ кўринган, яна бир-икки йилда шийпон атрофида кат-

та, кўркам бог пайдо этишига иноиб, ичида ўгли билан келишидан жуда мамнун бўлган эди. Энди қараса, тоқлар бамисоли чирмовуқдай ҳар тарафга ўрмалаб, ер билан бир бўлиб ётибди, қайчи тегмаган навнихоллар бетартиб шох ёзиб тарвақайлаб кетибди, ариқ ва зовурлар кўмилиб, қамишлар тиралиб қонти!

Шоввоз аввал ўглидан ранжиди, кейин унинг аҳвол-руҳияти эсига тушиб, туз ютгандай ичи ачишиб кетди.

Боз устига, кеча ўглига айтган гаплари-чи? Илон пўст ташлайдиган бу гапларни айтиб, йигит кишининг ҳамиятига теккани-чи?

Шоввоз шуларни ўйлаб кўнгли хира бўлди-ю, бу дил-сиёҳ хаёллардан қутулиш учун тоққайчи топиб, тоқларни, навнихолларнинг ортиқча шохлари, тагидан тешиб чиққан бачки буталарни битта қолдирмай кесиб ташлади. Бундоқ қараса, дов-дарахтлар бир лаҳзада худди соқол-мўйловлари қиртишланиб, сочлари таралган йигитлардай яшариб, бог аллақандай очилиб кетибди. Шоввоз буни кўриб, ўзи ҳам завқланди-да, бир пиёла чойни наридан-бери ичиб, чопиққа киришди.

Бу орада арқон бўйи кўтарилган ва даставвал шуъласи гўдак кафтларидай майин туюлган офтоб тобора жунбишга кириб, тандирдай қиздира бошлади. Аммо Шоввоз ҳам бўш келмади, эгиндаги чопонини ечиб, кўйлагигача туширди-да, кўксини шабадага тутиб кетмон деганини ураверди-ураверди. У ҳар ўн беш-йигирма қадамда тўхтаб орқасига бир қараб кўяр, шунда тиззага келган янтоқ, ажриқ ва қамишлардан тозаланган бог боягидан ҳам очилиб, аллақандай яйраб, унга меҳр билан тикилаётгандай туюларди-ю, кўзларига қуйилаётган қора терни сидириб ташлаб, яна зил-замбил кетмонга ёнишарди. Ўз ишидан ўзи завқланган Шоввоз кетмонни шу урганича уриб, қоқ пешинда салкам йигирма сўтих келадиган жойни батамом чопиб, текислаб, қуриб-қовжираб қолган ёввойи гиёҳлардан тозалаб чикди-да, шийпонга боришга ҳам мажоли етмай, ариқ бўйидаги ажриқзорга чўзилди.

Ҳақиқатан кўз кўрқоқ, қўл ботир деганлари рост экан. Мана, қамиш ва ажриқ босиб, кўзига хунук кўриниб турган бог бирпасда гўё юзидан чимматини олган келин-чакдай очилиб, яшнади-қолди!

Тепага келган офтоб худди ёздагидай қиздира бошлади, бироқ қора терга тушиб, кўйлаги танасига ёнишиб қолган Шоввозга унинг тафти чивни чаққандай ҳам таъсир қил-

мас, аксинча, ажриқзорда юзини кунга бериб, чалқанча тушиб ётаркан, дилида ажиб бир равшаблик ва аллақандай ички ифтихор туярди.

Шоввоз ҳеч қачон ишдан, қора меҳнатдан қочган эмас. Богбонлик унга отамерос. Марҳум отаси унга, агар янглишмаса, олти-етти яшар вақтидаёқ богбонликдан сабоқ берган, бог жамоли богбондан деб, токни хомтоқ, дарахтларини найванд қилиш хунарини ўргатган, дарахтлар қачон «сут» беради-ю, қачон «қисир» қолади — бу илми сув қилиб ичирган эди. Шу боис қишлоқда энг кўркем бог уларнинг боғи ҳисобланар, шу боис Шоввоз, бирорта қаровсиз боғни кўрса жазаваси тутиб, бог эгасидан сўраб ўтирмасданоқ кўлига қайчи оларди.

Шоввоз, азбаройи ҳолдан кетганидан ётган жойида доғ қотиб ухлаб қолган экан, бир маҳал кимнингдир турткисидан уйғониб кетди.

Тенасида гилай тарозибон турар, унинг пахта гарди юккан афти-башараси, ола-кула кўзларида аллақандай саросима ифодаси бор эди.

— Қишлоқдан машина келувди, қайтиб кетяпти. Қола-сизми ё...

Шоввоз кўзларини уқалаб, қаддини ростлаб ўтирди.

— Шоқосим келмадимми?

— Йўқ... — Тарозибон нимагадир бесараижомланиб кўзини олиб қочди. Шоввоз тўсатдан ёмон бир нарсанинг шарнасини сезиб, ўтирган жойида тош қотди.

— Қайтадиган мавриди бўлди-ку? Нега кечикдийкин, а?

Тарозибон қош-киприкларидаги пахта гардини артиб:

— Нима ҳам қиласиз бу ерда? — деди. — Бораверсангиз ҳам бўларди, Шоввоз!

Гилай ниманидир айтишга тили бормай, чайналаетгани аён эди. Шоввоз бир ўйи: «Гилай кўзинини алап-жалап қилавермай очигини айтавер, хумпар!» деб, унинг астар-аврасини ағдариб сўкишга чоғланди-ю, ўзини арапг босди. Бурун ҳеч қачон ҳис этмаган совуқ ваҳима вужуд-вужудигача музлатиб, уни бир зум қарахт қилиб қўйди.

— Машина қани? — деди у эти жувижикиб.

— Хирмонда. Сизни кутиб турибди, — тарозибон гилай кўзларини яна яширди.

«Ёнирай! Ўзимга ўхшаган қизиққон йиғит, жаҳд устида қалтис бир иш қилиб қўймаган бўлсин ишқилиб!»

Шоввоз, ҳозиргина чопилган ерни билқ-билқ босиб,

шийповга ўтди-да, устунга осилган чопонни елкасига танилаб, хирмон томон кетди. У хайдовчидан бирор гап эшитарман, деб умид қилган эди, бироқ элликларга бориб қолган мўйсафид шофёр ҳам ундан кўзини олиб қочди. Шораҳим гап сўрашга ҳам юраги дов бермай, кузовга чиқиб, қон-қанорлар устига чўзилди...

Машина қинлоққа кун ботиб, қон қорая бошлаганда кириб борди. Шофёр уни сойгача олиб чиқиб кўйди-да, хайр-хўшнинг ҳам насия қилиб, бўш машинасини тарақлатиб жўнаб қолди. Бу ҳам яхшилик аломати эмас эди.

Шоввоз, юраги худди кўксига сигмагандай гурс-гурс уриб, дарвозани очди. Ташқи ҳовлида эгарланган қора қашқаси негадир оғил устунга қантариглиқ турар, ички ҳовли, тўғрироғи, боғ ўртасидаги уйдаи па милт этган чироқ кўринар, па тик этган товуш эшитиларди.

«Е қудратингдан! Буларга вима бўлди, кўчиб кетган кўрага ўхшаб қонти-ку?»

Шоввоз мадор қолмаган оёқларини араиғ судраб, ўп-ўп беш кадам юриб борди ва шундагиша рўнарадаги айвонда, невараларига ёзилаган тўшакнинг бир чеккасида муғгайиб ўтирган Ойсулувнинг эти устихонига ёнишиб қолган повча жусеасига кўзи тушди.

Чамаси, барвақт бўлишига қарамасдан, неваралари ухлаб қолишган. Ойсулув эса кўзи тўрт бўлиб, уни пойлаб ўтирарди. У Шоввозни кўриб, пайнасланиб ўрнидан турди-да, айвондан тушди.

— Мен шўрликни не кўйларга солиб, қаёқларда юриб-сия, дадаси? — Ойсулув невараларини уйғотиб юборишдан кўрқиб, шивирлаб гапирди-да, дардмаид вужуди силкиниб, пиқ-пяқ йиғлаб юборди.

Шоввоз жойидан кўзгалшига мажолни етмай:

— Нима бўлди? Тинчликми ўзи? — деб араиғ сўради.

— Тинчликми дейдилар-а? Директор билан келинингиз қай гўргаям кетяиған экаи. Ўўлда ўглиниғиз учраб қолиб, уларни кувиптими-ей, директор машинаси билан бостириб бориб уриб кетиптими-ей! Қишлоқ тўла дув-дув гап, қайсеи бирини айтай сизга...

— Шошма, Сулувжон! — деди Шоввоз бўғиқ овозда. — Шоқосим... омонми ишқилиб?

— Углиниғиз касалхонада. Ўзини билмай ётганмиш! — Ойсулув уввос тортиб юборишдан кўрқиб, қўллари билан оғзини шапна тўсиб олди-ю, айвон қиррасига ўтириб, унсиз титрай бошлади.

Шоввоз уни юпатгиси, нимжон елкаларини слагисен келди, бироқ журъат этмади. Қўли хотинининг елкасига тегини билан у ҳам ўзини туюлмаи ўкириб юборинини, сўнг, неваралари уйғониб, қоронғида дол-фарёд кўтарилишини тасаввур этди-да, секин шивирлаб:

— Элдан бурун ваҳима қилма, Сулувжон! — деди ўпкасини зўрга босиб. — Билимдон докторлар кўн хозир. Бало-қазодан ўзи асрасин. Сен сабр қил, Сулувжон! Мен шифохонага бориб келай.

Ойсулув миқ этмади.

Шоввоз, гўё унинг эргашинидан кўрққандай, оёқ учиди юриб, орқасига қайтди.

Шоввозни кўрган қора қаниқа олдинги оёқлари билан ерни тақ-тақ уриб, секин ишиқириб қўйди. Шоввоз қандайдир ички бир туйғуга бўйсуниб, унинг бўйнидан кучоқлади. Бир маҳаллар эгасининг истагини битта турткисиданоқ сезиб, улоқларда не-не даврани ёриб чиқиб юрган қора қаниқа, хозир ҳам гўё Шоввознинг ишкаста дилидаги беаёв дардларини фаҳмлагандай, узун бўйинини назокат билан буриб, қараб-қараб қўйди; унинг олхўридай йирик, қоп-қора, серкириқ кўзларида меҳр аралани ҳамдардликка ўхшаш бир нарса аке этди.

Енрай, унга нима бўлди! Қариллик сизга бошладими ё ёш боладай бўш-баёв бўи қолдими? Отига миниб касалхонага чопини ўринга унинг бўйнидан кучиб, тилсиз жонивордан ҳамдардлик кутиб турса? Хотини бўи кет-о!

Тунов кунгидан салгини кичрайган ой кўкда хануз тирик ярқираб турар, сой ва сойининг у юзидаги катта қишлоқ унинг гўё сўт билан йўғрилган ошноқ, осуда шуъласига гарқ бўлиб, тўйган кўзинчоқдай тишгина мудрар, фақат тепада, қадимги кент томонда радио карнайдан маънос бир куй сокин дарёдан аста қуйиларди.

Шифохона бир чақиримча қуйида, сойининг у юзида, идорага яқин жойда эди. Шоввоз отининг бошини ўнганга буриб, сой ёқалаб кетди.

Улкан сой, одатдагидай кимсасиз, у ер-бу ерда ўтлаб юрган от ва эшаклардан бошқа бирор тирик жон кўзга чалинмасди.

Ажаб ҳол, бир маҳаллар, Шоввоз болалик чоғларида, худди мана шундай шом пайтларида, қишлоқда энг гавжум, энг файзани жой — мана шу кўм-кўк сой бўларди. Унда кентдан, яъни қишлоқ ўртасидаги эски қалъадан ёш-яланглар «кўчиб» чиқинлар, улар гурух-гурух бўлиб,

тонготар бекинмачоқ ўйнашар, кимларнингдир болохопаси ва сомонхоналарига яшириниб, тонг отгунча тўполон қилиб чиқишар эди. Энди эса...

Қаршида эшак минган иккита қария кўринди, касалхонанинг боғ кўчасидан учиб чиққан «Жигули» қирга ўрлаб кетди. Шоввоз негадир қариялар билан дуч келгиси келмай, отининг бошини чапга бурди-да, боғ кўчага «шўнгиди».

Касалхона шу кўчанинг охирида, эски ўрикзор боғнинг ўртасидаги бир қаватли кўримсизгина бинога жойлашган эди.

Дарвоза ланг очиқ, боғда, чироқ осилган қари дарахтлар тагида битта-иккитагина одам демаса, ҳеч ким йўқ, гўё касалхона беморсиз эди, фақат очиқ деразаларга яқинлашгандагина Шоввоз ичкарида ўтирган қўл-оёқлари дока билан чирмалган уч-тўртта болалар, узун, бесўнақай халатларининг этаклари билан ер супуриб юрган чолу кампирларни кўрди. Шоввоз кўривиши билан бировларнинг юзида ачиниш, бировларнинг юзида қизиқиш аке этди, баъзилар бир-бирларини туртиб, шивир-шивир қилиб қолинди.

Шоввоз билар: бош врачнинг хонаси узун, тор йўлакнинг энг охирида, ўнг қўлда эди. Гарчи, икки томондаги қатор эшикларнинг аксарияти очиқ турса ҳам йўлак нимқоронғи эди. Шоввоз димоғига гул этиб урган ёқимсиз дори хидидан кўнгли беҳузур бўлиб, гира-шира йўлакка қадам қўйиши билан чап қўлдаги эшиклардан бири очилиб, ундан эгнига кир-чир оқ халат кийган ўрта яшар бир жувон чиқди. Жувон Шораҳимни кўриб, гўё таниш ҳамқишлоғи эмас, ёввойи бир йиртқичга дуч келгандай, йўлак тупқарисига қараб югурди-да, бора солиб, ўзини бош врачнинг хонасига урди.

Ё алҳазар! Нега бу хотин ундан азроилдан кочгандай қочди? Наҳот унинг вазоҳати шунақа... эшак ҳуркитгудек бўлса?

Шоввоз қадамини тезлатди. Лекин у бош врачнинг хонасига яқинлашиб қолганида ичкаридан бояғи жувон отилиб чиқди-да, гавдаси билан эшикни тўсиб олди.

Шоввоз ичкаридан келган қандайдир шарақ-шуруқ, тарақ-туруқ овозларни эшитиб:

— Дўхтир борми? — деб сўради қалтироқ босиб.

Жувон қулочини ёзиб, оёқларини полга мустаҳкамроқ тираб олди:

— Бош врачимиз бандлар!

Шоввоз нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, жувоннинг қўлларидан ушлаб, бир силташда четга отиб юборди. Жувон учиб кетиб, йўлакни бошига кўтариб айюханнос солди:

— Войдод! Ҳлдим!

Лекин Шоввоз жувон томонга қайрилиб ҳам қарамади, хоналардан мўралаган дардмандларга ҳам эътибор бермади, бир тепишда эшик зулфини узиб, ичкарига қадам кўйди.

У кириши билан димоғига гул этиб ароқ ҳиди урилди.

Деразаси боққа қараган, каттагина, чорбурчак хонанинг тўрида... шифохона бош врачн Ҳаким кичкина билан совхоз директори Фотиҳ Музаффаров, худди генерални кутаётган аскарлардай қаққайиб туришарди. Дераза тагидаги ёзув столида бир шиша ароқ билан бир лаган узум, чала тишлаб ташланган олма, тузланган бодрийг ва қовурилган товуқ суяклари уқулиб ётарди.

Фотиҳ Музаффаров Шораҳимни кўриши билан тўсатдан сакраб столга чиқди, бир тепишда деразани шарақлатиб очди-да, ўзини қоронғи боққа отди.

— Тўхта, аблаҳ! — Шоввоз унинг кетидан деразага отилди, бироқ Ҳаким кичкина қулочини ёзиб унинг йўлини тўсди:

— Вазмин бўлинг, Шоввоз!

— Мен вазмин бўлай?! — деди Шоввоз ҳансираб. — Сен бўлса дўхтир деган помингни булғаб, у муттаҳам билан ароқ ичиб, кўнгилхушлик қилиб ўтир!

Ҳаким кичкина пошнаси баланд туфлиси билан полда дик-дик сакраб, Шоввозга яқинлашди.

— Агар бир қултум ичган бўлсам... ҳар нима бўлай, Шоввоз! — деди у ва оғзини катта очиб «пуф» деб пуфлади. — Бу ўпка ўзи, директорни айтаман, қилгиликни қилиб кўйиб, аламини ичкиликдан олиб юрибди! Шуни билиб кўйинг, Шоввоз, агар ўглингиз омон қолса... уни мана шу ёмон Ҳаким кичкина олиб қолди деяверинг!

— Ўғлим қани ўзи? — деди Шоввоз бетоқат бўлиб.

— Ўглингиз район касалхонасида. Кеча қўлимидан келган ёрдамни кўрсатиб, ўша заҳотиёқ районга жўнатганмиз уни!

Шоввоз ёнида турган эски диванга «шилқ» этиб ўтириб қолди. Анчадан кейин сал ҳушини йиғиб:

— Унга нима бўлган ўзи? — деб сўради.

Ҳаким кичкина огир хўрсиниб, қўлини силтади.

— Уегини сўраб-суриштириб, ўзингизни қийнаб ўтирманг, Шоввоз. Қисқаси... боши лат еган, кўкраги эзилган...

Шоввоз тўсатдан хаёлига келган фикрдан бутун вужуди музлаб:

— Умид борми ишқилиб? — дея олди базўр.

— Ҳар қалай... ҳамма чоралар кўриляпти. Хабарлашиб турибмиз. Сиз... сабр белбогини маҳкамроқ боглаб турингчи, ноумид шайтон дейдилар-ку, ахир!

Шундан кейин пима бўлди, Ҳаким кичкина яна пима деди-ю, у нима қилди — Шоввоз буни эслай олмайди. Назарида, бир неча дақиқа мудҳиш бир ўпқон қаърига йиқилиб тушди-ю, ундан тирмашиб-тортишиб, аранг чиқди. Бир маҳал қараса, дарвозадан кирган жойдаги теракка қаантариб қўйилган қора қашқанинг ёнида турипти.

У калласини омбурдек сиқиб олган совуқ ваҳимани миёсидан аранг даф қилиб, отига аранг минди-да, касалхона ховлисини тарк этди. Кейин... ўзи сезмаган ҳолда яна ўша қора ўпқон қаърига йиқилди-ю, тагин бир неча вақт нима бўлганини билмай қолди. Бу сафар қора қашқа юришдан тўхтаганидагина ҳушига келди. Қараса, ўз ховлиси, ўз дарвозаси олдида турибди.

Во дариг! Бу не сипоат? Шаҳарга бориб, ўглидан хабар олсин ўрнига нега яна уйига қайтиб келди? Уйда нима қилади? Ойсулугга нима дейди? Шоввозни бу забун аҳволда кўрса, усиз ҳам дарди дунёси қоронги бўп ётган Сулужоннинг ҳоли не кечади? Ўтақаси ёрилади-ку, шўрликнинг?

Шоввоз, гўё уни Ойсулуг кўриб қолиб, бўзлаб юборишидан қўрққандай, шоша-пиша отининг бошини орқага бурди. У сой бўйлаб ярим чақиримча юргач, чап қўлга бурилди-да, икки ёни паҳса девор билан тўсилган қивгир-қийшиқ кўчалардан ўтиб, шаҳарга борадиган катта йўлга чиқиб олди.

Ҳали барглари тўкилиб битмаган туташ боғлар, катта йўлнинг икки томонидаги бир хил оқ бинолар тинч, осуда уйқуга чўмган. Йўқ, фақат қишлоқ эмас, бутун олам гўдак табассумидай сокин, беозор, осойишта уйқу огушида ширин тун кўрмоқда, гўё бутун кенг жаҳон беғалва-беташвиш, масъуд ҳаёт нашидасини сурар, ёлғиз Шоввозгина бахтсиз, гўё фақат угина таҳқирланган, хўрланган, жабрланган.

Шоввоз, тўсатдан лабларида нордон бир нарсани сезди-

да, дагал кафтлари билан хўд бўп қолган соқол-мўйловларини артди.

«Е тавба! Бир кам олтмишга борган мўйсафид... сенга нима бўлди, Шораҳим? Биров кўрса нима дейди?» — деди у ўзини койиб, бироқ хаёлига бу фикр келиши билан бирдан ўнкаси тўлиб, томоғи гин бўғилди.

Ахир у, Шоввоз, нима гуноҳ қилдики, уст-устига бошига бу мусибатлар тушса? Қайси ёзуқлари учун уни бунчалик хўрлайдилар, таҳқирлайдилар? Адолат қайда? Гуноҳи — салкам қирқ йил ором нималигини билмай, туну кун даладан чиқмай кетмон чопганими? Нафақат ўзи, хотин, бола-чақасига ҳам ором бермай, қишип-ёзини тиззадан қор ва лоё кечиб ишлагани учун азият чекаптими у?

Бир маҳаллар доврўғи бутун ўлкага кетган қўли гул миришкор боғбон, энди, қариган чоғида, топган иззат-икромни шу бўлдимми?..

Йўқ, Шоввоз қилган меҳватларини ҳеч қачон миннат қилган эмас. У ишлаган бўлса авваламбор ўзи ва бола-чақаси учун, қолаверса... ота касбига меҳри туфайли ишлади. Ер тирнаб ишлади. У ҳозир ҳам қилган ишларини бировларнинг юзига солмоқчи эмас. Зинҳор-базинҳор! Фақат... бу миселсиз адолатсизлик!.. Ўгли тенги бу ҳовлиқма директорнинг зўравонлиги!.. Йўқ, бу ҳақорат, бу адолатсизликка тоқат қилиб бўлмайди! Бу ҳуқуқни унга ким берган? Ким ўргатган?

Шоввоз, кўксига тиге бўлиб қадалган бу саволни ўзига ўзи бераркан, миёсида: «Музаффар!» — деган сўз ярқ этди.

Шоввоз сўнгги уч-тўрт йилдан бери Музаффарни кўрмаган, фақат «Даштстрой» деган жуда зўр идоранинг устуларидан бири бўлганини, қўша-қўша «Волга»лар уёқда турсин, ҳатто вертолётлару самолётлари борлигини эшитган эди! Бундан бир ой аввал уни даштда, ўғлидан хабар олгани борганида тасодифан кўриб қолди.

Музаффар, бир ўзи эмас, уч-тўртта ўта салобатли, ўта башанг, сипо одамлар қуршовида, иккита «Волга»да келди.

Азалдан жиккак, қотма одам, у сўнгги йилларда қорин солиб, анча вазминлашибди, кўзига кўкимтир кўзойнак тақиб олибди, гарчи дала айланиб юрган бўлса ҳам, эғнига йўл-йўл заррин чизиги бор кулранг костюм, оёғига бигизтумшук қора туфли кийибди, бир маҳаллар лунжлари ичи-

га ботган узунчоқ юзи юмалоқлашиб, мош еган хўроздай қип-қизил бўлиб олибди.

Шоввоз эски кадрдони билан саломлашиб, унинг силлиқ таранг юзида ҳайратомуз бир ифодани кўрганидagina ўзининг соқол-мўйлови қиртишланмай, ёввойилашиб кетган афт-ангорини кўз олдига келтирди.

Рост, Музаффар буни билдирмади, учи бигиз, ялтироқ туфлисини билқ-билқ тупроққа ботириб, Шоввознинг олдига ўзи келиб кўришди, хол-аҳвол сўради, ҳатто Ойсулувнинг соғ-саломатлигигача суриштирди. Хайрлашаётганларида эса, елкасига қўлини қўйиб:

— Чарчабсан, огайни, — деди, кўзидан кўкимтир кўз-ойнагини олиб. Шунда унинг юмалоқ юзида ҳорғинлик аралаш болаларча самимий, илиқ бир ифода зухур этди. — Пенсияга чиқдингми? — деди Музаффар, кадрдонининг елкасидан қўлини олмай.

— Йўқ, — деди Шоввоз.

— Нега?

— Авваламбор ҳали пенсия ёшига етмадик. Бир йил бор, — деди Шоввоз бўйвини қашиб. — Қолаверса... ўрганган кўнгил — ўртанса қўймас экан. Тўғриси айтсам, бир томондан, фарзандларнинг ризқ-рўзини ўйлар экансан, бир томондан, қарилikka бўй бергинг келмас экан.

Музаффарнинг лўппи юзидаги ачиниш аломати хушпуд табассум билан алмашди:

— Яхши, яхши! Юракда қўр бор, дегин ҳали! Гоби чўллари-ю, Хивган тоғларидаги азоб-уқубатларга дош берган азаматлар, келиб-келиб энди қарилikka бўй берамизми, де? Ҳа, дуруст, дуруст, огайни!..

«Гоби чўли-ю, Хивган тоғлари!» Бу икки сўзни эшитганда Шоввоз, гўё жизгинак ёзда кўксига ел теккандай, аъзойи бадани жимирлаб кетди. Шу-шу, Музаффар ҳақида эшитган мишмишлар сабаб, юрагига ўрнашиб қолган совуқлик худди офтоб тушган муздай эриб кетди.

— Ҳа, Хивган! — деди Шоввоз хўрсиниб. — Яхшиям эсингда бор экан!

Музаффарнинг ҳорғин кўзларидаги илиқ табассум ранжиш аломати билан алмашди.

— Яхшиям эсингда бор экан, деганинг нимаси? У қуяларни эсдан чиқариб бўладими, огайни? — Музаффар шундай деди-да, туфлиси билан тупроқни билқ-билқ босиб, «Волга»сига қараб кетди, бироқ машинага ўтиришдан аввал орқасига ўгирилиб қаради:

— Хўн, омон бўл, Шоввоз! — деди негадир тўсатдан овози дарз кетиб. — Ўсма кетар, қош қолар, душман ўтар, дўст қолар дегандек, сен билан биз эски қадрдонлармизку, огайини. Агар мабодо пенсия масаласида ёрдам керак бўн қолса, олдимга бор, керакли жойлар билан гаплашиб бераман!

Шоввознинг хаёлига алам аралаш маънос бир фикр келди: ҳа, чамаси у Музаффарга боради, бормасдан иложи йўқ, лекин пенсия сўраб эмас, босар-тусарини билмай қолган маънави арзандаси устидан араз қилиб боради. Шунда кўради, болалик чоғларида ошққ ўйнаб, сойда тепкилашиб катта бўлган, гарчи Ойсулув сабаб рақобат ўтида жиндек қовурилишган бўлса ҳам Гоби чўли ва Хинган тоғларидан бир-бирини суяб ўтган дўсти Музаффар нима қиларкин? Адолатга туриб берармикан ё таътиқ зурриётининг ёлини олармикин? Бегона юртларда, туғилиб-ўсган жойларини соғинган чоғларида шеърлар ёзиб, уларини йиғлатиб юрган жиккаккина, самимий Музаффар устун келармикин ёки одамларнинг айтишича, сўнгги йилларда катта мансабга кўтарилиб, ўзи хон, кўланкаси майдон бун кетган ҳозирги Музаффар устун келармикан? Йўқ, гап унинг кимнинг тарафини олишида эмас, гап ҳақиқатда! Ишқилиб, ўша кунги ўсма тўғрисидаги гапидан тоймай, ҳақиқатга туриб берса бас!..

Қишлоқ орқада қолган, олдинда кенг сайхонлик бошланган, овлоқда, бу бевоён давтнинг икки томонида пасту балад адирлар эмас-эмас кўзага чалинарди.

(2)

Ўшанда ҳам худди мана шундай осуда, тиниқ оқшом эди. Фақат унда ҳозиргдай куз эмас, ёз ойн эди, аммо улар бориб тушган элда баҳор ёзда бошланар, июнь ойида дашту адирлар хали кўм-кўк бўлиб яшнаб ётарди...

Ўша кунин кундуз полкда эълон бўлган: эрталаб улар узоқ ва оғир сафарга чиқишлари айтилган, бу сафарга қаттиқ тайёргарлик кўриш ҳақида буйруқ ўқиб эшиттирилган эди.

Шораҳимлар қишлоқдан урушга отланганларида қирқ нафар эдилар, кейин ҳар қаёққа сочилиб кетиб, урушга борганларида бор-йўғи уч йигит қолншган эди. Улардан бири мана шу Музаффар, иккинчиси ҳозир Тошкентда ишлаётган Расул Нуриддинов, учинчиси Шораҳим эди!

Музаффар, биринчи куниек батамом холдан кетиб, йўлда йиқилиб қолгудек пачор ахволга тушди. Шоввоз қанча ўргатмасин, Музаффар пайтава ўрашли ўргана олмасди, шу боис товоилари қавариб, қонталашиб, оёқлари дўмбира бўлиб шишиб кетди. Шоввоз йўлга чиққан куниек унга энгил автоматини бериб, ўзи унинг оғир қўл пулемётини кўтариб олди. Расул эса унинг буюм тўрвасини олиб, юкини енгиллаштирди... Лекин шунда ҳам кечқурунга борганда Музаффар батамом юролмай оқсоқланиб қолар, шунда Шоввоз билан Расул уни икки томонидан қўлтиқлаб олишарди...

Йўк, ўлганда эсдан чиқмаса, сира ёдидан кўтарилмайди у кунлар.

Худди бугунгидай серюлдуз, сокин, салқин оқшом. Ажабо: Гоби саҳроси кундуз нақадар иссиқ бўлса, кечалари шу қадар салқин, хатто совуқ, шундай совуқки, кундуз чўл офтобининг шафқатсиз тигида жизганак бўлиб қовурилган солдатлар, кечалари шилелларига ўраниб ётишса ҳам сишмайди.

...Ўша оқшом улар қандайдир бир баланд теналик ёнбағрида тўхташган эди. Музаффар мўлжалдаги жойга етиб-етмасдан оқ йиқилиб қолди. Шоввоз учта котелокни олиб ошхонага, Расул эса, флягаларни йиғиштириб сувга кетди.

Шоввоз билан Расул, бири овқат, бири флягаларда сув олиб келишганда Музаффар қонталашган оёқларини осмонга кўтариб, қунишиб ётарди.

Шоввоз унинг ёнига чўкка тушиб, пои билан шавла тўла котелокларни олдига қўйди.

— Ўрвингдан тур! Гўшти шавла экан. Бир қошиқ бўлса ҳам еб ол, харна мадад,— деди Шоввоз.

Музаффар унинг гапига кулоқ солмади, пачор илгради.

— Сув! Бир қултум сув! — у Расул чўзган флягани олиб, бошини аранг кўтариб қулт-култ ичди, сўнг тўсатдан озгин, қоқсуяк вужуди безгак тутгандай титраб, пиқ-пиқ йиглаб юборди.

— Мен ўлиб қоламан! — деди қуйилиб келган кўз ёшларидан бўғилиб. — Яна бир-икки кун юрсам — ўлиб қоламан. Ўлигим калхатларга ем бўлади!..

— Қайқадаги гапларни гапирма! — деди Расул жеркиб. — Йигит деган номингга иснод келтирясан!

Шоввоз эса юрагига тикан киргандай безиллаб, қоронғида Музаффарнинг қўлини тониб, қаттиқ қисди.

— Бу илан фиғонингни йиғиштир, огайни! Керак бўлса опичлаб оламан! Пулемётдан оғир эмассан-ку, юрлмай қолсанг, опичлаб оламан!..

У ганни тугатолмай қолди. Кафтида Музаффарнинг ёш билан ювилган хўл лабларини сизди. Музаффар алланамалар деб ичирлаганича, унинг кафтини қайта-қайта ўнди, кўз ёшидан бўғилиб, ёми боладай ўксиб-хиқиллаб ўлди!

— Дўстим Шораҳим! Расулжов! Бу яхшиликларингни унутган — номард! Элга омон қайтиб борсак... абадул-абад хизматларингда бўламан!

Шоввоз қора қашқани ҳуркитиб ёнгиласидан ўтган машинанинг сигнализидан ҳушига келди, келди-ю, милисини говлатиб юборган бу ўйлардан фиғони чиқиб, ўзини койиди:

«Ҳа, эзма чол! Нечук ҳадеб Музаффарга қилган яхшиликларингни эслайсан? Ҳали-замон урушда қилган бу хизматларингни ёдига солиб, уни инсофу адолатга чақириб учуими? — деди у гижиниб. — Унда бошқа яхшиликларингни ҳам эсла! Ўтказиб қўйган жойинг бўлса, ҳаммасини ёдингга ол, токи Музаффар билан юзлашганинда асқатади! Эсингдами, оғир сафаринг учинчи ё тўртинчи куни, қоқ пешинда, сув бор деб мўлжалланган қудуқдан сув чиқмади! Ўша куни офтоб одатдагидан ҳам аёвсизроқ ўт пурқаб, саҳрони бамисоли олов селига кўмди, худди одамдай қорайиб кетган поёнсиз даштда бу оловдан яширинадиган на бир дарахт, на бир соя жой бор эди!»

Эрта тонгдан тушгача салкам қирқ километр йўл босиб, қудуққа араг етиб борган батальон, унда бир томчи сув йўқлигини билгач, қудуқ пойида мажолсиз йиқилиб қолди.

Ниҳоят, бир соатлардан кейин, битта «водовоз» сув келди. Шунда жизганак бўлиб офтобда ётган солдатлар бирдан ёпирилиб, водовозни қуршаб олишди-ю, кутилмаган бир тўс-тўполов бошланди.

Тўсатдан қаёқдандир батальон командири, кўкраклари қўша-қўша Қизил байроқ ва Ватан уруши орденлари билан безалган, сумбати келишган, хатти-харакатидан шиддат ёғилиб турган капитан Белобородов пайдо бўлди. Бу ўша, кейинчалик улар билан жуда иноқлашиб кетган, урушдан сўнг Ўзбекистонга қайтиб келиб, катта лавозимларда ишлаётган Иван Харитонович Белобородов эди! У

«водовоз»ни қуршаб олган солдатлар орасидан ёриб ўтиб, машина кабинасига сакраб чиқди-да, тўппончасини қинидан сугуриб олиб, қарс-қарс ўқ узди. «Водовоз» атрофида бўлаётган сур-сур ва гала-говур сув қуйгандай босилди-қолди.

Шоввоз тўполон вақтида олдинга ўтиб олган эди. У биринчилардан бўлиб, бир котелок сув олди. Қўланса чалов хиди уфуриб турган бу бўтана сувнинг ҳар томчиси олтинга тенг эди ўшанда! Шундай бўлса ҳам Шораҳим сувдан бир қултумгина ичди, қолганини эса флягасига қўйиб, йўлда йиқилиб қолган Музаффарга қараб чоңди.

Музаффар қудуқдан бир чақиримча нарида қулаб қолган, ёлғиз Музаффар эмас, йўл-йўлакай яна анчагина солдатлар йиқилиб ётарди.

Музаффар Шораҳимни кўриб яна кўзига мўлт-мўлт ёш олди, қовжираб, қорайиб кетган лаблари билан у тутган флягадаги лойқа сувни худди бол ютаётгандай тамшаниб, қултиллашиб ютаркан, тагин: «Шораҳим, дўстим, сен бўлмасанг мен бу чўли биёбонда ўлиб қолардим!» — деб гўлдиради. У гапини тугатмаган ҳам эдики, машина моторининг гувиллаши эшитилиб, ёнларига эски «Жип» келиб тўхтади-да, ундан батальон командири Белобородов билан елкаларига медицина капитани погонлари тақилган, кўзлари кўм-кўк, бўйчангина, кўхликкича бир аёл тушди. Шораҳим билар — бу аёл батальон командирининг хотини, полк врачси Евдокия Федоровна Белобородова эди.

Комбат бир Шоввозга, бир ерда юмалаб ётган Музаффарга қаради, сўнг, қовоғини уйиб:

— Ҳа... тунов кунини Тошкент нималигини билмаган ҳамюртларим! Ҳормасинлар энди! — деди мийингида кулимсираб. — Наҳот менинг ҳамшаҳарларим шунчалик вочор-погирон бўлса? — Комбат шундай деди-да, хотинига юзланди: — Қани, азизим, ёрдамлашиб юбор йигитчага! Ҳозир медсанбатнинг машинаси келади. Балки ўшанга ўтқазиб юборарсан! Хўп, мен кетдим! Аммо... бардам бўлинглар, йигитлар! Бунақада... менинг юзимни ерга қаратиб қўясанлар, қадрдонларим!

Қаттиққўл эрининг тамом тескариси бўлган, катта-катта мовий кўзларидан ҳамдardлик аралаш аллақандай оналик меҳри ёғилиб турган врач Белобородовнинг ишораси билан. Шораҳим Музаффарни даст кўтариб, машинага ётқизиш қўйди.

Музаффар машинада жўнаб кетди, кетаётганида Шо-

раҳимнинг енгил автоматини қайтариб бериб, ўз пулемёти-
ни қайтариб олишни ҳам унутган экан, кун бўйи бир да-
қиқа ҳам дам олмаган Шораҳим унинг пулемётини елкаси-
га ташлаб, солдатлар сафида йўлини давом эттирди...

Ҳа, бунинг ҳаммасини оғайнингга айт, Шораҳим! Агар
нимжон вужудинга эмас, миясини жир босиб, бу ҳангома-
лар ҳаёлидан кўтарилиб кетмаган бўлса, эҳтимол, инсоф-
га келар қадрдонинг! Ёлғиз Гоби чўллари эмас, Хилган
тоғларида чеккан заҳматлари, осмонўнар қумтепалар ора-
сида тортган уқубатлари — ҳаммасини ёдига тушир унинг!
Шояд бир зум, лоақал бир зум ўшанда айтган сўзлари,
«тоабад унутмайман бу яхшиликларингни», деб обидийда
қилганлари, «Сен ва Расул бўлмасаларинг бу дашти биё-
бонда қолиб кетиб, қузғунларга ем бўлардим!» деб ичган
қасамлари шояд эсига тушса, шояд жиндай бўлса ҳам
виждони қийналса унинг!..

Ё тавба! Бугун нима бўлди Шоввозга! Бу бефойда
ўйлар, аллақачон ҳамманинг эсидан чиқиб кетган бу даъ-
во-ю, дostonлар кимга керак? Агар, Музаффар бу гапларни
эшитадиган бўлса аллақачон эшитмасмиди? Агар одамлар-
нинг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқарган у
мушкул синов кунлари эсида турган бўлса... бутун аҳли
қишлоқ гап-сўз қилиб, ранжиб юрган ҳозирги Музаффарга
айлавармиди у? Инсофу адолатни оёқ ости қилаётган
мапов пошуд зурриётини жиловлаб, тапобини тортиб
қўйини ўришга, уни баланд лавозимларга кўтариб,
баттар талтайтириб қўярмиди?

Йўқ, Шораҳим бу гапларни ҳеч кимга айтмаган, айт-
майди ҳам! Сабаби... бир маҳаллар қилган яхшиликлари-
ни бировнинг эсига солиб, ундаи мадад сўраш — белида
белбоғи бор эркакнинг иши эмас! Ишқилиб, ўғли, учта
қиздан кейин кўкка тавалло қилиб, арабг тилаб олган
ёлғиз ўғли Шоқосим омов бўлсин! Қаттиқ шикаст еб,
майиб-мажруҳ бўи қолмасин! Қолганининг сариқ
чақалик аҳамияти йўқ!

Ўн иккинчи боб

Музаффар Фармонов қишлоқда юз берган кўнгилсиз
воқеани бир кун кейин, унда ҳам кечаси алламаҳалда,
меҳмонхонада эшитди.

Бу гаплардан бир кун аввал у УРС ишлари баҳонасида

Тошкентга кетгани. Аслида эса Тошкентга тунишга область халқ контролидаги Тўнканинг ваҳимали телефон сабаб бўлганди. Бу воқеалардан бир-икки ҳафта муқаддам олис Шимолдаги ўрмон хўжалигига бориб, Маткаримов билан боғлиқ хатарли ишни босди-босди қилиб келган бу одам аллақандай таҳликада эди. Унинг айтишича, республика халқ контролидаги қайси бир одам ўрмон хўжалигидаги қишғир ишлардан огоҳ бўлган. Бундан хабар тонган Тўнка эса, Белобородов ёрдамида «дело»ни ёниши мумкин, деб ўйларди.

Фармонов бир қарашда ўта вазмин ва салобатли кўринган бу одамни ҳурмат қилмаса ҳам, ҳар қалай, бунчалик тўнори, деб ўйламаганди. Ахир паҳот бу Тўнка халқ контроли соҳасида ишлаб туриб, Музаффар билан собиқ комбат ўртасидаги муносабатлардан беҳабар бўлса?

✓ Фармонов Тошкентда ҳамон катта лавозимларда ўтирган бир нечта ёр-биродарлари билан учрашди. Улар, гарчи қатъий пайда бермасалар ҳам (ишгариси замонлар бўлганда-ку, бу гапларни туя кўрдингми — йўқ, бия кўрдингми — йўқ, қилиб юборардик. Аммо ҳозир...) ҳар қалай, баъзи нарсаларни билиб беришни бўйинларига олишди. Бундан кўнглик хийла тишиган Фармонов йўл-йўлакай қудагайи Клара Жамоловнани кўриб кетнишга аҳд қилди. Бирса келиши Феруза кешжатоийи билан ўша ерда экан. Клара Жамоловна ҳозиргина ўзининг шахсий сартарошида бўлиб, чиройли причёска қилдириб келган экан, дарҳол позик хаворанг инак халатини кийиб чиқди-да, ижилмайганида чиройига чирой кўшадиган тилла тишларини ярқиратиб, Белобородовнинг олдига борганларини-ю, Фармоновнинг позик тошширини хамирдан қил сугургандай изи-жимиди, қойилмақом қилиб бажарганини, «хатарли вазифа» туи кўрдингми — йўқ, бия кўрдингми — йўқ тарзида амалга оширилганини кула-кула гапириб берди.

Юқори ташкилотлардаги ошпа-оғайинларидан баъзи ноҳус гаплар эшитиб, диққати ошиб келган Фармонов, худди қоронги уйда чироқ ёнгандай дили ёришиб кетди.

— Қойил! Урушда бирга бўлганимизда ўзимга рааведкани қилиб олар эканман сизни! Бу хизматлар учун ўларига ҳам худди ўшанақа бриллиант кўзани уэукдан биттаси!

Клара Жамоловна ингичка қошларини таманно билан чямриб, тирноқлари ёқутдай ялтилаган ошноқ кўлини узатди:

— Чўзсинлар бўлмаса!..

— Аттаниг, ёнимда йўқ эди-да, ҳозир! Аммо кўнглингиз тўқ бўлсин, жон қудагай, дунё дунё бўитики, сўзидан қайтган эмас Фармонов!

— Шу аҳдингиз рост бўлса... қўлингизни берият, кудажон! — Клара Жамоловна шундай деб, момикдай юмшоқ қўлларини Фармоновнинг қўлларига шарақлатиб урди-да, дарҳол енг шимариб, ошга киришиб кетди.

Фармонов аввал: «Кўлингиздан бир шиёла чой ичсам бас, кудагай, ишлар ошиб-тошиб ётибди», деб эътироз билдирган эди, бироқ бир маҳал қараса, келини Феруза ўглини олиб қаёққадир жўнабди-ю, уйда фақат кудагайни билан иккисини қолди. Боз устига, ош ҳам бирпасда дамланди, ошдан аввал иштаҳани очиб, қонини кўширтирадиган ноёб суюқликлар ҳам мухайё бўлди. Фармонов ҳам эркак! Шундай офатижон, олов жувон тамани билан кўзини сузиб турса-ю, у ипини узмаса, эркак деган номга ишод келтирмайдими! Гапиниг пўскалласи, Фармонов ўша кечаси Клара Жамоловнанинг позик дид билан безатилган шинам хилватхонасида қолиб кетди.

Эртасига эса яна ўша мушкул ишлар кетидан юриб, даштга кеч қайтди ва уйга боролмай, меҳмонхонада ётиб қолди. Алямаҳалда телефон жириглади: Соҳиба!

Музаффар хотинининг узук-юлуқ гапларидан рўй берган фожиани аранг аглади. У бир қарашда важохатидан от ҳуркадиган устивор одамга ўхшаса ҳам ҳозирги нотинч вазиятда иштонсининг ҳадиги чўлдан, дегандек, ҳар нарсадан ҳадиксирайверадиган бўп қолган эди.

Рост, илгари бундай эмас эди. Ошпиги олчи бўи келган кейинги ўттиз йил давомида Музаффар бу можародан ўн баробар катта галваларни кўрган, кўрибгина қолмай, ҳаммасини ёниглиқ қозон — ёниглиқ қилиб юбора олган. Улар олдида бу авария арзимаган бир нарса эди. Фармонов хотинининг узук-юлуқ гапларини уйқу аралаш гарангсиб эшитаркан, ҳозир ҳам шундай деб ўйлади. Бироқ Соҳиба аввал алам аралаш совуқ бир ваҳима билан қақшаб-қалтираб гапирди-ю, кейин: «Минг айтдим сизга, шу ўглингизни ховлиқтирманг деб, ҳалитдан директор қилиб, талтайтириб юборманг деб! Кўнмадингиз! Мана, оқибати вима бўлди?» — деб хўнграб юборди.

Фармонов шундагина юраги орқасига тортиб:

— Нима бўлган ўзи, тузукроқ гапирсанг-чи, бундоқ! — деб ўшқирган эди, Соҳиба ҳам қайнаб турган экан, бақириб берди:

— Айтдим-ку, сизга — авария бўлган деб! Яна келиб-келиб, кимни денг, ўзимизни Шораҳим акамларни ўгли Шоқосимни уриб кетган!

Фармонов силласи қуриб, «гун» этиб стулга ўтириб қолди. Сўнг:

— Аҳволи... аҳволи қалай? — дейишга арағ тили келди. — Огир эмасми, ишқилиб?

— Огир бўлмаса телефон қилармидим сизга?..

Фармонов дарҳол машина чақириб, уйига етиб борганида, дарвоза олдида «Тез ёрдам» машинаси турарди. Фармонов дарвозадан кирди-ю, ишком тагидаги тўқима креслода мунгайиб ўтирган хотини Соҳиба билан унинг қўлида ишлайдиган жиянини кўриб, беихтиёр тўхтади. Назарида Соҳиба аллақандай бужмайиб, муштдай бўлиб қолган, жиянининг кўзларида ҳам қандайдир ёмон саросима бор эди.

Фармонов хотинининг ҳиқиллаб, талмовсираб айтган гапларини уқиб олгунча юраги нақ этиб ёрилиб кетай деди, уққандав кейин эса, бетоқат қўл силтаб:

— Сен тўхта! — деб хотинини жеркиб берди-да, жиянига юзланди: — Кеннойнинг ваҳима солиптими ё? Ростдан ҳам хатарлими?

Жияни Фармоновнинг аллақандай олазарак нигоҳидан нигоҳини узиб, ерга қаради.

— Хатарли! Ҳушига келмади хали!

Тўқима креслода гужанак бўлиб ўтирган Соҳиба дик этиб ўрнидан туриб кетди.

— Сиз бу ерда вақтни бой бермасдан ўша, оқ телефонлар турадиган идорангизга боринг! Тошкентга телефон қилинг! Битта яхши травматолог билан нейрохирург зарур. Тезроқ юборишинг!..

— Ўзларинг хабар бермадиларингми?

— Йўқ! Бош врач негадир имиллаяпти. Чамаси сиздан хайиқиб турипти...

«Хайрият, битта бўлса ҳам хатарнинг олдини оладиган одам бор экан!»

Фармонов бошини осилтирганича ҳовли ўртасидаги мрамар ҳовузни бир айланиб чиқди.

«Аблаҳ! — деди у, ўғлидан доим ифтихор қилиб юрганлари эсидан чиқиб. — Ахир бир кун бошимга етишингни билувдим-а, хумлар! Тағил... буёқда ишлар тобора чигаллашиб бораётган бир вазиятга туғри келганини қараиғ бу машмашанинг!»

















Тўсатдан тунов куни дачада бўлган дилкаш суҳбатлар, марказдан келган анови Тўнкашиг: «Шу купларда айниқса эҳтиёт бўласиз, хўжайин, токи иш масалангиз бир ёқли бўлмагунча хушёрликни бой бермай турасиз!» — деган панду насиҳатлари эсига тушди-ю, ииграб юборишдан чўчиб, тишини-тишига босди.

Йўқ, ҳозирги позик ва қалтис вазиятда бу шум хабарни ошкор қилиб бўлмайди! Акс ҳолда... тузган барча режалари, орзу-умидлари, веча йиллардан бери олиб бораётган пивҳона курашлари, чоп-чоплари, елиб-югуришлари, зимдан қилаётган ишлари — барча-барчаси асфаласофилинга кетади! Етдим деганда елкаси узилади! Вассалом!

Унинг хаёлини Соҳибанинг аллақандай бетоқат қаҳрли овози бўлди:

— Ҳой, хўжайин, нима қилиб хаёлга чўмиб юрибсиз? Айтяпман-ку, фурсатни бой берманг деб! Бу йигит... Шоқосим бир нима бўлса... ўглингизнинг тақдирини нима кечади?

— Нима қил дейсан? — деди Фармонов юришдан тўхтаб.

— Минг марта айтдим-ку, нима қилишингизни! Тошкентга телефон қилинг! Огайнилариңизни ишга солинг: катта мутахассисларни юборишини! Ҳар бир минут ганимат!

— Тавба! Бош врач билмайдими нима қилишни?

— У бош врач бўлса... мен хирургман! Ҳаммасини кўриб турибман! — деди Соҳиба бармоқларини асабий қисирлатиб. — Ҳозиргина дадаси... Шораҳим акамлар келиб кетдилар. Бир кўрсангиз эди шўрликнинг аҳволини! — Соҳиба кичкина муштини тугиб, эрининг рўпарасида тўхтади, унинг катта-катта гамгин кўзлари аллақандай чексиз бир нафрат билан чақнаб кетди. — Мен сизнинг нималарни ўйлаяпганиңизни биламан! — деди Соҳиба яна овози титраб. — Бироқ... аввал бир бечора йигитнинг жонини асраб қолишни ўйла! Кейин ўз билганиңизни қилинг! Шўрлик йигит... Жони омон қолсин, ишқилиб! Жони омон қолмаса... агар минг зўравон бўлсангиз ҳам, агар осмонга устун бўлсангиз ҳам, қўлиңгиздан ҳеч нарса...

Фармонов «ялт» этиб четроқда муңгайиб турган жиянига қаради.

— Врачман деб ҳар нарсани валдирайверар экан-да одам! Ким унга ёмонликни раво кўряпти?

Фармонов шундай деди-да, ўзиям юраги така-пука эканини билдирмаслик учун ерни тап-тап босиб, ҳовлидан чиқди.

Ой ботган, осмон жимир-жимир юлдузларга тўлиб кетган, ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит, фақат Фармоновнинг юрагида бўрон.

Шофёр, одатдагидай, машина рулига бошини қўйиб, нивакка кетганди.

— Идорага! — деди Фармонов ва бўшашганича ўзини орқа ўриндиққа ташлаб, кўзини юмди.

«О, қутилмаган фалокат! Эскилар билмай айтишмаган экан: «Бало қайдадир — боссанг оёгинг остидадир!» деб. Етти ухлаб тушга кирмаган хангома! Йўқ, нега тушига кирмас экан!» У ўзига қанча ишонмасин, ўгли Фотиҳдан қанча ифтихор қилмасин, қалбининг қайсидир бир бурчида доим нимадандир ҳадиксеираб юрмасмиди? Ишлари «беш» бўлиб, «Даштстрой» раҳбарлари билан баб-баравар мақталиб юрган мавридларда ҳам дилининг бир четида ҳаминша аллақандай бир нотинчлик гимирлаб турмасмиди? Уни ҳеч қачон тарк этмаган бу нотинчликнинг боиси нимада? Фармонов бунинг сабабини, гарчи бунга иқроп бўлишни истамаса ҳам ичида сезарди, албатта. Баъзан кечалари уйку бермай юрагига васваса соладиган бу беҳаловат ўйлар уларга кўп доврүк келтирган ўша катта ва қалтис ишларга бориб тақаларди. Фармоновнинг фаолияти даштда олиб борилаётган мислсиз улкан ишларга чамбарчас боғланиб кетар, «Даштстрой»нинг ошиси олчи, пукка бўлса — пукка эди. Сўнгги пайтларда эса, «Даштстрой»да нимадир бўляпти. Комиссия устига комиссия келяпти. Унинг ишига алоқаси бўлмаган ер, сув, алмашлаб экиш, умуман, пахтага боғлиқ муаммоларни текширгани келган бу комиссиялар, ҳар доим бўлмаса ҳам, аҳён-аҳёнда унинг соҳасини, ишчи таъминоти масалаларини ҳам қовлаштириб қолишади. Рост, ҳозирча у ўзини гоҳ ўтга, гоҳ сувга уриб дегандай, ошна-огайниларини ишга солиб, ўз соҳасидаги потекисликларни текислаб келяпти. Фармонов, худди исковуч итдай, минг чақирим паридаги хатарни олдиндан сезар ва уни бартараф қилиш йўлларини ҳам биларди. Сезгани учун ҳам, мана, бир неча ойдирки, ишнинг нойтахтга кўчириш пайида. Бунга ҳатто яхши замин ҳам яратиб қўйган эди. Буни қарангки, камбағалнинг оғзи ошга текканда, бурни тошга тегади, деганларидек, ҳамма нарса жойига тушиб, ош нишай-пишай деб турганда оёқ остидан бу фалокат чиқиб қолса-я?

Фармонов азбаройи бўғилиб кетганидан, иккала томондаги ойналарни туширди-да, худди қуруқликка чиқиб қолган балиқдай, оғзини карракдек очиб, ютоқиб-ютоқиб нафас олди.

Тавба! Унга нима бўлди? Бундан юз баттар танг аҳволда ҳам сира узини йўқотмаган одам, энди намунча титраб-қақшайди? «Сал қаддингни тут, хей, Музаффар! Бунчалик насвасага тушишдан аввал авариянинг сабабларини бил! Ахир... Фотиҳ омон қолиб, Шораҳимнинг ўгли қаттиқ шикастланган тақдирда ҳам аварияга унинг ўзи айбдор бўлиши мумкин-ку? Эҳтимол, Фотиҳ аллақачон керакли чора-тадбирларни кўриб қўйгандир? Шубҳасиз, ГАИ ходимлари аллақачон бориб текширув ўтказишган. Текширув ўтказишган бўлса, Фотиҳ ҳам қараб ўтирмагандир ахир. Бу калтафаҳм хотинлар... Уларнинг нимага ақли етибдики, бу ншга ақли етади? Фақат... битта нарса... Фотиҳнинг машинасида анов ёш жувон... Шораҳимнинг келини бўлган, деган ган! Агар шу жувон бўлмаганда... Лекин ундай деса бу жувон, агар янглишмаса, раб-ком эди шекилли? Директор иккисен иш билан юрган бўлса... нима айби бор бунинг?» — деди Фармонов ўзига ўзи тасалли бериб, бироқ шу заҳотиёқ яқинда қулогига чалинган ноҳуш миш-мишлар ёдига тушди. Гуё ўгли Фотиҳ Шораҳимнинг келинини раб-ком қилини бежиз эмас. Жувон жуда кўхлик эмиш... Шу боис қишлоқда ҳар хил гаплар тарқалган эмиш. Гуё совхоз директори бу ёш, кўхлик жувонни йўлдан урни ниятида кўтарган эмиш раб-комликка!

Фармонов бу жувонни даштда бир-икки марта кўрган-ди. Жувон гарчи механизаторлар киядиган коржомда юрган бўлса ҳам кўзга яқин, истараен иссиққина нарса эди. Унинг ёшида Шораҳимнинг ўгли анча гариб туюларди. Уларни ёшма-ёш кўрганида, ҳатто Фармоновнинг ўзи ҳам: «Узумнинг яхшисини ит ёйди», дегандек, бу офатижон гўзални қандай қўлга олиштирди экан, бу йигит?» — деган фикрни кўпгилдан ўтказган эди. Рост, бу миш-мишлар қулогига чалинганидан кейин у Фотиҳни чақириб, қаттиқроқ койиб қўймоқчи бўлган эди. Чунки авваламбор, ўртада Шораҳим бор, қолаверса, ўсамаи деган ботир ўа элини дер, дегандек, совхоз директори бўлган аҳмоқ келиб-келиб ўз қишлоғида қиладими бунақа қалтис ишни? Ахир аёл зоти қаҳатми ҳозир йигит кишига! Ҳозир дарахтга тош отсанг, япроқдан бурун қиз-жувон тўкилади!

Фақат худо ақл-фаросат бермаган калтабинларгина кўл остидаги қиз-жувонларга кўз олайтиради.

«Аҳмоқ! Гулдай хотининг туриб, бировнинг қаллигига осилиб нима қиласан?» деди Фармонов ичида, деди-ю, қудагайи Клара Жамоловна билан ўтган жозибали кеча ёдига тушиб, мийиғида бир кулиб кўйди. Ҳа, аслини олганда у бу масалада ўглига бир нарса дейишга тили қисик. У ҳам Соҳиба туриб, не номаъқулчиликларни қилмади.

Енирай! Унга бир нима бўлдимиз бугун? Ақл-хуши жойидами ўзи? Буёқда бу фалокат сабаб ташвиши бошидан ортиб ётса-ю, у бўлса...

«Ҳай аттанг! Келиб-келиб, бу фалокат Шораҳимга бориб тақалганини қаранг! Энди бошланади! Хинган тоғлари ҳам қолмайди, Гоби чўллари ҳам. Сенга қилган шунча яхшиликларим эвазига қайтгани шу бўлдимиз, яхшиликка ёмонлик экан-да, бу дунёда? — деб, қон қақшатади ҳали! Уф-фф... Ўз ташвишим бошимдан оқиб ётган бир паллада, тагини не савдоларни бошимга солдинг, болам-ов?»

Фармоновнинг хаёлини шофёрнинг:

— Қоровул йўқ-ку! Дарвоза берк! — деган овози бўлди.

— Сигнал бер!

Шофёр икки марта уст-устига сигнал берди, лекин қоровулдан дарак бўлмади.

Фармонов, юраги алланечук увишиб, бино рўнарасида машинадан тушди. Ҳақиқатан, қоровул кўринмас, етти қаватли «Даштстрой» биносини ўраган темир панжара берк, шундоқ йўл бўйидаги терак шохига қандайдир бир от қантарилган эди.

«Шоввозининг оти!»

Қоровул машина сигналини эшитди шекилли, осмон-ўпар бишонинг икки тавақали залварли эшиги очилиб, одам қораси кўринди. Бир оёғи оқсоқ қоровул чол, қийшанг-лаганича чопқиллаб келиб, панжара эшигини очди.

— Маъзур тутасиз, хўжайин. Даладан бир одам келиб, бир пиёла сув сўровди, йўқ дея олмадим...

— Қани у одам?

— Ичкарида ўтирипти. Сувни ичдинг, энди чиқ десам, юролмайман, — дейди. — Тонг отгунча бўлсаям кутаман дейди сизни!

Фармонов беихтиёр юраги зирқираб:

— Менда нима гапи бор экан? — деб сўради.

— Уёгини айтмади, хўжайин. Аммо... бошига катта мусибат тушганга ўхшайди. Бир нима дейишга тилим бормади. Бу ерда ўтиришга рухсат йўқ, қабул куни бор, ўшанда келасиз десам, уёги билан ишинг бўлмасин, ветеранман, Ватан уруши қатнашчисиман деб, закон сўқади!

«Бошланди!» Фармонов қорёвулга жавоб бермасдан ичкарига кирди. Ўрдадай кенг, аммо нимқоронги фойеинг тупқарисида, мрамар зина ёнидаги хира фонус тагида, бошига қирғизча оқ қалпоқ кийган бир одам букчайиб ўтирарди.

«Шоввоз!»

Оёқ товушларини эшитган Шоввоз ялт этиб қаради, сўнг, ўртада тош қотиб турган Музаффар Фармоновни кўриб, фонус устунига тирмашганича, аста ўрнидан тура бошлади.

— Ҳа, печук ўртада туриб қолдинг, Музаффар? — деди у паст, бўғиқ, аммо аранг босиб турган қахрли товушда. — Қўрқма, мен пистирмада ётиб тўп отадиган анов номард самурайлардан эмасман! Шораҳимман мен. Яқинроқ кел, Музаффар!

Шоввознинг овози кутилмаганда шундай дагдага билан янграб кетдики, Музаффар беихтиёр унинг беаёв шиддатига бўйсуниб, алкаш-чалкаш одимлаганича зинага яқинроқ борди.

Йўқ, Шораҳим Соҳиба айтгандай, кишининг раҳми келадиган аянчли ҳолда эмас, билъаке, ундан кўрққулик, соч-соқоли ўсиб, типратиконнинг тукларидай дикрайган, ўсиқ, пахмоқ қошлари тагидан аранг кўринган кўзлари гўё ҳамлага чоғланган буқанинг кўзларидай қизариб кетганди.

Фармонов аъзойи-бадани музлаб, орқасига қаради-да, тўсатдан:

— Қоровул! — деб чақирди. — Қаёқда қолдиларинг? Кабинетни ким очади?

— Кабинет очиқ, хўжайин!

— Очиқ бўлса чиқиб... чой-пой қўйинглар. Шофёр ҳам кирсин! Қарашиб юборсин!

Шораҳим фонус устунини ушлаганича, бошини азот кўтарди.

— Қўрқма, Музаффар! Мен сенинг ўглингга ўхшаб ғирт маст ҳолда машинаси билан бировни уриб, номардларча қочмайман, Музаффар.

«Йўғ-е! «Ғирт маст» деган гапни қайдан топди бу балохўр?»

— Сен шошма, Шораҳим! Ҳозир ҳаммасини гап-лашамиз, огайни. Қани юр, аввал кабинетимга чиқайлик.

— Йўқ! — Шораҳим чап қўли билан фонус устунини қучоқлаб, — ўнг қўлини кескин силтади. Фонуснинг хира шуъласида унинг қонгалаш кўзлари гўё шабада теккан чўгдай чарақлаб кетди. — Сеннинг шоҳона хонангга кириб, ҳангомалашиб ўтиришга фурсатим йўқ! Ўғлимнинг аҳволи не кечяпти? Шунини билишим керак!

Фармонов негадир Шоввознинг бу гапидан енгил тортиб:

— Ҳозир биламиз, ҳозир, — деди мармар зиналар томон одимлаб. — Ҳаммасини биламиз, огайни. Ўғлинг, худо хоҳласа...

— Нима, нима? — Шораҳим устунни қўйиб юборди-да, алпанг-талпанг юриб, Музаффарнинг йўлини тўсди: — Сен худони биласанми ҳали?

Фармонов беихтиёр ёқасини ушлаб:

— Жон огайни! — деб хитоб қилди. — Сенга нима бўлди, жон дўстим?

— Нима бўлганини авваламбор ўзингдан сўра, қолаверса, номард зурриётингдан! Бу ҳе... ҳезалак зурриётинг қилгиликни қилиб қўйиб, жуфтакни ростлаб қолсин. Битта касалхонанг ўғлимини даволашни хоҳламай, иккинчисига оширсин! Иккинчиси бўлса... Кечадан бери унинг ўлик-тиригини отасига ҳам айтмай, ниҳон тутсин! Сен... сен билан бу таптиқ арзандаг учун Совет ҳокимияти борми ё сенлар учун Совет ҳокимияти йўқми, Музаффар Фармон?

Шоввознинг қалампирдай аччиқ гаплари Фармоновнинг юрагида дафъатан оний бир исён уйғотди. Арзимаган гуноҳ учун қўл остидаги хизматкорларининг ўтақасини ёриб ўрганган одам, Шоввозга ҳам «Йўқол кўзимдан, пока!» — деб ўшқиргиси келди. Аммо... қапи энди ҳозирги нозик вазият бўлмаса-ю, отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган бу калондимоғ чапанининг тавобини тортиб қўйса! Анов оқсоқол қоровул билан шахсий шофёрини чақириб, Шоввознинг қўлларини орқасига боғласа-ю, мава шу муаззам бино тагидаги музхонага ташласа, токи тавбазарру қилиб оёгини ўпмагунча улдан чиқармаса!

...Йўқ, Шоввоз ҳозир танобини тортириб қўядиган одамга ўхшамас, унда хануз ўша Хинган тоғларидаги самурай тўдалари билан тик пайзалашган Шораҳим шоввозни эслатувчи қайсар бир важоҳат бор эди!

Фармонов аъзойи-бадашнин кишавлаб олган совуқ ваҳимадан эти жушжикиб:

— Жон дўстим! Ҳозир бу гапларнинг ўрни эмас-ку, ахир! — деди худди рўнарасида Шоввоз эмас, «Дашт-строй» бошлиғи тургандай ялтоқлаиб. — Ҳозир...ҳаммадан бурун касалхонага телефон қилиб, ўглининг аҳволини билайлик! Лозим бўлса, марказдан катта мутахассисларни чақиртирайлик! Қанча гишаг бўлса кейин айта-верарсан, жон биродар!

Шоввоз, сармаст одамдай бо чини бесаранжом чайқаб:

— Ҳа, авваламбор боламнинг жони бут бўлсин! — деди бирдан овози ўзгариб. — Аммо лекин боламга бир нима бўлса борми?..

— Яхши пият қилайлик, нима қилсан ундай деб, жон дўстим, — деб ёлворди Фармонов.

— Агар бир нима бўлса борми? Қирқ бешинчи йил, Узоқ Шарқ эсингдами, Музаффар? Пистирмадан чиқиб, орқадан помардларча ҳужум қилган самурайлар ёдингдами? Биттасининг калласини шартта узиб ташлаганим эсингдами, Музаффар?

— Эсимда, огайни, ҳаммаси эсимда! Аммо ҳозир...мавриди эмас бу гапларнинг. Ичкарига кириб телефон қилайлик тезроқ!

— Йўқ! — Шораҳим кўзини юмиб, устунни қучоқлади-да, аста сирпаиб, яна зинага ўтириб олди. — Ўзинг қила-вер телефонингни! Нима қилсанг қил, аммо ўглимни қўлимга соғ-саломат қайтариб бер! Агар соғ-саломат чиқ-маса борми...

— Мен кетдим, фурсат зиқ! — Фармонов Шоввоздан қутулганига шукр қилиб, мрамар зинадан юқорига қараб чопди. Бироқ калтабақай одам, зина пиллапояларининг ярмига етмасдавоқ, юраги қивидан чиқиб кетгудай гургурс уриб, тўхтаб қолди. Яхшиям, кетидан етиб келган шофёри қўлтиғидан олиб, кабинетигача кузатиб қўйди.

Фармонов пойгакдан тўригача гулдор палослар тўшалган танин серҳашам хонасининг охиридаги чарм креслога аранг етиб борди-да, ўзини унга ташлаб, бемажол елпинди.

— Сув!

Хўжайинини умрида биринчи марта бундай почор аҳволда кўрган шофёр, графидан қулт-қулт сув қуйиб, унга узатаркан:

— Сизга нима бўлди? Дўхтир-пўхтир чақирайми ё? — деб сўради.

Тини стаканга тегиб такиллашидан кўрққан Фармонов, унинг четини маҳкам тишлаб, бир-икки қултум сув ичди-да, шофёрига: «Қабулхонага чиқиб тур!..» — дея ишора қилди.

«Т» ҳарфи шаклида қўйилган столнинг чап қанотида тўртта-бешта оқ, қизил, сариқ телефонлар қаторлашиб турар, у қўл чўзса бас — зум ўтмай район ва область миқёсидаги истаган касалхона билан гаплашиши мумкин эди. Уни фақат ўз дасти етадиган маҳаллий алоқачилар эмас, областда ўтирадиган телефончи қизлар ҳам яхши танишар, шу боис унинг буюртмалари бешавбат бажо келтириларди. Лекин Фармонов ҳозир область уёқда турсин, нари борса бир чақирим узоқдаги «ўз» шифохонасига ҳам телефон қилишга юраги бетламай, анча ўтирди. Бунинг учун телефончи қиз ҳам керак эмас, трубкани шундоқ олиб, бор-йўғи учта рақамни терса бас, бош врач «лаббай», деб трубкани олади ва бир зумда ҳамма саволларига жавоб беради. Аммо у ҳозир трубкани олиш уёқда турсин, телефонларга қарашга журъат қилолмас, назарида, трубкани кўтариши билан ундаи юрагини тарс ёрадиган шум хабар янграйдигандай эди.

Кексалар ҳар гапининг бирида: «Бало-қазонгдан ўзинг асра», деб тавалло қилишлари бежиз эмас экан! Борди-ю, хотини Соҳиба айтгандай, машъум фалокат юз берса, ота-бола нима қилишади? Қандай тиичитишади, бу шаккок, ўжар Шоввозни? Важоҳатига қараганда тиичийдиган эмас! Катта бир даъвойи дostonни бошлайдиган турқи бор унинг!

«Аблаҳ! — хаёлап яна ўглини сўкди Фармонов. — Қилгуликни қилиб қўйиб, ўзи қай балода тентираб юрибди бу муттахам! Итдай ичиб, бир жойда юмалаб ётгандир, тўнгиз!»

Тўсатдан, энг чеккадаги оқ телефон қаттиқ жиринглади-ю, Фармоновнинг юраги шув этиб, қулоғи шанғиллаб кетди, назарида, телефон эмас, катта кўчадан чинқириб ўтаётган ёнғин машинасининг овозидай мудҳиш эшитилди! У худди захарли илонни тутмоқчи бўлган одамдай қўлини гоҳ телефонга чўзиб, гоҳ тортиб олди ниҳоят, юрак ютиб трубкани олди, олиши билан Соҳибанинг асабий, ногирон овозини эшитди.

— Бу ким? Сизми, дадаси?

— Мен, мен, — деди Фармонов, негадир ўрнидан туриб.

— Бош врачга телефон қилдингизми?

— Йўқ, ҳозир телефон қиламан.

— Сиз қанақа одамсиз ўзи? — телефонда Соҳибанинг ҳарсиллаб нафас олгани эшитилди. — Нимани кутяпсиз? Ахир бу йиғит... Шоқосимни айтаман, бир нима бўлса... ўглингизнинг аҳволи бешбаттар бўлади-ку? Қолаверса... виждонимиз олдида... — Соҳиба «қулт» этиб ютди, сўнг, кўзёши аралаш ранжу алам билан давом этди. — Жиллақурса виждонимиз олдида қийналиб юрмайлик! Одамларнинг юзига қарай олмаганимиз олмаган, ақалли қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрдик, дея олайлик уларга! Бу тўпори лаганбардорингиз... гашимга кирмай қўнғирингизни кутиб ўтиришти! — Соҳибанинг овози ўзгариб, яна боягидай унга ёт бир қатъият касб этди: — Дарҳол телефон қилинг! Ҳам бош врачга телефон қилинг, ҳам... оғайинларингиз бўлса... Тошкентга! Тез етказиб беришсин бир-иккита мутахассисни! Шу... — Соҳибанинг овози кескин узилди.

«Қизиқ, Соҳибага нима бўлди? Турмуш қурибмизки, товуши чиқмаган хотин, бунақа қилиқ чиқаргани галати!» — деди Фармонов ичида, бироқ унинг нисанда аралаш илтимосини рад қилишга журъат этмади.

— Бу ким? Сизмисиз, Холматов?..

— Э, ассалому алайкум, Музаффар Фармонович! Саломатмисиз, тинчмисиз, ака?

Бош врачнинг овозидаги ички бир хайрихоҳлик Фармоновга хиёл тасалли бериб, кўнглидаги ваҳима хиёл босилгандай бўлди.

— Бизни тинчдигимиз энди ўзларига боғлиқ бўлиб қолди, оғайини! Фақат сизга ишонамиз энди!

— Э, ҳа, тушунаман, тушунаман, акажон! Мана, қўлимиздан келган ҳамма чораю тадбирларни кўряймиз, акажон!..

Фармонов юрагидаги санчиқни енгил умидида бир қултум сув ичиб, чуқур тин олди.

— Қалай, умид борми ишқилиб? — деб сўради, сўради-ю, трубкани чангаллаган қўллари титраб кетганини сезиб, ўздан гижинди: «Мунча қалтирамасалар? Сал эркакка ўхшаб гаплашсинлар, ўртоқ Фармонов!»

— Нима десам бўлади, акажон? Ҳозирча бир нарса дейиш жуда қийин. Оғир, жуда оғир. Ҳамма чораларни кўряймиз. Ҳар қалай, бугун шокдан чиқаришга муваффақ бўлдик.

— Шок деганингиз нима?

— Киши қаттиқ яраланганида, яъни, чидаб бўлмас

огриқ таъсирида хушидан кетиб, нима десам бўлади... бу дунё билан у дунё орасида қолади. Биз врачлар буни шок деб атаймиз.

— Чикди деясиз-ку, бу ҳолатдан?

— Ҳа, чикди. Тўлиқ бўлмаса ҳам хушига келди ҳисоб. Лекин сиздан яширишнинг ҳожати йўқ, аҳволи оғир, Музаффар Фармонович!

Фармонов, бутун аъзойи-баданини совуқ тер босиб, гайрихитирий равишда «уф», деб юборди. У тафсилотларини сўрамоқчи бўлди-ю, юраги дов бермади. Унинг ўрпага:

— Хўп, нима маслаҳат берасиз, огайни? — деб сўради. — Тошкентдан мутахассислар чақириш керак дейиш-япти.

— Ҳайронман... — трубкадан «хм-хм-м», деган ночор, ланж товуш келди. — Менга қолса-ку, одам чақириб ўтирмас эдим. Мутахассислар ўзимизда ҳам йўқ эмас. Аммо лекин рафиқангиз Соҳиба Содикоўна талаб қилиб қўймаптилар. Ўзингиздан қолар гап йўқ, агар уёқдан одам келадиган бўлса, масала чигаллашади. Лекин Соҳиба Содикоўна айтяптиларки, жилақурса тиббий ва инсоний бурчимизни адо этган бўламиз, деб. Димоқчиманки, у кишининг гапларида ҳам жоп бор...

Фармонов бутун иродасини йнгиб:

— Нима бўлган ўзи? — деб сўради. — Очигини айтингчи, қани?

— Очиги... машиналар тўқнашганда кўкраги руль билан ўридик ўртасида қолиб, қаттиқ сиқилган. Боши лат еган, энг ёмони — бош суяк асоси дарз кетган. Боз устига, бир қўл, бир оёғи синган...

Фармонов азбаройи унинг давом этишидан юраги безиллаб:

— Бўпти! — деб юборди. — Областга хабар бериб, мутахассисларни олдиришг! Керак бўлса мен ҳам аралашман. Айтасиз!

Фармонов, назарида боши тарс ёрилиб кетаётгандай, қўллари билан чакка суякларини қаттиқ сиқди.

«Майли, келишин! Балки олиб қолишар! Ҳозир хирургияни жуда зўр дейишади-ку! Масаланинг нозик томонига келсак, улар ҳам одам-ку! Ганга киришар, аҳволини тушунишар, ахир! Тушунишмаса тушунтираман. Фақат... Аҳмоқ! Нима қилиб қўйдинг, аҳмоқ! Агар, худо кўрсатмасин, бир нарса бўлса!..»

Фармоновнинг кўз олдига сойда, Шоввознинг ховлиси олдида турган тобут келди... Сойда одам аросат! Тобут тепасида эгнида беқасам тўп, қўлида асо, белида бел-боғ, икки букчайиб қолган Шораҳим! Унинг ёнида жиялари, қаридон-уруглари! Ичкарида қий-чув, юзларини тирнаган, сочлари тўзениган аёллар уввос тортиб тобутга интилишяпти!..

Фармонов бетиним санчиб огриётган кўкрагини аста силаб, ўрнидан турди, хайҳотдай хона кўзига тор кўриниб, уни бир айланиб келди-да, графиндаги сувдан яна бир стакан сиқорди.

Тавба! Бу не диққатназлик? Қаёқдаги бемаъни хаёллар юрагини ўйлатиб, олам кўзига қоронги кўриниб кетяпти! Гўё бошига ҳеч қачон бунақа ташвишлар тушмаган, гўё бундан ўн баттар оғир вазиятлардан елим балиқдек сиргалаб чиқиб кетмаган? Аммо... Нима бўлгандаям яхши бўлмади! Дарҳол бирон чора-тадбир ўйлаб тонмоқ даркор! Лекин нима? Наҳот Шораҳим, бояги сўзида туриб, тўпини тескари кийиб олса? Ахир улар етти ёт бегона эмас, бир қишлоқ, бир кўчада ошиқ ўйнаб катта бўлган эски оғайнилар-ку! Наҳотки, шундай дўстлар, уруш жафоларини бирга тортган қил ўтмас қадрдонлар бир-бирига ёмонликни раво кўришса, тасодифан юз берган фалокат учун қонга қон, жонга жон деб, хун олиш найиға тушишса?! Буни Шораҳим тушунамаса... Расул тушувар жиллақурса!

О, чархи кайрафтор! Уёқда Маткаримовнинг ташвиши, буёқда бу фалокат! Қариган чоғида не кўйларга гирифтор қилдинг уни? Наҳот унинг, кимсан — Музаффар Фармоновнинг тақдири келиб-келиб энди шу... номи улуг, супраси қуруқ оғайнисига қолса? Кечагина пулни кўкка совуриб, даври даврон суриб юрган одам, бугун замонанинг зайли билан, бунчалик почор, забун аҳволга тушиб, унинг харом тукига арзимайдиган бир авомдан титраб-қақшаб ўтирса? Шошма! У Расулдан нажот сўрамоқчи бўлиб, тўғри қиянтими, йўқми? У қуни кўрган Расул бўлса, унда яхшилик чиқини қийин-ов! У ҳам таёқ тўғри, мен тўғри дейдиган ҳўкизлардан!

Ховлиқиб шофёри кирди.

— Анов дардисарни нима қиламиз, хўжайини? Боя кирмайман деган одам, энди олдингизга кираман деб, тўполов қиянти-ку! Турқи ёмон лекин!

Фармонов жонҳолатда иккала қўлини баравар силкитди.

— Йўқ, йўқ, киритма! Бу ерда нима бор унга? Ундан кўра... айт, касалхонага борсин! Уша ерда кутиб турсин! Сал туриб мен ҳам бораман!

Ўн учинчи боб

Белобородов ётган юрак касалликлари клиникаси шаҳар марказидан анча йироқда, бироқ жуда файзли жойга, катта анҳор соҳилидаги мевазор боққа жойлашган эди. Шу боис Расул кеч қолмай деб, уйдан барвақтроқ чиқди. Унинг бахтига кўчага чиқиши биланоқ бўш таксига дуч келди-ю, касалхонага Белобородов билан ахдлашган вақтдан анча барвақт борди.

Расул шифохона дарвозаси олдида машинадап тушиб боққа кирди.

Бундан бир ой муқаддам келганида ниҳоятда кўркам кўринган боғ энди яланғочланиб, дарахтлар даштдаги гўзалардай шипшийдан бўлиб қолган фақат битта-яримта япроқларгина гаройиб юртлардан келган гаройиб қушчалардай, шохларда омонатгина «қўниб» турарди.

Расул тоза супурилган хиёбон бўйлаб, олисда кўришиб турган беш қаватли бино томон юрди, лекин бинога етмасдан ўнгга бурилди-да, анҳор бўйидаги қатор шийпонлардан бирига қараб кетди. Ёзда бу шийпонлар касаллар ва уларни кўргани келган одамларга тўлиб кетарди, ҳозир эса битта ҳам тирик жон кўринмас, ҳаммаёқ ҳувиллаб ётарди.

Расул жар ёқасидаги бўш шийпонлардан бирига кириб, ўзини скамейкага ташлади-да, бутун вужудида аллақандай нохуш ҳорғинлик сезиб, кўзини юмди. Унинг юраги тинимсиз санчиб оғрир, нотинч, исёнкор ўйлардан боши гувиллаб оғрирди.

Расул кечаси даштдан қайтганда тун ярмидан ошиб кетганди. Шўрлик Манзура одатдагидай ухламай уни кутиб ўтирган экан, елиб-югуриб чой-пой қилди-да, қўлига хат тутқазди. Хатда айтилишича, Расулнинг юқори ташкилотларга ёзган мактубига жавобан министрлик билан монументал санъат кенгаши биргаликда катта комиссия тузган эмиш. Бугун соат учда Расулнинг мактуби муҳокама қилинадиган бўлиб, комиссия уни шу муҳокамага таклиф этган эди!

Рост, бир қарашда унинг мактуби бўйича комиссия тузилишининг ёмон жойи йўқ эди. Расул бир жиҳатдан бу хабардан хурсанд ҳам бўлди. Аммо эрталаб министрликка телефон қилди-ю, телефон қилгавига ҳам минг пушаймон бўлди: унинг хати бўйича тузилган комиссияга икки энг «қадрдон» дўсти, куни кеча чоп этилган мақоласи қахрамонлари Мардон Зокиров билан Ҳалим Салимов кирибди!..

Расул Нуриддинов буни эшитган заҳоти Мардон Зокировнинг тунов кунги қўнғироғи-ю, аввал аллақандай ўқиб, кейин овози таҳдид билан дўриллаб айтган гаплари, қилган дўқ-писалдалари эсига тушди. Рост, комиссия аъзолари ичида унинг ногирдлари, кеча Расулни ўз «Жигули»сида даштга олиб борган Акмал билан ҳозир министрликда бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаётган Шерзод Комилов ҳам бор эди.

Расул бўладиган муҳокама тўғрисида баъзи нарсаларни аниқлаш ниятида министрликдан кейин союз раҳбарларидан бирига телефон қилди. У: «Наҳот менинг сўнги мақоламни ўқимадингиз, агар ўқиган бўлсангиз қандай қилиб бу эски кадрдонларимни комиссияга киритдингиз?» — демоқчи эди, аммо раҳбарнинг: «Қўрқар экансиз, таъқид қилиб нима қилардингиз уларни?» — дейиши мумкинлигини ўйлаб, бўғзидаги гапни ичига ютди. Ютишга ютди-ю, қишлоқда қурган тўпори «асар»и учун Мардон Зокиров ўз ёрдамчилари билан совхознинг салкам ярим миллион (эски ҳисобда, албатта, чунки Расул шулча вақт ўтса ҳам янги ҳисобга сира ўрғанолмасди!) пулини ўмариб кетганини ўйлаб, яна қони қайнаб кетди.

Союз котиби унинг дилидаги галаённи илғади чоғи: — Комиссия аъзоларига эътирозингиз бўлмаса керак? — деб сўради. — Раис — Шерзод Комиловнинг ўзлари! Агар янглишмасам, у киши сизнинг севимли шогирдингиз бўладилар-ку?

Расул раҳбарининг овозидаги инхоний кинояни аниқ ҳис этди, бироқ алами ичида, лом-ним деёлмади.

Ҳа, котиб ҳақ: институтда Беҳзод билан Шерзод Расулнинг энг истеъдодли студентларидан ҳисобланар, унинг айниқса Шерзоддан умиди катта эди. Ҳануз эсида: Шерзод илк асарлари биланок дарҳол тилга тушиб зўр мақтовларга сазовор бўлган, Беҳзод эса... Ҳар бир асари, айниқса бошда, қизғин баҳс-мунозарасиз ўтмасди! Беҳзод жуда асабий, у авваламбор ҳиссиёт асири, Шерзод эса ўта

босиқ, вазмин, хис-эхтиросдан йироқ собит ўеширин эди.

Институтдан кейин кўёни Бехзод ўзини бус-бутун ижодга бағишлади. Шерзод эса... раҳбарлик лавозимларига кўтарилиб кетди. Шундан бери Расул унинг ижодийи нчки бир ачинини ва таратдуд билан кузатиб келади, илгариги Шерзод унинг кўз олдида ўзгариб, унда таиқидий хушламаслик, лаганбардорларга ҳомийлик ва уларни кўллаб-қувватлаш каби қусурлар куртак ёза бошлади. Эҳтимол шунинг учундир, эҳтимол, илгарилари Бехзод билан Шерзоднинг номлари санъаткорлар даврасида бирга айтилиб, асарлари бирдай мақталиб келгани учундир, улар гўё пойгага тушган отларга ўхшаб қолишганди! Бу нарса Шерзоднинг сўнгги найтлардаги хатти-ҳаракатлари, айниқса, дўсти Бехзоднинг «Гиря»сига инсбатан билдираётган муносабатиданоқ сезилиб турарди.

Лекин Расул союз котибийнинг гапига нима ҳам дея оларди? Собитқ шогирдим Шерзод аллақачон кўёним Бехзоднинг рақибига айланган, дермиди?..

Йўқ, ган санъат ҳақида кетганда Расул ҳеч қачон ўз принципларидан чекинган эмас, эидилиқда ҳам чекинмайди! Аммо наҳот унинг хати, шўрлик пахтакорнинг пешона тери билан тошилган миллион-миллион нуллари худо истеъдод бермаган бу сохта санъаткорларнинг чунтагига тушаётганини айтиб, куюниб ёзган мактуби қайлардадир юриб-юриб, ахир шировардида яна ўша халтурачиларнинг кўлига келиб тушса? Расул бу хатни ҳам, кеча эълон қилинган мақолаларни ҳам ёзган бўлса, салкам ўттиз йилдан бери санъатни булгаб, чин истеъдодларнинг найини қирқиб юрган Мардон Зокиров каби халтурачиларнинг тубан ишларига чек кўйиш учун ёзган эди-ку! Наҳот бугун, ҳали-замон юрак қони билан ёзилган бу хати учун ўша сафсатабоз тўнорилар олдида тик туриб жавоб берса?

— Ўттиз йил! — деди Расул ички бир алам билан. — Салкам ўттиз йил курашиб ҳақиқат қилолмасам, ўттиз йилдан бери барча унвов, барча мукофотларни шулар олса, уларнинг кимлиги, «асар»ларининг қадри аллақачон ҳаммага аён бўлса-ю, ҳануз ошиқлари олчи, дегани деган, айтгани айтган бўлса? Қачонгача чин санъаткорлар тақдирини истеъдоддан маҳрум шу шуҳратпараст демагоглар ҳал қилади?.. Қачонгача? — ўзидан ўзи сўради Расул, сўради-ю, ногаҳон бундан йилгирма йил аввал содир бўлган бошқа бир оғир воқеа ёдига тушиб, юраги зирқираб кетди.

Расул энди институтни тугатиб, аспирантурага кирган пайтлар эди. Ҳануза ёйда: сентябрнинг бошлари эди. Худди ҳозиргидай, ушанда ҳам марказий газеталардан бирида унинг танқидий мақоласи чиқиб, жуда катта (ҳозиргидан ун барабар катта) шов-шувлар кўзгаганди. Аммо сабаби ёшлик, бу шов-шувлардан чўчиш уёқда турсин, аксинча, хурсанд бўлиб талтайиб юрганди. Расул ўша мақоласида ҳам жуда позик бир масалани ўртага ташлаганди. У ҳам бўлса, кўн қишлоқлар урушдан аввал қандай аялчан бўлса, шундай турган бир маҳалда, меҳнат аҳли учун уй-жой қуриш ўрнига, қимматбаҳо ёдгорликлар, айниқса, қўл учиде ясалган, палапартиш ҳайкаллар барно этиш шартмикин, деган фикрни илгари сурганди у.

Мақола чиққан куни кечкурун Расулга институтдан телефон қилишиб, эртасига эрталаб Ҳамза театрига таклиф этилди. Ўша куллари Тошкентда пахтакорлар қурултойи бўлаётган эди, қурултой қатнашчилари адиб ва санъаткорлар билан учрашар экан, шунга уни ҳам таклиф қилишибди.

Эрталаб Расул кўнглида ҳеч нарса йўқ, ҳамон мақоласидан боши осмонда, Ҳамза театри томон йўл олди. Троллейбусдан тушиб, театр биносига яқинлашиб қолганида ичкаридан республика газеталаридан бирининг редактори чиқди.

Редактор, рангида ранг йўқ, уни кўриб, шартта тўхтади-да, қўлидаги гижимлаган газетани силкитиб:

— Сен аҳмоқ! — деб ўшқирди. — Ёш бошинг билан...

✓ Бунақа мақолани ёзишни ким қўйди сенга! Сени деб!.. — У гапини тугатмасдан машинаси томон шартта бурилиб кетди. (Расул кейин билса, редактор, марказий газетага ишлаиб, унинг мақоласини кўчириб босгану балога қолган экан!)

Расул ҳайрон бўлганича ичкарига кирди, кирди-да, ўзининг исмини эшитиб, беихтиёр эшикдан кирган жойида тўхтади.

Зал одамга лик тўла, президиумда, кўкраклари орден-медалларга тўла донгдор кишилар қуршовида собиқ каттақонининг ўзлари баланд курсида хиёл чалқайиб ўтирар, унинг кўзлари минбардаги ёш жуводда эди. Ўша маҳалда энди номи чиқа бошлаган, кейинчалик эса донги бутун мамлакатга кетган ёш жувод, овози кумуш қўнғироқчадай тишиқ янграб, жўшиб гапирарди:

— Ёш олимимиз Нуриддиновнинг мақоласи шундан далолат берадики, у киши ҳаётдан мутлақо узилиб қолганлар. Биз пахтакорларни назарига илмайдилар. Ажабо! — Жувон шундай деб хитоб қилди-да, катта-катта масъум кўзларини қозондан узиб, залга назар ташлади. — Ажабо! У киши аяпчли, гариб қишлоқларни қаерда кўрибдилар! Ҳамма қишлоқларимиз обод, гуллаб-яшнаётган бир пайтда марказий газетага турмушимизни қоралаб ёзиш — бу бизнинг бахтли ҳаётимизга нисбатан гирт тухмат-ку, ўртоқлар! Тухмат учун эса... жавоб бермоқ керак!..

Аввал раҳбар, кейин бутун зал ўрнидан турди. Юзлари ҳаяжондан бўғриқиб кетган ёш жувон, гулдурос қарсақлар остида жойига бориб ўтирди. Лекин хануз тишпа-тик туриб қарсақ чалаётган собиқ раҳбар, қошидаги одамга нимадир деб шивирлади-да, ёш жувонни ёнига чақириб олди.

✓ Қарсақлар тиниб-тинмасданоқ Мардон Зокиров (ҳа, ҳа, мана шу Мардон Зокиров — унда у ҳам ёш, ҳозиргидан ҳам бақироқ, асарларидан кўра нутқлари билан шуҳрат қозонган, келажаги порлоқ хайкалтарош эди) пилдираганича миябарга чиқди, чиқиши билан гўзал жувоннинг гўё ҳамон залда муаллақ янграб турган кўнгироқдек тиниқ овози ўрнига бамисоли момақалдироқ қалдиради...

Мардон Зокиров мақола муаллифига ёш жувондан бешбаттар оғир, шафқатсиз айбномалар тақди: гўё у — нафақат республика, бутун совет монументал санъатини ҳақорат қилган эмиш, социалистик реализмга қарши чиққанмиш!

Расул ўшанда эшикда қоққан қозикдай қаққайиб турганича унинг дўқ ва таҳдид тўла нутқини бир лаҳзагина эшитди, сўнг юраги қаттиқ санчиб, аъзойи-бадани қора терга ботганини сизди-да, секин орқага тисарилди...

Кечқурун унга аспирант дўстларидан бири телефон қилди: момақалдироқдан кейин каттаконнинг ўзи нутқ сўзлабди. У Расул Нуриддиновни социалистик реализм принципларини бузганликда айблабди, унинг мақоласини кўчириб босган редактор ишдан олинибди!..

Шундан кейин Расул учун урушда кўрганларидан ўп чандон оғир кунлар бошланди. Унинг мақоласига қарши ўнларча мақолалар чиқди, ўзи институтдан ҳайдалди. Яхшиям, илмий раҳбари москвалик машҳур олим эди. Унинг маслаҳати билан Расул Москвага кетадиган бўлди. Онаси тишининг ковагида асраб юрган сўнги тилла узуклари-

ши сотиб, белига икки юз сўм тугиб берди. Хуллас, у қилиб-бу қилиб Расул Москвага кетди ва уч йилдан кейин у ердан кандидат бўлиб қайтди. Қайтишга қайтди-ю, аммо ўша қарашларидан қайтмагани учун гарчи кейинчалик профессор унвонини олса ҳам иши сира ўнгидан келмади-келмади...

Хўш, бу нохуш ишлар-ку, ўтмишда, собиқ хўжайиннинг шухратварастилиги, мапмамлиги, шафқатсизлиги туфайли содир бўлган экан. Аммо унинг оламдан ўтганига, фаолияти қаттиқ қоралаганига мана бир йил бўляптики, аммо нега хануз Мардон Зокиров каби сафсатабоз демагоглар отда-ю, Расулга ўхшаган адолат қидирувчилар қувгинда, қувгинда бўлмаса ҳам ўша нопокларнинг оёқлари остида!..

Расулнинг хаёлини аллақандай ваҳимали чипқириқ бўлди: дарвозадан тинимсиз сигнал бериб «Тез ёрдам» машинаси кириб келди: афтидан, яна бир огир касални олиб келишганди.

Расул «Тез ёрдам» машинасини кўриши билан негадир аввал қизи Нигоранинг хати, кейин Белобородов билан учрашгани келгани эсига тушди, тушди-ю, уёқда уни Шоввоз билан Ойсулув, бу ерда собиқ комбат кутаётганини эслаб, шоша-пиша ўрнидан турди.

Одатда бу касалхонага кириш бошқа касалхоналарга киришдан ҳам қийин, тартиб қаттиқ, қоровуллар дағал, гапга кирмас эди. Бироқ бу сафар Расулни ёшгина бир ҳамшира кутиб турган экан, унга пешвоз чиқиб қоровуллардан олиб ўтди.

Энг замонавий услубда қурилган муаззам бинонинг зиналаридан тортиб, йўлакларигача, лифтидан тортиб, ҳамшираларигача — ҳаммаси озода ва батартиб эди. Учинчи қават айниқса озода, линолеум қопланган поллар кўзгудай ялтилар, бироқ шунга қарамай, барча шифохоналарга хос бояги совуқ нафас бу ерда ҳам ҳоким эди.

Расул биринчи келганидаёқ кўрган: Белобородовга Ватан урушида ярадор бўлган ветеран сифатидами ё лавозими ҳисобга олинибми, ишқилиб, алоҳида бир хона ажратилган, хотини Евдокия Фёдоровнага ҳам йигма каравот қўйиб берилганди.

Расул ҳамшира қизнинг кетидан бу таниш хонага яқинлашаркан, дам нечундир юраги увишиб, дам яна Гоби чўлидаги кулгили воқеа, уч ўзбек солдати «Тошкент» сўзининг маъносини чақиб беролмай мулзам бўлганлари

эсига тушиб, ичида беихтиёр кулиб қўйди. Белобородов деразаси анҳорга қараган узун, бироқ энсизгина хонанинг тўридаги диван-каравотда ётар, Евдокия Фёдоровна йўк, унинг йинга каравоти йиниб қўйилган эди.

Иван Харитонович одатдагидай соқол-мўйловларини силлиқ қиртишлаб, ҳануз қалин, сомопранг сочларини яхшилаб қайчилатиб олган. Касалхона ҳидини хиёл кўтариш учун бўлса керак, хонага позик атир сепилган, дераза токчаси ва тумбочкалардаги идишларга янги гуллар солиб қўйилган эди.

Расул бир қарашдаёқ пайқади: Белобородов аввал келганидагидан ҳам ўзини олдириб, озиб кетган, чакка суяклари баттар туртиб чиққану лунжлари ичига ботиб, учбурчак ияги қарияларнинг иягидай кичрайиб, ўткирлашиб қолган. Фақат кўзлари, чуқур ботган, ҳоргин кўзлари илгаригидай сокин боқарди.

У Нуриддиновнинг эътирозларига қарамасдан, ҳамшира қиз ёрдамида қаддини ростлаб, елкасига қўш ёстиқ қўйиб ўтирди ва кўк чой буюрди. Шунда териси суягига ёпишиб қолган юзига қизиллик, юпқа лабларига билинар-билимас кулги югурди-ю, Расулнинг соғлиқ ҳақидаги саволига қўл силтаб қўя қолди.

— Буёғи энди соғ бўлиб қасққа ҳам борардим! Олимпиадага қатнашиб, олтин медаль олармидим?

Расул операция масаласи нима бўлаётганини сўраган эди, Иван Харитонович мийигида кулимсираб, тумбочкасидаги бир даста китоб устида ётган «Наука и жизнь» журнаliga имо қилди:

— Академик Амосовнинг хотираларини ўқийман. Эшитгандирсан, машҳур хирург. Киевда юрак касалликлари клиникасини бошқаради. Кундаликларига қараганда, жуда ажойиб одамга ўхшайди. Ўша кишини таклиф қилишмоқчи эмиш!

Расул бирдан енгил тортиб:

— Жуда тўғри қилишади! Буюк олим у киши! — деб хитоб қилган эди, Иван Харитонович яна бошини сарак-сарак қилиб, сўлгин илжайди:

— Ҳа, буюк! Аммо... кундаликларига қараганда, у ҳам... ўзимизга ўхшаган ожиз бада экан!

Расул Иван Харитоновичнинг нимани ўйлаётганини сездиди-да, гўё уни бу аламли ҳаёлларга ўзи мажбур этгандай, хижолат чекди. У ҳам Амосовнинг кундаликларини ўқиган, улкан жарроҳнинг муваффақиятсиз чиқ-

қан ва ўлим билан тугаган операциялари тўғрисида куюниб ёзган саҳифалари дилига қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Ҳозир ўша саҳифалар эсига тушиб, бу ҳақда гап очганидан пушаймон қилди. Расул оғир дардга чалинган хасталар билан гаплашишининг позик жиҳатларини яхши туяр, ҳол-аҳвол сўраш ҳам, сўрамаслик ҳам баб-баравар мушкул эканини кўп марта синаб кўрган, бундай тапг вазиятда кўп нарсанинг ўзинга боғлиқ эканини ҳам биларди.

Буни Иван Харитонович ундан ҳам яхши англаса керак, аҳволи қанчалик забун бўлмасин, одатда гапни бошқа томонга буриб юборар эди.

Бу сафар ҳам шундай қилди.

— Бу... — деди оғир ҳарсиллаб. — Дашт қалай? Пахта борми далада?

— Пўқ ҳисоб. Кўсакларда битта-яримта чигит қолган. Айтмоқчи, даштда Музаффар Фармоновни кўриб қолдим, — деди Расул ва қизариб кетди: «Кўриб қолган эмишлар! Ўзлари излаб топдилар-ку!»

Белобородов «ҳм-м» деб қўйди.

— Ўша... ўзимиз билган Музаффар-да, УРС ни бошлиғи? Қалай, ишлари зўрми?

— Зўр! Ничоги мой устида! — кулди Расул. — Осмонда! «Даштстрой» бошлиғи Москвага кетган экан, жилов Музаффарга тегибди. Айтгани — айтган, дегани — деган!

Расул, ўша кунги шоҳона зиёфатлару вертолётларда учганлари эсига тушди-ю, хунук иш устида қўлга тушган ёш боладай ўсал бўлиб, томоқ қирди.

— Шунақа де?

— Ҳа, камшиа ҳам унинг кўланкасида бир даври даврон сурдик, Иван Харитонович! Самолётда даштни айландик, вертолётда тоғларга чиқдик. Надоматлар бўленимиз, тоғда шамол кучли экан, дачаларига қўнолмадик. Лекин... — Расул хижолат чекиб кулди. Ҳатто куюк зиёфатларидан ҳам баҳраманд бўлдик!

— Машинада борганимизнинг? Багажигини ҳам тўлдириб бергандир?

Расулнинг миясига қоп тешиб, юзи тарам-тарам бўлиб кетди.

Бугун эрталаб, муҳокама ҳақидаги нохуш гапдан кейин Расул сал ўзинга келиш умидида совуқ душга тушди, сўнг кийиниб ошхонага ўтди-ю, бенхтиёр анграйиб қолди. Одатда нари борса бир ниёла қаймоқ, сарёғ, қанд-қурс

билан «безатиладиган» дастурхон бугун турфа хил нози неъматларга — ҳар бири чойнакдай-чойвакдай келадиган анору олма, тилладай ялтиллаган ноқлару ликопча-ликопча қизил ва қора икраларга тўлиб кетибди. Стол ёнида эса, Манзурахон кўлларини белига тираб, хиёл муғамбирона кулимсираб турарди. Чамаси, бу неъматлар кечаси Музаффар берган зиёфатнинг сарқитлари эди!

Расул худди жиноят устида тутилган ёш боладай:

— Нега ишшайсан? — деди қовоғини уйиб.

— Нега ишшаймас эканман? — қаҳ-қаҳ отиб кулди Манзурахон. — Сиз ҳам юрибсиз профессорман деб, керилиб! Ундан кура, номи улуг, супраси қуруқ унвопларингизни сотиб, бирорта УРС га начальник бўлинг. Сиз ҳам ейсиз, биз ҳам!..

Расул кўлига олган пиёласини «тақ» этиб жойига қўйди.

— Бўлди! Йигинтир бу икра-пикрангни! Менга ҳар купги пои-чойим ҳам етади! — У ўрнидан туриб кетмоқчи эди, Манзурахон чопқиллаб келиб, бўйнидан қучоқлаб олди.

— Нима бало, профессор бўламан деб, ҳазилниям туншунмайдиган бўи қолдиларми, кап-катта одам? Худди бу неъматларни ўалари эмас, мен опкелгандай қовоқ-тумшуқ қиладилар, а? Қора икра билан қизил икра қоринларини огритса, нону чойларини ичиб кетаверсишлар, акамлар! Умрларига дуо қилиб, биз еймиз буларни жонжон деб!

Расул хижолат чекиб кулди:

— Башоратингизга қойилман, Иван Харитонович!

— Гап башоратда эмас, ҳаётини тажрибада! — Иван Харитоновичнинг қонсиз, юққа лабларига истеҳзоли табассум қалқди, у нижамасининг ёқасидан кўриниб турган қоқсуяк кўкрагини тўлдириб чуқур тиш олди.

— Биласан, бошлиқ билан ишлашолмай «Даштстрой»-дан кетганимга, мана, ўн беш йилдан ошди...

— Кеча бу тўғрида ҳам гаплашдик, — деди Расул.

— Хўш-хўш? — Иван Харитоновичнинг хиралашган садафдай нурсиз кўзлари аллақандай чақнаб кетди.

— Мен ундан сўрадим: нега Иван Харитоновични чиқиштирмадиларинг, дедим.

— Нима дейди?

— Мен бир кичкина одам бўлсам, дейди. Икки айғир тепишганда орасига тушиб бўладими, дейди?

Белобородов яна мийиғида кулди.

— Икки қўчқорнинг боши бир қозонга сиғмас, деган мақолни ҳам эслагандир?

— Ҳа, униям эслади!..

— Қизиқ... — Иван Харитонович ҳорғин кўзлариши юмиб, узоқ ўйга толди. — Қизиқ, — такрорлади у гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандай, кўзини очмай. — Мен-ку, Россияда туғилиб-ўсган бир рус фарзанди ўзбек тупроғининг келажагини, унинг қисматини ўйлаб куйсам-у, ўзбек фарзанди парвойи фалак, бу ҳақда зигирдек ўйламаса! Мен Фармоновни эмас, марҳум хўжайин билан унинг «Даштстрой» тепасига ўтқазиб қўйган содиқ шогирдини айтяпман. Собиқ каттакон нима қилса шогирди ҳам шуни қиларди. Булар учун шу бугун даврон суриб, ёрлиқлар олиб юрса бас, эртага, уларга қолса, ҳаммаёққа ўт тушмайдимиз?

Белобородов томоғини силаб, токчадаги «Тошкент суви»га қўл чўзди. Расул шоша-пиша стаканга сув қуйиб, унинг қалтираган қўлларига тутқазди. Белобородов гўё саҳрода адашиб, сувсаб қолган одамдай, тапналик билан бир стакан сувни қултиллашиб ичди-да, ҳапсираб давом этди:

— Самолётда учган бўлсанг кўргандирсан, бу бепоён даштда на боғ-роғ, на катта бедазорлар бор. Кеча ўзлаштирилган ерлар бугун оппоқ бўлиб шўр босиб ётибди. Шу кетишда яна ўн йилдан кейин нима бўлади бу ернинг аҳволи? Буни ўйлаб, жон куйдираётган бир одам йўқ! — Белобородов қоқсуяк қўлларини силтаб, оғир тин олди. — Балки сен ўйларсан: у ерда бўлаётган ишларга жонингиз койнса нега даштдан кетдингиз деб? Ахир «Даштстрой» бошлиғига аччиқ қилиб, даштни ташлаб кетиш — бургага ўчакишиб, кўрпага ўт қўйиш билан баробар эмасми деб? Йўқ, гап фақат «Даштстрой» бошлиғида эмас эди! Бунинг илдизи чуқур эди, Расул! — Белобородов шундай деб, ёстиғининг тагидан қалин қизил папка, папкадан эски конверт олди-да, Расулга чўзди:

— Олимсан, китоблар ёзасан, ҳар қалай, билиб қўйсанг ёмон бўлмас!

Конверт очиқ, унинг ичида иккита хат бор эди. Расул улардан бирини олиб, илк сатрларига кўзи тушди-ю, ялт ётиб, Белобородовга қаради.

Белобородов бошини осилтириб, оғир ҳансираб ўтирарди.

— Ўқи! — деди у мийигида кулимеираб. — Ўқийвер!

Хат собиқ раҳбарнинг юқорига ёзган хати, туғрироғи, бу хатнинг машинкада кўчирилган нусхаси бўлиб, унда пахта нархи ҳақида гап кетарди. Унинг ёзишича, пахтанинг давлат томонидан харид қилиш нархи ўта баланд. Шу туфайли, яъни ғалла, картошка ва сабзавотга нисбатан бир неча марта баланд бўлгани учун, дейилганди хатда, пахтакорлар ҳаёти мамлакатнинг бошқа вилоятларида яшовчи халқлар ҳаётидан бир неча баробар ошиб кетган, бу эса адолат ва тенглик принципимизга зид. Собиқ раҳбар, шу фикрга асосланиб, пахта нархи икки баробар туширишни таклиф этган эди!..

Хар нарсани кутса ҳам бундай хатни кутмаган Расул хайрон бўлиб Иван Харитоновичга қараган эди, у қовоғини уйиб:

— Ўқи! Иккинчи хатни ҳам ўқи! — деди буйруқ оҳангида.

Иккинчи хат ҳам собиқ раҳбар имзоси билан юқорига йўллаган мактубининг кўчирмаси бўлиб, унда шундай дейилган эди:

«Ўзбек деҳқонлари қадимдан бир йилда ердан икки, баъзан ҳатто уч марта ҳосил кўтаришган. Бу деган сўз ҳозир ҳам бемалол икки марта ҳосил олиш мумкин, деган сўз. Масалан, февраль ойларида ҳамма пахта майдонларига нўхат экилса, уни май ойида йиғиб олиш мумкин. Пахта эса шундан кейин экилса ҳам бўлаверади. Бу нарса, дейилган эди хатда, бир ярим-икки миллион тонна қимматбаҳо силос тайёрлаш имконини берадиким, унинг ҳисобига республикада чорвачилик маҳсулоти бир неча баробар кўнайтирилса бўлади».

Расул хатдан кўзини уади-ю, бир аум нима дейишини билмай анграйиб қолди.

— Бу хатлар чиндан ҳам юқорига юборилганми, ё...

Белобородов Расулнинг саволига жавоб бериш ўрнига:

— Юборилмаганда... пахтанинг нархи тушармиди ўша пайтларда? — деб сўради. — Ё ўша маҳалда пахтанинг нархи тушиб, ҳамма колхоз ва совхозлар батамом ўтириб қолганидан хабаринг йўқми?

— Хабарим борликка борку-я, аммо нахот...

Белобородов бошини ғамгини ликиллашиб, яна чуқур уф тортди:

— Собиқ хўжайиннинг бу волюнтаристик хати қапақа

оғир аҳволга солди республикани. Бу хат оқибатида деярли барча пахтакор хўжаликлар олтмишинчи йилларда шу аҳволга тушдики, марҳумнинг ўзи қайта хат ёзишга мажбур бўлди, яъни ўз гапидан қайтишга мажбур бўлди! — Белобородов қоқсуяк кўкрагини силаб, тағин бир стакан сув ичди-да, ҳорғин товушда давом этди: — Энди тушундингми «Даштстрой»дан нимага ҳайдалганимни?

Расул «тушундим» деган маънода бош ирғади:

— Яъни, сиз собиқ каттаконнинг бу хатларига қарши чиққансиз?

— Гап шундаки,— деди Белобородов, унинг саволига жавоб бермай,— собиқ хўжайин ўзининг бу «гениал» ғояларини «Даштстрой» миқёсида синаб кўрмоқчи, тўғрироғи, ҳақлигини исботламоқчи бўлган. Биласан, у маҳалда мен бош инженер эдим, «Даштстрой» бошлигининг биринчи муовини ҳисобланардим. Лавозимим тақозоси билан каттаконнинг таклифларини ҳисоб-чўт қилиб кўришга мажбур бўлдим.

— Ҳисоб-чўт яхши чиқмади?

— Яхши чиқмаса ҳам майли, бу таклифларнинг нақадар хатарли, волюнтаристик таклифлар эканини кўрсатди ҳисоб-китоб!

— Сиз буни очик айтдингиз?

— Очик айтиш ҳам гапми, сабаби қизиққонлик, очик хат ёзганлар акамлар!

— Шундан кейин сизни индан ҳайдадилар?

— Йўқ, аксинча! — заҳарханда қилди Белобородов. — Сенлар билмайсанлар. У одам сен ўйлагандан мишг чандон эҳтиёткор эди. Демокчиманки, биздай эски тулкиларни живидан ёмон кўрса кўрардики, аммо улардан ҳайиқарди. Шу боис каминани ҳам юқори кўтариш баҳонасида ҳозирги жойга олиб келиб қўйдилар. Лекин қишлоқ хўжалиги билан саноатдан йироқ юрсин, дедилар чоғи, фан ва маданият соҳасини топширдилар! — Белобородов гўё ўз устидан кулаётгандай маънос кулимсиради. Буни кўриб, Расул ҳам беихтиёр жилмайди.

— Бир жиҳатдан балки шундай қилгани яхши бўлгандир. Агар ҳозир «Даштстрой»да ўтирганнингизда...

— Йўқ! — Белобородовнинг ярим юмук кўзлари «ярқ» этиб очилиб кетди. — Фақат хат билан чекланиб қолмай, курашмоқ керак эди ўша найтларда. Биз эса кўрқоқлик қилдик...

— Бу гапингиз тўғри-ю, аммо-лекин... ўзи жудаям

юксак жойларга чиқиб олганди-да у одам! Қўл етиб бўлмас даражада юксакликка кўтариб қўйишганди уни!

Белобородов бир хўрсиниб қўйди.

— Ҳа, афсус-надоматлар бўлсинким, жуда юксакларга чиқиб олганди... Мапа энди... жуда ёмон ишлар очиларти, Расул. Унинг ҳамма кирдикорларини очиб, покларни олиш осонга тушмайди бизга! Жуда кўп қийинчиликлар турибди олдинда! Чунки... У одам танлаган ва тарбиялаган кимсалар осонликча жон бермайди ҳали!

Расулнинг эсига бўлажак муҳокама тушди, кўз олдига оёқларини бир-бирига чалиштириб ўтврган Мардон Зокиров келди-ю, юраги безиллаб:

— Ҳа, осон бўлмайди, — деб бош ирғади. — Ишқилиб, ёмғирдан қутулиб, дўлга тутилгандек, яна демагоглар бошимизга чиқиб олмасин денг!

— Демагоглар-ку, чиқолмайди! — деди Белобородов кичкина кафтини мушт қилиб. — Аммо... Ҳа, айтмоқчи, куёвингизнинг ишлари нима бўларти? — тўсатдан сўраб қолди у. — Лойиҳаси тасдиқдан ўтганми?

— Йўқ.

— Нега?

— Чунки... нима, бирор гап борми, Иван Харитонович?

— Бор, — деди Белобородов, баттар қовоғини уйиб. — Комитетга хат тушибди! «Даштстрой» раҳбарлари қонунга хилоф равишда куёвингизнинг тасдиқдан ўтмаган лойиҳаси асосида катта ёдгорлик қурдираётган эмиш! Жуда катта маблағ исроф қилинган эмиш! Бу ишда... — Белобородов нигоҳини Расулнинг нигоҳидан узиб, дераза томонга қаради. — Бу ноқонуний ишда сенинг ҳам ҳиссанг бор эмиш!..

Расулнинг юраги «шув» этиб, пешонасидан тер чиқиб кетди.

— Менинг қандай ҳиссам бўлиши мумкин, Иван Харитонович?

— Ҳиссанг шуки, сен ўз обрўйингни ишга солиб, куёвингга йўл очиб берган эмишсан. Яъни, лойиҳаси тасдиқдан ўтмасдан туриб, иш бошлашга ёрдам берган эмишсан!

Расул худди бўгилиб кетаётгандай, қалтироқ қўллари билан томоғини силади.

— Наҳот шу гапга ишонсангиз, Иван Харитонович? Ахир... бундан уч-тўрт йил аввал бизникида кўрган эдингиз-ку унинг лойиҳасини?

— Мен бу гапларга ишонаманми, йўқми, бу бошқа

масала! — деди Белобородов хиёл юмшаб. — Аммо-лекин лойиха тасдиқдан ўтмасдан туриб, иш бошлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! «Даштстрой» бошлиқлари-ку, босар-тусарларини билмай қолган ҳовлиқма одамлар, улар учун қонун-қонда йўқ! Аммо куёвинг... паҳот у қонунга хилоф иш қилаётганини тушунмаса? Зотан агар бу ўша, мен кўрган лойиха бўлса, нега хануз тасдиқдан ўтмайди? Мен мутахассис эмасман! Аммо... хануз тасдиқланмаётган экан, бирор сабаби бордир ахир?

— Бор! — Расул асабий кулди. — Биттаю битта сабаби... мана, чорак аср бўптики, республикамизда аҳвол шу! Ҳамма истеъдодли асарларнинг тақдири... худо истеъдоддан маҳрум қилган халтурачилар қўлида! Ҳозиргина... ҳамма истеъдодли одамлар хор-зор бўлиб, тагин демагогларнинг ошиги олчи бўлмасмикин десам, жаҳлингиз чиқди! Аммо... мен яқинда худди шу масалада бир нечта областларни айланиб келдим. Истеъдоддан маҳрум бу хайкал ва монументларга колхоз-совхозларнинг миллион миллион сўм пуллари совурилган! Ҳамон совуриляпти! Мен бу ҳақда ўз фикримни юқори ташкилотларга ёзиб берган эдим, хатим юриб-юриб, яна ўша... тўнори асарлар учун колхоз-совхозларни тўнаб юрган демагогларнинг қўлига тушибди! — Расул қўл соатига кўз ташлади. — Яна бир соатдан кейин улар бу хатимни муҳокама қилишади. Ўйлайманки, мени, эҳтимол менга қўшиб, куёвимни ҳам бадном қилишади! Монументал санъатимиз ютуқларини инкор этувчи бир... тухматчига чиқаришади!.. Сиз бўлсангиз!.. — Расул аллақандай хўрлиги келиб, гапини тугатолмади.

Белобородов «ҳим-м» деганича бўйинини қаниб, узоқ сукутга толди, сўнг:

— Ўша хатингдан бир нусха борми? — деб сўради.

— Ҳозир ёнимда йўқ. Лекин уйда бор.

— Бор бўлса... бир нусхасини менинг помимга юбор! — Белобородов шундай деб зимдан Расулга тикилиб қаради. — Сен мендан хафа бўлдинг чоғи?

— Йўқ, нега...

— Гап шундаки, — деди Белобородов, тўсатдан аллақандай маъюсланиб. — Мен сенларга, собиқ солдатларимга зиғирдай доғ тегмаса дейман... Мана шу Музаффар... қилиқлари ёқмаса ҳам... жопим ачиб, юз маротаба айтдим унга! Илоини аврайдиган бу хўжайинингдан сал парирок юр, ҳадеб унинг ногорасига ўйнайверма, қўл ҳов-

ликавермай қадамингни ўйлаб бос, ука, деб маслаҳат бергандим!

— Минг афсуски, ҳалиям ҳовлиқиб юрибди!

— Йўқ, — деди Иван Харитонович, овози сал хириллаб. — Бундан чиқди, сен ҳеч нарсани пайқамабсан. Балки самолётларда олиб юрганга учиб, ишлари зўр деб ўйлагандирсан. Илгариги Музаффар эмас у ҳозир. Мана, беш-олти ой бўляптики, қандайдир таҳликада. Умуман, «Даштстрой» потинч. Ҳозирча ўзаро гап — бизда ҳам нохуш ахборотлар бор. Бошлиқларини марказга чақириб олганларидан бери ҳаммаси талвасада.

Расулнинг эсига Музаффар тушди.

«Ҳа, қандайдир жуда асабий, бетинч, беҳаловат эди у!»

— Энди буёғини эшит, Расул! Бундан уч-тўрт кун бурун мени бир хотин йўқлаб келди. Клара Жамоловна деган. Аввал уни қайси бир министрликдан деб айтишди. Министрликдан бўлса менда иши бордир деб, киришга руҳсат бердим. Келди, қўлида катта пакети бор. Ўзи десанг... жуда ҳалигидақа, ўзбекча нима дерди, ҳа, офатижон! Ёш, келишган, кийимлари ҳам жуда башанг! Ҳаммаёғи олтину бриллиант! Гапнинг қисқаси, бундоқ сўраб-суриштирсам... ким экан дегин? — Иван Харитоновичнинг сўлғин кўзлари тўсатдан шўх чақнаб Расулга қаради. Расул «ҳайронман», деган маънода елкасини қисди.

— Музаффар Фармоновнинг қудаси! — деди Белобородов аллақандай бўш-баёвгина жилмайиб. — Чамаси, ўзи киролмагандан кейин гўзал қудагайини инга солганга ўхшайди! Энди гапнинг буёғини эшит. Худди детектив фильмларининг ўзгинаси!.. Клара Жамоловна деган бу тапноз, қудасидан бир қулоч саломлар олиб кепти. Музаффар Фармонов мени жуда согинган эмиш, бир кўриб, ётиб дардлашиш орузида юрганмиш. Айтадиган гаилари кўн эмиш! Пачора? Аёл кишини ранжитмайлик деб қўлидаги тугунини олиб қолдик. Энди буёғини эшит, — Иван Харитонович бетоқат бўлиб, яна графинга қўл чўзди, ярим стакан сув ичиб, сал ўзини босгач, ҳансираб давом этди: — Бир соатлардан кейин анов телефон жириглаб қолди. Евдокия трубкани олиб, бир минутча тишглаб турди-да, кейин рапги «қув» ўчиб стулга ўтириб қолди. Мен кўрқиб кетиб: нима бўлди, нима қилди, деб сўрасам, шўрлик куймаланиб бориб, токчадаги анов гул тувакнинг орқасига қаради-да, миттигина чиройли бир қутича олди. Очиб қарасак... қутичанинг ичида бриллиант кўзли олтин узук!..

Нуриддинов, азбаройи воқеанинг бундай йўналиш оли-
шини кутмаганидап, беихтиёр:

— Йўғ-э! — деб юборди.

— Ҳалиги хотип... Клара Жамоловна, Евдокияга айт-
ган эмишки, гўё Музаффар бу узукни унга совға қилиб
бериб юборганимишу у бўлса, гўё буни айтиш эсидан чиқиб,
тоқчада қолдириб кетганимиш!.. Балониам эсдан чиқарма-
ган! Чамаси, бизнинг кўп рўйхушлик билдирмаганимиз-
дан ҳадиксираб, шундай айёрони йўл тутган...

Иван Харитоновичнинг заҳид, ранглар юзи унқиқиб,
қорайиб кетди.

— Нима қилиш керак? Бир ўйим, милиция чақириб
акт туздирай дедим-у, бироқ ундай десам... на бир гувоҳ
бор, на бошқа! Кеча Евдокияни узукнинг нархини билиб
кел, деб «Ювелирторг»га юборсам, ишонасанми, баҳоси
уч минг беш юз эллик уч сўму ўттиз беш тийин экан!..

Расул беихтиёр ёқасини ушлаб:

— Епирай, шунақа узук ҳам бўларканми, а? — деб
юборди.

— Бўлади! Ундан қимматлари ҳам бўлади! Аммо гап
унда эмас!.. Масала шундаки, нима қилиш керак буни? —
Иван Харитоновичнинг хиралашган пурсиз кўзлари артил-
ган садафдай чарақлаб кетди. — Ўйлай-ўйлай, ахири ко-
митетдан бир одам чақиртирдим. Акт туздириб бериб
юбордим узугини. Аммо юборинга юбордим тонг отгун-
ча мижджа қоқмадим. Ахир нахот у аҳмоқ, менинг баталь-
онимда солдат бўлган, яхши-ёмон бир неча йил бирга иш-
лашган бу ўпка огайнинг билмайдикки, унинг бошлиғига
ўхшаган порохўр эмас Иван Харитонович! Қаллоб эмас! —
Белобородовнинг бойдан бери хирллаб чиқаётган бўғиқ
овози тўсатдан очилиб кетди-ю, тор ховани янграгиб
юборди. Шу пайт эшик унсизгина очилиб, Евдокия Фёдо-
ровна кириб келди. У кўзлари ёниб, бақриб-чақира-
ётган эрини кўриб қўрқиб кетди чоғи, кўлидаги буюм
тўрвасини полга ташлаб, унга қараб талпинди:

— Сенга нима бўлди? Нима қилди, Ванюша?

Иван Харитонович ҳоргин қўл силтаб, титраган овозда:

— Кечаги гапни айтяпман, азизим, — деди оғир ҳан-
сираб. — Музаффар Фармоновнинг қилган ишини!

Евдокия Фёдоровна ўзини стулга ташлаб, уф тортди.

— Вой тавба! Одамни ўтакасини ёрдинг-ку, Ваня?
Тагин нима фалокат рўй берипти десам-чи! Сиз яхшими-
сиз, Расулжон? Бола-чақалар, Манзураҳон?..

— Раҳмат, Евдокия Фёдоровна... Ўзингиз қалайсиз?
Евдокия Фёдоровна гамгин бош чайқаб, кўзига ёш олди.

— Мана, кўриб турибсиз-ку, Расулжон. Уч ойдан бери
ётибмиз...

Расул Евдокия Фёдоровнанинг ажин тўри қопланган
ва аллақандай салқиган юзига, кампирларга хос пил-
дираган хатти-ҳаракатларига зимдан назар ташларкан,
тўсатдан Гоби соҳросида кузатган ва бир умр эса қолган
машзара кўз олдига келиб, юраги шиф этди.

Тун. Қора бахмалдай тиниқ, серюлдуз осмон тагида
мудраб ётган бепоён сахро. Саф-саф бўлиб кетаётган
солдатлар оқими чексиз-чегарасиз дарёга ўхшайди. Улар-
нинг жўр қўшиги тун сукунатида бузиб, аллақандай
мислсиз бир қудрат билан янграйди:

Свищен-ная война!
Вой-па священная!

Йўлда уйқусираб, йиқилиб қолмаслик учун атай қўшиқ
айтиб, энимистон саҳрони зир титратувчи бу қўшиқнинг
сеҳрли кучига бўйсуниб баробар қадам ташлаб кетаётган
батальон олдида... гвардиячи капитан Белобородов билан
ҳарбий врач Евдокия Фёдоровна Белобородова бормоқда.
Улар ҳам солдатларга жўр бўлиб қўшиқ айтмоқда.

Комбат чап қўли билан отининг жиловидан ушлаб ол-
ган, ўнг қўли билан эса хотивининг елкасидан кучган.
Ҳар сафар қўшиқ авжига чиқиб, нақоратга ўтилганда
уларнинг овози қандайдир ўзгача типиклик ва қудрат
касб этади. Белобородовнинг товуши худди момақалдироқ-
дай қалдираса, Евдокия Фёдоровнанинг овози солдатлар-
нинг дағал, бўғиқ товушларига аёлларга хос бир нафис
майинлик бахш этиб, шилдираб оққан булоқдай мусаф-
фо жараплайди...

Мулойим чехрасидан, катта-катта мовий кўзларидан
табассум аримайдиган бу ёш, хушсурат, хушбичим ҳар-
бий врачга ҳамма солдатлар пинҳона ошиқ. Унинг нов-
дадек тик қолати шундай келишган, ўзи шундай хуш-
муомала ва ёқимтойки, ҳатто ҳарбий кийимда ҳам у энг
қимматбаҳо либослар кийган гўзаллардан ҳам гўзал кўри-
нади. Солдатлар назарида комбат билан ҳарбий врач гўё
бир-бири учун яратилган ва дунёда энг бахтли жуфт
қуш бўлиб туюлади. Ҳамма уларга ўхшашни пинҳона
орау қилади.

Расулнинг хаёлини Белобородовнинг:

— Хўп, сенга рухсат, Расул,— деган овози бўлди.— Муҳокаманга кечикма. Ҳақ эканлигинга имонинг комилми ахир?

Расул елкасини қисди.

— Ҳақ бўлсанг — қаттиқ тур! Бу — бирламчи! Иккиламчи, монументнинг лойиҳаси тасдиқдан ўтадим, йўқми, бундан қатъий назар, мен уни бориб кўришим керак. Тугаб қолганми ахир?

— Тугаб қолган дейишади. Мен ўзим ҳам ҳали кўрганим йўқ.

Белобородов почор ахволига энд бир чаққонлик билан қаддини ростлаб ўтирди:

— Мен шу ҳафта касалхонадан чиқаман. Бирга бориб кўрамиз кўвингни ишини! Ҳар қалай ўша даштда ўн йил умрим ўтган! Ўлишдан аввал бир кўриб қолай, азизим!

Евдокия Фёдоровнанинг кўзи жиққа ёшга тўлди:

— Ваня! Операция нима бўлади, ахир?

— Операция қилдирмайман. Точка.

— Ваня!

— Кеча клиника бошлиғига айтдим. Амосовиям, бошқа академиклариям керак эмас. Вергул. Эскилар айтмоқчи — ўлим ҳақ экан, ничоқ тагида ўлгандан кўра, тинчгина ўлганим яхши! Бу қарорим қатъий ва муҳокамага ҳожат йўқ, азизим! Точка!

Евдокия Фёдоровна нажот истаб, жавдираган кўзларини Расулга тикди. Бироқ Иван Харитонович «гап тамом», деган маънода ҳодадай узун, қоқсуяк қўлини хайрлашгани узатди.

Евдокия Фёдоровна Расулни дарвозагача кузатиб чиқди. Ўзи врач эмасми, у эрининг ахволи нечоғлик оғир эканини айтиб, бирпас кўз ёши тўкиб олди. Айниқса, Иван Харитоновичнинг ўжарлигидан, операцияга кўнмай хато қилаётганидан нолиди.

Расул бир маҳаллар бутун полк солдатларини мафтун қилган бу хушсурат, мулойим аёлнинг икки букилиб қолган бўй-бастига зимдан тикилиб, унинг кўзёши аралаш айтган гапларига қулоқ соларкан, ҳаётнинг, вақтнинг шафқатсизлиги ҳақида ўйлади-ю, юраги шигиллаб кетди. У Евдокия Фёдоровнанинг нимжонгина елкасидан қучиб, тасалли берди:

— Кўп эзилаверманг, ҳаммаси яхши бўп кетади, гапимга ишонинг, Евдокия Фёдоровна, Иван Харитонович

иродаси бақувват, метин одам. Бу касал снга олмайди уни!

Расул бу гапни юз марта такрорлаб, шўрлик аёлни аранг тинчитди-да, унинг кичкинагина, бироқ ишчининг кафтидай қаттиқ қўлларидан ўшиб хайрланди.

Қизиқ: ҳар қандай касалхонага хос оғир ҳолат ва Евдокия Фёдоровнанинг кўз ёшларига қарамадан, бу учрашув унинг хаёлидаги потинч ўйлар, гам ва шубҳаларни анча кўтарган. Кўнгли гўё қоронғи уйда шам ёнгандай ёришиб кетган эди.

Ўн тўртинчи боб

Комиссия аъзолари ҳақиқатан ҳам Расулни қандайдир совуқ сукут билан кутиб олишди.

Комиссия раиси Шерзод Комилов «Т» ҳарфи шаклида қўйилган ялтироқ столнинг тўридан жой олган, бақалоқдан келган Мардон Зокиров негадир ундан ҳам юқорироқда — дераза олдидаги нақшишкор баланд стулда оёқларини бир-бирига чалиштириб ўтирар, бир кўзи гилай дароз Ҳалим ширини, гўё гилайлигидаги истиҳола қилгандай, Шерзоднинг ўнг ёнидаги чарм креслога чўккан, Акмал эса гўё бу комиссияга аъзо бўлганидан хи-жолат чеккандай бурчакка тикилиб олган эди.

Қизиқ, бир шогирди бўрилардан кўрққан қуёндек бурчакка тикилиб олибди, иккинчиси эса, ёш бўлса ҳам тўрда савлат тўкиб ўтирибди. Оқибати нима бўлар экан бу муҳокаманинг?

Шерзод Комилов устозита одобу эҳтиром билан салом берди-да, чап томонидан жой кўрсатди:

— Келинг, домла, марҳамат! — деди у ниҳоятда мулоқим товушида. Сўнг пешонасига тушган гажаксимон сочларини силаб, томоқ қирди: — Биз... монументал санъатимизнинг бугунги аҳволи ва истиқболи тўғрисида раҳбар ташкилотларга ёзган мактубингиз билан танишиб чиқдик, домла... Ҳўн, гапни нимадан бошлаймиз, ўртоқлар?

Мардон Зокиров тағидаги нақшини стулни гичирлатиб, бир қўзғалиб қўйди.

— Агар ижозат берсалар, ҳурматли домламызга битта саволим бор.

— Марҳамат, — деди Комилов.

— Айтинг-чи, домла, лекин ростингизни айтинг: сиз-

нингча, монументал санъатимиз, тўғрироғи, санъаткорларимиз орасида бирорта истеъдодли ижодкор борми? — Унинг йўғон дўриллоқ овози, одатдагига хилоф аллақандай беаёв ички аламдан янграб кетди-ю, Расул бир зум ўйлаб турган гапнинг калавасини йўқотиб қўйди.

— Нега бўлмас экан, бор!

— Йўқ, мен таътиқ шоғирдларингиз, аниқроғи, севиқли куёвболагиз Бехзод Нусратовдан бошқа демоқчиман, ундан бошқа бирорта таланти хайкалтарош борми сизнингча? — деди Мардон Зокиров. Бу сафар унинг товуши гўё мунгли бир куйдай эшитилди-ю, ўрдадай хонани зириллатиб юборди.

Ижодда қанчалик қаттиқўл бўлмасин, ҳаётда кўнгли бўйи одам — Расул Нуриддинов негадир эҳтимол, мажлисларда оташин нутқ сўзлаб, ҳаминча таҳдид солиб гапирадиган бу «санъаткор»нинг бунчалик изтиробда эканини кўрмагани учундир, баъгидан ҳам довдираб, талмовсираб қолди.

— Мана, улкан олимимиз Ҳалим Салимович гувоҳ, — деди Мардон Зокиров, ҳамон ўша бетаскин дарду алам билан. — Куни кеча ўзлари туғилиб-ўсган «Ғалаба» совхозининг меҳнат аҳли каминанинг «Ғалаба нашидаси» деган ёдгорлигимни сизнинг бўҳтон хатингиздан химоя қилиб, мажлис ўтказди! Мажлисда сизнинг каминга писбатаи ёзган иғво гапларингиз қаттиқ қораланди. Ё гапим нотўғрими, Ҳалим Салимович?

Ҳалим Салимович ҳодадай узун қўлларини кўксига қўйиб, тавозе билан бош эгди:

— Нега нотўғри бўларкан? Асарингиз ҳақида қувовч ва ифтихор билан гапиришди!

Мардон Зокиров дик этиб ўридан турди.

— Агар сиз! — деди у, овози тобора таҳдидли оҳанг касб этиб. — Агар сиз масалага фақат ўз куёвингиз, яъни, ўз оилавий манфаатингиз нуқтаи назаридан ёндашмай, балки бутун монументал санъатимиз манфаати нуқтаи назаридан ёндашганингизда эди, раҳбар ташкилотларга бундай... гирт тухмат гапларни ёзиб юрмас эдингиз!

Бурчакда аллақандай бетоқат тиширичаб ўтирган Акмал қушдай талпиниб:

— Нима керак бунақа гап? — дея хитоб қилди. — Домла куёвларини тилга ҳам олмаганлар-ку ўз хатида!

— Мен ҳар бир гапимга жавоб бераман! — деди «Момақалдироқ», пошпаси бир қарич туфлиси билан дик-дик

депсиниб. — Агар сиз адолатли олим бўлсангиз, ҳаммани қоралаб, юзлаб шаҳар ва қишлоқларда монументал санъатимиз ривожи учун жон куйдириб меҳнат қилаётган ҳамма санъаткорларимиз меҳнатини йўққа чиқариб, битта...

«Яна эски ҳаммом, эски тос!»

Расул ниҳоят хаёл огушидан қутулиб, Зокировга ўғирилди:

— Биринчидан, ҳаммаинг эмас, сиз ва сизга ўхшаш табиат истеъдод ато қилмаган кишиларнинг асарларини танқид қилдим.

— Сизга қолса, битта суюкли куёвингиз ва унинг тушкунлик руҳида яратилган сентиментал асарларидан бошқа асар йўқ! — Зокиров бошини азот кўтариб, Расул Нуриддиновнинг рўпарасида тўхтади. — Ҳолбуки, биз Улуғ Ватан уруши йилларида фақат талафот кўрган эмасмиз! Фақат қурбонлар бериб, кўзёши тўккан эмасмиз! Биз қанча қурбонлар берган бўлмайлик, бари бир улуғ галабага эришгапмиз! Адабиёт ва санъат, жумладан, монументал санъат, бирипчи навбатда, оҳ-воҳни, қайғу-ҳасратни эмас, мана шу муқаддас туйғунини, Галаба туйғусини акс эттириши лозим! Тўғримини, Ҳалимжон Салимович?

— Юз фоиз қўшиламан гапингизга! — Ҳалим Салимов бошини гамгин ликиллашиб, Шерзод Комиловга қаради: — Афв этасиз, Шерзоджон. Аммо менда шундай таассурот қоляптики, бизнинг ҳамкасб биродаримиз ҳурматли Расул Нуриддинов, афсус ва надоматлар бўлмайким, ёмон бир дардга, яъни халқимиз жон-дилдан юксак баҳо берган монументал санъатни камситиш дардига мубтало бўптилар. Акс ҳолда, монументал санъатни пропаганда қилиш ўрнига, диёримизда бу соҳада қилинаётган ишларни бунчалик камситмас эдилар!

«Нима бўляпти ўзи? Хат баҳона, чиндан ҳам мени бадном қилишмоқчимиз булар? Ўз шогирдим, қанча меҳнатим сингган шогирдим раислигида-я?»

Расул, тоқат қилиш қийин бўлган бу бўҳтонун ҳақоратлардан бутун вужуди жунбишга келса ҳам ўзини аранг босиб, эски рақибига синовчан тикилди. У бу тепакал, чап кўзи гилай одамга сира тушуна олмас эди. Ҳалим Салимовни санъат кўчасига адашиб кириб қолган шунчаки дид-фаросатсиз бир олим деб бўлмас, у гоҳо туппатузук назарий мақолалар ёзар, гапи ҳам буррогина эди.

Бироқ муайян ижодкорларнинг муайян асарларига баҳо беришга келганда гилай кўзини дўқ қилиб, нуқул Мардон Зокировга ўхшаган тўпори санъаткорларга ҳамду сано ўқиб, тушпа-тузук ижодкорларга тош отгани отган!

Бурчакдан яна Акмал Рустамовнинг ҳаяжонли, титроқ овози янгради:

— Бориб турган демагогия бу! Домланинг мактубида монументал санъатга қарши бир оғиз гап йўқ! Унда фақат халтурачиларга қарши ўқ отилган, холос!

— Демак, юртимизда биттаю битта истеъдод бор! — деди алам ва нафратини яширолмаي Мардон Зокиров. — У ҳам бўлса... домланинг куёвтўралари! Агар бу киши бизнинг позициямида турганларида...

Мардон Зокиров гапини тугата олмади. Унинг сўнги сўзи Расул Нуриддиновга бамисоли заҳарли қамчи бўлиб тегди-ю, у ҳам ўрнидан туриб кетди.

— Қайси позицияни айтиявсиз?

— Бизнинг санъатимиз позициясини!..

Мардон Зокировнинг дўриллаган овози-ю, ҳозирги ва-жоҳатини кузатаркан, Расулнинг кўз олдига тўсатдан бундан йиғирма йил аввал кўрган вазият келди: одамга тўла театр, Расулни фош қилиб гапирган ёш жувон-нинг оташин нутқи-ю, унинг пешонасидан ўпиб, ёнидан жой берган собиқ хўжайин! Ва ниҳоят, ёш жувондан кейин мишбарга чиқиб, бутун театрни ларзага солган мана шу Мардон Зокиров!..

«Момақалдироқ» деб донг чиқарган бу сафсатабоз ўшанда ҳам Расулга ҳозир қўяётган айбларни тақаган, уни «ҳаётни бузиб кўрсатишда, тушқуликда» қоралаган эди шекилли? Хўн, унда-ку, умрида бирорта пичоққа илинадиган асар яратмаган, аммо ҳамма орден-медалъ, ҳамма унвоиларни олиб бўлган бу тўпори собиқ каттаконга суяниб иш қиларди, унинг феълидаги «позик» жиҳатлардан фойдаланиб, чин санъаткорларнинг йўлини тўсарди. Лекин энди-чи? Энди кимга суяниб адолатни поймол қилади, кимга таяниб, отдан тушса ҳам эгардан тушмайди? Куёви Бехзоднинг қил ўтмас дўсти ҳисобланган Шерзод Комилов-чи? Бу гирт чалқан, ноҳалол гапларга у қандай чидаб ўтирибди? Ахир, нима бўлгандаям, у истеъдодли ижодкор-ку?

Расул, алам аралаш умид билан ер остидан шогирдига қаради. Шерзод Комилов бошини эгганча нималарнидир чизиб, миқ этмай ўтирарди.

«Тавба! Наҳот одам шунчалик тез ўзгарса?»

Шу аснода Акмал гўё унинг фикрларини илғаб олгандай:

— Шерзод Комилович! — деб хитоб қилди. — Мен бу гапларга хайрон бўп қолдим. Бехзод Нусратовнинг сўнги асари... Қанақа қайғу-ҳасрат бор бу асарда?

— Сиз кўрганмисиз бу асарнинг эскизларини? — гилай кўзини уйватди Ҳалим ширин.

— Кўрган, бироқ гўрлик қиянтилар укамиз! Бехзод огайинси-да, принцин буюқда қолиб, ошина-огайнигарчилик йўлига ўтиб олганлар укамиз! — дўриллади Мардон Зокиров. Лекин Акмал ҳам бўш келмади:

— Мен ёшлиқ қилган бўлсам, сиз кексаёиб, ақлингиз суюлиб қолибди! — деди фиғони чиқиб.

— Сен бола... домлапга ўхшаб ҳақорат қилма! — деб дагдага қилди Ҳалим ширин.

— Ҳақорат эмас, ҳақиқат! Агар сизлар чин санъаткор ва чин олим бўлсаларингиз, санъат саҳнасидаги бугунги ижобий ҳодисалар, излаишлар, яратилаётган мураккаб асарлардан бохабар бўлсангиз... Бехзод Нусратов яратган шундай асарга лой чаплаш найнда бўлмас эдиларингиз! Ё потўгрими, Шерзод Комилович?

Расул яат этиб, шогирдига қаради. У қараганда Шерзод Комилов ҳам бошини қогоздан кўтарди-ю, нигоҳи Расул Нуриддиновнинг нигоҳига тушиб, дарҳол кўзини олиб қочди.

— Ҳақиқат баҳеда аён бўлади, дейишади-ку, — деди у. — Гапираверинглар, гапираверинглар, мен эшитяман...

Расул нечундир ўнгайсизланиб, нигоҳини четга олarkan, китобларда кўп ўқиган бир нақл ёдига тушди. «Ҳамма истеъдодсиз одамлар тез бирлашади, чунки битта шахсий манфаатни кўзлашади, барча чин истеъдодлар эса ҳеч қачон бирлаша олмайдн, чунки ҳар бир истеъдод ўзича бир олам!..»

Нақлда-ку, жон бор. Аммо... катта сиймо бўлмасдан туриб, катта истеъдод бўлиш мумкин эмас, деган гап ҳам бор-ку! Катта сиймолар эса, ҳеч қачон адолатсизликка ён босмаган. Улар ҳатто бировни ёмон кўрсалар ҳам ўзларидаги бу туйғуни елгиб, ҳақиқат томонини олиниган-ку! Наҳот, тўрда мулоим кулимсираб ўтирган бу хушбичим, сипо йигит Расулнинг қўлида беш йил таҳсил кўрган, Бехзод билан беш йил бир майизни бўлиб еб, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, муваффақиятлари-

дан болаларча самимий кувониб юрган Шерзод Комилов бўлса?.. Наҳот Шерзод, нима бўлгандаям, истеъдодли ижодкор, эндиликда бу тубан туйғуга — ҳасад туйғусига асир тушиб қолса? Наҳот дўстининг асари, кимлар қанча қаршилик кўрсатмасин, бари бир бир кун ўз баҳосини олишига, шуида ҳозир кимки унга қаршилик қилган бўлса, ҳамманинг юзи шувут бўлишига ақли етмаса?

Расул, маънос ҳаёллар гирдобига чўмиб, пайза-бозлик ҳамон давом этаётганини тамом унутган экан, кимнингдир «Йўқ!» деб наъра тортганидан ҳушига келди-ю, ялт этиб собиқ шоғирдига юзланди.

— Гапни чўзмайлик... — у «Шерзоджон», демоқчи эди, бироқ «жон» дейишга тили бормади. — Гапни чўзмайлик, ўртоқ Комилов, — деди. — Сиз узил-кесил фикрингизни айтинг, комиссиянинг ҳам вақти кетмасин, менинг ҳам!..

Шерзод Комилов, худди бирор жиноят устида тутилган одамдай, аввал «дув» қизарди, кейин сал ранги ўчиб, шоғирд эмас, раҳбарга хос бир салобат билан аста ўрнидан турди ва шошмай йўталиб қўйди.

— Домлажон, — деди у одатдаги, ҳеч қачон ўзгармайдиган мулоҳим ва айни замонда босиқ овозда. — Домлажон, сиз яхши биласиз, мен сизни ниҳоятда ҳурмат қиламан.

«Тамом. Иш начава!»

Расул Нуриддинов билар: «Мен сизни ҳурмат қиламан», деб бошлаган гап ҳеч қачон яхшилик билан тугамаслигини тажрибада жуда кўп синаган эди. Шерзод Комиловнинг овози худди сокин дарёдай оҳиста ва вазмин оқарди:

— Биз ҳаммамиз, жумладан, шу муҳокамада иштирок этаётган ижодкорларнинг аксар қисми сиздан таҳсил олганмиз, сабоқ ва илм ўрганганмиз. Сиз ҳозир ҳам санъатимиз равнақи учун катта ишлар қилинган одамсиз. Албатта, сизнинг санъатга, жумладан, монументал санъатга ўз қарашларингиз бор. Бу яхши. Шубҳасиз, биз буни қадрлаймиз...

Акмал ўтирган жойида бетоқат бўлиб, қаттиқ томоқ қирди. Шерзод унга зимдан ёвқараш қилди-да, дарҳол ўзини босиб, яна ўша сокин ва мулоҳим овозда давом этди:

— Хуллас, биз сизни ниҳоятда қадрлаймиз... Лекин, домлажон, гапимга ишонинг...

«Бошланди!» — деди Расул ва юрагини қисиб келган оғриқдан беихтиёр «уф» деб юборди.

— Гапимга ишонинг, домлажон, бу ўртоқларнинг,

яъни, комиссия аъзолари бўлмиш... таниқли ҳайкалтарош Мардон Зокирович билан ҳурматли Ҳалим Салимовичнинг эътирозларида ҳам жон бор... Сиз мендан яхши биласиз, санъатда субъективизм ҳеч қачон яхшиликка олиб бормаган ва олиб бормади... Демокриманки, бу дўстларимиз, яъни комиссия аъзолари, бир жиҳатдан ҳақ, домлажон! Сиз жойларда монументал санъат соҳасида қилаётган ишларини... гуноҳкор шогирдингизни маъзур тутинг, аммо жудаям ерга уриб юборгансиз!

Расул гўё юраги кўксига сиғмай:

— Мисоллар билан гапиринг! — деди зорланиб. — Кампа ўз хатимда ўилаб муайян мисоллар келтирганман. Санъатга ҳеч қандай дахли йўқ «асар»лар яратиб, шўрлик колхоз-совхозларнинг юз миглаб пулини ўмариб кетган сохта санъаткорларнинг ишларини мисол келтирганман!..

«Момақалдироқ» овози исёнкорона қалдираб, эшик томон йўналган эди, Шерзод Комилов ўша вазминлик ва ўша салобат билан уни тўхтатди.

— Сиз ҳам қизишманг. Мардон Зокирович!.. Албатта, домланинг мактубида келтирилган айрим мисолларни инкор этиб бўлмайди. Камчиликларимиз йўқ эмас, бор. Аммо... — Шерзод Комиловнинг босиқ, мулойим овози хиёл ўзгариб, амирона оҳанг касб этди: — Аммо биз монументал санъат соҳасидаги ютуқларимизни инкор этишга ҳеч қачон ва ҳеч кимга йўл бермаймиз! Хуллас, биз бу масалада ҳурматли домламизнинг фикрига қўшила олмаймиз! Комиссиянинг хулосаси шу! Шундайми, ўртоқлар?

— Шундай! — мамнун кулди Зокиров.

— Шундай, шундай! — деди Ҳалим Салимович ҳам яйраб.

Акмал икки қўлини баробар кўтарди:

— Марҳамат қилиб, мени бу хулосадан истисно қиласиз!

— Ихтиёрингиз! — деди Шерзод Комилов совуққипа. — Энди дўстим Бехзоджонга келсак... Ҳаммагиз биласизлар, мен уни ниҳоятда севаман, унинг истеъдодини ниҳоятда қадрлайман.

«Тагин бошдан бошланди!»

— Лекин ҳозир яратаётган «Гиря»си...

— Аллақачон яратиб бўлган! — луқма ташлади Мардон Зокиров. — Биз бу ерда беҳуда баҳслашиб ўтирибмиз, акамлар бўлса уёқда аллақачон ишини битириб қўйганлар!

Бу сафар Шерзод Комилов унга қовоғини уюб қаради.

— Бу бизнинг хатоёмиз эмас, «Даштстрой» раҳбарларининг хатоси! Лекин ҳозир гап унда эмас. Борингки, бу асар — мен шунинг учун айтилмадики, биз ҳали уни қабул қилиб олмадик ва объектив, ҳалол баҳосини бермадик! Борингки, бу асар домла айтганларидек, талантли бўла қолсин...

Расул, гарчи ҳозир эътироз билдиришининг бефойда эканлигига фаҳми етса ҳам, юрагини жунбишга келтирган исённи босинга қурби етмай:

— Йўқ, сиз мени қўйиб туринг! — деди қалтироқ босиб. — Сиз ўз фикрингизни очик айтинг: талантли асарми, йўқми?

— Санъат асари сифатида... талантли! Аммо!..

— Бас! Мен мана шу гапни ўз оғзингиздан эшитмоқчи эдим. Бошқасини...

— Аммо, — деди Шерзод Комилов ҳам овозини кўтариб, — ҳаётни ҳаққоний акс эттириш, яъни қаҳрамонликни куйлаш нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, ўртоқлар айтган фикрга қўшилмай илож йўқ! Афсус-надоматлар бўлгайким, истеъдодли ижодкор яратган бу асарда сентиментализм руҳи оптимистик руҳдан устунроқ...

Мардон Зокиров боягидан ҳам яйраб:

— Қойил! — деб юборди.

— Принципиал гап бўлди! — деди Халим Салимович.

Акмал гапга чоғланиб қўл кўтарган эди, Расул унга: «Қўй, болам, бефойда!» — деган маънода ишора қилди-да, шартта ўрнидан турди.

— Гапимни охиригача эшитинг, домла, — деди Шерзод Комилов, ярим таҳдид, ярим илтимос оҳангида.

— Раҳмат, мақсадингиз менга маълум!

Қизиқ: Расул Нуриддиновнинг юрагини ларзага солган газаб ва хаяжон тўсатдан батамом тарқаб кетди-ю, гаплари сокин ва зилдай оғир чиққанига ўзи ҳам лол қолди:

— Мен фақат бир нарсага ҳайронман: бунақа юзаки, ноижодий гапларни қуруқ сафсата билан ном чиқарган мана бу икки «улуғ ижодкор»дан эшитсам ажабланмас эдим! Чунки булар азалдан қуруқ сафсата ва баландпарвоз гаплар билан кун кўриб юрган шўрлик одамлар. Аммо сиз... сиздай салоҳиятли ижодкор хатимда келтирган асосий гапларимни бир четга йиғиштириб қўйиб, фақат Бехзод Нусратовнинг том маънодаги талантли асарини тақик этишга ҳаракат қилганингиз учун... бир кун пушай-

мон чекаси! Ёзиб кўйинг, ўртоқ Комилов! Хақиқат эгилади, лекин синамайди! Келажак ва тарих сизнинг бу хатти-ҳаракатларингизни кечирмайди! Чунки истеъдодли асар бизда ҳеч қачон хор бўлмаган, бўлмайди ҳам! Негаки, ҳар бир истеъдодли асар, дохийимиз тили билан айтганда — халқ мулкидир! — Расул Нуриддинов, кўзига ҳеч нарса кўринмай, эшикка қараб юрди. У хонадан чиқаркан, ўзи ҳам билмаган ва нисамаган ҳолда, эшикни шундай қаттиқ ёндик, бутун бино ларзага келиб, аллақандай гумбурлаб кетди. Бўсагада ўтирган генералга ўхшаган шовмўйлов мўйсафид ўрнидан «дик» этиб туриб кетди, афтидан, у ичкаридан: «Ушланг бу безорини!» — деган буйруқ кутиб, ўша томонга қулоқ солди, бироқ у ердан ҳеч қандай садо чиқмади.

Кўчага чиққач, Расул қайёққа юришини билмай, бир лаҳза музей олдида туриб қолди. У қайёққадир бориши, кимгадир учрашини лозим эди... Ҳа, эсига тушди. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига бориб, Ойсулувни бирор касал-хонага жойлаштириш ҳақида гаплашини керак эди.

Расул шуни ўйлади-ю, ўзидан хафа бўи кетди: хақиқатан, ундан мадад кутиб ётган Ойсулув билан Шораҳимнинг дарди, уларнинг мусибати олдида ўзининг ҳозирги ташвишлари — сариқ чақага арзимайдиган бир нарса эмасми?

Расул шуни ўйлади-да, трамвай бекати томон шошилди.

Ўн бешинчи боб

Ойсулув туш кўрди. Тушида қалдирғоч бўлиб қолганмиш. Бир хонадоннинг айвонига уя қуриб, полапон очган эмиш.

«Ё қудратингдан, — дермиш ёқасини ушлаб. — Қуни кеча одам эдик, Шоввоз ҳам, болаларим ҳам — ҳаммамиз бани одам эдик, бирпасда қандай қилиб қалдирғоч бўи қолдик?» — дермиш тавг қолиб. Бироқ кўкнинг қудратига шак келтириб бўлмас экан — қалдирғочга айланганлари роппа-рост эмиш. Полапонлари учирма бўлиб қолган, Шоввоз-қалдирғоч уларга хўрак қидириб кетган эмиш. Уя четига кўниб олган Ойсулув эса уядан чиқиб, учиб кетиш азмида талпинган бир-биридан чиройли шўх полапонларига қараб тўймасмиш... Тўсатдан шифтнинг тоқилари ораси-

да ўрмалаб келаётган қора илонга кўзи тушиб қонти. Қора илон, қилчдай ўткир, ингичка, қип-қизил тилсини чиқариб, мунчоқдай сарғиш кўзларини ваҳимали ўйнатиб, тобора яқинлашиб келармиш!

Ойсулув-қалдирғоч жонхонада пола чекиб, чирқиллаб-чирқиллаб уяси атрофида чир айланармиш, кейин ўзини ичкарига урармиш. Ичкарида эса уй эгаси, соч-соқоли ошноқ мўйсафид китоб мутолаа қилиб ўтирган эмиш. Шу пайт қалдирғочга айланган Шоввоз ҳам келиб қолармиш у ҳам шифтдаги қора илонни кўриб, узини ичкарига урармиш. Бирга фарёд чекиб, мўйсафиднинг боши узра айланармиш. Шунда мўйсафид:

— Қизиқ, бу жониворлар нечук бундай чирқиллашиб қолди? — дермиш ва айвонга чиқармиш. Шифтда уя томон ўрмалаб бораётган қора илонни кўриб, у ҳам даҳшатга тушармиш. Сўнг мункиллаганча ҳовлига чиқиб, узун хода кўтариб келармиш уяга етиб қолган илонни хода билан туртиб ерга туширармиш-да, этини билан бошини мажақлаб-мажақлаб танлармиш...

Ойсулув-қалдирғоч билан Шораҳим-қалдирғоч мўйсафиднинг боши узра чир айлашиб, чуғур-чуғур қилиб, ўз тилларида таҳсинлар ўқирмиш-да, уяларига кўниб, эр-хотин маслаҳат қилишармиш.

— Бу хонадон — файзли хонадон, эгаси биз оғиз қушларга меҳрибон, танти одам, — дермиш Шоввоз. — Аммо қора илоннинг ҳам авлод-аждодлари бор. Илонлар жуда қасоскор бўлади. Агар биз бу ерда қоладиган бўлсак, улар албатта келадн, шунда бизни ўз панохига олиб, бошимизни силлаган бу хонадоннинг ҳам тинчи бузилади. Шу боис бу ердан тезроқ учиб кетайлик. Полапонларимиз уча оладими, Сулувжон?

— Уча олади. Ижозат берсак ҳозироқ учиб кетади, фақат озгина ёрдам керак, холос, — дермиш Ойсулув.

Бу ганин эшитиб полапонлар ҳам:

— Уча оламиз, уча оламиз! — деб чирқиллашар эмиш. — Рухсат берсаларингиз бас — ўз қушимизни ўзимиз кўрамиз!

— Учинглар бўлмаса! — дермиш Шоввоз. — Биз ота-оналарингиздан рози бўлинглар, ўз қуларингизни ўзларинг кўринглар! Мен сенларнинг қўйинларингизни пуч ёнгоқ билан тўлдирмоқчи эмасман. Йўлларинг осон бўлмайди. Бу йўлда яхшилар ҳам учрайди, ёмонлар ҳам. Яхшиларга яхшилик қилинглар, ёмонларга эса... Кимки

яхшиликка ёмонлик қилса, ёмонлик қайтади. Илоё омон бўлинглар, омад ёр бўлсин сенларга! Сулувжон билан мен эсам... сенларни учирма қилгунча қўлимиздан келганини аямадик. Қилган хизматларимиз учун биттаю битта истагимиз — дилозорлик қилган бўлсак, кечиринглар, рози бўлинглар биздан!

Полапонлар: «Розимиз, розимиз!» — деганларича битта-битта учиб кетинармиш. Шунда Шоввоз уларнинг орқасидан гамгин тикилиб қолармишу ёшида йиғлаб ўтирган Ойсулув-қалдирғочга қарармиш.

— Йиғлама, азизим, йиғлагунча уларнинг бахтини тила! — дермиш. — Энди бу оилага яхшилик тилаб, биз ҳам уни тарк этайлик, токи бизнинг дастимиздан илонлар қаҳрига учрамасин бу оила!

Улар кўп йиллар уя қуриб, полапон очган бу хонадонга бахт ва омад тилармишу баробар осмонга парвоз қилармиш. Шунда... ажабо: иккиси ҳам қалдирғочдан бир жуфт оққушга айланармиш, айланармишу булутлар сари парвоз қилиб, мовий осмон тагида ёнма-ён сузиб кетармиш!..

Шунда Ойсулув яна хайрон бўлармиш: «Ҳозиргина қалдирғоч эдик, энди нега оққуш бўп қолдик, қудратли эгам?» — деб кўкка илтижо қилармиш. Бироқ оққушга айланиб кўкка парвоз қилишнинг нашидасига мафтун бўлиб, бу ўйинларини унутармиш. Шу-шу, икки ажралмас оққуш, ўзларини гўё елкандай енгил, бехатар, саодатли сезиб, неча-неча шаҳарлар, қишлоқлар, тоғ ва дарёлар устидан учиб ўтишармиш. Бир маҳал пастда атрофи баланд оқ тераклар билан ўралган мовий бир кўл кўзларига чалинармиш.

Шунда Шоввоз:

— Ке, Ойсулув, шу кўлга қўнайлик. Агар бу ердаги одамлар яхши бўлса, биз паррандаларга завол қилмаса, шу ерга макон қурайлик. Ажаб эмаски, кўлда сувилону бошқа махлуқлар кўп бўлса, — деб таклиф қилармиш.

— Майли, сиз нима десангиз шу-да, — дермиш Ойсулув-оққуш. Улар энг чеккадаги энг баланд оқ теракка кўниб дам олармиш-да, эр-хотин кўл соҳилида макон қуришнинг режасини тузармиш. Бироқ шу пайт, пастда икки киши кўринармиш, биттаси — қуролсиз, биттасининг елкасида милтиғи бор эмиш. Улар терак ёнидан ўтаётганларида қуролсиз одам тўсатдан оққушларни кўриб қолармишу тўхтаб:

— Аца, қара, оққушлар кенти қишлоғимизга! Яхшилик аломати бу! — дермиш қувониб. — Ёа яхши кезади, ҳосил мўл бўлади.

— Қани-қани? — дермиш милтиқли киши ва апил-тапил елкасидан милтигини олармиш.

Шунда Ойсулув ялт этиб настга қараса — милтиқли одам Музаффар, милтиқсиз ўзларининг қўшниси Расулжон ака эмиш!

— Милтигингни қўй, тентак! — дермиш Расулжон ака, лекин Музаффар Фармон унинг гапига кирмай, ишоапиша милтигини шақирлатармиш.

Буни эшитган Шоввоз ҳам қапотларини патир-путур қилиб:

— Кетдик, Ойсулув, бу ер бизга тўғри келмади, Фармонов бор жойда бизга тишлик йўқ! — деб осмонга парвоз қилармиш. Унинг кетидан Ойсулув ҳам апил-тапил қапот ёзармиш. Бироқ шу пайт «пақ» этган товуш эшитилармишу, Ойсулув кўкрагида тоқат қилиб бўлмас бир огриқ сезиб, настга тошдай қулай бошлармиш.

Шоввоз фарёд чекканича ўзини унинг тагига уриб, Ойсулувни ушлаб қолишга урирмиш. Ойсулув ҳам жон-жаҳди билан қапот қоқиб, қулаб тушмасликка ҳаракат қилармиш, бироқ кўксидаги огриққа дош беролмай, аҳволи забун, тобора настлаб бораркан:

— Рози бўлинг, лочиним, — деб зор-зор йиғлармиш. — Мен сиздан розиман! Сиз ҳам менидан рози бўлинг!

Шоввоз, гарчи ердаги Музаффар Фармон милтигини энди унга ўқталаётган бўлса ҳам терак атрофида чарх уриб:

— Э, помард исон, от! — деб чирқирармиш. — Ойсулувни отдингми, мени ҳам от! Ойсулув сабаб рақобат ўтида қовурилган эдинг, мана энди ниятингга етдинг, помард!..

Ерга қулаб тушган Ойсулув Шоввознинг бу нолай фигонини эшитиб: «Йўқ, лочиним, ундай деманг! Мен сиздан минг бор розиман. Сиз ҳам рози бўлинг-у, бу помарддан қочинг. Сиз ҳали бахтли бўласиз, мен бўлмасам, бошқа бир Ойсулувни топасиз. Биттаю битта тилагим, мени унутманг!» — деб қичқирмоқчи бўлармиш. Бироқ кўксидаги огриқ кекирдагидан гипна бўғармишу, ичидаги дарди дostonи бўғзида қолармиш...

Ойсулув худди тушида кўрган қора илон қўйнига кираётгандай туюлиб, саросима ичида уйғониб кетди. Унинг

юраги туревллаб урар, бутун аъзойи баданини совук тер босганди!

У беҳол қўлларини тўшаққа тираб, ўридан турмоқчи бўлди, бироқ туролмади, ёстиқдан аралг кўтарган зил-замбил боши «ишқ» этиб қайта жойига тушди.

Тонг яқинлашиб қолган, ён-вердан хўроزلарнинг қичқириви эшитилар, қичрайиб қолган олмадеккина ой шуъласида хона ён-ёруғ, олам чуқур сукутга чўмган, фақат икки томонида ухлаб ётган икки суюқли неварасининг соқин, бегубор иши-ниши эшитиларди, ҳолос.

Ё, таъба! Не туш бу? Полапонларнинг уясига ўрмалаб келаётган қора илон! Осмонга ўқ узиб, унинг кўксини тешган Музаффар Фармон! Оққуш тимсолидаги Шоввознинг юракни чок қилувчи аччиқ фарёди!

Субҳи қозиб кўрган туш ҳосиятеиза дегувчи эдилар. Бу кўреуликлар отмагандай, яна не синаот бор уларнинг бошида? Пўк-пўк, марҳум мушфиқ бувиеси айтгувчи эди: «Тушни сира ёмонга йўйманглар, болам, одамнинг тушига ҳар нарса қираверади, тушида не кўрсанг ҳам эзгуликка йўя бер, яхшига йўйсанг яхшилик келади, ёмонга йўйсанг — ёмонлик!..»

Пўк, ёмонликка таъбир қиладиган туш эмас бу!.. Уяларига ўрмалаб келаётган қора илон бўлса, уни анов меҳрибон мўйсафид ҳода билан туртиб тушириб, бошини мажақлаб ташлади. Яхшилик бу!.. Кейин полапонларини учириб, ўзлари ҳам бирга-бирга учинди. Тубсииз осмон тагида бамисоли оқ елкандай ёлма-ён сузинди, фақат кўл бўйида йўлиққан унинг куйгур Музаффар! Унинг отган ўқидан чирқираб йиқилгани-ю, Шоввознинг юракбағрини ўқдан баттар тилка-пора қилган аччиқ фарёди! Ишқилиб, бало-қазодан ўзинг асрагайсан, ўзинг паноҳингга олгайсан, яратгувчим!..

Катта қизи, умри узок бўлсин, бошига бир чойнак кўк чой кўйиб кўйган экан, Ойсулув бошини ёстиқдан аралг узиб бир қўлтумгина ячди-да, яна ўзини ёстиққа ташлади.

Совуқ чой кўнглини сал равшан қилиб, юрагини чулғаб олган қора ваҳимани хиёл тарқатди, олмадеккина ойнинг сутдек шуъласида катта чорхари уй бояғидан ёришгандай, икки ёнидаги невараларининг иши-ниши яна ҳам осойишта ва ёқимтойроқ туюлди.

«Садагаларинг кетай, полапонларям! Умрларинг узок бўлиб, бало-қазодан ўзи асрасин сенларин! Илоё бошла-

рингга мусибат тушмаган, тунса қабримда тинч ётолмай-
ман, бувиларнинг ўргилсин, поланонларим!»

Ойсулув, кўзига беихтиёр ёш келиб, томоғи гиппа
бўғилди-ю, невараларининг бошларини аста снлаб қўйгиси
келди, бироқ уйғотиб юборишдан кўрқиб, бу ниятидан
қайтди...

Қизиқ, марҳум бувиси айтганидек, Ойсулув яхши
нарсаларни ўйлай бошласа нигоҳи олдидаги губор хиёл
тарқаб, кўнгли чироқ ёққандай ёришар, ёмон ўйларга
борса, яна юраги сиқилиб, дарди дувёси қоронғиланар
эди.

Ажаб туш! Минг йил ўйлаганда ўйга келмайдиган
гаплар! Аввал қалдирғоч бўлиб поланон очармишлар,
кейин оққуш бўлиб узоқ элларга учармишлар! Ё тавба!
Ойсулув болалигида кўрган тушларида қуш бўлиб кўп
учарди. Бу тушлар аксар ҳолларда ваҳимали бир нарса
билан бошланарди: ё бирорта қутурган ит ё сувонгич
бузоқ таъқибидан додлаб қочарди, кейин, қутурган ит ё
бузоқ мана-мана қувиб етаётган пайтда тўсатдан бирда
лайлакка, бирда кантарга айланаиб «нар» этиб учарди-ю,
итларни догда қолдириб, осмонга парвоз қилар, кўкда
ўмбалок ошиб ўйнарди... Шунда уйғониб кетганида ўзини
чиндан ҳам қушдай енгил, қушдай бетанвиш, бегубор
сезарди. Энди эса оққушга айланаибди. ёлғиз у эмас, жуфти
ҳалоли Шораҳим ҳам оққушга айланаиб бирга-бирга,
ёйма-ёй парвоз қилишди...

«Шоввоз» деган номни Шораҳимга марҳум бувиси
қўйганди!..

Бу номни бувиси ўша машъум уруш йиллари, даштда,
Шораҳим ўзини от тагига ташлаб, чирқираб йиғлаётган
Ойсулув билан бувисининг машоқ тўрваларини Пўлат
папканинг қўлидан тортиб олиб берганида қўйганди!
Шораҳим ўша паллада чиндан ҳам бамисоли бир шунқор
бўлиб кўриганди Ойсулувга! Хануз эсида: Шораҳимнинг
дастлабки ҳамласидан ўзини ўйглаб олган Пўлат папка,
иккинчи бор унинг устига от солиб келиб қамчилай
бошлаганида, нешопаси тилим-тилим бўлиб, юзи қора
қонга бўялган Шоввоз бир сакрашда унинг қўлидан
қамчисини юлиб олган-у, ўзига шердай ташланган эди!

Шу-шу, тунов қуни даштда бир қулиб, бир хўрсивиб
эслаганларидек, энди саккизинчи синфни битириб, тўққи-
зинчига ўтган Ойсулув ҳадеб Шораҳимни кўргиси кела-
верадиган, девор орқасига яшириниб, унинг йўлла-

риши пойлайдиган бўлганди. Сўнгра... сўнгра бир кун — сира эсидан чиқмайди, қирқ тўртинчи йилнинг охири эди, — қишлоқдан бир йўла қирқ йигит урушга кетадиган бўлди.

Ажаб ҳол, Ойсулув энди ўйлаб қараса, улар тунов кунин ҳазрат Уккошага кетаётиб тўйиб-тўйиб дардлашганларида кўп нарсани эслашибди-ю, энг қизиқлари ёдларидан чиқибди.

Ҳануз хотирасида: йигитлар эртага йўлга тушадиган кунин оқшом урушга отланганлар орасидан бир йигит бўза солиб, ҳаммаларини чақирган, улар орасида Шораҳим ҳам бор эди.

Зиёфат берадиган йигитнинг синглиси Ойсулувнинг энг яқин дугонаси, улар бир синфда ўқишарди. Шу баҳона, Ойсулув ҳам уларникига борди. Шунқорлар бир уйда, Ойсулув билан дугонаси бошқа хонада ўтириб, йигитларга кўринмай, уларга хизмат қилишди: жўхори бўтқа пиширишди, тутмайиз, олмақоқи, сўк кўшиб қаттиқ нондан толқон қилишди, ҳақиқий чой ўрнига кийик ўтидан чой дамлаб беришди. Ойсулув уйларидадан чиқаётганида Шораҳимга хат ёзиб, кўкрагига яшириб қўйганди. Хатда шундай сўзлар бор эди: «Жон Шораҳим ака, ой бориб омон келинг. Токи соғ-саломат қайтмагунингизча, сизни соғина-соғина, кўзларим тўрт бўлиб йўлингизга тикилиб ўтираман. Ойсулув».

Ойсулув, ҳар қанча уринмасин, бу хатни Шораҳимга беролмади, уни берадиган қулай маврид ҳам бўлмади. Ниҳоят, йигитлар хайр-маъзур қиладиган пайт келди, Ойсулув юрак сирини пишхон тутинишга ҳарчанд уринмасин, тутолмади, дугонасига ёрилишга мажбур бўлди. Дугонаси Ойсулувга ўхшаган тортинчоқ, камсуқум, уятчан эмас, синфларида энг шаддод, энг шўх қиз эди, Ойсулувнинг кўлидан хатни юлиб олди-ю, уйдан чошиб чиқиб кетди. Сал ўтмай, ташқарида гурс-гурс залварли қадамлар эшитилди-ю, эшик шарақлаб очилиб, остонада... Шораҳим кўринди. Бўйи эшикнинг кесакисеи баробар, кўкраклари темирчининг босқонидай кенг, юзлари зиёфатдан бўғриққан, кўзлари аллақандай ички бир қувончдан чарақлаб кетган Шораҳим остонадан ҳатлаб ўтди-ю, лолу хайрон бўлиб тўхтади. Чунки Ойсулув, гурс-гурс залварли қадамларни эшитгандаёқ юраги ҳаққириб, тахмонга тутилган гулдор палак орқасига яшириниб олган эди!

Шораҳим елкасини учириб, орқасига қайтмоқчи

бўлди-ю, Ойсулувнинг палак тагидан чиқиб турган оёқларига кўзи тушиб, бир хатлашда егиб келди. Палакни юлқиб очди-да, Ойсулувнинг қўлларидан ушлаб, кўзларига мўлтираб қаради:

— Сулув! Сулувжон! — деди у энтикиб. — Хатингда ёганинг ростми? Кутасанми?

Ойсулувнинг кўзига мўлт-мўлт ёш келди.

— Кутаман. Йўлингизга кўзим тўрт бўлиб, соғиниб-соғиниб кутаман. Шораҳимжон ака!

Шораҳим, бамисоли темирдек қўллари билан Ойсулувнинг белидан шартта қучиб ўзига тортди-да, аввал чап юзидан, сўнг ўнг юзидан ўпди, вужуди гўё чўққа айланиб, лабларидан, бўйинларидан ўпаркан, бир сўзни, ёлғиз бир сўзни энтикиб-ҳансираб такрорларди:

— Сулувим! Сулувжоним, Сулувим!..

Ойсулув аввал қушдай питирлаб, унинг қучоғидан чиқишга уриниб кўрди, кейин Шораҳимнинг асов эхтироси унгаям юқди-ю, бирдан бўшашиб, ихтиёрини Шоввозга берди.

— Сулувим! Эртага майдонга келасанми? Мени кузатиб қўясанми, Сулувжон?

— Бораман, Шораҳим ака, албатта бораман!

— Суратинг борми, Сулувжон?

— Суратим... суратим йўқ... — Ойсулув, сурати бўлса ҳам беришга пийманди. У маҳалларда қизларнинг йиғитларга сурат бериши йиғит билан қовушганини ошкор этиш билан баробар эди!

— Аттанг! — деди Шораҳим астойдил оғриниб. — Суратинг бўлганда бўйини тумор қилиб осиб олардим. Сени соғинган чоғларимда суратингга қараб дийдорингни кўргандай бўлиб юардим, Сулувжон!..

Эртасига қийлоқ аҳли кештга йиғилиб, йиғитларни кузатиб қўйди. Мўйсафидлар, диллари чок оналар дуо ўқишиб, эзгулик тиланди, қовушганларига бир ҳафта ҳам бўлмаган ёш-ёш келинчаклар араваларнинг шотиларига ёнишиб, отларнинг югацларига тирмашиб, фарёд чекишди, Ойсулувга ўхшаган қизалоқлар эса уввое тортиб йиғлашдан уялишиб, бир чеккада унсизгина мўлт-тайишиб, кўз ёшларини қулт-қулт ютиб кузатиб қолишди. Шунда бошқа йиғитлар ўз суйганларига яқинлашишга юраклари бетламай, узоқдан кўз уриштириб, қўл силташиб, имо-ишора билан видолашган, Шораҳим эса ҳеч кимдан тап тортмай қизларнинг олдига дадил бостириб

борган, улар билан битта-битта қўл бериб хайрлашаркан:

— Виз қайтиб келгунча бесабрлик қилиб, бирорта чол-полга тегиб юрмаглар-а, кейин пушаймон бўласанлар! — деб ҳазиллашганди. — Ҳали мени айтди дейсанлар: ҳаммамиз эсон-омон қайтамиз! Шунда ҳар биримиз битта-биттангни қулоққиналарингдан тишлаб, ҳар оқшом вадаванг тўй қиламиз қишлоқда!

— Иншоолло, иншоолло! — дейишди унинг чақмоқдай сўзларини эшитиб турган қариялар.

— Илоё айтганинг келсин, болам, фаришталар омин десин танларингга, — деб дуо қилишди камбирлар. Шораҳимнинг ҳазилларига биров кулса, биров кўзига ёш олди. Навбат бир чеккада баёвгина мўлтайиб, ўзи тўқиган тивит рўмолининг учларини ўйнаб турган Ойсулувга келганда, Шораҳим унинг қўлини қаттиқ қисиб:

— Нима қилдинг? Суратингни олиб келдингми? — деб секин қулоғига шивиради.

Ойсулув уятдан «дув» қизариб, қўлини тортиб оларкан, вужудига олов тафти ургандай бўлиб:

— Йўқ, йўқ! — деб бош чайқади. Аслида эса у битта суратини кўкрагига солиб келган, бироқ соддалик ўлими, уни дугоналари олдида кўкрагидан чиқариб беришга уялган эди! Шораҳим афеус чекиб, бир хўрсиниб қўйди-да, Ойсулувнинг қўлларини оғритиб қисиб, арваналар кетидан чоңди... Ойсулув кейин билса, анов... ҳозиргина тушида уни отган Музаффар Фармон, суратини аълочилар доскасидан ўгирлаб овкетган экан. Кейин Япон урушига борганларида йўлда уни Шораҳимга кўрсатиб: «Ойсулув сени кутаман деса ҳам, менга ваъда берган», — деб Шораҳим шўрликни роса қовурган экан!..

Йўқ, Ойсулув Шораҳимдан бошқа ҳеч кимга сўз ҳам берган эмас, сурат ҳам. У ёлғиз Шораҳимни деди, Шораҳимнинг йўлларига интизор бўлиб, Шораҳимдан келган ҳар бир хатни қон-кўзларига суртиб, салкам беш йил кутди. Чунки у маҳалда солдатлар ҳозирги йигитларга ўхшаб икки йил эмас, уруш тугагандан кейин ҳам узок юртларда хизмат қилишган, ҳатто бирор марта отнусақага ҳам келишмаган эди!

Унгача Ойсулув мактабни битирди. Ўзиям, одамларнинг айтишларича, кўзга яқин қиз бўлди. Бир ўйи, мактабдан кейин Тошкентда ўқисам ҳам деди. Бироқ қари бувисини кимга ташлаб кетишини билмади, қола-

верса... Шораҳимнинг кўнглини огритиш келмади. Нима бўлсаям суйганим билан баробар булай деди, ўқисак бирга ўқийлик, ишласак бирга ишлаб, аравани бирга тортайлик, деди.

Ойсулув шу тўхтаб келди-да, кўнгли роаларини жилловлаб, қишлоқда қолди. Аввал бригадада ҳисобчилик қилди. Кейин дастхати чиройлигина, ўзи ўқимишли-уқувлигина экан, дейишиб, идорага, ҳисобчига ёрдамчи қилиб олишди...

Ойсулув дам ҳаёл денгизига шўнгиб, дам ундан чиқиб-га талиниб, шифтга тикилиб ётаркан, гоҳ бу эсдаликлардан кўзларига ёш олар, гоҳ юрагига гўё нур тушиб, назарида кўксига беаён санчиқ хиёл босилгандай туюларди.

✓ Унгача нималар бўлмади? Қимлардан совчи келмади? Ойсулув ҳаммасига рад жавоби бераверди-бераверди. Бир сафар эса (буни у ҳатто Шоввозга ҳам айтмай, сир тутиб келади) уни оққочиб кетмоқчи ҳам бўлишди.

✓ Қўшни қишлоқ ўғли, чаласавод подон бўлса ҳам гўрга, тупна-тузук жойларда ўқиган, шаҳар милициясида ишлаб юрган бараангидай йиғит, Ойсулувни қай балодан ҳам кўриб қолган экан, аввал совчи устига совчи юборавериб, эшикларининг турмини бузди. Кейин... бир кун (ўшанда ҳам мана шундай кеч куз, йўқ, куз эмас, ёз эди) ойсиз, қоронги тун эди, улар бувиси иккиси катта ҳовлида сувада ухлаб ётишарди.

Бир пайт Ойсулув тасир-тусур қадам товушлардан уйғониб кетди-ю, паҳса девордан бирин-кетин сакраб тушган учта қора сояни кўриб қолди. Афт-башараларини боғлаб олган бу қора кўлагалар девор тағида бир зум пусиб турган, аста улар томон кела бошланди.

Ётган жойида тошдай қотиб қолган Ойсулув ёнидаги бувисини туртиб уйғотишга арабг мадори етди, сўнг ваҳима босиб: «Войдод, босмачи!» — деб додлагани эсида, уёғи нима бўлди — эсида йўқ, фақат соялар уни мушукдай эзгилаб оғзига латта тикқанларини билади, холос. Бир маҳал хушига келса... уйларида ётибди. Чироқ ёқилган, уй тўла аёл-эркак, қўни-қўшинлар...

Кейин билса, бувиси, майиб-мажруҳ, нимаконгина бувиси қароқчилар Ойсулувни ўраб-чирмаётганларида чопқиллаб бориб, шотидан томга чиқиб олибди. Томда жўхори қуритадиган эски мис лагану, ёғоч чўқмор бор экан. Чўқмор билан мис лаганини даранглатиб уриб, дод

солаверибди, дод солаверибди. Қароқчилардан биттаси югуриб бориб, нарвонга ёниган экан, кампир нарвонли унинг бошига ағдариб юборибди-да, яна мис баркашни уриб, айюҳаннос кўтараверибди, кўтараверибди!

Бирнасада ён-вердаги қўниилар югуришиб чиқибди. Итлар акиллашиб, ярим қишлоқ оёққа турибди-ю, қиз ўғрилари бошларини олиб араиғ қочиб кутулишибди!..

Ҳа, дунё ўзи шунақа экан! Одамнинг жони тошдан қаттиқ деганлари ҳам рост экан, инсон ҳамма нарсага чидайверар экан, чидайверар экан. Яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам бардош қилаверар экан! Тоқати тош экан одам боласининг!

Ниҳоят, тўрт йил ўтиб, бешинчи йилнинг охирида, узоқ юртдан: «Хизмат муддатимиз тугади, яқинда бориб қоламиз», деган хушxabар келди. Кўкка минг шукрки, бу хушxabар келганда бувисининг кўзи тирик эди. Мушфиқ-муштилар кампир! У ҳар оқшом гаши кўзим тириклигида сени ўа қўлим билан нешонангга ёзилган жуфтнингга топшириб ўлсам розиман, мабодо тўйивгни кўролмай ўлсам, гўрнимда тинч ётолмайман, Сулувжон! — деган илтижо билан бошлаб, шу илтижо билан тугатувчи эди, шўрлик!

Ҳақиқатан, бу хушxabардан кейин ҳар бири йилга татиган бир ҳафта ўтди. Бир куни шом пайти уйларига мана шу Музаффар, ёшлигида унга ошнқу беқарор бўлиб юрган, ҳали-замон тушида ўқ отган Музаффар Фармон кириб келди.

Кийимларининг тугмалари тилладай ялтиллайди, оёғидаги хром этиклари аломат гарчиллайди, ўзиям... мўйловча қўйиб, жа олифта йигитга айланибди. Ойсулув у билан кўришаркан, кўзи тўрт бўлиб эшикка қаради.

— Яхши келдиларингизми?

— Кўриб турибсан-ку! Яхшиманми? — кулди Музаффар чиройли мўйловчасини бураб.

— Улар-чи... Шораҳим акамлар?..

— Шораҳим акангиз шаҳарда қолдилар...

— Нега? — деди Ойсулув юраги увишиб.

— Негаки, ўша томонлардан маржа олиб келганлар акамлар! — деб кулди Музаффар, кулди-ю, Ойсулувнинг юзи девордай оқариб кетганини кўриб: — Йўқ, ҳазилландим, Ойсулув, ҳазилландим, — деди дарҳол. — Ўхшатмаса учратмас деганларидек, хўн одамига учрагансанда, Ойсулув. Сөг десаиғ сог эмас, дарвеш десаиғ дарвеш

эмас! Урушда юрганларида, эсон-омон элга қайтиб борсам... уруш йиллари эшак карвонларда галла ташиган йўлларимдан яёв юриб, қишлоққа пиёда кириб бораман, деб қасам ичган эканлар! Ўламан саттор шу қасамимни бузмайман, деб шаҳарда қолди. Ҳозир йўлда, эрталаб етиб келади. Биз Расул иккимиз машинага тушиб келавердик. Гап шу, Ойсулувхон. Эртага кўрасан дарвешингни!..

Музаффар бунинг ҳаммасини қандайдир ҳазил аралаш пинҳона бир алам билан айтди-да, совуққина хайрлашиб чиқиб кетди. Қани энди Ойсулувнинг уйқуси келса! У тун ярмигача тиканда ётгандай уёқдан-буёққа агапаб ётди, кейин аста туриб, эгнига камзулини ташлади, оёғига этикчасини кийди-да, ухлаб қолган бувисига билдирмай, секин уйдан чиқди. Ё тавба! Ўшанда ваҳима босмаганини айтнинг! Ойсиз зимистон тун, қишлоқ ўлик уйқуда эди. Ойсулув қоронгида қоқиниб-суришиб, бирда секин юрса, бирда югуриб, тонг чоғи... қишлоқдан беш-олти чақирим йироқдаги ёвшанзор тепаликка етиб борди. Тена устида бир ҳовучгина сув чиқадиган булоқча бўлиб, булоқча ёнида қариб-чириб, икки букилиб қолган чолга ўхшаш бир тун кекса тут ўсарди. Ҳали қоронги эди, тут тагида аллақайси бир авлиёнинг қабри ҳам бор эди. Бироқ Ойсулув на қоронги тун шарналаридан хавотирланди, на тенадаги архар мугузиди оқ латталар ҳиллираган ёлғиз қабрдан чўчиди!..

Сал ўтмай қоронгида тап-тап этган оёқ товушлари қулоғига чалингандай туюлди. Ҳали одам шарнаси кўринмасданоқ Ойсулувнинг бесаранжом юраги бу Шораҳимнинг қадамлари эканини сизди, сизди-ю, у кўриниши билан тут панасидан ўқдай отилиб чиқди. Ҳозир Ойсулув ўшанда нима бўлганини, Шораҳим нималар деганини билмайди. Унинг эсида қолган биттаю битта нарса... ўзини тутолмай уввос тортиб йиғлаб юборгани, Шораҳим харчанд юпатмасини, сочларидан сслаб, юзларидан, лабларидан ўшиб, харчанд тинчитингга урипмасини, ўлкаси тўлиб ўксиб-ўксиб йиғлаганлари эсида, ҳануз эсида!

Йўқ, Ойсулув бу ёруғ дунёга келиб кўрган кунлари, Шораҳимни таплаб, бошидан ўтган яхши-ёмон кунлари, булардан ҳеч қачон полиган эмас, ҳатто кейинги йиллар оғир дардга чалиниб, мана ҳозир не аҳволда ётганида ҳам полиянгани йўқ. Бир аёл бахтли бўлса, шунчалик бўлар!..

Рост, гоҳо-гоҳо кино ва китобларда, телевизорда ёшликдаги Ойсулувдай кўхлик қиз-жувоиларни кўрганда ҳаваси келади. Ойсулув билади: булар совуқ сувга қўллари-рини урмай, умрларини ўйин-кутги, кайфи сафода ўтказишади. Дунё кезишади. Гаройиб юртларни, Ойсулув фақат мактабда, география дарсида ўқиб, хариталардагина кўрган ва помлари кулоқларида бошқача жараг-лаган шаҳарларни, Париж, Лондон, Римларни бориб кўришади, оромбахш кемаларда, жаннатмонанд жойларда иштироҳат қилишади, гантларини суришади. Ойсулув эса... фақат бир марта, унда ҳам Шораҳимни қайси бир қурултойга чақиринганда унга эргашиб, Тошкентга тушди, холос. Кейин эса... бу дарди бедавога дуч келиб, катта докторларга кўришсам, деб орзу қилганда ҳам орзусига етолмади. Бирда иш деб, бирда рўзгор деб, яна бирда ёнида мушукваччалардай пишиллаб ухлаётган мана шу полапонларни деб, ҳануз ҳатто тузукроқ докторларга ҳам кўринолмади. Энди кўрина оладими, йўқми — олло билади!.. Ҳатто тегиб турган жойда ҳазрат Уккошага чиқиб, унинг иссиқ сувига тушман деб турганда, омон бўлгур келини сабаб, бу шиятга ҳам етолмади. Майли, келинидан ҳам гина қилмайди. Уям ёш нарса, униб-ўғиси келар, машиналар миниб, одамларга раҳна-молик қилгиси келар! Бунга Ойсулув бир нима деса... эл оғзига элак тутиб бўлмайди, доғулилик қилди, дейишлари турган ган. Майли, усени, ўссин, илоё ўз фарзандла-рига ўзи бош бўлсин... Ойсулув ошини ошаб, ёшини яшаб бўлди. Шораҳимга тегиб, лочиндай ўғил, бир-биридан сулув, суқсурдай-суқсурдай уч қиз кўрди, набиралари эса ўнтадан ошиб кетди. Шулардан иккитаси, мана, худди онасига суйкалган кўзичоқлардай бағрига кириб, пишиллаб ухлаб ётибди! Шуларнинг умри узок бўлсин, ишқилиб! Вуёқда булару уёқда ўғли Шоқосим омон бўлсин. Тушига кирган бу қора илов даф бўлсин-у, Шоқосим эсон-омон соғайиб, ҳеч нима кўрмагандай бўп кетсин, ишқилиб! Ўғлига келган фалокат илоё Ойсулувга урсин! Фарзанд доғини кўрмай ўлса бўлди Ойсулув! Бундан бошқа худодан тилаги йўқ унинг!.. Агар Шоқосимга бир нима бўлса... Ойсулув бир кун, бир соат ҳам туролмайди бу дунёда!.. Йўқ, йўқ, илоё ўғлига келган бало Ойсулувга келсин, Ойсулувга!..

Ё тавба! Унга нима бўлди бугун? Нега юраги худди биров елкасига пичоқ санчгандай қаттиқ огрияпти,

шундай оғрияттики, қимир этолмайди. Боя бошини ёстикдан уза олган одам, энди ёстикдан ҳам кўтаролмайди. Вуниси ҳам етмагандай, кўнгли озиб, ҳадеб қусгисен келяпти, қайдандир келган қора ваҳима боя тушида кўрган қора илолдай қўйнига ўрмалаб кириб, бемажол жиемини совуқ тер босаяпти!.. Не чора? Темирни занг, одамни қайғу емирар, деганлари шу экан-да! Бу дардисар қайғу еб бўлди уни!

Ойсулув бу ваҳима чапғалидан қутулишга жонжаҳди билан уришиб, хаёлини яна ёшлякка, Шораҳим билан турмуш қурган бегубор, беташвиш йилларга буришга уришиб кўрди. Бир зум бура олди ҳам. Шунда ўша йиллар офтоб тўла баҳор кунларидай ёруғ, нурафшон туюлди-ю, шикаста юраги бир он ором олди.

Ёдига тўйлари тушди. Шораҳим фронтчи дўстлари билан бир ёнида Музаффар, бир ёнида анави Тошкентдаги катта олим Расулжон ака, карнай-сурнай болаларнинг қийқириги остида от ўйпатиб келди. Ингалар уларни Ойсулув ўзи тиккан сўзана ва палаклар билан яратилган ичкари уйга олиб кириб меҳмон қилишди.

Ойсулув эса... мажруҳ бувисини ёлғиз ташлаб кетаётганидан кўнгли вайрон, йиғлайвериб кўзлари дўмбира бўлиб кетган эди. Қулогига на карнай-сурнай кирарди, на қиз-келиндякларнинг ёр-ёри. У муштипар бувисининг бағрига суқилиб олган, бувиси шўрлик эса, Сулувжонининг тўйини кўролмай урушда ўлиб кетган ўғлини йўқлаб, унеса тебранар, гўё сўзсиз бир куйини куйлаётгандай товушсизгина йиғлар, бетиним, бетаскин йиғлаб, кўкдан Ойсулувнинг бахтини тиларди!..

✓ Бир маҳал Ойсулувни олчиқиб, йигитларга тонинргани янғаси кирди. Шунда Ойсулув (одам боласи қизиқ экан-да!) Шораҳимга ўзи кўнгил қўйиб теккан, унинг йўлини салкам беш йил пойлаган Ойсулув уввос тортиб, ўзини бувисининг бағрига отди. Бувиси ҳам уни маҳкам кучоқлаб олди! Қани бир-бирини қўйиб юборишсин-чи улар! Бўлди йиғи, бўлди йиғи! Охири уйга бошқа хотинлар кириб, камширга: «Бу-ку ёш, сизга нима бўлди, моможон? Кўз ёни қилганча бахтини тилаб дуо қилсангиз-чи, энажон?» — деб араиг ажратиб олишди...

Ташқарида вағир-вугур, қий-чув, хуррам қийқириқ, бир томонда йигитлар, бир томонда ёр-ёр айтган қиз-жувоңлар... Юзига учлари узуң оқ гижим рўмол тапплаб олган Ойсулувнинг кўзига ҳеч нарса, ҳатто Шораҳим ҳам кў-

ришмас, у худди онасидан айрилаётган бўталоқдай хадеб орқада қолган бувисига талпинар эди! Бир маҳал уш ер денешиб, гижинглаб турган от ёнига бошлаб боришди. Шунда йигитларнинг ҳазил аралаш шодон қийқириқлари янгради:

— Қани кучингни кўрсат, Шоввоз! Белга эҳтиёт бўл, огайни, бел чиқиб кетмасин, бел!

Йигитларнинг бундай дейиши бежиз эмас, Ойсулув назиккина, озгингина бўлса ҳам бўйи новдадек тик, ноячагина қиз эди. У ҳали бу ҳазиллардан ўзига келмаган ҳам эдики, Шораҳим бир қўли билан белидан шартта кучиб, бир қўлини оёқлари остидан олиб, «Хан!» деб хитоб қилди-да, бир силтаида Ойсулувни ердан узди, сўнг: «Балли! Офарин!» — деган жўр садолар остида эгарга ўтказди... Сойда, мана шу дарвозалари олдида, уларни бошқа оломон кутиб олди. Раҳматли қайнонаси... (қайнонаси Ойсулувнинг отасига ўхшаб урунда ҳалок бўлган) негадир Ойсулувга ўхшаб, йиғлай-йиғлай келинининг у юзидан, бу юзидан ўлиб, бошидан қанд-курс, тапга сочди. Шундан кейин тапгаларнинг жарапг-журупги, чилдирмаларнинг вадаванги-ю, болаларнинг қийқиригига қўшилиб бу кенг жаҳон ларзага келди!

✓Тавба, уларнинг биринчи кечалари ҳам жуда қизиқ ўтганди. Чимилдикқа кирган Ойсулув япгалар қанча насиҳат қилмасин, ҳамон йиғлар, ҳозир кириб келадиған Шораҳимдан (ўзи тапга теккан Шораҳимдан!) асроилдан қўрққандай қўрқиб, бурчакка тикилиб олганди! Назарида, Шораҳим бостириб киради-ю, унга худди кўзичоққа ташланган оч бўридай ташлаиб, тажиб ташлайди! Шораҳим бўлса... ўзи ундан бешбаттар титрар эди! У Ойсулувнинг ёнига тиз чўкиб, хануз дир-дир титраган ҳолда аввал қўлларидан, кейин юзларидан ўпди. Ҳар ўнганда «Сулув! Сулувжоним! Нимадан қўрқасан, нега йиғлайсан, Сулувим?» — деб ёлворарди. Уёғи... Шораҳимнинг «Сулув, Сулувжон», деган сўзларидан ийиб, иссиқ бўсаларидан эриб кетган Ойсулувнинг ўзи унинг бўйшидан маҳкам кучоқлаб олди-ю, эркини суйганига берди. Йўқ, у чиндан ҳам бу дунёга келганидан, Шораҳим билан қовушганидан пушаймон қилмайди!..

Ойсулувнинг назарида, ёшлиқда улардан тотув, улардан иноқ эр-хотин бўлмагандир. Ўзиям бу хонадошга келин бўлиб тушган кундан бошлаб шундай беминнат хизмат қилди, шундай беминнат хизмат қилдики, марҳум

қайнонаси ҳар кунни ўн марта кўзига ёши олиб дуо қилар, ёмон кўзлардан асрасин деб, гоҳ исериқ солар, гоҳ туморлар тикиб, Ойсулувнинг бўйига осиб қўярди...

Ҳа, у маҳалда Ойсулув Сулувжон деса дегудек, ҳам кўхлик, ҳам қўл-оёғи чаққон, ҳамма ҳавас қиладиган суқсурдек бир келинчак эди. Суяғи меҳнатда қотган қўли гул қиз ҳам далани, ҳам уйни гуллатарди. Эри Шоввоз полизда ишласа полизда, боққа ўтса богда ишлади, богдорчилик ҳунарини ўрганди. Дарахтларни пайванд, тоқларни хомтоқ қилишгача, қишда меза асраш сирларигача — ҳаммасини ўрганди. Ўз богларини эса, ҳозир сат қаралмай, дарахтлари қариб қолган богларини эса у маҳалда. мисол бир жаннатга айлантиришган эр-хотин! Ҳозир мункайиб қолган анов олмаларнинг тағи ям-яшил бедазор бўлар, бог тепасидан бир ариқ сул кечаю кундуз шарқираб оқиб ётар, унинг бўйидаги қатор шотутлар соясига катта сўри ўрнатилган эди. Ҳа, бу бог шундай сўлим, шундай оромбахш эдики, Шораҳимнинг Тошкентда ўқийдиган оғайнилари ёзда таътилга келганда уларнинг богидан чиқинмасди. Фақат студентлик чоғларида эмас, ўқишни битириб, уйли-жойли бўлганларидадан кейин ҳам хотинчалари билан келиб, ҳафталаб ётиб олишарди. Шундай пайтларда бирга ўсган фронтчи дўстларининг келганидан боши осмонга етган Шораҳим, богда боглаб боқаётган энг семиз қўйларини сўярди. Хотинларни тўрга ўтқазиб қўйиб, уч йилит ўзлари бири ўтин ёриб, бири ўчоққа олов қалаб дегандай, ош дамлашар, арча кўмирида жизиллатиб кабоб қилишар, снгларини билакларигача шимариб олган Шораҳим эса қўлида ярим газ иччоқ, шон мўйловини силаб, қизикчилик қилар, зотан бу гулгуи ўтиришларни у «жинишлик» деб атар, кимки нимадандир қовоғини уйса ё бирор нарсадан ҳасрат қилса: «Э, йилгиштир бу даъвоий дostonингни! Хафагарчиликдан кейин тузилган аканг қарағай! Уйнаб-қулиб қолайлик бу беш кунлик дунёда!» деб, боғни бошига кўтариб кулгани кулган эди.

Ойсулув ушундай «жинишлик» пайтларида ҳам бир зум тиниб-тинчимас, бир оёғи уйда бўлса... бир оёғи богда, азиз меҳмонларга елиб-югуриб хизмат қилгани қилган, бироқ бирор марта нолимаган, ё «чарчадим-ов, дадаси!» — деб қовоғини уймаган эди! Чунки бу «жинишлик»лардан эри Шоввоз қанчалик яйраса, Ойсулув ҳам шунчалик яйрар эди! Энди бўлса... мана, салкам бир йил бўптики,

бу бедаво дардга чалиниб, ўз ёғларида ўзлари қовурилиб ётибди-ю, бирор марта ўша азиз меҳмонлардан мадад сўраб боришмабди!.. Бу ҳам майли, ўшанда боғларидан чиқмай жигар кабобларни ямламай ютиб, ариқ бўйида ағанаб ётадиган анави Музаффар Фармоновнинг кўрсатган ўйинлари, доғули фарзандининг эрини хор қилиб шидан хайдаганлари-ю, ўгли Шоқосимнинг гулдек хотинига дон ташлаб, ўзини майиб қилиб, катта йўлга ташлаб қочганларини айтмайсизми? Тушида Ойсулувни отиб, Шоввозни қон қақнатганлари-чи? Ёнирай! Қабил гупоҳлари, қайси ёзуқлари учун бу муеибатларни раво кўрдиги, э, яратган эгам?

Йўқ, битта мен ҳалол, бошқа барча ёмон деб ҳамманинг устига магзава тўкаверини ҳам гупоҳи азим. Ота-бола Фармоновлар яхшиликка ёмонлик қабилда уларга қанча аугум қилмасин, Музаффар аканинг хотини Соҳибахон мурувват кўрсатди. У шўрлик неча марта Ойсулувни ўзи келиб кўрди, дорилар берди, Тошкентга тунишни маслаҳат қилди, хатто агар рози бўлса, ўзим олиб тушаман деди!

Йўқ, Ойсулув бирда рўзгор деб, бирда невараларим деб, Тошкентга тушолмади, тушганида Расулжон ака ҳам кўкрагидан итармас эди. Катта олим бўлсам худди эрига ўхшаган оқкўнгил, мурувватли одам. Хотини Манзураҳон ҳам Ойсулувга ўхшаган соддагина, дилкаш хотин. Эр-хотин қишлоққа келинса «ўлиб» қолишади, ётиб тонготар дардланади. Йўқ, ҳаммаси Ойсулувнинг ўзидан бўлди... У ҳеч кимдан — на эридан, на унинг оғайниларидан гиша қила олади! Нима бўлса ҳам ўзидан бўлди! Ишқилиб, буёғига бало-қазодан асрасин! Қаторасига туртилган уч қиздан кейин кўкдан тилаб олган ёлғиз ўгли эсон-омон соғайиб чиқса, бағрига кириб, пишиллаб ётган манов поланолари улғайиб, учирма бўи кетишса бас, бошқа ҳеч нарса керак эмас Ойсулувга, ҳеч нарса...

Ё қудратингдан! Бугун нима бўлди унга? Хали-замон кўкрагининг қоқ ўртасига санчилган пичоқни биров гўё сугуриб олди-ю, юрагининг соғ жойини қолдирмай, беаёв тилкалашга киришди, нафаси бўғилиб, хаёли чувалаша бошлади. У ўлим деган жодугар эшикдан кириб келганини пайқади, бироқ ўзидан эмас, ёнидаги поланоларидан кўрқди. Ё тавба, кеча кечқурун катта қизи, ёнингизда ётай, ойижон, деганда кўнмаган эди, менга ҳеч бало урмайди, уйқуни бузмай нариги уйда ётавер.

болам, деганди. Энди чақирай деса, «иҳ», дейишга холи йўқ. Бу икки порасида унинг ўлиб қолганидан беҳабар, бағрида ётаверишса нима бўлади? Ўлиб қолмиша юрак-кичалари ёрилиб кетмайдими? Уёқда Шоқосим нима бўлади? Эри шўрлик-чи! Наҳот, ёвга ҳам раво кўрмайдиган боғи ёмон туши рўёбга чиқса? Наҳот, бир умр ҳамма ташвишларини бирга кўтарган, тирикчилик деган бу оғир аравани бирга тортган тулпори, йўқ, тулпори эмас, кўкда бирга-бирга нарвоз қилган оққуши бу бевафо дунёда бўлаб қолаверса!..

Обсулув батамом ҳолдан кетаётганини, кўзларининг пури сўнаётганини сезиб, сўнгги бор: «Хой ким бор!» — деб қичқирди, тўғрироғи, қичқиргандай бўлди-ю, тубега қоронғи бир ўнқонга йиқила бошлади, йиқиларкан, ҳаблдан: «Мен розиман, оққушим, сиз ҳам рози бўлинг, ҳамманг рози бўлинглар. Поланонларимни йиғлатманглар!» — деган фикр миёсида шамдай «милт» этди. Сўнг... ё алҳазар! Худди Музаффар Фармонга ўхшаган бир одам эшикдан ўғрипча кириб келди-да, алпанг-талпанг юриб бориб, бу шамга «нуф» дегандай бўлди-ю, шам сўнди-қолди...

Уш оятинчи боб

Бу дунё ўзи шундай галати дунё экан, келаман деса яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам устма-уст, кетма-кет келаверар экан. Шораҳим буни ўгли касалхонага тушганининг учинчи куни билди.

Уша куни пешиндан кейин Шоқосим биринчи марта кўзини очиб, сув сўради. Буни Шораҳимга Соҳибахон айтди, худди ган Шоқосим эмас, ўз фарзанди тақдир ҳақида кетаётгандай қувончи ичига сирмай, кўзига ёш олиб айтди. Соҳибахон, умридан барака топсин, болаларининг роҳатини кўрсин, уч кечаю уч кундуз Шоқосимнинг ёнидан бир қадам ҳам жилмади. На Музаффар, на унинг қилгуликни қилиб қўйган ўгли Фотиҳ шифохонага қадам босинди! Музаффар ҳатто қорасини ҳам кўрсатмади. Соҳибахон эса... касалхонадан чиқмади, туну кун Шоқосимнинг тенасида мижоқа қоқмай ўтирди... Шораҳим ҳам уч кеча-кундуз касалхонадан жилмади. Соҳибахон билан келини Мехришое ичкарида, Шоқосимнинг ёнида

бўлса, у дарвозада ўтирди... У тўртинчи куни, Шоқосимнинг «бери қараганини» ва ҳатто кўзини очиб, сув сўраганини эшитганидан кейин ҳам қишлоққа қайтмоқчи эмасди, кечаси алламахалда уни ёшигина бир жувон қидириб келиб, бош врач чақираётганини айтди. У сўзини айтиб улгурмаган ҳам эдики, яна бир ҳамшира қиз худди шу ган билан чониб келди.

Шораҳим: «Ўглимнинг аҳволи танг бўлмасайди, ишқилиб!» деган ҳадик-хавотирдан капалаги учиб, қизларнинг кетидан баазўр ичкарига кирди.

Бош врач, кўзига кўзойнак таққан юмалоққина, семиз одам, ичкарида кутиб турган экан, Шоввознинг аҳволи руҳиясини англади чоғи, сўзнинг бисмиллосини: «Ўглингиздан хавотир олманг»дан бошлади. — Умид қиламизки, ўглингиз отдек бўи кетади». У шундай деб хонанинг тўрда очиқ деразадан боққа қараб турган Соҳибахонга юзланди:

— Мана, Соҳиба Содиқовна ўзлари айтсинлар!

Соҳиба жимгина бош эгиб, унинг гапини тасдиқлади-да, яна боққа тикилди. Бош врач кўзойнагини олиб артди ва қайта дўнг бурнига қўндирди:

— Сизни таклиф қилишдан мақсад, оқсоқол, уйингизга қайтаверинг!

Шоввоз қайсарлик билан бош чайқаб, эътироз билдирди:

— Йўқ! Мен ўғлим соғайиб чиқмагунча ҳеч қаёққа жилмайман. Соғ-саломат оёққа тургазиб берасанлар, ана ўшанда сизларга раҳматимни айтиб, уни ўз машинада олиб кетаман. Тамом, вассалом.

Бош врач бошидаги оқ қалпогини тўғрилаб, томоқ қириб олди.

— Ниятингиз яхши, ака, аммо-лекин... қишлоқдан телефон қилишди. Уйингизга бормасангиз... бўлмас эмиш!..

Шораҳим ўтакаси ёрилгандай жисмини совуқ тер бошиб, тўрда тескари қараб турган Соҳибага юзланди. Лекин Соҳиба, гўё бу гапини эшитмагандай, хануз боққа тикилиб турарди.

— Нима гап? — деди Шораҳим бўғиқ, хириллоқ овозда. — Омонликми?

— Омонлик-омонлик. Аммо... нима десам бўлади? Умр йўлдошингиз... дардманд эканларми?

Шораҳим оёқларидан мадори кетиб, эшик ёнидаги эски диванга «гуре» этиб ўтириб қолди.

«Ойсулув! Сулувжон! Епирай, не бўлдийкин унга?» Шораҳим ҳар бири уч йилга татигулик бу уч кун давомида уни батамом эсидан чиқарган экан, эндигина ёдига тушиб, ўзи ҳам лолу хайратда қолди. Қизиқ, қандай қилиб уни унутди? Йўқ, батамом ёдидан чиқаргани йўқ! Бот-бот келиб-кетиб турган қизларидан сўраб-суриштириб турди. Бироқ уни қай аҳволда ташлаб кетгани хотирасидан кўтарилибди. Мана эди... ўша оқшом Ойсулувнинг титраб-қақшаб айтган сўзлари лон этиб эсига тушди: «Илоё қариган чоғимда фарзанд доғини бошимга солмагайсан! Валагинамга келган балога ўзим балогардон бўлай илоё!!!»

— Машина кутиб турипти! Мана, ҳамшира қизларимиздан биттаси кузатиб боради сизни!

«Тамом. Сўраб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ. Сулувжон! Шўрлик Сулувжон!» — деди Шораҳим, юраги дара кетаётгандай туюлиб, шундай бўлса ҳам, дилнинг бир четида сўнаётган шамдай заиф милтираган умид уни:

— Хотиним... хотинимга... бир нима бўптими? — деб сўрашга мажбур этди. У сўрашга сўради-ю, бироқ ўз овозини ўзи таъимай қолди.

— Ҳа, хотинингиз сал оғирлашиб қолибди!

Шоввоз бошиқа чурқ этмади. Ўрнидан аранг турди. Кўз олди зимистон, худди сармаст одамдай алианг-талианг юриб, эшиккача борди. Шу пайт орқадан аёл кишининг кўзёши аралаш ҳазин овози титраб эшитилди:

— Бу киши билан мен бора қолай, Ҳамид Асқарович! «Соҳибахон!»

— Йўқ, сиз... ўғилларининг ёнида бўлинг, Соҳиба Соднқовна... Бу киши билан, мана, Ханифахон борсин!

Ҳовлида, тик зиналардан тушган жойда, қоқ пешонасига «Тез ёрдам» деб ёзилган узун оқ «Волга» кутиб турарди. Шораҳим шофёр билан ҳамшира қизининг ёрдамида базўр машинага чиқиб, ўзини олдинги ўриндиққа ташлади, ташлаган ҳамон «Волга» худди ёнгини ўчирувчи машинадай, ваҳимали чинқирганча шитоб билан ўридан кўзгалди.

Чамаси, тун ярмидан ошган, кўчаларда фақат битта-яримта чироқ ёнарди. Машина, ҳамон ваҳимали чинқирганча, ҳатто чорраҳалардаги қизил чироқларга ҳам парво қилмай, кўчалар, гузарлар, аллақандай майдонлардан учиб борарди. У токи шаҳар чегарасидан чиқиб зулматга чўмган худудсиз далалар бағрига шўнгимагунча чинқирди-

ғини тиймади. Ким билади, ахтимол Шораҳим чиндан ҳам бесабаб васвасага тушаётгандир, ахтимол, Сулувжон, сабаби бетоблик, бош врач айтганидек, шунчаки оғирлашиб қолгандир? Шу боис бу машина ёнғинга шонғандай шоншилаётгандир? Негаки... агар Сулувжон, худо кўрсатмасин, бир нима бўлган бўлса бунчалик шонилсин, юракии ларзага солувчи бу мудҳин чиққириқдан нима фобда?

Машина чироқлари асфальт йўлини ямлаб-ютиб, дам шишшийдама пахтазорлар, дам туташ ялангоч боглар, дам итлар ҳамла қилган алақандай қишлоқ кўчаларидан қушдай учиб борарди. Ниҳоят, қишлоқлар, боглар, пахтазорлар тугаб, олдинда бидай ястаниб ётган беноён дашт бошланди. Қаршидаги чўққилар тепасида совуқ ялтираб турган қафтдеккина ой шуъласида бу ҳад-худудсиз дашт алақандай баҳайбат, гайритабиий бир уммони эслатарди... Лекин Шоввоз на бу гаройиб дашт, на ҳозиргина орқада қолган боглар, на итларга тўла қишлоқ кўчаларини кўрар, зотан, унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, у ўз ўйлари, юрагини каламушдай кемирган асов хаёллари билан олишар, тишимсиз олишарди!

Во дариғ! Ишқилиб, бу ҳадик хавотир, унинг юрагини шафқатсиз тимдалаётган бу мудҳин ваҳима ва шубҳалар ёлгон бўлмай! Бекор бўлмай. Ёши олтмишга борганда овла деб аталгани зил-замбил аравани қўшхўкиз бўлиб салкам ўттиз беш йил баробар тортган умр йўлдонидан айрилса, у нима қилади бу бевафо дунёда? Ахволи не кечади унинг?

Шоввоз хаёл деңгизига дам чўкиб, дам бошини арағ чикариб, ўзи билан ўзи олишиб бораркан, тўсатдан миясида нимадир ярқ этгандай туюлади-ю, дили чироқ ёнгандай ёришиб кетди: унинг эсинга тунов кунги сафарлари тушганди. Ўша кунги йўлдаги орзулари, ёнлик чоғларини эслашиб, рози дил айтишиб дардланганлари, куз офтобининг майин нурлари уйғотган илиқ туйғулар хотирасида жонланди-да, юрагини яна ўшаандайдай беаъв афсус-надомат ҳисси чулғаб олди. Яхшиям ўшанда директор билан бўлган тўқнашув сабаб, Сулувжоннинг армону орзусига розилик берган экан. Акс ҳолда шўрликнинг бирдан-бир армони ҳам рўёбга чиқмас экан!

Шўрлик Ойсулув! Шоввоз билан бир ётиққа бош кўйиб, нима кўрди у? Агар бир мартагина, унда ҳам ёнликларида, тўйдан кейин Ташкентга олиб тушганини ҳисобга олмаса, ҳеч нарса кўрмапти!.. Салкам ўттиз беш

йил турмуш кўриб, на қора меҳнатдан бошини кўтариб ёруг дунёни кўрибди, на бирор марта курорт-пурорт деганга борибди! Шоввоз энди бундоқ ўйлаб қараса, уларнинг умри тирикчилик деган бу аёвсиз синаот билан олишиб юриб, «лин» этиб ўтибди-кетибди. Зотан, ин, ин, ин деб умрлари қандай ўтганларини билмай ҳам қолишибди! Шоввоз-ку, бир чеккаси сабаби хизмат, мамлакатнинг у бошидан-бу бошигача айланиб чиқди. Озгина бўлса-да, хар қалай, эл кўрди, юрт кўрди, оқу қорани таниди. Бироқ бечораю безабон Ойсулув-чи?.. У нимани кўрди? Худди донолар айтган нақлдагидай: «Бу дунёга келиб нима кўрдинг?» «Ҳеч нима кўрмадим! Кўзимни очдим юмдим» қабилда ҳеч бир эгулик кўрмай ўтди-кетди!..

Тўхта! Шораҳимга нима бўлди? Бу шум хаёлар қай гўрдан ёпирилиб келди? Тирик одамни ўлдига чиқармоқ!.. Йўқ, йўқ, ноумид шайтон, ёмон ўйларга бормоқ гуноҳи азим! Ойсулув, умрини берсин, тирик!.. Насиб этса ҳали кўп яхши кунлар, дориломон замонларни кўради. Мана, Шоқосим ҳам бери қаради. Ўғиллари яхши бўп кетади ҳали! Шунда... тинч, бегалваю бетан-вини ҳаёт бошланади. Бирн биридан ширин эжажжи неваралари бор! Ҳали олдинда кўп орзу-ҳаваслар, яхши-яхши тўйлар кутяпти уларни! Мана, Шоввознинг ҳам кўзи очилди энди! Буюғи, омонлик бўлса, Сулувжонни бошига кўтаради Шоввоз! Тошкентга, лозим бўлса Москвага ҳам олиб бориб даволатади: иссиқ сувларга, курортларга, даркор дейишса, ўша Қора денгиз деганларига ҳам олиб боради уни! Бор буд-шудини, ҳатто богини сотиб, кафангадо бўлса ҳам оборади Сулувжонини!

Ҳай аттанг! Нечук бу сўқир кўз сал илгарироқ очилмади? Бу уй, бу эгу ният унинг хомкалласига нега олдинроқ келмади? Нега бундоқ бошини ердан азот кўтариб, ёруг дунёга қарамади? У қарамагани қарамаган, Ойсулув-чи? У нега: «Ҳой, эр, бундоқ кўзингизни очиб оламга бир қарасангиз-чи! Биз ҳам одамларга ўхшаб яшайлик, ёруг дунёни кўрайлик!» — демади. Шоввоздан ҳам меҳнатқан, захматқан, оққўнгил, соддадил, пок аёл шунча йил бир ёстиққа бош кўйиб, бирор марта ўз турмушидан нолимади! Бирор марта: «Ҳой, қачонгача сочинми сунурги қилиб, сизнинг чўрингиз бўлиб юрман!» — демади. Умри ин билан, уй-рўзгор билан ўтди, аввал болаларим деди, болалар эр етиб, ўз йўлларини топиб кетганларидан кейин эса елкасига невараларининг

гам-ташвишларини юклади, шуларнинг бошини силаб, одам қилай деди. Ўз аҳволдан эса бир оғиз полимади, нолиш уёқда турсин, дардмапд рамақи жисмидаги сўнгги кучи, юрагидаги меҳр-оқибати — ҳамма-ҳаммасини Шоввоз билан фарзандларига, қолганини эса невараларига бахшида қилди!

Майли, ўтган ишга саловат! Энди, буёғи тинч бўлсин, ишқилиб, Сулувжон омон бўлса бас, Шоввоз энди нима қилишни ўзи билади!..

Асфальт йўл тоққа қараб тобора ўрлаб борар, ўрлаган сайини рўпарасидан эсаётган шамолнинг гувиллаши кучайиб, аллақандай ваҳимали тус олмоқда эди. Баланд чўққилар устига қўнган ой худди оқ каштарни, унинг нимпушти шуъласида элас-элас кўзга чалинган қирлар худди чўккалаб ётган баҳайбат қадимий ҳайвонларини эслатарди...

Шораҳим аҳён-аҳёнда хаёл огушидан чиқиб, қаерга келганларини билмиш ниятида машина ойинасидан ташқарига тикилиб-тикилиб қарар, сўнг, бирда нотинч-ночор, бирда сўнаётган шуъладай ҳазини ўйлар оқими илиб кетганини ўзи ҳам билмай қоларди.

Худди мана шундай ойдин, тиниқ ва осуда оқшом! Тезда хозиргидан каттароқ, кумушранг ой ярқираб турибди! Узок Шарқда салкам беш йил хизмат қилиб қайтган Шораҳим, елкасида буюм тўрва, худди мана шу йўлда қишлоқ томон пиёда келяпти. Йўқ, машина ё от-улов бўлмагани учун эмас, Узок Шарқдаги хорижий мамлакатда бир-икки йил эмас, салкам беш йил хизмат қилган пайтларида киндик қони тўкилган мана шу далаю дашт, мана шу тоғларни соғинган чоғларида: агар элга соғ-саломат қайтиб борсам, «эшак карвон»да ғалла ташиган бу қирмизи янтоқзор даштдан яёв юриб, қишлоққа яёв кириб бораман деб ният қилиб қўйганди!

Эсида: шаҳардан ярим кечада йўлга чиққан Шораҳим ўшанда тонг чоғи, олисда эшаклар ҳанграб, хўрозлар жўр қичқираётган субҳидамда қишлоқ яқинидаги сўнгги қирга етиб келганди. Қир тепасида миттигина булоқ бўлар, булоқ бўйида шохлари қуриб, аллақандай букчайиб қолган, аммо ҳар баҳор япроқ ёзадиган кекса шотут ўсарди.

Бир ҳовучгина сув арабг жилдираб чиқадиган бу булоқ ҳам, гўё узок йўлда ҳолдан тойган кекса девонани эслатувчи бу қари шотут ҳам қишлоқ аҳли учун

аллақачон муқаддас бир нарсага айланган. Шораҳим ёт элларда кўп йил хизмат қилиб, она юртини соғинган чоғларида негадир шу булоқни кўп ўйлаган, агар эсопом қайтиб бориш насиб этса, қари тут пойида тиз чўкиб, худди уруш йиллари галла ташиб, машоқ териб холдан тойган пайтларидагидек, булоқ бўйига юзтубан тушиб, тўйиб-тўйиб сув ичишни орзу қилган эди!..

Уша кеча, яхши ният — ёрти мол деганларидек, узоқ йўлни яёв босиб, тонг чоғи қир этагига етиб келди-ю, бештиёр тўхтади. Ким нима демасин, лекин дунёда ҳеч нарса она юртга етмас экан!

Шораҳим ойдинда элас-элас кўзга чалинган ёлғиз тутни кўрганида вужудидан гўё чумолилар ўрмалади-ю, томони «ғин» бўғилди-қолди. Сўнг, худди кўз ёшлариши биров кўриб қоладигандек орланиб, кафти билан сидириб ташлади-да, бир-бир босиб қирга чиқа бошлади. Ажабо, ўтган беш йил давомида ҳеч нарса ўзгарманти! Бор-йўғи уч-тўрттагина шох қолғақ қари тут ҳамон мажруҳ девонадай букчайиб турар, булоқдан жилдираб чиққан бир ховучгина сув оққан ариқча атрофи ялғиз, шувоқ ва янтоқ билан қопланганди!

Шораҳим, юраги «гуре-гуре» уриб, булоқ ёнида тўхтади, тўхтади-ю, тўсатдан юраги «шув» этиб орқага тортиб кетди. Чунки шу пайт қоронғидан «Шораҳим ака!» деган зорли нидо эшитилди-ю, қари тут панасидан.., оқ рўмол, оқ кўйлакли бир қиз отилиб чиқиб, Шораҳим томон талиниди.

Сулувжон!

Қиз ойдинда оққушдай талиниб, қулоч ёзиб келди-ю, ўзини Шоввознинг бағрига олди. Сира ёдидан чиқмайди: Сулувжоннинг юзи ёш билан ювилган, лаблари ширин-шўртак, у бутун дурқун гавдаси билан титраб, ўкениб-ўкениб йиғлар ва ҳадеб бир гапини такрорлар эди.

— Сизни кўрар кун ҳам бор экан-ку, Шораҳим ака! Кўрар кун ҳам бор экан-ку!..

Шораҳим бўғилиб кетаётгандай туюлиб, ёқасини юлқиб очди-да, бошини машина деразасидан чиқарди, чиқариши билан юзига муздай шабада тегиб, бошидаги қалпоғини учуриб кетди. У бир ўйи «Машинавангини тўхтат!» деб ўшқирмоқчи ҳам бўлди, бироқ бу фикридан дарров қайтди, битта эмас, юзта қалпоқ садқан сар, Сулувжон! Сен омон бўлсанг бўлди, жигарим!

Машина пастаккина, япасқи қирлар орасида қушдай

ушиб борар, чўққига кўшиб олган «оқ кантар» ҳамон овлоқдаги қирларни элас-элас ёритиб, ярқираб турарди. Шоввоз совуқ шабада соқол-мўйловларини юлқилаб, қанга тикандай қадалса ҳам бошини ичкарига олмай, сутдай ойдин кечага, бахмалдай тиниқ, серюлдуз осонга тикилиб ўтираркан, бошқа бир оқшом, бундан ҳам сокин, бундан ҳам серюлдуз осмон эсига тушиди...

Тўй бўлиб қовушганларига ҳали бир йил тўлмаган, илк севги оташи жиндай ҳам сўнмаган пайтлар. Назарларида, бир-бирларини кўрмасдан бир кун, бир соат ҳам туролмайдилар. Шораҳим боғларининг шундай ёнбошида, «Қизил қоя» деган қир этагидаги боғда, тўғрироғи, олмазор орасига экилган пахтазорда сувчилик қилади, Ойсулув фермада сугир соғади.

Шораҳим бир кеча-кундуз ишлаб, бир кеча-кундуз уйда дам олади. Пахтазорининг шундоқ ёнбошида катта бедазор бор. Шоввоз навбати келган кунлари кечқурун бир қулоқ сувни шериги билан жўякларга чим босиб тақсимлаб чиқади, сўнг ўрилган бедалар гарамига жой қилиб, кечани шу ерда ўтказиши, чунки тунда бир неча марта сув кечиб, жўякларни кўздан ўтказиш шарт, бўлмаса баъзи жойларда сув чимни емириб, пахтазор кўлмакка айланиб қолади.

Шоввоз навбатчилик қиладиган кунни кечки овқатини уйдан оинкелиб беришади. Овқатни бирда укаси, ўша пайтлари тўққизинчи синфда ўқиб юрадиган узун бўйли шoirтабиат йигитча олиб келса, бирда Ойсулувнинг ўзи олиб келади. Ойсулув олиб келадиган кунни Шораҳим шеригига уйга кетишга рухсат бериб, олмазорда ўзи қолади. Бу ишдан иккиси ҳам мамнун: шериги кечаси совуқ сув кечиб, жўяк оралашдан қутулганидан хурсанд бўлса, Шоввоз Ойсулув билан бедазордаги гарамда «хангомалашиб» тонг оттиришдан хурсанд. Ҳақиқатан, ўрилган беда гарамда қуриган пичан, ялпиз ва бошқа гиёҳларнинг аллақандай бетакрор атридан маст бўлиб, ёнма-ён серюлдуз осмонга тикилиб ётишдан, фақат ёшликдагина бўладиган иссиқ бўса, ҳазил-мутойиба ва сира тўйиб бўлмас оташи севги ўйинларидан чарчаб, кўнка тикилиб орау қилишдан катта бахт, бундан улкан лаззат йўқ оламда!

Ўша оқшом овқат олиб келиш навбати Ойсулувда эди!

Шоввоз сувни тақсимлаб бўлгач, шеригига рухсат берди-да, ўзи ариқ ёқасидаги катта гарамга ҳафсала

билан яхшилаб жой қилди. Баланд ўриндиқ ясаб, устига кундуз уйдаи олиб келган намат ва кўрначаларни сади, хатто оқ парестиклар олдирган эди, уларни ҳам жойлаб, шундай шохона жой қилдики, бу тушанинг олдида хатто сим каравот ҳам ўтиб кетаверсин! Боз устига, кундуз олмазор орасидан иккита яшиган хайдалак топиб олган эди, уларни гарам орасига яшириб қўйди-ю, чалқанча тушиб Ойсулувин кута бошлади. Лекин кош қорайиб, осмонда илк юлдузлар мультирай бошлади ҳамки, Ойсулудан дарак бўлавермади. Шоввоз кафтини пешонасига тираб йўлга тикилиб қаради, қаради-ю, хафсаласи пир бўлиб, қайта жойига чўзилди. Сулувжон ўрнига негадир укаси келарди. Бошида похол шляпа, эғнида беқасам тўн, катта тугун кўтариб келарди!

Шораҳим азбаройи энеси қотганидан тескари бурилиб олди. Сал ўтмай енгил қадам товушлари, сўнг укасининг ҳали қотмаган ингичка овози эшитилди:

— Овқатингизни ошкелдим, ака. Совитмасдан еб олинг!

— Келноийнингга нима бало бўлди?

— Билмасам. Қўлимга шу тугунни тутқазиб, ўзинг обора қол, укажон, — дея ялиндилар.

Шоввоз баттар энеси қотиб:

— Хўи, ташлаб кетавер! — деб пўнгиллаган эди, укаси қикирлаб кулди.

— Ҳа, қизиқсиз-а, ака, нима бало, келноиймни бир соат кўрмасангиз туролмайсизми?

— Йўқол кўзимдан, аҳмоқ! — деб ўдагайлади Шоввоз.

Шу пайт укаси батамом бошқа, қўнгироқдек тиниқ овозда қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, ура кочди, қочганда бошидаги похол шляпаси учиб тушди-ю, икки ўрим йўгон сочи ёзилиб елкасини қоплади.

— Сулувжон!

— Хайр, эртага кўринишунча!

— Тўхта, Ойсулув, тўхта деяман сенга!

Ёи, хипчиндай ингичка, асов тойдай чаққон Ойсулув эгри-бугри илонизи йўлда шамолдай учиб борарди, бироқ Шоввоз кийикка ташланган шердай уч қадамни бир ҳатлашда босиб, бир зумда етиб олди-да, хануз талинииб, хануз шодон кулаётган Ойсулувин даст кўтарганича тўғри гарам устидаги тўшакка олиб бориб отди... Яна ёнида бор: ўша кеча иешиқ бўсалар ва фақат ёшликка насиб этадиган эҳтирос тўлқинларидан чарчаб, юлдузларга тикилиб ётган чоғларида Ойсулув

биринчи марта аллақандай кўрқинқираб, пийманиб, унга нимадир бўлаётганини қулогига шивирлаб айтди, сўнг Шоввознинг кўлини олиб биқинига, «алланарса» қимирлаётган жойга қўйди. Ойсулув энтикиб, шивирлаб айтган бу «алланарса» тўрт-беш ойдан кейин тугилган тўнғич қизлари эди.

Йўқ, Шораҳим бунчалик куймасе ҳам бўлади! Ойнинг ярми қоронғи бўлса — ярми ёруғ, деганларидек, Ойсулув билан кечган ҳаётида ўта мушкул, серташвиш кунлар кўп бўлгани рост, ҳаёт экан, тирикчилик-тирикчилик экан, бирда катта рўзгор, бирда кетма-кет тугилган фарзандлар сабаб, Ойсулув шўрлик бундоқ ёруғ дунёда ёлчиб яйрамагани рост. Азиз бошини ердан кўтармай, умри меҳнат билан, катта рўзгору болалар ва неваралар ташвиши билан ўтиб, кетгани тўғри, Шораҳим билан фарзандларининг бахтини ўйлаб, ўзини қурбон қилиб юборди — ҳаммаси рост. Бироқ тунов кунги сафар чоғи Ойсулув ўзи йиглаб иқрор бўлганидай, ҳаётларида яхши кунлар ҳам, ҳозиргина хотирасидан кечган офтобдай тишиқ онлар ҳам оз бўлмаган. Шоввоз ҳеч қачон унга хиёнат қилмади, Ойсулув турганда ҳеч бир санамга кўз олайтирмади...

Йўқ, шу ерда қитдай виждонингга хилоф гапирдинг, Шораҳим! Бир сафар хиёнат қилгансан, шўрлик Ойсулув эса бу хиёнатингни ҳам кечирган!..

Ҳануз кўз олдида: Шоввоз ўтказган ниҳоллар қирчиллама йиғитдай шох отиб, ёш боғ шундай очилиб-сочилиб кетганки, кирган киши чиққиси келмайди. Ойсулув эса кетма-кет иккита фарзанд кўриб, уйда ўтириб қолган чоғлар эди... Вада шаҳардаги қайси бир техникумдан бир гуруҳ қиз-йиғитлар тажриба ўтказгани келинди. Уларни нари бореа ўттизларга борган, бир гапириб ўн куладиган, ўзиням хўп дуркуш, сернива бир жувон бошлаб келди, келди-ю, Шораҳимни кўриб, атрофида парвона бўлди-қолди. «Шораҳим акажон» деса тилидан бол томиб, пардоз-андоздан қўли бўшамайди. Ҳатто ўзи бошлаб келган практикантларни ариқ чоғини ё дарахтларнинг тагини юмшатишга олиб чиқса ҳам ўзи атлас кўйлагу бежирим этикчасини кийиб, жингалак сочларини гажак қилиб олар, кўзларини таманно билан сузиб, «акажони» га тегажоқлик қилгани қилган эди.

Қувлик-шумликдан кейин тугилган соддадил Шораҳим, ҳаёлида ҳеч нарса йўқ, аввал жувонининг қилиқла-

рини шунчаки бегараз бир иўхлик деб кўн ҳам парво қилмай юрди. Лекин жувон худди хўн етилган, бетоқат гушажишдай очик таъқибга ўтди-ю, Шораҳим ҳам эркак эмасми, ахир бир кун иппи узди.

Бир оқшом боғнинг хилват жойида шундан ёлғиз қайтаётганларида жувон, қўлидаги хипчини билан Шораҳимнинг бўйини қитиқлаб қиқирлаб кулаверди, кулаверди. Шоввоз аввал унинг қўлидаги хипчини юлиб олиб, жувоннинг дуркуи кетига бир-иккита туширди, жувон эса жаҳли чиқиш ўрнига, хандон отиб кулди-да, бенбо қилпаиглаб баттар тегажоқлик қилаверди. Шунда Шораҳим ҳам ногаҳон жўшиб кетиб, жувонни шартта қучоқлаб олди-да, қараса парироқда қуриб-қовжираб қолган сертикан ичан гарами турган экан, ўшалга олиб бориб отди... Жувон тушмагур қаршилиқ қилиш уёқда турсин, момикдек онпоқ қўллари билан Шораҳимнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Фақат, кейин кўйлаklarини тўғрилаб ўрнидан тураркан: «Бирам бераҳм экансиз! Ҳаммаёгим тикандан илма-тешиқ бўп кетди-ку!» — деб, Шораҳимнинг юзига беозоргина уриб қўйди... Жувоннинг беҳаё қилиқларидан ҳадиксираган Шораҳим беихтиёр олазарак бўлиб атрофига қаради. Хайрият, ҳеч ким кўринмади. У ичида андак гурурланиб, эркаклик нафсонияти гужгон уриб, бир кулиб ҳам қўйди. Ҳар қалай, гуноҳ қилган бўлса ҳам «туя кўрдигми — йўқ, бия кўрдигми — йўқ», қабилда пинҳона иш бўлди-ку, беайб парвардигор, буёғни ўзи кечирар, деб ўйлади. Йўқ, деворнинг ҳам кўз-қулоғи бор деганлари рост экан, кечаси сойга тушиб, ювиниб-чайиниб дегандек, ўзича «покланиб» уйга кирса, Ойсулув йиғлайвериш кўзлари шишиб кетибди.

Шораҳим юраги «шув» этса ҳам ўзини ҳеч нарсани билмаганликка олиб:

— Сенга нима бўлди, Сулувжон! — деб сўраган эди, Ойсулув ўзини ерга отиб уввос тортиб йиғлади. Ойисига қизчалари қўшилди-ю, бўлди йиғи, бўлди тўнолон!

Шораҳим анчагина миқ этолмай, «ғариб» бошини гуноҳкорларча осилтириб турди, сўнг хотинининг ёнига тиз чўкиб, «Сулувжон, менга қара, Сулув!» деб ёлворди. Ойсулув ёш тўла кўзлари билан унга ялт этиб қаради-да:

— Боринг, — деди лаблари титраб. — Мендан кўнглингиз совиган бўлса ўша... янги толган маъшуқангизга бораверинг!

— Сулувжон!

— Мен унақа... суймагайга суйкаладиган одатим йўқ!
Бораверинг! Болаларимни бағримга босиб, бир кунимни
кўраман!..

Сира эсидан чиқмайди: Шораҳим ўшанда ўксиб-ўксиб
йиғлаётган хотини билан унинг этагига ёпишиб дод
солаётган қизчаларининг тепасида мутеларча талмовсираб
тураркан, икки қизалогиянинг фарёди унинг юрагини зир-
қиратиб юборган, лекин бирор-бир тадбир кўришдан
ожиз эди. Шораҳим сунага ўтириб, қизларининг бошидан
силамоқчи бўлган эди, улар худди бўридан қочган
қўзичоқлардай, оналари томон талнишиб, унинг бағрига
кириб олишди.

Шораҳим яна бир лаҳза турса ўзи ҳам уларга
кўнишиб йиглаб юборишини сизди-да, бир-бир босиб,
ҳовлидан чиқиб кетди.

Кечаси у боғ этагидаги бедазорда мижжа қоқмай
тонг оттирди... Шораҳим ўшанда Ойсулув уни сира
кечирмайди деб ўйлаган эди, йўқ, шўрлик Ойсулув
кечирди. Тонг пайти кўзи ялинган экан, кимнингдир:
«Дада, дадажон!» — деб чақирган овози қулогига чалинди.
Кўзини очса тепасида катта қизни турибди — кўлида
бир хурма қатиқ билан иккита патир...

— Қим юборди буларни, қизим?

— Ойимлар! — деди катта қизи.

Шораҳим томоғи «гин» бўғилди-ю, қизини бағрига
босди.

Шўрлик Ойсулув! Мехри дарё, вафодор, садоқатли
умр йўлдоши! Шораҳимнинг кечириб бўлмас гуноҳини
ҳам кечди ўшанда.

Ё алҳазар! Наҳот салкам ўттиз беш йиллик умр бир
дақиқа, бир ошӣй фурсатдай ўтиб кетса? Наҳот унинг
умри ўз интиҳосига етган бўлса? Ахир Ойсулувсиз
умр умр бўладими?

Шораҳимнинг хаёлини яна машинанинг зўриққан
ўкириши чалғитди. Қаер бу? Тепалик! Ўша, бир ҳовуч-
гина булоқ ва унинг бўйига кекса тут макон қурган
теналик. Ана, машина чирогиди икки букчайган қари тут
кўришди. Ойсулув бир маҳаллар худди шу тутнинг
напасидан югуриб чиқиб, ўзини Шораҳимнинг бағрига
отган эди. Машина фаралари уни бир зум ёритди-ю,
ўтди-кетди. Буёғи қишлоққа бир қадам жой!

Қишлоқ чуқур уйқуда, қалин боғлар орасидан ўтган
тор кўчаларда тирик бир жон кўринмас, фақат аҳён-

аҳёида машинага ташланган итларни ҳисобга олмаганда, ҳаммаёқ гўристондай жимжит. Қишлоқ марказига яқинлашган сайин ҳар жой-ҳар жойдаги симёғочларда милтираган лампочкалар кўнаиб, кўчалар хиёл ёришиди. Мана, бир маҳаллар кент деб ҳисобланган, мачит ва ҳатто мадраса, беҳисоб чойхона ва насқам дўкончалар жойланган теналик ҳам кўринди. Машина шу теналикка, бир маҳаллар қонқо деб аталган кўчага шўнғиди. Шораҳим бутун вужуди қулоққа айланиб, олдинги деразага ёнишиб олди. Пўк, осойишталик. Олис-яқиндан на йинги, на бирор бошқа овоз эшитилади! Ҳ раб! Ишқилиб, ўзинг асрагайсан бало-қазодан!..

Мана, боғлар ҳам чекниб, олдинда, ҳар жой-ҳар жойда от, эшак, сугир қоралари кўзга чалинган кент сойлик кўринди. Соёлиқнинг у юзида... Соёлиқнинг у томонидаги қалин боғнинг қоқ ўртасида катта лампочка ярқираб ёниб турарди! Шораҳимнинг боғи!

Шоввоз, ўтирган жойида чайқалиб кетиб, ўриндиқ тутқичларини арабг ушлаб қолди. Машина соёлиқ кесиб ўтиб, баландликка кўтарилди-да, дарвоза олдида тўхтади. Тўхтагани билан ичкарида оламни зир титратгувчи бир нолаи фигон қоронги тушни қоқ ёриб осмони фалакка парвоз этди.

Шофёр билан ҳамшира қиз, Шораҳимни қўлтиқлаб машинадан туширишиди. Туширишлари билан дарвоза олдида белларини боғлаб ўтирган қандайдир одамлар, бировлари йиғламосираб, бировлари жимгина келиб у билан қучоқланиб кўришган бўлишди, бироқ Шораҳим на улардан бировини таниди, на бировини кўрди! У оёғини арабг судраб босиб, молхоналар жойланган кўрасига кирди, ундан боққа ўтди ва пештоқида катта лампочка ярқираб турган уй томон юрди. Лекин ҳали бир печа қадам босмаган ҳам эдики, бир-бирини қувлашган икки аёл — булар катта қиз билан кичик қизлари эди! — аччиқ фарёд билан човқиллаб келишди-ю, бўйинга осилиб олишди.

— Қайларда юрибсиз, дадажон! Онажонимиздан айрилиб қолдик-ку, дадажон!..

Шораҳим, кўз ёшидан ҳеч нарсани кўрмай, алланималар деб гудранди, аммо шу пайт айвон томондан: «Буважон!» — деган бир чинқириқ эшитилди, сўнг кичкина бир қизча — кейин билса Шоқосимнинг қизи, севиқли невараси Шахло экан, — гўё ўзини чўққа урган капалакдай

пирпираб келиб тиззасини кучоқлаб олди. Шораҳим унинг: «Буважон! Буважонимни бермайман, буважон!» — деб чирқираб йиғлаганини кўрди-ю, тўсатдан ўзи ҳам ўкириб юборди. У шу йўсин, икки букилиб ўкириб йиғлаганича, алпанг-талпанг юриб айвонгача борди. У билан қандайдир кампирлар, аёллар қучоқлашиб кўришдилар, сўнг бирга бўзлаб, йўқлаб йиғлаганларича, Шов-бозни ичкарига бошладилар.

Эски, катта чорхари хонанинг тўрига катта чимилдиқ тутилган. Аёллардан бири шоша-пиша чимилдиқни кўтарди. Бурчақда... бош-оёқ оқ мато билан ёпилган Ойсулув узала тушиб ётарди... Шораҳим ҳамон кўзига ҳеч нарса кўринмай, аранг чимилдиқ ёнига юриб борди. Боя чимилдиқни очган кампир Ойсулувнинг юзига ёпилган матони қийғоч кўтарди.

Ойсулувнинг узунчоқ юзи гўё бурунғидан ҳам узайган, лекин аллақандай сокин, гўё ярим аср чеккан барча азобу уқубатларидан қутулиб, ором олиб ётгандай... Шораҳим, хотинининг мумдек захил, рангпар юзига муҳрланган бу ифодани аниқ ҳис этди, фақат буни эмас, бу ифодага ўзи айбдор эканини ҳам англади, англади-ю, худди оёқларига биров бозта ургандай, унинг пойига муккасидан тушди:

— Сулуважон! Кечир мени! Ёмон йўлдош ёлчитмас деганлари рост экан! Мен тошбағир, бемехр йўлдошининг кечир, Сулуважон!

Ўн еттинчи боб

Расул қанча ҳаракат қилмасин, шогирди Акмални тезлат тойчоғинини, деб қанча қистамасин, Ойсулувнинг дафни маросимига етиб боролмади.

Авваламбор, Соҳибахон телефон қилганида тун ярмидан ошган эди. Унинг йиғламасираб айтган сўзларини англаб етгунча ҳам анча вақт ўтди. Сўнг, яна машина тонини муаммоси кўндаланг бўлди.

Расул Нуриддинов ўйлаб-ўйлаб, охир-пировардида яна шогирди Акмалга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Акмал иқчиллаб-сиқчиллаб ниҳоят рози бўлди. Қисқаси, у деб, бу деб йўлга чиққунларигача тонг отди, қишлоққа етиб келганларида Ойсулувни аллақачон дафн

қилиб қайтишган эди. Шораҳим, бели боғлоглиқ, бир печа қариндош-уруғлари орасида фотиҳага келиб-келиб турганларини кутиб-кузатиб ўтирарди.

Гарчи «Жигули» дарвозага яқин келиб тўхтаган бўлса ҳам Расул эски қадрдонини дафълатан тапимай қолди. У машинадан тушаётганида дарвоза олдида ўтирган одамлар орасидан қадди худди булоқ бўйидаги қари тутдай икки букилиб қолган бир қария аранг ўрнидан турди-да, тўсатдан:

— Қайда қолдинг, Расулжон? — деб ёш боладай ўксиб-ўкириб юборди. Бошида эски дўнни, оёғида катта кирза этик, эғнида қалин чопон, соч-соқоли ўсиб кетган бу одам Расул билган Шораҳимга шу даражада ўхшамас эдики, у даставвал саросимага тушиб довдираб қолди, сўнг уни таниди-ю, кўнгли вайрон бўлиб, дўстига қараб талпинди, ўзи ҳам кўз ёшини туюлмади.

Шораҳим анчагача оғайнисини қўйиб юбормай, алланималарини айтиб, ёш боладай ўксиб-ўксиб йиғлади, унинг гапини англаш қийин, фақат биргина: «Шўрлик Сулувжон! Сулувжон!» — деган сўзларининггина илгаш мумкин эди.

Расул Нуриддинов сўнги бор қачон йиғлаган эди? Ҳа, аранг эслади: бундан уч-тўрт йил муқаддам волидаси оламдан ўтганида ва худди ҳозиргидай унинг дафнига кеч қолиб, эртасига базўр етиб келганида йиғлаган эди! Ушанда ҳам уни мана шу Шораҳим қарин олган, гўё Расулнинг онаси эмас, ўз онаси оламдан ўтгандай кўз ёшлари билан соқол-мўйловини ювиб, уйларига ўзи бошлаб кирган эди. Лекин ундаги Шораҳим қайда-ю, бўрон сиқирган толдай букчайиб қолган бу қария қайда?

Расул, бу маҳзун манзарадан жигари хун бўлиб, оғайнисига тасалли беришга ҳам мажоли етмай, анча турди. Дили хун, тилига фақат: «Сабр қил, азизим, сабр қил», дейишдан бошқа сўз келмас эди. Ниҳоят, Шораҳим сал ўпкасини босиб, уни дарвоза ёнидаги икки супанинг бирига бошлади. Расул одамлар билан кўришиб чиққач, ҳануз ўпкасини босолмай, елкалари титраб ўтирган оғайнисининг ёнига чўкди.

— Нима бўлди ўзи? Тошкентга олиб тушаман деган экансан. Сал тезлатмабсан-да!

Шораҳим бирдан йиғидан тўхтаб, унга аллақандай ўкрайиб қаради.

— Нима бўлганини мендан эмас, анов... қирқ йиллик

қадронингдан сўра! Тезлатмабсан дейди-я! Тезлатадиган иш қилдимиз огайнинг!

— Қайси огайнинг? — тушумади Расул.

— Қайси бўларди? — деди Шорахим чўқмордай муштини тугиб, бироқ гапни оғзида қолди, шу пайт дарвоза олдида бел боғлаб турган ҳассакашлардан бири Расулнинг олдига келиб, қўл қовуштирди:

— Ичкарида қариялар ўтиришпти. Бир кириб чиқар экансиз, домла.

Расул Нуриддинов бир чеккасига қуруқ пичан уйилган чоғроқ кўрага, кўрадан боққа ўтди. Қаршидаги, бир маҳаллар жуда кўркам бўлган, бироқ ҳозир сувоқлари кўчиб, чўкиниқираб қолган пешайвоили уйининг ўнг томонидаги бедазорга намат тўшалиб, у орда ўн чоғли кексалар гурунгланиб ўтиришарди. Улардан баъзилари Расулни таниб, ўришларидан қўзғалашди.

— Келнинг, домла, юқори ўтинг!

Ёш бўлса ҳам тўрдан жой олган, чамаси, бирор мадрасада таълим олиб қайтган ёш мулла тиловат қилиб, юзларга фотиҳа тортилгач, ҳамма яна Расулга қизиқсиниб, биров бақрайиб, биров ўгринча кўз ташлади, атрофдан саволлар ёғилди:

— Саломатмисиз, домла?

— Камнамо бўп кетдилар? Ё тугилиб-ўсган жойлар ёдларидан кўтарилдимиз?

Расул хижолат чекиб кулди:

— Ҳа, йўқ, биздаям шу... ўзингиз билган аҳвол: қариган сайини ташвиш камаярмикин десак, аксига олиб кўнайиб кетаркан!

— Э, сиз ташвишдан нолсангиз, биз шўрликлар не қилдик, домла?

— Йўқ, Расулбек, бу гапнинг бўлмади! Бировнинг юртида султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл, деган боболаримиз! Ҳар замон-ҳар замон йўқлаб келиб, ота-боболарнинг қабрини зиёрат қилиб, уларнинг руҳини шод қилиб турмоқ — бани одам учун ҳам фарз ҳам қара, Расулбек!

Ярим чин, ярим ҳазил тарзида айтилган бу гапларни Расул биринчи бор эшитаётгани йўқ. Лекин илгарй бундай пайтларда у ҳамқишлоқлари, хусусан, кексалар билан тез тил топиша олар, бунга тарих билан кўп шугуллангани-ю, арабчадан бохабарлиги ҳам жуда қўл келарди. Аммо бу сафар негадир гапни ҳазилга буролмай

анча хижолат тортди. У бугун умрида биринчи марта қарияларнинг гина-кудуратларида жуда катта инсофу адолат борлигига ичда тап берди.

Ҳақиқатан, ҳозир уйлаб қараса... энг маъсуд бозалик йиллари ўтган бу маконни эсидан чиқара бошлабди, ҳатто ёзда қизининг олдига келганида ҳам волидан меҳрибонининг қабрини зиёрат қилишга фурсат тонолмабди! Тагин бу киши, ёш олимларга ҳаётга яқин бўлиш ҳақида ақл ўргатадилар. эл-юртдан узоқлашиб кетмай, унинг шодлигига шерик, дардига ҳамдард бўлмоқ керак, деб ваъз ўқийдилар! Яхшиям, бу қариялар унинг асарларидан огоҳ эмас, шунчаки... катта олим, деб эшитганлари учунгина «домла, домла», деб иззат қилинади!

Расуля ҳамқишлоқларининг тағдор гапларидан қизариб, қора терга бота бошлаган эди. хайрият, нойгакда чой қуйиб ўтирган ёш йигит: «Домла, сизни чақириняпти!» деган маънода уй томонга имо қилди.

Уйдан берирокдаги улкан шотут тағида... Нигора турарди. Расуля кексалардан узр сўраб, шоша-ниша ўрнидан турди. У қизини бир таниб, бир танимай қолди. Шаҳарда олд «модница»лардан бири бўлган Нигора, ҳозир эгнига қора атлас кўйлак кийиб, бошига узун кўк дока рўмол ташлаб олибди, оёғида ҳам жўнгина шишиак, у худди ёшгина қишлоқ жувонларини эслатарди.

Дадаси яқинлашини билан Нигора, кўзида гилт-гилт ёш, ўзини унинг бағрига отди. Расуля қизининг нозик елкасидан қучиб, пешонасидан ўнди.

Нигора кўкимтир бўёқ излари кетмаган ёш тўла кўзларини мўлтиратиб, дадасига қаради.

— Холамларнинг ўлими жуда катта мусеббат бўлди буларга. Ичкарига кириб, кўнгил сўраб чиқасами, дадажон?

Расуля юрагига бирдан селдай тошиб келган меҳр ва миннатдорчилик туйғусидан юраги «жиз» этди, қизидан мамун бўлиб, унинг бошини силаб қўйди.

— Мафай, қизим... Аммо сенинг хатингдан кейин биз уёқда нифохонадан жой тошиб қўйгандик...

Нигора алам билан бошини сарак-сарак қилди.

— Хатда айтганларим — ҳаммаси рост. Бироқ холамларнинг ўлимига бошқа нарсая сабаб бўлди. Ўғиллари бор-ку. Шоқосим акам... уч-тўрт кун аввал аварияга учраб, қасалхонага тушганлар.

— Қанақа авария?

— Машина аварияси-да, дадажон! Совхоз директори Фотих Музаффаров чўлга кетяпган экан. Имадир бўлиб тўқнашиб кетишибди. Орада ҳар хил ёмон гаплар юрипти.

— Қанақа гаплар?

— Кейин... ўзингиз эшитарсиз, дадажон. Ишқилиб, холамлар шунн эшитганлару йиқилганлар! Ўгилларининг аҳволи огир. Икки кун хушини билмай ётган экан, кеча, хайрият, хушига келган эмиш! — Нигора шундай деб лабини тишлади.— Майли, дада, ҳозир бу гапларни ўрни эмас. Юринг, ичкарига кириб қизларидан, қариндош-уруғларидан кўнгил сўраб чиқинг.

Расул ичида қизидан яна бир бор рози бўлди. Назарида, Нигора бу ерга келиб қандайдир ўзгарган, сўнгги уч-тўрт ой ичида турмушининг насту баландини таниб, уч-тўрт ёш улгайган эди.

Расул печа марта меҳмон бўлган катта чорхари хона аёлларга лиқ тўла. Улардан бир гуруҳи — булар энг яқин қариндошлар бўлса керак — устларига кўк кўйлак кийишган, бошларига узун кўк рўмол ташлаб, юзларини тўсиб олишган. Расул Нуриддинов кириши билан аёллар «дув» этиб ўринларидан турниди, бурчакдан, ҳаммаси бирдай кўк кўйлак кийиб, кўк рўмол ўраб олган кампирлар орасидан новча бўйли бир жувон Расулга пешвоз чиқди.

— Қайларда қолдингиз, тогажон! Сал аввал келсангиз бўлмасиди, тогажон? Меҳрибонимиздан айрилиб қолдик-ку, жон тогажоним!

Худди онасига ўхшаган бу новча, қотма, кўхлик жувон — Ойсулувнинг катта қизи эди.

Расул томоғи яна ги бўғилиб, жувоннинг елкасини қоқиб, тасалли берди.

— Сабр қил, қизим, сабр қил! Барчанинг бошида бор бу мусибат... — У яна бир оз панду насиҳат қилган бўлди: йиғи ҳам аста-секин тинди.

Нигора ичкарида, хотинлар орасида қолди. Расул ташқарига чиқди. У, бир ўйи яна қариялар даврасига қўшилгисен келди, бироқ Шораҳим эсига тушиб, дарвоза томон кетди.

У богдан чиқиб, кўрага ўтганида тўсатдан сойдан Шоввознинг момақалдиروقдай қалдираган даргазаб овози эшитилди:

— Қайт орқанга, Пўлат папка! Ұғлимни майиб-мажрух қилиб, хотинимни ажалидан беш кун бурун ўлдириб, хунига икки қўй билан тўрт қоп ун бериб юбордим хўжайининг! Обориб бер юборган садақасини! Ұзи сўйиб есин қўйларини!..

Сой бўйида мева-чева, сабзи-ниёз, уч-тўрт қоп ун ва иккита қўй ортилган юк машинаси кўринарди. Дарвоза олдида, чўқмордай қўлларини силкитиб ўшқираётган Шоввознинг рўнарасида эса жиккаккича бир одам мутеларча бош эгиб турарди. У аҳён-аҳёнда қўлларини кўкеиға босиб:

— Дўстим, Шораҳим! — дерди ёлвориб. — Одам кечиримли бўлмади даркор, Шораҳим! Уям қасддан қилган эмас! Хато бўлган, оғайни! Ҳаммамиз ҳам мусулмонмиз, ҳамма нарса худодан!

Дарвоза сунасида ўтирганлардан бири Шоввознинг қўлидан ушлаб, бир чеккага бошламоқчи бўлди, аммо Шоввоз бир юлқинишда унинг дастидан чиқиб, яна Пўлат папкага хезланди:

— Қачондан бери худони эслайдиган бўи қолдиларинг?.. Сўзини эшитдиларингми бу имоненанинг! Ҳамма нарса худодан эмиш, мусулмон эмиш! Сендақа мусулмондан гирт кофир минг марта яхши, туллак!

— Шораҳим!

— Йўқол кўзимдан ё... ҳозир бир зарб билан миангни қатигини чиқараман!

Шоввоз чиндан ҳам бошини буқадай эгиб Пўлат папкага ташланди, хайрият, кимдир уни даст кўтариб, бир чеккага олиб чиқиб кетди, кимдир Пўлат папкага қараб:

— Сиз ҳам бир кори ҳол бўлмасдан тезроқ жўнанг энди! — деб жеркиб берди. — Қилгиликни қидиб қўйиб, нима керак бунақа азага мол судраб келмоқ? Қўй-пўйга зор эмас Шоввоз!..

Пўлат папка: «Хўн ака, хўн!» — деганича, машинага қараб йўналди.

Расул ҳамон сўкиниб, ҳамон хезланаётган оғайинининг ёнига бориб, уни жар бўйидаги жийдазор томон бошлади.

— Сал ўзингни бос, Шоввоз!

— Э, бу юрганмдан ўлганим яхши! — деди Шоввоз ҳамон даг-даг қалтираб.

Жар ёқасидаги сойга салом бериб ўсган беш-олти

туш жийда ва толлар орасида бир неча эски тўнка ётарди. Шоввоз билан Расул шу тўнкаларга утирдилар. Шораҳим, гўё юраги кўкрагига сиғмаётгандай оғир хансираб, тизгинсиз бир алам билан тебравар эди. Расул унинг титраётган елкасига қўлини қўйди:

— Сабр қил, азизим!..

— Сабрийим надарига даънат бунақа бўлса!..

— Узингни босиб, гашириб бер, бундоқ! Мен фақат чет ёқасини эшитдим, холос.

Шораҳим қирғиншланмаган соқол-мўйлови дикрайиб, ялт этиб қаради:

— Кимдан эшитдинг? Қил ўтмас қадрдонингданми? Биз ҳам эшитдик! Вертодётларида учиб, чўлларда бирга даврон сурибсан! Хамшиша шунақа бўлган! Бой бойга боққан, сув сойга оққан!..

Расул гамгни янмамайди.

— Бойлар йўқ хозир. Аллақачон сифф сифатида тугатилган!

— Сифф сифатида тугатилган бўлсаям илдиэлари қолган! Тағидан тешиб чиқинти. Одамни одам қатори кўрмайдиган бойваччалар бутуқлаб кетган хозир. Биттаси мана шу, сенинг қадрдонинг!..

Расул: «У менинг қадрдоним бўлса, сенинг ҳам қадрдонинг-ку!» — демоқчи бўлди-ю, бу гамни ичига ютиб:

— Майли, — деди ўзини босиб, — ўзинг тузукми, ишқизиб?

Шораҳим, дарди дунёси қоронғи бўлиб, юзини қафтлари орасига яширди:

— Углим нима булади — ўзим ҳам билмайман!.. Икки кеча-кундуз беҳуш ётди болам. Яхшиям барака тошкур Соҳиба бор экан!.. Худо у аблахни аблах қилиб яратибди-ю, шундай бебаҳо бир хотин эҳсон қилти! Агар ўглим соғ қолса... Соҳиба олиб қолган булади уни!

Шораҳим, кўйлагининг ёқасини юзқиб очиб, жуудор кўкрагини еплади, сўнг тўсатдан кўзлари ёниб яна Расулга қаради:

— Ха, нега оғзинга сўв солиб олдинг? — деди катта муштани Расулнинг тизасига тираб. — Нега ўглимни машинаси билан қоқиб, ўрта йўлга ташлаб кетди унинг арзанда зурёди? Нега каминани қингир йўлга юрмадинг деб, шундан хайдади? Уттиз йиллик меҳнатим наиниладек кўринмади-я кўзларига! Ё Шоввоз

эмас, бу ўнка директорнинг дадаси барно қилдими ҳов анов жаннатдай боғини? Нега буни сўраб-суриштирмай, оғзингга мум тинлаб ўтирибсан?

Расул қўлини Шоввознинг ҳануз титраётган кафтига қўйди.

— Кўн қизинаверма, огайни! Соғлигингниям ўйла, дўстим!

— Падарига лаънат бунақа соғлиқни! — деди Шоввоз жазаваси тутиб. — Сен менинг соғлигимни ўйлагандан кўра, ҳақиқат қил! Олим деган номинг бор-ку, ахир! Ё ҳозирги олимлар ҳақиқатнинг тескарисини айтадиган бўлишганми? Ё зўравонларга дуч келганда чап берадиган бўлганми ҳозирги олимлар?

Расулдан садо чиқмади, у бошини ҳам қилганича, қўлига чўп олиб ер чизинга киришди. Лекин хаёлида гужгон урган ўйлардан қўли дир-дир титрар, нима чизаётганини ўзи ҳам билмас эди.

«О, қадрдоним Шораҳим, Шораҳим! Бизнинг ўртаמידан қанақа ганлар ўтганини қабқдан биласан? Ингирма йил деганда бир маротаба вертолётига минган эканман, шуни ҳам юзимга соласанми? Йўқ, мен ҳозир сендан гина қилолмайман! Бошингга тушган бу кулфат устида ҳар қанча гина қилинга ҳаққинг бор. Бироқ сен ҳам мен тўғри тушунгани, огайни! Агар бизларни боғлаб турган эски дўстлик ринталари бўлмаганда, агар бегубор болалик палламиз шу сойда ошиқ ўйнаб ўтмаганида, агар Гоби саҳроси-ю, Хинган тоғларида чеккан азобларимиз, тоабад дўстлик ҳақида ичган қасамларимиз хотирамда турмаганида мен унга нима дейишимни ўзим билардим!»

Шораҳим, худди унинг хаёлидан ўтаётган ўйларини ўқиб тургандек:

— Йўқ! — деб хитоб қилди. — Уларнинг бу ёвузликига мен ҳам ёвузлик қилиб, ота-боланинг бошларини олиш пайида эмасман. Зинҳор-балиҳор/Аммо-лекин бу дили қингир устомон — мен Музаффарнинг ўпка зурёдини айтишман — бир бегуноҳ йигитни қоқиб майиб қилса-ю, ёрдам бериш ўринга уни катта йўлга ташлаб қочса! Бу ҳам етмагандек, ГАИларни қўлга олиб, айбни ўлим билан олишиб ётган ўғлимга тўнкамоқчи бўлса! Қани, виждонинг бўлса айт-чи, бунга қандай чидаб бўлади, Расул?

Расул, кўнгли аягов-далгов бўлиб, ўрнидан туриб кетди.

У нима қилишини (на Шоввознинг ёнига қайтишини, на дарвоза олдида ўтирган хассаканларга қўшилишини) билмай, ўрта йўлда лолу хайрон бўлиб турган эди, азадорлар орасидан ёшроқ бир йигит ажралиб чиқиб, унга қараб кела берди.

Йигит қора костюм устидан беқасам тўн кийган, бўйнида галстук, бошида шлясаси бор, чамаси, идора ходими эди.

— Ассалому алайкум, домла!

— Салом! — деди Расул Нуриддинов.

Зиёлинамо йигит негадир Шоввоз ўтирган томонга ҳадиксираб қараб қўйди, сўнг қўйнидан тўрт букланган бир қоғоз олиб, қўрқа-ниса Расул Нуриддиновнинг қўлига қистирди.

— Дўстингиз... Музаффар Фармоновичдан. Сизга бериб қўйишимни илтимос қилувдилар!

Йигит шундай деди-да, Расулнинг жавобини ҳам кутмасдан шоша-пиша сойга қараб йўналди. Қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан ёзилган хатда шундай дейилган эди:

«Дўстим, Расул!

Иложи бўлса шу бугун учрашсак. Сенга айтадиган жуда-жуда зарур гапим ва илтимосим бор. Ҳаёт-мамонт масаласи бу. Эски дўстлигимиз ҳурмати йўқ демагайсан. Мен уйда кутаман сени.

Ҳозирча бу гапни Шоввоз билмай тургани маъқул.

Биродаринг Музаффар Фармонов».

Расул қоғоздан кўзини узиб, узоқроқда унга зимдан тикилиб турган йигитга қаради. «Нима бало, Музаффарнинг айғоқчисими бу?»

«Айғоқчи» ҳам унга тикилиб турган экан: «Важонидил хизматларига тайёрмиз», деган маънода қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди.

Ўн саккизинчи боб

Фармонов қишлоқда ота-боболаридан қолган, бироқ ўғли Фотиҳ уни ўзига мослаб қайта қуриб олган икки қаватли уйнинг биринчи қаватидаги кенг, баҳаво хонада уёқдан-буёққа бесабр айланарди. Деворларига гаройиб чакалакзорлар, шерлар сурати солинган ажнабий ипак гиламлар тутилган улкан хона пазарида қафасдай тор тую-

ларди. У гўё гиламдаги ёввойи тўқайзорлар орасидан тутиб келиб, қафасга тикилган шердай сезарди ўзини.

Фармонов авваламбор Фотиҳни, Фотиҳдан кейин оғайниси Расул Нуриддиновни кутарди. Уйнинг ўртасидаги қанотлари ёзилган кенг стол поз-пезматларга тўла. Қазини-қарта ва пориндан тортиб, қовурилган беданаларгача, дашт апорларини тилларанг нашвати ва хусайниларгача — ҳаммаси Расул учун мухайё қилинган. Аммо Расулдан аввал ўгли Фотиҳ билан Пулат папка келишлари керак, келиб, азахонага юборилган бир машина гуруч-пуруч, қанд-қуре, қўй-пўйларини Шоввоз олдим-йўқми — шуни хабар қилишлари лозим эди.

У кечаси Соҳибадан Ойсулудининг оламдан ўтганини эшитди-ю, тонг отгунча мижжа қоқмади, ҳатто уйку дори-сига қўшиб ичган юрак дорици ҳам ёрдам бермади. Негадир кўзи илиниши билан юраги ўйнаб, гўё нафас етмаётгандай васвас босиб уйғонаверди. Фармонов, авария билан Ойсулудининг ўлими орасида ҳеч қандай алоқа йўқлигига ўзини ҳарчанд ишонтирмасин, аллақандай совуқ ваҳима бот-бот бостириб келиб, кўнгли алгов-далгов бўлаверди, бўлаверди. Боз устига, ёшлик чоғлари, Ойсулудинга ошиқ бўлиб ўрташиб юрган пайтлари эсига тушиб, уйқуси батамом қочиб кетди. Бироқ энг ёмони — Шораҳимдан кўнгил сўраб бориши лозимми, йўқми — буни ўзи ҳам билмас эди! Чунки Шоввознинг тунов кунги вазоҳатида кейин унга рўпара бўлишнинг ўзи қалтис эканини сезарди. У Шоввознинг феъл-атворици яхши билади. Тақдирга тап бериб, худодан кўриб ўтирган бўлса-ку, хўну хўн, акс ҳолда азага йиғилган оломон олдида жазавасти тутиб, уни қора ер қилиб, уйдан хайдаб чиқини ҳам ҳеч гап эмас! Рост, Фармоновнинг билишича, Шоввознинг ўгли «бери қараган» эмис, ҳар қалай, Соҳибанинг илтижоси сабаб, марказдан мутахассислар чақиртириб чакки қилмаган экан, уларнинг пойқадамлари ёқибди, «кризис» ўтиб, Шоқосим ўзига кела бошлабди. Марказдан келган икки мутахассис, кеча Ойсулудининг ўлими ҳақидаги шум хабар овоза бўлишидан аввал, хайрият, жўпаб кетишди. Фармонов улардан донм бохабар бўлиб турди, кетишда эса ўз «Волга»сини берди, қисқаси, хурсанд қилиб жўнатди. Аммо улардан кўнгли энди тишчиганда... ногаҳон бу шум хабар етиб борса-я? Шу болс Фармонов, Шоввозга кўнгли сўраб боришдан аввал гафлатда қолмас-

лик учун унинг авзойини билишга қарор қилди. Пўлат панкага бир-иккита бўрдоқи қўй, бир-икки қон гуруч ва ун-ун олиб бориб беришни тайинлади. Энди бунинг оқибатини кутиб, қафасдаги йўлбарсдай хонада бетоқат айланиб юрибди. Агар Шоввоз у юборган парсаларни дом-мим демай олиб қолса, нур устига нур, унда тақдирнинг беаёв ўйинига тап берган бўлади, агар олмасдан қайтариб юборса... Унда Фармонов оғайнисининг кўнглига йўл топиб, уни тинчита оладими, йўқми — буёғи унинг ўзига ҳам дарғумон. Тагин уст-устига оёқ остидан чиққан бу машъум ишларнинг «Даштстрой» атрофида айланиб қолган мана бу кўнгилсиз гаплар ва текшир-текширларга тўғри келганини айтмайсизми? Илгариги дорилмон ҳаёт кечириб, айшини суриб юрган пайтлар бўлганда-ку, Фармонов бунақа ишларнинг ўнтасини хамирдан қил сугургандек қилиб, ими-жимиди изини ўчириб юборарди. Аммо ҳозир... Мана, яқин бир ой бўи қолдики, энг юқори жойларга чақириб кетилган «Даштстрой» бошлигидан ҳамон дарак йўқ! Қизиқ! Илгари отингни сот, тўннигни сот, лекин ҳосил бер, деган фармонлар қораланиб, энди «Ёр нега налартини ўзлаштирилгану нега ҳаммаёқини шўр босиб кетди?» каби дашиномлар бошлангити! Эшитишча, бошлиқ ҳам шу даъво-ю, дашиномлар тағида қолиб икки ўт орасида қовурилиб ётганимиш! Агар бошлиқ бир нима бўлса... Музаффарнинг ҳоли не кечади — Фармонов буни ўйласа бас — олам кўзига қоронги кўришиб кетади!..

Энди бир умиди — оғайнисен Расулдан. Шояд у ўртага тушиб, иккисини мурасага келтириб қўйса. Рост, тунов кунги учрашувдан кейин бу оғайнисидан ҳам кўнгли бир оз совиди. Лекин, биринчидан, уларнинг ўртасига тушиб, мурасага келтиришга қурби етадиган бошқа бир тирик жон йўқ, қолаверса, ҳар нима бўлганда ҳам бир қинпоқда тугилиб, бир маҳаллада тенкилашиб ўсишган, бирга ўқишган, урунда қатнашган эски қадронлар-ку! Ҳар нима бўлганда ҳам бирорта маслаҳат берар, жилақурса, Шоввозни сал шаштидан тушириб, инсофга чақирар ахир!

Фармоновнинг тўс-тўнолон хаёлини ташқаридан эшитилган машина овози бўлиб юборди. Зум ўтмай ҳовлида Фотиҳ кўринди. Фармонов бу машъум воқеадан кейин, агар ғазаб устида телефонда узуқ-юзуқ гаплашганлари бўлмаса, ўглини ҳали кўрмаган эди.

Фотих, афтидан, даладан келадиган бўлса керак, оёғида кирза этик, эғида негадир эски фуфайка, бошида ҳам ёғи чиқиб кетган эски фуражка. Бироқ худди ови бароридан келган одамдай шахти баланд, қадам олинлари тетик, бардам.

«Даъюс! Оламни сув босса тўнигига келмайди! Хаммани қовуриб қўйиб, юришини қара бун!»

Эшик шартта очилиб Фотих кирди, кирди-ю, бошини буқаларча эғиб, отасига ер остидан ўқрайиб қаради, сўнг «Салом!» — деб гудранди-да, бошидаги фуражкасини диванга улоқтириб юбориб, дастурхондан битта олма олиб чайнай бошлади.

Фармонов ёниб кетди.

— Қилгиллиқни қилиб, отангни ишондга қўйиб, қаёқларда дайдиб юрибсан, даъюс?

Фотих ерга тушганга ипак гиламларга кирза этигининг палларини мухрлаб, бир чеккадаги чарм креслога бориб ўтирди ва оёқларини чалиштириб:

— Қанақа қилгиллиқ? — деб сўради олма чайианда давом этиб.

«Тавба! Мен бу ерда жигибийроп бўлиб, қон қақшаб юрибману ўтиришини қаранг бу касофатнинг!»

— Ҳали нима қил қўйганингга ҳам ақлинг етмайдими, аҳмоқ? Ҳозирги назик вазиятда...

Фотих қамчи еган асов тойдай нитирлаб:

— Э, кўп ваҳима қилаверманг, дада! — деди жеркин-қираб. — Нима қилган бўлсам ўзим жавоб бераман! Хеч жойда хеч гап йўқ, ойим иккаланганга ўлмаган одамга кафан бичиб, дунёни буздиларнинг-ку!

— Ота-она эканмики, куймиз! Фарзандларнинг катта бўлиши — кўрамиз! Битта-яримтаси сенга ўхшаб тентаклик қилиб қўйса: «Ўзи жавоб беради», деб шифтга қараб ётаверасанми ё билага ўхшаб ўзингни ўтга-сувга урасанми?

— Ҳозир айтдим-ку, саросимага тушадиган хеч вақо йўқ деб. Умуман... хайронман сизга: бунақа ваҳимачи эмас эдингиз-ку илгари? Сизга нима бўлди, дада?

Фармонов зардаси қайнаб, ўғлини калака қилди.

— Нима бўлди эмиш! Мен ҳам сенга хайронман, ҳозирги вазиятнинг возиклигини тушунамасдан туриб, қанақа қилиб бош бўлдинг бу катта хўжаликка?

— Вазиятга нима бўпти? — дагдага қилди Фотих.

— Менга қара! Қўзи кўрга жўр бўлсанг ҳам дили кўрга

жўр бўлма, дегандай, кўрмасан, атрофингда нималар бўлаётганини кўрмасанг? Ҳозир илгариги замон эмаски, ким зўр, оти билан тўйини сотиб бўлса ҳам — плани тўлдирган зўр бўлса! Ҳозир плани дўндириб қўйсанг, қанақа қилиб дўндирдинг, ҳалол дўндирдингми ё ноҳалолми — ҳисоб берадиган замон! Ё покланиш даври деган гаплар кулоқларига чалинмадимми ҳали! Ё манман деган, ўзи хоп, кўланкаси майдон бўлиб юрган не-не зўравонларнинг тагига сув кетганидан беҳабармилар акамлар?

Фотиҳ изза бўлиб, масхараомуз «ниқ» этиб кулиб қўйди.

— Хўп, хабардор бўлай-бўлмай, бу ишларнинг нима дахли бор бизга?!

— Нима дахли бор эмиш! — кесатди Фармонов. — Авваламбор, қўшининг кўр бўлса, кўзининг қис деб, биз ҳам ўз даврида ўша зўравонларнинг соясида жоп сақлаганмиз. Қолаверса... шохига урсанг, туёғи зирқирайди хўкизининг! Сенга теккан таёқ авваламбор менга тегади!

— Дада! — Фотиҳ ўрнидан «дик» этиб турди. Яна кирза этиги изларини гиламга муҳраб, уёқдан-буёққа асабий одимлар экан: — Дада, — деб такрорлади. — Мен бир лалашанг, сиз ўйлаганча, бефаросат эмасман! Авария бўлса... мен эмас, кўпроқ у айбдор бунга. Уч кундан бери пашша қўриб бекор юрганам йўқ! Ўзим ГАИга бордим, ўзим комиссия юбордим. Ҳаммасини кўринди, текширишди...

— Хўш? — деди Фармонов бетоқат бўлиб. — Хўш, оқибати нима бўлди текширишининг?

— Нима бўларди? Айтдим-ку, ГАИнинг хулосаси ёмон эмас деб! Ҳар қалай, авариянинг содир бўлишига мендан кўра... кўпроқ у айбдор деган хулосага келишган!

Фармонов, гарчи бу гапларнинг чет ёқасидан хабардор бўлса ҳам, ҳатто баъзи керакли одамларни ишга солиб қўйиб, ўзи пинҳона кузатиб юрган бўлса ҳам, сал енгил тортиб, «уф» деб юборди. Сўнг ўзини креслога ташлаб:

— Хўш, тафсилотини айтиб бер-чи, бундоқ? — деди. — Қайси иблис йўлдан оздирди сени?

Фотиҳ: «Э, нима қиласиз ҳадеб ковлаштиравериб?» деган маънода қўл силтади, бироқ дадаси яна қистай бошлаган эди:

— Иблисининг йўлига кирадиган аҳмоқ йўқ, дада! — деди энсаси қотиб. — Ўзингиз биласиз — фурсат зик. Ҳар дақиқа гапимат! Бир ёқда терим, бир ёқда сабзавот,

бир ёқда мена-чева! Ҳаммасидан қўшимча мажбурият олганмиз. Шунга... рабoчкoмнн олиб, билсангиз керак, апави чанави оғайнингизнинг келиши бизда рабoчкoм бўлиб ишлайди? Бирга даштга кетаётувдик. Хотиници ўз соясидан қизганадиган у ладавур ойимчасини соғиниб, ўзи қишлоққа келаётган экан. Қасдига олиб, биз рабoчкoмнинг «Газиг»ида кетаётувдик! У ланашанг аввал «Жигули»сини учириб ёнимиздан ўтиб кетди-ю, ўтаётиб хотинининг машинасини таниб қолди чоғи, бир маҳал изинизга тушди...

— Иларингга тушган бўлса... тўхташ керак эди! Хотинини қўлига топшириш керак эди!

— Ғалатисиз-да, дада! — Фотиҳ шернинг ёлидай хурпайиб турган сочларини силаб, уёқдан-бу ёққа юрди. — Айтяйман-ку, сизга хотинининг тирноғигаям арзимайдиган бу латта шунақа рашкчи, шунақа рашкчики, биз тўхтасак ҳам бари бир ишонмас эди!..

Фармонов афеус билан бошини дикиллатди.

— Ишонадими, йўқми, бунинг нима дахли бор сенга? Сен иш юзасидан рабoчкoм билан бирга юрибсан. Тўғримми? Тўғри! Тамом, вассалом!

Дадасининг гани ёқмади шекилли, Фотиҳ:

— Майли, дада! Бўлар иш бўлди! — деб пўнгиллади. — Гапинг пўскалласи, бизни қувиб ўтиб, «Жигули»сини йўлга кўндаланг қўйди. Бу шундай тез бўлдики, тормоз бериб улгурмадим. Мен тугул, устаси фаранг шофёр ҳам улгуролмас эди!

— ГАИ шундай хулосага келдими?

— Келди!

— Ҳмм... — Фармоновнинг тунд юзи сал очилди. У гарчи ўглининг гандонлик қилаётганини, воқеа аслида сал бошқача бўлганини билса ҳам Фотиҳнинг сўзларидан хиёл енгил тортди. Фармонов бугун биринчи марта ўгли у ўйлагандан анча пишиқ ва уддабурон эканини, баъзи масалаларда ҳатто унга ҳам сабоқ беришга қодир эканини сээди. Фақат, чамаси, ҳозирги поэтик вазиятни унча илғаб ололган эмас. Музаффар Фармоновлар таваккалчилик билан иш қилиб, даврон сурган пайтлар бошқа-ю, бугунги ҳолат бошқа эканини, ҳозир етти ўлчаб, бир кесадиган замон келганини яхши англаб етган эмас! — Хўп, майли, — деди Фармонов, бир оз юмшаб. — ГАИ билан тил топишиб... демоқчиманки, ГАИ ўзи текшириб, ўзи тўғри хулоса чиқаргани маъқул бўпти. Бироқ... ана у аёлга... рабoчкoмнингга ишонасанми?

— Бу нима деганингиз?

— У ҳам сенинг гапингни гапирадими ё... ГАИ уни сўроқ қилдими, йўқми?

— Қанақа қилиб сўроқ қилади? Эрининг олдида ётипти-ку!

— Хўй, ҳозир-ку, эрининг олдида ётгандир. Қасалхонадан чиққандан кейин-чи? Ишини чувалантирмайдими ишқилиб?

Фотиҳнинг юнқа лабларига яна истеҳзоли кулги югурди:

— Чувалантириб кўрсин-чи, қани!

Фармонов ўглига синовчан тикилди:

— Бундан чиқди... қишлоқда юрган мишмишларда жон бор экан-да?

— Қайси мишмишлар? — ўдагайлади Фотиҳ.

— Гўё эшитмагансан! Сени бу жувоп билан дон олишиб юради, деган гап тарқабди-ку қишлоқда!..

Фотиҳ асабийлашиб «гуп» этиб ўзини диванга ташлади-ю, гўё чаён чаққандай, қайта ўрнидан туриб кетди.

— Худди эл оғзига элак тутиб бўлмайдди, деган нақлни эшитмагансиз, дада! Бу одамлар... бу понок, ичиқора, оғзига кучи етмаган бу... тили қингиру дили қингирлар нималар демайди?

— Нақлни-ку, билар экансан, нима қилардинг бировнинг хасмига кўз олайтириб? Бўёқда гулдай хотиннинг турипти! Ундан кўнглиниг совигап бўлса... хотини қуриб қолдими дунёда!.. Катта ишларга бев боғлаган раҳбар қадамни ўлчаб босади... Мапа энди у фалокат етмагандек, бу фалокат!.. Ойсулувнинг ўлими!..

Фотиҳ изза бўлиб, дадасига ёвқараш қилди.

— Уни ўлимнинг нима дахли бор менга? Ажали етинги — ўлинти!

— О, барака топкур болам! — деди Фармонов бошини ғамгин ликиллатиб. — Сенга дахли бўлмасаям, одамлар топишади дахлини!

— Топса топишаверсин!

— Тўғри! Аммо сен бу одамларни қанчалик ёмон кўрмагин, бари бир шулар билан муросаи мадора қиласан, шулар билан ишлайсан! Бас, шуцдоқ экан, эҳтиёт бўлмоғинг, бунақа ган-сўзларга асос бермаслигинг керак эди! Айниқса, ҳозирги назик пайтда!

Фотиҳ гижжиб, пахмоқ сочларини юлқилади.

— Намунча тўтиқундай топиб олдингиз бу гапни: назик пайт, назик пайт!

— Мен сенга гапирсам... — деди Фармонов, аламдан юраги боҳуш бўлиб. — Ўз жигарим, пуштикамаримдан бўлган ёлғиз ўғлим деб гапиряпман. Жоним ачигандан гапиряпман, болам!

— Раҳмат! — Фотихнинг эсига қайнонаси Клара Жамоловна тушди-ю, ичида бир захарханда қилиб, дарҳол лаб-лунигини йиғинтирди. — Қўйинг, дада! Мен нималар қилмай, ҳаётда қандай йўл тутмай, юзга айтганинг захри йўқ, сиздан ўрганиб қилипман. Қуш уясида кўрганини қилади дейишади-ку, ахир? Мен ҳам ўсган уямда нима кўрсам — шунини қилдим! Ўрганган кўнгили ўртанса қўйма! Энди мени бу панду насихатлар билан йўлга солишингиз амри маҳол! — деди у ва отасининг гап қистирмоқчи бўлаётганини кўриб, овозини баландлатди: — Мени тўғри йўлга солиш ўрнига, ҳалиям бўлса... ўзингиз тўғри йўлга тушиб олинг! Чунки гапимга ишонинг, дада, сиз тақдир шамшири менинг бўйимга тушишидан қўрқсангиз, мен сизнинг бўйингизга тушмаса деб, ҳадик-хавотирдаман! Мен-ку, ёшман, ҳар қандай мусибатни кўтаришга ярайман, аммо сиз... сизга бир нима бўлса...

Фармонов, худди юраги нақ этиб ёрилиб кетгандай «иҳ» деб кўкрагини ушлади-да, бошини шилқ этиб ёстиққа ташлади. Унинг анордай тарам-тарам юмалоқ юзида қон қолмаган, худди қаттиқ чанқаган одамдай оғзини катта очиб, ютоқиб-ютоқиб нафас оларди.

Капалаги учиб кетган Фотих уёқдан-буёққа чошиб, бир пиёла совуқ сув келтириб тутди, шкаф қутиларини тарақтуруқ қилиб, валидол тошиб келди.

Фармонов валидолни оғзига солди-да, худди қанд чайнагандай қасир-қусур чайнаб, кўзини юмди.

Фотих унинг тугмаларини ечиб, ёқасини очаркан:

— Кечиринг, дадажон! — деди астойдил пушаймон чекиб. — Бу гапларини... ўзингизга буичалик қаттиқ оласиз деб ўйламапман...

— Майли, болам, майли, ишқилиб, омон бўл! — деди Фармонов. Унинг юмуқ кўзлари орасидан ёш томчилари сизиб чиқди. — Ишқилиб, ўз болаларингга ўзинг бош бўл, ўғлим!

Фотих астойдил кўнгли эриб:

— Кечиринг, дада, билмай қолдим, — деди ялтўқланиб. Унинг хаёлида: «Дадамларга нима бўлган ўзи? — деган фикр гулгон урди. — У ҳеч қачон бунақа ваҳимачи бўлган

эмас эди-ку! Ё уни саросимага солаётган бирорта инкал чиқдимкан ишидан?» Бу ўйдан унинг ҳам жисми совуқ терга ботди.

Фармонов ўн минутча диванда қимир этмай ётгач, ўрнидан туриб, кўйлагининг тугмаларини қадади. Худди шу пайт, гўё унинг ўрнидан туришини кутаётгандек, эшик тақиллади. Фотиҳ негадир ҳадиксеираб, ялт этиб қаради.

— Ким у?

Эшик очилиб, Пўлат папка кирди.

— Ассалому алайкум, Музаффар ака! — деди у икки қўли кўксига. — Ассалому алайкум, Фотиҳ Музаффарович!

— Келинг, Пўлатвой, келинг! — Фармонов Пўлат папканинг хушомад билан жилмайиб туришини ёқтирмай, қайта ёстиққа ёнбошлади-да, ўғлига юзлашиб: — Сен ишингни қилавер, болам! — деди Пўлат папка билан юзма-юз гаплашинини истаб. — Сиз ўтиринг, Пўлатвой!

Пўлат папка нилдираб келиб, диванга яқин жойга ўтирди, Фотиҳ эса, бошига яна эски фуражкасини кўйдирди-да, залварли одимлаб чиқиб кетди.

— Хўш, ишлар нима бўлди, Пўлатвой?

Пўлат папка «ишлар пачава», деган маъпода мунчоқдай митти, мугамбирона кўзларини юмиб, айбдорларча жулжикди.

— Нима, одмадими юборган нарсаларимни? — деди Фармонов юраги музлаб.

— Олмади дейсиз-қўяемми? Боз устига, бўралаб сўкиб, ўтакамни ёрса бўладими, огаинингиз!

Фармонов дами ичига тушиб, боягидан ҳам бўшашиб кетди, бироқ бошини айёрона ликиллашиб ўтирган Пўлат папкага кўзи тушди-ю, дархол ўзини қўлга олди. Бор кучини тўплаб, ўрнидан туриб кетди-да, уёқдан-буёққа юриб:

— Хўш? — деди хириллаб. — Нима деб бўралаб сўкди қирқ йиллик қадрдоним?

— Ҳа, шу... — Пўлат папка Шоввознинг гапларини айтолмай, чайналди. — Қилгиликни қилиб қўйиб, совгасалом билан сотиб олмоқчимиз энди, дегандек, ҳамма гапи найрангбозлик, хўжайни. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Бекорга помини Шоввоз қўйишмаган уни одамлар! Менга қолса, Шораҳим шаккок кўярдим отини, хи-хи...

— Халойиқ кўп эдимиз бақириб-чақирганида?

— Кўн эди... Қарииндош-уруглари, кўни-қўшни дегандек, қишлоқчилиқ, ўзингиз биласиз-ку!..

— Далада иш қайнайти! — деди Фармонов қовоғини солиб. — Ҳар бир дақиқа олтинга тенг! Оғзига кучи етмаган бу шаккок бўлса катта диший маросимлар ўтказиб, ҳаммани ишдан қолдириб ўтира!

— Худди шундай! — деди Пўлат панка баттар ялтоқланиб. — Шундай долзарб қуиларда денг!

— Расул бормиди?

— Анов... Тошкентлик домлаи айтасиз-да? Бор эдилар!

— Ҳеч нарсa демадимми у?

— Домла... — Пўлат панка бошидан кўк бахмал дўнписини олиб, худди сирлаб қўйилгандай ялтироқ, сип-силлиқ бошини силади. — Домла... Шоввозни бир чеккага олиб чиқиб, анча гаплашдилар. Чамаси, вазмин бўл, бундай қилиш одобдан эмас, деб маслаҳат бердилар-ов! Негаки, шундан кейин Шоввоз хийла бўшашиб қолди.

Фармонов кўнгли хиёл равишан тортиб:

— Хатимни бердингларми? — деб сўради.

— Бердик, Музаффар ака, бердик! — Пўлат панка хушонадгўйларча жилмайди. — Домла бир четга чиққанларида хатингизни худди муллага пул қистиргандай енг учиди шундай астагина қистирдикки, бирорта тирик жон пайқамади!

— Расул ҳеч нарсa демадимми?

— Йўқ, демадилар, билишимча, демадилар.

— Ҳм-м... — Фармонов уйнинг қоқ ўртасида ўйга толиб, анча турди, сўнг кўзи Пўлат панканинг ҳайратомуз тикилиб қолганини кўриб, ҳушёр тортди.

— Хўн, раҳмат! Сизга рухсат, Пўлатвой!

Пўлат панка алпанг-талпанг юриб, эшик томон тисарилди:

— Арзимади, Музаффар Фармонович! Қанча гаплари бўлса... камини камтарин донм хизматларига тайёрмиз, у дунё, бу дунё бизга кўрсатган мурувватларини унутмаймиз, токи бизни одам қилган ўзлари, Музаффар ака...

Пўлат панка, лабида хуш-хандон табассум, орқаси билан юрганича, эгила-эгила хонадан чиқди. Фармонов батамом бўшашиб бораётганини сезди-да, тўсатдан ўзидан дарғазаб бўлиб, тап-тап босиб столга борди. Бир уришда тилларанг шишанинг тиқинини учуриб юборди-ю, бир пиёла коньякни пафас олмай сипқориб ташлади.

«Йўқ, сенларга осонликча жон берадиган Фармонов йўқ! Қани, Расул келсин-чи, кўрамиз! У нима деркин? Унинг ҳам таъна-маломатларини эшитайлик, кейин... шунга қараб, бир йўл топармиз!»

Ўн тўққизинчи боб

Расул Музаффар Фармоновнинг хативи олгандан кейин жуда иккиланиб қолди. Бир томондан, Расул Иван Харитоновичнинг топшириги сабаб, бу мактубсиз ҳам Музаффар билан учрашшни шарт, иккинчи томондан, ҳозир шу бугун унинг олдига борадиган бўлса, назарида, Шораҳимга хиёнат қиладигандай туюларди. Чунки у Музаффарнинг нима дейишини, яъни Шораҳим икковимизни яраштириб қўй, деб илтижо қилишини яхши билади. Расул унинг олдига турган бу ноҳуш учрашув тўғрисида ўйларкан, қўли бир неча марта чўнтагидаги Белобородов берган қутичага тегиб, баттар таъби тирриқ бўлди...

Ниҳоят, кечқурун кун ботишидан олдинроқ маросимга келувчилар камайди-ю, Расул Шораҳимга, агар ноқулай бўлмаса, бирга қабристонга чиқиб келишни таклиф қилди.

— Ойсулув билан ойим шўрликнинг қабрларини... кўриб қўяй.

Шораҳим қовоғини уйиб, Расулга ўқрайиб қаради.

— Кўриб қўяй деганинг нимаси? Зиёрат қилай, де! Ё туққан онагнинг қабрини зиёрат қилиш олим деган номингга испод келтирадимми?

Расул мулзам бўлиб томоқ қирди.

— Хўн, сен айтгандай бўла қолсин, зиёрат қилиб келайлик!

— Майли, чиқадиган бўлсак қоронғи тушмасдан чиқиб келайлик. Қабристонга қоронғида чиқмайди, дейишади!.. Марҳумлар хушламасмиш.

Шораҳим шундай деб, белидаги белбоғини маҳкамроқ боғлади-да, боғ ўртасидаги бироёқ йўлдан қир томонга юрди.

Расул беихтиёр кулимсираб:

— Марҳумлар тўғрисида худди тириклар тўғрисида гапиргандай гапирасан, а? — деди, деди-ю, огайинисидан балага қолди. Олдинда кетаётган Шораҳим шартта тўхтаб, унга ёвқараш қилди.

— Сен учун марҳум ойинг... шўрлик холамлар ўлик

бўлса ўлиқдир. Аммо мен учун тирик. У кишим, ўз волидам ҳам, Сулувжон ҳам — ҳаммаси тирик! Токи ўяғушимча, Сулувжоннинг бинга дафи қилмағуиларича мен учун тирик у! Тоабад тирик, Расул!..

Расул унинг бусиз ҳам безиллаб турган ярасини янгилаганини сездю, бу гаини қўзгагаидан ўсал бўлди.

— Кечир мени, огаини!

— Шўрлик Сулувжон! — деди Шораҳим чуқур тив олиб. — Токи жон таслим қилмағуича ўзини ўйламади, бечора! Умри бино бўнтики, фақат фарзандларию, мен тошбағирни ўйлаб ўлиб кетди шўрлик! Ёзи не холдаю, доим мен подонни ўйларди. Мен ўлсам... холнигиз не кечади, деб йиғлар эди, раҳматли! Сен мени жинни-пинни бўлиб қолди деб ўйлама, Расул. Агар истасанг, мен дин-пиннинг билан, нариги дунёнг билан ишим йўқ! Аммо-лекин имоним комил: Сулувжон ҳозир гўрида ётиб ҳам мен ландаурини, унинг қадрига етмаган мен аҳмоқни ўйлаб ётишти, шўрлик!..

Расул на огаинисига тасалли беришни билар, на хаёлига бирор гаи келарди. У бошини осилтирганича ёлғизоёқ йўлдан Шораҳимга эрганиб бораркан, юраги тинимсиз безилларди.

Ўнг томонда, Шораҳимнинг боғи билан ёнма-ён Расулларнинг боғлари жойланган, боғдаги кўнчилик дарахтлар қуриб, фақат қари ўрикларгина қолган. Ярим қуриб, қовжираб қолган бу ўрикзор орасида деворлари нураб, чўкиб қолган уйлари аллақандай мунгайиб турарди.

Марҳум волидаси Расул қанча қиетамасин, шаҳарга, унинг қўлига бормаганди. Расул ялиниб-ёлворган чоғларида кампир олпоқ бошини сарак-сарак қилиб:

— Мени тинч қўй, болам! — дерди уф тортиб. — Ота мулкига келиб турмадингми, жишлақурса, мен тураи, отанг чирогини ақалли мен ёқиб ўтираи. Ундан кура, ўзинг қолмасанг ҳам ўғил-қизларинг келиб турени. Боболарининг ноёқадами теккан табаррук жойлар бу! Ота юртидан батамом узалиб қолмасин фарзандларинг!

Расул марҳум волидасининг гаинга кириб, ҳар ёз Нигорани, кейин ўғли Улугбекин юборадиган бўлди. Тўғрисиини айтганда, иккала фарзанди шу ерда, бувиларининг қўлида, муштдеккива мушфиқ кампирининг ер тирпаб кўкартирган шу боғида катта бўлишди, воёга етишди.

Әхтимол, Нигоранинг үз теңдошларыга инсбатан хийла одамшаванда, босиқ, оқибатли бұлшининг бир сабаби хам шундадир. Хар қалай унга мархум бувисидан нимадир юққан, бирда хато қилса, бирда инсофга келади, кўнгли бұш, меҳрибон.

Мархум волидаси токи кўзи юмилгунча икки неварасини ер-кўкка ишопмай, бошига кўтариб, опичлаб юриб войга етказди. Мушфиқ кампир! Бу яхшиликлари эвазига у Расулдан ҳеч нарсани тама хам қилмас, фақат, бир нарсани платижо қилар, кўн айтиб, кўн ёлворар эди:

— Олим бўлдим, китоб ёздим, деб кўн керилаверма, болам! Одамнинг бошига бахт хам келади, бахтсизлик хам. Илоё сенинг бошинг яхшиликдан чиқмасин, омад доим ёр бўлсин сенга! Бироқ «от айлашиб қозигини топар», деган эскилар. Әхтимол, айлашиб, адашиб, охир бир кун она юртингга кен қоларсан, болам! Белингда қувват, билагинг-да кучинг борида отанг шўрлик қуриб кетган мана шу кулбани сал тузатиб қўй! Бир кун бўлмаса бир кун асқотади бу кулба!..

Йўқ, мархум волидаси юз марта айтса хам Расул унинг васиятини рўёбга чиқара олмади. Бирда ўз ташвиши, бирда бола-чақа ташвиши билан бўлиб, яна бирда китобимни тезроқ ёзиб тугатай деб, бу кулбани эпақага келтиришга фурсат тополмади, тополмади-ю, кампир оламдан ўтганда қаттиқ ўсал бўлди. Чунки маросимга келган халойиқ деворлари нураб, аллақандай тўкилиб қолган бу ғариб уйчани кўриб, ҳайратга тушди. Шундай номи чиққан олим, ота мулкига қараб, уни сал эпақага келтириб қўймапти-да, деб ранжиб кетганлар кўн бўлди. Расул шунда, келгуси ёзда кампирнинг кулбасини сал тузатиб қўймаш, деб қасам ичган эди. Йўқ, ҳаёт экан, тирикчилик экан, яна ўз ташвишлари билан бўлиб, келолмади, қарай олмади.

Шораҳим унинг хаёлларини уқиб бораётгандай, Расулга қия боқиб:

— Ана, ота мулкигининг аҳволи! — деди. — Олим одам, жиллақурса, холамларнинг руҳи ҳурмати уёқ-буёғига қараб қўйсанг бўларди! Кўрганлар нима дейди?.. Аввалги ҳолим бўлса ўзимоқ қарар эдим, кўриб турибсан, менда хам аввалги куч йўқ, Расул!..

Бу ган огир ботса хам Расул уни ҳазилга буришга урипти:

— Э, оғайни! Сен хам кўриб турибсан-ку, камина

ҳам тўкилиб турибман. Бир йилдан кейин пенсияга чиқаман, шунда келиб, бу ишларни қиламиз.

— Ҳа, келиб бўйсан! — деди Шораҳим кесатиб. — Шаҳарда... мўмай пулга ўрганган одам, қишлоққа келиб кетмон чонармиднинг?

Расулнинг хаёлидан: «Э, биродар, кошкийди менинг ишим сенинг кетмонингдан, таъвишларим сенинг таъвишларингдан оз бўлса?» деган фикр ўтди, бироқ миқ этмади. Бошқа пайт бўлганда Шораҳим, эҳтимол, унга таъна қилиб таъирмас эди. Ҳозир эса... ҳозир у гап уқадиган аҳволда эмас...

Боглари тепасидаги ариқдан ўтишгач, улар ўнгга бурилиб, қир багирлаб кетишди.

Мағриб томонидаги тоғ тизмалари устига ёнбошлаган офтоб пастдаги улкан қишлоқни заиф, аммо ҳамон илиқ нурга чўмилтириб, гўё бу олам билан видолашишни истамасиндек, кўкда ҳануз осилиб турарди.

Қирдан нода қайтмоқда, борлиқни Расулнинг дилига куйдек ёқадиган овозлар: кўйларнинг маъраши, сигирларнинг «мў»лаши, чўпонларнинг сўкишган товунлари тутган.

Уларнинг биттаю битта тарғил сигирлари бўларди, Расул уни подадан ажратиб олинган учун худди шу атрофга чиқар, тарғил эса, подадан ажрагиси келмай, уёқдан-буёққа чонар, шунда Расул кўзида ёш, яланг оёқ тикан кечиб, унинг кетидан югургани югурган эди!..

Бу эсдаликлар хаёлида гужгон урди-ю, дилини куз офтобидай тиниқ, бегубор бир туйғу чулғаб олди. Азиз болалик! У қанчалик оғир кечмасин, инсон хотирасидан ҳеч қачон ўчмас экан, ҳар эслаганда кўнгил қургур сув ичгандай равшан тортар экан!

Ана, Қоровултепа ёнбағрига жойлашган қабристон ҳам кўринди. Расул унинг ҳамма қишлоқ қабристонлари каби хароб ва кўримсиз эканини биларди. Бироқ...ё алҳазар! У билган гўристон бошдан-охиригача қалин тиканзорга айланган, қабрлар тиззага келадиган янтоқ ва чапгаллар тагида қолган, у ер-бу ердагина уч-тўртта темир панжаралар кўринарди! Фақат энг чеккада, ярим белидан сиииб, шохлари ерга тиралиб қолган чинор остида битта улкан гиштин гумбаз кўзга чалинар, кейин билса, у Музаффар Фармонов онасига қурдирган мақбара экан! Шораҳимларнинг хилхонаси қабристоннинг шундоқ

четида, юз яшар қариядай букчайиб қолган букри тутнинг тагида, Расул Нуриддиновларнинг хилхонаси эса юз қадмча нарида эди! Ойсулувиинг янги қабри тикан билан қопланган паст-баланд қабрлар орасида гумбаздай кўтарилиб турарди.

Шораҳим билан Расул қабр тепасида бир лаҳза сукутга чўмиб туришди. Лекин гўр устида узоқ сукут сақлаб туриш аллақандай ноқулай, ўтириши эса... ўтирганларида нима қилади — Расул буни билмас, Шораҳим эса гўё оғайнисини синамоқчи бўлаётгандай, хануз қовоғини уйиб турарди. Ниҳоят, Расул хижолат чекиб, йўталди.

— Қабрида тиш ётсин, Ойсулув! — деди нима дейишини билмай — бундай пок, бундай мушфик, муштипар аёл дунёга бир келади!

Шораҳим унинг ҳолатига тушунди чоғи:

— Сен холамларнинг қабрига боравер! — деди қовоғини солиб. — қабрин тона оласанми ўзи?

— Тонаман. Хотира тоши қўйдирган эдим-ку!

— Ҳа, қўйдиргансан! Уям бир томонига чўкиб, қийнаиб қолган. Ҳар йили тузатиб қўйман деб, ниҳт қиламан-у, қўлим тегмайди... Бор, боравер. Менинг Сулувжон билан гаплашадиган гапим бор! — Унинг овози бирдан титраб кетди. — Юрагим тўла дард, Расул, ҳаммасини айтиб бир ёрилгим келади унга! Ана, қара, Сулувжоннинг ёнида ўзимга ҳам жой таялаб қўйдим. Бугун жилақурса дарди дostonимнинг ярмини изҳор қилай, қолганини ёнига келганимда айтарман!

— Сенга нима бўлди, Шораҳим?

— Бор дедим-ку, сенга! — тўсатдан ўнқириб берди Шораҳим. — Тўрт йил деганда бир кепсан, зиёрат қил! Дардинг бўлса айғ! Дарди йўқ бир кесак эмасан-ку, Расул!..

Расул лом-ним деблмай, ўз хилхоналари томон йўнаади. Марҳум кампирнинг қабрини тез тонди. Бундан тўрт йил муқаддам қўйдирган ёдгорлик тоши ҳақиқатан ҳам чўкиб, бир томонга қийнаиб қолган экан, кўриб ўзидаи қаттиқ ранжиди. Бултур бада Улуғбек қишлоққа келиб бир-икки ҳафта турган эди, у ҳам қараманти! Ҳой, тентак! Ахир уш хам мана шу тош тагида ётган муштдеккина кампир ошичлаб катта қилган эди-ку! Аҳмоқ! Наҳот шундай бувисини ёдидан чиқарган бўлса?..

Расул қабр атрофида ўсиб ётган бени-ўи тун янтоқ, какра, шувоқларни юлиб ташлади, сўнг четроқда ётган

тошлардан бирини олиб келиб, қабр ёнига қўйди-да, унга ўтирди.

Кампирдан юқорироқда бувиси билан бувасининг батамом чўкиб, ўпирилиб тушган қабрлари кўзга чалинар, чап томонда тоғасининг, ўнг томонда амакисининг гўри жойлашган, бошқа қабрлар кимники — Расул билмас ҳам эди!..

Расул ҳамон нима қилишини билмай: «Ўқабрингизда тинч ётинг, онажон, сизлар ҳам бувижон, буважонларим!» деган каломни бир неча марта такрорлади, сўнг чеккароқда дўлнайиб турган амакисининг қабри тенасидаги бир туп катта қора чапгалга кўзи тушди. Бу манзарадан кўнгли гап бўлиб, чапгални томир-помири билан қўнориб ташлади-да, жойига қайта ўтирди, утираркан, амакисига богдиқ маънос бир воқеа ёнига тушиб хаёллари ағдар-тўнтар бўлиб кетди.

Ўттизиччи йилларнинг ўртаси эди. Расул нари борса ўн-ўн бир яшар бола эди. Улар шаҳарда туришар, дадаси қайси бир масъул идорада ишларди. Хануз эсида: декабрь ойининг охириги куни, уйларида Янги йил тараддуди авжида, меҳмонхоналарида эса патефон чийиллар, марҳум дадаси, бошидаги телпаги, калта, учбурчак мўйлови ошпоқ қор, қаёқдандир бир қути қанд-қурсе кўтариб келди-ю, уй шодон қий-чувга тўлди. Лекин шу пайт, дадаси эғнидаги нўстисини ечиб, олиб келган ширинликларини эндигина улаша бошлаганда, уйларига қандайдир одамлар туйқусдан бостириб кирдилару байрам кайфиятини мотамга айлантириб, у кишини олиб кетишди.

Шу-шу, онаси бир-биридан кичик, ҳаммаси ейманичамаи деган бешта фарзанд билан қолди. Боз устига, улардан хабар оладиган одам ҳам бўлмади: оталаридан айрилганларидан кейин, кечагина дўст ҳисобланган, келганда уйларининг тўрида ўтирадиган одамлар, остоналарини ҳатлаб ҳам ўтмайдиган бўлишди, ҳатто кўчаларини ҳам унутишди. Унутишлари бежиз эмас — оталаридан айрилганларидан кейин Расуллар оиласини бошқа жойга, ярим ташландиқ, совуқ, тор бир уйга кўчирдилар!

Ҳозир бу оғир, машъум кунларининг ҳамма тафсилотлари Расулнинг эсида йўқ. Аммо бир нарса сира ёнидан чиқмайди: қаҳратон қиш. Туф десанг — тунук ерга тушмайди. Шундай совуқ кунларининг бирида, пешин чоғида, улар кўчиб ўтган ташландиқ уйнинг олдида туя етаклаган

бир одам пайдо бўлди. Эғнида қуроқ-қуроқ пахтали чопон, бошида эски тумоқ, белини чилвир билан боғлаб олган бу одам — дадасининг укаси эди. Умри бино бўптики, қўлидан кетмон тушмайдиган, қишини-ёзини даладан чиқмайдиган, Шораҳимга ўхшаган меҳнаткаш, заҳматкаш амакилари уларни йўқлаб келганди.

Амакилари бурнидан самовардай нағана-нағана буғ бурқираган портуясини дарвоза занжирига боғлаб, ичкарига кирди, мархум кампир билан қучоқлашиб, узоқ йиғлади. Ўша кеча амакилари тонг отгунча мижджа қоқмай, уйларидаги бор буд-шудларини кигизга ўраб, жамлади. Эрталаб эса юкларни портуяга ордди, кўчаётганларидан қувониб, шовқин-сурон кўтариб юрган Расул ва унинг укалари билан кампирни туяга, юклар орасига ўтқазиб, наматга ўраб-чирмади-да, ўзи туяни етаклаб, йўлга чиқди.

Йўл узоқ, шаҳар билан қишлоқ ўртаси камида ўттиз беш чақирим келарди. Оламни қалин қор босган, устига устак, йўл сирпанчиқ, потекис эди. Шунда Расул биринчи марта туя жонивор, гарчи «вор» деган номи бўлса ҳам қишда почорлик қилишини билди. Устига оғир юк ортилган шўрлик портуя бот-бот сирпаниб кетар, баъзан ҳатто чўккалаб қолар, шунда ойилари кичкиналарини қучоқлаб бағрига босганча алланималар деб пичирлар, порасидаларга умр тилаб, кўкка илтижо қиларди, Амакилари эса, чўккалаб қолган портуяни қамчилаб, сўкиниб, оёққа тургазарди-да, яна уни тортқилаб, йўлида давом этарди. Шу зайл, портуя потекис йўлда бирда тойиб, бирда сирпаниб, улар қош қорайганда қишлоққа кириб келишди. Бу пайт Расул йўл азобидан ҳолдан тойиб пинакка кетган экан, бир маҳал, аллақандай шовқин-сурону ёнидаги опа-сингилларининг дод-фарёдидан уйғониб кетди. Кўзини очиб қараса, бўлиқ қора аргумоққа миниб олган бир аёл, гоҳ туяни, гоҳ уни етаклаб олган амакиларини беаёв қамчиламоқда эди. Аёл — Расул кейин билса, у ранс экан! — аргумоғини осмонга санчитиб, қамчи ўйнатаркан:

— Ёт унесурнинг фарзандларини қишлоғимга киритмайман! — деб, дадасининг исмини айтиб, эркакларча сўкинар, бақириб, чақирар эди. Хаёрпаят, бу шовқин-суронни эшитиб, ён-вердан ёпирилиб чиққан одамлар уларни даргазаб аёлнинг қўлидан аранг ажратиб олишди. Ўшанда пешонасидан тирқираб оққан қонга нарво қилмай, отдаги рансга ҳамла қилиб олдинга талпинган амакиларини кўр-

гашида. Расул, кўзида гилт-гилт ёш, катта бўлганда унга то-
абад яхшилик қиламан, деб ойт чиганди! Лекин э воҳ, катта
бўлиб, олим деган ном чиқарди ҳамки, бироқ амакисига,
токи етмишга киргунча қўлидан кетмоқини ташламаган,
мўмин-қобил амакисига тузукроқ бир ёрдам ҳам қилол-
мади. Хаётлигида уёқда турсин, ўлгандан кейин ҳам хур-
матини жойига қўёлмади. Энди ўйлаб қараса, бир марта
келиб, қабрини зиёрат ҳам қилмапти!.. Амакисини айта-
ди-ю, ўз волидан меҳрибон-чи? Ўзи муштдай бўлса ҳам
иродаси тошдан мустаҳкам онаизори-чи?

Ўша йили, эсда бор, уларнинг бахтига «Қоровул-
тепа» деган мана шу қир бағридан қандайдир олий нав
оҳак тошланди-ю, қишлоқда мактабларга бўр исаб беради-
ган кичкинагина бир завод очилди.

Бу завод қишлоқнинг қоқ ўртасида, анови элас-элас
кўзга чалиниб турган совхоз идорасининг ёнида бўларди.
Ишчилар катта оқ тошларни аравада таниб келиб, тегир-
монда ун қилишар ва исенқ сувга солиб, бўтана ҳолига кел-
тиришар, сўнг юмалоқ бўр шаклида тешиклар очилган
огир темир қолишларга қуйишарди. Ниҳоят, оҳак қолип-
ларда сая қотиб, бўр шаклига киргач, уни офтобшувоққа
тўкиб қуритишарди-да, ҳар бирига элликта бўр кетадиган
қоғоз қутичаларга жойлашарди...

✓Заводдаги аёлларнинг аксарияти шу иш билан шуғул-
ланишарди. Кампир эса (нега кампир бўларкан, ўша пайт-
ларда ойиси кўп бўлса ўттиз саккиз-ўттиз тўққизга кирган,
кўҳликкина бир жувон эди!) эркаклар билан ёнма-ён
туриб, огир темир қолишларга бўр қуярди. Чунки
қоғоз қутиларга бўр солиш енгил иш ҳисобланиб, маоши
ош бўлар, бу маош билан жўжабирдай жонни боқиш
амримаҳол эди!

Бир-икки йилдан кейин сая улғайган Расул ойисига
ёрдамга келадиган, қўлидан огир қолишни олиб, унга
бир соат-ярим соат дам берадиган бўлди. Аммо ойиси уни
кўп ишлатмасди. Онаизори Расулни, Расул онаизорини
аярди.

Кейин... кейин уруш бошланди. Завод ёшилди. Бироқ бу
маҳал Расул ўн беш-ўн олтига кириб, бўйи чўзилиб, йигит-
ча бўл қолганди. Ўқишни йиғиштириб, далага чиқди: ёзда
сувчилик қилди, ўроқ ўрди, «эшак карвон»ларда загот-
зернога галла ташиди. Сўнг, қирқ тўртинчи йилнинг
охирда бирга ўсган ёр-биродарлари, мана шу Шораҳим-
лар билан бирга хизматга кетди. Рост, Шоввоз билан

Музаффардан бир ёш кичик эди, урушга бормаслиги ҳам мумкин эди, бироқ мактабда бирга ўқиб, салкам тўрт йил дашту далада бирга ишлашган ёр-дўстларидан ажралгиси келмади, военкоматга ўзи бориб, қишлоқ Советининг дафтаридаги ёзув нотўғри, мен ўн еттида эмас, ўн саккиздаман, деб туриб олди.

Кампир шўрлик шуида ҳам лом-ним демади. «Майли, болам,— деди у, аччиқ кўз ёшларини рўмолининг учи билан артиб.— Дўстларингдан айрилгинг келманти, мен нима ҳам дердим? Отанг ҳам сенга ўхшаган «принсипал» эди! Отангга тортдинг. Ишқилиб, ой бориб омон келгайсан, болагинам!»

Ойиси Расулни шуидай деб, йиғлай-йиғлай узатиб қолди. Бироқ ўшанда ойисини нечоғлиқ қон-қақшатганини Расул кўп йиллардан кейин, хизматдан қайтгандан сўнг билди.

— Сен нимани ҳам биласан, болам? — дерди кампир, гоҳида дардлашиб қолганларида. — Йигит одам, сен хайё хуйт, деб, бенарвогина жўнадинг-кетдинг, мен шўрлик бўлсам... кечалари, сени соғинган найтларимда, мана шу қирларга чиқиб, тонг отгунча бўзлаб чиқардим! Сени учта қиздан кейин арапг тилаб олган эдим. Тилаб олган тилламини соғ-саломат қайтаргайсан, деб худога илтижо қилиб, мана шу тиканзор қирларда тонг отгунча тентираб чиқардим, болам...

Орқадан гурс-гурс оёқ товуши эшитилди. Расул шоша-лиша кинрикларидаги ёш томчиларини артди. Шораҳим буни ё кўрмади, ё кўрса ҳам ўзини кўрмаганликка олиб:

— Раҳматлик холамлар билан дардлашдингми? — деб сўради.

Расул оғир хўрсинди.

— Ҳа, энди... тиригида бундоқ бир ёлчитиб кўнглини ололмаган одам, ўлгандан кейин дардлашдим нима-ю, дардлашмадим нима, огайини?

Шораҳим бошини сарак-сарак қилиб, эътироз билдирди:

— Йўқ, мен мана, Сулувжон билан ҳасратлашдим. Иккимиз ҳам бир-биримизга дардимизни айтиб, сая ёзилдик. Тиригида қадрига етмаган эканмиз, жиллакурса энди стайлик! — Шораҳим шуидай деб, қабристоннинг у бошидан-бу бошига тикилиб қаради. — Мен ҳозир Сулувжоннинг қабри тепасида ўтириб, қасам ичдим, Расул! Яқинда пенсияга чиқаман. Қолган умримни шу

қабристонни обод қилишга бағишлайман. Атрофни ўрайман, дов-дарахт ўтқазаман, ҳаммаёғини хиёбону гулзор қиламан. Шундай бир жой қиламанки, ота-боболаримиз, анлоду аждодларимиз ҳаммасининг руҳи шод бўлади! — Шораҳим шундай деб Расулга синовчан тикилди: — Ё битта-яримта галамис у-бу деб, игво-пигво қилармикин?

Расул елкасини учирди.

— Йўқ, нега? Қабристонни обод қилишнинг нимаси ёмон? Дунёда маданий халқ борки, қабристонни обод қилишни ҳам фарз, ҳам қарз, деб билади. Ахир ўзимиз бир кун келамиз-ку, шу ерга!

— Ҳай, майли, — деди Шоввоз, чамаси, кўксигадаги жароҳатни қайта тириэгиси келмай. — Ниятим яхшими, хойнаҳой? Оқ фотиҳа берасанми? Бирор подоп игво-пигво қилса, бир чеккада томонбин бўлиб қараб турмайсанми?

Расул иогаҳон кўнгли яна жиз этиб, огайинисининг елкасига қўлини қўйди.

— Йўқ. Бу сафар ҳам қараб турмайман, Шораҳим.

— Ганингга тушунмадим, — деди Шоввоз.

— Нимасига тушунмайсан? Сенга қилган бу адолатсизликларни фои қилиш керакми ё керак эмасми? Хойнаҳой бу ишларни босди-босди қилиш умидида кечаю кундуз югуришиб юришгандир ота-бола?

Шораҳим бошини ҳам қилиб, узоқ сукутга толди, сўнг:

— Билмадим, — деди оғир хўрешиб. — Ҳақиқат қилиш керак! Ёлғиз мен учун эмас, йўқ, одамлар ҳурмати, бутун қишлоқ ҳурмати ҳақиқат қилиш керак. Ҳамман оёқ ости қилиб, эл бошига чиқиб олишди-ку бу ота-бола корчалонлар!

— Кўриб турибман, — деди Расул. — Агар ижозат этсанг, мен ҳозир Музаффарнинг олдига бораман! Қани, нима деркин?

Шоввоз миқ этмади.

Ингирманчи боб

Расул борганда ишгани аллақачон яримлатган Фармонов, лўни юзи мови еган хўроздай қип-қизил, чамаси бўлгуси «жангу жадал»га аллақачон шай эди. У гўё

Расулни ялиниб-ёлвориб чақирмаган, балки Расул ўзи илтижо қилиб келгандай, қовоғидан қор ёғиб қарши олди.

Батамом бошқа ҳолатни кутган Расул, Музаффарнинг совуқ турқини кўрди-ю, бирдан асаби тиришиб, пой-гакда тўхтади.

— Мана, илтимосингга биноан келдим. Гапинг бўлса айт! Қулогим сенда!

Музаффар дарҳол хушёр тортди чоғи, гайритабиий жилпанглаб, Расулга пешвоз чиқди:

— Қачондан бери бунақа расмийатчи бўп қолдинг, Расул? Аввал бундоқ ўтир, бир ишела чой ич!

Расул, худди силласи қуриган одамдай, эшик ёнидаги диванга чўкди, бироқ Музаффар узатган қадахни олмади.

— Раҳмат. Ичимлик уёқда турсин, томоғимдан чой ўтадиган аҳволда эмасман. Қабристондан келяпман. Дафн маросимига етиб келолмаган эдим. Шораҳим билан Ойсулувнинг қабрига чиқдик.

Музаффар қўлидаги қадахни столга қўйиб, огир хўрсинди:

— Ҳа, яхши хотин эди Ойсулув. Лекин... начора? Ажалга даво йўқ экан, Расул! Гўрида тинч ётсин, шўрлик!

Расул зимдан сировчан тикилди:

— Кошкийди, Ойсулув гўрида тинч ётадиган иш қилган бўлса ўғлинг?!

Музаффар тўсатдан дир-дир титрай бошлаган қўллари орақасига яшириб:

— Нимага шама қилисан, тушунмадим, Расул? — деб суради.

— Нимага тушунмайсан? Ё ўғлингнинг попок ишидан беҳабармисан?

— Ўғлим попок иш қилганми, йўқми — буни тегишли ташкилотлар ҳақиқат қилар ҳали! — деди Музаффар аллақандай ўксиб. — Шораҳимнинг сўзини сўзлаб, подадан олдин чанг чиқариш не керак? Сен жаҳл билан эмас, ақл билан иш қиладиган инсофли одамсан-ку, жон оғайни?

— Шораҳим инсофли одам эмасми?

— Агар инсофли бўлса, агар ўғлим сен айтгандек... хато қилган бўлса...

— Хато эмас ўғлингнинг қилган иши!

— Боринги, — деди Музаффар аллақандай ёзғириб, — боринги, сен айтган гап рост бўлганда ҳам, — ҳолбуки

рост эмас, гирт тухмат бу, Расул, гирт тухмат! — бу ишнинг Ойсулувнинг ўлимига нима дахли бор ахир?

— Нега дахли бўлмас экан?

— Шунинг учун дахли йўқки, Ойсулув бечора кўндан бери давосиз дардга мубтало бўлиб, тўшак ёзиб ётган эди! Буни сен билмасанг — бутун аҳли қишлоқ билади. Расул!

Расул ҳамон Музаффарга зимдан тикилганича, бир лаҳза жим қолди. Унинг хаёлидан: «Наҳот одам боласи шунчалик худбин бўлса, наҳот ўзидан ўзганинг дардига шунчалик бепарқ-бераҳм бўлса?!» деган фикр ўтиб, қалтираб кетди.

— Ойсулувнинг оғир бетоб бўлганини мен ҳам билман! Бироқ сенга битта саволим бор, Музаффар: нега сен ўз фарзандинг учун боя айтганиндек, жиноят эмас, шунчаки бир... хато қилган тантиқ зурёдинг учун бунча қайгурасан?

— Фарзанди учун қайгурмайдиган одам борми бу дунёда? — деди Музаффар. — Сен қайгурмайсанми, Расул?

— Унда нега Ойсулувни ўз ажалли билан ўлди, демоқчи бўласан? Сен ота бўлсанг, у — она! Олганзор борки, отадан ўн баробар кўнроқ қайгуради ўз жигари учун! Ойсулувни ажалидан беш кун бурун ўлдирган сенинг ўглинг! Унинг ёвуз қилмиши! Ёки сен ничоқни аввал ўзингга ур, оғримаса — бошқага, деган гапни эшитмаганмисан?

Расул, азбаройи фиғони фалакка чиқиб, ўридан туриб кетди. Музаффар эса ҳамон ўша забун алфозда:

— Яна айтаман, Расул! — деб пола қилди. — Бу ишда менинг ўғлим айбдорми ё Шораҳимнинг ўлими — буни сен билан биз ҳақиқат қилолмаймиз. Ҳақиқат қиладиган ташкилотлар бор!

Расул юришдан таққа тўхтади:

— Эшитдим! Бу ташкилотларни аллақачон қўлга олибсан! Агар сенда инсофу адолат бўлса, бошингга қилич келса ҳам ҳақиқатга туриб берардинг. Сен бўлсанг... бунинг ўринга ҳақиқатни топташ йўлига ўтибсан!

— Расул! — деди Музаффар зорланиб.

— Лекин биллиб қўй, Музаффар, ҳақиқат эгилади, бироқ синамайди!

— Расул! — деди Музаффар, гўё юраги чок бўлиб. — Сенга нима бўлди, Расул? Ахир... наҳот менга ишонмасанг? Ахир, учовимиз ҳам бир қишлоқнинг фарзанди, оғир кунларда бир майинни бўлиб еган, уруш кўрган биродарлармиз-ку, Расул!

— Мен ҳам шунга ҳайронман. Ахир, сен ҳам отанг фронтда ҳалок бўлиб, етим ўсган, уруш йиллари даштда тикан кечиб, фронт учун галла ташиган, нима бўлгандаям уруш заҳматларини бошидан кечирган йиғит эдинг-ку? Қачон, нима сабабдан бундай... тошбағир, бемехр бир одамга айланиб қолдинг, Музаффар!

— Тошбағир бун нима қилибман, хўш?

— Нима қилганинг ва нима қилаётганингни билмайсан гўё?

— Йўқ, сен айт, Расул? Нима қилиман? Одам ўлдирибманми? Агар битта айбим... ўглим бўлса...

— Йўқ, гап фақат ўглингда эмас! Ҳамма бало шундаки, сен ўзингдан бошқани ўйламайдиган, фақат ўзим бўлсам, ўзим кўрсам бас, дейдиган бир худбин бўлгансан, Музаффар!

Музаффар фиғон кўкка чиқиб:

— Ахир қайси гуноҳларим учун бу маломат, бу ҳақорат, Расул? — деб хитоб қилди.

— Қайси гуноҳларим дейсан, а? — деди Расул. — Агар, сенда зигирча одаминлик бўлганда, ўглингни жиноятини босди-босди қилишдан аввал Шораҳимнинг олдига бош эгиб бормасмидинг? Ўз фарзандинг тақдирини ўйлашдан олдин уни ўглининг гагини емасмидинг?

— Уни ўглининг қайғусини емади деб, ким айтди сенга? Мана, кечаю кундуз Шоқосимнинг бошида ўтирибди-ку Соҳиба?

— Мен Соҳибани эмас, сени айтиман! Сенда диёнат бўлса, ҳаммадан бурун ўглингни ўзинг судраб бориб, Шораҳимнинг оёғи остига ташламасмидинг, Музаффар?

Музаффар титроқ қўллари билан бир шиша сувни оғзига тутиб, охиригача ичди-да, тинкаси қуриган одамдай ўзини креслога ташлади. Унинг хаёлидан: «Нега чақирдим ўзи буни? Бунча талвасага тушмасам?» деган фикр ўтди.

— Бу гапини айтиш осон! Авваламбор, ҳеч кимнинг бошига тушмасин бу савдо! Бошингга тушса, сен ўзинг нима қилардинг, Расул?

Расул унинг дардманд ҳолидан кўнгли қандайдир беҳуд бўлиб, кўзини олиб қочди:

— Мен ҳам фаришта эмасман, Музаффар! — деди у сал юмшаб. — Аммо бир нарсага аминман: агар менинг болам сенинг ўглингни ишнини қилса, ҳалол бир йиғитнинг хотинини йўлдан уриб, ўзини майиб қилиб, жуфтагини ростлаб қолса... Унда, мен билмадим нима қилардим?

— Айтишга осон бу гапни! — деди Музаффар баттар мутеланиб.

— Осонми, йўқми, бироқ бир нарсага имоним комил: сен виждонингга хилоф иш қилисан!

— Расул! Дўстим, Расул! Яна айтаман: жиллақурса, қирқ йиллик дўстлигимиз ҳурмати, урушда бирга чекван заҳматларимиз ҳурмати — аввал ҳақиқат қилайлик бу ишларни!

Музаффар уруш йилларини эсга солиши билан Расулнинг тилига келган аччиқ гаплар яна бўғзида қолди:

— Ҳа, уруш йилларини кўн эслайдиган бўсан! Лекин бошингга бирор қулфат тушгандагина эслайсан буни! Эслаб, эски дўстларингнинг кўнгилларини эритмоқчи бўласан!...

— Йўқ! — деди Музаффар куюниб. — Мен у кунларни ҳеч қачон унутган эмасман, Расул!

— Агар унутмаган бўлсанг буичаликка борармидинг! Ёки уруш йиллари ёдингда-ю, Шораҳимнинг сенга қилган яхшиликлари хотираңдан кўтарилдими? Кўтарилган бўлса, эсингга солиб қўяй, Музаффар. Ҳозир ўз оғзинг билан айтган уруш чоғларида, беаёв саҳрода йиқилиб қолган пайтларингда сени бирда суяб, бирда нулемеътингни қўлингдан олиб, оғирингни енгил қилган, яна бирда ёш болани оғирлагандай оғирлаб, жизғанақ чулдан олиб ўтган ким эди? Мана шу ёмон Шораҳим эмасмиди, Музаффар! — Расул юршидан тўхтаб, Музаффарга қадалиб қаради.

— Шораҳим эди, Расул, Шораҳим...

— Шораҳим бўлса... қани сенда виждон, қани инсофу адолат?

Музаффар қўдлари билан бошини чапгаллаганича узок ўтирди, сўнг:

— Наҳотки сен! — деб тавалло қилди. — Қил ўтмас қадроним деб, ишониб юрган дўстим, бу ерга фақат мени тошташ учун, фақат эзиш учун келдинг, Расул? Тақдирнинг инҳона ўйинлари сабаб, бошимга иш тушган бу мусибатли кунларимда наҳот мен шўрликни бешбаттар эсанг, йиқилганининг устига чиқиб тенсанг, Расул? Агар адолат шу бўлса...

— Сен адолатдан гапирма, Музаффар!

Расул сўзини тугатмаган ҳам эдики, шу дақиқагача аллақандай мунгайиб, ҳамдардлик кутиб, илтижо билан гапирётган Музаффар тўсатдан ўдагайлаб, хуружга ўтди:

— Хун? Нега гапирмас эканман? Ё адолат фақат сен томонда-ю, биз...

— Шунинг учун гапирмаганики, сенинг бошингга тушган мусибат — мусибат эмас! Мусибат деб, сенинг таптық зурёдинг сабаб, Шораҳимнинг бошига тушган кулфатни айтадилар! Сен бўлсанг... шунчаликка борибсанки, эрка фарзандингни қутқариб қолиш йўлидаги уришиларинг ҳам мусибат бўлиб туюланти сенга!

— Во дарин! Ахир нима бўлгандаям... болам бечора жўрттага қилмагандир бу ишни? Битта ўглимни деб...

— Кошкийди, гап битта ўглингда бўлса! Қудагайингни ишга солиб, Иван Харитоновичга пора бермоқчи бўлганларинг-чи?

Музаффар жон-жаҳди билан кўлларини силкитиб, орқага тисарилди:

— Ҳазилингни кўй, Расул! Қайси қудагайим? Нималар деясан ўзи?..

Расул заҳарханда қилди:

— Ўз қудагайлари ҳам ёдларидан чиқдими ҳали? Ёдларидан чиққан бўлса ёдларига солиб кўйй: жаноблари қудагайлари орқали Иван Харитоновичнинг хотинига олтин узук совға қилган эканлар! Қудагайлари эҳсонни уларга билдирмай, шифохонада қолдириб кетибдилар.

Музаффар ёқасини ушлаб:

— Ё тавба! деб хитоб қилди.— Эскилар ўт балосидан сақла, сув балосидан сақла, бироқ ҳаммадан бурун тухмат балосидан сақла, деганларича бор экан! Энди бир қилмаганларинг шу тухмат қолувди менга! Э, фалак! Мен буларга... мен сенларга нима ёмонлик қилдим, Расул!

Расул сабр кесаси тўлиб:

— Ўзингни оварликка солиб, сувдан қуруқ чиқаман деб ўйлайсанми? — деди зардаси қайнаб.— Иван Харитонович билан менинг сенга нима хусуматимиз борки, сенга қарши бўхтон уюштираек? Айниқса, Иван Харитонович! Чамаси, Хинган тоғларида Шораҳимнинг қилган яхшиликлари ёдингдан чиққанидай, комбатимиз Белобородовнинг яхшиликлари ҳам эсингдан чиқибди, Музаффар!..

— Хинган тоғларида яхшилик қилган бўлса, бу ерда... даштда ишлаганимизда орамиздан не-не гаплар ўтган!..

— Бундан чиқди, бу пора билан ораларингдан ўтган ўша гапларини ювиб ташламоқчи экансан-да,

азизим? — пичинг қилди Расул. — Гапингда на мантик бор, на тутуриқ!

Музаффар даг-даг титраб:

— Мен мантиқ-пантинингни билмаймай! — деб ўшқирди. — Аммо шуни рўй-рост билиб турибманки, сенлар мени кўролмайсанлар! Ҳа, мени ҳам, ўглимни ҳам кўролмайсанлар! Ичиқоралик, бахиллик қилисанлар! Ё алҳазар! Қачон биз бу тубан, нопок туйғулардан қутулар эканмиз?

Расул, бирдан томирларида қони гузуриб:

— Тўхта, тўхта! Нима деб валдирайсан! — деб бақириб юборди. — Сен ҳаётда нималар қилсан, қанақа буюк ишлар, улуг қашфиётлар яратибсанки, биз сенга бахиллик қилсак?

— Улуг ишлар қилибманми, йўқми, лекин сенлар... Ўғлим иккимизнинг обрў-эътиборимиз, эришган мартабаларимиз, уй-жойимиз — ҳамма-ҳаммасини кўролмайсанлар!

Расул ўзини босинга ҳарчанд уримасини, бари бир яна заҳарханда қилди:

— Ниҳоят, тондинг сабабини. Қойил! Демак, мен сени кўролмайман?

— Сен ҳам, оғайнинг Шораҳим ҳам, қадрдонинг Белобородов ҳам!

— Кошқийди, ўғлинг икковнинг бу шоҳона уй-жойлар, кўша-қўша машиналар, баланд лавозимларни ҳалол меҳнат ва ўз пешона терларинг билан орттирган бўлсаларинг! Шунда биз сенларга ҳасад қилсак!

— Яна инсофу адолат! Бас! Бу баланднарвоз гаплар менинг ҳалқумимга келди, оғайни! Қўлларингдан келганини қилаверинглар! Сенга руҳсат!

Расулнинг дилини киноя аралаш тизгинсиз бир ранжу алам чулғаб олди:

— Хўн, менга кўрсатган бу иззат-эътиборинг учун ташаккур! Мен овсар, боя сенинг тавалло қилиб ёзган хатингни олганимда, ўйлабманки, зигирдек бўлса-да, қилган ишларидан пушаймон чекаётгандир деб! Бу ишлар унга жиндек бўлса ҳам сабоқ бўлгандир, деб ўйлабман мен. Минг афсуски...

— Айтдим-ку, сенга руҳсат деб! — бақирди Музаффар. — Қўлларингдан келганини қилаверинглар деб!..

Расул унинг ганини эшитишни истамай эшикни қарсиллатиб ёнди.

Ой ботган эканми ё ёругдан чиққан учунми, олам Расулнинг кўзига зимистон бўлиб кўринди. У келганига минг пушаймон қилиб, қоронғида қоқилиб-сурилиб бораркан:

«Баттар бўл! — деди ўзидан-ўзи ранжиб. — Ким сенга аллақачондан бери одамийлик кўчасидан ўтмаган бу худбининг олдига кел, деди?» Йўқ, гап фақат ундами? Агар Иван Харитонович илтимос қилмаганида, Расул, ахтимол, бу даргоҳга қадам ҳам босмас эди. Фақат Иван Харитонович эмас, бу қутурган хўкизнинг ўзи ҳам ундан бир келиб кетишини сўраб, кўзёши тўкиб хат ёмаганмиди?

Расул бу надоматли ўйлардан юраги хун бўлиб, қайтиб борганида Шораҳим, чамаси уни кутиб, хануз дарвозаси олдида ёлғиз ўтирган экан:

— Ха, хормасинлар? — деб ичинг қилди. — Ётиб дардандинларми дейман, икки қадрдон? Жа-а... йўқолиб кетдинг? Ё зиёфат қуюқ бўлдим?

— Ха, жуда қуюқ бўлди! — Расул ҳам кинояюмуз кулимсиреди. — Эрталаб ганириб бераман ҳаммасини. Хозир силлам қуриб турибман...

— Силланг қуриган бўлса... ўз уйингга жой солдириб қўйдим, холамларинг руҳи шод бўлсин деб! Бориб, дамингни олавер!

✓Хақиқатан, марҳум кампир турадиган хона ён ёруг эди. Кимдир (балки Нигорадир?) уни шамоллатиб, ўртага қалин тўшак ёзиб қўйган экан. Расул хонага кирди-ю, чироқни ўчириб тўшакка чўзияди. Назарида, боши ёстиққа тегини билан қотиб қоладигандек эди, аммо мана, бир неча соат ўтди ҳамки, ҳамон қоронғи уйда хаёлан Музаффар билан «олшиб» ётибди!..

Тугриенин айтганда, Расул унга айтадиган ва уни мот қиладиган энг зарур, мантиқан энг кучли гаплар мана энди, зимистон уйда, шифтга тикилиб ётганида эсига келипти! Бу гаплар Фармоновнинг нафасини ичига тушириб, дамини шартта кесар эди! Аттанг! Уларни айтиб, хуморидап чиқолмади! Рост, дилининг энг тубида, Расул Музаффарга ҳеч қандай гап қор қилмаслигига... ҳар қандай зўр далил ҳам унга зигирча таъсир этмаслигига ақли стар, бироқ ақли етгани ҳолда, ҳамон хаёлида гужгон урган исёнкор ўйларини жиповлай олма, ҳамон у билан бахелашар, ҳамон «тортишар» эди!..

Айтмоқчи, у Музаффардан Мардон Зокировнинг бу ерга келиб, хат ташкил қилиб кетганининг сабабларини

сўраб билмоқчи, ҳатто буюк уруш дардларидан йироқ, бу сохта улугвор монументнинг турмуш ҳақиқатидан қанчалик узоқ эканини исботлаб бермоқчи ҳам эди. Ахир Расул ўша кенганда дарду ҳасрат билан куюниб айтган гаплари энг мўътабар ҳужжатларда эътироф этилган фикрларга ҳамоҳанг бўлса-ю, бунинг учун у яна калтак тагида қолса? Лекин бир жиҳатдан, бу масалани кўзга-магани ҳам яхши бўлди! Музаффар Расулнинг қайси гапини инobatга олдики, бу гапини инobatга оlesa?

Чамаси, Музаффар ўз хатоларидан пушаймон чекадиган, қилмиш-қидирмиш эканини ўйлайдиган мавриддан аллақачон ўтган, адолат туйғуси унинг дилини батамом тарк этган эди!

Э воҳ! Наҳот одам боласи шунчаликка борса? Наҳот мансаб ва мол-дунё бир маҳаллар самимиёғиша, камтаргина одамни батамом йўлдан оздирса?

Дарҳақиқат, кўзи кўрга жўр бўлсанг ҳам дили кўрга жўр бўлма экан!

Расул боя Музаффарнинг: «Бор, қўлларингдан келганини қилинглар!» деган ҳақоратомуз сўзларини эшитиб, эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетганида, эртадан бошлабоқ адолат учун курашинга аҳд қилиб кўйган эди.

Лекин энди ўйлаб қараса... бу кураш қандай кечинини, зотан, ишини нимадан бошлашини тасаввур ҳам қилолмас экан!..

Йўқ, гап унинг ишни нимадан бошлашни билмаслигида эмас. Шораҳим учун Расул ҳар қандай курашга тайёр! Лозим бўлса, район ва область мутасаддиларига ва ҳатто ундан юқорироқ ташкилотларга ҳам мурожаат қилишга тайёр. Музаффар билан унинг ўгли бу ишларда Расулдан минг чандон тadbиркор бўлса бордир, уларнинг жарақ-жарақ пуллари-ю, қимматбаҳо совгаларига учиб, ҳануз ҳақиқатнинг йўлини тўсишга уринадиганлар ҳам йўқ эмасдир, аммо адолат учун шиддатли кураш бошланган бугунги кунда унинг бунчаликка бориши! Бунга ақл бовар қилмайди. Ахир Расул ҳам кўчада қолган одам эмас-ку! Озим деган помидан ташқари орқасида Иван Харитоновичдай суяничи бор-ку! Шу бондан, уни ҳозир адолат учун кураш ташвиши эмас, йўқ (курашганда кимга қарши курашадим?), болалик ва ўспиринлик йилларимиз бирга ўтган, мана шу қинлоқ, мана шу сой бўйида ошиқ ўйнаб катта бўлган тенгдошим, уруш заҳматларини бирга тортган қуролаш

огайшимга қарши курашмагани, деган андиша ташвишга сояпти. Айни замонда... ота-боланинг адолатсизлиги сабаб, Шораҳимнинг бошига тушган бу гурбат, Шоқосимнинг тоабат мажруҳ бўлиб қолиши хавфи, Обсулуннинг ўлими, боз устига, Музаффарнинг ўз гувоҳини тантиларча тан олиш ўрнига қилган бояги муомаласи, илон нўст ташлайдиган ҳақоратомуз гаплари, манманлиги, дўқ-писандаси!.. Йўқ, бунга бардони қилиб, бир чеккада томошабин бўлиб туриш — жиноят!

Расул Нуриддинов, бу ўйларден мияси говлаб, бир йўла иккита уйқу дори ичди-да, тесқари бурилиб ётди.

Йиғирма биринчи боб

Экспедиция очган сирли лаҳим билан ҳазрат Уккоша қабрига бор-йўги 30-40 қадам қолганда тоққа биринчи қор ёғди. Ўша кун, қор ёғишидан сал аввал, тоғ ичкарасидан Нигорани излаб бир қария келди. Қалтабақай, аммо миқти, чўтир юзи совуқда қорайиб кетган, қисик кўзлари қаҳр билан ярақлаб турган бу одам, эгнида қуроқ чопон, бошида бесўнақай, мўрсиелмон кулоҳ, қўлида йўгон жингил асо, узоқ йўл босиб келаётган бир дарवेशни эслатарди.

Қинолардаги девоналарга ўхшаб кетадиган бу одам қабристонда пайдо бўлганда Нигора билан Лариса лаҳимдан чиқиб чодирга қайтаётган эдилар. Қариянинг важоҳатидан саросимага тунган Лариса беихтиёр орқага тисарилди, Нигора эса, қўлларини кўкемга қўйиб салом берганди, қария:

— Ваалайкум ассалом! — деди важоҳатига зид бир мулоимлик билан. — Фақир мана бул юмушларнинг мутасаддисини кўрмоқ азмида келган эдим, қизларим!

Ўзини хиёл босиб олган Нигора дарवेशифат чолга қизиксиниб қаради.

— Экспедиция бошлигини сўраянган бўлсангиз... мен бўламан, ота!

Қария асосини ҳавода ўйнатиб:

— Во ажабо! — дея ёқасини ушлади. — Сен бўлсанг... манов кўккўз қиз кетаберени! Фақир ҳақир сенга айтадурган икки оғиз сўзим бор, болам!.. Лаҳимдан чиқ! — Чўтир дарवेश асосини амиропа икқтаб, ёнидаги қояни кўрсатди. — Иқинроқ кел, чирогим!

Алешалар кўринмас, атрофда тирик жон йўқ эди. Нигора Ларисага жавоб бергиси келмай, бир зум иккиланиб турди, сўнг чўтир дарвешнинг амирони хатти-харакатига бўйсуниб, Ларисага жавоб берди-да (кейин билса, Лариса сал нарироқдаги бошқа бир чўнг топ панасига ўтиб, уларни кузатиб турган экан!), ўзи қариянинг рўнарасида тўхтади. У худди муаллимнинг олдида дарсини билмай, додираб қолган ўқувчи қизчадай сезарди ўзини.

Чўтир дарвеш ошпоқ, ўсиқ қошлари қаҳрли туташиб, зарда билан томоқ қириб олгач:

— Ўзинг ёш экансан, болам,— деди наст, бироқ таҳдидли тонусда.— Бировнинг завжаси, уйингда олло қовуштирган эганининг хизматларини бажо келтириб, шукрона айтиб ўлатирмоқ ўрнига, нечун бул гуноҳи азим юмушга қўл урдинг, қарогим?

Нигора бир лаҳза жавоб тополмай талмовсираб қолди, сўнг:

— Маъзур тутасиз, ота,— деди секин.— Ўзларидан сўрасак? Ўзлари ким бўладилар?

Дарвеш жингил асоси билан ерни дук-дук уриб ўдагайлади.

— Фақир ҳақир бул бевафо дунёни тарк этган бир гариби нотавондурман! Мана, йиғирма йилдирки, анов тоғ ичида...— Мўйсафид, асосини елкаси узра қорли чўққи томон ниқтади.— Бир горни макон қилиб, оллога ҳамду сано ўқиб ётурман. Бирдан-бир пиятим — бул порасо дунёнинг шаккок юмушларидан оплоқ юрмоқ, куним битиб, дорилбақога рихлат этсам, тонг-ла маҳшар сирот кўнригига сутдай оқ бўлиб бормоқдур, болам!

Нигора бир ўйи: «Ишшоолло, пиятингизга етинг, ота!» — демоқчи ҳам бўлди-ю, тили бормади. Бунинг ўрнига:

— Бизга нима хизмат, ота? — деб сўради.

— Хизматни айтдим, уқмадингми, эй, бандан ношукур? — деди чўтир дарвеш кулоҳли бошини сараклатиб.— Дунёдан умидинг йўқ эканми, ёш бошинг билан бул гуноҳи кабир ишга қўл урибсан, осий банда! Мажусийлар ва ғайридинларга қарши жангу жадалда шахид ўлган муслимлар, дини ислом йўлида от сурган гозийлар — олло уларга жайнатдан жой ато қилгай! — макони бўлмиш бул табаррук гўристонини оёқ ости қилмоқ

азмида эрмишсан! Ёдингда бўлгай, эй бандан гофил: пайгамбар алайҳиссаломнинг дуоси теккан бул зоти шарифга олло-таоло шундай саодат ато қилганким, ул газовотда шаҳид ўлган ҳазратларнинг муборак боши муқаддас қудуққа тушиб, юмалай-юмалай, Маккаи мукаррамадан чиққандур!

Дарвешнинг овози яна боягидай совуқ таҳдид билан дўриллади, бироқ унинг дагдаси-ю, вазоҳати бу сафар Нигорани чўчитолмади:

— Бу ривоятни эшитганман, ота.

Чўтир дарвеш кулоҳли бошини азот кўтариб ўдагайлади:

— Авваламбор, бу ривоят эмас, ҳақиқат! Қолаверса, нечук муштдек бошинг билан бул шаккок юмушга кўл уриб, куфр кетишдан тоймайсан?

— Тақсирим! — деди Нигора, бу сўз ёдига тушганидан сизил тортиб. — Тақсирим мени афв этсинлар. Лекин биз бу йўлдан қайтолмаймиз!

— Нечун?

— Чунки... бизнинг илмимизда қайд этилганки, бу ерлардан буюк аждодларимиз ҳазрат Навоий билан Мирзо Улугбеклар ўтган. Биз уларнинг табаррук изларини топмоқ ниятидан бошқа ниятимиз йўқ, тақсир!

Дарвеш, жазаваси тутиб, бўкесига шапатилаб урди:

— Ё алҳазар! Аждодларнинг изини қидирмоқ истасанг, анов хароба қўрғон ичидан қидир! Аммо ҳазратларининг муборак мақбарасини оёқ ости қилма, унинг арвоҳи дуоибад қиладур сени!

Нигора кимлигини тушуниб бўлмайдиган бу «сирли» одам билан баҳслашиб ўтиришнинг фойдаси йўқлигини сизди-да, гапни тугатмоқчи бўлди:

— Афеуски, энди бу йўлдан қайтолмаймиз, тақсир.

Дарвеш асосини қояга суяб, қовоғини уйганича, алланималар деб узоқ ничирлади, сўнг «Оллоҳу акбар!» — деб юзига фотиҳа тортди. Нигора унинг узундан-узоқ дуосидан фақат охирини: «Илоё бул шаккок даҳрийларнинг шум ниятлари ўз бошларига етгай! Бамисоли кўйлак солар ўйнаб, гуноҳи азимга ботган анов қалъа аҳли янглиш бул такаббур бандаларининг хам қора ер ютгай, илоҳи омин!» — деган сўзларининггина илғаб олди.

Чўтир дарвеш шундай деди-да, асоси билан ерни

тешиб юборгудек дук-дук уриб, юқорига, қабристон томон йўналди. Нигора шундагина қабристон чеккасидаги қайрағочлар тағида турган яна бир кулоҳли отлиқни кўрди.

У тоғ ичкарасида катта бир гор борлигини, унда ўзини дами ўткир вали, деб эълон қилган бир кимса макон қуриб олганини, кўплар, айниқса, майиб-мажруҳлар уни тавоф қилиб боришларини эшитган, бироқ бу «вали»нинг важоҳатидан одам кўрққулик сержаҳл, серзарда бир кимса эканини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Нигора иастдаги чодир томон бир-бир босиб бораркан, «авлиб»нинг ер ютган кўргон хақидаги гаплари эсига тушиб, ичида бир кулиб қўйди.

Эмин, бир маҳаллар бу хароба ўрнида баланд тена бўлиб, унда каттакон бир қалъа қад кўтарган, у пайтларда бу тоғларда ёввойи кўчқорлар, охулар, какликлар беҳисоб, атроф-теваракда кўркам боғлар кўн бўлган, шу боис, шаҳар аҳли тўқ-бадавлат яшаган эмин. Аммо тўқликдан шўхлик дегандай, бой-бадавлат бўлиб кетган қалъа аҳли, гўё риндона кайфийатга юз тутган эмин: ҳар оқшом хилват бир гўшага йиғилишиб, кўйлаксолар ўйнашган эмин. Яъни, ҳаммаси кўйлакларини ечиб, бир жойга уяр, сўнг уларни аралаш-қуралаш қилиб, чироқни ўчиришар эмишу, кимдир биров: «Ол!» — деб фармон берармиш. Шунда ҳар ким ўзини ўртадаги уюмга отиб, қўлига илинган кўйлакни олармиш, кейин чироқни ёқишармиш ва ким-кимнинг кўйлагини олган бўлса, у ўша кечани, ўша одамнинг жуфти ҳалоли билан айш-ишратда ўтказар эмиш. Шу сабабдан бу қалъа «оллонинг қаҳрига йўлиқиб», бир кечада уни ер ютган эмиш-у, ундаи шу хароба қолганмиш!..

Қороғчилик тушар-тушмас изгириш баттар авж олди-ю, учқунилаб қор ёға бошлади. Сал ўтмай, майдалаб ёғаётган қор кучайиб, теvarак-атроф бир зумда қалин оқ кигиз билан ёппиди.

Нигорани ваҳима босди: нима қилиш керак? Тогда бир марта қор ёғдими — бас, қор қорға уланиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Унда ишни тўхтатиб, қайтиб кетишдан бошқа чора қолмайди, аке ҳолда машиналари ҳам тоғда қолиб, уч-тўрт ойдан бери не машаққат билан топган топилмаларини олиб чиқиб кетишлари ҳам амримаҳол бўлади.

Кўпчилик Нигоранинг бу таклифига қўшилди. Ёлғиз Алёша ишни давом эттириш керак, деган фикрида

қатъий туриб олди. Унинг айтишича, модомики, ҳазрат Уккоша қабрига бор-йўғи йиғирма-ўттиз қадам қолган экан, улар йўқ пайтида, камлардир келиб, қазилма ишларини давом эттиришлари мумкин. Қарабеники, улар кутган энг ноёб буюмлар ўтирилиб, келгуси йили қўлларини бурунларига тикиб қолаверишади!

— Бошимизга тош ёғишини башорат қилган ҳалиги «авлиё»нинг ўзи қилиши мумкин бу ишни! — дерди у кенг чодирда уёқдан-буёққа айланиб. — Менинча, бу сохта валининг бу ерга келиши бежиз эмас. Разведка қилиб, аҳволни биллиб кетини учун келган!..

Лариса эрига шичинг қилди:

— Сенга қолса, бизни Мардан туриб қузатаётганлар ҳам бор. Биз кетишимиз билан улар тушиб, қабрдаги ҳамма бойликларни ўмариб кетишлари ҳам мумкин!

— Ажаб эмас!

— Сенга қолса белдан қор кечиб бўлса ҳам ишлайверсак!

Қисқаси, баҳс кучайиб кетиб, Нигора овозга кўйишга мажбур бўлди. Кўпчилик овоз билан, қор батамом босиб қолмагунча бор топималарни тезроқ тартибга келтириб, эртадан қолмай жўнашга қарор қилинди. Лаҳимни эса, ҳар эҳтимолга қарши, кўмиб ташлашга келишинди.

Кечаси тун ярмигача ишлашди. Энг нодир топи-маларни: қулоқ, бурунлари синган бўлса ҳам тарихий аҳамияти муқаррар ганч ҳайкалчалар — бу ҳайкалчалар бир маҳаллар бу ерда Будда дини ҳокимлик қилганини кўрсатарди! — ёқут ва забаржад қадалган кумуш зийнатлар, хум ва хумчалар, беҳисоб қилич ва қалқонларни махсус қутиларга жойлагуиларича алламаҳал бўлди. Ҳар қалай, бу ишлардан чарчаган Нигора, ётишдан олдин бир лаҳза очиқ ҳавода юрини учун ташқарига чиққанида соат бирдан ошган эди.

Ажабо: ҳали-замон бутун фалакни қоплаган қора булут энди парча-парча бўлиб тўзғиб кетган-у, осмоннинг очилган жойларида оппоқ юлдузлар чарақлаб турарди! Рўнарадаги ҳайбатли чўққилар устида тобора кичрайиб, бир парчагина бўлиб қолган ой кўринар, унинг почоргина осуда шуъласида эски кўрғон ичидаги харобалар ҳам, чодир ёнидаги катта сардоба ҳам, олисда элас-элас кўзга чалинган қабристон қайрағочлари ҳам, ҳамма-ҳаммаси бу заминга ёт, аллақандай сирли оламни эслатарди.

Нигора, сўнги пайтларда Алёшанинг Қушон давлати

ҳақидаги фаразлари сабаб, ишга қанчалик қизиқиб кетмасин, уйини, оиласини, айниқса ўғилчаси билан қизчасини жуда соғинган, бутун вужуди билан Тошкентга талпинар эди. Бироқ ҳозир ўйлаб қараса, ўтган беш-олти ой давомида бу кўхна хароба ҳам кўнглига аллақандай азиз бўи қолти. Маана, ҳозир эртага бу ерларни тарк этишини ўйларкан, юраги беихтиёр жизиллаб кетди.

Нигора қорли чўққилар устида гўё сўнаётган шамдай маъюегина милтираб турган ой шуъласида аллақандай сирли туюлган бу харобаларга тикилиб-тикилиб қараркан, негаҳон бу тапшандиқ қалъа ўрнидаги муаззам шаҳар кўз олдига келди.

Тўрт бурчагида тўртта тўнотар бурж жойланган осмон-ўпар гишт қўرғон, қўрғон ичида нештоқлари ложувард қошинлар билан қопланган кўркам бинолар, сершовқин бозорлар, тимли расталар, расталардаги атторлик, базвозлик ва баққоллик дўконлари, қишғир-қийшиқ кўчалар ва бу кўчаларда исриқ солинган кашкулларини сиккитиб, анкр тушиб юрган дарвешлар, гавжум чорраҳаларда ҳолва ва қандолат пишириб ўтирган ҳолвафуруш ва қандолатфурушлар нигоҳи олдига жонлангандай бўлди. Назарида, қулоғи остида бир меъёрда жараиғлаган кўнгироқ овози янграб кетди. Эҳтимол, бир маҳаллар Хуросон томон ўтаётган, ёхуд, акенича, Хуросондан келаётган катта карвон бу қалъага шу йўсин, портуялар бўйишга осилган кўнгироқларнинг тиниқ жараиғи остида кириб келгандир? Эҳтимол, карвон аҳли орасида, дадаси айтганидек, ҳазрат Навоий бўлгандир? Бирда Навоий ўтган бўлса, бирда Мирзо Улугбек, яна бирда Бобур мирзо ўтгандир?.. Бу ерларнинг бетакрор гўзаллигига мафтун бўлган улуг шоир анов қирларни ўйчан айлашиб, Фарҳод ва Шириннинг илк мисраларини шу ерда битгандир? Ўз халқининг пешонасига сизмай, буюк маърифий ишлари учун бидъат бандаларининг қаҳрига учраган улуг мунажжим Улугбек эса, бу азиз тупроқнинг пошуд зурриётлари билан хурофот ботқоғига ботган дин пешволари қўлида хору зор бўлишини ўйлаб, печа бор қон қақшагандир? Ҳақиқатан, ҳали ким билсин, улар тонган бу сирли лаҳим нималарни ишлом этади? Эҳтимол, Алёша фараз қилганидек, қудратли Кушон давлати лашкарбошиларининг беҳисоб бойликлари эмас, балки улуг мунажжимнинг содиқ шоғирдлари яширган сандиқ-сандиқ ноёб китоблар чиқар бу қабр тагидан?

Буни ўйлаши билан Нигора яна иккилашиб қолди: балки Алёшанинг ганига кириб, яна бир-икки ҳафтага бардон қилиш керакмикин? Бироқ ундай деса... бир томони бу қор, бир томони... йўқ, Нигора уйини, эрини, айниқса кичкинтойларини жуда-жуда соғинди! Шундай соғиндики, агар қаноти бўлса, ҳозироқ ҳамма нарсани тарк этиб, «спир» этиб учиб кетарди!

Бундан уч-тўрт кун аввал, Ойсулув холанинг азасидан кейин бу ерга дадаси келди. Аввал ойдинда элас-элас кузга чалинган анави муаззам бино қолдиқларини, сўнг улкан сардобани узоқ кўздан кечирди, сўнг Алёша билан бирга лаҳимга тушиб, уни бошдан-оёқ айлашиб чиқди, тоғилмалар билан танишди. Хуллас, дадаси ҳам бу ердан фавқуллодда бир нарса чиқини эҳтимоли йўқ эмаслигини айтиб, ҳаммани хуш-хандон қилди. Сўнг Нигорани бир четга тортди, узоқ суҳбатланди. Бу йил ҳар қанча уринишмасин, бу ишни ниҳоятга отказолмасликларини уқтирди ва уни консервация қилиб, институтга қайтишларини маслаҳат берди.

Дадаси, оғайниси Шораҳим амакининг ахволини кўриб, жуда эзilib кетган эканми, бурунгидан ҳам ўйчан, камган, дили шикаста эди.

— Мен сенинг бу ишларингдан хурсандман, қизим, — деди у, Нигоранинг қорайиб-қавариб кетган қўлларини аста силаб. — Бироқ сен аёлсан, -онасан. Буни ҳам унутмаслигинг керак, болам. Уёқда эринг буюк асар яратаман деб, бутун фикри хаёли ижодда бўлса, буёқда сен... улуг кашфиётлар қиламан деб, умринг далада ўтса... Фарзандларинг, айниқса қизчангнинг ҳоли не кечади? Ахир бу дунёда инсондан фақат катта ишларгина эмас, яхши фарзандлар ҳам қолиши керак-ку, болам! Фарзанд яхши одам бўлиб етишини учун эса, унга меҳр, ҳаммадан бурун она меҳри керак.

Нигора томоғи гип бўғилиб, юзини дадасининг катта қорамтир кафтига яширди.

— Биламан, дадажон, ҳаммасини биламан. Бироқ у-чи? Она меҳрига зор фарзанд ота меҳрига ҳам ташна эмасми, дадажон?

— Ташна, жуда ташна, болам. Лекин она меҳри бошқа... Начора, сенлар, ҳозирги ёшлар, ҳуқуқ тенглиги баҳона, худди пойгага тушган отларга ўхшаб қолдиларинг. Ҳолбуки оила, ҳаёт — пойга эмас, болам. Оилада бир киши, ё эр, ё хотин сал паст юрмоғи лозим. Акс

холда, оилада ҳеч қачон ҳаловат бўлмайди. Энг ёмони — ким зўр, кимнинг ҳуқуқи баланд, менинг сендан нима кам, деган беҳуда тортишувлардан фақат фарзандлар изтироб чекади, руҳан эзилади.

— Демак, сизнингча, мен унга ён босишим керак?

— Албатта, қизим. Чунки боя айтганимдек, сен онасан! Табиат сени аёл қилиб яратган, меҳри ҳам кўпроқ аёлга эҳсон қилган. Мана, ўз онагни ол! У ўз умрини, бутун орзу-умидлари, меҳри оқибатини сен билан уканг Улўғбекка бахшида этганди-ку, қизим?..

— Бундан чиқди... ҳамма масъулият ёлғиз менда экану, унда... шогирдингизда ҳеч қандай масъулият йўқ экан-да?

Дадаси бошини ликиллашиб, бўш-баёвгина жилмайди.

— Мен ундай деяганим йўқ-ку, болам? Мен фақат инсон кечиримли бўлиши керак, айниқса, эр-хотин, пойгага қўшилган отлардек, ҳадеб ким ўзар, ким ҳақ деб тортишавермаслиги керак деяпман, қизгишам! Албатта, у ҳам фақат ўз ижодини ўйлайвермаслиги керак. Оила кўрдими, аравани баробар тортишни, фарзандларини ўйлашни даркор!

Дадаси бир аум жим қолиб, оғир хўрсинди.

— Мен буни айниқса Ойсулувнинг ўлиmidан кейин билдим, болам. Шораҳимнинг аҳвол-руҳиясини кўриб билдим. Бундоқ ўйлаб қарасам... мен ҳам ҳамма оғирликни шўрлик онагнинг елкасига ташлаб кўйиб, ўзим фақат «улуғ» ишлар ҳақида ўйлайдиган бир худбинга айланганиман.

— Дадажон! — Нигора юрагига қуйилиб келган иссиқ меҳрга бўйсуниб, яна дадасининг қўлларини лабига босди.

— Ҳолбуки ойингсиз мен ҳам, билмадим, нима бўламан? Хуллас, майда-чуйда низоларни, энг муҳими — ким ўзар деган бу пойгани йиғиштириб қўйиб, бир-бирларининг кадрланглар, болам. Эскилар айтмоқчи, вафо қилган — вафо топади, жафо қилган — жафо, қизим!.. — Дадаси буни аллақандай овози титраб, ички бир дард билан айтди-ю, тўсатдан: — Веҳод нимадир бўлиб касалхонага тушганмиш, — деди. — Бориб кўрдингми?

Нигоранинг дами ичига тушиб, эсанкираб қолди.

— Йўқ, дадажон!

— Майли, нима ҳам дейман? — деди дадаси. — Тагин ўзинг биласан, болам. Аммо... сенинг ўрнингда бўлсам... мен бориб кўрардим. Дунёда энг ёмон нарса — ўчаки-

шин! Кечиримли бўл, қизгинам, кечиримли! Агар биз нисонлар бир-биримизни кечириниши ўрганмасак, дунё кўзимизга қоронғи бўлиб кетади, болам.

Дадаси шундай деди-да, Нигоранинг жавобини кутмай, пешонасидан ўпиб, ўридан турди...

Бу суҳбатнинг эртасига Нигора, ўзини зўрлаб бўлса ҳам Бехзодни кўрганни шаҳарга тушди. Бехзод касалхонадан соғайиб чиқиб кетган экан, врачлардан рухсат олиб, Шоқосимни кўрганни кирди.

У кирганда Шоқосим ухлаб ётган экан. Хонада бошига негадир кўк рўмол ташлаб олган Меҳринисо мунгайиб ўтирарди. Нигорани кўриб, юзини четга ўгирди-ю, тўсатдан пиқ-пиқ йиғлаб юборди. Нигора унинг дардлашини истагида бир-икки марта кўзлари мўлтираб қараганини сезиб, кўнгли хиёла эриди, бироқ ҳар сафар чўндай озиб кетган Шоқосимнинг мумдайд сарғайиб қолган юзига кўзи тушиши билан эрий бошлаган юраги қайта тош бўлиб қотарди... Шундан бери Нигора галати бир ҳолга тушиб қолди: бу ерларни, бошлаб қўйган ишларини ташлаб кетишни кўзи қиймайди-ю, юраги ҳадеб уйга, болаларига талпинади, гўё ўғилчаси билан қизчасини ўн йил кўрмагандай, улар томон қанот боғлаб учгиси келади...

Чодир томондан қорни гарч-ғурч бошган оёқ товушлари, сўнг Ларисанинг овози эшитилди:

— Ҳой, қаёқларда тентираб юрибсан, Нигор? Биз сени бўри-мўри оққочиб кетмадим, деб ухлай олмай ётибми!

Нигора, қандайдир кўнглига жуда яқин бўлиб қолган бу тоғу тошларга, эски кўрган харобаларига, овлоқда қорайиб турган гўристон чинорларига сўнги бор суқланиб қаради-да, хўрсина-хўрсина чодир томон юрди.

Йигирма иккинчи боб

Меҳринисо уйқу аралаш эрининг инграган овозини эшитгандай туюлиб, кўзи ярқ этиб очилиб кетди. Яланг оёқ, яланг бош, унсизгина юриб бориб, эрининг тепасида узок турди. Боши салладай ўраб ташланган Шоқосим, оғир нафас олиб, қаттиқ ухлаб ётар, фақат аҳён-аҳён-дагина туш кўрибми, бошқами, секин инграб, ўзича гудраниб кўярди.

Йўк, унинг уйқуда алланималарни айтиб гудранишлари аварияда шикастланганидан эмас, азалдан шундай

одати бор. Меҳринисо дастлаб турмуш қурган пайтларида эрининг бу одатига кўника олмай, анча қийналган, баъзан ҳатто уни уйғотган пайтлари ҳам бўлганди. Шунда Шоқосим истар-истамас кўзини очиб:

— Ҳа, нима бўлди, нима қилди? — дерди эсаб.

— Бир жойингиз оғриянтими ё туш-пуш кўрдингизми? Бирам инграйсиз, бирам инграйсизки!

— Ҳа, туш кўрибман. Тушимда қора девлар келиб, сени ўғирлаб кетармиш. Мен уларни қувиб бориб, қўлларида сени тортиб олармишману, мапа булақа қилиб, маҳкам қучоқлаб, тишлаб-тишлаб ўпармишман! — Шоқосим шундай деб, Меҳринисонинг суякларини қисирлатиб қучарди-да, баъзан тонг отгунча эркалаб чиқарди.

Бора-бора Меҳринисо эрининг бу одатларига ўрганган, гоҳо инграганини эшитиб, уйғониб кетса ҳам уни уйғотмас, у юзи-бу юзини астагина шапатиласа бас, Шоқосим гўдак боладай унинг пипжига кириб, қўзичоқдай ёввошигина ухлаб қоларди!..

Меҳринисо оёқ учида юриб бориб, ўз каравотига секин чўзилди. Ҳали тонг узоқ бўлса керак, хона қоронғи, ярмигача қиров қоплаган деразадан ҳеч нарса кўришмас, чамаси, навбатчилар ҳам пинакка кетган, йўлакда тик этган товуш эшитилмас эди.

Ажабо, ўша мудҳиш авариядан кейин Меҳринисо дуч келган биринчи машинада беҳуш эрининг қопга беланган бошини тиззасига қўйиб касалхонага келаркан, йўл-йўлакай бир парсага аниқ тушунди: у ҳам бўлса сўнгги ойларда эридан қанча гина-кудурат қилмасин, анов номард директорнинг (унинг қанчалик кўрқоқ ва нотанги эканини Меҳринисо биринчи марта ўша кун билди!) продасига бўйсуниб, Шоқосимга хиёнат қилишига оз қолмасин, агар бу фалокат сабаб, эри оламдан ўтса... ўзи ҳам бу дунёда яшолмаслигига дил-дилидан иқрор бўлди!.. Ўша мудҳиш кеча, Меҳринисо Шоқосимнинг қорақон бошини гулдор дуррасига ўраб, тиззасига қўйиб ўтираркан, токи пифохонага етгунча ичида фарёд чекиб, йўл-йўлакай кўкдан илтижо қилиб келди:

«Илоё мен ўлсам ўлайки, Шоқосим акамлар ўлмасинлар! Агар Азроилга бировнинг жони керак бўлса, менинг жонимни олсину, бу бегувоҳ шўрликнинг жони омон қолгай!»

Ўзиям, Шоқосим ҳушига келмай, икки кеча-кундуз ўлим билан олишиб ётганида, ичيني ит тирнайвериб, чўи

бўлиб қолди. Йўқ, у кунларнинг даҳшати ҳеч бир кимсанинг бошига тушмагай! Меҳринисо, дарди дунёси зинистон, касалхонанинг нимқоронги йўлагиди уёқдан-буёққа юриб тонг оттирар экан, бир неча марта ўз жонига қасд қилиш хаёлигача борди: агар ҳар сафар фарзандлари эсига тушиб, уларнинг чирқирашиб қолишини ўйламаганида, Меҳринисо, эҳтимол, бу пиятидан қайтмас эди!

Йўқ, унинг илтижоси кўкларга бориб етди: бундан бир хафта аввал Шоқосим ҳушига келиб, илк бор сув сўради. Меҳринисо қувонч ва ҳаяжондан ўтакаси ёрилгудек бўлиб, чонқиллаганича бир чойнак сув олиб келди, бироқ неча кун мишжа қоқмай, Шоқосимнинг бошида тонг оттирган Соҳиба она уни йўлатмади, сувни ҳам, аллақандай дориларни ҳам ўзи ичирди. Шоқосим бир-икки қултум сув билан Соҳибахон берган дориларни ичди-да, ина беҳаловат-беҳузур уйқу гирдобига шўнғиди. Соҳибахон эса «уф», деб енгил нафас олди ва худди сармаст одамдай алпанг-талпанг юриб, Меҳринисо ётадиган каравотга бориб ўзини ташлади...

Меҳринисо шундагина эрининг «бери қараган»ини сезди, сезди-ю, унинг бош томонига ўтириб, йиглай-йиглай тонг оттирди. Шоқосимнинг боши оқ дока билан салладай қилиб ўралган, ҳатто кўзлари ҳам дока остидан арабг кўринар, икки кундаёқ няғи ўткирлашиб, лунжлари гўё ўйиб олингандай ичига ботганди. Меҳринисо эрининг соқол босиб, озиб, унлиқиб кетган қонсиз юзига, сўррайиб қолган қийғир бурнига, юмуқ кўзларига, учлари офтобда куйган қалин киприкларига тикилиб-тикилиб қараркан, сўнгги пайтлардаги ўз қилиқлари-ю, бу камтар, хуш-хандон, танти йигитга хиёнат қилишига оз қолгани бот-бот эсига тушиб, бирда виждон азобидан юраги зирқирар, бирда ўзидан лолу ҳайрон бўларди!

Шундай пайтларда анов машъум кечани эсламасликка уринар, аммо қанча уринмасин, хаёлида қайта-қайта жонланарди. Тасодифан рўй берган даҳшатли воқеа ва бу воқеадан ўтакаси ёрилиб кетган Фотиҳ Музаффаровнинг саросима ичида айтган пойниатар-сойинтар гаплари, пачақ «Жигули» ичида беҳуш ётган Шоқосимни унга ташлаб қуён бўлганлари эсига тушарди-ю, ранжу аламдан ўртаниб кетарди!.. Меҳринисо ич-ичидан сезар, башарти бу фалокатга Шоқосим сабаб бўлиб, Фотиҳ Музаффаров унинг аҳволига тушганида, Шоқосим ҳеч қачон уни катта йўлга ташлаб қочмас, айниқса ақли ҳушини йўқо-

тиб қўйган ожиз аёлини аросатда қолдириб, ўзи жуфтани ростлаб қолмас эди. У албатта, касалхонага ўзи олиб борар, агар авария учун ўн йил берсалар ҳам, агар отсалар ҳам бу ишни қилмас, фалокат сабаб қонига беланиб ётган одамни йўлда қолдириб, ўз жонини асраш пайига тушмас эди.

Ҳа! Одамни шайтон йўлдан оздиришидан осони йўқ экан! Бўлмаса... наҳот ўзи севиб қовушган, ҳатто ота-онасининг хоҳиш-истакларига қарши бориб, не-не йиғитлар орасидан танлаб толишган шундай... бола табиат, оққўнгил, меҳр-оқибатли эри туриб, анов олифтанинг сохта хушомадларига учса?..

Ахир, у Шоқосим акаси билан чиндан ҳам бахтиёр, аҳия, фарзандлари бир-биридан ширин, ўзлари бир жуфт кабутардай иноқ эдилар-ку!

Мана, қовушганларига беш-олти йилдан ошди. Тўнғич қизи бешга, ўғиллари учга тўлди ҳамки, Шоқосим уни тўйдан аввал қандай алқаб-ардоқласа, ҳануз шундай севиб, алқаб-ардоқлайди. Унинг муҳаббати ҳам қандайдир ўзгача: у гоҳ меҳри нурдай товланиб, ўзи ёш боладай эркаланса, гоҳ Меҳринисонинг висоли-ю, севгисига тўймай, асов эҳтиросдан шердай жўшиб эркаларди.

Ҳаммаси яхши кетаётган эди, омад ва толе ёр эди уларга! Қай балодан ҳам чиқиб қолди бу қоработир! Тавба! Меҳринисо қачон, қандай қилиб унинг тузоғига илинди? Ширин-шакар ганларига, макқорона хушомадлари ва тилёгламалигига қандай маҳлиё бўлганини ўзи ҳам сезмай қолди. Хайрият, энг сўнгги дақиқада, жар ёқасига борган жойида тақдирнинг ўзи уни тоабод юзи шувут бўлишдан асраб қолди. Бироқ... бироқ тақдири азалнинг бешафқат ўйинини қарагки, эри энди «бери қараб», дилларида араб милтираб турган умид шами лоп этиб, қайта ёнган бир маҳалда яна бир фалокат юз бериб, қайнонаси оламдан ўтди...

Меҳринисо, гарчи шўрлик қайнонасини олиб кетган нарса бедаво дард эканини билса ҳам дафн маросимига боришга юраги дов бермади. У ичида: шу сафар бу мушфиқ-муштипар аёлини олиб кетган нарса фақат давосиз дард эмас, ёлғиз ўғлининг бошига тушган мана бу мусибат ҳам сабаб бўлганини дил-дилидан ҳис этди, бу мусибатга эса... ўзи изи берганини виждони олдида рад этолмади!..

Одам боласи чиндан ҳам норасо экан: у ҳамма нарса

нинг, ҳатто энг азиз кишисининг қадрини ҳам жудоликдан кейин биларкан!

Меҳринисо қайнонасининг оламдан ўтганини эшитган кечаси топг отгунча мана шу зимистон хонада шифтга тикилиб, ўз ёнига ўли қовурилиб, ич-ичидан зил кетиб ётаркан, умрида биринчи марта пушаймон ўтида ўртапти. Қайнонасининг яхшиликларини билмаганини, унинг қадрига етмаганини эслаб, овоз чиқаришдан қўрқиб, унсиз бўзлаб чиқди.

Қандай бебаҳо хотин эди, қайнонаси Ойеулув! Қандай бебаҳо хотин! Меҳринисони ўз қизидай алқаб-ардоқлар, уни ўтқизишга жой тополмас, оғзидан: «Ўргилиб кетай, айланай келишимдан! Илоё умринг узоқ бўлгай, қўшганинг билан қўша қаригаёсан, бўйгинавгдан онагинавг айлансин!» дан бошқа дуо, бошқа калом чиқмас эди. Меҳринисо шаҳарлик қиз эмасми, бу хонадонга келиш бўлиб тушган дастлабки паллада на сизир соғини биларди, на нон ёишини. Хамир қорса хамири бўш чиқар, ёпган нони тандирга ёишмай, чўққа тушиб, қора кўмирга айланар, сизир соғса, иккиннинг бирида челаги қўлидан тушиб, соққан сутининг ярми ерга тўкиларди. Бироқ раҳматлик қайнонаси бирор марта қовоғини уйиб, ишга нўпоқлигини юзига солган эмас, аксинча, «Тўкилган бўлса, садқаи сар, келган бало шу бир челақ сут билан кетсин, болагинам, ҳаммамиз ҳам келиликда сендай эдик, ҳеч ким онасидан қайвони бўлиб тугилган эмас, аста-секин ўрганиб кетасан, онанг ўргилсин!» — деб, тасалли бергани берган эди!..

Ёдида: тўйда Меҳринисо билан бирга келиб, никоҳ кечасидан кейин Тошкентга қайтиб кетаётганда ўз онаси уни бир чеккага тортиб:

— Мана, ота-онавгнинг гаинга кирмай ёт элларга келиб қолдинг, болам,— деганди фиғони фалакка чиқиб. — Ишқилиб бахтингни берсин, содагина, меҳрибонгина, очиқ-ёриқ хотин экан қайнонавг. Эринг билан яхши бўламан десаивг, қайнота-қайнонавгнинг хизматини қилиб, уларининг дуосини ол. Ширин юзингдан ширин сўзинг яхши, деган эскилар. Ширин сўзингни аяма булардан, болам. Шунда шояд, ўзингдан кўпайиб, бахтингни топиб кетарсан, қизгинам!..

Ойиси шундай деб, гўё Меҳринисони Тошкентдан нари борса уч юз чақирим жой эмас, дунёнинг нариги чеккасига ташлаб кетаётгандек, йиғлай-йиғлай жўнаб кет-

гади. Меҳринисо ойисининг насиҳатларини ўрнига қўйишга уринмади эмас, уринди, бироқ авваламбор, сабаби ёшлик гўрлик, қолаверса... қайнонаси уни оғир меҳнатдан авайлагани туфайли келинлик бурчинини кўнгилдагидек ўрнига қўёлмади. Қайнонаси унга кўпроқ хизмат қилса қилдики, Меҳринисо қиллолмади. Рабочком бўлганидан кейин эса, бундоқ ўйлаб қараса, совуқ сувга ҳам қўл урмабди, уй-рўзгор ишлари уёқда турсин, фарзандлари ташвишини ҳам ногирон қайнонасига юклаб қўйибди!

Меҳри дарё мушфиқ аёл! Ойсулув шунда ҳам Меҳринисога бир огиз бир нима демади, бирор марта гина-кудурат қилмади, қариганимда хизматларингни қиламан, деб сочим суцурги, қўлим косов бўлди-ку, болам, деб қилган юмушларини юзига солмади! Фақат бир марта аллақайси бир мажлисдан тун ярмида қайтганида:

— Ёлғиз бошинг билан ярим кечада қайларда юрибсан, онанг ўргилсин? — деб сўради.

Меҳринисо эса... қайнонасининг гапини қинлоқда тарқай бошлаган мишмишлардан кўрди-да:

— Қайларда юрганам билан нима ишингиз бор? — деб жеркиб берди.— Сиз ўйлагандек... ўйнаб юрганам йўқ! Юрган бўлсам, иш билан юрибман!

Ойсулув ая бошини ғамгини тебратиб:

— Майли, болажоним,— деди почоргина уф тортиб.— Мен сени иш билан юрмагин демайман. Бироқ... мендай кўнни кўрган авом кампирининг ҳам гапига киргин, қизим: иш орасида эрингдан ҳам бирров хабар олиб тургин. У ҳам эркак, айни қирчиллама пайти! Дала тўла хотин-қиз! Гапимга инон, ойинг ўргилсин, эркак зотига ишониб бўлмайди!

Ўшанда Меҳринисо содда қайнонасининг содда гапларига кулиб қўяқолган, ичида эса: «Дала тўла хотин-қиз бўлса, таплаганини олаверсин, кавушим кўчада қолгани йўқки, уни бировлардан қизгансам!» — деб такаббурилик қилганди.

У ҳам майли! Ҳазрат Уккоша қабристонини ёнида юзингда кўзинг борми демай сочган захри, кўрсатган ўйинлари-чи? «Иесиқ сув баҳона, аслида сохта авлиёнинг қабрини зиёрат қилгани келгансиз», деб шаллақиларча айюҳансас солиб, дилини сиёҳ қилганлари-чи! Менинг йўлимга гов бўлиб, келажагимга болта урмоқчисизлар, деб ҳамманинг олдида кампирни изза қилганлари-чи?

Шўрлик қайнонаси шунда ҳам лом-ним демади. Кўзи-

да мўлт-мўлт ёш, «сенинг йўлингга гов бўлиб, оёғингга болта солгунча, мен ёмон ўла қолганим яхши болажоним!» — деб машина томон пилдираб кетганлари-чи?

Мана, энди бунинг ҳаммаси дилида унутилмас бир армон бўлиб қолди! Қани энди қўйдай ювош, беғубор, безабон, умри қора меҳнат билан ўтган бу меҳри дарё аёя қайта тирилса-ю, Меҳринисо абадул-абад унга хизмат қилиб ўтса!.. Йўқ, энди бу бахт унга ҳеч қачон насиб этмайди, этмайди! Насиб этса, энди у авваламбор брига, қолаверса, қайноғасига хизмат қилади, ўла-ўлгунча хизмат қилади!..

Қайшотаси шўрлик ҳам токи тунов кунни Шоқосим ҳушига келиб, сув сўрамагунча, токи қишлоқдан бу шум хабар келмагунча дарвоза олдида қимир этмай ўтирди. Меҳринисо бир неча марта узоқдан унинг бўроп буккап дарахтдай икки букилган қадди-қоматига кўзи тушганида, олдига бориб, тиз чўкиб кечирим сўрагиси келди, бироқ журъат этмади, чунки қайшотасининг кўзи Меҳринисога тушганда унинг нигоҳида... йўқ, захру зарда эмас, алақандай бетаскин бир мунг: «Нима қилиб қўйдинг, келишим-ов?» — деган унсиз бир саволни пайқади у.

Ажабо, мунг тўла бу унсиз пидони у бир неча бор эришнинг кўзларида ҳам кўрди. Шоқосим сўнгги кунлар бир қошиққина бўлса ҳам овқат еб, бир қултум-ярим қултум чой ичадиган ҳолга келди. Меҳринисо буни ўзи қилгиси, чойни ўзи ичириб, овқатни ўз қўли билан едиргиси келар, бироқ врач Соҳибахон Шоқосимнинг асабийлашишидан қўрқибми, бошиқами, ишқилиб овқатни қошиқлаб ўзи едирар, чойни ҳам ўзи ичирарди!

Меҳринисо эса, бундай пайтларда гўё Шоқосимнинг кўзига тушишдан қўрққандек, бир бурчакка тикилиб, томоғини бўтган кўз ёшларини қулт-қулт ютиб, гужанак бўлиб оларди.

У бир неча марта Шоқосимнинг ўзига сиповчан тикилиб-тикилиб қараганини сезди. Шунда афсус-надоматдан юраги чок Меҳринисо уввос тортиб унга отилмоқчи бўлар, бироқ эри шу захотиёқ ё кўзини юмар, ё бошини тескари буриб оларди. Ниҳоят, бугун, бир ҳафта деганда биринчи бор кечки овқатдан кейин ёлғиз қолганларида Шоқосим бошини билинар-билимас қимирлатиб, Меҳринисога: «Бери кел!» — деб имо қилгандай туюлди.

Меҳринисо юраги қинидан чиққудек гурс-гурс уриб, Шоқосимнинг ёнидаги стулга аста ўтирди, сўнг қаердандир, юрагининг тагидан вулқондай қайнаб чиққан

кўз ёшларини тиёлмай, ўзини эрининг кўксига ташлади-да, овозининг борича уввос солди. У нима қилаётганини ўзи ҳам билмас, Шоқосимнинг қоп-қора соқол босган юзи, қоқсуяк кўкракларидан ўпар, қайта-қайта ўпар ва ҳамон ўзини тутолмай, ўкириб-ўкириб йиғларди.

Шоқосим, аввал қовоғини уйганича миқ этмай ётди, сўнг ўнг кўлини араиғ кўтариб, Мехринисонинг тўзгиган сочларини тузатиб, бошини, юзини, бўйинини силади, силади-ю, тўсатдан гўё мудҳиш бир нарса ёдига тушгандай, кўзларида ўт чақнаб, беҳол бармоқлари титраб кетди.

— Бор, йўқол кўзимдан!

Шоқосимнинг бўғиқ овози нафрат аралаш шундай бир қаҳр билан хириллаб эшитилдики, ҳамон ўпкасини босолмай пиқиллаётган Мехринисо беихтиёр ўридан туриб кетди. У нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, яна эри томон талинди. Бироқ... чамаси тунов кунги воқеалар эсига тушган Шоқосим аллақачон тескари қараб олган эди.

Мехринисо, уввос солиб йиғлашдан қўрқиб, ўзини каравотга отди-да, юзини ёстиққа босиб, хаёлан фарёд чекди:

«Менга инонинг, Шоқосим ака! Агар тепада худо борлиғи рост бўлса... кўриб тургандир: мен сизнинг олдингизда покман! У номард... Мен энди у нокас билан ҳеч қачон ишламайман! У олифтаннинг хушомадларига учганим рост, сиздан гина қилиб адашганларим, уни ҳалол, уздабурро, билагон раҳбар деб, чалғиб юрганларим рост, бироқ... сизнинг олдингизда сутдай оқман! Одамларнинг ёвуз мишмишлари, мени сизга хиёнат қилди, деган нопок гаплар... ҳамма-ҳаммаси бўҳтон! Наҳот умримда йўл қўйган биттаю битта хатоимни кечирмасангиз, Шоқосим ака?»

Эрталаб, доктор опа кирди. Эгнида оқ халат, кўлида қоп босими ва юрак уришини ўлчайдиган асбоблар, одатдагидай жиддий ва хиёл безовта ҳолатда кирди, кирди-ю, бир йиғлайвериб кўзлари шишиб кетган Мехринисога, бир шифтга тикилиб, мум тишлаб олган Шоқосимга қаради.

Мехринисо дарҳол юзини рўмоли билан ўраб, эски шкаф орқасига ўтди. Соҳибахон ҳамма нарсага тушунди чоғи, бир хўрсиниб олди-да, стулни Шоқосимнинг каравоти томон суриб ўтирди.

— Қалай, яхши ётиб турдиларингми, Шоқосимжон?

Шоқосим эшитилар-эшитилмас товушда:

— Раҳмат, опа! — деб уф тортди.

— Хафа бўлманг, ука! Яхши бўп кетасиз!

Шоқосим негадир хижолат чекиб, йўталди:

— Йўғ-э, онажон! Гап менда эмас, сизда. Агар сиз бўлмаганингизда...

— Майли,— деди Соҳибахон.— Бир-биримизни мақтамай қўя қолайлик. Бироқ мана, салкам йигирма беш йил хирург бўлиб, сиздай... жисми ва иродаси мустаҳкам йигитни биринчи кўришим! Сиздан бошқа одам бўлганда бу оғриқларга, билмадим, қандай бардош берарди?

Соҳибахон унинг юрак уришларини, қон босимини ўлчади, бошидаги докаларни ечиб, дори қўйиб қайта борлади, кейин йўлакдан ҳамшира қизни чақириб:

— Қани, келинг-чи! — деди.— Икковлашиб каравотга ўтқазиб кўрайлик! Қарши эмасмисиз, укажон?

— Менга қолса оёққа тургазиб қўйсангиз ҳам қарши эмасман,— деди Шоқосим.

Икковлашиб Шоқосимни каравотга ўтқазиб, қўлтиқларига, орқасига ёстиқ қўйишди. Ўтқазинишаётганларида белгача гипсга солинган Шоқосим, ранги ошпоқ оқариб, тишларини такиллатди.

Соҳибахон безовта бўлиб:

— Умуртқа суягингиз оғримадими? Қайта ётқизиб қўяйликми? — деб сўраган эди, Шоқосим бошини чайқаб кулимсиради:

— Йўқ, йўқ, умуртқам эмас, оёқларим... Майли, зарари йўқ, туришга ўрганишим ҳам керак-ку, аста-секин! Бир умр ётмасман, ахир!

— Бир ойга қолмай туриб кетасиз! — деди Соҳиба ва худди соддадил қишлоқ хотинларига ўхшаб: — Туф-туф, кўз тегмасин! — деб кулиб қўйди. Палатадан чиқаётганида у ҳамон шкаф панасида қунишиб, пусиб ўтирган Меҳринисони йўлакка имлаб чақирди.— Энди сиз кетаверсангиз ҳам бўлади. Ҳар қалай, бола-чақаларингиз бор, катта оила, катта рўзгор...

Соҳибахон чамаси, унинг бу ерда бўлиши Шоқосимнинг дардини енгиллатиш уёқда турсин, баттар асабини қақшатаётганини сезган эди. Меҳринисо:

— Йўқ-йўқ,— деб ёзғирди.— Мен Шоқосим акамларни ўзим олиб келдим, ўзим олиб кетаман!..

У бўғзига келган йиғи фарёдга айланишидан қўрқиб, қўллари билан оғзини босди.

Хайрият, шу пайт ташқаридан Нигора кириб келди-ю, Соҳибахон у билан кўришиб, бошқа палатага кириб кетди.

Шоқосим уни кўрганда чехраси ёришиб:

— Э-э... Нигорахон! — деб хитоб қилди. — Оламда бор-мисан? Нима бало, қахратон қиш бошланганми?

Ҳақиқатан, Нигора худди шимолий кутбдан келаётган эскимос аёлга ўхшар, оёғида этик, эғнида калта пўстин, бошида сувсар қулоқчин, қўлларида чарм қўлқоп эди. У бир чеккада гўё совқотгандай жунжикиб турган Мехринисо билан бош иргаб кўришди-да, қўлларидан қўлқопини, бошидан сувсар қулоқчинини, эғнидан пўстинини ечиб, каравотга ташлади.

— Ха, кечаси тоғда тиззадап қор ёққан эди, бугун мапа, бир соатда эриб йўқ бўлди... Ўзингиз яхши бўп қолдингизми, Шоқосим ака?

— Кўриб турибсан-ку, жаннатдан жой паъда қилсалар ҳам у дунёга кетинини истамадим...

— Қўйинг, бунақа деманг. Бирам қўрқдик, бирам қўрқдикки...

Шоқосим сочларини калтагина қирқтириб, худди ёш йигитчага ўхшаб қолган бу кичкинагина бежирим жувонга аллақандай меҳр билан тикилиб:

— Ҳалиям тоғдамидинг, Нигора? — деб сўради.

— Тоғда эдик. Агар қор ёғмаганда... бор-йўғи яна бир-икки ҳафталик ишимиз қолувди-я?

— Шунда нима бўларди? Америка очармидиларинг?

Нигора совуқда қизариб, гул-гул ёнган юзларини қошиқдеккина кафтлари билан шиқалаб кулди:

— Ё Америка очардик, ё Америкамиз чиқарди!

Мехринисо ҳамон нима қилишини билмай, пойгакда турарди. У эри билан бу қўғирчоқдеккина жувон ўртасида азалдан қандайдир жуда илиқ, жуда самимий мувосабатлар борлигини билар, хатто бир маҳаллар эрини ундан рашк қилган мавридлари ҳам бўлган эди. Бироқ Шоқосим буни эшитиб, қотиб-қотиб кулганди.

— Сен билмайсан, Мехри! — деган эди Шоқосим ўшанда.— Бўйи бир қаричгина бу қизинг ичи тўла ақл! Агар тарози налласига солинса ақли жисмидан оғир келади. Унинг билмагани йўқ! Сухбати шундай ширинки, эшитиб, тўймайсан!

Мехринисо жаҳли чиқиб:

— Унақа бўлса, бўйи бир қарич, ақли ўн қарич шу жононга уйланиб қўя қолмабсиз-да! — деб ўпкалаган эди, Шоқосим хотинининг кесатигига шарақлаб кулиб:

— Йўқ-йўқ! Бу дунёда сенга етадиган жонон йўқ! — деб хазил-ҳузул билан аранг қутулган эди.

Ҳозир бу гаплар эиға туиған Меҳринисо баттар ўк-
сиб, секин палатадан чиқди.

Йўлак одамға тиқилинч, касал кўилигидан бўлса ке-
рак, панароқ жойларға ҳам раскладушклар қўйилган,
хаммаёқ гала-говур, биров чой қўйган, биров электро-
плитада овқат иситган...

Меҳринисо пальто кийиш ёдидан кўтарилиб, фақат
нимчада чиққан экан, тивит рўмолиға ўраниб олди. Таш-
қарида, боя Нигора айтганидек, офтоб чарақлаб турар,
кечаси ёққан қор деярли эриб кетган, фақат томлар,
кўчалар, дарахт шохларининг соя томонларинна оппоқ
эди.

Меҳринисо ховлиға, офтобшувоққа чиқиб, Нигорани
кута бошлади. У негадир бу митти аёлға ёрильгиси, тунов
кунги ҳазрат Уккошада кўрсатган ўйинларидан ўзиям
изтироб чекаётганиға иқроп бўлиб, юрагидаги дардларини
тўкиб сольгиси келар, айни замонда хавотирда эди, на-
зариди, Нигора уиға совуқ муомала қиладигандай, дардла-
риға тушунмайдигандай эди.

Нигора ичкарида узоқ ўтирди. Меҳринисо тоқати тоқ
бўлиб, қайтиб кираман деб тургандағини, эшикда Ниго-
ра кўриди. У тез юриб келди-ю, Меҳринисоға синов-
чан тиқилиб:

— Нега бу ерда турибсиз? — деб сўради фавқуллодда
илиқ, самимий овозда.

Унинг товуннидаги бу ачиниш аралани хайрихоҳлик
Меҳринисонинг юрагини жизиллатиб юборди.

— Нигора она! — деди у хаяжондан «қулт» ютиниб.
Сизға айтадиган икки огизгица гапим бор эди...

— Гапингиз бўлеа... — Нигора пўстинининг енгини
тортиб, қўл соатига бир қараб қўйди. — Кийиниб чиқинг.
Совқотиб қоласиз!

— Йўқ-йўқ... Кун илиқ-ку, хеч нима қилмайди, — де-
ди Меҳринисо.

— Юринг бўлмаса, холироқ жой тонайлик.

Улар шифохона рўпарасидаги ўртасиға кичкинағина
фонтан ўрнатилиб, атрофиға скамейкалар қўйилган гул-
зор томон ўтишди, бирок ўтиринмади.

— Эшитаман, Меҳрихон!

Меҳринисо беихтиёр бошини эгди.

— Сиз... сиз мендан ҳазар қилсангиз керак, Ниго-
ра она... Тунов кунги ҳазрат Уккошада кўрсатган ўйинла-
рим учун нафратлаангиз керак...

Нигора қўлқопини ечиб, Меҳринисонинг қўлини олди.

— Қўйинг, Меҳринисо. Ўтган ишларни кўп ўйлаб, кўп эзилаверманг. Энг муҳими — хатонигизни тушуниб-сиз, бошқаси... ҳаммаси яхши бўли кетади. Сизнинг эрингиз ва қайипотангиз Шораҳим амаки... булар олтин одамлар, Меҳрихон!

Меҳринисо беихтиёр қуйилиб келган кўз ёшларини култ-култ ютиб, арабг гапирди.

— Биламан. Илгари кўр эканман, бу мудҳиш воқеадан кейин кўзим очилди, Нигора она! Бироқ буёқда эрим, уёқда қайипотам... ундок бўлди. Энди нима қиламан, қайипотамнинг кўзига қандай кўринаман? Шуларни ўйлаб, ўйимнинг тагига етолмайман...

Нигора этигининг учи билан ер чишиб, анчагина сукутга чўмиб турди, сўнг гўё унга озор беришдан қўрққандай, секин гапирди:

— Мен нима ҳам дейман, Меҳрихон? Чамаси, сиз мени ҳамма нарсага йўл тониб бера оладиган доно хотин деб ўйлаянесиз шекилли. Мен ҳам сизга ўхшаб... Энди билдим: дунёда оиладан нозик нарса, оиладан азиз нарса йўқ экан. Биз бўлсак, нуқул иш деб, эрларимиздан қатимиз кам деб, улар билан пойга тушиб, оилаларимизни, жонимиздан ортиқ кўрган фарзандларимизни эсимиздан чиқариб қўямиз. Ҳолбуки, оилами қадрлаганда ишни, ишми қадрлаганда оиламизни эсимиздан чиқармаслигимиз керак экан. Кўриб турибман: бу фалокат сизга катта сабоқ бўпти! Сабоқ бўлгани яхши. Қолган ҳаммаси низга тушиб кетади. Чунки сизнинг эрингиз билан Шораҳим амаки жуда бағри келг, кечиримли кишилар. Меҳрихон, мени одамлар кутиб қолишиди. Бўлмаса... қанча десангиз, шунча гаплашардим. Омон бўлинг, сизглим!..

Нигора шундай деб, оёқлари учида кўтарилиб, Меҳринисонинг у юзи, бу юзидан чўли-чўли ўнди-да, дарвоза томон чопқиллаб кетди.

Тик пешонага келган офтоб оламга аллақандай ночор, бироқ илиқ ёғду сочиб, ҳаммаёқни чарақлатиб юборган, завққа тўлган чумчуқлар чирқ-чирқ қилиб, шохдан-шоҳга сакрашар, Меҳринисонинг назарида, офтобшувоқда ўтирган хасталарнинг чеҳралари ҳам боягидан ёришган эди.

Меҳринисо, гарчи Нигоранинг гапларидан кейин кўнгли хиёл кўтарилса ҳам хануз кўнгли гаш, бир-бир босиб шифохонага қайтди. Йўлакдан журъатсизгина юриб бориб, эшикни очди, очди-ю, дарҳол ёпди. Ичкарида қайипотаси

Шораҳим шоввоз билан... Нигоранинг дадаси Расул Нуриддинов ўтиришарди!

Меҳринисо эшикка суяганича, юраги гуп-гуп уриб, анча турди. У бир ўйи эшикни шартта очиб ичкарига киргиси, худди кеча ўзини эрининг бағрига отиб йиғлагандай қайночасининг оёғига тиз чўкиб, кечирим сўрагиси келди. Бироқ юраги дов бермади...

Йигирма учинчи боб

Беҳзод ёдгорликнинг очилиш таптаналарини кутмасликка аҳд қилди.

Ёдгорлик тайёр эди. Беҳзод ўз шоғирдлари билан энг сўнгги ишларини тугатган, фақат Марказдан комиссия келиб қабул қилиб олиши-ю, очилиш таптаналаригина қолганди, холос. Лекин Тошкентдан келадиган комиссиядан бир ҳафтадан бери дарак йўқ, негадир ишчи пайсалга солишмоқда эди. Бу орада Беҳзод бир неча марта Тошкентга, оғайниси Шерзод Комиловга телефон қилди. У эса гоҳ иш кўплигини, гоҳ комиссия аъзоларини тўплай олмаётганини рўқач қилиб, ишчи орқага ташларди.

Бундан икки кун муқаддам Тошкентдан қайночаси Расул Нуриддинов келганди. Рост, у Беҳзоднинг монументини кўриш учун эмас, қишлоқдаги қайси бир оғайнисининг таъзиясига келганди. Қайтишда ёдгорликни бориб кўрди, кўрганда ҳам эринмай, тоза синчиклаб кўрди. Дам яқинидан, дам олисдан, гоҳ пастдан туриб, гоҳ юқорига чиқиб, яна бирда «айланиб-ўргилиб» дегандек, обдан «ўрганди». Охирида негадир кўзига ёш олиб, Беҳзоднинг пешонасидан ўпди-ю, унинг ҳам кўзидан ёш чиқариб юборди. Лекин кетаётганида яна маҳзун ҳолатга тушиб:

— Албатта, асаринг атрофида ҳар хил гаплар бўлиши эҳтимолдан холи эмас, — деди уф тортиб. — Аммо сен буни кўнглингга қаттиқ олиб, азият чекмагин, болам. Чунки ўзинг биласан, катта асарлар катта эҳтирос, катта фикр, катта тортишувлар уйғотиши табиий. Сапъатда фақат жўн ва ўртача нарсаларгина силлиққина ўтади. Сен эса... бу асарингга бутун юрагингни жо қилиб, поёб бир нарса яратибсан! Қолгани бўлаверади. Балки катта мунозаралар бўлар, биров ундай дер, биров бундай, бироқ бу асарни ҳеч ким инкор этолмайди, болам!

Чол Беҳзодни илгарилари ҳам кўп суяган, айниқса,

Нигорага уйланмасдан аввал унинг ижодини ўйлаб кўп қайғурар, кўп жон куйдирар эди, бироқ ҳеч қачон бунчалик тўлқинланиб гапирмаган, ўзи ҳам ҳаяжонланиб, Беҳзодни ҳам бунчалик ҳаяжонга солмаган эди!

Қайнотаси қишлоқдаги оғайнисига боғлиқ жуда зарур ишлар чиқиб қолганини, шунга қарамасдан марказдан келадиган комиссияни жадаллаштиришни ваъда бериб, серташвиш ҳолатда жўнаб кетди. Шу сабабми, бошқами, қайнотаси кетаётиб, на Нигора тўғрисида сўз очди, на неваралари ҳақида! Қайнотаси авваллари ҳам уларнинг оилавий ишларига кўп аралашармас, бироқ неваралари ҳақида, тўғрироғи, фарзанд олдидаги ота-она бурчи тўғрисида бот-бот гап очиб турарди. Бу сафар негадир неваралари тўғрисида ҳам лом-мим демади. Беҳзод, гарчи ичидаги дардларини ҳаммадан пинҳон тутса ҳам сўнги пайтларда Нигорани кўп эслаб, ўғилчаси билан қизчасини жуда соғиниб қолган эди. Шу бонс қайнотаси оилавий ишларини суринштириб, Беҳзодни қаттиқ койинини истагани, бўлмади.

Кеча Тошкентдан оғайниси Акмал келди. Беҳзод унда уёқда бўлаётган гапларни зимдан сўраб-суриштирган эди, Акмал чайналиб, аниқ бир жавоб бермади, ҳадеб гапнинг нишабини бошқа томонга буриб, монументни кўрсатишини илтимос қилаверди.

Беҳзод у айтмаса ҳам Акмалнинг нимага чайналаётганини тушунди, тушунди-ю, ёдгорликка боринга ҳам тоқати етмади. Акмалга ёрдамчиларини қўшиб берди-да, ўзи меҳмонхонада қолди. Ажабо: Беҳзод ўз ёдгорлиги устида кеча-кундуз тинмай ишлаган чоғларида, ҳатто уни тушларида кўриб чиққан пайтларида ҳам, асарининг бўлгуси тақдири ҳаёлига ҳам кириб-чиқмаган эди. Ижод захматлари, «ўлик» тошларга жон ато қилгувчи образлар, айниқса, бу образларнинг болалик эсдаликларига, севимли бувиси, тоғаси, ойисининг мунгли хотираларига уланиб кетиши унинг ҳаёлот оламини шунчалик банд этган эдики, Беҳзод асар битгандан кейин, унинг тақдири қандай кечади — буни ўйлашга ҳам фурсати қолмаган эди.

У бир неча йил давомида фақат шу битта қалб рози билан — ўзи билан ўзи севган азиз жигарбандлари на уларнинг дарду ҳасратларини ифода эта оладими, йўқми — фақат шу ўй, шу ҳаёл билан банд эди! Буни кечаю кундуз ўйлайвериб, эскиларини қайта-қайта чи-завериб, кейин эса, метиндан ҳам қаттиқ тошни йўнаве

риб-йўнавериб, ўз асарининг «жинги»сига айланиб қолган эди!.. Лекин энди ўйлаб қараса, бу ижод «тўлғоқ»лари, уларга боглиқ нотинч ўйлар, оғир меҳнат билан ўтган ўша серташвиш-сермашақдат пайтлар умрининг энг ганимат, энг бахтиёр онлари экан! У чоғларда ижод ташвишидан бошқа ташвиши йўқ эди унинг! Асар тугаганда нима бўлади, унинг тақдири нима кечади, деган ўй ҳатто тушига ҳам кириб-чиқмас эди! Мана энди, ижод «тўлғоғи»дан қутулиб, асарини кўлдан чиқарди-ю, гўё билан куч, белига қувват бериб турган азия бир нарсасидан айрилган одамдай, кўнгли бўм бўш бўлди-қолди. Боз устига, монументал санъат кенгашида бўлиб ўтган фиёқу фасод гаплар қулоғига чалиниб, кўнгли хира, чироқ ёқса ёришмай қолди. Эҳтимол, Нигора билан фарзандларини тез-тез эслаб, уларни қаттиқ соғинаётганининг сабаби ҳам шундадир? Шу боси, сўнги кунларда бу ерда комиссия кутиб ўтаётган ҳар бир дақиқа бир йилга татийдиган бўлди. Албатта, машинага ўтириб, бир этиб, эрталаб Тошкентга тушиб, кечқурун қайтиб келиши ҳам мумкин. Лекин, биринчидан, Нигора, эшитишича, ҳануз шу ерда, тоғда. Кўкламдаги низо-шифоқдан кейин Бехзод у билан учраниб, «сулҳ» эълон қилишга сира юраги дов бермайди, чунки Нигора унинг «сулҳ»ини қабул қиладими, йўқми — билмайди. Болалар эса... қайнонасининг қўлида... Қайнонаси эса ҳамма айбни унга тўнкаб «қизимни бахтиқаро қилдинг», деб нолигани болган.

Пешинда ёдгорлик кўришга кетган Акмал кечқурун қоронги тушганда қайтиб келди.

У келганда Бехзод ҳамон ўша гамгин ўйлар гирдобида, хонада танҳо айланиб юрарди. Акмал эшикда бир зум тўхтаб:

— Қаллаварам! — деб бақирди. — Шундай асар яратган одам шу тор хонада мотам тутиб ўтирадими? Осмонга санчиб, еру кўкка енгмай яйраб юрмайсанми, дардисар! — Акмал шундай деб, Бехзодни даст кўтариб, диванга отди-ю, эзгилай кетди.

Соҳт-сумбати келишган, самбога тушавериб кўкракларини қашнайиб кетган Акмал нимжон-пачоргина Бехзодга икки баравар келарди. Бехзод унинг тагида тузоққа тушган қушдай питирлаб, қучоғидан чиқиб кетишга интилар, овози хириллаб: «Қўйвор, айиқполвон, қўйвор!» — деб жон-жаҳди билан олишар, бироқ Акмал унинг питир-ши-

тирларидан баттар завқланиб, тор уйни бошига кўтариб кулар ва ҳадеб: «Латта! Мен сенинг ўрниңгда бўлсам, ҳозир бутун дунёга жар солиб, бутун республикага зиёфат берардим, тентак!» — деб қичқирарди. Ниҳоят, Бехзод пайт пойлаб туриб, унинг қорнига бир тепган эди, Акмал: «Хм-м, ўлдирдинг-ку, даъюс», деганича дивандан ағдарилиб тушди.

Бехзод уст-бошини тўгрилаб ўрнидан турди:

— Қалай, шу зиёфат етадимми ё тагин биттасини ейсанми?

— Номард! — деди Акмал ҳамон қорини силаб. — Яхшиликка ёмонлик экан-да, бундан чиқди. Бўлмаса, ҳақиқатни билиб қўй, қилтириқ даҳо: сариқ чақага арзимайди қилган ишинг! Ҳалим ширин билан «момақалдироқ» ҳақ, бадиний асар эмас, халтура яратибсан, тўпори! Комиссия аъзоси сифатида ер билан яқсон қиламан бу бачкана асарингни...

— Қўлингдан келганини қил! Сенга ўхшаган истеъдоддан йироқ халтурачилар қачон кампадек буюк талантларнинг қадрига етибдики, энди етасанлар? Ичиқора ҳасадгўйлар!

— Шунақа де? Буюк санъаткор бўлдим де?

Бехзод яйраб кулди.

— Бахилнинг боғи кўкармас! Қорнингни силайвермай ўрниңгда тур, ичиқора! Рўнарангда тирик даҳо турибди! Акмал инграб ўрнидан турди:

— Тирик классикнинг уйидан бир пиёла шампань топиладими ё унияи ўзим тошиб келайми?

— Классиклар ичкилик ичмайди, водон! Сенга ўхшаган ўртамиёна бўёқчиларга юққан касал бу — шампанхўрлик!

— Йўқ, рост! — деди Акмал жиддий. — Мен бундай асар яратсам... қанот боглаб учиб кетардим!

Бехзод бирдан алақандай рафтори ўзгариб:

— Йўқ, чинингни айт, дўстим! — деди ёлвориб. — Чиндан ёмон эмасми, ишим?

— Ёмон эмасми дейди-я? Айтяпман-ку, бундай асар яратсам, қуш бўлиб осмони фалакка чиқиб кетардим, деб. Менга қара, гений, — деди Акмал, кўзлари мугамбирона чақнаб. — Яна бир хушхабар айтайми?

— Хўш?

— Суюнчисига нима берасан?

— Ўша, ўзинг сўраган бир бокал шампань!..

— Қори Ишқамба бўй кет-э, покас!.. Нигора бориб кўриб кетди тўпори асарингни!

Беҳзод бир ҳатлашда унинг олдига бориб, ёқасидан ушлади.

— Рост айтяпсанми? Қачон?

— Боя мен борганда у ҳам келди..

— Қасам ич!

— Қасам эмас, шампань ичаман, — деди Акмал. — Хасис! Плюшкин!

Беҳзод гўё унинг гапларини эшитмагандек:

— Нима деди? — деб сўради аллақандай энтикиб.

— Нима дерди? Шуям асар бўлди-ю, деди. Монумент эмас, йўнилмаган тўнка, деди!..

— Бачкана ҳазилингни қўй! — деди Беҳзод, овози титраб. — Ҳозир мен учун унинг баҳоси сенинг баландпарвоз гапларингдан минг чандон муҳим!

— Муҳим бўлса бориб ўзидан сўра!

— Қани у?

— Ўз хотини қаёқда юрганини билмайди-ю, менга пўписа қилади! Тошкентга кетди «Жигули»сини суриб! Бўлди, кўп ўқрайверма! Хотинингни бунақа яхши кўрар экансан, хўрозқанд талашган боладай аразлашиб юришингга бало борми? Ўпкангни бос: унгаям ёқди асаринг! Ёнидан кетолмай бир соат гир айлашиб юрди атрофида!

Беҳзод индамай бориб жойига ётди, ётди-ю, комиссиясини ҳам, бошқасини ҳам кутмай, дарҳол Тошкентга жўнашга аҳд қилди.

Эрталаб, хона гира-шира пайтида ўрнидан турди. Уйни бошига кўтариб, хуррак отиб ухлаётган Акмални уйғотиб юбормаслик учун «тиқ» этган товуш чиқармай кийинди-да, оёқ учида юриб хонадан чиқди.

Икки кун муқаддам ёққан қордан пом-пишон қолмаган, осмон артилган шишадай мусаффо, офтоб ҳали чиқмаса ҳам ажиб шаффоф ҳавода олис тоғлар гўё ўн чақирим яқин кепқолган эди!

Беҳзод меҳмонхона ҳовлисида турган «Москвич»и устидан тарашадай қотиб қолган брезентини аранг «ечиб», машинасини ўт олдирди-да, ҳали жимжит, камқатнов кўчалардан учиб кетди.

Мана, уйқудан энди уйгонган гўдакни эслатувчи сокин шаҳарча орқада қолди, сал ўтмай, анча овлоқда, катта йўл ёқасидаги баланд қоя устига қурилган ёдгорлик кўзга чалинди. Узоқдан у худди паранжи ёнинган аёлга ўхшарди...

Сал ўтмай, уфқдаги нафис булутларни ёриб офтоб

ҳам юзини кўрсатди, кўрсатди-ю, бутун олам — йўл бўйидаги дарахтлар, эндигина шудгор қилинган далалар, ёдгорлик ортидаги арчазор тоғлар — ҳамма-ҳаммаси маъсум келинчакдай очилиб, яйраб-яшнаб кетди.

Беҳзод машинасини тепалик олдида тўхтатди, яхлит чўнг тошлардан ясалган зиналардан юриб, қоя устига чиқди. Унинг ёдгорлиги учун гўё табиат ўзи яратган бу қоя салкам терак бўйи келар, шу боис унинг устига қурилган, баладлиги беш метрлик монумент пастдан кўз илгамас балад туюлар, ўзиям худди ҳали битмаган улкан мақбарани эслатарди.

Чамаси, кеча Акмал билан Пигора арқонларни ечиб, брезентни очиб кўришгану, кетишда яхши ёпишмаган, чунки брезент бир томонга оғиб, арқонлари чатишиб қолганди.

Беҳзод арқонни ечиб ўтириши шарт эмас. Уч йил умрини бахш этган бу муаззам ҳайкалнинг ҳар бир чизиғи унинг кўз олдида турар, ўз шеърини ёддан билган шоир каби, у ҳам ўз асарини ёддан биларди.

Тўсатдан Беҳзоднинг кўнглини ҳазин бир туйғу чулғаб олди, гўё у ўз фарзанди билан видолашаётгандай туюлди-ю, шу маҳзун ҳисга бўйсуниб, чувалашиб кетган арқонларни ечди. Сўнг шошилмай брезентни кўтарди, кўтариши билан беихтиёр юраги «жиз» этди. Йўқ, Беҳзод янглишмаган: у дилидаги энг азиз эсдаликлари, болалик чоғларидан бери ором бермай келаётган аламли ўйлари, мушфиқ бувиси тўғрисидаги ёруғ хотиралари, урушга нафрати, ҳамма-ҳаммасини бамисоли мунгли, аммо қалбларни ларзага солғувчи жўшқин бир куй янглиғ шу чўнг, гадир-будур тошларга жо қила олган эди!

Беҳзод ўзи яратган бу хиёл гамгин, аммо улугвор «куй»га жимгина тикилиб тураркан, тўсатдан кўз олдига ҳар кунни унинг мактабдан қайтишини кутиб, эшикка тикилиб ётадиган дардманд бувиси келди, унинг: «Нима қилиб қўйдинг, болажоним-ов! Сенинг кўксингга теккан фашист ўлгурнинг ўқи меннинг кўксимга тегса бўлмасмиди?» деган фарёди кулоқлари тагида қайта янграгандай туюлди, туюлди-ю, бирдан тинкаси қуриб, ёдгорлик пойига чўкди.

Уфқда офтоб одам бўйи кўтарилган, катта йўлда уёқдан-буёққа ўтаётган машиналар кўпайган эди. Баъзан машиналар монумент олдида тўхтар, улардан тушган одамлар қоя пойида хаёлга чўмиб ўтирган Беҳзодга таажжуб

билан тивилпшар, лекин унга сўз қотишга печупдир журъат қилмай, йўллариди давом этишарди.

Аста-секин Бехзоднинг дилидаги ғубор худди офтобда «эриб» кетган тумандай тарқаб, унинг ўрнини аллақандай сокин бир туйғу эгаллади. Сал ўтмай, бу сокинлик умрида ҳеч қачон ҳис этмаган ифтихор аралаш устивор ишонч билан алмаиди.

Бехзод сермашаққат ижод йўлига қадам кўйибдики, шу бугун умрида биринчи марта ўз истеъдоди ва имкониятидан юксакроқ бир асар яратганига ишонди. Бунга бошқаларнинг мақтови, билимдон, поэктияб қайиотаси-ю, дўсти Акмалларнинг ҳайратомуз хитоблари эмас, йўқ, фақат чин санъаткорларгагина пасиб бўлган поэтик ички бир туйғу ишонтирди уни. Ишониши билан аса сўнгги кунларда чеккан барча ташвишлари — комиссия келадими, йўқми, келган тақдирда ҳам қабул қиладими ё бирор айб тоғиб инкор эътадими — бунинг ҳаммаси панихтадап ҳам майда, чиркин бир нарса бўлиб кўринди кўзига! Энг муҳими — асар яратилган, унинг қалбида урушга қарши исён ва нафратни, мушфиқ бувиси билан севимли тоғасига боғлиқ эсдалликлари, дарду ситамлари — ҳаммасини ифода эта олган, демак, бонқалар дилида ҳам шундай жўшқин ва эзгу ҳислар уйғотишга қодир поёб бир асар дунёга келган! Шундай экан, анов майда-чуйда ташвишлару асаримнинг тақдирини нима кечади, деган нотинч ўйлар кимга керак ўзи? Бу асар олдида Халим Салимович билан «момақалдироқ»дай ичиқора бахиллар уёқда турсин, Шерзод Комилов каби зохиран кулиб туриб, ботинан оёқдан оладиган эски «қадрдон»лари ҳам ўтаверсин! «Гиря»дай асарини бунёд қилган одамнинг «момақалдироқ»дай майда-чуйда ҳасадгўйлардан чўчиб юриши... унда чин санъаткорларга хос гурур ва ишончнинг заифлигидан далолат бермайдими? Беради!..

Марҳамат, комиссия юбориб, асарини қоралаб кўришин! Иғво қилишиб, йўққа чиқариб кўришин! Бехзод асари атрофида бўлаётган бу майда гапларни ўз истеъдодига муносиб бир салобат ва сокинлик билан қабул қилади! Чунки қайиотаси айтганидек, гоҳо чин санъат асари ҳам вақтинча қораланиши, ҳатто инкор этилиши мумкин! Лекин уни ҳеч ким йўқ қилолмайди, давр унга ўз баҳосини беради!

Ўзи учун туриб бера олади, ўзи учун ўзи кураша олади яхши асар!

Беҳзод шу фикрга келди-да, шартта ўридан турди, тураркан, туйғулари кулф уриб, олам боягидан ҳам ёруе, осмон боягидан ҳам мусаффо кўриди кўзига. У комиссияни кутмай, шу купик Тошкентга жўнаб кетди.

Йигирма тўртинчи боб

Расул қишлоқдан қайтишдан аввал Шоввоз билан холи ўтириб, узоқ гаплашди. Улар яна маъсум ёшлик чоғларини эслашиб, бир кеча-кундуз ётиб дардлашишди. Аммо... юраклари дарду хасратга тўлиб кетган экан, қанча гаплашишимасин, гаплари тугамас эди. Рост, ҳар иккови ҳам кейинги маъсум воқеаларни четлаб ўтишга, уларни эсга одмасликка кўн уришди. Бироқ ҳарчанд уринишмасин, четлаб ўтолмадилар. Гап айланаиб, тағин Ойсулвнинг ўлими-ю, ота-бола Фармоновларнинг қилмишларига бориб тақалаверди.

Расул, гарчи Шоввоз сўрамаса ҳам Музаффар билан учрашганида ораларидан ўтган гапларни гапириб берди. Юзасининг сўзи тузсиз дегандек, Музаффарнинг ўша кунги кўрс, тақаббур муомаласи, эгасидан ўгриси зўр келти, қабилидаги ноҳақ гиналарини эсласа Расул жазаваси тутиб, кечалари уйқуси қочиб кетарди, у шуни айтиб, ҳақиқатни юзага чиқаришга астойдил бея боғлаганини, бироқ иппи нимадан бошлашнинг билолмай, боши қотиб қолганини гапирган эди, Шоввоз аввал миқ этмай узоқ ер чизиб ўтирди, кейин дўпписини эвасига суриб:

— Йўқ, — деди катта, залварли қўлларини Расулнинг тиззасига қўйиб. — Яхшиси, сен бу ишларга аралашмай қўя қол, огайни! Ҳалиям бўлса кураша олади, Шоввоз! Аммо... Мен умримда бирор марта бировнинг устидан араз қилмаганман, энди, қариган чоғимда, Музаффарнинг устидан араз қилиб юраманми, Расул?

Расул долу ҳайрон ёқасини ушлади:

— Кеча бошқача гапирувдинг. Ҳоврингдан тушибсан...

— Йўқ, Расул! Бугун ҳам ҳовримдан тушганим йўқ. Мен биламан: бу ишлар босди-босди бўлса... Ота-бола бешбаттар ҳовляқиб, одамларнинг бошига чиқиб олишлари турган гап!

— Бўлмаса, нега кечаги шахтингдан қайтдинг! Бир нарсадан чўчияпсанми ё?

Шоввоз дўпписини пешонасига дўндириб, ўшшайди:

— Ҳозир-ку, бундай зўравонларнинг тагига сув кетган кураш даври! Бу ўпка давру даврон суриб, ҳаммани

оёғи билан кўрсатиб юрганида ҳам ундан кўрққан эмас Шоввоз! Бахтига... ношуд зурёдиннинг омади бор экан. Алам устида қўлимга тушмади тунов кунн. Ўзини деразадан ташлаб қочди! Агар, ўшанда қўлимга тушганида уни парча-парча қилиб, бурдалаб ташлармидим, худо билади! Мен бошқа парсадан кўрқаман, Расул!

— Хўш?

— Эрта-индин ўғлининг устидан иш кўзгалса... олдимга йитлаб келиб, оёғимга йиқилади бу помард!

— Бу гапнинг тўғри, лекин у ҳозир фарзанднинг қилмишларини босди-босди қилиш пайида кеча-кундуз чопиб юрмаганмикан «огайшимиз»?

Шоввоз, гўё Расул ёмон бир гап айтгандай, унга ўқрайиб қаради:

— Чопиб ҳам кўрсин, қани! Чопганда қаёққа бораркан ҳозир? Корчалон фарзанди совхозга кентики, кўзбўямачилик билан шугуллансин! Приписка қилмадинг деб, ҳалол одамларини индан хайдасин! Тушпа-тузук келишимини йўлдан уриб, ўғлимни майиб қилсину, у муттахам бўлса, помард зурёдиннинг бу қилмишларини ёшиглиқ қозонни ёшиглигича қолдириш пайида чопиб юрсин! Бутун алу юрт инсофу адолат деб, оёққа турган шу олов қушларда-я?

Шоввоз, чўяндай қорамтир муштини ҳавода силкитиб, кимгадир ўдагайлади-ю, погаҳон хиёл шаптидан тушиб, давом этди:

— Йўқ, бу ишнинг босди-босди бўи кетишини ўйлаб гап чекаётган Шораҳим йўқ, Расул! Мен кўрқсам... У фирромнинг оёғимга йиқилиб, Гоби саҳросини эслаб обидийда қилнишдан кўрқаман, холос! Нега де?

— Нега?— деди Расул кулимсираб.

— Нега, билмадим, нима бало бўлган менга? У даъюс ёшлик палламизни эслаб, Хинган тоғларидан гап очса бас, камина... хотин кишидан бешбаттар кўнглим бўшаб, эриб кетаман, Расул!

Расул биродарининг дил розларига жимгина қулоқ солиб ўтираркан, умрида биринчи марта бу пок, мард, тапти одам билан дўст бўлиш бахтига муяссар бўлганига ичда шукрона қилди. Фақат бир нарса уни қайта-қайта қийнади: Шораҳим билан шунча дўст бўлиб, неча марта унинг болаларча самимий суҳбатлари, сахий дастурхонидан бахраманд бўлибди-ю, ўзи бирор марта уни ёлчитиб меҳмон ҳам қилмабди. Эзгуликнинг кечи йўқ, албатта, бу ишнинг энди қилса ҳам кеч эмас, бироқ... шўрлик Ойсулув йўқ энди!

Пушаймон аралаш бу потини үйлар Расулга шаҳарга қайтгандан кейин ҳам тишчилик бермади. Шу боис, қишлоқдан қайтган кунин Иван Харитоновичга телефон ҳам қилмади, хатто ундан олдин қайтиб келган қизи Нигора билан ҳам очилиб гаплашмади. У кечаси иш хонасига қамалиб олиб, қишлоқда юганида келган хатларни кўздан кечириб чиқди.

Эрталаб уни Манзураҳон уйғотди. Расул рўпарасида турган хотинини танимай қолди. Сал сузилган кўзларида аллақандай сирли қувонч, тўладан келган юмалоқ юзида мамнун табассум:

— Ҳа, жа-а, қайфлари чогу, хоним? — деб сўради Расул. — Сабабини билсак бўладими?

— Сабаби... арзанда шогирдингиз бош эгиб келдилар! Расул ичи чиरोқ ёнгандай ёришиб кетди.

— Нима, бирор совға-салом кўтариб келтирми? Жа, бошлари осмонда?

— Бе, совға-саломини билармиди шу стимчангиз? — деди Манзураҳон лабини буриб.

— Бўлмаса, намунча оғизлари кулоқларида?

— Гап менда эмас, қизингизда. Қизингизга ҳайронман, хўжайин!

— Қизимга нима қипти?

Манзураҳон қошларини чимриб, диванга ўтирди.

— Телевизорда шоирлар айтганича бор. Ҳозирги ёшларга сира тушуниб бўлмайди. Бундан олти ой аввал эри билан ажрашмади деб, ҳасратидан чанг чиқиб келган қизингиз... энди эрининг бўйнига осилиб, йиглаб қарши олса-я?

Расул, қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Нима бало? Норозимисан шунга?

— Нега порози бўлар эканман? Шунчаки... Ҳозирги ёшларга ҳайронман деяман-да!

— Гўё ўзлари ҳеч қачон ёш бўлмаганлар!

— Биз ёшлигимизда...

— Ҳа, ёшликларида ўзларидан ифбатли, ўзларидан боадаб қиз бўлмаган! Қўйинг шу гапларини, азизим! Ўз ёшлигини мақтаб, ҳозирги ёшларга пўнғиллайвериш — қарилликнинг биринчи аломати, жоним!

Расул тўсатдан аллақандай меҳри тошиб, хотинининг елкасидан қучди:

— Ундан кўра, чой-пойингга қара! Бошимиз бир қўшилиб қопти! Биз ҳам одамларга ўхшаб бир яйраб отамлашайлик, азизим!

— Чиқаверишг, ҳаммаси тайёр!

Хақиқатан, Манзура айтганича бор: меҳмонхонада хуш-хандонлик авжида: бурунгида ҳам қорайиб, эти устихонига ёнишиб қолган Бехзод устига ўгилчаси биян қизчасини ўтқазиб, «туя» бўлиб, ерда эмаклаб юрар, ўгилчаси қўлидаги хишчин билан уни аёвсиз савалаб «чух-чух»лар, шунда Бехзод «бух-бух»лаб лўкиллар, бола-ларга қўшилиб Нигора ҳам қотиб-қотиб кулар, ҳаммаёқ ағдар-тўнтар, тўс-тўнолон, бироқ ҳеч ким буни сезмас, хонани хуррам қийқириқ тутган эди.

Ўгил набираси останада бувасини кўриб, хушнуд кичқирди:

— Келишг, буважон! Сиз ҳам мининг туямга! Маза қиласиз!

Расул кулгидап ўзини тиёлмади.

— Туинг жуда ориқ экан, мени кўтара олмайди-ёв, болам!

— Кўтаради, буважон, кўтаради! Кўтаролмаса — хишчин билан савалаймиз! Мана бунақа қилиб савалаймиз! — невараси шундай деб, яна дадасини аёвсиз савалай кетди.

Нигора қувончдан порлаган кўзлари билан дадасига қаради, сўнг:

— Бунақада «туя»ини ўлдириб қўясан-ку! — деб кулди-да, ўгилчаси билан қизчасини шартта кўтариб, хонадан чиқиб кетди. Бехзод ўрнидан тураркан, пешонасидаги реза-реза терларни артиб, аллақандай гуноҳкорона жилмайди.

— Буларни жа соғиниб қолман, дада.

— Хайрият, — деди Расул. — Мен фарзандларингизни батамом қалбингиздан ўчириб ташлабсизми, деб ўйлабман. Хўш, қани, дастурхонга марҳамат. Ишлар нима бўлди? Комиссия бормадими?

Бехзоднинг лунжлари ичига ботиб кетган қорамтир юзи баттар қорайиб, ерга қараб пўнгиллади:

— Комиссия борадими, йўқми, мен учун энди ҳеч бир аҳамияти йўқ, дада!

— Нега?

— Чунки... — Бехзод қайнотасига бир хўмрайиб қаради-да, яна кўлини олиб қочди: — Уша куни... асарим ҳақида айтган гапларингиз ростми ё шунчаки кўнгил учун мақтадингизми?

— Йўқ, астойдил айтдим, болам.

— Астойдил айтган бўлсангиз... нима аҳамияти бор.

Компессия қабул қиладими, йўқми — бари бир эмасми энди?

Расул кувига: «Бир нима бўлганми бунга ё бургага аччиқ қилиб кўригага ўт қўймоқчимиз?» — деган маънода аямдан тикилиб қаради.

Йўқ, Бехзод бургага аччиқ қилаётган одамга ўхшамас, бамайлихотир кулимсираганича пиёласига қанд солиб, аста аралаштирмоқда эди.

Расул қўлларини ёзиб, ҳазиломуз кулди.

— Бунақа тушқуликка тушиниға ҳеч бир асос йўқ сизда, болам!

— Нега тушқуликка тушар эканман, аксинча...

— Яъни?

— Гап шундаки... — Бехзод машшоқларнинг бармоқларидай узун, илгичка, кучли бармоқлари билан пешонасини ишқаб, бир лаҳза сукутга толди. — Гап шундаки, сўнгги иайтларда мен ижод ҳақида, санъат аҳли ҳақида жуда кўп ўйладим, дада! Биз ўтмишда яшаган улуг санъаткорлар, улар яратган ўлмас асарлар тўғрисида кўп гапирамиз, бироқ уларнинг инсоний фазилатлари ҳақида кам ўйлаймиз! Мен уларнинг ҳаётини ўргана-ўргана шу қарорга келдимки, улар биздан фақат истеъдодларининг қудрати билангина эмас, инсон сифатида ҳам юксак турганлар. Улар санъат йўлида ўзларини фидо қила олганлар, ижод олдидан турмуш машаққатлари уларга наниш чакқандай ҳам таттир этмаган! Хузур-ҳаловат деган нарса ҳаёлларига ҳам кириб чиқмаган уларнинг! — Бехзод, озгин, қорамтир юзи довуллаб, битта-яримта оқ оралай бошлаган қазини сочларини шерининг ёлидай хурпайтириб, ўрнидан туриб кетди. — Биз эса, мен авваламбор ўзимни назарда тутганим, нима десаам бўлади? Батамом майдалашиб кетдик! Асаримизни тугатмасдан туриб, оладиган қалам ҳақимизни ҳисоблаб чўт қоқамиз, ошна-оғайниларни ишга солиб, ўртаминена асарларимизга ҳамду саюлар ўқиттирамиз! Шоп-шуҳрат кетидан чошиб, ўз асаримизга ўзимиз мукофотлар уюштирамиз! Ҳолбуки...

Бехзод меҳмонхонага оёқ учидан кирган Нигорани кўриб, бир он ганидан адашди-ю, яна ўзини тутиб олиб, кутилмаган бир асов эҳтирос билан давом этди: — Ҳолбуки, ҳамма гап асарда-ку, дада! Агар ижодкор яхши асар яратганига имони комил бўлса — шунинг ўзи кифоя эмасми? Яратган асари шу он, шу заҳотиёқ қабул бўладими, йўқми, тап олинадими, олшмайдами, шуҳрат келтиради-

ми, келтирмайдими — чин истъдодга нима аҳамияти бор бунинг?

Нигора четроқдаги диванда иягини қўлларига қўйиб, эрига жимгина тикилиб ўтирар, унинг теграсига нафис нилий бўёқ суртилган қўй кўзларида меҳр аралаш пинҳоний бир ифтихор жилва қиларди.

Расул Нуриддинов, иягини силаганича, пиёладаги чойга тикилиб қолди.

— Умуман олганда-ку, гапингиз тўғри, ўғлим. Аммо мен бир нарсани тушундим: сиз... анов «момақалдироқ»-лар билан кўришишни истамаганингиздан айтилмасми бу гапни ё азбаройи яратган асарингизнинг баркамоллигига инонгангизданми?

— Бари бир эмасми, дада?

— Нега бари бир бўларкан?

— Чунки... агар мен ҳозир Мардон Зокиров ва оғайним Шерзод Комилов билан шуҳрат талашиб ниятим йўқ, десам... тушқуликка тушибсиз дейсиз, яратган асаримдан ифтихор қиламан десам, манманлик ҳам эми билан-да, деб камтарликка чақирасиз. Қолаверса...

Нигора бир нима дейишга чоғланди-ю, эрининг «қолаверса», деб ғалати кулимсираганини кўриб, ёш боладай кафтлари билан оғзини босди.

— Қолаверса,— деди Беҳзод, ҳамон ғалати кулимсираб,— сўнгги пайтларда, айниқса, бу ерга келиб, болаларимни кўргангиздан кейин бир нарсага амин бўлдим, дада: тақдир менга Нигорадай... нима дей, бебаҳо ҳаёт йўлдошини ишъом этса-ю...

— Ташаккур,— деди Нигора дув қизариб.

— Боз устига, шундай ширин-шакар фарзандларимга туя бўлиб, уларни хуррам этиш бахти бор экану бу бахт олдида нима керак менга бу ташвишу маломатлар? Шон-шуҳрат кетидан чоғиб юрини ўзи нима керак менга, дада?

Расул ёш боладан кулгандай мулойим кулди.

— Гап шон-шуҳрат кетидан чоғинида эмас! Ҳар бир инсон ўз салоҳиятини авайлаб, уни эъзозлай билиши керак экан, ижоди учун курашмоқ ҳам истъдоднинг бир белгиси эмасмикин?

Беҳзод ўзига ёт ясама мағрур бир қиёфада бошини азот кўтариб:

— Агар,— деди аллақандай таптанали овозда.— Агар мен бу тўпориларга қарши курашадиган бўлсам... фақат битта қурол билан курашаман.

— Яъни? — деди Расул Нуриддинов.

— Фақат яхши асар билан!..

Ганга Нигора аралашди.

— Бу тўғри, бироқ яхши асарни сохта ижодкорлардан ҳимоя қила олиш ҳам керак-ку, ахир!

— Яхши асар ўзини-ўзи ҳимоя қила олади! Хуллас, мен энди Кушон давлатини кашф этиш ниятидан қайтдим, Нигор!

Нигора ёш қизчадай қизариб кулди.

— Ихтиёрингиз! Бироқ мен кашф этаман! Шунда... мен очган қасрлар, топган ноёб зийнатларни кўрганда... бу гапларингиздан пушаймон қиласиз!

— Хуллас, бола-чақа кимнинг зиммасида бўлади? — деди Расул Нуриддинов ярим ҳазил, ярим чин тарзда.

— Каминга ўз зиммамга оламан бу ташвишни! — деди Беҳод.— Кушон давлатини кашф этиш бахтини бу кишига ахсон қиламан!

— Унда менинг ҳеч қанақа эътирозим йўқ! Буёғини эр-хотин ўзларинг ҳал қилаверинглар! — Расул Нуриддинов гани тугатмаган ҳам эдики, Манзураҳон кириб, аллақандай сирли имо билан уни ташқарига чақирди.

Расул йўлакка чиқиб, хотинининг серташвиш нигоҳига тикилди:

— Ха, тинчликми, азизим?

Манзураҳон эрига жавоб берип ўрнига қўлига елимлашган кўк конверт тутқазди. Хат Музаффардан эди.

— Ким берди бунни?

— Танимадим. Бир одам! Музаффар аканинг шофёриман, деди.

— Ўзи шу ердами?

— Йўқ, хатни қўлимга тутқазиб, ёв қувгандай машинасига ўтириб жўнаб қолди.

Расул Нуриддинов «галати бўлди-ку?» деган маънода елкасини қисиб, кабинетига кирди, конвертга босилган қалин елимни кўчириб, сатрлари аллақандай эгри-бугри, асабий, титроқ дастхат билан ёзилган мактубни ўқишга киришди.

ДУСТИМ РАСУЛИ

Бу хатни олганимда мен батамом бошқа жойларда бўламан. Излаб юрма. Бефойда.

Тунов кунини мен аҳмоқ, мастлик ва такаббурлик сабаб,

сепи қаттиқ ражақтибман. Энди узр сўраб ўтирадиган пайт эмас. Кеча... ўғлимни олиб кетинди. Бугун-эрта навбат кампага келади. Тақдир шамшири бўйинида турган шу маврид сенга бир илтимос билан мурожаат қилишга журъат этдим. Мен водон, баайни сен айтгандай кейинги ўн-ўн беш йилдирки, молнараетлик дардига мубтало бўлиб, каттагина бойлик орттирган эдим. Садкам ярим миллионлик бу бойликни (заби зийнат, подир тилла буюмлар) мен, миясиз ашак, ўғлимга билдирмай унинг гаражи тагига кўмган эдим. (Эшак бўлмасам, шу ишни қилармидим, ахир бу ишим ўз зуредимнинг бўйига сиртмоқ бўлиб тушини мумкин-ку?) Сендан илтимос шуки, бу гаини собиқ комбатимиз Белобородовга откасанг. Пўлат сандиқни қовлаб олиб, ичидаги олтин буюмларни давлатга топширсаларинг. Бу ишни ўзим қилсам ҳам бўлар эди. Бироқ бирламчи, бу бойликдан ўз ихтиёрим билан воз кечганимни жилақурса собиқ комбат билан Шоввоз учовнинг биллиб қўйсаларинг, дедим. Иккиламчи, шунда шояд ўғлимнинг гуноҳи (менинг эмас, йўқ, ёлғиз фарзандимнинг), айби сал енгизлашар, деган умидда ёзганман буни! Йўқ, мен ўзимни оқламайман. Аммо бир нарсанга ишон, Расул: мен кўр ҳасамдан қачон айрилиб, қачон боши берк кўчага кириб қолдим — буни ўзим ҳам билмайман, ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман. Чамаси, ҳаммасига нафе балоси сабаб. Юрагим тарс ёрилиб: «Ҳой, одамлар, нафеларингни тийишлар, бундан ёмон дард йўқ дунёда!» деб «Дашт-строй» тепасига чиқиб ҳайқиргим келади. Аммо шайтонга ҳай беролмай, юзи қора бўлган тубан бир кимса, қайси юз, қайси виждон билан ҳайқираман, деб бўғзимдаги ҳайқирикни ичимга ютаман. Начора? Қилмини-қидирмини экан, қайтар дунё экан — ҳаммаси қайтди! Қийин бўлганда Соҳибага қийин бўлди. Бирга кечган болалик йилларимиз ҳурмати, аҳён-аҳёнда унинг ҳолидан хабар олиб туринглар.

Яна айтаман: мени йўқлаб юрманглар. Мен бир ишга бел боғладим. Ё номим чиқади, ё бундан бешбаттар бадном бўламан. На илож? Икки ўт орасида қолган одам, бошқа чора топмадим.

✓ Ҳозир нопок, юлғич, муттаҳам, аммо бир даврлар сенлардек ҳалол бўлган («сенлардек ҳалол бўлган», деган сўзлар ўчирилган эди), бадбахт оғайнинг («оғайнинг» сўзи ҳам ўчирилипти!»)

Музаффар.

Расуя Нуриддинов, худди хат эмас, чўғ ушлагандай, қўллари дир-дир титраб, турган жойида тош қотди.

Шу пайт қўшни хонада шаҳарлараро телефоннинг аллақандай асабий чўзиқ овози янгради. Эшикда раиғи қув ўчган Манзура кўринди.

— Қишлоқдан телефон қилишяпти. Шораҳим аканинг келинмаи дейди. Гапираман дейди-ю, гапиролмайди. Хўнг-хўнг йиғлайди.

Расулнинг юраги орқасига тортиб кетди. «Наҳот Шораҳим?...»

У аранг туриб, телефон турган хонага ўтди.

— Лаббай!

Трубкадан аёл кишининг:

— Домлажон! — деган нидоси эшитилди-ю, нидо бўғиқ йиғига айланди.

— Йиғламанг, жон қизим. Аввал айтинг, нима бўлди?

— Домлажон, мен — Шораҳим аканинг келинлари Меҳринисомал... Шоқосим акамларни... акамларни қамаб қўйишди...

— Нега? Авария учунми?

— Йўқ, пахта учун... Тухмат, домлажон, ғирт тухмат! Ўзлари қилган жиноятларни эримга тўнкашяпти! Дадамлар нима қилишини билмай гаранглар, домлажон! — Меҳринисонинг бўғиқ йиғиси яна аччиқ фарёдга айланди.

Расул телефон ёнидаги эски диванга шилқ этиб ўтирди.

Йигирма бешинчи боб

Музаффар оғайнисига аталган мактубини Клара Жамоловнанинг уйида бир ўтиришда ёзаману дархол жўпатаман, деб ўйлаган эди. Лекин бир эмас, ўн марта ёзиб, ўн марта йиртиб ташлади ҳамки, кўнгли сира тўлмади. Ниҳоят, охириги нусхасини тугатиб, конвертга солаётганда хонага қудагайи Клара Жамоловна кириб келди.

Ўз хатидан ўзи эзилиб кетган Музаффар, тик турганча бир қадах коньяк ичиб, хайр-маъзур қилмоқчи эди, бироқ қудагайи кетмайсиз, деб елимдай ёпишиб олди.

Одатдагидай башанг кийиниб, елкасига туя жунидан тўқилган пахмоқ гулдор жемперини ташлаб олган Клара Жамоловна Фармоновнинг бир кеча қўниб кетишини сў-

раб, шундай илтижо қилди, шундай ялиниб-ёлвордики, Музаффар охири нима дейишичи билмай, талмовсираб қолди.

Столда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор, ошхонадан димоғни қитиқловчи гўшт, пиёз, ўткир қалампир ҳиди гул-гул урар, эшикда эса бўялган кўзларини таманио аралаш гишахонлик билан сузиб Клара Жамоловнанинг ўзи турар, унинг жисмидан ҳар сафаргидан ўн чандон нозик, нафис атир уфуриб, Музаффарни ўтиришга ундарди.

Қани энди ўша масъуд эски кунлари бўлса-да, Музаффар гўё ўн гулдан бир гули очилмаган бу ёш, ширинзабон, офатижон жувоннинг суякларини қисирлатиб қучса-ю, гўё ҳали эркак зотининг лаби тегмаган оппоқ сийнаси, лайлакнинг бўйнидай узун нозик бўйинлари, гул баргидай нимқизил лабларидан тишлаб-тишлаб, тўйиб-тўйиб ўйса!.. Лекин ҳозир, шу тонда Музаффарнинг кўнглига айш-ишрат уёқда турсин, ҳатто қил сизмайдиган бир вазиятда бу ерда қолиш! Йўқ, шу аснода Музаффарга Кларахоннинг нозу карашмалари тугул, онаси ўпмаган соҳибжамолнинг эҳтиросли бўсалари ҳам таскину тасалли беролмасди!..

— Кечирасиз, Кларахон, бошқа кун!.. — Музаффар Клара Жамоловнанинг қат-қат зеби зийнатлар тақилган қўлларини олиб, навбатма-навбат ўпди, ўпаркан, тўсатдан ўпкаси тўлиб, томоғи гип бўғилди-ю, эшик томон шошилди. Бироқ Клара Жамоловна кутилмаган бир чаққонлик билан оппоқ момик қўлларини Музаффарнинг бўйнига ташлади-да, гулдай нозик, нимлушти ёлоқларини унинг пальтосига ишқаб, ўкириб юборди.

— Сиз мен шўрликдан бир нарсаини яширяпсиз, Музаффар ака! Нима бўлди сизга? Айтинг, нима бўлди?

— Менга қаранг, жопгинам. Мен ҳозир сизнинг ёнингда қолганимдан қолмаганим минг марта яхши. Ишқилиб манави... — Музаффар «бевафо» дегиси келди-ю, аранг ўзини тийди. — Манави оқинчоқ-тақинчоқларини бир жойга яшириб, камтарона юринг, шу кунларда!

— Айтинг ахир, нима бўлди? — фарёд чекди Клара Жамоловна. — Бунақа эмас эдингиз-ку, Музаффар ака!

Музаффар унинг оппоқ момик қўлларини бўйнидан аранг узиб, гулдай нозик лабларидан битта ўпди, сўнг яна бир пиёла коньяк ичиб, бир бурда нон чайнаганича ташқарига отилди.

Хали барвақт бўлса керак (Музаффар соатига қараса чорак кам ўн экан). Қўчалар ёруғ, гавжум, сершонқин эди. Хануз кишидан дарак йўқ, кун илиқ, одамлар, айниқса ёшлар костюм ва жемперларда. Қўлларидаги митти магнитофонлардан қулоқни батанг қилувчи аллақандай ёқимсиз, дарағ-дуринг музика янграйди, қаердадир оркестр гумбирлайди...

Хайҳот, паҳот дунёда ҳамма бахтиёр, қўноқ қушдай эркину, ёлғиз у. Музаффар шунчалик бадбахт, бадном ва забун аҳволга тушиб қолса? Нега ёлғиз Музаффар бўларкан, ўгли-чи? Кўринганларидан ифтихор қилиб, орқаворатдан гурурланиб юрган севимли зурёди-чи?

У қаёқда экан шу тонда? Нималарни ўйлаяпти экан? Топ хибс уёқда турсин, олам-ажаҳонга сигмай қариллаб юрган, йиғитмасан йиғит, шўрликнинг аҳвол-руҳийси не бўлди экан, юраги чок, темир қаравотда зимистон бўшлиққа сигмаган шердай уёқдан-буёққа урялганмикан ўзини?!

Музаффар юраги нақ этиб ёрилгудек бўлиб, орқа ўриндиққа узала тушиб ётди.

У ўгли Фотиҳнинг қамалгани тўғрисидаги шум хабарни шу бугун эрталаб, ишга борганда эшитди, тагин кимдан эшитди дегн — ўз секретаридан, ўша, уст-бошини ҳар кун ич уч марта ўзгартирадиган, машҳур балет театрининг энг ён балеринасига ўхшаб кетадиган севимли дўндиқчасидан эшитди.

Кейинги пайтлардаги кўнгилсиз воқеалар, айниқса, оғайиниен Расул билан бўлган аёвсиз пайзабозликдан кейин Музаффар ичмасея туролмайдиган бўи қолганди. Кеча «Даштстрой» бошлиғи билан пахта заводи директори қўлга олинипти», деган шум хабар тарқагач, бошқарма ходимларидан уч-тўрт киши топготар ўтириш қилишди. Улар юракка гулув солувчи ҳозирги серташвиш воқеаларни тилга олмасликка ҳарчаид уришишмасин, от айланаиб қозигини тонади, дегандай, ган айланаиб, яна ўша совуқ мишмишларга бориб тақалаверар, тақалаверарди. Бу васвасани босадиган биттаю битта нарса — олий нав коньяк бўп қолди.

Шу боие, Музаффар кечаси уйига бормай, «Даштстрой» меҳмонхонасида ётди-да, эрталаб «Сауна»га тушиб, арап ўзига келди. Лекин юраги нотинч, кўнгли хуфтон, гўё зилзила бўлишини сезган жонивордай безовта эди.

Шундай бўлса ҳам Музаффар «Даштстрой» биносига

одатдагидан ҳам дадил, шахдам қадам ташлаб кириб борди.

Ёр тагида илон қимирласа биладиган чол эшикни очиб, ҳар сафаргидай тавозе билан салом берди.

Музаффар, одатда, ҳамма янгиликларни бургага тузоқ қўядиган шу қари туллақдан эшитар эди. Аммо бугун унинг кўзлари алағ-жалағ эканини кўриб, ноҳуш гап топиб қўйганини сезди-да, ёнидан яндамай ўтиб кетди. Бироқ ўз қабулхонасига кириб, сеvimли котибасини кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди.

Одатда тилла тишларни ярқиратиб, уни таманно билан қарши оладиган котибаси... йиғлайвериб, қош-қовоғи дўмбира бўлиб шипиб кетган, юзига суртилган нафис бўёқлар артилавериб ёш бола бўяган суратга ўхшаб қолганди. Музаффар ҳали эшикни ёпиб улгурмаган ҳам эдики, котибаси унинг кўкрагига ўзини отди...

— Фотиҳ,— деди у йиғидан бўғилиб.— Фотиҳ акамлар...

Музаффар тирноқларигача зирқираб:

— Нима қилти Фотиҳга?— деди аранг.

— Қамаб... қамаб қўйишини акамларини!..

Музаффар катта ҳадик-хавотир мавридларида бирдан ҳушёр тортиб, ҳамма куч ва иродасини тўнлай олар эди.

Бу сафар ҳам ўзини боса олди, гарчи бутун вужуди музлаб кетса-да:

— Қамалса... бирорта ивгогарининг тухмати билан қамалгандир!— деди кутилмаган бир совуққонлик билан.— Бу қанақа ҳол? Кўзгуни олиб, дарҳол тартибга келтиринг ўзингизни! Одамлар кўрса нима дейди? Ҳа, айтмоқчи, коммунатордаги қизларга айтинг: облямилицияга улаб беришини телефонини! Тезроқ!

Музаффар ўз хонасига кириб, эгнидаги чарм пальтосини ечди-да, бошидаги қора қундуз телпагига қўшиб бир чеккага отиб юборди, сўнг қўлларини орқасига қилиб, катта кабинетини айланишга тутишди. Аввал у «жапга»га тайёрланаётган машҳур боксчидай кўкрагини кериб, бепсанд одимлади, лекин аста-секин марказда бошлиғи қўлга олингани ҳақидаги хабар эсига тушиб, юраги бир ҳаприкди, кейин ўз қилмишлари, айниқса ўғлининг гаражи тагига қўмилган пўлат сандиқ кўз олдига келиб, аъзойи бадани совуқ терга тушди.

«Шунчаки анави авария учун терганаётганмикин ё уйини ҳам тинтув қилишдимикин? Э, фалак, ишқилиб, ўзинг сақлагайсан...»

Саидиқни эслаши билан сўйиги бир ой ичида ўғлига пахта заводидан камида уч юз тонна пахта сотиб олиб бергани эсига келиб, дами ичига тушиб жетди. Музаффар бу ишни ёмон ниятда эмас, ўғлимнинг келажагига йўл очилсин, униб-ўссин деб қияди! Аммо... пахта заводи директори­нинг қўлга олингани чин бўлса... унинг яхши ниятда қилган бу иши ўғлининг бўйига еиртмоқ бўлиб тушмаса дегг ҳали!

Музаффарнинг миёсида гужгон ўйнаётган алгов-далгов ўйларини телефон овози бўлди. Ёспирай! Телефон ҳам шундай совуқ жиринглайдими?

— Лаббай!

— Музаффар Фармопович! — деди коммутатордаги та­ниш қиз. — Область милиция бошлигини сўраган эканси.

— Ҳа, қизим, иложи бўлса тезроқ улаб беринг.

— У киши... — қиз чайналди.

Музаффар турган жойида серрайиб қолди.

— У киши... Жойларида йўқ эмишлар ё... замларини улаб берайми?

— Йў-йўқ, қизим. Ҳа, тўхта... Обл ГАИ...

Қиз аллақандай талмовсираб:

— Билмадим, — деди. — Агар янглишмасам, у киши индан олинган эмиш-ку! Тагин билмадим, агар улаб бер, десагиз...

— Йў-йўқ, раҳмат, қизим, раҳмат...

Ҳозиргина курашга шай турган одам, фавқулудда зарб еган боксёрдай, турган жойида диванга «шилқ» этиб йиқилди.

Йўқ, ён бола эмас Музаффар. У адолат учун катта кураш бошланаётганини, манман деган не-не одамлар юксак лавозимларидан учиб кетаётганини тушов куни уни хор қилган Расулсиз ҳам биларди. Аммо «Даштстрой» деган сўзнинг ўзи унга ҳар қандай хатарни даф қилишга қодир бир қалъа, салкам ўттиз йилда қилинган ишлар эса, ҳар қанақа майда-чуйда «нуқсон»ларга кўз юмиш ҳуқуқини берувчи бамисоли бир қалқон бўлиб туюларди. Рост, бундан бир ой муқаддам марказга чақирилган «Даштстрой» бошлиги индан олингандан кейин, кўплар­нинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Аммо Музаффар ким бўштики, бу ердаги ҳамма ишларга жавоб берса? Нарн борса, арзимаган битта УРС бошлиги экан! Фақат... Кейинги пайтларда жиндек ҳовлиқиб кетиб, пича бойликка хирс кўйгани бўлмаса...

Айниқса... анов иши: ўттиз йил йиққан зеби зийпатлару тилла буюмларини ўглининг гаражи тагига кўмгани!.. Миясиз эшак! Эшак бўлмасанг шу ишни қилармининг! Пахта-чи? Заводдан олиб берган уч юз тонна пахта нима керак эди унга? Усиз ҳам плани тўлиб қолган эди-ку, ўглининг! Ишқилиб тергов жиддийлашиб, завод директорининг жағи очилиб кетмагай! Жиддийлашиб кетса, бир-бирини судраб чиқаверади, бу ноҳалол ишлар!.. Ҳа, айтмоқчи, уёқда Пўлат папка ҳам бор. Воситачилик қилган ўша! Пулни ҳам ўша тулки обориб берган. Лекин унга ишонса бўлади! Тили маҳкам унинг!.. Тили маҳкам эмиш! Ҳозир туғишган акангга инониб бўлмайди-ю, Пўлат папкага ишониб бўлармиш! Йўқ, ўглини ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди! Мадад бериш керак унга, мадад! Обладдан фойда чиқмайди, чамаси ундан юқорироқ жойларга, министрликларда ўтирган ёр-биродарларига бош эгиб бориши керак. Бир ёқда... анов тўнка бор, бир ёқда савдо министри! Ўттиз йил УРС қозонини қайнатиб, чўмичлаб мой ичганда бир ўзи ичмаган Музаффар! Бир кунимга яраб қолар деб, ичган-еганини, топган-тутганини баҳамлашган ёр-дўстлари бор! Жиллақурса, шулар қайрилиб қарар, жонига ора кирар, ахир? Ҳеч парсани кўрмаган бўлиб, терс қараб олишмас ҳамтовоқлари!..

Музаффар шунини ўйлади-ю, ўрнидан санчиб турди. У бояги биринчи зарбадан хушига келган, назарида яна курашга тайёр эди!..

У шиддат билан юриб бориб, чарм пальтосини кийди, бошига қундуз телпагини кўндириб, энди эшик томон йўналмоқчи бўлиб турган эди, телефонлардан бири қаттиқ жиринглаб қолди.

Музаффар телефонга яқинлашишга юраги бетламай ташқарига йўналди, бироқ шу асно қасдига олиб, афт-ангорини «тартибга келтирган» котибаси кириб қолди-ю, трубкани олишга мажбур бўлди.

Трубкада аллақандай восвос, бўғиқ овоз эшитилди.

— Бу ким? Фармонов, сизмисиз?

Музаффар эндигина таниди: «Даштстрой» бошлигининг биринчи муовини!

— Ҳа, мен!

— Сизга телефон қилишмадими?— Биринчи муовининг бўғиқ овози шивирлаш даражасига тушди-ю, Музаффарнинг тиззалари қалтираб кетди.

— Қаердан телефон қилишади?

— Қаердан бўларди? Уша... қадрдонингиз Белобородов бошқарадиган идорадан. Чамаси, сизга ҳам... келишади. Уёқдан эсон-омон қайтиб келаманми, йўқми, ўзим ҳам билмайман! Сиз ҳам этагингизни йиғиштиринг! Ҳар қалай, сақлаганни сақлайди, дейишади. Хайр, оғайни!..

Музаффар ҳамон «ду-ду»лаётган трубкани ушлаганича хуши бошидан учиб, турган жойида мих бўп қолди. Сўнг, биринчи муовиннинг «сақлаганни сақлайди, дейдилар!» деган гаплари эсига тушди-ю, бирдан ўзига келди. У шўрлик «эсинг борида этагингни ёп», демоқчидирда!... Ҳақиқатан, вақт борида уёқ-буёқни йиғиштириб, тезроқ ҳамтовоқ оғайниларга бу гапларни стказмоги, агар бирор хатар бўлса, олдини олмоги лозим-ку ахир! Музаффар эшикни қулфлади-да, алпанг-талпанг юриб бориб, сейфни очди. Унда тахи бузилмаган «кўк қоғоз»дан тўрттаси бор эди, уларни олиб папкасига ташлади, хужжатларни титкилаб, бир нечта хатарлисини топди-да, чўнтагига тикди (бирор жойда ёқиб кулини кўкка совуради!). Ниҳоят, сейф орқасидаги махфий туйнукчани очди. У ерда бир халта нодир зеби зийнатлар билан миттигина пистолет сақланарди. Уларни ҳам папкасига жойлади-да, эшикни секин очиб, қабулхонага чиқди.

— Мен совхозларга кетдим, азизим.

— Сўрасалар нима дейман?— севимли котибаси унинг «ҳолатига кирган» чоғи, улашган киприкларида шаффоф томчилар милтиради.

— Сўрасалар... кечқурун қайтадилар дейсан!— Музаффар қандайдир ички бир туйғуга бўйсуниб, котибасининг пешонасидан ўпди-да, ташқарига отилди, отиларкан, орқадан котибасининг: «Акажоним-ов!» — деб секин инграганини эшитди...

...Мана, энди у «Боғи эрам»у, «шаршаралар»да ҳафталаб сафо қилган ҳамтовоқ дўстлари ва суянган тоғларига бориб, қайтиб келяпти!

Лекин... ё алҳазар! На китоб ёзмадан деб уч йил уни сизгир қилиб соғиб ичган, «бола баҳона, дийдор гапимат» деганларидек, китоб баҳона ҳафталаб, «Сауна»дан чиқмай, нивоҳўрлик қилган адиб, на даштдан министрликка ишга ўтказаман деб ваъдалар берган ва бу ваъдалари учун босволди қовундек тарам-тарам бошига тахи бузилмаган чувстдўппи, эғнига кимхоб тўнлар кийиб кетган анави Тўнка, на бошқа инонган тоғлари... Ҳайҳот! —

бирортаси ўғирилиб қарашса-чи? Бирортаси жиллақурса, гариб бошини эғиб борган Музаффардан: намуноча ҳолинг забун, деб сўрашса-чи? Сўраш уёқда турсин, уни кўрганда ҳазрат асроилни кўргандай, пана-папага уришди ўзларини! Ҳафта сайин қатнаб, «Даштстрой»дан, тўғрироғи «Боғи эрам» билан шаршара тағидаги мармар қасрдан чиқмайдиган адиб эса, ҳовли эшигини очгани кетаётган хотинига: «Анави муттаҳам Фармонов бўлса... мени йўқ, де!» — деб жавради, жавради-ю, бу гапларни Музаффар эшитиб турганидан беҳабар, ўзини ичкарига урдн!...

Фақат битта одам, у ҳам бўлса, бултур ўғлини уйлантирганида Музаффар унга беш минг сўмлик хорижий гарнитур эҳсон қилган оғайниси, у билан хилват жойда кўришишга журъат этди. Лекин журъати ҳам қурсин, энг ёмон, энг шум хабарни ҳам ўша етказди.

— Бошлигинг билан ораларинг яхшимиди? — деди у, гарчи шаҳар чеккасидаги кўл бўйида танҳо айланиб юрсалар ҳам атрофига алағ-жаланг қараб.

— Қайси УРСнинг бошлиғи ўз раҳбари билан ёмон бўлади? — деди Фармонов, оғайнисининг «тўпорилиғи»дан ранжиб.

— Бўлмаса тезда, шу бугундан бошлаб ҳаракатингни қилавер, у одам кўлга олинганини биласан!

— Биламан, — Музаффар мадори қуриб, ариқ соҳилига ўтириб қолган эди, оғайниси жеркиб берди.

— Билсанг... намуноча сувга тушган бўлка нонодай бўкиб қолдинг! Фурсатни бой бермай ҳаракатингни қил! Қоғоз-поғозларинг бўлса, ёқ! Ортиқча... — «пул» дейишга тили бормай, чайналди. — Ортиқча нарсаларинг бўлса — ҳаммасини гумдон қил! Қолганини... тақдирингдан кўрасан. Мен бир нарса деёлмайман, оғайни! — қадрдони шундай деб, олисда қолдириб келган машинаси томон йўналди...

Шаҳарга нажот излаб борганида Музаффар билан кўришишга журъат этган биттаю битта оғайниси шу бўлса... у ҳам шу мудҳиш гапни айтиб, уни қон қилди.

«Бошлигинг билан ораларинг яхшими» эмиш! Яхшиям гапми? «Э-ҳа... ораларидан нелар ўтмаган, нелар кечмаган? Бирда «Боғи эрам»да, бирда «шаршара» қасрининг энг хилват хоналарида қанақа базми жамшидлар қуришмаганди улар?... Майли, энди бу гаплардан фойда йўқ. Пулларни ёқишдан ҳам, нарсаларни яширишдан ҳам фойда йўқ!

Билъакс, огайниси берган маслаҳатнинг аксини қилиш керак!

✓ Яхшиям, Клара Жамоловна бор экан, бир лаҳза бўлса ҳам ором олди. Музаффар қудагайи билан хайрлашар (кўнглида эса видолашар) экан, унга напқасидаги тахи бузилмаган кўк қоғозлардан биттасини бергисен ҳам келди, бироқ бир фикр уни тутиб қолди: ҳалиям бўлса бевафо огайинларидан кўра шу пул яхши! Ҳалиям жонига ора кириши мумкин бу пуллар!

Музаффарнинг хаёлини шофёрининг:

— Идорага келдик, хўжайини! Нима қилай? — деган саволи бўлди.

— Ҳайдайвер! — деди Музаффар. — Тўхтамай ҳайдайвер!

— Қаёққа?

— Ҳайдайвер, ўзим айтаман, — деди Музаффар ва шофёрининг хайрон бўлиб қайрилиб қараганини кўриб, қўшимча қилди. — Иш бор, «шаршара»га чиқаман, суравер, огайини!..

Музаффар дераза ойпасини тушириб, кўксини муздай шабадага тутди. Янги ой уфиқдаги қорамтир чўққилар устида худди чархланган ўроқнинг тигидек ялтиллаб турар, худди ёздагидай булутсиз тиниқ осмон юлдузларга тўлиб кетган, чап қўлда, анча овлоқда аэродром чироқлари элас-элас милтирарди. Олдинда, катта йўлнинг ўнг томонида, нимадир муаззам дахмадай қорайиб турарди. Ёдгорлик! Расулнинг куёви Бехзод Нусратов барпо қилган ёдгорлик!

— Тўхта, ука!

Шитоб билан кетаётган «Волга» тормознинг зўридан қаттиқ зорланиб, ёдгорликдан беш-ўн қадам ўтиб тўхтади.

Музаффар эпикни шарақлатиб очиб, ерга тушди.

— Тошкентдаги Расул деган огайинининг уйини биласан-а?

— Қайси Расул? Анов камган профессорми?

— Уша! Мана бу хатни эрталаб ўшапга етказасан!

— Сиз-чи?

— Мен билан ишинг бўлмасин! Буёғи яқин, ўзим пиёда кетаман. Хатни топширгину, эрталаб идорага келавер. Хўп, укажон!.. — У: «Қилган хизматларинг учун раҳмат, мендан ўтган бўлса кечир, ука!» дегиси келди-ю, ҳаяжонини билдириб қўйишдан чўчиди..

У машинаси узоқлашиб кетгунча орқасидап қараб турди, сўнг ёдгорлик зинасининг ниллапойларидан бир-бир босиб, юқорилади.

Монументга ёпилган брезентни биров очишга уришганми ё шахол жойидан қўзгатганми, ишқилиб, у бир томонга огиб, ёдгорлик очилиб қолган. Серюлдуз ойдин кечада монументга ўйилган сиймолар, аллақандай юракни «жиш» эттирувчи бир сеҳр касб этган. Мана, ўртада ўқ еб йиқиладельган солдат, мана, уни ушлаб қолиш умидида ўгли томон жон-жаҳди билан талпинган ойназор, унинг атрофида эса бири тизза букиб, бири қўл чўзиб фарёд чекаётган ёш жувоилар, ойна-сингиллар!..

Қизиқ, Музаффар бу йўздан шунча юриб, бирор марта бу ёдгорликка синчиклаб қарамаган экан! Ахир, ўқ еб қулайёлган мадавн солдат падари бузрукворининг баайни ўзи-ку? Унга талпинган ойна — ўз опаси, ер ўшиб гиря қилаёлган ёш жувоилар эса ёшлигида кўрган, қорахат олганларида юзларини тирпаб, сочларини юлиб, фарёд чеккан тапини қиз-жувоилар-ку... Булар-ку, ёш жувоилар экан. Музаффарнинг ўзи урушининг иккинчи йили отасидан қорахат келганида, ойназорининг тиззаларини қучиб, доду фарёд чекмаганмиди? Марҳум волидасини юпатаман деб, аммо юпатиш ўринга унга қўшилиб неча марта кўкка нола қилмаганмиди?

Э, бевафо дунё! У ҳам, Музаффар ҳам, ёшлигида мана шу ўқ еб йиқиладельган йигитдай пок, ҳалол, жисми почор бўлса ҳам кўнгли беғубор бир ўспирин эмасмиди? Ойсулувга ошиқ бўлиб, унга пинҳона шеърлар ёзиб юргувчи, Шоввоздан ҳам соддароқ бир йигитча эмасмиди у ўша пайтларда? Қачон янглишди? Қачон бу ноҳалол боши берк йўлга тушиб қолди? Бундан кўра, Хинган тоғларида яшириниб ётган самурайлар ногаҳон даралар ичидан отилиб чиқиб, уларни ўққа тутганида... ўиларча солдатларни қийратган битта ўқ нега унга тегмади? Нега унинг кўксини тешиб ўтиб, мана шу навкирон солдатдай чалқанча йиқитмади! Шунда унинг қисмати ҳозирги қисматидан минг марта яхши бўлмасмиди? Жиллақурса, номи қишлоқдаги урушда ҳалок бўлган марди майдонлар қаторидан жой олмасмиди? Ўз падари бузрукворининг номи ёнида унинг номи ҳам турмасмиди? Фарзандлари бўлмаса, жиллақурса, жиянлари ўқиб, тоғамиз урушда, самурайларга қарши жангу жадалда мардона ҳалок бўлган, деб ифтихор қилиб юришмасмиди? Энди унинг исми, нафе балосига йўлиқиб, Гоби

чўларидан уни опичлаб олиб ўтган ўз дўстига хиёнат қилган бир попокнинг номи қаерга ёзилади?.. Номингни бадном қилувчи қогозларни ёқ эмиш! Ўғирлик пулларинг ва йиққан олтин буюмларингни тезроқ гумдон қил эмиш! Йўқ, Музаффар бунинг батамом тескарисини қилади! Ҳа, гуноҳ қилган бўлса бир ўзи қинтими у? Уни йўлдан урганлар, ҳатто йўлдан урганларни ҳам йўлдан чалғитганлар бор! Чўлдаги қурилишларни кўриб, «Баракалло, азаматлар!» деб елкаларини қоққанлар, ҳосил берсаларинг бас, уёғига кўнгилларинг тўқ бўлсин, орқаларингда биздай суяниқларинг турипти, ҳеч нарсадан таш тортмай отни қамчилайверинглар, деган ҳайбаракаллачилар бор эди. Қани улар ҳозир?

Йўқ, эндиликда нима қилишини ўзи билади, Музаффар! У шундай бир ўйин кўрсатадики, ё номи чиқади, ё чанги! Фақат... ёлғиз ўғли, севикли зурриётининг ҳоли не кечади? Фақат шу битта ўй кўнглини хуфтон, юрагини хун қияпти унинг. Аммо юраги қон бўлганда қўлидан нима келади? Додини кимга айтади? Майли, эр йигитнинг бошига пелар келиб, пелар кетмас. У ҳам кўрар бошига тушганини!

«Онажон! Умрининг ибтидосини яхши бошлаб, интиҳосини ёмон тугатган шуд фарзандингизни кечиринг! Начора? Берган сутингизни оқлай олмадим, онажон! Аммо... жилақурса, мапа ҳозир, пойингизга тиз-чўкиб қилган ниятимни ниҳоясига етказай, шунга мадад беринг, онажон! Биламан, сиз ошасиз, ҳатто мендай юзи қора, гуноҳкор ўғлингизни ҳам кечирасиз. Мен бадбахт эсам... сизга «алвидо»дан бошқа айтадиган сўзим йўқ, аммо оғир бир мақсадга бел боғладим! Бунга ҳали журъат керак! Менга жиндак мадад беринг, онажон, мадад беринг!»

Йигирма олтинчи боб

Расул Нуриддинов Белобородовнинг қабулига бораркан, гўё ёмон туш кўриб, уни хаёлидан даф этолмаган одамдек, дам Мехриписонинг йиғлаб айтган гаплари эсига тушиб, юраги зирқираб оғрир, дам Музаффар Фармоновнинг хатини ўйлаб, лол бўларди. Ҳақиқатан, қишлоқдаги «жангу жадал»дан кейин у Музаффардан ҳар нарсани кутса ҳам бу йўсин мактубни кутмаган эди. Чамаси бу

хатга фақат ўглининг қамалишигина эмас, яна аллақандай ҳадик-хавотир сабаб бўлган, балки, у мудҳиш бир хатарнинг шабадасини сезган. Бироқ ундай десак, куни кеча қишлоқда кўришган Музаффар батамом бошқа одам эди-ку! Унинг каябаҳе, қайсар важоҳатида, осмондан келиб гапирган гапларида бу хатнинг садоси уёқда турсин, ҳатто ночоргина шабадаси ҳам сезилмас эди-ку! Ё Музаффарнинг ўшандаги тағдор захархандаси-ю, такаббуруна муомаласи қафасга тушган ярадор бўрининг сўйиги талвасаси бўлгану Расул аччиқ устида буни пайқамаядир.

Ким билсин, эҳтимол Расул ўшапта Музаффар билан ўчакишмай, унинг забун аҳволига тушунингга уришиб, ўзини сал вазмин тутганида, балки у ҳам одамга ўхшаб ёрилармиди, дарду дувёсини очиб ҳасратлашармиди?

Расул дам шундай ўйларга борар, дам бу фикрларини рад этиб:

«Йўқ, Расул! — дерди ўзинга-ўзи. — Сен ҳозир ўз виждо-нинг эмас, барча зиёлиларга юққан ночор раҳмдиллик касалига бўйсуниб гапирясан бу гапларини! Халқнинг ярим миллион сўмлик бойлигини ўмариб, Шоввоздай ҳалол одамларини хор қилиб юрган бу нопоқларга шафқат қилишни ўйлашининг ўзи гуноҳи азим эмасми?»

Хўп, Музаффар-ку, эҳканини ўрар, қилмиш-қидирмиш деганларидек, қилмишига яраша жазосини олар. Аммо Шоқосим... Ё у ҳам?.. — Расул бу фикрга бориши билан Мехринисонинг: «Тухмат, домлақон тухмат!» — деб йиғлаб айтган гаплари қулоқлари тагида қайта янгради-ю, баттар гапгитди. — Демак... яна ўша Музаффарнинг иши бу! Осонликча жон бермайди булар. Аммо ундай деса... бу хат! Ажабо: «Бу хатни олгандан кейин мени излаб юрма! Тополмайсан!» дегани нима дегани? «Бир ишга бел боғладим, ё номим чиқади, ё бундан беш-баттар бадном бўламан», дегани-чи? Жонимга қасд қиламан, деганими бу ё тегишли идораларга ўз ихтиёрим билан бош эгиб бораман, деганими?..

Шу мавҳум ўйлар туфайлими ё «Халқ контроли комитети» деган сўзларнинг ўктам руҳи сабабми, Расул дилидаги ғулуни ҳеч боса олмас эди. У серфайз, сердарахт кўчанинги шундоқ юзига жойлашган оппоқ муаззам бинога яқинлашиб, эшик олдида турган ўнларча оқ, кўк, қора хаворанг «Волга»лар ёнидан ўтаётганида, тўсатдан бинодан чиқаётган Мардон Зокировга кўзи тушди. Зокиров

хам уни кўриб бир он тўхтади, сўнг бошидаги кулрапг шляпасини кўтариб, жипгалак сочли хумдай бошини тавозе билан эгди:

— Раҳмат, устод! Бошқа идораларга бағанишганда, хурматингизин қилиб, мум тишлаган эдик, бу маҳкамага ҳам ёзибсиз. — Тўсатдан унинг овози дарз кетиб, лаблари аянчли титради: — Нима ҳам деймиз? Яна ёзинг, яна бошимизга мағзава тўкаверинг! Даврингиз кепти — ҳамманнинг устига чиқиб тенаверинг, устод, ҳамманнинг юзига қора бўёқ чаплайверинг, чаплайверинг!

Зокиров шундай деди-да, токи Расул хушига келиб, жавоб бергунча, шоша-пиша машинасига ўтириб, унинг ёнидан физиллатиб ўтиб кетди. Ўтаётганида Расул унинг ҳамон лаблари титраб, «култ» этиб ютинганини кўрди-ю, бир зум лол бўлиб қолди: ажабо! Бунга нима бўлган? Ҳеч қачон, ҳеч кимга бош эгмаган, ўзини санъат соҳасининг пири муридларидан бири деб юрган бу одам нечун бу почор аҳволга тушиб қолди? Ё зоҳирап забун, ботинап унинг устидан юмалоқ хат ташкил қилиб юрганмикин?

Расул Нуриддинов кўкрагининг чап томонни қаттиқ санчганини сезиб, зина олдида беихтиёр тўхтади, сўнг, уни кутиб ўтирган Иван Харитонович ёдига тушиб: «Қойил, сендай адолат учун курашчига!» деб ичда бир кулиб кўйди-да, мрамар пиллапоялардан аста кўтарила бошлади.

Яхшиям, Иван Харитоновичнинг кабинети биринчи қаватда жойлашган.

Қабулхонада одам кўн эди, бироқ чамаси Белобородов секретарь қизга тайинлаб кўйган бўлса керак, Расул ўзини тапиштириши билан дарҳол ичкарига кириб кетди. Сал ўтмай кабинетдан юзлари ҳаммомдан чиққандай бўғриқиб кетган бир одам чиқди. Кейин секретарь қиз кўринди. У қабулхонада навбат кутиб ўтирганлардан узр сўраб, Расулга ўгирилди:

— Марҳамат. Сиз кирар экансиз, ўртоқ Нуриддинов.

Иван Харитонович «Т» ҳарфи шаклидаги узун ялтироқ столнинг — ҳозир столларга мовут ёниш расм эмас! — тўрида, нимяшил дарпарда тутилган дераза олдида тишпатик турарди. Унинг эғида оҳори тўкилмаган оқ кўйлак ва қизил йўллик қора костюм, оёғида пошнасиз баланд қора туфли, бўйида чиройли гулдор галстук, оқи сезилмайдиган қалин малларанг сочлари хурпайган, шунинг учунми, бошқами, у тупов кунги шифохонада забун аҳволда ётган жиккаккини, бемажолгина қария эмас, зуваласи ни-

шиқ, чайир бир спортчини эслатар, фақат кўкимтир кўалари ҳамон ўша кунгидай ҳоргин боқарди.

— Ке, Расул, — Иван Харитонович узун қоқсуяк кўлини узатиб кўришди-да, чарм ёстиқ қўйилган диванга чўкиб, ёнидан жой кўрсатди. — Ўтир. Хўш? Ишлар қалай?

— Ўзингиз тузукмисиз? Кўринишингиз яхши, Иван Харитонович!

Белобородовнинг лунжлари ичига ботиб кетган сўлгин юзига билинар-билишмас кизиллик югурди.

— Ха, ўзбеклар айтгандай, сирти ялтироқ, ичи қалтироқлардан бўп қолдик. Қуруқ тасалли бериб нима қиласан, Расул? Ундан кўра уёқдаги гаплардан гапир! Узукни қайтариб бердингми?

— Қайтариб бердим.

— Нима дейди?

Расул индамай ён чўнтагидан Музаффарнинг тўрт букланган мактубини олиб, унга узатди.

— Ўзбекча ўқий оларсиз, агар ўқий олмасангиз...

Иван Харитонович унга жавоб бермай, тилла бандли кўзойнагини тақди-да, хатни очди.

Расул ундап нигоҳини узмай, зимдан кузатиб ўтирди.

Иван Харитонович хатни ўқиб чиққач, бошини осилтирганича узоқ хаёлга толди. Унинг ияги олдинга туртиб чиққан рангпар юзи мумдек заҳил тортиб, пешонасидаги ажиблари қуюқлашди.

— Қачон олдинг бу хатни?

— Шу бугун эрталаб, Иван Харитонович!

— Ўзи онкелдими ё...

— Шофёридан бериб юборибди.

Белобородов лом-мим демай, телефон трубкасини олиб, қаёққадир телефон қилиб, Музаффарни сўради. Сўраши билан ранги қув оқариб: «Йўғ-э, наҳотки?» — деб хитоб қилди-да, титроқ кўлларини креслонинг ёнларига тираб, ўридан турди.

Расул ҳам беихтиёр сапчиб турди.

— Нима гап, Иван Харитонович? Тинчликми?

— Айтсам ишонмайсан. Ақлга сиғмайдиган иш қипти, у баттол! «Даштстрой» бошлигининг самолётига миниб, қочаётган пайтида кўлга тушиб ўзини ўзи отиб қўйипти!

Расул турган жойида «шилқ» этиб креслога чўкди, чўкаркан, бундан бир ой аввал «Даштстрой» самолётида учганлари, учувчилар кабинасига кириб кетган Музаффар у ердан оғзининг таноби қочиб чиққани, «Самолёт

рулини ҳозир камина бошқардилар!» — деб мақтангани лоп этиб эсига тушди-ю:

— Ё алҳазар! — деб юборди. — Наҳот шу гап рост бўлса, Иван Харитонович?

— Ростлигини хатиданоқ билса бўлади-ку?

— Тўғри, аммо... эҳтимол бир қишлоқда бирга ўсиб, бирга катта бўлганимиз учундир, раҳми келар экан кишининг.

Белобородов чўрт бурилиб қаради. Унинг нурсизгина кўзлари қисилиб, мумдаи саргини юзлари бўғриқиб кетди.

— Раҳмлари келса... илгари қаерда эдилар? Бу одам, ўзи иқрор бўлгандек, хассасини йўқотиб, боши берк кўчага кириб қолганида нега қўлидан ушлаб, тўғри йўлга чиқазиб қўймадилар?

Расул унинг тўсатдан чарақлаб кетган мовий кўзларидан нигоҳини олиб қочди.

— Бу гапингиз тўғри, Иван Харитонович. Аммо...

— Нима аммо? — деди Белобородов, заҳил юзи қайта унниқиб. — Ё қил ўтмас қадрдонинг халқнинг ярим миллион сўмини ўмариб, қасёққадир қочмоқчи бўлса, виждонсиз фарзанди эса... Шоввоздай лафзи ҳалол меҳнаткаш одамларни оёғости қилиб, хўрлаб юреа-ю, сен билан мен бу корчалонларга раҳмдиллик кўрсатиб, каттароқ жиноятларга йўл очиб берайликми?

Расул ҳайратдан ёқасини ушлаб:

— Сиз... Шоввозга қилган адолатсизликларини кимдан эшитдингиз? — деб юборди. Белобородовнинг юпқа лабларида жиноятли табассум жилва қилди.

— Шуниям билмасак, биз нима қилиб ўтирибмиз бу идорада? — Иван Харитонович тинқаси қуригандай, ўзини дераза ёнидаги чарм диванга таплади-да, кўзларини юмди. У шу ҳолда бир тутамгина бўлиб, почор, ҳорғин алпозда узоқ ўтирди, сўнг худди хаёлан ким биландир баҳслашаётгандай, аста-секин, тўхтаб-тўхтаб, гап бошлади: — Албатта, мен сенинг юрагингдаги галаёнга тушуниб турибман. Сен у билан бирга ўсгансан, бирга урушда бўлгансан! Ҳаммасини биламан. Ахир у бир маҳаллар қўлимда солдат бўлиб хизмат қилган, менинг ҳам жоним ачийди! Аммо... — Иван Харитонович бошини сарак-сарак қилиб, қаттиқ уф тортди. — Аммо пачора? Ҳозир Музаффар Фармондай ноҳалол, нопок одамларга раҳмшафқат қилиш — бу инсофу адолат учун диёримизда бошланган улкан курашга қарши бориш билан баробар бўлур эди!.. Ё нотўғрими?

Расулнинг тўсатдан силласи қуриб, ўзини рўпарасидаги креслога ташлади.

— Тўғри, Иван Харитонович. Аммо...

— Йўқ,— деди Белобородов кутилмаган бир дагдага билан.— Ахир ўзинг ўйлаб кўр, Расул! Сўнгги ўн-ўн беш йилда ҳаётда нималар қилмади бу Фармоновлар? Ярим миллион сўмлик бу олтину жавоҳирларни қаёқдан олган бу туллак! Шўрлик пахтакорнинг ишона тери билан топган пули ҳисобига орттирган бойлик эмасми бу бойлик?..

— Тўғри...

— Тўғри дейсану, аммо раҳмдиллик қилсан!.. Қилган ўғриликлари-ю, ўмарган бойликларини ҳам қўйиб турайлик! — деди Белобородов ҳансираб.— Ҳамма ишда волонтаристик йўл тутиб, ерга, тупроққа, табиатга келтирган зарарлари-чи? Бажарилмаган ишларини бажариди деб, давлатнинг миллион-миллион сўм пулларини кўкка кулдай совурганлари-чи?.. Тагини нима мақсадда де? Фақат битта мақсадда — олий мукофотлару сохта шон-шухрат орттириш ниятида қилниган бу ишларни! Ҳамма балони қилиб, яна ватанга хиёнат қилиб қочмоқчи бўлганини айтмайсанми унинг?

Собиқ комбатнинг заҳил юзлари ловуллаб, қўллари дир-дир титраганини кўрган Расул, шона-ниша унга графиндан сув қўйиб берди.

— Мен ҳамма ганингизга қўшиламам, Иван Харитонович. Фақат...

— Нима фақат? — деди Белобородов, уршиқоқ хўроздай кескирдагини чўзиб.

— Элимиз номига, нима десам бўлади, бир оз ишод...

— Нима, нима? — деди Белобородов унинг сўзини бўлиб.— Қанақа ишод ҳақида гапирявсан? Эл-юртга нима дахли бор Фармоновдек виждонини жиғилдонга урган лўттибозларнинг? Нап-катта зиёли одам... Қаёқдаги обивателларнинг гапини гапирасан!

Расул, нима дётганини билмай, бир нималар деб гўлдиради.

— Ишод эмин! — заҳарханда кулди, Белобородов.— Агар истасанг, бутун умри шу ер, шу ўлкада ўтган оддий бир рус зиёлиси сифатида айтиб қўйиб сенга: мен ўзбек деҳқони олдида ҳамisha бош эгиб келганман. Ҳануз бош эгаман! Чунки биламан: пахтакор меҳнатидан оғир меҳнат йўқ дунёда! Шундоқ экан, умри далада

кетмон чоғиб ўтаётган халқнинг, кўнгли пок, дили пок меҳнат аҳлининг дахли йўқ бу ишларга. Улар жавоб бермайди инсофу адолатни унутган бу олғирлар учун!

Расул негадир, эҳтимол Белобородовнинг гаплари унинг ўз ўйларига ҳамоҳанг келгани учундир, тўсатдан томоғи гин бўғилиб:

— Раҳмат сизга, Иван Харитонович! — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Белобородов унга ялт этиб қаради-да, қовоғини уйиб:

— Албатта, — деди, — покланиш учун бошланган бу кураш осон кўчмайди... Фармоновга ўхшаганлар қараб ётмайди.

Расулнинг эсига яна Меҳринисоннинг кўнгириги тушди-ю, худди ёш боладай ҳаяжондан энтика-энтика унинг гапларини гапириб берди.

Белобородов қовоғини уйиб:

— Қайси Шораҳим? — деб сўради. — Менинг батальонимда хизмат қилган анов... новча, шўх йигитми?

— Ҳа, эсингиздан чиқмапти! Худди ўша! Ўгли ҳам отасига ўхшаган жуда мард, танги йигит, Иван Харитонович! Мен хотинининг гапларига ишонаман, гирт тухматга қолган, шўрлик...

— Ҳм-м... — Белобородов Расулнинг кўзларидан умид учқунларини илғади чоғи: — Хўй! — деди қатъий овозда. — Тухмат бўлса... ҳақиқат қилишга ёрдам берамиз. Бирга бориб келармиз, балки. Аммо-лекин... ҳақиқатан тухматдан ҳам қайтмайди булар! Осонликча таслим бўлишмайди. Ҳали кўп жанг қилишга тўғри келади, Расул! — Тўсатдан Белобородовнинг лабларига яна ўша таниш кинояли табассум югурди: — Мана, ўзларининг устидан ҳам бир даста юмалоқ хат тушди!.. — Расулнинг кўз олдига лоп этиб наста кўрган Мардон Зокиров келди. Ҳаёлида: «Ўша улуг саъяткорнинг иши!» деган гап чақмоқдай чақнади. Лекин унда... агар юмалоқ хатни у ёзган бўлса, нега боя ўксиб гапирди? Нега йинглаб юборгудек бўлиб, «култ» этиб юттиди?

Расул буни гапириб берган эди, Белобородов:

— Шунга ҳам ақллари етмадимиз, ўртоқ профессор? — деб кулди. — Хатарининг олдини олиш учун келган-да, у тулки. Гап шундаки, сенинг юқори тапшилотга ёзган хатинг айланиб-айланиб, ахир пировардида бизга келди!

— Э, шунақами? — деб юборди Расул.

Белобородов, нимжон кўкрагини аста силаганича ҳорғин юриб жойинга ўтиб ўтирди.

— Аммо тўғрисини айтсам, сенга ҳам ҳайронман, Расул!

— Нега, Иван Харитонович?

— Негаки... санъат соҳасига шундай ноҳалол одамлар бош суқиб олишган экан, шундай юлғичликлар бўлаётган экан, тупов куни борганингда менга бир оғиз бир нима демading?

Расул хижолат чекиб, пешонасини ишқади.

— Мен борган куни сиз... бу гапларни эшитадиган аҳволда эмас эдингиз-да, Иван Харитонович!

— Қойил! Бундан чиқди... Каминадан батамом умидни узиб, қўл силтаб қўйган эканлар-да, Расул!

— Йўқ-йўқ...

— Майли, гап унда эмас,— деди Белобородов, дарҳол жиддийлашиб.— Умуман олганда, биз ҳам бу соҳада бўлаётган қинғир ишлардан чин санъакорлар қолиб кетиб, колхоз-совхозларнинг миллион-миллион маблағларини қаёқдаги қаланғи-қасанғи халтурачилар жигилдонларига уриб кетаётганидан озми, кўпми бохабар эдик. Аммо сенинг хатинг масалага жуда катта аниқлик киритди, раҳмат, азизим! Лекин...— Белобородов бир қултум сув ичиб, «пиқ» этиб бир кулиб қўйди.— Хатинг ҳам келди, кетида устингдан ёзилган юмалоқ хатлар ҳам ёмғирдик ёғилиб кетди!— Иван Харитонович, лабида ҳамон ўша шўх табассум, ўзича кулимсираб ўтирарди.— Биз ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келдик, Расул. Халқ контроли комитети бу масала юзасидан катта комиссия тузади. Комиссияга... ўзинг раис бўласан, Расул!

Нуриддинов пичингдан ўзипи туюлмади.

— Каминанинг устидан тушган юмалоқ хатлар-чи? Улар нима бўлади?

— Хотиржам бўл, улар ҳам текширилади!

— Бундан чиқди, камина... ҳам сохта санъакторларни тафтиш қиламан, ҳам бу корчалонларнинг сўроғига жавоб бераман!

— Ҳа, чамаси шундай бўлади!

— Иван Харитонович!— ўрнидан туриб кетган Расул силласи қуриб қайта чарм креслога чўкди.— Мени шу ишдан озод қилинг, илтимос!

Белобородов ялт этиб қаради. Унинг заҳил юзида аллақандай шафқатсиз, кескин бир ифода зуҳур бўлди:

— Нега? Е юмалоқ хатларда ёзилган гаплардан қўрқадиган жойнинг борми?

Белобородовнинг заҳархандаси Расулга қаттиқ тегди-ю, бир санчиб тушди.

— Гап менинг қўрқини-қўрқмаслигимда эмас, Иван Харитонович!

— Нимада бўлмаса?

— Ахир бу ноҳақ бўхтонлар, бу ифлос юмалоқ хатлар, бировларнинг нопок қўллари билан уюштирилган бу иғволарга чек қўйиладими, йўқми? Қачонгача давом этади бу тухматлар?

— Токи сени биз бу ишларнинг тағига етмагуниimizча, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқармагуниimizча!

Расул Нуриддинов азбаройи дуди кўкка чиқиб:

— Ахир... ўз соҳамда адолат қиламан деб юрганлардан биттаси мен шўрлик бўлсам... қанақа қилиб сарагини саракка, пучагини пучакка чиқараман? Қачонки, ўзим бу тубан иғвогарлар олдида жавоб берсам. Инсонга, ҳалол одамларга ишонадиган кун келадимми ё...

Белобородов Расулнинг сўзларига қўлини қўйди, кўзига сиповчан тикилиб:

— Мен сенга ҳайронман, Расул! — деб кулди.

— Нега?

— Негаки... сенинг устингдан ёзилган шунча имзоли ва имзосиз хатларга қарамасдан, сени республика миқёсидаги катта комиссияга раис қилишимизнинг ўзи — сенга билдирилган ишонч эмасми, азизим?

Расул уф тортиб, бошини қаншиди.

— Ишонч бўлса ишончдир, аммо...

— Аммосига ўтма! Агар менга ишонсанг, агар мени ҳурмат қилсанг, уёғига ўтмай, бизнинг қароримизга рози бўлавер, Расул.

Расул собиқ комбатнинг хиёл маънос ҳорғин кўзларига дош беролмай, ерга қаради.

— Майли! Мен-ку, рози бўлай. Аммо сиз ҳам бир парсани билиб қўйинг, Иван Харитонович!

— Хўш?

— Агар мен... сиз айтган комиссияга раис бўлсам... сизнинг устингиздан ҳам юмалоқ хат тушади!

— Гўё мен буни билмайман!

Белобородов тўсатдан қаҳ-қаҳ отиб кулди, сўнг:

— Қачон кўрамиз? — деб сўради.

Нуриддинов унга савол назари билан қаради:

— Нимани?

— Куёвинг яратган монументини!..

Расул бирдан кўнгли сув ичгандай раншан тортиб:

— Сиз қачон десаңгиз — шунда! — деди.

— Бўлмаса, эрта-шудин хабар бераман. Бу диққатнафас кабинетдан чиқиб, дастларни айланиб, бир яйраб келайлик! — Белобородов шундай деб қўлини узатди: — Хўп, кўришгунча, Расул!

Йнгирма еттинчи боб

Бугун Мардон Зокировнинг пойга ўйнаса бўладиган кенг, баҳаво устахонаси ҳайкалтарош ва рассомнинг ишхонасидан кўра, азиз дўстлар кутилаётган серфайз меҳмонхонани эслатарди. Одатда, устахонада бетартиб қалашиб ётадиган суратлар, битган ва битмаган ҳайкал ва ҳайкалчалар, махсус келтирилган лой, мармар, цемент ва бўёқлар, ўртада турадиган катта мураккаб дастгоҳ, чарчаганда ором оладиган махсус креслолар — ҳаммаси қўшни хоналарга кўчирилган, ерга повотранг хорижий ипак палос тўшалиб, ўртага қўшма стол қўйилган, стол атрофига қимматбаҳо юмшоқ стуллар терилган, деразаларга тутилган нимсариқ ҳарир дарнардлар эса бу шинам меҳмонхонани қиш офтобининг майини тилларанг жилосига йўгирган.

Сахий дастурхон: чинни лаганларга терилган чойнакдай-чойнакдай апорлар, олтиндай товланган нок, беҳи ва уларнинг устидаги ҳусайни ва қора чарослар шундай назокат билан ясатилгани, эшикдан кирган кишига даб-дурустдан геннал бир патюрмортни эслатади.

Тўрдаги ҳаворанг хитой гилами тўшалган диванда ғаройиб суратли ипак пижама кийган Ҳалим Салимович ёнидаги пиёз пўстидай нозик ликопчадан писта олиб чаққаничча, узала тушиб китоб кўриб ётибди.

Чап қўлдаги қандайдир антиқа мато билан қопланган эшик очилиб, икки қўлида икки лаган газак, Мардон Зокиров кўринди. У қадрдон оғайниси Ҳалим Салимовичдан фарқли ўлароқ, четларига генералларнинг «лампас» ли либосларини эслатовчи қизил мато тикилган спортча кийим кийган, кийгану, бақалоқ, миқти одам, худди курашга шайланган самбочи паҳлавонга ўхшаб қолган.

Мардон Зокиров эшикда тўхтаб, порози овозда пўнгиллади:

— Нима бало, ҳалиям дарак йўқми хўжайиндан?

Ҳалим Салимович «момақалдироқ»нинг порози қалдираган овозидан «дик» этиб тунди-да, тарашадай қотган дароз қаддини ростлади.

— Йўқ!

— Телефон-пелефон ҳам қилмадиларми?

— Йўқ!— деди Ҳалим ширин кўзлари аллақандай тараддуд билан мўлтираб.— Чамаси бугун келмайди-ёв, «шеф» имия!

— Сабаб?!

— Сабаби... Шерзод Комилов сен билан мендай содда, анойи одам эмас, огайни!..

Мардон Зокиров қўлларидаги газак тўла лаганларни столга тарақлатиб қўйди.

— Ганиннга тушунамадим, огайни?

— Нимасига тушунамайсан, биродар? «Шеф» ҳозир ғалаба нишаби қайси томонга қараб кетганини яхши билиб турибди! Агарчанд зафар нишаби биз томонга тўғриланганда эди... ана унда ҳозир тўрингда ўтирган бўларди!— Ҳалим Салимович бошини ликиллатиб, ғалати ишшайиб қўйди.

Мардон Зокиров «натюрморт» ўртасидаги тўрт киррали позик шиналардан бирини олиб, инёлани тўлдириб қўйди-да, бир кўтаришида бўшатиб, столга «тақ» этказиб қўйди, сўнг лабларини ҳузур билан силаркан:

— Қани, келмасдан кўрсин-чи?— деб дўриллади.— Ҳамма балони бошлаган — ўша! Рақлби Бехзод Нусратовга қарши биз тўлларни қайраган ким? Мана шу ичиқора... устаси фарағ Шерзод Комилов! Қани энди ўзини панага олиб кўрсин-чи, устидан шундай бир юмалоқ хат битайликки, сичқоннинг иши минг тапга бўлсин! Фактлар қалашиб ётибди!

Соғлигини ниҳоятда қадрлаб, ўз ибораси билан айтганда, «ўткир суюқликлар»дан қочиб, фақат майин ичимликлар истеъмол қиладиган Ҳалим Салимович, пахта гулли пиёлага шарбат қўйиб хўпларкан:

— Шу юмалоқ хатларга ҳам ишонмай қўйдим, биродар,— деди хўрсиниб.— Ё биз бу ишци кеч бошладик, ё ҳозир бу ишга эътибор сусайди!..

— Йўқ!— деди Мардон Зокиров ишонч билан.— Ҳали фурсат бор...

— Фурсат бор бўлса... оқибати қани? Юмалогиниям ёздик, беюмалогиниям! Қани бирор-бир натижаси? Ёзавериб, ёзавериб бир кун лаққа балиқдай қармоққа илиниб, номимиз иввогар бўп қолмаса деб кўрқяпман!

— Чап қўлинг соғми ишқилиб? — хандон уриб кулди Мардон Зокиров. — Чап қўлинг соғ бўлса... мингта экспертизаси ўтаверсин! Ҳаёт курашдан иборат деган донолар.

Ҳалим Салимович чўғир қовунга ўхшаган узун, туксиз калласини силаб, чуқур «уф» тортди.

— Кошкийди, бу бош иккита бўлса...

— Э, шу юрак билан ҳали Расул Нуриддиновни йиқитаман, деб юрибсанми? — деди Зокиров зардаси қайнаб. — Ё докторлик диссертациянгни ёқлаганингда нималар дегани эсингдан чиқдими? Агар ўша ҳасадгўй, сохта буюк олим бўлмаганида, сен аллақачон академик бўп кетардинг, биродар! Единогда бўлсин, фақат ўзим бўлай, фақат ўзим кўкарай дейдиган бу худбин профессор тирик экан, косамиз оқармайди ҳеч қачон. Ё нотўғрими гапим?

— Тўғриликка тўғрику-я! Бироқ қасдига олиб, анов комитетда оғайниси борлигини айтмайсанми?..

— Упи оғайниси бўлса, каминани ҳам оғайним бор ўша комитетда! — деди Мардон Зокиров ва бирдан овозини пасайтириб, шивирлади: — Лозим бўлса, бу нопокка кўшиб ўша мансабдор оғайнисини ҳам ёзамиз! Чап қўлинг омон бўлсин ишқилиб!

Ҳалим Салимович нимадандир сесканиб, чап қўлини ушлаб-ушлаб кўрди-да, негадир бўшашиб, диванга чўкди.

— Оғайниси ҳам фаришта эмасдир, ахир! Упи ҳам позик жойидан ушлайдиган фактларни қидирамиз. Қидирсан топилади! — Мардон Зокиров аллақандай жўшиб, яна тўрт қиррали нозик шишага қўл чўзди. Бироқ шу пайт эшик аста, журъатсизгина тикиллаб қолди.

Зокиров қўлини худди чаёндан тортиб олгандай, шишадан тортиб олди:

— Ким у?

— Мумкинми? — эшик очилиб, остонада Шерзод Комилов кўринди.

— Э-э... азизим! — Зокиров хандон-хушхон жилмайиб, меҳмонининг истиқболига шошилди. — Пешиндан бери йўлларига тикилавериб кўзимиз тешилиб кетди-ку, укажон? Қани, қани, юқори ўтсинлар!..

Шерзод Комилов, эғнида ўзига ярашган погонли яшил плаш, бошида сувсар мўйнасидан пилотка шаклига ўхша-

тиб тикилган телпак, остонада кирсамми, кирмасамми дегандай, аллақандай иккиланиб тўхтади. Мардон Зокиров, калтабақай миқти гавдасига айд бир чаққонлик билан пилдираб бориб, увинг плашига қўл чўзди:

— Қани, қани, ечсинлар, Шерзоджон! Қадамларига ҳасанот! Мана, пешиндан бери қозонга гуручни солмай, маҳтал бўлиб ўтирибмиз, ука!..

Шерзод Комилов гўё кимнидир ахтараётгандай, серхам устaxonани синчковлик билан кўздан кечириб чиқди, аммо на жойидан жилди, на сувсар телпагини, на плашини ечди. Буни кўрган Ҳалим Салимович аллақандай ҳадиксираб, оғайниси Мардон Зокировга қаради, сўнг бирдан овози дарз кетиб:

— Сизга нима бўлди, Шерзоджон? — деди ўқсиб. — Ахир, жилла-қурса, ечининг...

— Йўқ, раҳмат, — деди Шерзод совуққили. — Мен бир жойга шошиб турибман, узр.

Мардон Зокиров кифтини асабий учирди:

— Бундан бошқа яна қанақа жой? Ахир, кеча ётиб бир чақчақлашамиз, дардлашамиз, деб ахдлашиб қўйган эдик-ку, укажон! Бир ёқда ош, бир ёқда кабо!...

Шерзод Комилов икки қўлини кўксига қўйиб, гуноҳ-корона таъзим қилди.

— Раҳмат, раҳмат. Ош бўлса кўп еганмиз, кўп меҳмон бўлганмиз бу табаррук уйда...

Мардон Зокиров гўё эндигина катта мудхиш ҳақиқатни англаб етгандай, ранги ўчиб:

— Хўп, ошга-ку иштаҳалари йўқ экан, иш-чи? — деб сўради. — Иш нима бўлади?

Шерзод Комиловнинг мулойим қўй кўзлари маъсум жавдиради:

— Қанақа иш?

— Ие, буниси қизиқ бўлди-ку? — Мардон Зокиров кифтини асабий учуриб, оғайниси Ҳалим Салимовичга қаради, у эса: «Ҳа, боя нима дегандим сенга» деган маънода чўғир бошини ликиллатди. — Ахир... бугунги йиғилишимиздан мақсад — сизу бизни камситиб, ҳаммани ерга ураётган анов... ифвогар Расул Нуриддиновнинг устидан бамаслаҳат жиддий бир хат ёзиш эмасмиди? Ё собиқ устоалари томон оғмоқчимилар, азизим?

Шерзод сувсар телпагини бошидан олиб, қоп-қора, силлиқ сочларини силаганича ер остидан бир Мардон Зокировга, бир Ҳалим Салимовичга тикилиб қаради, гўё бу икки

оғайнини умрида биринчи марта кўраётгандай, тешиб юборгудай қадалиб қаради, сўнг, кўзалари яна боягидай ғамгин жавдираб:

— Кераги йўқ! — деди секин. — Жонга тегди!

Зокиров ҳануз бўш келмай:

— Нима жонга тегди? — деб ўдағайлади.

— Нима бўларди? Мана шу хатлар! Имзолар...

Зокиров бирдан енгил тортиб, хушнуд кулди.

— Э, шунга ҳам ота гўри-қозихонами, Шерзоджон?

Агар сиз имзо қўйишдан ҳадиксираётган бўлсангиз, ҳалигидақа... беимзо қилиб ёзамиз! Зотан, сиз нимадан чўчийсиз, азизим? Мана, дўстим Ҳалим Салимович чап қўли билан юмалоқ хат ёзишга шунақаям устаси фаранг бўп кетганки, минг битта экспертиза чақиринсалам тошиполмайди!.. Қани, Ҳалим Салимович, қоғоз олиб, хунарингизни бир кўреатинг, биродар!

Ҳалим Салимович, негадир хижолат чекиб йўталди, сўнг аллақандай ранжиб:

— Сиз ҳам жа-а, ошириб юборасиз-да, Мардон Зокирович! — деган эди, Шерзод:

— Ҳақиқатан кераги йўқ! — деб уни қувватлади.

— Ё қудратингдан! — Мардон Зокиров хуноби чиқиб қулочини кенг ёзди. — Буги қизиқ бўлди-ку, акаси?

— Нимаси қизиқ? — деди Шерзод.

— Шуниси қизиқки, агар бу ишнинг олдини олиб, калондимог устозингизни бадном қила олмасак, ўзимиз бадном бўламиз ахир! Ёки севикли куёвидан бошқа ҳаммаи оёғости қилиб юрган бу номи улуғ, супраси қуруқ олимингиз... Башарамизга лой чаплайдиган бир папка хужжат йиққанидан бохабармилар? Ким қасерда, қандай ёдгорлик қургану, қанча нул ўмарган — ҳаммасидан бохабар бу нокас! Яна шу нарса эсларидан чиқмасинки, Шерзодвой! — деди Зокиров, хиёл кесатиб. — Бу хужжату шартномаларнинг аксариятига ўзлари қўл қўйганлар!

Ҳалим Салимович «афсус, минг афсус» деган маънода бош ирғади-ю:

— Ха, масаланинг энг позик томони ҳам шунда, Шерзоджон! — деди уф тортиб. — Биз ўзимиздан ҳам бурун сизни, сиздай катта истездоднинг истиқболини ўйлаяпмиз, ука!

Шерзод қимматбаҳо телпагини гижимлаганича:

— Майли, — деди ҳамон ўша ғамгин ва бефарқ бир алпозда, — нима бўлса бўлар!

У сувсар телпагини пешонасига қўндириб, эшик томон йўналган эди, Мардон Зокиров бақалоқ гавдасига мос тушмаган бир чаққонлик билан бир ҳатлашда унинг йўлини тўсди.

— Ахир, нима бўлди сизга? Нега тўсатдан бунақа айниб қолдингиз? Лоақал сабабини айтиб кетинг, азизим?

— Сабаби? — Шерзод миқ этмай, поз-неъмат тўла стол томон ўтиб, тўрт қирралик позик шишадан бир шиёла май қуйди, бироқ ичишдан олдин яна Мардон Зокиров билан Ҳалим Салимовичга ўгирилиб: — Сабаби дейсизми? — деб сўради. — Сабаби шуки... Мен кеча Бехзод Нуератов яратган ёдгорликни бориб кўрдим!

— Хўш, хўш! Кўрсалар нима бўпти? — деди Мардон Зокиров истеҳзоли кулимеираб.

— Мен, — деди Шерзод кутилмаган бир алам билан. — Мен бу ёдгорликни кўриб, шуни тушундимки, шу маҳалгача юрган эканман аҳмоқ бўлиб. Ижод ўрнига лавозим кетидан югуриб, энг сермахсул йилларимни бой берибман! — У қўлида дир-дир титраётган шиёлани оғзига олиб борди, бироқ ичиш ўрнига, шароб тўла қадаҳни баланд кўтарди-да, бор кучи билан ерга урди. Шиёла чил-чил сийиб, гиламга тўкилган шароб Мардон Зокировнинг юзига сачради.

Мардон Зокиров аввал пажот сўрагандай кўзлари нир-пираб Ҳалим Салимовичга қаради, сўнг эшик томон йўналган Шерзоднинг қўлига тирмашди.

— Менга қаранг, акаси!

— Қараб бўлдим, азиз устод! — Шерзод қўлини унинг қўлидан шахт билан тортиб олди-да, эшикни оёғи билан тегиб очиб, чиқиб кетди.

Мардон Зокиров бир дақиқа тили калимага келмай, лалайиб турди, сўнг ундан бепаттар эсанкираб қолган оғайнисига юзланиб:

— Хўш? Намунча қалтираб қолдинг? Ё жаноблари ҳам таслим бўлдиларми? — деб сўради.

Ҳалим Ширин жавоб бериш ўрнига бошини тамгин ликиллатиб:

— Хай аттанг! — деб уф тортди. — Собиқ каттаконни айтаман — жуда бевақт оламдан ўтди-да шўрлик. У одам тирик бўлганда-ку, ҳозир Нуриддиновга ўхшаган покасларни шогирд-погирдлари билан бир бурчакка обориб тикиб қўярдики! Мнинг афсус! Оламдан кўз юмганига бир йил ўтмасдан бунақа бўляпти, буёғи нима бўларкан ҳали?

Мардон Зокиров тўсатдан кўзига ёш олди. Унинг хаёлида ногоҳон ниҳоятда қадрли, ниҳоятда ҳаяжонли бир манзара жонланди. Ўшанда у биринчи марта минбарга чиқиб, оташин путқ сўзлаганди. Мана шу Расул Нуриддиновга қарши қаратилган бу нутқи марҳумга сарғдай ёққан эди. Шундай ёққан эдики, мажлисдан кейин у Зокировни олдига чакириб олиб, узоқ суҳбатлашган, никодий режалари билан қизиққан эди. У маҳалда марҳум сочига эндигина оқ оралай бошлаган, хушқад, хушсурат, ниҳоятда сермулозим одам эди! Марҳум Мардон Зокировнинг елкасига кўлини қўйиб, кулимсираб сўзлашган, фақат ҳаётни қора кўзойнак орқали кузатувчи, турмушдаги улкан зафарларини кўролмовчи Расул Нуриддинов каби кимсалар ҳақида гапирганидагина, лабларидаги мулоим табассум сўйиб, қўй кўзлари совуқ ялтиллаб кетганди.

Зокировнинг дилида тоабат сўнмас из қолдирган бу илҳомбахш суҳбатдан бир ҳафта ўтар-ўтмас унга «Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби» деган унвон бериш тўғрисида қарор чиққанди!..

Зокиров хаёл оғушидан аранг қутулиб, бошини мағрур кўтарди.

— Йўқ! — деди у кимгадир писанда қилиб. — Осонликча жон берадиган аҳмоқ йўқ бу ерда! Қани, қаламингни ол! Ёзамиз. Кураш қурбонсиз бўлмайди! Курашамиз. Лоақал марҳум хўжайинининг руҳини шод қилиш учун бўлсада, курашамиз санъатимизнинг софлигига раҳна солаётган бу... ёт унсурлар билан!

Зокировнинг шижоати, чамаси, Ҳалим Шириннинг юрагини чўғлантиролмади. У гўё қаноти қайрилган улкан туюқшудай қисик кўзлари мўлтираб, мунғайиб ўтирарди.

Йиғирма саккизинчи боб

Тўғриси, ўғлининг ҳибегга олиниши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди Шоввознинг. Ақсинча, Шоқосим шифонадан тузалиб чиққан кунлари, Шоввознинг назарида, дилида тоабат сўнган шам қайта милтирагандай, Ойсулуннинг ўлиmidан кейин кўзига қоронғи кўринган дунё қайта хиёл ёришгандай туюлганди.

Тўғри, уйларига қайтиб келганидан кейингина ойисининг ўлиmidан воқиф бўлган Шоқосим, бир неча кунгача ўзини қўярга жой тополмай, қовурилиб юрди.

Шоввоз ич-ичпдан сезар, ўгли ҳам унга ўхшаб, кечаю кундуз, қишин-ёзин ишни ўйлаб, онасига қарай олмаганидан, уни катта докторларга кўрсата олмаганидан изтироб чекарди. Ота-бола бир неча марта қабристонга чиқиб, Ойсулуннинг қабрини зиёрат қилишди. Қолган вақт Шоқосим кўпроқ меҳмонхонага қора парда тутиб, ерга юзтубан тушиб ётар, на кўзида филт-филт ёш, гуноҳкорона бош эгиб юрган хотинига қарар, на дадаси билан ёзилиб гаплашарди. Шу зайл бир неча кун ўтди, кейин бу гам-андух ҳали аримасдан туриб, бошқа бир хатарнинг совуқ шабадаси эса бошлади. Бир кун кечқурун Шоввознинг олти яшар набираси бир хат кўтариб келди. (Набирасининг айтишича, хат йўлакда ётган эмиш!) Қингир-қийшиқ ҳарфлар билан ёзилган бу хатда шундай дейилган эди:

«Билиб қўй, Шоввоз! Шу бугун кечаси ўглингни олиб кетишади. Сен унга уқтириб айт: ўтган ҳаптомаларни қўзғаб юрмасин. Тилини тийиб, гунг бўлиб олсин. Агар тилини тиймаса — ўздан кўрсин. Аҳмоқ калланга қуйиб ол: хонумонингга ўт қўямиз!» Мактубга «Эски қадрдонинг», деб имзо чекилган эди.

Шоввоз қуёниюраклардан бўлмаса ҳам хатни ўқиб, кўз олди қоронғилашиб кетди, Шоқосим эса аввал хатдаги таҳдидни писанд ҳам қилмади, мийингида кулиб қўя қолди, лекин кейин бундан бир-икки ой муқаддам Пўлат папка даштга сохта ведомость кўтариб борганида бўлган жанжал асига тушиб, юзи тундлашди.

Шоввоз ўглининг гапини эшитиб:

— Ундай бўлса шу писмиқ ёзган бу ифлос хатни! — деб ўрвидан тура бошлаган эди. Шоқосим уни қўлидан ушлаб тўхтатди:

— Йўқ, Пўлатхўжа писмиқликка писмиғу, аммо чумчуқ пир этса юраги шир этадиган кўрқоқ бир одам! — деди у ўйчан товўшда. — Бу ё Музаффар Фармоннинг иши, ё анов муттаҳам ўглининг! Пахтафурушлик қилганлар ҳам ўшалар. Пўлат папка бўлса... Пўлат папка уларнинг қўлида шунчаки бир қўгирчоқ эди, холос!..

— Қамоқда ётибди-ку, аблаҳ директор!

— Директор этса, ёр-биродарлари бор. Пашша қўриб ётмагандир ахир!

Ўртага оғир жимлик чўқди. Энг ёмони — ота-бола юмалоқ хатнинг маъзини чақиб, ҳали бир тўхтамга келмасдан турибоқ ундаги мудҳиш таҳдид ростга айланди: формасиз икки одам кириб келди. Улар билан кетма-кет кимдан-

дир бу шум хабарни эшитган Меҳринисо чолиб келди. У фарёд чекиб, эрининг бўйнига осилди. Уйда Ойсулувнинг жасади устидагидан бешбаттар қий-чув, йиғи кўтарилди. Шоввоз ўглига эргашмоқчи эди, Меҳринисо кўнмади, «Жигули»сига ўтириб, кетма-кет ўзи жўпади. Шоввоз эса тонг отгунча чақиртиканақда ётгандай ағанаб чиқди. Йўқ, у тухматнинг умри қисқа эканига шубҳа қилмас, адолат таптана қилишига ишонар, аммо нотинч бир ўй, тизгинсиз бир алам, «ахир, наҳот адолатсизлик замони тугаб, покланиш даври бошланганда яна келиб-келиб, унинг меҳнаткаш, заҳматкаш ўгли тухмат балосига гирифтор бўлса?» деган ташвиш миясини бетиним бурғуларди.

Эртасига Шоввоз, икки кўзи йўлда, тушгача сабр қилди, кейин яна йўлга отланди, аммо шу пайт почтачи аёл телеграмма оқкеб қолди. Телеграмма Шоқосимдан бўлиб унда «Хавотир олманглар. Текширишяпти. Ҳаммаси жойига тушади», деб ёзилган эди. Шоввоз телеграммани бир печа марта ўқигандан кейингига ўглининг «текширишяпти», дегани аслида сўроқ қилишяпти дегани эканини англади, англади-ю, кечаси билан уйку бермаган совуқ ваҳима юрагини яна исканжага олди. У бир ўйи яна йўлга тушишга азм этди, аммо бир оз мулоҳаза юритиб кўргач (борганда кимга учрайди, арзини кимга айтади — аввал буни ҳал қилиш керак!), келишини кутишга аҳд қилди.

Бу орада қишлоқда бир-биридан совуқ, бир-биридан ваҳимали мишмишлар тарқади. Гўё кечаси Фотиҳ Музаффаровнинг уйини милиция босиб, тинтув қилган эмиш, гўё гаражининг тагидан бир сандиқ тилла буюм, қимматбаҳо тошлар ва зеб-зийнатлар чиққан эмиш. Бировлар бир сандиқ деса, бировлар: «Йўқ, икки сандиқ» деб, ҳатто «уч сандиқ олтину жавоҳир тошилибди» дегувчилар ҳам бор эди. Бу мишмишлар ҳали босилмаган ҳам эдики, қишлоқда ундан ҳам ваҳимали гаплар тарқалди: гўё кимсан Музаффар Фармон ҳам ҳибсга олинган эмиш, гўё у «Дашт-строй» самолётига миниб бошқа бир юртга қочмоқчи бўлаётган бир маврида қўлга тушиб, ўзини ўзи отиб қўйганмиш. Бу мишмишлар Шоввозга тасалли бериш ўрнига, дилига баттар гулгула солди. Чунки одамлар орасида ёмон гаплар юрар, бу гапларга қараганда, хонумонларига ўт кетишини сезган зўравонлар бир-бирлари билан зимдан бирлашиб йиш кўряпган эмиш! Боз устига, цевараси олиб кирган юмалоқ хат ҳам Шоввозга тинчлик бермас, ҳар

сафар мудҳин таҳдидга тула бу хат эсига тушганида юраги орқасига тортиб кетарди.

Бугун кечаси у тагин мижджа қоқмай тоғ оттирди. Энди келинининг йўлини пойлаб, осмондан нажот кутиб ўтиришга мажбур қолмаганди. У ўглининг кетидан боринига, у ерда бир иш чиқмаса Расулга, Расулдан нажот топмаса, унда ҳам юқориларга чиқишга бел боғлади. Эрталаб у катта қизига (шўрлик қизи ҳам ўз уйига қарар, ҳам ҳар кун отасидан хабар оларди!) сув иситишни буюрди. Сўнг, худди Ойсулув билан ҳазрат Уккошага отланганлариди қилганидек, яхшилаб ювинди, соқол-мўйловини олиб, ўшандаги кийимларни кийди. Шу пайт яна сеvimли набираси кўчадан чонқиллаб кирди.

— Дадажон, дадажон! «Жигули»да меҳмонлар келинди. Бирам чиройли, бирам пасонларки!..

Шоввоз певарасини етаклаб, ташқарига чиқди. Дераза олдида Расулнинг қизи Нигора билан қорачадан келган, озгингина бир йигит турарди. Шоввоз бу йигитни қасрдадир кўрганди. Ҳа, эсига тушди: Расулнинг кўёви! У қайси бир йил қишлоққа келиб, совхоз боғига бир ўқ еб қулаётган, иккинчиси уни жон-жаҳди билан ушлаб қолишга уринаётган жуфти ҳалол оққушларнинг оқ мрамрдан ясалган ҳайкалчасини ўрнатиб кетганди. Тунов кун Шоввоз боғдан ўтаётиб бу ҳайкалчага кўзи тушган, шунда ўқ еб қулаётган оққуш негадир Ойсулувни эслатиб, юраги «шиг» этганди!..

✓ Нигоранинг айтишича, Меҳринисо дадасига телефон қилиб, Шоқосимнинг тергов қилнаётганини айтган, дадаси бу гапдан Белобородов деган масъул индаги оғайнилари хабардор қилган эмиш (Шоввоздан Меҳринисо ҳам тузук чиқди!). Дадаси уни бу гапларни оғайнисига етказиш учун юборибди. Беҳзод эса, Ойсулувнинг суратларини кўриб, расмини чизини учун келипти!

Шоввоз Беҳзоднинг ёш боладай қимтииб-қизариб айтган илтимосини эшитиб тамгин кулимеиради:

— Шўрликнинг сурати ҳам кўн эмас, борини кўрсатаман, болам. Аммо Ойсулувнинг қанақа аёл бўлганини кўз олдинга келтирмоқчи бўлсанг... маана, катта қизимга қараб билаверасан. Умри онасининг умрига ўхшамасин, аммо-лекин худди қўйиб қўйган онаси шу қизим! — деди Шоввоз маъюслашиб, кўзига ёш олиб ўтирган қизига қараб.

Нонуштадан кейин Нигора эри билан Шоввозни қабристонга элтиб қўйди-да, ўзи Шораҳимнинг қизи би-

лап неварасини олиб, «Жигули»сида ҳазрат Уккошага кетди.

Беҳзод гүристон четидаги бир туп тут тагига дафн қилинган Ойсулувнинг қабри ёнида тўхтаб, пастдаги қишлоққа, қабристон чеккасидаги кекса қайрағочларга, сойнинг у юзидаги офтобда эркаланиб ётган яланғоч боғларга узоқ тикилиб турди, сўнг, кўлидаги қора қутичасини очиб, ундаи тўрт оёқли дастгоҳини олди. Дастгоҳни ерга ўрнатиб, устига дастурхондай қоғоз ёпди-да, қабристон манзарасини қоғозга туширишга киришди. Кейин унинг атрофидан «ариқлар ўтказиб», «дарахтлар ўтқаз» бошлади, ўртасидан эса «хийбон»лар, кичик-кичик «гулзор»лар очди. Бир неча жойга митти «шийпон»лар қурди. Бирор соат ўтар-ўтмас қоғозда Шоввоз тасаввур этганидан ўн чандон шипам, сўлим бир жой, қабристон эмас, гўё кўркем бир боғ «барпо» бўлди. Ниҳоят, у қаламини қоғоз устига ташлаб, Шоввозга қаради.

— Қалай, кўнглингиздаги жойга ўхшадими, амаки? Шоввоз ҳайратдан ёқасини ушлади:

— Ўхшаганда қандоқ. Аммо-лекин хўжайинлар йўл кўярмикин қабристонни бунақа обод қилишга?

Беҳзод елкасини учирди:

— Нега рухсат беришмас экан?

— Динни тарғиб қиляпти деб, осилишмаса дейман-да! Нима бўлгандаям қабристон-ку бу ер!

Беҳзод ёш боладай қиқирлаб кулди.

— Бу гап фақат аҳмоқларнинг калласига келиши мумкин!

— Бу дунёда аҳмоқлар озми, болам?

— Ўйлайманки, аҳмоқлардан кўра ақллилар кўпроқ, амаки!

Шу пайт қаердандир аёл кишининг: «Дадажон!» — деб чақирган овози эшитилди.

Қабристон тепасидан ўтган шағал йўлда... пачоқ қанотлари тузатилган, бироқ ҳали бўялмаган «Жигули»лари турар, унинг ичида... бошини осилтириб, Меҳринисо ўтирарди.

— Дадажон! — деди Меҳринисо, чамаси нотаниш одам олдида сир бой бергиси келмай.— Шаҳардан... сизни йўқлаб Соҳиба опамлар кептилар...

Шоввознинг эсига негадир дарров Музаффар тушди, тушди-ю, худди унинг ўлимига ўзи айбдордай юраги зирқираб кетди.

— Майли, сиз кетаверинг, амаки,— деди Бехзод,— Мен кейинроқ ўзим тушиб бораман!

Шоввоз беҳол одимлаб, машинага аранг етиб борди-да, ўзини орқа ўриндиққа ташлади.

Меҳринисо лом-мим демай, машинага газ берди. Шоввоз аллақандай гуноҳкорона туйғудан эзилиб:

— Қалай, қизим? — деди юраги гурс-гурс уриб. — Бирор яхшиликдан дарак борми?

Меҳринисо кўзига гилт-гилт ёш олиб, бошини чайқади.

— Йўқ, дадажон!.. Булар — мен Фотиҳ Музаффаровларни айтяман — ўзлари қамоқда ётса ҳам кимларнидир қўлга олиб, Шоқосим акамдай ҳалол одамларга тухмат қилишяпганга ўхшайди.

Шоввоз нафас етмай, кўйлагининг тугмаларини ечди.

— Нима, чиндан қамаб қўйишганми уни?

Меҳринисо индамай бош иргачи: «Ҳа!»

— Кўра олдингми?

Меҳринисо «йўқ», деган маънода бошини чайқади.

— Қўйишмади, дада. Кейин... Тошкентга, Расулжон акага телефон қилдим...

— Эшитдим. Мендан кўра тузукроқ экансан, раҳмат, болам.

— Кейин... энг катталарига кириб тўнолон қилдим. Шу сабабми ё Тошкентдан бирор иншора бўлдим, ишқилиб, кўришга рухсат беришди.

— Хўш, хўш?

— Рухсат олишга олдим, бироқ... Шоқосим акамлар... Шоқосим акамлар кўришгиси келмадилар мен билан...

Меҳринисо машинани тўхтатди-ю, бошини рулга қўйиб, хўнграб юборди.

Шоввоз шошганда лаббай топилмас, деганларидек, нима қилишини, нима дейишини билмай довдираб қолди. Кўнглида ҳеч қачон, ҳеч кимга кек сақламаган одам, у айбдорларча бош эгиб ўтирарди. Шоввоз бир-икки марта ҳануз титраб йиғлаётган Меҳринисонинг бошини силаб, унга таскин у тасалли беришга чоғланди, бироқ ҳар сафар ёш боладай ийманиб, чўзган қўлини тортиб оларди.

— Сизга ёлгон... кўкка рост,— деди Меҳринисо, кўа ёшларини артиб.— Мен... ўглингиз Шоқосим акамлар олдида тариқча гуноҳим йўқ, дадажон. Ёшлиқ қилиб, у... лўттивознинг ҳийла-найрангларига учганим рост. Бироқ хиёнат қилмадим, дадажон, хиёнат қилмадим!

Шоввознинг хаёлидан: «Дарҳақиқат, бу шўрликда нима гуноҳ? Буни ҳам чалғитишган-ку у қаллоблар!» деган фикр ўтди-ю, юраги чок бўлиб:

— Кўй, қизим, йиглама!— деди ўзи ҳам ўнкаси тўлиб.— Виждонинг олдида пок бўлсанг бас, болам. Бошқа ҳаммаси изга тушиб кетади. Аввал эринг эсон-омон қутулиб келсин-чи! Кейин ҳаммаси яхши бўп кетади, қизим!

Меҳринисо рўмолчаси билан кўз ёшларини артиб:

— Ўзингиз Тошкентга тушиб чиқмасангиз бўлмайди!— деди яра ўнкаси тўлиб.— Булардан қўрққулик, дадажон. Мана, Пулат папка совхозга директор бўпти!

Шоввоз беихтиёр ёқасини ушлади:

— Ёспирай, ростми бу гап!

— Рост, дадажон, рост. Кўп қингир ишларда шу одамнинг ҳам қўли бору, мана тагин келиб-келиб директор қилишипти уни!.. Ўзингиз тушмасангиз бўлмайди, дадажон!

Шоввоз келишининг гапига жавоб берини ўрнига:

— Машинванг шайми узоқ йўлга?— деб сўради.

— Шай, дадажон!

— Шай бўлса сахармардон йўлга чиқамиз, қизим!

Меҳринисо индамай машинани сой томон бурди.

Улар ҳовлиларига яқинлашиб қолгайларида дарвоза олдида турган «Тез ёрдам» машинасидан... эгнига оқ халат кийиб, бошига оқ тивит рўмол ўраб олган аёл тушди: Соҳиба!

Шоввоз Меҳринисога рухсат бериб, «Йигули» дан тушди-ю, Соҳибани яқиндан кўриши билан юрагига раҳм-шафқат аралаш чуқур бир меҳр бамисоли ташқиндай қуйилиб келиб, этлари жимирлаб кетди. У Соҳибанинг қўлини олишини ҳам, олмаслигини ҳам билмай, бир қадам берида тўхтади:

— Омонмисиз, Соҳибахон! Бола-чақалар...

— Раҳмат, Шораҳим ака. Ҳамма гапни эшитгандирсиз. Шунга... невараларимни кўриб кетаёй деб келувдим. Бир йўла сизларни ҳам кўриб кетақолай дедим.— Соҳиба нима бўлганини эшитган чоғи, бир зум каловланиб қолди.— Шоқосимжон областда эмиш...

— Кўрган келган одам кўчада турадим, Соҳибахон! Қани, ичкарига...

Соҳибахон бошини билинар-билимас чайқади.

— Раҳмат, Шораҳим ака. Уйда катта қизингиз бор экан, анча гаплашиб ўтирдик. Мана, сизни ҳам кўрдим,

энди кета қолай,— деди Соҳиббахон ва пигоҳини ердан узиб, настдан юқорига, Шоввоага қаради.

Шоввоз эндигина бу хотишнинг сўнги бир-икки ҳафтада нақадар чўкиб, аллақандай қариб, муңгайиб қолганини кўрди. Соҳиббахоннинг юзи гўё оғир касалдан турган одамнинг юзидай саргайиб, бир бурда бўлиб қолган, унинг бутун қиёфасига қандайдир бетизгин, беаёв бир дард муҳрланганди!

Шоввоз унга тикилгани сайин гўё рўй берган фожиага ўзи гуноҳкордай юраги туз сепгандай ачишиб борар, бироқ нима деб юнатишини, қандай тасалли беришни билмас эди. Ниҳоят, чўзилиб кетган сукутни Соҳиббахон ўзи бузди:

— Майли, мен борақолай. Ойсулув опамлар бўлганларида, балки ёнларида бир кеча тунаб, дардлашиб кетармидим. Начора? Хўп, омон бўлинг, Шораҳим ака. Сизга сабот тилайман!..

— Сизга ҳам, Соҳиббахон!

Соҳиббахоннинг кўзи жиққа ёшга тўлди.

— Сабот ҳам ўлсин, Шораҳим ака! Дадаси, майли, пешонасига ёзилгани шу экан. Бироқ... Фотиҳ... ёмон бўлса ҳам фарзанд экан. Она эса, ўзидан бурун фарзандини ўйлаб ўтар экан бу дунёдан... — Соҳиббахон шундай деди-да, тўсатдан қафтлари билан юзини яширганича, машинаси томон чопқиллаб кетди.

Шоввоз ҳануз юраги бигиз санчилгандай безиллаб, машина кўздан гойиб бўлгунча, орқасидан тикилиб турди.

Ҳа, галати нарса экан бу ҳаёт деганлари! Шоввоз бундан бир-икки ой муқаддам, ишдан ҳайдалиб, мана шу сойда қовурилиб ётганида, бу ишлар етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Аммо... бу шўрликнинг гуноҳи не? Нечуп шафқатсиз тақдир бу бечоранинг бошига бу кунларни солди?

Шоввоз шуларни ўйлаб, бир оз тапхо айланиб юрмоқчи эди, бироқ сойнинг у юзида пайдо бўлган Пўлат папкани кўриб, дарвоза томон шошилди. Шу топда азроилга тоқати бор, аммо барча юлгичларга ҳамтовоқ бўлиб, тагин тегирмондан бут чиққан (бут чиқмаса совхозга директор қилишармиди?) бу писмиққа тоқати йўқ эди! Лекин у бир неча қадам юрмаган ҳам эдики, орқадан:

— Ҳой, Шоввоз, шопима, сенга айтадиган гап бор! — деган овоз эшитилди-ю, Шоввоз истар-истамас тўхтади.

Пўлат папка, одатдагидай, қўлтиғида катта чарм папка, қандайдир ишшайиб келарди.

— Қишлоқда бўлаётган хангомаларни эшитгадирсан?
— Қанақа хангома?
— Ёспирай, ростдан эшитмадингми? Анов аблахдан туғилган аблах — собиқ директоримизни айтаман! — унинг уйидан бир сандиқ олтин чиқди-ку... Ё алҳазар! Одам деган ҳам шундай очкўз бўладими, а, Шоввоз? Бир ўмарганда давлатнинг ярим миллион пулини ўмариб, тагин ҳеч нарса кўрмагандай бўп юришган экан-да, муттаҳамлар. Мана, охири вой бўлди. Ҳақиқат бор экан-ку дунёда!

Шоввоз бирдан қалтироқ босиб:

— Шунақами? — деди бўғилиб. — Ҳақиқат бор эканми? Ҳақиқат бўлса... ота-бола Фармоновлар хонавайрон бўлганда сен писмиқ... ким бургага тузоқ қўйган сендай қаллобли уларга қўшиб ҳибс қилиш ўрнига совхозга директор қилди? Ким? Пахтафурушликни сен қиласан, сохта ведомостларни сен тузасану, авахтада менинг ўғлим ётади! Қани, ҳақиқат?

Пўлат папка олазарақ бўлиб, ён-верига қаради-да:

— Жон биродар! — деб шивирлади. — Ўғлингдан хавотир олма! Уни ўзим қутқариб оламан! Фақат тилини тийса бас, уёғини камингага қўйиб бер, жон оғайни!..

Шоввознинг хаёлидан: «Шу иблис ёзган! Анов ифлос хатни шу мугамбир ёзган!» деган фикр ўтди.

— Шунақа де? Ўғлим сенлар қилган ўғирликларни яшириб, қингир ишларингга шерик бўлса... уни қутқазиб қоламиз де? Йўқ, менинг зурриётим бунақа найраиғларга учмайди, эски игвогар! — Шоввоз писмиқнинг ёқасига чанг солган эди, Пўлат папка ёшига зид бир чаққонлик билан юлқиниб унинг қўлидан чиқди-да, уйи томон пилдираб қочди. Шоввоз, худди биров елкасига пичоқ санчгандай, аъзойи бадани зирқираганяча бир-бир босиб, уйига кирди, қудуқ сувидан бир пиёла ичиб, нафасини аранг ростлади. Аммо уйда узоқ ўтиролмади, на ҳовлига, на боққа сиғмай, қирга чиқди, ундан катта боққа ўтди.

Офтоб ғарбга ёнбошлаган, аммо ҳамон кун илиқ, осмон мусаффо эди. Қаровсиз қолган улкан боғ шипшийдан бўлиб, хувиллаб ётарди. Буни кўриб, Шоввознинг дили баттар хуфтон бўлди: на узумлар хомтоқ қилинган, на анор ва анжирлар кўмилган. Яхшиям кун илиқ, бўлмаса аллақачон ҳамма нарсани совуқ урарди. Шоввоз, боғни таяхо айлалиб чиқди, бир-икки жойда тўхтаб, беш-олти туп олма ва беҳиларни бутаган бўлди. Бу орада

офтоб ботиб, кирдан пода қайтди, оламини сигирларнинг бўкириши, қўй-қўзиларнинг аллақандай зорли, маъюс маъраши тутди.

Шоввоз аста юриб уйга қайтди.

Нигора ҳазрат Уккошадан қайтиб келган, катта қизи билан биргаланиб, ош дамланган экан. Шоввоз ошдан бирикки ошам еди-да, ўз хонасига кириб тўшагига чўзилди. Ойсулувнинг ўлимидан кейин уй ҳам назарида шамсиз хужрадай қоронғи, уни чироқ тугул хатто офтоб ҳам ёрита олмас эди.

Шоввознинг миёсини ҳамон ўша бир ўй, бир алам бетишим бургуларди. Ахир наҳот, мамлакатда ҳақиқат ва адолат учун катта кураш бошланган бу қутлуғ кунларда... тагини Пўлат нисмиқдай нафси бузуқ қаллоблар ишончга кирса-ю, унинг ўглидай пок бир инсон мудҳиш шубҳа ва бўҳтонларга учраса? Бу қандай надомат, қандай поинсофлик ахир? Бу исёнкор ўйлар, бу чексиз алам Шоввозга яна кечаси билан уйқу бермади. Йўқ, Шоввоз элдиликда бу ноҳақликка бардош беролмайди! Курашга тушганда қўйлақдан ёқа, иштондан поча дегандек, у энди токи адолат тантана қилмагунча қўймайди, ўглини тухмат балосидан қутқазиб, Пўлат нисмиқларнинг пайини қирқмагунча олишади Шоввоз! Аммо... аммо... Юрагида жўш урган исёнкор туйғулар яна ўша бетаскин изтироб билан алмашарди.

Шоввоз шу тарзда ўзи билан олишса-олишса тонг пайтда аранг кўзи илтиди, илтиди-ю, туш кўрди. Тушида у бригада тракторига миниб, қабристон чеккасидан ариқ ўтказиш ниятида гўристонга йўл олган эмиш. Лекин ҳали гўристонга етмасдан, осмонда худди булут каби ошпоқ бир оққуш пайдо бўлармиш. Оққуш пастлаб келиб, трактор узра чарх урармишу, баайини Ойсулувнинг овозида:

— Ҳой, дадаси! — деб хитоб қилармиш. — Қаёққа кетяпсиз? Нима қилмоқчисиз ўзи?

«Вой тавба! Сулувжонмисан? Қачон оққуш бўлдинг?» — дермиш Шоввоз лолу ҳайрон бўлиб.

«Ҳа, эсингиздан чиқдимми? — дермиш Оққуш-Ойсулув. — Полашонларимиз қанот ёзиб учиб кетгандан кейин, иккимиз оққуш бўлиб учиб кетган эди-ку, бирпасда ёдингиздан чиқибди-да, дадаси?»

«Ҳа, энди эсимга тушди, — дермиш Шоввоз. — Бироқ тоғлар оша учиб кетаётганимизда сени анави номард Музаффар отиб йиқитган эди-ку! Мен бўзлай-бўзлай орқага қайтган эдим-ку, Сулувжон!»

«Йўқ, дадаси,— дермиш Оққуш-Ойсулув.— Ўшанда Музаффар Фармоннинг ёнидаги Расулжон акамлар мени уйларига олиб бориб боқдилар. Яраларимга малҳам бердилар. Кейин хоҳлаган томонингга кетавер, деб осмонга қўйиб юбордилар. Мен учиб-учиб, сизнинг олдингизга келдим...»

«Тилланингдан ўргилай, Сулужон! — дермиш Шоввоз.— Мен сени ўлди деб, бу ерда не кўйларга тушиб юрибман. Қабрингни обод қилай, ўлсам мени ҳам сенинг ёнингга қўйишсан, деб яхши ният қилганман...»

«Вой, нима деяпсиз, дадаси? — дермиш Ойсулув-Оққуш.— Шўрлик ўғлимиз авахтада қовурилиб ётганда қабристонга бало борми? Агар менинг руҳимни шод қилман десангиз, аввал ўғлингизни ўйлаш!»

«Ўйлашман, Сулужон,— дермиш Шоввоз.— Ўйлавериб адоий тамом бўлдим!»

«Бу гапдан нима фойда, дадаси? — деб нола қилармиш Ойсулув-Оққуш.— Бу ишингизни қўйинг! Қатта маҳкамаларга боринг! Ёшлигингизда адолат учун Пўлат панка билан олишган одам, вахот энди бу ёмонлардан қўрқсангиз? Меши ўйлагунча ўғлимни ўйлаш! Шоввоз номингизга иснод келтирмай, боринг, ҳақиқат қилинг!»

Тонг отган, уй ёп-ёруғ эди. Шоввоз ғалати тушгани эслаб, бир лаҳза хайратланиб ётди. Ажабо: унинг вужудидаги кечаги оғриқ йўқолган, кўнгли сув ичгандай равшан эди. Тўсатдан шаҳарга бормоқчи экани эсига тушиб, ўрнидан сапчиб турди. У шоша-пиша кийиниб, энди ташқарига чиқаётган ҳам эдики, эшик оҳиста тақиллаб, остонада Меҳринисо кўринди. Унинг қўлида телеграмма, кириқларини нам, аммо озиб, сўлиб қолган чехраси аллақандай ёришиб кетган эди.

— Суюнчи беринг, дадажон! Ўғлингиз озод бўпти! — Меҳринисо шундай деб, қўлидаги телеграммани Шоввозга чўзди. Телеграмма Расулдан эди.

«Ўғлинг чиқди. Бизникида. Ташвини қилма. Нуридино».

Шоввоз тўсатдан томоғи тип бўғилиб, Меҳринисога юзланди:

— Сени ҳам табриклайман, болам. Бўёғи... илоҳим омон бўлинглар, қўша қаринглар, бола-чақаларингни роҳатини кўринглар.

Меҳринисо «қулт» этиб ютинди-да, кўзёши аралаш илжайди.

— Энди нима қиламиз? Бормай қўя қоламизми, дада? Шоввоа мўйловини силаб, бир дақиқа сукутга чўмди, сўнг:

— Йўқ, борамиз! — деди қатъий. — Музаффар Фармонлар тузоққа илинса ҳам Пулат папкалар қолган экан... ҳақиқат таянча қилолмайди, болам. Илдизи теран буларнинг!.. Мана, қайнопанг шўрлик ҳам тушимга кириб, таъна қилипти: ёшлигингизда адолат учун кўркмай олишардингиз, Пулат папкалардан тап тортмай курашардингиз, энди нусиб ётибсиз, дейди! Фармоновлар бамисоли халқнинг танасига ёнишиб олган зарпечак бўлса, Пулат папкалар шу зарпечакнинг илдизи! Буларни таг-томири билан юлиб ташламагунча адолат қарор топмайди, қизим! Ҳақиқат ва адолат тўйхонанинг оши эмаски, биров товоққа солиб, олдимизга опкен қўйса. Бормасак бўлмайди, борамиз, қизгинам!

1983—1987 йиллар

На узбекском языке

Адыл Якубов

Белые, белые лебеди

Роман

Редактор *М. Аҳмедова*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *У. Сайдуллаев*

ИБ 4302

Босмаxonата бермади 16.03.88. Босишга рухсат этилди 14.09. 88. Р-14787. Формати 84x108¹/₃₂ Босмахона қоғози № 2. Янги олдий гарнитурa. Юқори босма. Шартан босма д. 17,64+0,52 мм. Шартли хр.-оттиси 20,58. Нашр д. 17,75+0,95 мм. Тиражи 80000. Заказ 1117. Баҳоси 4-муқовада (100 нуска) 1с. 90т. 5- муқовада 1с. 50т. Шартнома № 238-87

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва нитоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полияграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент, 700129. Навоий йўчаси, 30.